  7. JURAEV Z.M.Classification of world manuscripts source study of Mavardi product “Ahkom” general characteristic of thesis. // “Turkiya va O‘zbekiston o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani.– Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating Silkroad: past, present and future of turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpek yolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul. July 2019. 1ST Edition Istanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – P. 195- 199. ISBN:
  8. JURAEV Z.M. The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product «al-Ahkom-as-sultoniya-val-valoyot ad-diniya». // “Turkiya va O‘zbekiston o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani. – Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating silkroad: past, Present and future of Turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpekyolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul July 2019. 1ST Edition Istanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – 224-232.
  9. ЖўраевЗ.М. Абулҳасанал-Мовардийнингсалтанатбошқарувтаълимоти: “ал-Аҳкомас-Султонийявал-валоётад-динийя” асари. //Паёмидонишкада/Махзаниилм. Вестникинститута. Herald of ibstitute. НашримаксусСпециальныйвыпуск/Special edition. 2019 N 2.– Б. 142– 147. ВазоратимаорифваилмиЧумҳурииТоҷикистонДонишкадаиомўзгорииТоҷикистондаршаҳриПанҷакент. МАВОДИ: анҷуманиилмий-амалиибайналмиллалйбахшидабаСолирушдидеҳот, сайёҳивахунарҳоимардумй, ҳамчунинбарномаиДаҳсолаибайналмилалиамал, Оббароирушдиустувор, бароисолҳои 2018-2028’, Масоилимубрамиилмҳоипедагогй, иҷтимоий-гумнитарйивафанҳоидақиқдарзамони муосир’, 6-10 июлисоли 2019 дарДонишкадаиомўзгорииТоҷикистондаршаҳриПанҷакент.
  10. ЖўраевЗ.М., О.Масалиева. ТуркистонваҚорачиққишлоғиданетишибчиққанАллоҳнингдўстларишажараситаҳлили.//Collection ofmaterials Ibtternational Scientific Conference



- “Karachik – a city withan ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 69-81.
11. ЖўраевЗ.М.  
ЎнбирАҳмадзиёратгоҳивамуҳриҳам дағалабабайроғи.//Collection ofmaterials Ibternational Scientific Conference “Karachik – a city withan ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 101-108.
12. ЖўраевЗ.М.,  
М.ХўжаевХўжаАҳмадЯссавийнингав лоди “Қутб-ул-ақтоб” шоҳиЗангибобонингнасабномаси. //Collection ofmaterials Ibternational Scientific Conference “Karachik – a city withan ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. –Б. 109-115.
13. З.И.Мунавваров., Жўраев. З.М. Мовардийнинг “ал-Аҳкомас-султонийявал-вилаётад-динийя” асари – мусулмонШарқидавлатчилигигаоидм уҳимманба. // Ўзбекистонхалқароисломакадемияс иахборотномаси. – Тошкент, 2018. №1. – Б. 15 – 19.
14. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. AL-AHKOM AS-SULTONIYYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYYA IN SOURCE CLASSIFICATION OF WORLD MANUSCRIPTS STUDY OF ABULHASAN MAVARDI PRODUCT. – 438-450 bb.
15. International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, Senior teacher of the department “The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization A.Kadiri. juraev741@mail.ru11, Tashkent, 100011, Uzbekistan. Acting associate professor of the Department "Source studies and archival studies" of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Received: 21.11.2019 Revised: 19.12.2019 Accepted: 17.01.2020.© 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license.http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82.http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/.http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82.
16. SCOPUSMasalieva Oltinoy Masalieva Doctor of philosophy, associate professor, Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan.
17. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich Doctor of philosophy, associate professor, National university of Uzbekistan after named Mirzo Ulugbek Address: Uzbekistan,Tashkent, Yunusabad 11/52/25 Email: masaliyevaoltinoy@gmail.com.The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811. Article Info Volume 83 Page Number: 1803 - 1811 Publication Issue: March - April 2020. Article History Article Received: 24 July 2019 Revised: 12 September 2019 Accepted: 15 February 2020 Publication: 16 March 2020. Published by: The Mattingley Publishing Co., Inc.
- Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. The work “Al-Ahkom as-sultoniyya va-l-

- valoyat ad-diniyya” of Movardiy X-XI centuries. – LAPLAMBERT Academic Publishing. Cover image: www.Imgimage.com ISBN: 978-620-2-51928-1 2020 Copyright InternationalBookMarketService Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group. 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Maurits. -169 p.
18. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (PhD) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalievna Masalievna Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5.525 OCLC - 1121105668 editor@usajournalshub.com www.usajournalshub.com/index.php/tajssei/SJIF 2020: 5.525 ISSN: 2689-100X Crossref The USA Journals Volume 02 Issue 12-2020 43
19. Масалиева Олтиной Масалиевна. Бухорохонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари. Некоториые аспекти источникovedения история Бухарского ханства. Masalievna Oltinoy Masalievna. Uzbekstateworldlanguagesuniversity Associate professor, doctor of philosophy (PhD) ю SOME ASPECTS OF SOURCE STUDY THE HISTORY OF BUKHARA KHANTIAN. // Ўтмишга назар/Взгляд в прошлое / Look to the past <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-611/2019-38-43> стр.
20. International Journal of Research ISSN: 2348-6848 Vol-6, Special Issue-5 3 rd EduINDEX International Multidisciplinary Conference held on 6-7th April 2019 at Edupedia Publications Pvt Ltd, New Delhi Available at <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> Page | 210 MUHAMMAD SHARIF SADRI ZIYA AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE Masalievna Oltinoy Masalievna Doctor of philosophy Associate professor Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan. <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive-210-213> b.
21. LES LIEUX DE PÈLERINAGE DE L’OUZBÉKISTAN. Auteurs: Chef du projet docteur en Science de l’Université Nationale de l’Ouzbékistan Raima Shirinova Docteur en histoire de l’Université des langues du monde de Tachkent Oltinoy Masaleva. ISBN: 978-9943-5785-4-8 ©"INFO CAPITAL GROUP" LLC. – 89 b.
22. Masalievna Oltinoy Masalievna. History Research Journal. Research Journal ISSN: 0976-5425 Vol-5-Issue-5-September-October-2019 Page | 20 Copyright © 2019 Authors The role of Sh.H.Vohidov, the scientist in the historiography, in the emirate of Bukhara./ Candidate of Historical Sciences, Associate Professor Uzbek State World Languages University Department of Uzbekistan History. Copyright © 2019 Authors. – 20-25 b.
23. Масалиева Олтиной Масалиевна. БУХОРОХОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЁРТИ ШДА СОВЕТ МАФКУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-611/2019-38-43> стр.

- 9599-2019-3-7 тарихфанлариномзоди, доцент Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети. / THE INFLUENCE OF THE SOVIET IDEOLOGY IN COVERING THE HISTORY OF THE BUKHARAN KHANATE Masalieva Oltinoy Masalieвна Associate Professor, PhD, Uzbek State University of World Languages. – 66-74 b.
24. Dr. Masalieva Oltinoy Masalieвна. Local historiography of Bukhara Emirate. HIMALAYAN AND CENTRAL ASIAN STUDIES. (JOURNAL OF HIMALAYAN RESEARCH AND CULTURAL FOUNDATION) NGO in Special Consultative Status with ECOSOC, United Nations. Vol. 21 No. 4 October-December 2017. ISSN 0971-9318. Himalayan and Central Asian Studies Vol. 21, No. 4, Oct.-Dec. 2017 -39-52 b.
25. Мухамеджанов А. Характеристика основных изданных источников по взаимоотношениям Бухарского ханства с Россией в 20-50 - годах XIX в.- Т., 1955; Мухаммаджонов А., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. (XIX асрнинг 20-50 йиллари).– Т.: Фан, 1957.
26. Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар ( XIX асрнинг 20-50 йиллари). –Т.: Фан, 1957.
27. Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар... - 9 б.
28. Мухаммаджонов А. Қўйи Зарашон водийсининг суғорилиш тарихи. – Т.: Фан, 1972.-376 б.
29. Мухаммаджонов А. Қўйи Зарашон водийсининг суғорилиш тарихи... – б.45.
30. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX–нач. XX вв.). Материалы к исторической географии Средней Азии.– Т.: Университет, 2001.–С.157;
31. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
32. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
33. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
- Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
34. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
35. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
36. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## **УСТОЗ БЎЛСА – ШУНДАЙ БЎЛСАДА**

### **МУҲТОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧ ПАРДАЕВ**

**ЎЗР ФА МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМИ,  
ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Марказий Осиёнинг йирик тарихий-маданий ўлкалари қаторидан қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган Уструшона мамлакати ва унинг шимолий, шимоли-ғарбий, ғарбий ҳудудлари ҳисобланмиш Жиззах воҳаси ҳам муносиб ўрин олган. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг муҳим ижтимоий, иқтисодий, маданий вилоятларидан бири бўлган Жиззах воҳаси тарихининг қадимийлиги, узвийлиги, халқимизнинг азалий ўтмиш қадриятлари билан умумийлиги ва айниқса, чамбарчас боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланган. Лекин, ўтган асрнинг 70-йилларида ва ҳатто 80-йиллари бошларида ҳам бу ҳақиқат баралла айтилмас, нашрларга киритилмас, бунга сабаб, ўша кезларда янги ташкил топган, ёш Жиззах вилоятининг қадимий тарихи, археологиясини изчил, аниқ илмий режалар асосида ўрганиш масалалари энди энди кун тартибига қўйилаётган эди. Лекин, мазкур фикрлардан ўша пайтга қадар Жиззах воҳасида умуман археологик изланишлар ўтказилмаган эканда, деган хаёлга бормаслик лозим. Ўтказилган албатта, лекин бу изланишлар махсус, илмий дастурлар асосида бўлмай, балки, йўл-йўлакай, мавсумий, сайёр археология отрядлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар характерида бўлган.

### **КИРИШ**

Устозларимиздан, хусусан, бугунги кунда туғилганларига 90 йил тўлган, таниқли олим, Марказий Осиё ирригацияси ва техникаси тарихи бўйича йирик мутахассис Абдулаҳад Муҳаммадҷоновнинг (Аллоҳ раҳмат қилсин) ҳикоя қилишларича, урушдан кейинги даврларда, 1950-йилларнинг иккинчи ярми, 1960-йиллар бошларида Моҳандарё экспедицияси раҳбари, ўзбек миллий археология мактабининг асосчиси Яҳё Ғуломов ўз шогирдлари билан Бухоро воҳасига экспедиция сафарига чиқишар экан, боришда Чинозда 3-4 кун,

Жиззахда 4-5 кун, Самарқандда 5-6 кун тўхтаб, йўл-йўлакай ушбу ҳудудларнинг археология ёдгорликларини ҳисобга олишар, баъзиларида кичик ҳажмли қазув ишлари ўтказиб, ҳар бир тарихий-маданий воҳанинг қадимиятига, унинг моддий-маданиятига, хронологиясига аниқликлар киритиб, шу тариқа дастлабки археологик тадқиқотларга тамал-тоши қўйишар экан. Жиззах шаҳри ва уни атрофидаги шундай қидирув, қазув ишларида фаол қатнашган, Я. Ғуломовнинг энг ишонган шогирдларидан бири бўлган устоз А.Муҳаммадҷонов

Жиззах археология ёдгорликлари, воҳа шаҳар-қишлоқлари ва ҳатто у ерда яшовчи баъзи одамлар ҳақида яхши билим ва маълумотларга эга эдилар. Буни мен бу табаррук инсон билан илк марта учрашганимдаёқ орамизда ўтган савол-жавоблар, суҳбат давомида дарҳол англаганман. Алоҳида таъкидлашим лозимки, Жиззах воҳасининг ўрганилиш тарихи муқаддимасига беназир устоз, таниқли ўзбек археолог ва тарихшуноси Я. Ғуломов асос солган бўлса, унинг давомли ривожланиши, равнақ топишида бу улў алломанинг шогирдларидан А. Муҳаммадҷонов, А. Асқаров, Ю. Буряков ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, Я. Ғуломов мактабининг яна бир ёрқин намоёндаси, мамлакатимизда археология фани тараққиёти учун катта ташкилий, илмий, педагогик ишларни амалга оширган ва ҳозирга қадар бундай ишларни амалга ошираётган олим, академик А. Асқаров ташаббуси билан 1979 йилда ЎзРФА Археология институти қошида “Шимолӣ Уструшона” археология отряди тузилади ва унинг биринчи раҳбари Эгамқул Қодиров бошчилигида Жиззах, Сирдарё вилоятларида режали асосда дастлабки қазув, қидирув тадқиқотлари бошланади.

Бу пайтда мен собиқ ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг тарих факультетида археология ихтисослиги бўйича сўнги босқичда таҳсил олардим. 1979 йилнинг куз ойларида диплом ишим учун навбатдаги дала амалиётини Қашқадарёда ўтаб, бир неча кунга Жиззахга, ота уйимга келдим ва бу ерда мени келгуси тақдирим учун катта бурилишларга сабаб бўлган янгиликни эшитдим. Маҳалламизнинг шарқий қисмида жойлашган Қалиятепада Самарқанддан келган археолог мутахассислар қазув ишларини ўтказаятгани мен учун албатта, катта янгилик эди. Эртаси куни Қалиятепага бориб, у ердаги ишлар билан танишдим. Ёдгорликнинг шарқий мудофаа девори яқинидан стратиграфик шурфқазилаётган экан. Илк маротаба Қалиятепанинг маданий қатламлари, топилмалари билан танишдим.

Кейинги куни отряд бошлиғи Эгамқул Қодиров (Аллоҳ раҳмат қилсин) билан танишдим. Дўстона суҳбат якунида Эгамқул ака менга Жиззах вилоятида эндиликда стационар археологик тадқиқотлар йўлга қўйилаётгани, бунга нафақат айна пайтда отряд таркибидаги илмий ходимлар, балки маҳаллий кадрларнинг ҳам хизмати катта бўлиши мумкинлигини таъкидладилар ва мени Самарқандга ФАнинг Археология институтига ишга таклиф қилдилар. Орадан 2 ой ўтиб Самарқандга бордим, Эгамқул акани ёрдами билан институт раҳбари А.Асқаров томонидан имзо қўйилиб муҳр босилган, мени ишга таклиф қилинганим ҳақидаги расмий ҳужжатларни олиб Тошкентга қайтдим ва факультет деканатига топширдим. 1980 йил ёз ойлари бошида ўша пайтдаги қатъий қоида “распределение” бўйича мен ЎзРФАнинг Самарқанддаги археология илмий текшириш институтига ишга сафарбар қилиндим. Барча курсдошларим қатори мажбурий ҳарбий хизмат-курсантлар амалий ўқув йиғинига чақирилганим туфайли мени ишга чорлаган Археология институтига анча кечикиб, 1981 йилнинг 12 январиди ташриф буюрдим ва илк маротаба иш фаолиятининг дастлабки йилларида мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, ўз маслаҳатлари билан тўғри йўлни кўрсатган, ажойиб инсон, устоз Абдулаҳад Муҳаммадҷонов билан учрашдим. Қабулхонада деярли ушланмадим, дарҳол ичкарига, ўнг томондаги 2 та ойнабандли дераза туфайли, чароғон, кенг хонага кирдим. Хона тўрида ҳашаматли иш столи ёнида тикка турган ҳолда котиба олиб кирган мени ҳужжатларимни кўздан кечираятган, ихчам жуссали одамни кўрдим ва дарҳол салом бердим, мен томон пешвоз чиқиб келаятган домла билан қўшқўллаб кўришдим. Қисқа салом аликдан сўнг Абдулаҳад домла ҳам савол, ҳам изоҳ мазмунидаги -“ Пардаев биз сизни анча узоқ кутдик, келавермаганингиздан сўнги бошқа бир ёш мутахассисни ўрнингизга ишга олдик”, - дедилар. Бу гапдан беихтиёр довдираб

қолган бўлсамда, дарҳол, ўқиш тугагандан сўнг 3 ойлик ҳарбий хизматга жўнаганимизни, барча қатори хизмат тугагандан кейингина диплом қўлимга текканини айтдим. “Буни устига яқинда уйланганга ҳам ўхшайсиз”, - дедилар домла ҳиёл кулимсираб. Табиатан жуда зийрак бўлган Абдулаҳад домла эгнимдаги ҳали охори тўкилмаган кийимларим, айниқса, бармоғимдаги никоҳ узугимдан фикрлаётганларини англадим ва декабр ойида никоҳ тўйим бўлганлигини билдирдим. Шу пайт директор кабинетига 3 та барваста, узун бўйли ўрта ёшдаги ходимлар ва бир аёл кириб келишди. Кейинчалик, билишимча буларни бири фан бўйича директор ўринбосари Ю.Ф.Буряков, иккинчиси Антик давр бўлим бошлиғи Р.Ҳ. Сулаймонов, учинчиси партия ташкилоти котиби Т.Қ.Ходжайов, кадрлар бўлими бошлиғи Л.М.Кулепистина экан. Котиба орқали махсус чақирилган ушбу ходимлар билан институт директори А.Муҳаммаджонов ўзимни иштирокимда менга иш ўрни топиш, қайси бўлимга ишга олиш масаласида маслаҳатлашишди. Яхшиямки, туғруқ таътилига кетган бир ходиманинг ўрни бўш экан, мени розилигим билан шу ўринга олий маълумотли катта лаборант лавозимига, домла бошқараётган “Ўзбекистоннинг суғорилиш тарихи” бўлимига шу бугуноқ ишга оладиган бўлишди. Мен учун ўзига хос тарихий сана 1981 йилнинг 12 январидан Археология институтидаги иш фаолиятим бошланди, тез орада институт ёнидаги 2 қаватли “дом”нинг 16-хонадони, ёшлар ётоқхонасидан жой ҳам ажратилди.

Ўша йилги қиш мавсумида Жиззах материаллари билан танишдим, отряд ходими Руслан Бадахов билан 1980 йилда Қалиятепада ўтказилган қазув тадқиқотлари натижасида олинган кулоллик идишларини ҳисобот сессияси учун тайёрлай бошладим. Устоз А.Муҳаммаджонов бўлим бошлиғи сифатида ора-чорада хонамизга кириб қолиб, йиллик ҳисоботга тайёргарлик боришини назорат қилар, кўпинча бир ўзим

ишлаб ўтирганимда келсалар мен билан 15-20 минут чамаси суҳбатлашар, Жиззах, маҳалламиз, ота-онам, авлод-аждодим ҳақида сўраб-суриштирар эдилар. Шундай суҳбатларнинг бирида Абдуназар, Абдураҳмон исмли маҳалладош ака-укаларни сўраб қолдилар. Туйқусдан сўралгани учун бу инсонларни ким эканлиги хотирамга келмасди. Шунда домла уларни отасининг исми Сойиб бобо эканлигини айтдилар. Дарҳол эсимга тушди, бу биз билан деярли қўшни бўлиб яшаётган ака-ука Сойибовлар эди. Домлани ҳикоя қилишларича, Я. Ғуломов раҳбарлигида 1960 йилларда ўтказилган Қалиятепадаги изланишлар чоғида ёдгорлик атрофидаги бепоён бедазорлар қоровули Сойиб бобо уларнинг ош-овқатидан хабар олиб турган, қоровул бобо бир неча марта бедазордан бедана овлаб “Жиззахча” бедана палов қилиб берган эканлар. Шу тариқа, таниқли олим, устоз А.Муҳаммаджонов раҳнамолигида институтда, институтнинг Жиззах отрядида ишни бошладим.

1983йил3-5 сентябр кунлари Археология институти тарихида биринчи марта юксак даражали халқаро илмий анжуман СССР–АҚШсимпозиуми ўтказилди. Симпозиум кунидан 2 ой аввал барча экспедициялардан ёш ходимлар чақириб олинди, институтдаги тайёргарлик, ободончилик ишларига жалб қилинди. Шундай кунларнинг бирида, домла Абдулаҳад ака мени хоналарига чақиртирдилар ва илмий ишларим, нашр, ҳисоботда қатнашганим ҳақида сўраб суриштирдилар. Жавобимдан қоникдилар шекилли, бир масала юзасидан ўша заҳоти ариза ёздириб олдилар. Шундан сўнг, оиламни Жиззахдан Самарқандга олиб келиш мақсадим бор-йўқлиги билан қизиқдилар. Шу пайтгача ҳар ҳафта шанба-якшанба кунлари Жиззахга кетиб, душанба куни ишга қайтиб келардим ва вақтимни анча қисми йўлга сарфланарди. Дарҳол, уй-жойни иложи бўлса оиламни кўчириб олиб келишим мумкинлигини айтдим ва шундан сўнг директор кабинетига ўтириб, яна битта

ариза ёздим. Тез кунда бу аризалар ўз “мева”сини берди. Археология институтининг навбатдаги Илмий Кенгаши кун тартибига мени катта лаборантликдан кичик илмий ходим лавозимига ўтказиш масаласи қўйилди ва бир овоздан бу масала ижобий тасдиқланди. Яна бир неча кун ўтгач Институт Касаба Уюшмаси қарорига асосан директор А.Муҳаммаджонов буйруғи билан институт ҳудудидаги “ведомственный дом”нинг 16-хонадони мени ихтиёримга берилгани маълум бўлди. Бунгача эса, ҳали 25 ёшга тўлиқ тўлмаган бир ёш археологга, яъни менга Жиззах отрядига раҳбарлик қилиш домла тавсияси билан топширилган эди. Қолаверса, юқоридаги халқаро симпозиум ўтганига ҳеч қанча вақт бўлмай домла Археология институти директори лавозими ишидан кетдилар ва ҳеч қанча вақт ўтмай ЎЗРФА Тарих институти директорлигига тасдиқландилар. Кейинчалик, ўйлаб қарасам, Археология институти раҳбарлигидан кетишлари домлага аввалдан маълум бўлган ва шу сабабли менга қўлларидан келгунча мурувват қилган эканлар. Бу ёрдам, қўллаб-қувватлашларда ҳеч қандай қонунбузарлик, таъма ёки бошқача ҳолат асло бўлмаган. Баъзан ўйлаб қоламан, нима сабабдан Абдулаҳад домла менга нисбатан бу даражада марҳаматли бўлдилар, бўлимимизда менга ўхшаган ёшлар анчагина эдику. Ва жавоблар топгандай бўламан. Менимча, домла, мени ўзларининг потенциал шогирдлари, деб қабул қилганлар, яъни илмий ишимга раҳбарлик қилиш бўлим бошлиғи сифатида у кишининг ваколатларига кирарди. Қолаверса, домланинг Жиззах воҳасига илмий жиҳатдан қизиқишлари катта бўлиб, ибтидоий жамият даври билан саналанган Жиззах яқинидаги Сайхонсой, Тақали қоятош суратлари, Ўрта Осиёда ягона Форишдаги ўзига хос “акведук”, сомоний даври сув омбори Хонбанди иншооти, қадимда асос солинган, XVI асрда Абдуллахон II даврида қайта қазилган Туятортар канали домла томонидан кашф

қилинган, маромига етказиб ўрганилган эди. Шахсан мен Жиззах воҳаси учун Туятортар канали орқали Зарафшон сувининг еттидан бир қисми олинганини Абдулаҳад домла қаламига мансуб таниқли илмий асар “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи”(Тошкент, 1972)идан ўқиб билганман. Хонликлар даврида йўлга қўйилган ушбу сув тақсимооти не ажабки, худди шу тахлитда ҳозиргача амалда қўлланилади. Эҳтимол мана шу томонлар ҳам устозни менга нисбатан фавқулודда меҳрлироқ бўлганлари сабабларининг айрим жиҳатларидир.

Абдулаҳад домла Тошкентга кўчганларидан сўнг орадан йиллар ўтиб борди, энди ҳар замонда, ўшандаям илмий анжуманларда кўришиб турдик, Самарқандга келганларида суҳбатларидан, панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлдик. 2000 йиллар бошида укам, шарқшунос тарихчи, форс тили бўйича мутахассис Ахрор Пардаевни домла шогирдликка қабул қилдилар. Ахрор 2004 йилда ЎЗМУ қошидаги Ҳимоя кенгашида “Жиззах беклиги-Ўрта Осиё хонликлари даврида”, деган мавзуда номзодлик ишини муваффақият билан ёқлади. Ҳимоядан кейинги “бир пиёла чой”пайтида устоз Абдулаҳад домла табрик айтдилар. Табиатан сўзамол, турли афоризмларга бой домла таъсирчан табрик сўзларини охирида -“ аслида мени расмий шогирдим Мухторжон бўлиши керак эди, замонани зайли билан бу нарса амалга ошмай қолганди, тақдирни қарангки, акасини ўрнига укаси Ахроржонга устозлик қилиш насиб қилди. Мен бундан бениҳоя хурсандман”- дедилар. Орадан 21 йил ўтса ҳам бу нарсаларни устоз хотирасида қолганлиги мени тўлқинлантирди, беихтиёр томоғимга нимадир тиқилди. Доно халқимиз бекорга айтмаган эканда, - “Устоз отангдай улуғ ”,-деб. Қанийди, устоз бўлса-шундай бўлсада.

Ушбу хотираларни ёзар эканман, кўнглимда шундай комил ишонч пайдо бўлди.Ҳазрати инсон бўлиб яшаб ўтган, устоз Абдулаҳад домладан мен каби жуда

кўплаб шогирдлар, ёш мутахассислар, оддий одамлар турфа яхшиликларни кўришган. Бир миришкор боғбон каби домла одамлар қалбига илм ва зиё, яхшилик ва мурувват, меҳр ва муҳаббат уруғини қадаб кетгандек. Бу эзгулик уруғлари бугунги кунда униб чиқиб жамиятимизда фақат яхшилик ва эзгуликка хизмат қилаётганишак-шубҳасиздир.



## АКАДЕМИК АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВНИНГ “БУХОРО МАКТАБИ”

**МАНЗИЛА БОҶИЕВНА ҚУРБОНОВА**  
БУҲДУ ДОЦЕНТИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ

### АННОТАЦИЯ

Бухоро тарихи, археологияси ва этнографиясини ўрганишга кўп олимлар самарали ҳисса қўшганлар. Улар орасида академик Абдулаҳад Муҳаммадҷоновнинг ўзига хос ўрни бор. Негаки, бу инсонни нафақат олимлар, балки Бухоронинг барча ёшу-қариси танийди ва Бухоро тарихини ўрганишнинг фидойиси сифатида қадрлайди.

Тарих фанининг энг муҳим соҳаси этнография фанибўйича академик Абдулаҳад Муҳаммадҷонов ва академик Карим Шониёзов раҳнамолигида ўзига хос “Бухоро мактаби” яратилди. Бу мактабда тадқиқотлар олиб боришга лаёқати ва иштиёқи баланд, илмий салоҳияти етарли тадқиқотчилар йиғилган эди. Бу мактабнинг илмга чанқоқ, илм-фанда янгиликлар яратишга ошурфта вакиллари республикамизданафақат тарих, балки этнография фанини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшганликлари ҳаммамизга маълум.

### КИРИШ

Устоз республикамиз мустақиллиги илк йилларида Бухоро давлат педагогика институти тарих факультети “Умумий тарих” кафедрасида “Археология” фанидан талабаларимизга маърузалар ўқир эдилар. Зукко тарихчи, шарқшунос, археолог олимнинг мазмунли, мароқли маърузалари тингловчи ўқитувчи ва талабаларни ҳайратга солар эди.

Бугунги кунда хотирлашга арзийдиган лаҳзалар ва воқеалар анчагина. 1991 йил Бухоробахори кунларидан бирида Франция университетидан эр-хотин тадқиқотчилар устозни сўраб келишади. Уларнинг асли келиб чиқиши туркиялик бўлиб, биз билан

бемалол ўзбек тилида мулоқот қилишди. Суҳбат жараёнида уларнинг Бухоро авлиёлари, мазор вамақбаралари тарихи билан шуғулланишлари маълум бўлди. Шунда устоз А.Муҳаммадҷонов “биз ўз тарихимизни, анъана ва урф-одатларимизни ўзимиз ўрганишимиз зарур, четдан келган тадқиқотчи бу масалаларни сизларчалик билмайди, тадқиқ этганда ҳам чуқур, кенг ва хусусан ҳар доим тўғри ўргана олмайди, бу ишни фақат Бухорода туғилиб, вояга етган, сиз бухороликлар қила оласиз” деб ҳаммамизни хушёрликка чақирган ватанпарвар, халқпарвар, қадриятпарвар инсон эдилар.

1994 йил куз фасли, диссертациям поёнига етган, ЎзРФА Тарих институти “Этнология” бўлимида муҳокама қилинган, бўлим авторефератни нашрга тавсия этган. Бу даврда А.Муҳаммаджонов ЎзРФА Тарих институти директори ўринбосари лавозимида ишлар ва диссертациям билан боғлиқ жараёнлардан хабардор эдилар. Шунинг учун ҳам домла “диссертациянгизни менга ўқишга беринг, бир ҳафтадан кейин ўзим билан Бухорога олиб бораман”-деб қолдилар. Илмий раҳбарим, устозим академик К.Шониёзовнинг рухсати билан диссертациямни ўқиш учун А. Муҳаммаджоновга бердим. Бир ҳафтада диссертациямни ўқиб, уни Бухорога олиб келдилар. Устознинг Бухорога келишлари биз тарихчи шогирдлари учун байрам эди. Домла шаҳардаги “Интурист” (ҳозирги “Гранд”) меҳмонхонаси 9-қаватида хонадош ҳамроҳлари санъатшунослик фанлари доктори (исм, фамилиясини эслаб қолмаган эдим) билан мен ва турмуш ўртоғимни яқиндан таништирдилар ва Туркманистонга халқаро анжуманга иштирок этиш учун бирга ташриф буюрганликларини айтдилар. Бу даврда Ашхободга Бухородан самолёт учар эди.

Таниқли академик олим мендек Бухоронинг оддий бир қизи диссертациясини эринмай ўқиб, ўз маслаҳатларини аямаганларини эсласам ҳайратга тушаман. Бу воқеага 26 йил бўлди. Диссертациямнинг ушбу нусхасини ҳалигача асраб қўйганман. Юксак салоҳиятли шарқшунос олимнинг диссертациям мавзусига оид тожикча, ўзбекча атама ва ибораларга ўз муносабатларини билдирганлари мен учун жуда муҳим эди ва ҳозирга қадар бу фикр-мулоҳазаларини қайта-қайта варақлайман ва тегишли хулосалар чиқараман.

Ҳимоям 1995 йилнинг 2 феврида белгиланди. ЎзРФА Тарих институти директори академик А.Асқаров ҳимоям кунини Америкага хизмат сафарига бўлганлари сабабли директор ўринбосари

академик А.Муҳаммаджонов раислик қилган эдилар. Диссертациям ҳимояси ниҳоятда жўшқин кайфиятда ўтди. Илмий кенгаш аъзоларининг деярли барчаси иштирок этдилар. Диссертация мавзусининг долзарблиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳақида таниқли тарихчи олимлар ижобий фикрлар билдирдилар. Диссертация ҳимоясидан хабар топган ОАК экспертларининг ташрифи, устознинг эса улардан фикр-мулоҳазасини билдиришни талаб қилганлари ҳамон эсимда.

Илмий кенгаш аъзоларининг диссертациямни юз фоиз қўллаб-қувватлаганликлари ҳам академик А. Муҳаммаджоновнинг “Бухоро мактаби” аъзоси бўлганлигим, шу мактабнинг илмий-тадқиқот ишлари соҳасидаги юксак талабларини бажара олганлигим, устозим Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг илмий маслаҳатларига амал қилганлигим натижаси деб биламан ҳамда шу мактабнинг аъзоси бўлганим билан ҳақли равишда фахрланаман.

Бу беғараз инсон биз бухороликлар учун намуна мактаби эдилар. Устознинг ибрат олса арзийдиган жиҳатларидан бири – бу устозни ҳурматини жойига қўйиш эди. 2000 йил “Шарқ” нашриётидан А.Муҳаммаджоновнинг “Яҳё Ғуломовни хотирлаб” (ўқувчиларга устозим ҳақида) номли рисоласи нашрдан чиқади. Ушбу рисолада ўзбек археология фанининг сардори, атоқли қомусий олим, Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси, республикамизда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Я.Ғуломовнинг кўп қиррали ҳаёт йўли, Қадимги Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Навоий, Жиззах ва Тошкент вилоятларида олиб борган самарали археологик изланишлари ва яратган илмий асарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Рисоланинг 42-саҳифасида А.Муҳаммаджоновнинг шундай фикрлари келтирилган: “Яҳё Ғуломов шогирд

тайёрлашга катта аҳамият берар ва бу масалага ўта масъулият билан қарар эди. Шогирд тарбияламаган олимни у мевасиз дарахтга қиёс қиларди. Шунинг учун ҳам унинг ўз шогирдларига бўлган эътибори ниҳоятда кучли бўлиб, шогирд танлашда унинг билими, қизиқиши ва интилишига қараб иш тутар эди. У шогирдларининг билим вақизиқишини назарга олиб, темалар тавсия этар экан, уларни тарих ва археология фанининг маълум йўналиши бўйича тарбиялашга ҳаракат қилар эди.”

Ҳақиқатан ҳам, шогирдни танлай билиш керак. Яхё Ғуломов А.Муҳаммаджоновни шогирдликка тўғри танлай олган эдилар. Чунки, А.Муҳаммаджонов устози Я.Ғуломовни ўзига хос хислатларини фахмлаб,ўзига юқтира олган эди. Хусусан, устозининг илм соҳасида шогирдларига таълим беришда сахийлигини қуйидаги сатрлар билан таърифлаган эди: “Яхё Ғуломов тарих ва археология соҳасида шогирдларига сахийлик билан таълим берар экан, улар ёзган ҳар бир ишни пайсалга солмай тезда ўқиб чиқар, қимматли фикр ва мулоҳазаларини берар ва уларни аниқғояси бўлиши ва албатта фан учун янгилик бериши керак, деган сўзларни қайта-қайта таъкидларди. Баъзан кичик мақолалар ғояси ва фанга киритган янгилиги жиҳатидан айрим йирик асарларга тенг бўлиши мумкин дер эди”.

Бу инсонумрининг охиригача устози ва унинг фарзанду-набираларига содиқлигича қолди. 1994 йил 3 декабрь куни устозинингЛабзак мавзесидаги Ҳовлисида набира тўйида А.Муҳаммаджоновнинг меҳмонларнинг иззатини жойига қўйиб, кутиб олишларининг гувоҳи бўлганман. Академик Яхё Ғуломов ва академик Абдулаҳад Муҳаммаджоновларнинг “устозу-шогирдлиги” мақоми биз, илм аҳли учунибрат мактабидир.

Академик Абдуллаҳад Муҳаммаджоновнинг “Бухоро мактаби” тадқиқотчилари илмий-тадқиқот мавзуси сифатида умуман

ўрганилмаган, илмий соҳада мутлақо янги мавзуларни танлаши билан ажралиб туриши, улар ўз тадқиқотларини илмий далиллар асосида пухта ўрганишлари ва асосли илмий хулосалари ва илмий-амалий тақлифлар беришлари билан ажралиб турадилар.

Устозим нафақат Бухоро воҳаси археологияси, балки воҳа халқларининг этнографиясини ҳам пухта ўрганганлиги, воҳа қишлоқларида юриб, воҳада яшовчи халқнинг урф-одат ва маросимларини тадқиқ этганлиги, энг муҳими воҳада яшовчи ўзбек, тожик ва туркманларнинг урф-одат ва маросимларини қиёсий таҳлил қилганлиги ҳамда шогирдларини ҳам шунга ундаши“Бухоро мактаби” нинг энг муҳим ютуғи эди.

Бизшарқшунос, археолог, тарихчи олим,фидойи ва камтарин инсон Абдулаҳад Раҳимжонович Муҳаммаджоновга замондош бўлиб қолдик. Шунинг ўзи биз бухороликлар учун фахр ва шунинг ўзи туганмас таскин. А.Р.Муҳаммаджоновнинг номи тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила муҳрланиб, хотираси ҳамкасб ва шогирдлари қалбида абадий сақланиб қолади.

## АКАДЕМИК А. МУҲАММАДЖОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ҲАМИДОВА МУҲАББАТ САМАНДАРОВНА

ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ, МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ, Т.Ф.Н.

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон тарихида фан ва таълим равнақига катта ҳисса қўшган тарихий шахслар орасида тарихчи олимлар ҳаммуҳим ўрин тутди. Шундай тарихчи олимлардан бири тарих фанлари доктори, академик Абдулаҳад Раҳимжонович Муҳаммаджоновдир. Машҳур тарихчи, шарқшунос ва археолог олим сифатида шуҳрат қозонган А.Р. Муҳаммаджонов ўзининг сермазмун ҳаёти ва фаолияти давомида Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик, ирригация, гидротехника ҳамда деҳқончилик воҳаларини вужудга келиши ва тараққиёти тарихига бағишланган илмий тадқиқотларини олиб борган. У Бухоро, Тошкент шаҳарларининг қадимий тарихи, айниқса, уларнинг ёшини илмий асослашда муайян ҳисса қўшган. Ўзбекистон Республикаси тарихий топонимияси бўйича бир қатор илмий асарлар ва мақолалар муаллифи. У тарихий манбашунослик бўйича янги илмий йўналишга асос солган олим сифатида мутахассис олимлар томонидан эътироф этилган. Шунингдек, олимнинг Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини ўрганишга доир илмий ишлари ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, унинг илмий ишларида қадимий шаҳарлар Бухоро ва Тошкент тарихи, ирригация иншоотлари, Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги тарихига оид фактик маълумотлар ўрин олган.

### КИРИШ

А. Муҳаммаджонов томонидан “Шайбонийхон сув айиргич кўприги” деб номланган рисолада ХХ асрнинг бо-йилларидаёқ нашр этирилган. Унда муаллифнинг кўп йиллик тадқиқотлари марказидан ўрин олган Самарқанддаги ирригация иншооти тарихи ёритилган. Ушбу кўприк Самарқандга олиб кирадиган асосий йўлда устида қурилган улкан меъморий ёдгорлиги бўлиши билан бирга, ўрта аср сув иншооти ҳам ҳисобланади. Бу каби ёдгорликлар Ватанимиз тарихида гидротехника тараққиёти тарихини

ёритувчи моддий манба сифатида ҳамқимматли ҳисобланади. Ушбу кўприк Мовароуннаҳрнинг маркази Самарқанд шаҳри орқали ўтган Буюк ипак йўли муҳим стратегик нуқтаси ҳисобланган. У Самарқандни шимолдан Тошкент воҳаси ва Сирдарё бўйи ҳудудлари, шарқдан Фарғона водийси, ғарбдан Нурота орқали Бухоробилан боғлаб, савдо ва маданий муносабатлар ривожига муҳим ўрин тутган. Муаллифнинг келтириб ўтишича: “Самарқанд шаҳар марказидан 7-8 км шимоли-шарқда Зарафшон дарёсининг сўл

қирғоғида, темирйўл кўпригидан пастроқда пишиқғишдан қурилган улкан равоқ бор. Бу Зарафшонни иккига: Оқдарё ва Қорадарёларга ажралган қисмида қурилган ўрта аср иншооти – сув айиргич кўприкнинг бир қисмидир. Бу тарихий ёдгорлик манбаларда “Амир Темур равоғи”, “Пули Шодмони Малик”, “Абдуллахон кўприги” номлари билан тилга олинади. Бу иншоотнинг тарихи Амир Темурва Абдуллахон фаолияти билан боғланса-да, аслида у XVI аср бошида Шайбонийхон томонидан қурдирилган. Шунинг учун ҳам уни Шайбонийхон сув айиргич кўприги, деб аташ мақсадга мувофиқдир”. А.Р.Муҳаммаджонов ушбу сув айиргич кўприги тарихини ўрганар экан, тарихий манбаларга ҳам мурожаат этади. Муаллифнинг таъкидлаб ўтишича, мазкур тарихий иншоотнинг қурилиши тўғрисида Камолитдин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарида батафсил маълумот келтириб ўтилган. Хусусан, 1502 йилда Шайбонийхон Бухородан Самарқандга қайтар экан шаҳарга кириш олдидан ўз лашкарлари билан Кўхак (Зарафшон) дарёсининг ўнг соҳилига тушади. Чўпонота яқинидаги Зарафшон дарёси устидаги кўприк бузилиб кетгани боис, дарёдан ўтиш ниҳоятда мушкул эканлигини кўради. Бу аҳволни кўрган Шайбонийхон давлатнинг олий мансабдорларидан бири Меҳтари олийга янги кўприк қуришни буюради. Қурилишга барча аскарлар жалб этилишига қарамай янги кўприкни қуришни иложи бўлмайдди. Шундан кейин Шайбонийхон Самарқанддан муҳандисларни чақириб, кўприк лойиҳасини туздиради ва шу асосда бир ой мобайнида, яъни 1502 йил 3 ноябрьда мазкур сув айиргич кўприги қуриб битказилгани ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирилган. А.Р.Муҳаммаджонов ушбу ирригация иншоотини тадқиқ этар экан, унинг асл кўриниши қандай бўлгани ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Зарафшон дарёсига қурилган бу сув айиргич кўприқдан бизнинг давримизгача фақат биргина унинг равоғи сақланган.

Зарафшон дарёсининг сув ўзани жамининг кенглиги ва кўприкнинг сақланиб қолган ушбу равоғи ҳажмига нисбатан бу сув айиргич кўприк равоқлари 7 та бўлганини тахмин қилиш мумкин”. Ушбу тахминининг исботи учун муаллиф Самарқандликлар ўртасида кенг тарқалган “Подшо Шодмони Малик томонидан дарё устига қурдирган 7 равоқли кўприги тўғрисида”ги афсонани мисол қилиб кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг таъкидлаб ўтишича, XIX асрнинг 40-йилларида кўприкнинг 3 та равоғи бутун бўлган. XIX асрнинг ўрталарига келиб, кўприкнинг учинчи равоғи вайрон бўлган. XIX аср охирида (1898 й.) Самарқандда юз берган zilzila оқибатида эса унинг иккинчи равоғи ҳам бузилиб кетган ва фақат биттаси сақланиб қолган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўприкнинг сақланиб қолган равоғининг кенглиги 21,6 м., баландлиги 11,85 м. ва эни эса 9,1 м. га тенг. Равоқ биринг устига иккинчиси ўрнатилган икка қават тоқдан иборат бўлиб, унинг юқори тоқи биринчисига нисбатан бир ғишт чиқариб ишланган. Пастки тоқининг қалинлиги 165 см. ва юқори тоқининг қалинлиги эса 125 см. га тенг. Равоқ таянчини мустаҳкамлаш учун равоқнинг дарёнинг ўнг соҳилига ўрнатилган жанубий қаноти икки томондан махсус тиргақлар билан мустаҳкамланган. Ушбу қанот Зарафшоннинг яхлит тошдан иборат сўл қирғоғига ва шимолий қаноти дарё ичидан чиқиб қолган улкан қоя устига ўрнатилган. Муаллифнинг таъкидлаб ўтишича: “Кўприкнинг устки ўтиладиган қисми эни 7 м. дан ортиқроқ бўлиб, унинг икки чети ўтувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун пишиқғишлардан ғов (баландлиги ва қалинлиги 1 м.) қилиб ишланган”. Муаллифнинг фикрига кўра, Шайбонийхон сув айиргич кўприги қурилиш материаллари ҳам диққатга сазовордир. Кўприк қурилишида ишлатилган қаришмалар ўрта аср муҳандисларининг билим ва амалий тажрибаларидан дарак беради. Ваҳоланки, у вақтларда цемент каби мустаҳкам қоришмалар ҳали ихтиро қилинмаган бўлса-

да, иншоот қурилишида доимий намликка чидамли ўзига хос қоришманинг ишлатилгани катта аҳамиятга эга бўлган. А.Р.Муҳаммадҷонов Шайбонийхон сув айиргич кўпригининг қурилишида ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлган маҳаллий меъморларнинг маҳорати намойиш этилганини таъкидлаб ўтган.

А. Муҳаммадҷонов томонидан чуқур тадқиқотлар олиб борилган яна бир тарихий ёдгорлик Бухородаги Пойканд шаҳри харобаларидир. 1980 йилда Бухородан 44 км жанубий-ғарбда, Жондор ва Қорақўл туманлари туташган Худудда жойлашган Пойканд шаҳар харобаларида ЎзФА Археология институти ва Россия Давлат Эрмитажининг махсус қўшма археологик экспедицияси ташкил этилган эди. Унга А.Р.Муҳаммадҷонов раҳбарлик қилган. Тадқиқотлар натижасида мазкур ёдгорлик тарихига оид кўплаб янги маълумотлар ёритиб берилган.

Маълумки, Пойканд ўтмишда 4 қисм: 1) дарвозали арк (майdonи 1 га); 2) дарвозали ички шаҳристон (майdonи 11 га); 3) дарвозали ташқи шаҳристон (майdonи 6 га); 4) шарқ, ғарб ҳамда жанубтомонларида қад кўтарган (майdonи 100 га дан ошиқроқ) улкан рабодлардан иборат бўлган. Пойканд арки, ички ва ташқи шаҳристонларининг ҳар бири алоҳида қалин (3,5-5 м.) ва баланд деворлар ҳалқаси билан ўралган. Девор бўйлаб ҳар 60 м. масофада ва ташқи бурчакларда баланд (11,5-12,5 м.) 2 қаватли буржлар ўрнатилиб, дарвоза атрофи мудофаа иншоотлари (лабиринт) билан мустаҳкамланган. Шаҳар деворлари ва буржлари ҳар 1,6 м. оралиғи бўйлаб шахмат услубида 3 қатор нишон туйнуклари (тиркаш) ўрнатилган.

Манбаларда келтирилишича, Пойканд қадимий Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. Ҳар бир подшо ўзи учун бу шаҳарда ўрдугоҳ барпо этган. Эфталлийлар давлати ҳукмронлиги даврида (Vасрнинг кинчи ярми – VIаср бошлари) у пойтахтга айлантилган. Наршахийнинг ёзишича, шаҳар аҳолисининг аксарияти

савдогар бўлиб, улар Хитой ва денгиз бўйи мамлакатлари билан савдо қилганлар. Шу боисдан араб географлари Ибн Хурдодбеҳ ва Ибн ал-Фақиҳлар Пойкандни “Мадина ат-тужжор”, яъни “Савдогарлар шаҳри” номи билан таъриф этадилар.

А.Муҳаммадҷонов раҳбарлигидаги экспедиция аъзолари Г.Л.Семенов, Ж.Мирзааҳмедов, Ш.Одилов ва бошқалар ушбу тарихий ёдгорликда кўп йилларга режалаштирган археологик қазишларни олиб борганлар. Ушбу илмий тадқиқотлар натижасида Пойкенд ёдгорлигининг умумий тарихий топографияси ўрганилиб, режалари чизмаларга туширилган. Унда қадимдан қад кўтарган илк чегара истехкоми, сўнгра шаҳар қиёфасини шакллантирган баланд ва қалин мустаҳкам мудофаа деворлар билан ўралган арк бўлгани аниқланган. Арkning 4 томонида бир нечта дарвозалар ўрнатилган ва қатор буржли деворлар қад кўтаргани аниқланган. Ички ва ташқи шаҳристон ҳамда саҳн бўйлаб кўплаб карвонсаройлар ва қабристон жойлашган. Тадқиқотчилар томонидан рабодларнинг юзага келиш тарихий босқичлари ва маданий қатламларининг қалинлиги белгиланган. Арқда қадимий ибодатхона, жомеъ масжиди ва подшоҳ саройи харобалари, ички шаҳристонда дорихона (VIII аср), бир қанча улкан тандирлар ўрнатилган шаҳар нонвойхонаси, ташқи шаҳристонда кулоллик, шишасозлик каби ҳунармандларнинг маҳалла-ўйлари, 4 томони супали марказида сандали бор ётоқхона, ошхона, омборхона ва ташнобли таҳоратхонали мўъжазгина бир қаватли ҳовли жойларнинг харобалари очиб ўрганилган. Тадқиқотлар натижасида Пойкенднинг рабод қисмида кулоллик, шишасозлик ва темирчилик устахоналари, хумдон ва кўралари ҳам топилган. Пойкенддан Бухорога томон йўналган карвон йўли (кенглиги 20 м.)нинг икки ёқаси бўйлаб жойлашган 20 тадан ортиқ карвонсаройларнинг вайроналари қайд этилиб, улардан бир нечтаси қазиб очилган. VIII – X асрларга мансуб бундай

меҳмонхона ва қўноқхоналар мурабаа (75x75м) шаклда хом ғиштлардан бино қилингани аниқланган. Ташқи деворнинг тўрт бурчаги доира шаклида буржлар билан мустаҳкамланган. Саройнинг шимоли-ғарбий бурчагида оташпарастларнинг оташкадали ибодатхонаси бино қилинган. Хоналарнинг томи равоқсимон шаклда ёпилиб, марказ қисмида сопол қувурлардан мўриконлар ўрнатилгани маълум этилган. Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан Пойканд шаҳри топонимиясига аниқлиқ киритилган. Мутахассисларнинг таъкидлаб ўтишича, ўрта аср ёзма манбаларида шаҳар Бойканд, Хитой манбаларида эса Би номлари билан тилга олинган. Шаҳар номи “Пойканд – қуйи шаҳар” маъносини англатиб, ташқи деворлари ниҳоятда мустаҳкамлигидан шаҳар илк ўрта асрларда “Шахристони Рўин”, яъни “Жездан қурилган шахристон” (Жез шаҳар) номи билан ҳам шуҳрат қозонгани илмий асослаб берилган. А.Р.Муҳаммадҷонов ўз тадқиқотлари давомида Амир Темур ва Темурийлар даври ҳунармандчилиги ва меъморчилиги тарихини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Темур ва Темурийлар салтанати” номи тарихий очеркида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган. Бунда муаллиф томонидан Амир Темур ва Темурийлар даврида салтанатнинг пойтахт шаҳарлари Самарқанд ва Ҳирот ҳамда Шаҳрисабз, Ясси, Машҳад, Астробод, Марв ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Муаллиф томонидан ушбу давр меъморий ёдгорликлари тўғрисида маълумотларни ўзида жамлаган бир қатор ёзма манбалар илмий таҳлили келтириб ўтилган. Хусусан, Самарқанддаги Бибихоним, Гўри Амир, Шоҳизинда ёдгорликлари, Регистон майдони ва унинг мадрасалари, Хўжа Ахрор мадрасаси, Ишратхона, Оқсарой ёдгорликлари, Самарқанд шаҳри атрофидаги боғ-саройлар тарихи, Улуғбек расадхонаси ва уларнинг оламшумул аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Бундан

ташқари, ушбу китобда Ясси шаҳридаги Аҳмад Яссавий меъморий мажмуаси, Ҳиротда Темурийлар даврида олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари хусусида қўлёзма манбалар васўнги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар қиёсий таҳлили асосида ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф мазкур давр тарихий ёдгорликларининг меъморий услуги, ёдгорликларнинг безаклари, ўша давр уста-меъморларининг маҳорати хусусида кўплаб қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган.

Умуман олганда, А.Р.Муҳаммадҷонов кўп йиллик илмий фаолиятидавомида Ўзбекистон тарихида археология ва манбашунослик фанлари ривожига катта ҳисса қўшган тарихчи, шарқшунос ва археолог олимлардан бири сифатида ўзига хос ўрин тутди. Атоқли олим томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида халқимиз томонидан бунёд этилган тарихий-маданий мерос, хусусан, турли даврларда бунёд этилган миллий меъморчилик намуналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф томонидан бу борада нашр эттирилган илмий ишлар фикримизга асос бўлади.

### **Фойдаланилган Адабиётлар**

1. Муҳаммадҷонов А.Р., Ниматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1957. – 224 б.; Муҳаммадҷонов А.Р. Шайбонийхоннинг сув айиргич кўприги. – Т.: Ўзбекистон, 1969. – 8 б.; Ўша Муаллиф. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Т.: Фан, 1972. – 326 б.; Ўша муаллиф. Қадимги Тошкент (Тарихий ва археологик лавҳалар). – Т.: Фан, 1988. – 61 б.; Муҳаммадҷонов А. Р. и др. Городише Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города средней Азии, Т., 1988; Ўша муаллиф. Темур ва Темурийлар салтанати

- (тарихий очерк). – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – 158 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997; Ўша муаллиф. Населённые пункты Бухарского эмирата, Т., 1999; Ўша муаллиф. Ўзбекистон тарихи – Т., 2003; Ўша муаллиф. Қанғ – қадимги Тошкент ва тошкентликлар. – Т.: Шарқ, 2009. – 126 б.
2. Муҳаммаджонов А.Р. Шайбонийхоннинг сув айиргич кўприги. – Б.1.
  3. Муҳаммаджонов А.Р. Шайбонийхоннинг сув айиргич кўприги. – Б.2.
  4. Муҳаммаджонов А.Р. Шайбонийхоннинг сув айиргич кўприги. – Б.3.
  5. Ўша жойда.
  6. Кличев О.А. Л.А.Зиминнинг Бухородаги изланишлари //Ўзбекистон Миллий университети хабарлари илмий журнали. – Тошкент: 2016. – №1-2. – Б.13-15; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Том-2. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2000. – Б.745.
  7. Мухаммаджонов А.Р. и др. Городище Пайкенд. – С. 10-11.
  8. Мухаммаджонов А.Р. и др. Городище Пайкенд. – С. 11.
  9. Ўша муаллиф. Қадимги Бухоро. – Т.: Фан, 1991. – Б.50.
  10. Ўша муаллиф. Темур ва Темурийлар салтанати (тарихий очерк). – Б.126-137.
  11. Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва Темурийлар салтанати (тарихий очерк). – Б.126-128.
  12. Ўша асар. – Б.129-132.
  13. Ўша асар. – Б. 133-137.



## ИБРАТЛИ ҲАЁТ СОҲИБЛАРИ

### ДИЛШОДХОН ҚУРБОНОВА

ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ,  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

### АННОТАЦИЯ

Академик Абдулахад ака Муҳаммадҷонов ўзбек халқининг серқирра олимларидан бири бўлиб, инсоний фазилатлари бисёр эди. Рафиқаси Сайёра опа эса мулойим мулоҳазали, меҳрибонлима бўлиб, бу ибратли оила билан мен студентлигимда, Тошкент Давлат Университетида тахсил олаётган пайтларимда танишганман. 1967 йилда тарих факультетининг бешинчи курсида диплом ишига Ўзбекистон Республика архивида хужжат тўплаётган пайтларимда аспирант, андижонлик Сайёра опа билан танишиб қолдик. Андижонлик эканимни эшитиб Сайёра опа билан жуда яқинлашиб кетдик.

### КИРИШ

Мени фарзандлари Гуландом ва Музаффар билан таништирди. Абдулахад ака шу пайтларда Самарқанд шаҳридаги археология институтида директор лавозимида фаолият олиб борар эди. Абдулахад ака билан танишганимда мен бу инсонни кенг фикрлайдиган, серқирра олим эканига студентчасига қойил қолиб ўтирдим ва анжанчасига “почча” деб атай бошладим. Шу йиллардан бошлаб бу оила билан муносабатларимиз бошланди. Музаффар ва Гуландом кўз ўнгимда улғайдилар. Мен Вазирликнинг йўлланмаси билан Андижон пахтачилик институтига ассистент бўлиб ишга бордим. Абдулахад ака ва Сайёра опалар билан алоқамиз узилмади. Тошкентга малака ошириш институтига келганимда ҳаммалакавий ва илмий мақолаларим тўғрисида уларнинг илмий маслаҳатларини

олар эдим. Бир куни Ахад акадан Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегим тўғрисида ёзган илмий мақоламни кўриб беришини илтимос қилдим. Чунки у пайтларда хали Робия Султон Бегим тўғрисида маълумотлар чоп этилмаган эди. Ахад ака менга яхши мавзу танлабсиз малака ошириш институтидаги илмий раҳбарингиз ким деб сўраган саволига Сангиров домла деб жавоб бердим. Мақоламдаги бир жумлага эътибор бериб илмий мақола ёзганда ҳар бир сўзнинг ва жумланинг мазмун моҳиятига аҳамият беринг, деб маслаҳат берди. Мана бу жумла, яъни Робия Султон Бегим катта сеп билан Дашти Қипчоқ хони Абулхайронга турмушга узатилганда 20 йиллик турмуши давомида Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбекларига Мовароуннахр маданиятини ўргатди, деган фикрингизда ўзингизни ўзбек

миллатингизни бир қавмини кўчманчига чиқариб қўйибсиз, уларни чорвадор ўзбеклар десангиз қандай бўлади деб тузатиш киритганда жуда қувониб кетдим, чунки биронтаси ўзбекни кўчманчи десабаҳсда енгмагунимча тинчимас эдим. Аҳад ака ёшларга илмий маслаҳатларни беришда беназир инсон эди.

Домла билан бир пиёла чой устида хонадонида қурилган суҳбатларда тарихдаги атамалар, қадимдаги суғориш тизими, сўзларни арабчадаги маъноси каби мавзуларда қизиқ тарихий воқеаларни гапириб берар эди. Мен М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университети аспирантурасида илмий мавзуим устида ишлаётган пайтларимда бирон йўналишда иккиланиб қолсам уларга мурожаат қилар эдим ва жавобларидан қаноатланардим.

Студентлик даврларимда ҳам , МДУда аспирантлик йилларимда ҳам Аҳад ака ва Сайёра опанинг кўп маслаҳатларини олганман. Москвада эканлигимда Сайёра опа икки фарзанди билан малака ошириш институтига борган. Москвада олти ой бирга бўлдик. Сайёра опа ва Аҳад ака ибратли оилаванамунали ота ва она эди. Аҳад ака бир сўзли, тикка ва тўғри гапирадиган олим эди. Жойлари жаннатда бўлсин. Гуландом ва Музаффарнинг тўйларини биргаликда ўтказдик. Иккаласи ҳам фарзандли ва яхши оила соҳиблари бўлишди. Хозирда оиланикелини, аллақачон қизларига айланган Гулнорахон ва қизи Дилшод Бегимбошқариб туришибди. Академик Аҳад ака оиласи ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин. Мен фақат айрим лавҳалар ҳақида фикримни баён қилдим. Бу дунёдан ўтган Аҳад ака, Сайёра опауларнинг фарзанди Музаффар, унинг катта қизи Юлдузхоннинг жойлари жаннатда бўлсин.

## **ВОСПОМИНАНИЯ ОБ АКАДЕМИКА. Р. МУХАМЕДЖАНОВЕ**

**МАХСУМА ИЛЯСОВНА НИЯЗОВА**  
БУХДУ “БУХОРО ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ. Т.Ф.Н.,  
ДОЦЕНТ

### **АННОТАЦИЯ**

Мое знакомство с академиком института Археологии Академии Наук Республики Узбекистан Абдулахад Рахимджанович Мухамеджановым началось в 1979 году, когда я молодой специалист археолог после окончания кафедры археологии исторического факультета Ташкентского Государственного Университета, приехала по распределению на работу в Бухарский краеведческий музей (в настоящее время Бухарский государственный архитектурно-художественный музей-заповедник). Я была зачислена в штат музея первоначально в качестве научного сотрудника отдела истории, через два года утверждена в качестве заведующего отделом истории.

### **ВВЕДЕНИЕ**

Мы познакомились в кабинете директора музея Ахрор Асроровича Махмудова, являвшегося близким другом А. Мухамеджанова и знавшего его с молодых лет, как талантливого ученика академика Я.Г. Гулямова. В тогдашний период А.Р. Мухамеджанов возглавлял Бухарский археологический отряд (БАО), проводивший раскопки на территории города Бухары. Археологи его отряда часто заглядывали в музей, помогая с инвентаризацией археологических коллекций, определением и датировкой экспонатов. Активное участие принимал в этом и он сам, всячески поддерживая меня. Передо мной стояла достаточно трудная для начинающего музейного работника задача: строительство нового раздела исторической экспозиции древней и

средневековой Бухары в крепости Арк, где основными экспонатами являлись археологические. Первые наставления, при знакомстве с археологическим материалом, отобранным мной для новой экспозиции, и отзыв на тематико-экспозиционный план, были даны мне академиком А. Р. Мухамеджановым.

По инициативе А.Р. Мухамеджанова, мне было предложено читать лекции по курсу археологии на историческом факультете Бухарского педагогического института (в настоящее время Бухарский Государственный Университет). Активное участие в утверждении моей кандидатуры для преподавания курса археологии принял и Нарзулла Юлдашевич Юлдашев, заведующий кафедрой «Всеобщая история» доцент,

кандидат исторических наук, человек, влюбленный в археологию, хотя тема его исследования была далека от нее. Абулахада Рахимджанович, приезжая в Бухару, часто сам читал отдельные лекции студентам. Меня поразило его умение, талант делиться знаниями, общаясь со студентами.

А.Р.Мухамеджанов и Н.Ю.Юлдашев были теми, кто создал совместную археологическую экспедицию Бухарского Университета и Института археологии в 1991 году. Раскопки проводились на Нур-тепе и Мохитабон-тепе (располагались в районе архитектурного комплекса Чор-Бакр) и стационарные в течение нескольких лет на Тали МурдаПортау археологическом памятнике, расположенном недалеко от старого здания аэропорта г. Бухары. Во время работ была изучена западная часть памятника, были вскрыты несколько помещений здания VIII-XIII вв. Для выявления стратиграфии памятника был заложен разрез в южной части тепе. Разрез продемонстрировал, что поселение на Тали МурдаПортау возникло на рубеже нашей эры. Работами на разрезе руководил сам А. Мухамеджанов, т.к. к сожалению, меня забрали на хлопковую компанию, несмотря на все усилия и Мухамеджанова и Юлдашева освободить археолога от хлопка.

В 1980 году были начаты раскопки на одном из значимых памятников Западного Согда городище Пайкенд. Экспедицию возглавил А.Р.Мухамеджанов. Я работала в составе отряда на работе I, далее на Шахристане II, под руководством археолога Д.К. Мирзаахмедова.

Это были замечательные наставники и выдающиеся ученые: А.Р. Мухамеджанов, Н.Ю.Юлдашев. Они ходили в горком партии Бухары, безуспешно пытались объяснить тогдашним руководителям, значимость наличия археолога в музее и университете, пытались освободить меня от ежегодной хлопковой компании, подчеркивая необходимость моего участия в раскопках, проводимых и в городе и в

области; требовали выдать мне, как молодому специалисту жилье.

Наша последняя встреча состоялась в Самарканде в июле 2007 году на моей защите на получение степени кандидата исторических наук в Институте Археологии АН Республики Узбекистан. В выступлении Абулахада Рахимджановича была видна искренняя радость за мой успех, за мои достижения, и конечно, за археологию Бухары.

Я рада, что в начале моего становления как исследователя, судьба дала мне шанс знакомства, общения и обмена идеями с крупным ученым, замечательным человеком, внесшим свой неоценимый вклад в изучении археологии Бухары и Бухарского оазиса, академиком А.Р. Мухамеджановым.

## УЛУҒ УСТОЗНИ ЭСЛАБ...

**Ш.Ё.ҚУДРАТОВ**  
БУХДУ БУХОРО ТАРИХИ  
КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида истиқлол шарофати билан юртимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар даври бошланиб, бу таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Натижада олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тест синовлари жорий қилиниб, бир неча йилдан буён тайёрланиб, бироқ, талабалик бахтига мушарраф бўла олмаётган абитуриентларга омад кулиб боқди. Жумладан, мен ҳам Бухоро давлат университетининг тарих факультети 1-курсига талабаликка қабул қилиндим.

Мамлакатимиз тарихини ўрганиш, уни тадқиқ этиш йўлида бел боғлаб, улкан орзу-ниятлар ила факультет биносига йўл олдим. Ўша вақтларда ибтидоий давр тарихини мукаммал биладиган ва уни биз каби талабаларга тушунтириб беришдан ҳеч қачон чарчамайдиган устозимиз Аҳмад Шодиевич Жумаев аудиториямизга кириб келиб, эртадан бошлаб пойтахт, Тошкентдан устоз, академик Абдулаҳад Раҳимжонович Муҳаммаджоновнинг факультетимизга ташриф буюришларини, олимнинг “Археология” фанидан бир ҳафта давомида маъруза ўқишларини эълон қилдилар.

### Калит сўзлар

Дарс, машғулотлар, илмий далиллар, дарс жараёни.

### КИРИШ

Устоз бизга бир ҳафта давомида дарс машғулотларини олиб борган бўлсалар-да, биз у кишини сабоқларини ҳар куни жуда интиқлик билан кутар эдик. Чунки, ҳар сафар дарсга кирганларида янги ва янги, бир-бирини такрорламайдиган маълумотлар ҳақида сўзлаб, бизни ўзларига маҳлиё қилар эдилар.

Биз талабалар ўтилатган дарс жараёнида, Бухоро вилояти тасарруфидаги туманларнинг номланиши, топонимикаси тўғрисида савол берганимизда, устоз барча саволларимизга илмий далиллар орқали жавоб қайтариб, бизни қойил қолдирар эдилар. Домла, ҳақиқий қомусий олим эдилар.

Мен улуғ устозимиз, академик А.Р.Мухаммаджоновдан олган ўғитларим, сабоқларимдан бугунги кун талабаларига таълим беришда фойдаланаётганим дан фахрланаман. Менбутун умрим давомида устоздан олган билим ва кўникмаларимникелгуси авлодга етказишдакуч-ғайратимни аямайман. Илоҳим, устозимизнинг охиратлари обод бўлсин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
2. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
3. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
4. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
5. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
6. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
7. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКИСТОН СУҒОРИШ ТАРИХИНИНГ ЗАҲМАТКАШ ТАДҚИҚОТЧИСИ ВА ЗУККО МЕЪМОРИ

ИҚБОЛ ХЎЖАМУРОДОВНА ЖАББОРОВА

ҚАРШИДУ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолани талабалик йилларимдаги баъзи бир хотираларимбилан бошламоқчиман. 2003 - 2007 йилларда Қарши давлат университети тарих факультетининг талабаси бўлганман. Ўшанда, адашмасам, 2003 йил эди. Биринчи курсда ўқирдик. Бизга “Ўзбекистон тарихи” фанидан тарих фанлари доктори, профессор, устозимиз (раҳматли, жойлари жаннатдан бўлсин) Обод Жўрақулов дарсберар эдилар. Домламиз дарсларининг бирида Ўзбекистон тарихи, хусусан, суғориш тарихи бўйича фундаментал асарлар яратган Яҳё Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи”, А. Муҳаммаджоновнинг “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи” [1] китобларини мустақил иш сифатида ўқиб-ўрганиш, конспектлаштириб келишимизни биз талабаларга топшириқ берган эдилар. Ўша пайтларда биз талабалар бу китобларни ўқиб, ўрганиб чиқишга ҳаракат қилганмиз.

Ўша даврда менда А. Муҳаммаджоновнинг “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи” китоби жуда катта таассурот қолдирганди. Менда ушбу китоб муталаасидан кейин Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи” мавзуси ўрганилганмикин?, - деган савол ҳам туғилган эди. Мабодо, ўрганилмаган бўлса, мазкур мавзунинг университетни битирсам, албатта, ўрганаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим. Университетдан сўнг магистратурани битирдим. Магистратурадан кейин докторантурага ўқишга кирдим. Докторантурага кирганимдан кейин ушбу мавзу бўйича устозларим Юлдуз Эргашева ва Очил Бўриевлар билан маслаҳатлашдим. Улар воҳамизнинг суғорилиш тарихи ўрганилмаганлигини, уни ўрганиш зарурати борлигини айтишди. Бугунги кунда Қарши давлат университетининг “Ўзбекистон тарихи” кафедраси докторанти сифатида ушбу мавзу устида тарих фанлари доктори Ю. Эргашева раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бораёпман.

### Калит сўзлар

суғорилиш тарихи, монографияси, водий, маданият.

### КИРИШ

Бу гапларни айтишдан асосий мақсадим шуки, менга “Қашқадарё воҳасининг суғорилиш тарихи” (1950-80 -

йиллар) мавзусини танлашимда академик А. Муҳаммаджоновнинг “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи”

китобисабаб бўлган. Янаям очиғи, китобдагисуғорилиш тарихига оид отабоболаримизнинг сув ва суғориш учун олиб борган оғир ва заҳматли курашитарихи ҳақидаги илмий асосланган, тарихий фактларга бой маълумотлар туртки бўлди. Афсуски, мен

А. Муҳаммадҷоновникўрмаганман, суҳбатларида бўлмаганманфақат китоблар орқали у кишини яхши танийман.

Энди асосий мавзумизни ёритишга ўтсак. Мавзуни А. Муҳаммадҷоновнинг “Қуйи Зарафшон воҳаси суғорилиш тарихи” китоби ва бошқа асар ва мақолалари мисолида ёритишга ҳаракат қиламиз.

А.Муҳаммадҷоновнинг “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи” (1972), “Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари” (1997), “Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик воҳалари тарихидан”(1964), “Қадимги Бухоро (Археологик лавҳалар ва тарих)” (1976), “История орошения Бухарского оазиса” (1978)каби китоблари, “Ўзбекистон тарихи маданияти материаллари” сериясида нашр этилган тўпламлардаги“Водоизмерительные сосуды” (1965), “К изучению древнего русла Махандарьи” (1964), “Изучение древнего водохранилища Гиштбанд в Джоме” (1966),“Даргомская плотина и крепость в Раватходже” (1972),“О землях древнего орошения Бухары” (1975)кабимақолалари тарихий манбаларва архив ҳужжатлари асосида ишончли далиллар асосида ёзилганлиги билан қимматлидир.

Мазкур китоб ва мақолаларда олимСамарқанд вилояти, қуйи Зарафшон ва Бухоро воҳаларидақадим замонлардан то XX асргача бўлган суғоришнинг пайдо бўлиши ва суғориш техникасининг ривож топиши ва тадрижий такомил, ўтмишда воҳалардасуғорилган экин майдонларининг ўрнини аниқлаш тарихини ёритган. Бу каби тадқиқотлар тарихий манбалар, археологик қазилмаларни текширишдан кейинги далиллар, архив маълумотлари ва маҳаллий дала материаллари асосида ёзилганлиги

биланмақтовга сазавордир. Қолаверса, ўзбек халқининг деҳқончилик юритиш учун экин майдонларига сув чиқариш учун олиб борган курашини даврма-давр акс эттирувчи ноёб манбалар ҳисобланади.

А.Муҳаммадҷоновнинг“Қуйи Зарафшон водийсинингсуғорилиш тарихи”монографиясисуғориш муаммоларининг қўйилиши ва турли хилдаги манбалардан келтирилган бой далилий маълумотлар асосида уларнинг тўла батафсил ёритилиши таҳлилларнингянгилиги ва илмий асослилиги билан диққатга молик.

Ушбу асарда А. Муҳаммадҷонов Бухоро ва Самарқандтуманларини сув билан таъминлаш мақсадида кўпгина қадимий суғориш усуллари қўлланилганини тарихий манбаларва архив ҳужжатлари асосида ишончли далилларбилан илмий талқин қилади. Айниқса, ўша давр тилида қўлланган суғоришга доир кўплабтерминлар ва уларнинг англатган маъноларини келтирадики, бундай терминлар тил тарихи ва халқ тарихини ўрганишдамуҳимманба вазифасини ўтайди.

Биргина мисол. Олим“Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи” китобида қуйидаги маълумотларни келтиради: “Бухоронинг сув хўжалигига оид бир тарихий ҳужжатларда келтирилган маълумотларга қараганда, дарё оқими ўртача бўлган даврларда Зарафшоннинг қуйи қисмидаги туманларни сув билан таъминлаш учун икки йўл нимжўй ва партовта ёки партофта, шунингдек, Бухоро деҳқонларининг ибораси билан айтганда, обпарта усуллари қўлланган. Нимжўй – дарё сувининг ярмиси, партовта – дарё сувининг ҳаммаси, бу усул билан дарё сувининг ҳаммаси Бухоро воҳасигаташланган. Ҳар икки усул: “ нимжўй”ҳам “обпарта” ҳам Самарқанд воҳасида дарёдан бош олган магистрал каналларни боғлаш воситаси билан амалга оширилган. “Нимжўй” даврида Зарафшоннинг ўрта оқимидаги каналларнинг бир қисми, “обпарта” вақтида эса уларнинг деярли барчаси боғланган[2].



Зарафшон водийсининг ирригацион терминологиясида дарёдан бошланган магистрал каналлар-руд; Шаҳруд, Ромитанруд, ком: Комизар, Коми Акка, Шопурком деб аталган. Магистрал каналдан чиқарилган сув йўли – жўй, уларнинг шохоблари шохжўй//шаҳжўй ва экин ерларга тортилган суғорувчи майда тармоқлар афдоқ, бадоқ деб юритилган. Йирик ер эгаларининг ер мулкларини суғорувчи алоҳида суғориш тармоқлари ўрта асрларда жўйи хосса, XVIII-XIX асрларда лабакива улардан суғорилган ерлар эса лабакихўр деб аталган.

А. Муҳаммаджоновнинг ёзишича, феодализм мулкчилиги шароитида суғориш ишларининг оғир машаққатидан ташқари, сувдан фойдаланувчи оддий меҳнаткаш аҳоли қўш пули, лабаки пули, миробона, боқий пули, қон пули каби миробчилик ва ҳашарлар билан боғлиқ бўлган бир неча хил йиғим ва жарималарни тўлашга мажбур бўлган. Қўш пули – амир Шоҳмурод томонидан жорий этилиб, асосан ирригация харжи учун сарфланган. Ҳар қўш ердан у 2 тангадан йиғиб олган. Бу солиқ XIX асрнинг иккинчи ярмида лабаки пули, жўйча пули, чиқир пули атамалари билан юритилиб, ундан жамғарилган маблағдан кўпинча Зарафшон дарёси сувининг тақсими учун Самарқанд маъмуриятига ҳар йилги харажатларнинг ярмиси ёки учдан бир қисми тўлаб турилган[3].

Академик А. Муҳаммаджоновнинг асарлари билан танишиш шуни кўрсатадики, у ўзининг севимли соҳасида изчил, системали равишда, собитқадамлик билан меҳнат қилиб келаётган олим эди. Унинг изланишлари илмий жихатдан теранлиги, лисоний ва тарихий материалларга бойлиги, таҳлилларнинг ишончли хамда янгилиги, оригиналлиги билан ажралиб туради.

А. Муҳаммаджоновнинг баракали илмий ижоди ҳақида гап борганда, унинг нафақат Ўзбекистон тарихи, хусусан, “Қуйи Зарафшон водийси суғорилиш тарихи”нинг тадқиқотчиси, балки тарихчи-топонимист сифатида топонимлар, этнонимлар,

антропонимлар юзасидан ҳам этимологик кузатишлар олиб бориб, бир қатор илмий асосли ватеран фикрли мақолалар ёзганини эшлаш ўринлидир.

А. Муҳаммаджоновнинг охириги йилларида топонимист-тилшунос сифатидати топонимлар, этнонимлар, антропонимларнинг маъно ва мотивларини, уларнинг аслиятда, тўғрива аниқшакларини илмий-оммабоп тарзда тушунтириб беришга бағишланган 10 дан ортиқ мақолалар ёзди. Унинг бир қатор ишларида топонимларни ўрганишнинг назарий муаммолари, топонимик тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан оригинал мулоҳазалар билдирилган.

Фикримизнинг исботи сифатида унинг биргина “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида нашр этилган “Бурчмулла”, “Муллабулоқ”, “Қорёғди” ва “Байтқўрғон” топонимларининг этимологик асослари” (2005, 1-сон), “Соҳибқирон ва Зулқарнайн атамалари ҳақида” (2005, 3-сон), “Тошкент дарвозалари номлари хусусида” [4] (2012, 2-сон) каби мақолаларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ушбу мақолаларнинг сарлавҳаларида илмий-оммабоплик сезилиб турса-да, улар ичидаги тадқиқ ва таҳлиллар талаб даражасидаги илмий услубда ёзилганлиги билан характерланади, уларда топонимлар генезиси, мотиватив ва лисоний асослари энциклопедик-этимологик нуқтаи назардан кенг тадқиққилинган. А. Муҳаммаджоновни кўпроқ топонимларнинг тарихи, генетик асослари, маъно ва этимологияси қизиқтириб келади. Мақолаларида номларнинг этимологияси, луғавий, грамматик, сўз ясаиш хусусиятларига оид фикрлар ҳам қайд қилинган.

Масалан, олим “Соҳибқирон”, “Зулқарнайн” атамалари ҳақида фикр юритар экан, 15 дан зиёд турли изоҳли луғатлар ва ёзма манбаларга мурожаат қилади, улардаги “Соҳибқирон”, “Зулқарнайн” ҳақидаги фикрлар-бир-бирига қиёслайди ва уларга ўз муносабатини билдиради. Ана шундан сўнг “Соҳибқирон”,

“Зулқарнайн” ҳарбий унвонларнинг этимологияси хусусида атрофлича фикр юритиб, кейин қуйидаги хулосаларга келади: шундай қилиб, - деб ёзади олим: изоҳли луғатларда “Соҳибқирон”, “Зулқарнайн”, “қирон”, “қарн”, “қарнайн” шаклларидаги атамалар изоҳи борасида келтирилган маълумотларнинг этимологик талқинидан маълум бўлишича, “Соҳибқирон” номи Амир Темурга берилган олий даражали ҳарбий унвон бўлиб, бу “соҳибзамон” ва “соҳибадл”, яъни адолат эгаси маънолари билан бир қаторда, умумий тарзда айтганда, замоннинг адолатли жаҳон подшоҳи маъносини англатган. Амир Темурнинг мана шундай даҳолик мартабасига эриша олган ҳукмдор “Соҳибқирони соний”, яъни Иккинчи соҳибқирон номи билан аталган. Темур ва теурийлар давлатининг асосий қисмида ҳукмронлик қилган султон Ҳусайн Бойқаро ва Эрон шоҳи Насриддиншоҳ Хажарлар ўзини “Соҳибқирони соний”, яъни иккинчи Соҳибқирон деб аташган. “Соҳибқирон” атамасининг этимони борасида билдирилган мулоҳазалар асосида Шарқ тарихи ва адабиётида шуҳрат топган “Зулқарнайн” номи юзасидан сўз юритадиган бўлсак, шуни айтиш жоизки, македониялик Искандарга берилган бу нисбат “Икки шоҳли Искандар” ёки “Искандарнинг бошида икки шоҳи бор” маъноларини эмас, балки икки “қарн”, яъни Ғарб билан Шарқни эгаллаган ҳукмдор, яъни шоҳ маъносини англатган. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммадни ўз навбатида, “Искандари соний” — “Иккинчи Искандар”, яъни “Зулқарнайн соний” деб юритганлар. Хулоса қилиб айтганда “Соҳибқирон” ва “Зулқарнайн” шаклларидаги тарихий атамалар синонимик маънодаги иборалар бўлиб, ҳар икки маънодош бу номлар Шарқ тарихи ва адабиёти саҳифаларида “Жаҳон ҳукмдори”, “Жаҳон эгаси” сифатида таъриф этилган бўлиши ҳақиқатдан холи эмас [5]. Таҳлиллардан кўринадики, назаримизда, А. Муҳаммадҷонов Ўзбекистон тарихи, хусусан, Ўзбекистон ҳудудининг суғорилиш

тарихи соҳасига серғайрат, синчков тадқиқотчи сифатида кириб келди ва ўтган 50 йил давомида Ўзбекистон тарихининг забардаст, бетакрор, сермаҳсул, зукко билимдони бўлиб илмий камолотга етган олимларимиздан биридир.

Ўзбекистон тарихи деб аталмиш илмий кошонани яратишда республикаимизда бу соҳанингетук билимдонлари сифатида танилган, ҳаттоўз елкасида кўтариб катта қилган Яҳё Ғуломов, Карим Шониёзов, Аҳмадали Асқаров, А. Муҳаммадҷонов ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин. Ўзбек халқи давлатчилик тарихини яратишда шарафли ва улуғ хизматларнинг, асосий, оғир қисми, биринчи навбатда, уларнинг зиммасига тушганлигини устозларимиздан кўп бора эшитганмиз.

Ҳеч шубҳаланмай айтиш мумкинки, А. Муҳаммадҷонов ўз устози Яҳё Ғуломов каби Ўзбекистон тарихи ва археологияси, айниқса, суғориш тарихининг илмий кошонасига илк бор ғишт қўйганлардандир. Хулоса сифатида айтиш жоизки, олимнинг “Ўқувчиларга олимларимиз ҳақида” рубрикаси остида “Яҳё Ғуломов” номли рисоласининг бош қисмида “Волидам — устоди аввалим” номли мақоласида ўз устози ҳақида қуйидаги фикрларини бугунгикунда у кишининг ўзларига ҳам бемалолтадбиқ этиш мумкин.

“Буюк ақл кишилари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг илм-фан сарчашмасидан баҳра олиш, инсонийлик фазилатларини ўрганиш қалбга лаззат, руҳга қувват беради. Шу боисдан бўлса керак, донолар буюк ақл кишиларининг қалбини дурдоналар тўла денгиз тубига қиёс қилишади. Қалб қаъридаги бебаҳо бойликларни ардоқлаб, уни халқ хазинасига қўшиб, кўпчилик оммага етказиб бериб, ундан авлодларни баҳраманд қила олганайиб ижодкор инсон ҳамиша элда эъзозланади ва эҳтиром билан тилга олинади” [6]

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ғуломов Я.Ғ.Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан то ҳозиргача. – Тошкент: Фан , 1959, А. Муҳаммадҷонов А.Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи ( Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент:Фан , 1972.
2. А. Муҳаммадҷонов А.Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи ( Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент:Фан , 1972. – Б. 143.
3. А. Муҳаммадҷонов А.Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи ( Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент:Фан , 1972. – Б. 344-346.
4. Муҳаммадҷонов А. Соҳибқирон ва Зулқарнайн атамалари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти,2005,3-сон,34-бет; “Бурчмулла”, “Муллабулоқ”, “Қорёғди” ва “Байтқўрғон” топонимларининг этимологик асослари” //Ўзбек тили ва адабиёти,2005, 1-сон, 46-50-бетлар; “Тошкент дарвозалари номлари хусусида”//Ўзбек тили ва адабиёти,2012, 2-сон, 29-34-бетлар.
5. Муҳаммадҷонов А. Соҳибқирон ва Зулқарнайн атамалари ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти,2005, 3-сон, 34-бет.
6. Муҳаммадҷонов А.Яҳё Ғуломов. ). – Тошкент:Фан , 1986. – Б.

## **АБДУЛАҲАД МУҲАММАДЖОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**ОЛИМЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ КАНИМКУЛОВ**  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “ТАРИХ” КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

**ИЛХОМ БАХРИДДИН ЎҒЛИ ЖЎРАЕВ**  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “ТАРИХ” КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада атоқли ўзбек олими Абдулаҳад Муҳаммадҷоновнинг илмий фаолияти, мамлакатимиздаги тарих ва археология фанлари ривождаги ўрни, унинг археологик тадқиқотлари, моддий – маданий ёдгорликларни ўрганишдаги фаолияти билан бирга, фан йўлидаги фидойилиги, ватанпарварлиги ва келажак авлодга қолдирган бой илмий-тарихий мероси ҳақида сўз юритилади.

### **КАЛИТ СЎЗЛАР**

Шарқшунослик институти, Зарафшон воҳаси, Археология институти, Маҳондарё археологик экспедицияси, моддий ва маданий обидалар, Архитектура институти, суғорилиш тарихи, Афросиёбқўрғони, моддий маданият обидалари.

### **КИРИШ**

Мамлакатимиз фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган шундай сиймолар борки, уларнинг хизматлари вақт ўтган сари ёрқинлашаверади, улкан тоғдек улуғлашаверади. Шундай устозлар қаторига ҳеч шубҳасиз шарқшунос, тарихчи-археолог ва топонимшунос олим академик Абдулаҳад Муҳаммадҷоновни киритиш мумкин. Ўзбекистондаги тарих ва унинг ёрдамчи фанлари соҳасида бир қатор ютуқ ва кашфиётлар олимнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Абдулаҳад Муҳаммадҷонов ўтган асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб, Ўрта Осиё тарихи бўйича ёзма манбалар таржима қилиш ва уларни мукамал ўрганиш билан

шуғулланган. Чунки, Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетининг “Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари тарихи” ихтисослиги бўйича ўқиган вақтларидаёқ араб, форс ва эски ўзбек ёзувларини яхши ўзлаштирган эди. Шу билан бирга университетни тугатиш арафасида битирув диплом ишини академик Яҳё Ғуломов илмий раҳбарлигида ёзган эди.

Бу ҳақда Абдулаҳад Муҳаммадҷонов ўзининг хотираларида шундай ёзади: “Диплом мавзуйингиз “XVII асрда Хива хонлиги ва Эрон муносабатлари тарихидан” деб номланади, дедилар. Мазкур мавзу бўйича асосий манба Хива хони Абулғозий

Баҳодирхоннинг икки асари: “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” номларидаги араб алифбосидаги ўзбекча ёзилган қўлёзма асарлари ҳамда рус тилида нашр этилган “Материалы по истории туркмен и Туркмении”. Ушбу ёзма манбаларда сизга тавсия этилган мавзунинг ёритиш учун маълумотлар етарлидан ҳам ошиқроқ деб қўшиб қўйдилар[1]. Шунингдек, тавсия этилган манба асарлар ва мавзуга оид адабиётлар бирма - бир ўқиб чиқилгач, диплом режаси тузилди. Сўнгра ҳар бир манбани синчиклаб ўрганишга киришдик. Ойлар ўтди, диплом ишининг бир қисмини тугаллаб, раҳбаримга кўрсатиш мақсадида эрта билан уйларига кириб бордик. Устоз ичкари ҳовлида меҳмонхонада папирос чекиб турган эканлар. Стол устида уч жилдли докторлик диссертациясининг муқовага олинган қўлёзма нусхаси, турар эди. Ўша кеча устоз ётиб ухламасдан докторлик диссертациясининг дастлабки нусхасини ёзиб тугатган эканлар.

Я. Ғуломов шогирдлари ишини одатда ўқитиб тинглар эди. Мендан, хўш дипломни ёза бошлаганим, деб сўрадилар. Мен вазифани дастлабки қисмини қоралаб келдим, дедим. Сўнг ўқиб бердим. Тинглагач, аввало режадан чиқиб кетибсиз. Мавзу, кириш қисмидан то хулосасигача дуторнинг торидан бандларига боғланиши лозим, деган фикрни айтиб, бу масалага қатъий муносабатда бўлишни таъкидладилар.

Биринчи бобни тугатиб, бир неча мартаба уни ўқиб беришимга тўғри келди. Диққат билан тинглагач, домла менга қараб, Абдулаҳад, сиз билсангиз керак, бошвоқли сигир майдонда қозиққоқиб боқилади. Шу боис у қозиқ атрофида гир айланиб тозалаб бир чеккадан ўтлайди. Фанда ҳам шунга ўхшаш ҳар бир масала аниқ белгиланиб, у ечилгач, иккинчи ва учинчи масалалар ечимига киришилади. Мана шундай ҳаётий ўхшатишлар билан узтоз ёзиб тугалланган қисмларни такрор-такрор режали баён этишга даъват этдилар.

Диплом ишини ёзишдаги бундай мушкулот менга эриш туюлсада, уни ёзиб тугатдим. У устоз томонидан юқори баҳоланиб, ҳимояга тавсия этилди. Абдулаҳад Муҳаммадҷонов Я. Ғуломовнинг илмий раҳбарлигида 1952–1955 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг аспирантурасида таҳсил олган.

Шу тариқа Я. Ғуломов мени тарихий манбаларни ўрганишга қизиқтириб, тарихий манбашунослик фанига йўналтирган эдилар[2].

XIX асрнинг 50-йилларида Ўзбекистон тарихшунослигида мазкур масаланинг (тарихий манбашунослик соҳасида маҳаллий кадрлар етишмовчилиги) ўта долзарб бўлганини назарда тутиб, устоз менга “Бухоро ва Россия муносабатлари тарихига доир манбалар (XIX асрнинг 20-50 йиллари)” номли мавзунинг номзодлик диссертацияси сифатида мақбул топдилар. Кучли иштиёқ билан мавзу устида дастлабки изланишлар ҳам бошланиб, даставвал, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасининг нодир китоблар фонди, Ўрта Осиё Давлат университетининг асосий кутубхонасида ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарларидаги марказий кутубхоналарда сақланаётган тарихий босма асарлардан мавзуга доир маълумотларни тўплаб олдим.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган асарларнинг илк каталоги диққат билан ўрганилди. Мир Абдул Карим Бухорийнинг “Ўрта Осиё тарихи”, Мулла Ибодулло ва Мулла Муҳаммад Шарифларнинг “Тарихи Амир Ҳайдар” ҳамда Мулла Олим Маҳдумхожанинг “Тарихи Туркистон” асарлари, шунингдек, Бухоро амири Ҳайдарнинг дипломатик ҳужжатлар тўплами “Мактубот, муншаот ва маншурот”ларда қайд этилган тарихий маълумотлар алоҳида ўрганилди[3].

Абдулаҳад Муҳаммадҷонов 1955 йилда Яҳё Ғуломов раҳбарлигида “XIX асрнинг 20-50

йилларида Бухоронинг Россия билан олиб борган алоқаларига доир манбалар” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган[4]. Олимнинг мазкур тадқиқот иши кейинги фаолияти давомида Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври тарихини қатор манбалар мисолида батафсил ўрганиши натижасида бир қатор монография ва рисолалар чоп этди. Улар қаторига қуйидагиларни: Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир манбалар(XX аср 20–50-йиллар) (Т.Неъматов билан ҳамкорликда). (1957); Бухоро водийсининг суғорилиш тарихи (1980); История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.) (1988); Ўзбекистон тарихи. (1994); Темур ва темурийлар салтанати. (1996); Бухоро шаҳри 2500 ёшда (археологик лавҳалар ва тарих) (1998); Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.) Материалы к исторической географии Средней Азии. (2001). Амир Темур (рисола). (2001) киритиш мумкин[5]. Институтни тамомлагач олим 1955-1956 йиллар давомида Ўзбекистон ҳалқлари тарихи музейида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Сўнгра Ўзбекистон тарихининг қадимги ва ўрта асрлар тарихини мукамал ўрганиш мақсадида, 1956 йилда Я. Ғуломовнинг тавсияси билан конкурсда қатнашиб, тарих ва археология институтига ишга ўтади. Ўша вақтлар устоз Иброҳим Мўминов институтнинг директори эканлар, мени шарқшунос-тарихчи эканимни ҳисобга олиб, Я. Ғуломов бошчилик қилаётган “Қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўлимига” кичик илмий ходим сифатида буйруққа имзо чеқдилар. Мазкур йўллар орқали сеvimли касбим тарихшуносликнинг йирик чорраҳасига қадам қўйдим[6] деб ёзади А.Муҳаммадҷонов ўз хотираларида .  
А.Муҳаммадҷонов археологик тадқиқотларни Я.Ғуломовнинг раҳбарлигидаги гуруҳдан бошлайди. XX асрнинг 50-70 йилларда қадимги Зарафшон воҳаси ерларида, ҳаваскор археолог дўстлари билан биргаликда археолог

сифатидаги фаолиятини бошлади. Албатта бу ишларда Я. Ғуломов бошчилигида археология соҳасида олиб борилган катта ишлар ҳам қўл келди[7].  
XX асрнинг 50-60 йилларда Я. Ғуломов ва В. Шишкин раҳбарлигида қатор махсус экспедициялар ташкил этилиб, Фарғона водийсида Қува, Ахсикат; Бухорода Замонбобо, Варахша ва Қизилқир; Самарқандда Афросиёб, Сурхондарёда Болаликтепа каби ёдгорликларда кўп йиллик қазишлар бошлаб юборилди[8] Ўз навбатида бу экспедициялар натижасида топилган археологик ёдгорликларни ўрганиш жуда катта куч ва етук мутахассис кадрларни талаб қиларди.  
Абдулаҳад Муҳаммадҷонов устози профессор Я.Ғ. Ғуломов бошлиқ Моҳондарё археологик экспедиция таркибида қатнашиб, Зарафшон воҳасида археологик тадқиқотлар олиб борган. Маҳондарё археологик экспедицияси – 1950-1970 йиллар мобайнида Зарафшон воҳасида проф. Я.Ғ. Ғуломов бошчилигида ўтказилган бўлиб, экспедиция таркибида: Я.Ғуломов, А.Муҳаммадҷонов, А.Асқаров, Ў.Исломов, ва С.Раҳимовлар қатнашганлар. 1961 йил Маҳондарё бўйлаб олиб борилган текширишлар Хатар қудуғига, 1964 йили эса экспедиция таркиби тадқиқотларини Амударёгача етказди. 1964 йилда мазкур экспедиция таркибида: Я.Ғуломов, А.Муҳаммадҷонов, А.Асқаров, С.Файзиев, М.Юнусов, З.Каримов ва Н.Кундряшевлар қатнашганлар[9]. Маҳондарё археологик экспедициясида кўзланган мақсад археологик жиҳатдан Зарафшоннинг қуйи қисмини ўзлаштириш тарихини ўрганиш билан бирга, Зарафшон дарёсининг қадимги ўзланларининг ўзлатирилиши ва сув оққан ҳамда қуриб қолган даврларни ҳам аниқлаш ва дарё ўзани бўйлаб жойлашагн ёдгорликларни ўрганишдан иборат бўлган[10]. Бу экспедиция натижасида, А.Р. Муҳаммадҷонов ўзининг “Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги замондан то XX аср бошигача)” номли йирик асарини чоп эттирди. Мазкур китобда

Ўрта Осиёда, хусусан Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихи, жой номлари, ҳудудда мавжуд сув иншоотлари, мақбаралар ва географик объектларнинг номларини учратишимиз мумкин. А. Муҳаммаджонов 1965-1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтида катта илмий ходим, бўлим мудир (суғорилиш тарихи бўлими, қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўлими), 1980-1983-йилларда Археология институти директори лавозимларида фаолият олиб борди[11]. 1996-йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарихинститути директори (1996-1998), 1998-2003 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси шарқшунослик институтида бош илмий ходим, 1997-2005 йиллар “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журналининг бош муҳаррири лавозимларида ишлади[12]

Хулоса. А. Муҳаммаджоновнинг илмий фаолияти тарихшунослик, манбашунослик, археология, топонимика соҳалари билан бир қаторда Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик, ирригация, гидротехника ҳамда деҳқончилик воҳаларининг вужудга келиши ва тараққиёти тарихига бағишланади[13]. Шунингдек домла умумтаълим мактабларининг 7-синф “Ўзбекистон тарихи” дарслиги муаллифи ҳам ҳисобланади. А. Муҳаммаджонов Бухоро, Тошкент шаҳарлари қадимги тарихи, айниқса, уларнинг ёшини илмий асослашга муаян ҳисса қўшган[14]. Ватанимиз тарихий топонимияси бўйича илмий асар ва мақолалар нашр этиб, тарихий манбашунослик бўйича янги илмий йўналишга асос солди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муҳаммаджонов А. Ота меҳридан устоз жафоси афзал // Академик Яҳё Фуломов замондошлари ва шогирдлари хотирасида. Тошкент 2009. Фан, 72-79 бет
2. Ўша жой 72-79 бет
3. Ўша жой 72-79 бет

4. Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Халқ сўзи” газ., № 67. 2016-йил. 2-бет; Ўзбекистон тарихчилари. 1 жилд (библиографик маълумотнома). Т.; Фан ва технология, 2012. 154-155-бетлар.
5. Муҳаммаджонов А. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир манбалар (XX аср 20–50-йиллар) (Т.Неъматов билан ҳамкорликда) – Т 1957 й; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача) – Т 1972 й; Мухаммеджанов А. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX в.) Ташкент 1988 г с 294; Муҳаммаджонов А Ўзбекистон тарихи. Тошкент 1994 Б 128; Муҳаммаджонов А. Бухоро шаҳри 2500 ёшда (археологик лавҳалар ва тарих). – Toshkent, Fan, 1998, 54 б; Муҳаммаджонов А. Amir Temur (Q. Rajabov bilan hammualliflikda) – Toshkent. O‘zbekiston, 2015, 150 b; Муҳаммаджонов А. Амир Темур (рисола) – Toshkent, Abu Matbuot-konstal, 2011. 39 b; Муҳаммаджонов А. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.) Материалы исторической географии Средней Азии. Tashkent. Universitet, 2001. 414 b; Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси – маънавият кўзгуси. Toshkent, O‘zbekiston, 2015. 272 б
6. Муҳаммаджонов А. Ота меҳридан устоз жафоси афзал // Академик Яҳё Фуломов замондошлари ва шогирдлари хотирасида. Тошкент 2009. Фан, 72-79 бет
7. Я. Фуломов. «О работе Махандарьинского археологического отряда в 1963 году». “Ўзбекистонда ижтимоий

- фанлар”1964-йил № 1;Х. Зиёев Тарих институти 60 ёшда. Тошкент 2003, 4-бет;Я.Фуломов, А.Мухаммаджонов «Хонбанди» «Фан ва турмуш» журнали 1958-йил №4;
8. Х. Зиёев. Тарих институти 60 ёшда. Тошкент 2003, 4-бет
9. Гулямов Я.Г. О работе Махандарьинского археологического отряда в 1963 года. // О.Н.У. 1964 г. №1 65 с;А.Мухаммаджонов «О научно-педагогической деятельности академика АН УзССР Я.Г.Гулямова». Я.Фуломов таваллудининг 80-йиллигига багишланган илмий конференция материаллари тўплами. Т-1988-йил
10. Ибрагимов Р.Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг Ўзбекистонда тарих фанига қўшган ҳиссаси// Аънанавий талабалар Республика конференцияси материаллари. Тошкент. Университет. 2018 й
11. Х. Зиёев. Тарих институти 60 ёшда. Тошкент 2003, 18-бет
12. Ўзбекистон тарихчилари. 1 жилд ( библиографик маълумотнома). Т.; Фан ва технология, 2012. 154-155-бетлар; О'zbekistonmilliyensiklopediyasi. 2000. 480-bet
13. А. Муҳаммаджонов. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги замондан то XX аср бошигача). –Т.: 1972. 375 б;Бухоро водийсининг суғорилиш тарихи. -Т.; 1980; Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоатлари. –Т.; 1997
14. А. Муҳаммаджонов. Пойканд шаҳри харобаси.-Т.; 1998;Қадимги Тошкент. –Т.; 2002
15. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
16. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
17. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
18. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
19. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
20. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
21. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.



## БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ЮКСАК ЭҲТИРОМИГА САЗОВОР БЎЛГАН ОЛИМ

Ю.ҲАЙДАРОВ  
БДУ ҲУЗУРИДАГИ ХТХҚТМО  
ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ“ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР  
МЕТОДИКАСИ” КАФЕДРАСИ МУДИРИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ  
НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ

### АННОТАЦИЯ

Инсон ҳаётда кўпгина яхши одамларга рўпара келади. Улар орасида бениҳоя дилкаш, хушфезъл, ўзининг инсоний қадр-қимматини юқори қўядиган ҳамда ўзига рўпара келган ёшу-кексанинг иззат-ҳурматини жойига қўядиган баркамол табиатли инсонлар ҳам кўп учрайди. Бундай инсонлар билан суҳбатлашган сари баҳри-дилинг очилади. Ўз олдинга қўйган мақсадларга эришиш йўлини янада ёришгандек бўлади. Бундай ҳолларда ана шундай олижаноб, гўзал, баркамол инсонлар тоифасига мансублигидан ғурурланиб кетасан киши. Айниқса, илм-фан соҳасида улкан ютуқларга эришган олим-уламолар билан учрашганинг, уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлганинг бир умр эсингдан чиқмайди. Уларнинг ҳаёт йўлидан, фидоийликларидан ўрнак олганинг ва илм-фан соҳасида уларга эргашганинг келади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

тарихи, археологияси, тафаккур теранлигини, талабалар.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда илм-фан соҳасидаватанимиз равнақига хизмат қилаётган олимлар ҳақида тўхталиб: “...Олимлик Оллоҳ нурини солган улуғ бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига нур, зиё таралади. Олимларнинг суҳбатидан инсон ўзига беқиёс маънавий бойлик олади, қалб кенгликларини, тафаккур теранлигини ҳис қилади” [1], - деб юксак баҳо берган эдилар. Ўз вақтида ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлганлар

орасида аллома олим Абдулаҳад Муҳаммадҷонов ҳам бор эдилар. Ўзбекистонда тарих ва қадимшунослик фанининг буюк дарғаларидан бири Абдулаҳад Муҳаммадҷонов ана шундай гўзал инсоний фазилатларга эга инсон, одамлар нақши эди. Кўҳна ва боқий Бухоро ва вилоятнинг барча гўшаларида археологик тадқиқотлар олиб борган академик Абдулаҳад Муҳаммадҷонов нинафақат тарихчи олимлар, балки, оддий бухороликлар Бухоронинг тарихи, археологияси ва суғориш тарихини мукамал ўрганган

заҳматкаш олим сифатида юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар. Бухоро воҳасида буюк олим Абдулаҳад Муҳаммадҷоновнинг қадамиетмаган қишлоқлар деярли йўқ.

Бухоро тарихи ва қадимшунослигини ўрганиш иштиёқи олимни Бухоро воҳасининг барча ҳудудларида бўлишига ундаган эди. Шунинг учун ҳам талабаларнинг қайси туман, қайси қишлоқдан эканликларини сўраб билгач, ўша қишлоқда яшайдиган ёши каттароқ инсонни сўраб, соғлик - саломатлигини суриштирар эдилар.

Ўтган асрнинг 70-йилларининг охирида Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) нинг “Умумий тарих” кафедрасида иш бошлаганимда, устозимиз, Бухоро тарихини ўрганиш фидоийларидан бир тарих фанлари номзоди, доцент Нарзулла Йўлдошев (марҳум) кафедра йиғилишида яқинда талабаларга “Архелогия” фанидан дарс ўтиш учун тарих фанлари доктори, профессор А.Р. Муҳаммадҷонов таклиф этилди, деб хабар

берганларида, бу хабарни завқу-шавқ билан кутиб олдик. Республикада таниқли олим Абдулаҳад Муҳаммадҷонов 1979 йилдан бошлаб бир неча йил давомида “Тарих” факультети талабаларига ушбу фандан дарс бердилар. Ўша пайтда кафедрада ишлайдиган ва илмий изланишлар олиб бориш ниятида бўлган ўқитувчилар домланинг дарслари гавақт топиб ҳар куни киришга ҳаракат қилар эдик.

Мантиқан теран, илмий асосланган, иқтибосларга бой, қиёсий таҳлиллар ва амалиёт билан боғлаб ўтилган маърузалар ҳали-ҳали қулоғимиз остида жаранглайди. Таниқли олимнинг факультетга ташриф буюришлари билан номзодлик диссертацияси устида ишлаш ниятида бўлган

иқтидорли ўқитувчиларимиздан Аҳмад Жумаев ва Манзилахон Қурбановалар домланинг кўмаги, илмий маслаҳатлари асосида номзодлик

диссертацияларимавзуларининг аниқлаб, қизғин илмий-тадқиқот ишига киришиб кетдилар. Ҳамда номзодлик ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Ҳар иккала ҳамкасбимизнинг илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш жараёни билан танишман. Уларнинг ўз устозлари маслаҳатларидан мамнунликларини сезиб турардим. Аҳмад Жумаевнинг Олот ва Қоракўл туманларидаги олиб боргандала тадқиқотларида иштирок этганман. Аҳмад ака ўз иши мавзуси юзасидан топган янгиликларини дафтарга қайд этар экан, устозининг айнан берган илмий маслаҳатлари қўл келаётганлигини эслаб, ўз хурсандчилигини яшира олмаганлигини гувоҳи бўлганман. Аҳмад акадаги оддийлик, камтарлик, илмга чанқоқлик ва ҳақиқатгўйлик, инсонларга меҳрибонлик хислатлари устозларидан ўтганлигига аминман.

Манзила Қурбановадан ўз устози Абдулаҳад Муҳаммадҷоновнинг номзодлик иши мавзусини танлашдаги маслаҳатлари ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш методологияси ҳақида берган ўғитларини эшитиб, Манзилахоннинг устоз танлашда

адашмаганлигини, келажакда илмий тадқиқотлар борасида юксак чўққиларга эриша жагига ўша пайтларда ёқ ишонган эдим. Бугун ҳаётда бунинг тасдиғини кўриб турибмиз. Ўзбекистон ФА

академиклари Абдулаҳад Муҳаммадҷонов, Сабоҳат Азимжонов ва Карим Шониевдек Ўзбекистонда тарих, археология, манбашунослик ва этнография фанининг дарғаларидан илмий маслаҳатлар

олган Манзилахон этнография фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда ҳамда Бухорода миллий урф-одат ва маросимларни ўрганиш бўйича ўзига хос мактаб яратишга эришди. Ўз билганларини қизғанмасдан, фидоийлик билан ёш авлодга етказиш, Бухоро воҳасининг миллий қадриятларини баркамол авлод онг-шуурига сингдириш борасида кўрсатаётган

маънавий жасоратлари устозларидан ўтганлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Мен ҳам илмий-тадқиқот ишим юзасидан аллома олим А.Муҳаммаджоновдан бир қанча илмий маслаҳатлар олганман. Ўзбекистон ФА Тарих институтида стажёр-тадқиқотчиликда бўлганимда устоз билан тез-тез учрашиб, илмий тадқиқот ишим юзасидан маслаҳатлар сўраб турардим. Домланинг бирор марта “Вақтим йўқ” деганларини эшитмаганман. Ҳимояга киришим олдидан: “Бу ишнинг мазмун-моҳиятини Сизюқори дараржада биласиз. Ҳис этасиз. Бериладиган саволларга ишончли далиллар билан жавоб беришингизга ишонаман!” - дебдалда берганлари ҳамон эсимда. Бундай маънавий мададнинг ўзимга ишончимни янада оширишга хизмат қилган эди. Менга ўхшаган кўплаб шогирдларига ана шундай илмий маслаҳат ва маънавий мадад берган меҳрибон устоздан шогирдлар бир умр миннатдоримиз.

Устознинг Бухоро тарихи ва археологияси ҳақидаги суҳбатларини ҳамиша сабрсизлик билан кутардик. Менинг назаримда Абдулаҳад Муҳаммаджонов буюк олим бўлиш билан бирга катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОН эди. Шунинг учун ҳам ҳамиша зиммасига улўф масъулият юкланганлигини ҳис қиларди, ўзининг бу дунёдаги ўрни учун, қолдирадиган изи учун масъулият туйғуси кучли эди. Мен суҳбатлар вақтида домлада кузатганяна бир хислат - бирор марта ҳам ўзлари амалга ошираётган кенг кўламли ишлари ҳақида мақтаганларини кўрмаганман.

Зукко олим Абдулаҳад Муҳаммаджонов оддий ва камтарликлари учунайрим масалалардатушунмаганимизни бемалол сўрашга журъат этардик. Кунларнинг бирида жой номлари келиб чиқишини ўрганиш масаласида гимунозарамизни яқинлаш учун биз шогирдлар устозга мурожаат қилдик. Шунда устоз жой номларининг келиб чиқишини, этимологиясини ўрганишда, маҳаллий

халқорасида гимаъносини ўрганиш зарурлигига эътиборимизни қаратдилар. Бунда бошқа манбаларнинг ўрни ва ролини инкор этмаган ҳолда, аввало маҳаллий халқ орасидаги, маҳаллий манбаларда гиталқинига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги методологик кўрсатмаларидан ҳозиргача амалий фаолиятимизда фойдаланиб келамиз.

Аллома олим Бухоронинг 2500 йиллик ёшини аниқлаш ва нишонлаш ташаббускорларидан бири сифатида ҳам бухороликларнинг юксак эътиромига сазовор инсон. Устознинг Бухоро тарихи ва археологияси, суғорилиш тарихига оид асарлари ўлка тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Устоз яратган умумий ўрта таълим мактабларининг VII синфи учун “Ўзбекистон тарихи” дарслиги ёш авлодга мозий сирларини ўргатишга муносиб хизмат қилиб келмоқда.

Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг чеҳрасидан доимо покиза иймон ва нури ҳидоят ёғилиб, меҳр тўла кўзлари инсонларга ҳамиша яхшилик, эзгулик улашар эди. Шунинг учуналлома олимнинг ёрқин хотираси халқимиз ва шогирдлари қалбида мангу яшайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2017., 166-бет.

## “АВЕСТО” ДА МУҚАДДАС ЗАМИННИ ЭЪЗОЗЛАНИШИ

ОЧИЛ БЎРИЕВ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОРИ

ФАЙЗУЛЛО НАРЗИЕВИЧ ШАРИПОВ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Ҳаётнинг сарвари- инсон она замин меваси бўлганлиги сабабли, ер, тупроққа меҳр билан муносабатда бўлиши лозим. Шу боисдан халқимизда ер, тупроқни эъзозлаб, “Она замин”, “Муқаддас тупроқ”, “Она тупроқ”, “Она юрт”, “Она Ватан” каби иборалар тез-тез қўлланилади.

Тасаввуф илмига кўра дунёнинг тўрт устун- ер, тупроқ, сув, ҳаво, оловнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шулардан энг асосийси она замин- ер, тупроқ бўлиб, сабр, умид, эзгу хулқ ва мурувватнишаклантиради. Ер (тупроқ) бутун борлиқ, мавжудотнинг онасидир. Инсон ва барча мавжудотлар тупроқда пайдо бўлади, ҳаёт кечиради ва ибтидоси, интиҳоси ҳам замин ер (тупроқ) ҳисобланади.

Тупроқ (ер) табиатнинг эҳсони, айна вақтда турфа мўъжизалар маскани ҳам ҳисобланади. Табиатнинг гўзаллиги, эл-юрт ризқ-рўзининг, дастурхонининг кўрки бўлган нон ва бошқа кўплаб озуқа маҳсулотлари ана шу тупроқ (ер)да етиштирилади. Дунёдаги барча мавжудотларнинг поклайдиган ҳам шу она заминдир.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

тирик организм, генетик жиҳат, ер ресурслари, суғориладиган ерлар, суғорилмайдиган ерлар

### КИРИШ

Миллий қомусимизда таърифланганидек: “Тупроқ-литосфера юза қаватларининг сув, ҳаво ва тирик организм таъсирида ўзгаришидан шаклланадиган ва генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ горизонтлардан ташкил топган табиий тузилма; Ер пўсти юзи ва унумдор қатлами”[1].

Ўрта Осиёда сур тусли қўнғир, гидроморф - чўл тақирли ва тақир, ўтлоқли, ботқоқли ўтлоқ ва ботқоқли тупроқ ер тарқалган[2]. Ернинг сағиз, хум, бўрсилдоқ, шўрҳок, тошлоқ, қумлоқ каби турлари ҳам учрайди. Ўзбекистон ҳудудидаги ер ресурслари обикор- суғориладиган ерлар, кузги (“тиромойи”), суғорилмайдиган ерлар, ёки

баҳорги (лалмикор) ерлар ҳамда яйловлардан иборат. Ўтмишда юртимизда ернинг амлок, мулк, вақф, танҳо кабишакллари мавжуд бўлган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да келтирилганидек: “Тупроқ-1) Ернинг ковлаш, чопиш, ҳайдаш, эзилиш ва ҳ.к натижасида ҳосил бўлган юмшоққисми, қатлами; 2) Ер қобиғининг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; 3) Ўлган кишининг ҳоки, ҳок; 4) кўчма маълум юрт, мамлакатларга қарашли ҳудуд. Шунингдек ушбу луғатда қуйидаги ибораларга шарҳ берилган: “Бу ернинг тупроғи оғир”-бу ерни ташлаб кетиш осон эмас, ташлаб кетишга ҳеч кимнинг кўзи қиймайдиган; тупроғи билан тенг қилмоқ- жуда пастга урмоқ, қадр-қимматини ерга урмоқ; тупроқдан ташқари-ўлмас ҳаёт ҳамда; тупроққа топшириш- дафн этмоқ, қабрга қўймоқ; тупроғи совумасдан- вафот этганига кўп вақт бўлмай; тупроқ тортмоқ- туғилиб ўсган ўз жойи, ундамоқ, жалб қилмоқ; тупроғи шу ердан олинган- асли шу ернинг одами, шу ернинг ўзимизники деган маънони қайд этади; тупроғини яламоқ- маълум жой, ҳудудда кўп йиллар муқим бўлмоқ[3].

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да инсоннинг моддий неъматлар яратиш, яъни ерга ишлов бериб, деҳқончилик қилиш энг олий қадрият ва савоб иш деб таърифланган. Одам ҳалол меҳнат қилса, кўплабёвуз кучларни маҳв этган бўлади, деб мазкур асарда алоҳида таъкидланган.

Зардуштийларда экин ерларини кўпайтириш, ишлар қилинган жойларни асраб-авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб, сажда қилиш илоҳий низом ташкил қилган. Ер худоси Митрага ибодат қилиш, ерни парвариш қилиш зардуштийлик динининг асосини ташкил этган[4]

“Видевдат”да баёт этилишича, ерни худди қизини севгандек севмоқ, унга яхши уруғлар сепмоқ, уни мўл-кўл ҳосил берувчи онага айлантириш керак. Ахура Мазда кўрсатмасига биноан “ерга яхши ва кучли уруғ сепмоқ” дунёдаги энг зарур юмуш

ҳисобланади.” Ёш келин эрига гўдак ҳадя этгандай, ер ҳам уни чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан парвариш қилган одамга мўл-кўл ҳосил беради. Ишлов берилмаган ва экилмаган ер эрсиз ва фарзандсиз жоҳил қиз каби бахтсиздир. Қиз яхши эрни орзу қилгандай, ер ҳам яхши қўшнига илҳақ”[5].

“Авесто” нинг “Видевдат” ва “Виспрат” қисмларининг алоҳида бўлимида ерга ишлов бериш, экин экиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бир қатор йўл-йўриқлар баён этилган.

“Авесто” нинг “Видевдат” ва “Виспрат” қисмларининг алоҳида бўлимида ерга ишлов бериш, экин экиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бир қатор йўл-йўриқлар баён этилган. Жумладан, “Видевдат” нинг учинчи асари 4-бандида Зардуштийлик Ахура Маздага қараб: “Заминни ҳаммадан кўра қаҳрлироқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер” деган саволига Ахура- Мазда: “Эй Спийтамон Зардушт! Бундай жой бир Аршадан ҳаммадан кўра буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан одамлари қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир”, деб жавоб берган.

Зардушт Ахура Маздадан сўради: “Эй оламини яратган зот! Эй ҳақиқат! Заминнинг ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?”

Ахура Мазда жавоб берди: “Эй Спийтамон Зардушт! Бундай жой бир Аршадан ҳаммадан кўра буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар эккан одамлари қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир.

Эй оламини яратган зот! Эй ҳақиқат!

Заминни ҳаммадан кўра бахтиёр қилган шахс ким?

Ахура- Мазда жавоб берди: “Эй Спийтамон Зардушт! У ҳаммадан кўп бу юрт гиёҳ мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган зотдир[6].

Шунингдек “Видевдат” да ёзилишича, узоқ экилмаган ва омоч тилмаган ер бахтсиздир.

У омадни орзу қилади. Бу замин балоғат палласига кирган Соҳибжамол қиздир. Бу бола кўриш, қиз кўришни хоҳлагани сингари, ҳайдалмаган ер ҳам кўшчини кутади[7].

Зардуштийларнинг “мурданинг нопоклиги” ғоясича, дастлабки пайтларда тупроқнинг ҳолатини бузмаслик мақсадида ва мурда “маросимий макруҳ” ҳисобланганлиги учун ерга кўмилмаган. Майит одамлар назаридан узоқроққа- баланд тепаликлардаги махсус ер-супага кўмилган.

“Видевдат” 7- фаргарди7- бўлимида Зардуштининг Ахура Маздага қарата “офтоб остида ётган одам жасади ерга тушиб кетгач бир йил ўтгач, замин ўзининг покиза ҳолатига қайтади”, деб жавоб берган. Ахура Мазда бошқа ўринда Зардуштга қарата: “Одам жисми тупроққа топширилгандан сўнг эллик йил ўтгандан сўнг замин ўзининг поклик ҳолатига қайтади”, деб таъкидланади[8]. Бу аждоқларимизнинг ер, тупроққа бўлган эътиқодларини қадрият ва азалий эканлигининг яққол исботи десак тўғри бўлади.

Ўтмишдошларимиз учун ер (тупроқ) муқаддас ҳисобланган. Мурдани нафақат ерга кўмиш тақиқланган. Ҳатто одам ёки ит ўлган жойга бир йилгача деҳқончилик қилиш мумкин бўлмаган. Агар кимда ким у ерга экин экса, унинг жазоси қаттиқ бўлиб, у махсус жазоловчи қамчилар билан 20 мартадан 40 мартагача саваланган.

Заратуштра ақидаларига кўра амал қилса қуйидагиларга эришади: “Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган суғориладиган бир бўлган ери бўлган одам бегуноҳдир”[9].

“Видевдат” нинг “Ер шаънига айтилувчи сўзлар” деб номланувчи 3-фарагардида инсоннинг ерга бўлган муносабати ва унга ишлов бериши, яъни деҳқончилик қилиши Ахура Маздага маъқул бўлган савоб ишлардан бири сифатида улуғланади.

Бу ҳақда 4-бандда шундай иборалар келтирилган: “Имонли ер қайерда энг кўп ерни парвариш қилса, унга дон экса, ўтлоқлар парвариш қилса, ёқиш учун

экинлар экиб (ҳосил ундирса), сувсиз қақроқ ерни суғурса, зах ерни қуритса ўша учунгина галда энг бахтли ерлар дейилган. 33-бандида эса, “Ҳақ йўлида кимки ерни (сидқидилдан) парвариш қилса, унинг хизматида лойиққилиб Ернинг эгаси ҳаққини беришга лозимдир” деган иборалар ёзилган. 3-фарагарднинг барча 41-бандида ерга қандай муносабатда бўлиш ҳақида кўрсатмалар муҳрланган[10].

Ўзбекларда она замин- ер, тупроқни эъзозлаш билан боғлиқ қадриятлар жуда олис тарихга эга бўлиб, бу тарихий, археологик, этнографик, ёзма манбаларда ўз аксини топган. Тирикчилик манбаи ер доимо кўз қорачиғидек авайлаб асралган, сақланган ва ардоқланганки, бу каби эзгу ишларни янада изчил давом эттиришимиз ниҳоятда зарур.

Аждоқларимизнинг қадимдан то ҳозиргача “Она замин”, “Она Ватан”, “Она тупроқ”, “Муқаддас тупроқ” каби пурҳикмат иборалари халқимиз ўртасида мавжуд. Лекин бу ноёб миллий қадриятларимиз тобора камайиб бормоқда. Шу боисдан ҳам инсоннинг, қолаверса бутун жонзотнинг асоси саховатли маскани ер (тупроқ)ни эъзозлашимиз, мусаффо сақлаб, мелиоратив ҳолатини яхшилаган ҳолда келажак авлодларга етказишимиз, шунингдек бу билан боғлиқ азалий қадриятларимизни халқимизга, айниқса ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришимиз ва кундалик ҳаётга жорий этишимиз ниҳоятда долзарбдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. ЎзМЭ, 8-ж., Т., 2004. Б. 625.
2. ЎзМЭ, 8-ж., Т., 2004. Б. 628-629.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж., Т., ЎзМЭ ДИН, 2008. Б. 193.
4. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. -Т.: “Шарқ, 2000. Б. 14.
5. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. -Т.: “Шарқ, 2000. Б. 37-38.

6. Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси.- Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 113.
7. Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси.- Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 114.
8. Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси.- Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 135.
9. Соатов Ғ. Зардуштийлик маданияти ва маънавияти. Қ.: “Насаф”, 2004. Б.11.
10. Авесто. “Видевдат” китоби. М.Исҳоқовнинг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржимаси. -Т.: ТДШИ, 2007. Б. 4,5, 19, 23. а

## ЖАДИД МАТБУОТИДА ТУРКИСТОН МАОРИФИДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ (“САДОИ ФАРҶОНА” АСОСИДА)

ДИЛНОЗА МУЙИДИНОВНА ЖАМОЛОВА

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ Т.Ф.Ф.Д. (PHD)

### АННОТАЦИЯ

Маориф ҳар бир даврда ислохотга эҳтиёжманд соҳа бўлиб, XX аср бошлари ҳам бундан мустасно эмас эди. Туркистон жадидлари мавжуд мактаблардаги муаммоларни танқиб қилиб, янгича ўқитиш тизимини ёқлаб чиқдилар ва газета-журналларда маори ф соҳасига бағишланган қатор публикацияларни чоп этдилар. Шундай газеталардан бири “Садои Фарғона” бўлиб, у қисқа вақт давомида нашр қилинган бўлса-да, халқ орасида тезда танилди. Ушбу мақолада “Садои Фарғона” газетасидаги мақола ва хабарлар асосида жадид мактабларининг фаолияти билан боғлиқ айрим мулоҳазалар таҳлил қилинади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Мактабларфаолияти, уламолар, ўқитиш усуллари, мустамлакачилар, зиёлилар, татарлар, Туркистон ўлкаси.

### КИРИШ

Шарқнинг мусулмон давлатларида XIX аср охиридан бошлаб янги усулда таълим берувчи мактаблар фаолият кўрсата бошлайди. Худди шу даврдан Россия империяси таркибидаги Қрим, Қозон, Озарбайжон каби давлатларда маҳаллий зиёлилар жадид мактаблари ташкил этадилар. Аммо тез орада мактаб асосчилари мутаассиб уламолар тазйиқи ва мустамлакачилар қаршилигига учраб,

мактаблари ёпиб қўйилади. Натижада кўплаб Қрим, Қозон татарлари Туркистон ўлкасига кўчиб келганлар ҳамда шу ерда жадид мактаблари очганлар. Бу мактабларга дастлаб татарлар, кейинчалик ерли аҳоли ўз фарзандларини бера бошлайдилар. Кейинчалик миллий зиёлиларимиз ўзлари асос солган мактабларида татар муаллимларининг ўқитиш усуллари татбиқ қиладилар.



Татар зиёлиларидан бири Салоҳиддин Сирожиддин ўғли 1900 йил 11 февралда Қўқон шаҳрида жадид мактаби очиб, 6 ой ичида ўқувчиларнинг саводини чиқаради. Бу мактабнинг таълим олувчилари 8-9 ёшли болалар бўлиб, қисқа муддат ичида ёзиш, ҳисоб, география, тарих ҳамда Қуръони каримни ўқишни ўрганадилар. Тез орада мактаб машҳур бўлиб, унда таълим олувчилар сони юз нафардан ошиб кетади. Маҳаллий бойлардан Мирзо Умар ҳожи исмли шахс ўз маҳалласида мактабхона қурдириб, Салоҳиддин афанди мактабини шу бинога кўчиртиради. Аммо орадан бироз вақт ўтиб, 1911 йили январда татар муаллимларининг ҳаммасига маҳаллий болаларни ўқитиш ман қилинади[1].

Натижада татар мактабларида таълим олаётган болалар маҳаллий зиёлилар томонидан ташкил этилган янги усул мактабларида ўқишни давом эттирадилар. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш тартиби ҳамда имтиҳон олиш усули худди татар мактаблари каби бўлиб, ўқувчилар учун осон ва қулай эди. Аммо ушбу мактабларда анъанага айланиб бораётган айрим одатлар халқнинг норозилигига сабаб бўла бошлади. Бу имтиҳон мажлиси билан боғлиқ бўлиб, мактабдорлар томонидан бу йиғинга шаҳарнинг амалдорлари, шайхлари, уламолари ва талабаларнинг чақирилиши ҳамда имтиҳон охирида катта зиёфат уюштириб, меҳмонларга даражасига қараб чопон ҳадя этиш кабилар эди[2].

“Садои Фарғона” газетасида чоп этилган кўплаб мақолаларда имтиҳон мажлислари ҳақида маълумот берилиб, унинг охирида ташкиллаштириладиган зиёфатлар кескин танқид қилинган ҳамда уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланган. Жумладан, газетада “Муаллим афандиларга очиқ мактуб” номли кичик мақола босилиб, унда жадид мактабларидаги ўқув жараёнлари, дарсларга кузатувчиларнинг чақирилиши ва имтиҳон мажлислари билан боғлиқ масалалар бўйича маълумот берилган.

Шунингдек, ўқув жараёнини кузатиш учун керакли-кераксиз одамларни чақирмаслик лозимлиги таъкидланган[3].

Газетада чоп этилган “Имтиҳон мажлиси” номли мақола Қўқондаги Муҳаммадия мактаби фаолиятига бағишланган бўлиб, унда 1913 йилда ташкил этилган мактабда 10 ой давомида ўқувчиларга янги усулда таълим берилгани ва ўқувчиларнинг саводхонлигини текшириш мақсадида 1914 йил 5 май куни имтиҳон ўтказилганлиги, мактаб ўқувчиларнинг муаллим томонидан берилган саволларга аниқ жавоб берганлиги, уларнинг билимдонлиги ва ҳозиржавоблиги йиғилганларни яхши таассурот қолдиргани ҳақида ёзилган[4].

Газетадаги яна бир мақолада Тожиддинбой афанди томонидан ташкил этилган мактабда бўлиб ўтган имтиҳон мажлиси бўйича тафсилот берилган. Ушбу мажлисда иштирок этганшоир Завқий жадид мактабларининг аҳамиятли жиҳатлари тўғрисида сўз юритиб, имтиҳондаги нохуш одатларни бартараф этиш кераклигини айтади. У зиёфат ва чопон кийдириш одатларини қоралаб: “Сиз муаллимлар! Ортиқча исрофотларни, хатна тўйларни ҳамма вақт танқид қилур эдингизлар, на учун бошлаб ўзларингиз бу илмий мажлис хатна тўйларига ўхшатиб таклифланасизлар? Ҳам хизмат этсаларингиз ҳам 100-200 сўм харжлаб имтиҳон қилсаларингиз бу ҳеч бир келишмас. Имтиҳонга келган зотлар тўн ва таом учун келмайдурлар. Ҳар кимнинг ҳис миллийси бўлса кела берадурлар”, дейди.

Мажлисда иштирок этаётган мулла Камолиддин қози ҳам, имтиҳон мажлисларининг соддалаштирилишини қатъий талаб қилиб, йиғилганларга усули жадидани тушунтиради: “Минбаъд имтиҳон мажлисларини имкони борича соддалашдирулсин. Ҳеч кимга тўн ва бошқа нарса берилмасун. Агар бул тўғрига ёки усули жадидга эътироз эткучи бўлса, шариатга мувофиқ жазосини берурман. Мана икки йилда ҳам бориб келиб бўлмайдирғон ҳаж шарифга поезд ва параходлар соясида 2 ойда бориб кела

бўлур, бул ҳам усули жадид. Ўлтирған ўрнимизда туриб дунёнинг нариги четидан телеграф воситаси бирла хабар оламиз, шул жойда туруб телефон воситаси бирла Андижон, Намангандаги танишларимиз билан сўзлашамиз. Бул ҳам усули жадида. Қани бунинг ёмонлиғи? Яъни усул жадида инсоннинг амрини, бўлур-бўлмасға зое қилмаслик учун чиқарилган усулдир”[5].

“Садои Фарғона” газетасида чоп этилган “Имтиҳонларда ош ва чой” номли мақолада муаллиф янги усул мактабларда ўтказиладиган имтиҳонларнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтади. Имтиҳон давомида ўқувчиларнинг оталари ўзаро суҳбатлашиб, боласининг саводхонлигига бефарқ ўтириши, бу йиғин кўпроқ тўй маракасига ўхшаб қолаётганлигидан афсусланиб, чойхўрлик ва зиёфатни танқид қилади[6].

“Садои Фарғона” газетасида эски усул мактаблари ҳақида ҳам мақолалар чоп этилган бўлиб, айрим муаллифлар бу мактабларни бутунлай тугатиб, янги усулдаги мактабларни кўпайтириш тарафдори бўлса, баъзилари анъанавий мактабларнинг ўзини ислоҳқилиш зарурлигини таъкидлайди. Газетада чоп этилган “Ҳозирги эски ва янги мактабларимиз ҳолидан” номли мақолада эски мактаблар - лойдан пастгина қилиб қурилган, 3-4 деразали, кичкина эшиги бор ҳибсхонага ўхшаган жой, деб таърифланади. Ҳақиқатдан ҳам бу даврга келиб, Туркистондаги мактаб бинолари замон талабларига жавоб бермайдиган ҳолга келиб қолган ҳамда тубдан янгиланишга муҳтож эди. Муаллиф ўқувчининг қоронғу ва зах хонада похол ёки бўйрада ўтириб дарс ўқиши кутилган натижа бермаётгани, ўқувчиларнинг 1/10 қисми саводли бўлиб, қолгани билимсизлигича қолаётганидан афсусланади ва: “Фарзандларимиз илм деган азиз ва шафоатлик нарсадан маҳрум қолмоқда ва жаҳолат қурбони бўлиб, ислом кишиларини бошқаларга масҳара қилдирмақдадур. Бунга жавобан ҳар кимга илмни худо насиб қилган эмас, ёки ҳар ота

фарзандини мактабга бермас, дегувчилар бўлур. Ул зотлар хато фикр қилурлар. Зероки, худо насиб қилмаганини қайдан билурлар. Инсон қабул илм, санъат, китобат эмасму? Исломият ҳар бир муслмонга илм ўқимоқни фарз қилиб, қобилиятли инсонга илмни таклиф қилдими? Ёки баъзи кишиларни ўқимоқлари ила бошқалар озод этилдиларму? Йўқ мундоғ эмас. Ҳар қандай ота ҳам аҳволи ночор бўлса-да, боласини мактабга бериб 3-4 йил ўқитиб саводини чиқартиради”[7], деб ёзади.

“Садои Фарғона” газетасида эски мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳақидаги танқид мақолаларга қарши ёзилган раддиялар ҳам нашр қилинган. Жумладан, таҳририятга келган бир мактубда анъанавий мактаб ва маорифни танқид қилавермасдан, улардаги шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда ислоҳқилиш бўйича мулоҳазалар билдирган[8]. Шунингдек, газетадаги яна бир мақолада “усули жадид” энди ўйлаб топилмагани, эски мактабни ислоҳқилишга қарши турувчилар бироз мулоҳаза қилишлари, ижтимоий турмушнинг моҳиятига етмай туриб, жаҳолатга қўл урмасликлари таъкидланади[9].

XX аср бошларида Туркистонда жадид мактаблари билан бир вақтда кечки ҳамда касб-ҳунар мактаблари ҳам ташкила этила бошлади. Бу ҳақда “Садои Фарғона” газетасида маълумот ва хабарлар бериб борилган. Жумладан, газетада Маҳмудхўжа Аҳмадхўжа ўғлининг “Кеча мактаби очилур” номли мақоласи чоп этилган бўлиб, унда бундай мактабларни очиш долзарб масала эканлиги айтилиб, катта ёшдагиларга ўргатиладиган фанлар баён қилинган[10]. Газетадаги “Хунар мактаби” номли хабарда эса Андижонда сартарошлик мактаби очилгани ва бу мактабни тамомлаган хунар эгалари иш билан таъминланиши ҳақида маълумот берилган[11].

Хуллас, “Садои Фарғона” газетаси орқали XX аср бошларидаги Туркистон ўлкасининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид кўплаб маълумотларга эга бўлиш мумкин. Газетада маориф

масалаларига бағишланган мақолалар ва хабарларга кенг ўрин ажратилган бўлиб, уларда давлат ва жамият тараққиётининг асоси бўлган илм-фанни ривожлантириш учун мактаб ва мадрасалар ислоҳи асосий ўрин тутиши тарғиб қилинган. Ўз даври учун тарғибот вазифасини бажарган ушбу публикациялар бугунги кунда Ўзбекистоннинг XX аср бошларидаги жадиличлик ҳаракати тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

11. Мулла Маҳмудий. Ҳунар мактаби // “Садои Фарғона”, 1914 йил 10 декабрь. -№ 93.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аҳлулло Хайрулло. Туркистон вилоятинда усули жади́д тарихи // “Шўро”, 1913 йил. - № 7.
2. Имтиҳонларни соддалаштирмақ // “Садои Фарғона”, 1914 йил 9 май. - № 14; Имтиҳонларда ош ва чой // “Садои Фарғона”. 1914 йил 21 май. - № 19.
3. Муаллим афандиларга очиқ мактуб // “Садои Фарғона”. 1914 йил 27 апрель. № 9.
4. Имтиҳон мажлиси // “Садои Фарғона”. 1914 йил 7 май. № 13.
5. Имтиҳонларни соддалаштирмақ// Садои Фарғона, 1914 йил 9 май. - № 14.
6. Имтиҳонларда ош ва чой // “Садои Фарғона”, 1914 йил 21 май. - № 19.
7. Дада мирза қори. Ҳозирги эски ва янги мактабларимиз ҳолидан // “Садои Фарғона”, 1914 йил 25 май. - № 21.
8. А.А. Мактуб // “Садои Фарғона”, 1914 йил 7 апрель. - № 2.
9. Обиджон. Усул жади́дни аввал ихтиро қилиб туриб, яна бошқадан шикоят қилганларга таажжуб // “Садои Фарғона”, 1914 йил 1 август. - № 44.
10. Кеча мактаби очилур // “Садои Фарғона”, 1914 йил 19 сентябрь. - № 61.

## БОЛЬШЕВИКЛАР МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОНДА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ

ОЙБЕК РАСУЛОВИЧ РАШИДОВ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ДОЦЕНТИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ

### АННОТАЦИЯ

Большевиклар партияси миллий сиёсатнинг ҳар бир тарихий босқичида, ҳар бир вазиятда шароитдан ва асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда унинг йўналиши, мақсади ва моҳиятини ўзгартириб борди. Масалан, 1917-1924 йиллар давомида партия миллий сиёсатнинг асосий негизи бўлган “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи” нинг кун тартибига қўйиши ва унинг большевиклар “андозаси” асосида амалга оширилиши натижасида сунъий равишда миллий республикалар ташкил қилиниши бўлди[1].

Миллат фидойилари томонидан Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилганида “миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи” советлар учун ёт тушунчага айланди. Туркистон Мухторияти ваҳшийлик билан қонга ботирилди. Бу совет ҳокимияти миллий сиёсатида “ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан совет андозасисиз давлат барпо этолмайди” деган мақсадни кўзда тутарди.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Харбий куч, туб аҳолиси, озодлик ҳаракати, февраль воқеалари, большевиклар, миллий менталитет.

### КИРИШ

Туркистон Мухториятининг 1918 йил февралда ҳарбий куч орқали тугатилиши миллий масалада зиддиятларнинг чигал тугунини юзага келтирди. У большевикларнинг маҳаллий аҳоли билан алоқаси йўқлигини очиқ-ойдин кўрсатди ва айни пайтда, минтақадаги миллий озодлик

ҳаракатининг етуқлигини намоён этди. 1918 йилнинг фожиали февраль воқеаларидан сўнг Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати изчил равишда очиққуроли кураш шаклини ола бошлади. Ўлканинг туб аҳолиси ва уларнинг сиёсий йўлбошчилари большевикларнинг ҳукумат тузилмалари

ҳатти-ҳаракатларида миллий менталитетга ёт бўлган давлатчиликни жорий қилиш учун ошқора интилишини яққол кўргач, миллий масалани тинч йўл билан ҳал этиш имконияти тугади, фақат қурол кучи билан мустақиллик ва озодлик ҳақидаги асрий орзуни амалга ошириш мумкин, деган фикрга келдилар[2].

Совет ҳукумати Туркистон Мухторияти тажрибасидан муҳим хулоса чиқариб, Туркистон ҳудудида ўзига хос совет намунасидаги автономияни ташкил этишга киришди. Бундан кўзланган асосий мақсад – Туркистоннинг келажакда мустақил, суверен давлат бўлиб, алоҳида ажралиб чиқиб кетишига йўл бермаслик эди. Анашу мақсадда 1918 йил 20 апрель куни Тошкентда Туркистон Советларининг V съезди очилди. Ниҳоят, 30 апрель куни съезд РСФСР таркибида Туркистон Совет Автоном Республикасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва “Туркистон Совет Республикаси тўғрисида Низом”ни тасдиқлади. Туркистон Совет Автоном Республикасининг тузилиши совет тарихшунослигида миллий масаланинг ҳал қилинишидаги дастлабки ғалаба, деб баҳоланди.

Туркистон АССРда 1918 йили Туркистон Миллий ишлар бўйича халқ комиссарлиги тузилди. 1919 йилда Туркистон комиссияси ҳузурида ўзбек, қирғиз, туркман, украин ва бошқалардан иборат 10 та миллий бўлим фаолиятини бошлаган[3]. Шу билан биргаликда 1919 йил март ойида II Ўлка партиявий конференциясида РКП (б) нинг миллий ишлар бўйича махсус бюроси тузилди. Миллий ишлар бўйича бюро партия комитетларининг сиёсий вазифаларини бажарувчи ёрдамчи ташкилот сифатида фаолият юритди. Бундай ҳолатдаги бошқарув тизими нафақат Туркистонда балки советларга қарам бўлган бошқа миллий республикаларда ҳам ўз аксини топган. Камчиликни ташкил этган европалик аҳоли ушбу ҳудудларда кўпчилик бўлган халқларнинг миллий сиёсий йўналишини

белгилаган эди. Туркистон АССР миллий ишлар бюросининг европалик аҳоли учункичик миллий бўлимлари: эрон-озарбайжон, чех, серб, украин, яҳудий, арман, поляк, маҳаллий-яҳудий, кавказ-озарбайжон ва бошқалардан иборат бўлган[4].

1919 йил сентябрида Туркистон Коммунистик партиясининг фавқулодда чақирилган IV съезди айнан миллий масалага бағишланди. Съездда Турар Рисқулов совет миллий сиёсатида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кескин фикр билдирди. “Туркистондаги пролетар инқилоб ажойиб жиҳатлари билан бирга катта хатоларга ҳам йўл қўйди. Бунга асосий инқилобчи – номояндаларининг маҳаллий аҳоли турмуши ва шарт шароитлари билан таниш бўлмаганлиги сабаб эди. Шу боис олиб борилган сиёсатнинг нормал характерга эга эмаслиги, кейинчалик қайд этилган хатоларга сабаб бўлди. Совет ҳокимиятининг инқилобга қарши бўлган кучлар билан курашиши унинг ҳудудда совет тизимининг қурилишига катта зарар етказди. Қўқон муҳториятининг барбод қилиниши ҳамда Бухородаги воқеалар мусулмонлар учун совет ҳукуматининг салбий жиҳатларини фош қилди. Ушбу воқеаларда сиёсий раҳбарлар бир қатор тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйишди. Натижада улар тинч яшаётган мусулмон аҳолига фожиалар келтирди, янги фронтлар, масалан, Фарғона фронтининг пайдо бўлишига олиб келди”[5].

В.И. Ленин ташаббуси билан 1919 йилнинг октябрь ойида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси тузилди. Мазкур комиссия таркибида коммунистик партия ва Совет давлатининг арбоблари Ш.З. Элиава (раис), М.В. Фрунзе, В.В. Куйбишев, Я.Э. Рудзутак, Ф.И. Голошчекин ва бошқалар бор эди[6]. Бу комиссия аъзолари Туркистон минтақасида Марказ сиёсатини юритиб, маҳаллий халқларга нисбатан шовинистик кайфиятда бўлди.

Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди (1920 йил сентябрь) ва Туркистон АССР Советларининг IX съезди миллий сиёсатни амалга ошириш кераклиги таъкидланади. Съезд Туркистон Коммунистик партияси миллий сиёсатининг асосий тактикасини белгилаб берди. “Туркистонда яшаб турган барча қабилалар ва миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси билан Марказий Россиянинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида бузилмас ҳамкорлик иттифоқини оғишмай амалга ошириш” дан иборат бўлиши лозимлиги съезд томонидан уқтириб ўтилди[7]. Большевиклар миллий сиёсатида 1920 йил кўзланган навбатдаги режанинг амалга оширилган йил бўлиб қолди. Яъни, 1920 йилда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги большевикларнинг узоқ ўйланган пухта режаси асосида қизил армия томонидан афдарилди ҳамда улар ўрнида ХХСР ва БХСР тузилди.

1921 йилнинг мартада РКП (б) X съездининг миллий масалага доир қарорида мустамлакачилик ва миллатчилик сарқитлари кескин равишда қораланди. Давлат қурилишининг ҳамма соҳаларида миллатлар ва ирқлар тенг ҳуқуқли эканликларини, уларнинг эркин ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш кераклиги таъкидланган эди. Бироқ большевиклар партиясининг съездида билдирилган бундай тўғри фикрлар ҳаётда бутунлай бошқача тадбиқ этилди. Большевикларнинг ўзи миллий масалада икки ёқлама сиёсат юритиб, асосан Марказ манфаатларини ҳимоя қилишди.

1922 йил 30 декабрда қабул қилинган СССРни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, унинг таркибига халқларнинг хоҳиш-иродасига зид равишда дастлаб РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье республикалари киритилди. РСФСР таркибидаги Туркистон АССР ҳудуди ўз-ўзидан СССРнинг территориясига айланди. Кейинчалик Ўзбекистон ССР ташкил топиб, у иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига киритилди.

## **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, большевиклар партияси зўравонлик йўли билан Россияда 1917 йил октябрда ҳокимиятни эгаллаб, совет давлатига асос солди. Совет Россияси раҳбарияти ва большевиклар бепоён мамлакатда сиёсий ҳокимиятни эгаллагач, инсоният тарихида мисли кўрилмаган қатағон сиёсатини олиб боришди. Большевикларнинг миллий сиёсати чекка миллий ўлкалар ва республикаларда жуда усталик билан олиб борилиб, асосан Марказ манфаатларига бўйсундирилди. Туркистондаги совет партия ва хўжалик раҳбарлари Марказ буйруқларини бажаришга мажбур қилинди. Туркистондаги миллий етакчилар бундай шароитда миллий масалада адолатли ва холис сиёсат юритишда ожиз қолиб, большевиклар партиясининг ижрочиларига айланишди.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000.-Б. 151-152.
2. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000.-Б. 151-152.
3. Ата-Мирзаев О, Гентшке В, Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко – демографический аспект.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.С.163.
4. Саипова К. Д. Социально – экономическое и политическое положение европейской части национальных меньшинств на территории ТААСР. // Вестник развития науки и образования. Москва, 2013.№ 1-С.23-24.

5. Мусбюро Р.К.П.(б) в Туркестане. 2 из Туркестанские Краевые конференции Р.К.П. 1919-1920г.г. - Т.:Туркестанское Государственное Издательство, 1922.С 57.
6. Рашидов Ш.Р. Дўстлик байроғи. – Тошкент:Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти., 1967.-Б.114-115.
7. Ўзбекистон ССР тарихи. – Тошкент:Фан., 1974.-Б.319-321.

## ЖАДИД ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ

ЛАТИФЖОН БАҲТИЁРОВИЧ СИДДИҚОВ

ТВХТҲҚТ ВА МО ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Тарих – курашлар, ҳужумлар ва бунёдкорликлар силсиласи. Мозийдан беҳабарлик бугунги ва эртанги авлодни бир мунча синдириб, маънавий қашшоқ ва кучсиз, юртига бефарққилиб қўйиши мумкин. Хар бир авлод ўз юрти тарихига ва бой маънавий меросига эга бўлиб, уни келажак авлодга етказиш хар бир фуқоронинг инсоний бурчи ҳисобланади. Келажак учун ўтмиш сабоқларидан ижобий хулоса чиқариш, мустақил фикрга эга бўлиш ёш тарихчининг шаклланишида жуда муҳимдир.

Бу юрт оламга машхур мутафаккирларни, алломаларни етиштириб чиқарди. Лекин ҳаёт бир текис бўлмаганидек, сўнги асрларда Ўрта Осиё халқлари маданий тараққиёти Европа ва Америка тараққиётидан бутунлай узилиб қолди. Асрлар давомида бир бутун бўлиб келган мамлакатнинг, бир иқтисодий ва маданий маконда яшаб келган халқнинг хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, этник низолар уруф-қабилла жамоаларини бир жойдан бошқа жойларга қўчиб, ёки зўрлик билан яшаб турган жойларидан кўчиришлар бир бутун бўлиб жипслашишга, тинчлик ўрнатишга ҳалақит берарди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Кармов – “Нега бу миллат буюк сиймоларни етиштириб, XVII – XIX асрларга келиб то шу чоққача еришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан”[1] – деган фикрлари асослидир.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Таърих, мустақиллик, ўзликни англаш, маънавий маърифий қадриятлар, ўтқир публицистик.

### КИРИШ

Шунинг учун ҳам мустақиллик давридан бошлаб, ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг ҳамма

жабҳаларида: ўзликни англаш, маънавий маърифий қадриятларни чуқур идрок этиш



ва халққа етказиш, ёшларни Ватанга, халққа мухаббат руҳида тарбиялашда улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда ҳукумат тамонидан узоқни мўлжаллаб ишлаб чиқилган махсус дастурлар, айниқса, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг қабул этилиши узлуксиз таълим тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан XX аср боши ва охиридаги маърифий ва маънавий ҳаётида муайян ўхшашликлар мавжуд. Бинобарин, жадид маърифатпарварлари ҳам “ёшлар тарбияси”га “ҳаёт ёки мамот масаласи” деб қараганлар.

Россия империясидаги миллий педагогика тарихининг энг ёрқин саҳифалари эса албатта, жадидчиларнинг таълим соҳасида олиб борган ислохотлари билан боғлиқ. XIX аср охирида бошланган ушбу ислохотнинг назариётчиси ҳам амалиётчиси Исмоил Гаспринский эди. Жадидчиликнинг ўзи пайдо бўлиши ҳам мана шу ислохот билан чамбарчас боғлиқ. Таълим соҳасида ислохот нима учун зарур бўлиб қолди? Нима учун жадидчилик ҳаракати вакиллари ўз эътиборларини биринчи навбатда мактабга қаратдилар? Гаспринский ислохот ҳақида гапирар экан, мусулмон жамиятини мунтазам бир шаклга олиб келиш, уни замонавийлаштириш ва замонга мувофиқ ўзгаришларга тайёрлашни назарда тутди[2].

XIX аср охири - XX аср бошидан Туркистон ва Бухоро жадидларининг буюк намоёндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулқодир Шакурый, Хожи Муйин, Суфизода, Сиддикий-Ажзий, Салоҳиддин домла ва бошқалар «усули жадид» мактабларини очишга, ёшларни дунёвий билимларни эгаллашга, “миллат равнақ”ига ҳаракат қила бошладилар. Жадидлар янги усулдаги мактабларда ўқиган, илми ва замон талабига жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялаш учун курашдилар. Бу билан уларни ўлканинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маданий

тараққиётида муҳим ўринларда бўлиши, Туркистоннинг равнақ этишига салмоқли ҳисса қўшишларига ишонганлар.

Улар маънавий-маърифий руҳдаги, ўткир публицистик мақолалари билан миллатни уйғотишга, жаҳолат исканжасидан маърифат юксаклигига олиб чиқишга интилди. Ёшлар тарбиясига, мактабларни ислоҳқилишга катта аҳамият қаратди. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудий “Падаркуш” драмасида илмсизлик оқибати хорлик экани ғоясини илгари сурди. Мунавварқори Абдурашидхонов эса 1903 йилдан жадид мактаблари очиб дарс бериш баробарида “Адиби аввал” (1907), “Адиби соний” дарсликларини ёзди. Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” (1909), “Иккинчи муаллим” (1912) номли дарсликлари, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” каби қўлланмалари ҳам айни мактаб ислоҳига қаратилган эди.

Адабиётшунос Нурбой Абдулҳаким маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхоновнинг “Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз ғафлат уйқусидан очиб, атрофимизга назар солмоғимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодати хол ва истикболини муҳофазатига биринчи восита илм олмоғига қаноат хосил қилиб, илму маорифга ортиқ даражада ҳаракат қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истикболимиз ниҳоятда хавфлик улуб, ҳамма оламга масхара ва кулгу бўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир” деган сўзларини келтирар экан, бундай ёзади: “Жаҳолат деганлари қачондир тарихда бўй кўрсатгану энди кайтиб келмаслиги аниқ бўлган ходиса эмас. Таассуфлар бўлсинки, у ҳар бир замонда қайсидир кўринишларда намоён бўлаверади. Миллатни ич-ичидан емиради. Тараққиётдан неча юз йиллар орқада қолишига сабаб бўлади. Таназзул гирдобига тортади. Бинобарин, ҳар бир миллатни, унинг вакиллари жаҳолатдан қутқарувчи ягона восита – илм ва маорифдир. Кимки илм ва маорифга муносиб даражада

этибор берса, шубҳасиз, саодатга эришади”[3].

Бу хайрли ишни муваффақиятли бошлаш ва давом эттириш учун баъзи муаммолар ҳам пайдо бўла бошлади. Улардан бирини Хожи Муйин «китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитгувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди»[4], деб билади. Шунингдек, матбуот саҳифаларида мактабларда замонавий билимлар ўқитилмаслиги қаттиқ танқид қилинади. Чунончи, Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб” номли мақоласида жамиятдаги салбий иллатлар қаламга олинар экан, мактаб ва мадрасаларнинг қолоқлиги, муаллимларнинг замонавий таълим-тарбия усулларидан беҳабарлиги ҳамда диний ва дунёвий билимларни болаларга яхши етказиб бера оладиган китоблар деярли йўқлиги надомат билан ёзилади. Муаллиф мақолада бундай жаҳолат миллатни маънавий таназзулга олиб боришини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: “Бу жаҳолат натижасида ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдуғимиз ҳолда, мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонини қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ўйларидан чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивахоналариға сарф этмақдадурлар”[5]. Тараққиётнинг бешиги мактаб эканлигини жадидлар жуда яхши билар эдилар. Шарқ мамлакатлари қаторида Афина, София, Рим, Истанбул каби Европа шаҳарларида бўлган Исҳоқхон Ибрат ҳам халқини ғарб маънавияти, илм-фани тараққиётидан баҳраманд этиш учун кўп куч-ғайрат сарф қилгани ҳолда «Миллатни ким ислоҳ этар?» мақоласида одоб-ахлоқ тарбияси дин уламолари зиммасида эканлигини таъкидлайди: «Бизни фикримизча, мунинг дафъу ислоҳиға уламо ҳазрати камари ҳиммат боғлаб, муқаддас меҳробу минбардан ваъз сўйлаб, аҳолиға аҳкоми шариятни билдуруб, байтуллоҳхукминдаки,

масжид ва жомеъларда эртаю кеч амри ба маъруф ванаҳи аз мункир этиб, халойиқ англайдурғон бир тил илан панду насиҳат этсалар ҳам мунинг ҳеч қўймасдан ҳар кун баъд аз намози фажр ва баъд азхуфтан доим мухталиф мавзулардан баҳс этсалар, албатта, таъсирсиз қолмас. Хусусан, муқаддас масжидда сўйланган ваъз ҳар бир мўмин қалбина ду болотаъсир этар»[6].

Улар халқни, миллатни маърифатли этиш йўлидаги тадбирлари учун ўз маблағларини аяган мулкдорларни қанчалик ёмон кўрсалар, умухалқ манфаатини оёқ ости қилган, мулкдорлар юз-хотирини қилган дин арбобларидан ҳам шунчалик нафратланар эдилар. Абдулла Авлонийнинг “Таржимий холим” деб номланувчи рисоласида бу ҳаракатга қўйидагича баҳо берган: “Мулло ва бойларга қарши ҳамда эски турмуш билан қатъий суратда кураш бошладук. Ўз орамизда муллоларга қарши уюшмамиз ҳам вужудга чиқди. 1905 йилгача шул ҳолда ўзаро курашда давом этдик. Бой ва уломолар “жадид”чиларга қарши, “жадид”чилар – бой ва уламо ҳамда эскилик ва хурофотга қарши курашиб келди. 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Бизнинг ташкилотимиз сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзин очмоқ чорасига киришди”[7] каби фикрлари ўша вақтдаги ижтимоий ҳолатни акс эттирар эди.

## ХУЛОСА

Туркистон мустамлака маъмурияти янги мактаблар тизимини йўққилишга қаратилган барча тадбирларни амалга оширди. Татар зиёлиларининг Туркистонда тобора кенгайиб бораётган ҳаракатларига тўсиқлар қўйилди, рус-туземмактаблари очилди. Бунинг натижасида 1910-1911 йиллар орасида усули жадид мактаблари сони анча қисқарди. Шундай бўлишига қарамай усулижадид аста-секин ўзи йўлини топа бошлади ва ривожланди. Туркистонга

янгимактаблар шундай қийинчиликлар билан кириб келди ва ёйилди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.; Шарқ, 1998,9 – бет.
2. Балдауф Ингеборг. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире. – Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт вamuстақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. Т.: Маънавият, 2001, 44-45-бетлар.
3. Абдулҳаким Н. Маърифат нимадир, жаҳолат надир? // Тафаккур, 2005, 3-сон. - Б. 14-15.
4. Хожи Муйин. Ўзбекча алифболар тарихи. // Маориф. 1929. № 2.
5. Абдурашидхонов Мунаввар Қори. Хотираларимдан (Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб) – Т.; Шарқ, 2001.
6. Қосимов Б. Буюк сиймолар. // Масыул муҳаррир М. Хайруллаев. - Т., 1997. Б. 118.
7. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Т.2. –Т., 1998. 288 – бет.
8. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
9. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
10. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
11. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.

12. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
13. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
14. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## КО’НА VA NAVQIRON TOSHKENT BOZORLARI

NOSIR YUSUPOVICH JO’RABOYEV  
TOSHKENT DAVLAT TRANSPORT UNIVERSITETI T.F.N., DOTSENT

BEHRUZ DILSHOD O’G’LI SAYFULLAYEV  
TOSHKENT DAVLAT TRANSPORT UNIVERSITETI ASISTENTI

### ANNOTATSIYA

Bozor–savdo markazi, tovar-pul munosabatlari asosida tashkil etilgan tadbirkorlik va iste’molchilik tashkiloti. Qadimda bozorlar hunarmandchilik ishlab chiqarishi jonlangan joy va ayni vaqtda she’riyat, adabiyot, ilm-fan yutuqlari bo’yicha suhbatlar o’tadigan, bilim almashuvi kechadigan joy ham bo’lgan. Bozorda hukmdorlar farmoni e’lon qilinar, aybdorlar jazolanar edi. Bozor–tomoshagoh, ko’ngilochar joy ham edi: nayrangboz, dorboz, polvon, qo’g’irchoqbozlarning namoyishlari xalq e’tiborida bo’lgan. Bozorlar ko’pincha yo’l chorrahalarida, yo’l chetlarida, aholi yashaydigan manzilning markaziy qismlarida tashkil etilgan bo’lib, uning atrofida masjid, madrasa, hammom, karvonsaroylar, qozixonalar joylashgan. Bozorlar yoyma, rastali, do’konli, tim (usti yopilgan), gumbazliko’rinishlarda bo’lgan.

### KALIT SO’ZLAR

Sharqbozorlari, savdogarlar, savdonizomi, yettiqim, shaharning markazi.

### KIRISH

Bozor– xalqning turmush darajasini belgilovchi muassas hisoblanadi, chunki unda xalqning moddiy va ma’naviy boyligi, milliy ruhiyati, udumlari, madaniyati o’z aksini topadi. Bozorning azaldano’zigaxos qonun-qoidasi, odatlar mavjud bo’lgan, bular – savdo-xarid qilishda talashib-tortishish, pishiq-puxtalik, hisob-kitoblilik, savdonizomiko’rsatmalariga rioya etish kabilardi

r. Aksholda, qonunbuzar jazolanib, bozordan chiqarib yuborilgan. Sharqbozorlari, xususan, azim Toshkent bozorlari qadimdan yettiqimga ma’lum-umashhur bo’lib kelgan. Hamisha javjum Shosh bozorlari barchaniohanr abodeko’zigatortavergan. Jumladan, 1813-yil sayohat vaqtida Toshkentdano’tgan Filipp Na zarov Toshkent bozorlarida yaqin-atrofdakelganlardantashqari, boshqamamakatdankelgansavdogarlarhamk o’pligini aytib,

бубозорларнитурлимамлакатларданузлуksizkarv onlarkelib-ketadiganyirksavdopunkiti– debta’riflagan[1]. Toshkentbozorlariningyoshiazimshaharningyo shibilantepa-tengdir. Bungako’hnashaharningBuyuklpakyo’lidajoyla shganidantashqari, geografikqulaymintaqadaekanligihamimkonbe rgan. Toshkentning “Sharqdarvozasi” deyaramziynomlanishibejizgaemas, chunkisharqvaga’rbmamlakatlaridankelayotga nkarvonlarshaharnikesibo’tgan. Boshidanoqmohirsavdogarlar, hunarmandlar, baqqol- ubazzozlardavronsurganToshkentshahridagib ozorlarhardoimmuhimmoliyaviyinstitutvazifasi nio’tabkelgan. DastlabqadimgiToshkent (Choch) 50 danziyodkatta- kichikqo’rg’onlardaniboratbo’lganligiuchun, uni – “Mingshaharmamlakati” debataganlar. Shundaharbirqal’abelgilanganvaqtda (haftaningbirkuni) darvozasiniochib, bozorlaridachakanasavdouyushtirilgan. Shundanbo’lsakerak, hozirgikungachabozorlarimiz “juma-bozor”, “seshanba-bozor”, “payshanba-bozor” debatalib, shukunlaribozorlargavjumbo’lganvaulardacha kanasavdoavjolgan. Bozorlarko’pinchatoshloq (turkiytilda–qumloq) joylardatashkiletilgan. KeyinchalikqadimgiToshkentyagonahududiybi rlikkaaylanganidanso’ng, shaharningqoqo’rtasida 15 tachakattabozorlarshakllangan. Registon (Eskijuva, Chorsu, Pastbozor), Qo’shbozor, Oloybozori, Quyliqbozori, Qaymoqbozori, Krasin (kerosinso’zidanolingan– Zarqaynarko’chasidebo’lgan) bozorlarbo’lib, ularengeskibozorlardir. A.I.Dobrosmislovning 1912-yildanashretilgan “Ташкент в прошлом и настоящем” asaridaqaydetilishchaXIXasro’rtalaridaToshken tdaunbozor, kigizbozor, qo’ybozor, go’shtrastasi, nonvoylikrastasi, kigizrastasi, kavushbozor, yog’ochbozor, temirchilikrastasi, misgarlikrastasi, shambozor, choyfurushlikrastasi, chitfurushlikrastasi,

pichoqchilikrastasi, paxtabozor, tamakibozor, tovuqbozor, zargarlikrastasikabisavdorastalarimavjudbo’lib , ularningsoni 1500 tagachayetganvabundayrastalarodatdakarvon saroylardahambo’lgan[2]. Chorsu bozori. Hozirgi paytda biz biladigan Chorsu (Eski juva) deb ataladigan bozor– Registon, Eski juva, Chorsu, Past bozor nomi bilan yuritilgan. Bozorning dastlabki nomi Registon bozor bo’lgan. U fors tilidan olingan bo’lib– shaharning markaziy maydoni degan ma’noni anglatgan. “Tarixi jadida”da ham shaharning asosiy markazi sifatida Registon bozori ko’rsatilgan. Bu joyning nomini xalq “Jo’ba” deb ataydi, kitoblarda esa “Jo’ybor” bitilgandir –deb yozadi Muhammad Solih. Markaziy bozor anchagina joyni egallagan. Bu haqida Muhammad Solih “Bozorning do’konrastalari Chorsudagi qandolatpazlik do’konigacha davom etadi. Ramazon oyida bu yerda kechasi ham bozor bo’ladi, xalq savdo- sotiq, har xil o’yin-kulgu qiladi”,-deb yozadi[3].Bozor shahar o’rtasida, Labzak va Jangob arig’ining pastki (toshloq) qismida joylashgan. Chorsu-chorraha, “to’rt tomon” degan ma’noni anglatadi. XI asrda Beshyog’och dahasida mahalla sifatida vujudga kelgan, Tikanli mozor, Chuqurqishloq mahallalari va Registon bozori bilan chegaradosh bo’lgan. Unga shaharning asosiy darvozalaridan yo’llar kelib tutashgan. Samarqand yo’li va Beshyog’och ko’chasi kesishgan joy, “Chorsu” deyila boshlandi – undagi savdo rastalari, hunarmandlar do’konlari ko’payib borib chegaradosh bo’lgan Registon bozori bilan o’z-o’zidan qo’shilib ketgan. Eski juva (manbalarda; sug’d tilida eski– baland, juva–minora, joy degan ma’no tushunilsa, turkiy tilda “jiba” –sovut, jibaxona– harbiy aslahalar saqlanadigan omborxonada degan ma’noni anglatadi). IX asrda Sebzor dahasida Eski juva nomli mahalla mavjud bo’lgan va uning chetida do’kon, rastalar joylashtirilib, vaqt o’tishi bilan gavjum Chorsu bozori bilan tutashib ketgan.

Past bozor. Qadimiy turkiy tilda suvloq, pastlik yerni – choch deb ataganlar. XI asrda Chorsu bozori pastlikda joylashgani uchun uni Past bozor deb ham ataganlar.

Chorsu bozorining yana bir nomi– Qo’shbozor bo’lgan. Bu– ikki (Chorsu va Eski juva) birlashuvidan hosil bo’lgan nomdir. Sho’rolar davrida Chorsu bozorining o’rtasida “Oktyabr” restorani qurilib, bozor Oktyabr bozori deb ataldi. Eski juvada sho’rolar sardori M.Kalinin haykali o’rnatildi va maydon biroz vaqt Kalinin maydoni deb atalsa-da, xalq orasida Eski juva nomi bilan tilga olingan.

O’tmishda Toshkentda bir necha bozorlar tashkil etilgan. 1866-yilda A.Navoiy teatri o’rnida, yangi bozor ochilib, “Voskresenskiy rinok” deb atalgan. Savdoning asosiy qismini spirtli ichimlik tashkil etgan. Shahardagi jami 46 qovoqxonadan 24 tasi shu yerda joylashganligi uchun xalq tilida Piyon bozor (mayxo’rlar bozori) deb atalgan. 1947-yilda A.Navoiy teatri qurulishi boshlanishi bilan bu bozor faolyatini to’xtatgan.

Oloy bozori. Bozor nomini tarixan kelib chiqishi to’g’risida turli talqinlar mavjud. Birinchisi, uni Oloy tog’lari bilan bog’lab, XVII-XIX asrlarda Oloy tog’laridan kelayotgan savdo yo’lida joylashganidandir. Ikkinchisi, qozoqlarda “oloy” so’zi “askar, suvoriy” degan ma’noni anglatib, hozirgi bozor joyida XIX asr oxiri – XX asr boshlarida rus chorizmini harbiy kuchlari, askarlarining kazarmalari “yotoqxonalar” joylashgan. Qozoq chorvador ayollari rus askarlariga sut mahsulotlarini sotish maqsadida (“oloyga– askarlar oldiga” boraman-deb), shu manzilga kelib, kazarma darvozasi qoshida sut-qatiq sotgan va shu tariqa bozor vujudga kelgan. Uchinchi taxmin, Oloy malikasi Qurbonjon dodxo nomi bilan ham bozor nomini bog’laydilar. Go’yo u o’z o’g’illari bilan 1876-yilda Po’latxon qo’zg’olinida ishtirok etib, rus generali M.Skobelevga zarba bergan va vaqtinchalik kelishuvdan so’ng vaziyatni nazoratda tutish maqsadida Toshkentning hozirgi bozor joyida qarorgoh qurgan. So’ng, Oloy malikasi savdo-sotiq bilan shug’ullanish maqsadida o’z

qarorgohi atrofida bozor qurdirgan deb taxmin qilinmoqda.

Qaymoq bozor. Ushbu bozor Toshkent hokimi Yunusxo’ja davrida qurilgan va 1810-yil Qo’qon xoni bosqini davrida vayronaga aylangan. “Kichik o’rda” tepaliklarida joylashgan va kattaligi bo’yicha ikkinchi o’rinda bo’lgan. Unda, asosan, go’sht va sut mahsulotlari xarid qilinganligi uchun Qaymoq bozori deb nomlangan.

Ko’k bozor. XX asr boshlarida Cho’pon ota tepaligida “Sharq” kinoteatri o’rnida ko’katlar bozori sifatida faol xizmat qilgan. 1996-yili bozor o’rniga Mirobod tuman issiqlik tarmog’i boshqarmasi o’z idorasini qurib bo’lgach, bozor tugatilgan.

Quyliq bozor. Farg’ona yo’li tarmog’i va Katta halqa yo’li kesishgan joyida, shaharning janubi-sharqida vujudga kelgan, sharqdan shaharning darvozasi bo’lgan bozor. Uning nomlanishining ham bir necha taxminlari bor: shu joyda Qashqadaryo, Jizzax, Sirdaryo va Toshkent viloyatlaridan chorvadorlar qo’y haydab kelib savdo qilganlari uchun (hozir ham qo’y bozor, somon bozor mavjud), yoki Avliyo Ota – Qo’yli ota nomi bilan bozor atalishi bog’lanib kelinmoqda.

Mirobod dehqon bozori. XIX asr o’rtalarida vujudga kelgan. Shu davrda bu hududda rus chorizmining Turkiston harbiy boshqarmasining harbiy kasalxonasi joylashtirilgan (gospital). Uning oldida Markaziy Osiyoda pravoslav xristianlarining Nikolskiy sobori (ibodatxonasi) qurilgan. Shu joyda binolar oldida bir-ikki savdo rastalari joylashgan, keyinchalik u katta bozorga aylangan va Gospitalniy rinok deb atalgan. Mustaqillik davrida bozor qayta ta’mirlanib – Mirobod dehqon bozori deb nomlanmoqda[4].

Hozirgi paytda Toshkentda yana bir necha bozorlar faoliyat ko’rsatmoqda: Farhod, Aviasozlar (Kadisheva), Yunusobod, Sirg’ali dehqon bozorlari, Yangiobod, Otchopar, Quruvchilar chakana va boshqa bozorlar ish yuritib kelmoqda.

Bozorlarning obro’si bugungi kunimizga kelib yana ham ortganday go’yo. An’anaga ko’ra,

“moziyga qaytib” ish ko’rmoq xayrli ishdir. Har qanday bunyodkorlik va obodlikka o’z-o’zidan erishilmaydi. Yurtimiz bozorlari yil sayin zamonaviylashib, ko’rkam ko’rinishga ega bo’lib bormoqda.

Birinchi Prezidentimizning 1996-yil 5-martdagi “Bozorlar faoliyatini tashkil etishni va aholiga xizmat ko’rsatishni yaxshilashga doir qo’shimcha chora -tadbirlar to’g’risida”gi farmoni hamda ushbu farmon ijrosini ta’minlash yuzasidan qabul qilingan Vazirlar Mahkamasining “Bozorlar faoliyatini va ularni boshqarishni tartibga solish chora-tadbirlar to’g’risida”gi qarori ham aynan shunga qaratilgan. Ayni paytda poytaxtimizdagi asosiy bozorlarni o’z tarkibiga birlashtirgan “Toshbozortayyorlovsavdo” uyushmasi ham yuqoridagi qonun hujjatlari asosida tashkil etilgan. Mazkur uyushma tarkibidagi bozorlarning umumiy maydoni 140 gektarni tashkil etib, ulardagi savdo joylarining umumiy soni 28 ming 249 taga yetar ekan[5].

So’nggi yillar ichida Vazirlar Mahkamasining 330-sonli qaroriga muvofiq bozorlar hududida zamonaviy savdo majmualarini barpo etish ishlari yangi bosqichga chiqdi. Ushbu davr mobaynida 13 ta yangi zamonaviy ixtisoslashgan savdo majmualari qurib bitkazilib, aholiga foydalanish uchun topshirildi. Xususan, “Aviasozlar dehqon bozori”dagi oziq-ovqat mahsulotlari hamda go’sht mahsulotlari savdosiga ixtisoslashgan “Hamza savdo majmuasi”, “Oloy dehqon bozori” dagi “Baliq savdo majmuasi”, “Go’sht majmuasi” va “Tayyor kiyimlar majmuasi”, “Yunusobod dehqon bozorida”gi “Go’sht va go’sht mahsulotlari savdo majmuasi” va “Qandolat va sut mahsulotlari savdo majmuasi”, “Eski-juva dehqon bozori” dagi “Go’sht va go’sht mahsulotlari savdo majmuasi”, “Milliy qandolat savdo majmuasi”, “Beshyog’och dehqon bozori” dagi “Qandolat mahsulotlari savdo majmuasi”, “Oziq-ovqat mahsulotlari savdo majmuasi”, hamda “Qandolat va sut mahsulotlari savdo majmuasi”, “Farhod”, “Mirobod” va “Qo’ylik” dehqon bozorlaridagi “Go’sht mahsulotlari” savdo majmualari shular jumlasidandir.

Bularning barchasi bozor infratuzilmasini zamon talablariga muvofiqlashtirishda, bir so’z bilan aytganda, aholi farovonligiga xizmat qilmoqda. Shuningdek, “Chorsu buyum bozori” hududida “Milliy kiyimlar” savdo majmuasi hamda “Eski-Jo’va” dehqon bozori hududida to’rtta yangi majmua: “Poliz mahsulotlari” va “Milliy taomlar”, “Non va gul” rastasi qurib foydalanishga topshirildi. Ushbu majmualarda xaridorlar va tijoratchilar uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Bularga aholiga maishiy xizmat ko’rsatish bo’yicha 36 ta sartaroshxona, 19 ta fotosalon, 260 o’rinli mehmonxona, 290 ta poyafzal ta’mlash ustaxonasi, 18 ta soatsozlik ustaxonasi, 24 ta pullik avto to’xtash joylari faoliyat ko’rsatayotganini misol qilish mumkin. Bozorlar hududida Davlat soliq inspeksiyasi, Ichki ishlar boshqarmasi, Davlat sanitariya-epidemiologiya nazorat markazining tayanch punktlari va veterinariya laboratoriyalari faoliyat ko’rsatmoqda.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O’rinboyev A, Bo’riyev O. Toshkent Muhammad Solih tavsifida (XIX asr). T.: Fan ashriyoti, 1983-yil. 39-bet
2. O’rinboyev A, Bo’riyev O. Toshkent Muhammad Solih tavsifida (XIX asr). T.: Fan ashriyoti, 1983-yil. 40-bet
3. O’rinboyev A, Bo’riyev O. Toshkent Muhammad Solih tavsifida (XIX asr). T.: Fan ashriyoti, 1983-yil. 40-bet
4. www.shosh.uz. Muhammadkarimov A. XIX asr oxiri-XX asr boshlarida Toshkent bozorlari. – “Toshkentnoma”, 2009.
5. ”Toshkent ensiklopediyasi”, Toshkent. 2009, 57-b.

## ШАҲРИХОН ШАҲРИ ТАРИХИ ВА УНИНГ РЕСПУБЛИКА ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

БУНЁДБЕК ҚАҲРАМОНЖОН ЎҒЛИ ИБРАГИМОВ  
ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ, МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК  
КАФЕДРАСИ МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Шаҳрихон шаҳри ва тумани Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган Андижон вилоят таркибида жойлашган 14 туман ва 11 шаҳарлардан биридир. Андижон Давлат архиви маълумотларда келтирилишича: “Бундан 79 йил аввал, яъни 1941 йил 6 март куни Андижон вилояти ташкил топган. Ўшанда ҳудудда Андижон ва Ленинск шаҳарлари, Андижон, Балиқчи, Ворошиловск, Жалақудуқ, Избоскан, Ленинск, Марҳамат, Ойим, Олтинкўл, Пахтаобод, Сталин, Хўжаобод туманлари бўлган. Кейинчалик Ойим, Жалақудуқ ва Ворошиловск туманининг бир қисми бирлаштирилиб, Қўрғонтепа тумани ташкил этилган. Ворошиловск туманининг қолган қисми Ильичевск туманига ўзгартирилган. Сталин тумани аввалига Москва, кейин Шаҳрихон тумани деб аталган. 1991 йил 29 октябрдан эса Ленин тумани Асака тумани номини олган[1].

### Калит сўзлар

Шаҳрихон шаҳри, Россия Империяси, фармон, оммавий маросимлар, ер-сув муносабатлари, хўжалик турлари.

### КИРИШ

Шаҳрихон шаҳри 1809-1821 йилларда Қўқон хони Амир Умархон фармони билан бунёд этилган. Шаҳар номи шундан келиб чиққан, яъни Хон шаҳри деган маънони билдиради. Ўша даврда хон фармони билан Шаҳрихон бозорига келиб савдо қилувчилардан йиғим пули олинмаган. Натижада шаҳарга келувчи карвонлар сони кўпайган. XIX аср охирида шаҳарда бир қанча корхона, шу жумладан, пахта тозалаш заводи ишлаб турган. Ўша

даврдаёқ 27 та гузар, Ўрда масжиди ва миноралар бўлган. Шаҳрихон шаҳри хусусида Ақшнинг Россия Империясидаги элчиси Ю.Скайлер томонидан ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Унинг “Туркистон” асарида Қўқон хонлигининг Шаҳрихон шаҳрида ривожланган хўжалик турлари, ер-сув муносабатлари, олинган солиқлар, ўтказилган оммавий маросимлар ҳақида маълумотлар мавжуд[2]. Шаҳрихон



хунармандчилик буюмлари билан машҳур. Айниқса, пичоқчилик, бешикчилик, косибчилик, дўппидўзлик, мисгарлик хунарлари санъат даражасига етган. 1916 йилда рус подшосининг маҳаллий аҳолини мардикорликка сафарбар этилишига қарши халқгалаёни бўлиб ўтган. 1928 йилда шаҳарга Асакадан 15 км узунликдаги темир йўл ўтказилган.

Ҳозирда Шаҳрихонда тикувчилик, трикотаж, пахта тозалаш, тўқимачилик корхоналари, қурилиш ташкилотлари, автокорхоналар фаолият юритади. Шунингдек, Ўзбекистон-Хитой “Ривож Тяньжинь”, Ўзбекистон-Ҳиндистон “Ривож Норинд”, Ўзбекистон-Германия “Интертекс”, Ўзбекистон-Россия “Антекс” қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. 10 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар коллежи, лицей, 2 мусиқа мактаби, 1 спорт мактаби, музей, маданият саройи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2 касалхона, 3 поликлиника, тез тиббий ёрдам маркази, санаторий аҳолига хизмат кўрсатади. Шаҳар ёнидан Тошкент-Ўш автомобиль йўли ўтган[3].

Шаҳрихон тумани Андижон вилоятининг ўзига хос қулай табиий шароит ва тарихий ёдгорликларга бой шаҳри бу – Шаҳрихон шаҳридир. Шаҳрихон тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Ғарбдан Бўз, шимолдан Балиқчи, Олтинкўл, шарқдан Асака, жанубдан Фарғона вилоятининг Қува туманлари билан чегарадош. Майдони 0,33 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 227,5 минг киши. Туманда 1 шаҳар, яъни Шаҳрихон шаҳри, 12 қишлоқ, фуқаролари йиғини (Абдубий, Гулистон, Назармахрам, Найнаво, Пахтаобод, Тоштепа, Чўжа, Юқори Шаҳрихон, Янгийўл, Ўзбекистон, Ўрта Шаҳрихон, Хақиқат) бор. Маркази – Шаҳрихон шаҳри.

Шаҳрихон шаҳри ва тумани Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ҳудудий бўлинма ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда қишлоқ хўжалиги асосий хўжалик тури ҳисобланади. Бунда

боғдорчилик ҳамд полиз маҳсулотлари, пахтахом-ашёсини етиштириб бериш, туманнинг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари пахтачилик ва ғаллачилик. Туманда хунармандчилик (пичоқчилик, бешикчилик, дўппидўзлик, мисгарлик ва бошқалар) қадимдан тараққий этган. Шаҳрихонда бир қатор пахта тозалаш, уни қайта ишлаш, тўқимачилик, тикув трикотаж корхоналари ва бошқалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳрихон туманида 640 дан ортиқ кичик корхона мавжуд. Шаҳрихонда ташкил йирик саноат қўшма корхоналари сирасига қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: Ўзбекистон-Корея «Космо Электроникс КОЛТД», Ўзбекистон-Хитой «Ривож Тяньжинь», Ўзбекистон-Ҳиндистон «РивожНоринд», Ўзбекистон-Германия «Интертекс», Ўзбекистон-Россия «Антекс» кабиларни кўрсатиб ўиш мумкин. Улар ҳозирги кунда нафақат вилоят, балки республика иқтисодий садоҳиятини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда[4].

Андижон ҳудудида 370 дан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири бамисоли ўтмишнинг ўқилмаган саҳифаси. “Жомъе” ва “Аҳмадбек Ҳожи меҳмонхонаси” мажмуалари, “Қутайба ибн Муслим”, “Ширмонбулоқ”, “Имом ота” зиёратгоҳлари Андижон тарихидан сўзловчи масканлар сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортаётган бўлса, “Мингтепа” ёдгорлиги, “Хонтоқ” ва “Фозилмон ота” дам олиш масканлари дони дунёга кетган. Шу жумладан, Шаҳрихондаги Понсод масжиди ЮНЕСКО рўйхатига киритилган тарихий-меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Бу ерга ҳатто Франция, Япония, Хитой каби кўплаб хорижий давлатлардан мутахассислар ташриф буюриб, изланишлар олиб боришмоқда. Қуйидаги жадвалда келтирилган ёдгорликлар Шаҳрихон шаҳри ва тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Мадааний мерос департаментининг тарихий-маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган[5].

Жадвал №1

№	Объектнинг г тўлиқ номи	Объе кт даври	Объектнинг жойлашган тўлиқ манзили	Объектн инг тоифаси	Объектнинг баланс сақловчиси
<b>Археология ёдгорликлари</b>					
1	Камолтепа	V- VIII аср	Байроқ МФЙ, Шаҳрихон шох кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
2	Жумтепа	V- VIII аср	Бирлашган МФЙ, Бирлашган кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
3	Гуровон тепалиги	V- VIIIаср	Соҳиобод МФЙ, Гўравон кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
4	Деватаги тепалиги	V- VIII аср	Оқтўнлик МФЙ, Деватаги кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
5	Оқ тўнлик мозор тепа	V- VIII аср	Оқтўнлик МФЙ, Оқтўнлик кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
6	Маслаҳат тепа	V- VIII аср	Маслаҳаттепа МФЙ, Маслаҳаттепа кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
7	Тўнгиз тепа(Йўлба степа)	V- VIII аср	Гулқишлоқ МФЙ, Гулқишлоқ кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
8	Тусқовул ота	Аниқ ланмаг ан	Дўстлик МФЙ, Мардона кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
9	Эшонқишло қ мазори	I аср	Эшонқишлоқ МФЙ, Қум кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
10.	Қўрғончате	V-	Қўрғонча	Республи	Ободонлаштир

	па	VIII аср	МФЙ, Қўрғонча кўчаси	ка	иш бошқармасига
11.	Жунтепа II (Эшонбува қабристони)	V- VIII аср	Қумқайроқ МФЙ, Бирлашган кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
12.	Абдубимоз ор	II-IV аср	Бирлашган МФЙ, Абдубий кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
13.	Шерқўрғон Мозор	V- VIII аср	Шерқўрғон МФЙ, Боғ кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
14.	Девонабу- ви қабристо- ни	II-VI аср	Шерқўрғон МФЙ	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига
15.	Деватепа	V- VIII аср	Оқтўнлик МФЙ, Оқтўнлик кўчаси	Республи ка	Ободонлаштир иш бошқармасига

Жадвал №2

№	Объектнинг тўлиқ номи	Объект даври	Объектнинг жойлашган тўлиқ манзили	Объектнинг тоифаси	Объектнинг баланс сақловчиси
<b>Архитектура ёдгорликлари</b>					
16.	Понсод масжиди	1903 йил	Муллавоё МФЙ, Шаҳрихон шоҳ кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
17.	Гумбаз	1880 йил-1885 йил	Найман МФЙ, Найман кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
18.	Дорилмон масжиди	1912 йил	Дорилмон МФЙ, Дорилмон кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
19.	Қипчоқ кўрғон масжиди	1909 йил	Марказ МФЙ, Қипчоқкўрғон кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
20.	Гултепа масжиди	XX аср	Андижонлик МФЙ, Асака кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
21.	ХазратиБилол	XX аср	Дўрмон МФЙ, Дўрмон кўчаси	Республика	Туман ҳокимлиги
22.	Понсод уйи	XX аср	Қушқўноқ МФЙ	Республика	Туман ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Андижон вилояти бўйича ваколатли вакили Адҳамжон Усмоновнинг таъкидлаб ўтишича, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид Фармон ва қарорларида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда туризм ва туристик хизматлар экспорти ҳажмини оширишнинг манзилли чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда Шаҳрихон тарихий-меъморий ёдгорликлари ҳам республикада туризмни ривожлантириш орқали республика иқтисодий салоҳиятини оширишда салмоқли ҳисса қўшиши вилоят маъмурияти томонидан таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5953-сон Фармони[6] га мувофиқ ҳамда урбанизация жараёнларини янада жадаллаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан Шаҳрихон шаҳри тарихини ўрганиш ҳамда уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қарорга

асосан, Ўзбекистон Республикаси йирик шаҳарларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб ва улардаги юқори демографик ҳолат сабаб юзага келаётган қийинчиликларга шаҳарсозлик ҳамда урбанизация тамойиллари асосида замонавий ечимларни шакллантириш мақсадида саралаб олинган шаҳарларга “Йўлдош шаҳарлар” мақоми берилган. Мазкур шаҳарлар сирасига Асака ва Шаҳрихон шаҳри ҳам киритилган. Ушбу Фармонга асосан, ҳукумат томонидан 2020-2025 йилларда Андижон вилояти Андижон шаҳрига туташ бўлган Асака ва Шаҳрихон шаҳарларига “Йўлдош-шаҳар” мақомини бериш орқали ривожлантириш бўйича чоратadbирлар дастури [7] ишлаб чиқилган ва кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Андижон вилоят Давлат архиви, Фонд-608, р-1, йж-3.1-5 варақлар.
2. Скайлер Ю. Туркистон. Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Кириш, инглиз тилидан қисқартирилган таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи – т.ф.н., доц. З.А. Саидбобоев. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б.273-274.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005, – Б.86-87.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Б.88.
5. Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузуридаги “Маданий мерос департаменти” Андижон вилоят бошқармаси 59-сонли маълумотномаси. Шаҳрихон туманидаги мавжуд маданий мерос объектлари ҳақида маълумот. 14 сентябрь 2020 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953-сон Фармони.
7. 2021-2025 йилларда Андижон вилояти, Андижон шаҳрига туташ бўлган Асака ва Шаҳрихон шаҳарларига “Йўлдош шаҳар” мақомини бериш орқали ривожлантириш бўйича чоратadbирлар Дастури. 2020 йил, июнь.
8. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
9. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
10. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
11. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
12. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
13. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL

- EDUCATIONAL INSTITUTIONS.  
Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
14. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКИСТОНГА ССРСДАН КЎЧИРИЛГАН ХАЛҚЛАР ТАҚДИРИ

ЖАҲОНГИР АБДУМАЖИДОВИЧ АМИРДИНОВ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ “ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ АССИСТЕНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан унинг маънавий ҳаётида янгидавр - уйғониш, ўзликни англаш даври, Совет давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин қилишга барҳам берилиши ҳақида малумот беради.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

В.Г Клеймонован, Совет ҳукумати, кўчириш сиёсати, ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан унинг маънавий ҳаётида янгидавр - уйғониш, ўзликни англаш даври бошланди. Совет давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизими манфаатларига бўйсундирилган тарихни сохталаштириш, нотўғри талқин қилишга барҳам берилди. Аслида аҳолини кўчириш сиёсати Россиянинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутиб, бусиёсат маълум мақсад, вазифа ва босқичларасида амалга оширилган. Бусиёсатни ҳеч қачон бизга Европа маданият инициативалари, дебоқлаб бўлмади. Унинг оқибатлари шўролар тузумининг дастлабки йилларида Туркистонда очликдан ўлган ми

лионлаб кишиларнинг қоратақдирларида ўзини кўрсатди [9].

В.Г Клеймонованинг маълумот беришича, 1926 йилдан 1939 йилгача бўлган давр оралиғида республикага 650 000 нафар аҳоли кириб келган ва улар Ўзбекистон аҳолисининг 10 % ни ташкил қилган [10]

Совет ҳукуматининг кўчириш сиёсати туфайли ўлканинг ижтимоий ҳаётига, турмуш тарзига, бошқа миллат вакиллари билан ўзаро муносабатларига бефарқлиги кейинги йилларда ҳам давом этди. Ўзбекистон ҳудудларига Россия, Украина, Болтиқбўйи, Белоруссия, Қозоғистон каби давлатлардан турли миллатга мансуб кўплаб аҳоли (айримлари зўрлаб)

кўчириб келтирилган. Фақатгина ўзбек халқининг азалий меҳмондўстлик ва бағрикенглик фазилатлари туфайлигина 80-йилларга қадар миллатлар ўртасидаги кучли ихтилофлар юзага келмаган[11].

Уруш йилларида Ўзбекистон марказнинг асосий саноат ва озиқ-овқат етиштириб берувчи базасига айланди. Бундан ташқари, бу ерга кўплаб миқдорда аҳоли кўчириб келтирилди. Эвакуация қилинган халқлар ва зўрлаб кўчирилган аҳолилар ўз бошларига тушган барча кулфатлар, беқиёс даражадаги оғирлик ва қийинчиликларни ўзбек халқининг беғараз ёрдами туфайли енгиб ўтиб, ўзларининг миллат сифатидаги қиёфасини сақлаб қолдилар.

Уруш йилларида ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудлардаги аҳоли – асосан, ёш болалар ва қисман қариялар эвакуация қилиниши билан бирга, Ўзбекистонга кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар ҳам кўчириб келтирилди. Улар билан биргаликда турли соҳа мутахассислари – ишчилар, ходимлар, хизматчилар ҳам кўчиб келдилар. Турли миллат вакиллари бўлган ушбу хизматчилар республикадаги аҳолининг ижтимоий таркибига сезирарли таъсир ўтказдилар. Хусусан, уруш давригача Ўзбекистонда 90 дан зиёд миллат вакиллари яшаган бўлса, урушдан кейин уларнинг сони 120 дан ошиб кетди. Миллатлар сонининг тобора ошиб бориши билан эса, ортган миллат вакилларининг умумий аҳоли сонигаги улуши ҳам кўпайиб борган. Ўзбек халқи уларни беғараз кутиб олди, таъна тоши отмади, уларни уй-жой ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашди. Халқимиз уруш йилларида ўз ватанларидан бадарға қилинган халқларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам берди. Уларга уй-жой қуриш учун ҳосилдор ерлар ажратилди ва кредитлар берилди. Кўчириб келтирилганлар минг машаққатлар билан аста-секин мослашдилар. Сталинча миллий сиёсат кўплаб халқларнинг миллий давлатчилигини бузди, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этди, анъаналари оёқ

ости қилинди. Зўровонликнинг салбий оқибатлари узоқ йиллардан бери тўласинча бартараф этилганича йўқ. Бу ҳолатлар советлар даври инқирози пайтларида вақти-вақти билан миллий низо ва можороларнинг келиб чиқишига олиб келди.

СССРнинг бир қанча ҳудудларидан саноат корхоналари ва аҳолининг кўчириб келтирилиши, Ўзбекистондаги демографик жараёнларга катта таъсир кўрсатган. Масалан, уруш йилларида ташқи миграция ҳисобиданаҳоли сонининг ўсиши кузатилади, биргина 1941 йилнинг кузидан 1942 йилнинг декабрь ойигача 786 866 киши Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Агарда, аҳолини ташқи миграция ҳисобидан кўпайишини бундан олдинги йиллар билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 1926 йилдан 1939 йилгача 650000 кишини, яъни республика аҳолисини 10 фоизини ташкил этган. 1940 йилдан 1971 йилгача бўлган вақт оралиғида Ўзбекистон аҳолиси 5881,4 кишига ортган бўлса, шундан аҳолининг табиий кўпайиши 4664,6, аҳоли миграцияси ҳисобидан кўпайиши эса 1216,8 минг кишини ташкил этган. Мухтасар қилиб айтганда, аҳоли сони кўпайишининг 79,3 фоизи табиий кўпайиш ҳисобидан, 20,7 фоизи миграцион кўпайиш ҳисобидан бўлиб ўтган[12].

Уруш йилларида Ўзбекистонга 200 мингдан ортиқ болалар СССРнинг турли ҳудудларидан эвакуация қилинган. Хоразм вилоятига 1941 йилнинг бир неча ойи ичида келтирилган 4617 нафар боланинг 1160 нафари 15 ёшгача бўлиб, улардарҳол оилаларга фарзандликка олинди. Самарқанд шаҳрида эса 206 нафар бола оилаларга тарбиялаш учун топширилди, 56 оила эса, болаларни ўз тарбиясига олиш мақсадида ариза топширдилар. Бухоро вилоятида 1942 йилнинг март ойигача 1029 нафар бола, Тошкент вилоятида 643 нафар бола оилалар томонидан тарбияга олинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси ташқи миграция ҳисобидан анча ортган. Миграция жараёнларини ўрганиш давомидаги хулосаларга кўра, собиқ Совет



давлатининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихида халқларни мажбурий равишда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилларда турли хил сабаблар билан жуда кўплаб халқлар ўз яшаб турган жойларидан бошқа ҳудудларга қувғин қилинди. Жумладан, корейслар, поляклар, немислар, курдлар, месхити турклар, чеченлар, ингушлар, болгарлар, греклар, қалмиқлар ва шулар қаторида Қрим-татарлари ҳам ана шундай балога дучор бўлдилар. Ўзбекистон ССР ХКК ва Ўзбекистон Компартияси МҚ сининг 1937 йил 25 ноябрдаги “Корейсларни Ўзбекистон ССРга кўчириш режасининг бажарилиши тўғрисида” ги 1813/278 - сонқўшма қарорида қайд этилишича, 1937 йил 10 ноябрга қадар СССР нинг Узоқ Шарқ ўлкасидан 74500 кишидан иборат 16307 корейс оиласи Ўзбекистонга кўчирилган эди [13].

СССР Олий Совети Президумининг 1944 йил 20 мартдаги 539 буйруғи билан чечен-ингушлар, 1944 йил 18 апрелда 725 к буйруғи билан болқорлар, 1944 йил 18 майда Иттифоқ Мудофаа вазирлиги буйруғи билан Қрим-татарлар ўз ватанларидан қувғин қилиндилар ва улар, асосан, Тошкентвилоятининг 13 та туманига жойлаштирилган эди[14]. Уруш йилларида жами бўлиб, Қрим ярим оролидан 220233 киши, Қолмиқистондан - 90940, Шимолий Кавказдан - 575768, Гуржистондан – 94955 ва Волга бўйидан 949829 нафар немис миллатига мансуб киши, ҳаммаси бўлиб – 1733725 одам ўз ватанларидан зўрлаб кўчирилган эдилар[15].

1944 йилги маълумотларга кўра, СССР Мудофаа вазирлигининг буйруғига асосан Ўзбекистонга 889,400 киши кўчириб келтирилган. 1944 йил 1 октябрга қадар Қримдан жами 147 170аҳоли ўз яшаб турган жойларидан мажбурий равишда кўчирилди. Кўчириб келтирилганларнинг 18 444 таси корхоналарга, 18 881 таси колхоз-совхозларга жойлаштирилган. Бундан ташқари, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар, 4,5 минг нафар болқор, арман,

греклар ана шундай қисматга дучор бўлган эдилар[16]. 1945 йил 1 июлгача Фарғона вилоятига Қрим ва Грузиядан кўчириб келтирилган 6569 оиладан 4322 оила колхоз аъзолигига қабул қилинган[17].

1949 йилга келиб Қора денгиз ва Грузияда яшовчи грек миллати вакиллари кўчиришнинг иккинчи босқичи оқибатида Ўзбекистонга яна 12 минг нафар греклар кўчириб келтирилди[18]. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, уруш йилларида бошқа халқлар билан бир қаторда Ўзбекистонга 682 та япон асирлари ҳам келтирилиб жойлаштирилган эди.

Умуман совет тузуми Ўзбекистон саноатини ривожлантириш соҳасида ҳам жиддийкамчиликларга йўл қўйилди. Чекланган тарздаги саноат марказларида кўпроқ йирик, аҳоли учун мутлақо янги саноат корхоналари жадал суръатлар билан барпо қилинди. Бунарсан асосан шаҳарчаларда жойлашган азалдан мавжуд бўлган кичик завод ва фабрикалар зарарига бўлди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. ACADEMICAAn International Multidisciplinary Research JournalIndia ISSN(online) : 2249-7137 Impact Factor : SJIF 2020 = 7.13. 92-бет.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2019; 62-бет.
3. "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги Республика 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари 3-қисм 30 апрел 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. 42-бет.
4. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С.Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С.112.

5. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С. 112.
6. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида.
7. Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930-1950йй.) // Ижтимоий фикр, 2002. – № 1. – 69. <http://www.russred.ru>
8. <http://www.russred.ru>
9. Ғоффоров Ш.С. Амирдинов Ж.А. Туркистонга Россия империяси томонидан аҳолини кўчириш сиёсати. "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги Республика 16-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари 3-қисм 30 апрел 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. 42-бет.
10. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С.112.
11. Amirdinov.J.A. HISTORY OF RESIDENCE POLICY IN UZBEKISTAN. (UNDER SOVIET POWER) ACADEMICA An International Multidisciplinary Research Journal India ISSN(online) : 2249-7137 Impact Factor : SJIF 2020 = 7.13. 92-бет.
12. Мулладжанов И.Р., Вороновский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. – Т.: Узбекистан, 1973. – С. 112.
13. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар) Иккинчи китоб 1939-1991 йиллар. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2019; 62-бет.
14. Жўраев Н., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2011. – Б.515.
15. Ўша жойда. 510 бет.
16. Раҳмонқулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир (1930-1950йй.) // Ижтимоий фикр, 2002. – № 1. – 69.
17. Ўша жойда. – 70.
18. <http://www.russred.ru>

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ XV АСРНИНГ ОХИРГИ ЧОРАГИДАГИ ТАРИХИГА ДОИР(“БОБУРНОМА”МАЪЛУМОТЛАРИ)

ОМОНУЛЛО БЎРИЕВ

ЎЗРФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМИ, Т.Ф.Д.

### АННОТАЦИЯ

Темурийлар даври ёзма манбалари ўша давр тарихий воқеликларини ўрганишда муҳим бирламчи манба саналади. Уларда қайд этилган маълумотларга кўра, XV асрнинг охирги чорагида Темурийлар салтанати маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Мовароуннаҳрда бир нечта қисмга бўлинган эди. Марказ Самарқанд ва унга яқин вилоятлар (Бухоро, Қарши) ни Султон Аҳмад мирзо, Фарғона водийсини (пойтахт Андижон) Умаршайх мирзо ва жанубий ҳудудлар - Ҳисор, Чағониён, Термиз, Хатлон, Жайхундан чап томондаги ерлар то Ҳиндукуш тизмасигача (пойтахт Ҳисор) жойларни Султон Маҳмуд мирзо бошқарган. Тошкент вилоятини Шоҳрухияда тузилган сулҳ (890/1485 й.) дан бошлаб, Мўғулистон хони Юнусхонга берилган бўлиб, унинг вафоти (892/1486-1487 й.) дан сўнг, ўғли Султон Маҳмудхон (914/1509 йили қатл этилган) бошқарди. Тошкент қисқа муддат, аниқроғи 890/1485 – 908/1502-1503 йиллар оралиғида, Мўғулистон хонининг қароргоҳи шу ерда бўлгани сабабли, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди. Мовароуннаҳрда юзага келган мазкур феодал тарқоқлик Фарғона вилояти ҳукмдори Умаршайх ўлими (1494) дан сўнг кучайди. Кейинги тарихий кечмишлар Темурийлар даврининг нодир мемуар асари “Бобурнома” да анча ҳаққоний ёритилган ва улардан бир қисми Заҳириддин Бобурнинг Тошкентга сафарлари билан боғлиқ.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Умаршайх мирзо, сулҳ, Андижон, Султон Аҳмад мирзо, Фарғона, мўғуллар.

### КИРИШ

Заҳириддин Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо (1455 – 1494) ўлгандан сўнг, Андижонни эгаллаш учун талаш бошланади. Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо (“Султон Аҳмад мирзо Ўратепа ва Хўжанд ва Марғишонни олиб келиб, Андижоннинг тўрт

йиғочида Қубоға тушти”[1]), Андижон атрофига етиб келганда Бобурнинг беклари шаҳарни қаттиққимоя қилганини кўриб, сулҳ тузиб қайтиб кетади (“Андижоннинг бир йиғочидин ...сулҳгуна қилиб ёндилар”)[2]. Мазкур сулҳда Исфара, Хўжанд ва Ўратепа

вилоятлари Султон Аҳмад мирзо ихтиёрига ўтади. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий”асарида ёзишича, Султон Аҳмад мирзо Фарғона мўғуллар қўлига тушмасин, дебюриш қилган экан[3].

ТошкентданСултон Маҳмудхонлашкар тортиб келади ва Ахсини қамал қилади. Жаҳонгир мирзо[4] беклар ёрдамида қўрғонни қаттиқҳимоя қиладилар. Султон Маҳмудхонбир неча марта ҳужум қилади, натижа бўлмагач, боз устига бетобланиб қолгани сабабли,мажбур сулҳ тузиб,қайтибкетади[5].

Мазкур сулҳдаИсфара,Хўжанд ва Ўратепа вилоятлари Султон Аҳмад мирзо ихтиёрига ўтади. Мирзо Ҳайдар “Тарихи Рашидий” асарида ёзишича, Султон Аҳмад мирзо Фарғона мўғуллар қўлига тушмасин, дебюриш қилган экан[6].

Заҳириддин Бобур 900 йилнинг кеч кузида (1495.ХI) отланиб, Самарқанд тахтида ўтирган Бойсунқур мирзобуйруғи асосида Ўратепани бошқариб турган Султон Али мирзо устига юрадиЛекин қиш келиб қолгани учун, Бобур қўшинни ортиқча уринтирмаслик мақсадида,Андижонга қайтади. Ўратепани ушбу қишда Султон Маҳмудхон эгаллайди (1495 й.)ва унинг бошқарувини Муҳаммад Хусайн кўрагонгаберади. У мазкур вилоятни908 (1502 – 1503 ) йилгача бошқарган[7].

Султон МаҳмудхонЎратепани олиш билан чекланиб қолмайди ва Темурийлар тахтини эгаллаш мақсадида Тошкентдан Самарқандгалашкар тортиб келади. Самарқанд яқинида Канбой атрофларида юз берган қаттиқ жангдаСултон Маҳмудхонкатта талафот кўриб мағлубиятга учрайди[8], БойсунқурМирзо эса,ёш бўлишига қарамай, ҳақиқий саркардалик шижоатини намойиш этиб, қўл остидагиларнинг ғанимларга қарши мардонавор кураши орқалиғолиб чиқади.

Заҳириддин Бобур Самарқандда ҳукмдорликни қўлга олганда Андижонни олиш учун даъвогарлар кўпайди. Тошкентда ўз вақтида Умаршайхга тегишли Ўратепани олган тоғасиСултон Маҳмудхон энди

Андижонни беришни сўраган эди.Иккинчи томондан Бобур қўл остиданқочиб келганлар, жумладан, Султон Аҳмад Танбал, мўғул черигива Бобур Самарқандга кетишида Ахси қўрғонини қўриқлашни топширган Узун ҲасанАхси билан Андижонни Жаҳонгир мирзога беришни талаб қилдилар.

“Бобурнома”да келтирилган кейинги воқеалар тафсилотида Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрда сиёсий майдонда омадсизликка учраганини ҳикоя қилади. У ёқда Самарқанд, бу ёқда Андижон қўлдан кетгач, Қосимбекни Тошкентга тоғасиСултон Маҳмудхон ҳузурига жўнатиб ёрдам сўрайди.Султон Маҳмудхон черик билан йўлга чиқади, Оҳангарон водийсидан ўтиб Кандирлик довонига етиб келганида, ХўжандданЗаҳириддин Бобур ҳам йўлга чиқиб, тоғасига пешвоз чиқади.Улар биргаликда довондан Ахси томонга ошиб ўтадилар. Лекин хон Попга етиб боргач, жангга кирмасдан,сулҳ тузиб, қайтиб кетади. Унинг қилган ишидан хафа бўлган Бобур: “Хоннинг агарчи ўзга ахлоқ ва атвори хўб эди, вале сипоҳийлиқ била сардорлиқдин бисёр бебаҳра эди”[9], - деб ёзган эди.

Маълум вақтдан сўнг Заҳириддин Бобур янгидан Самарқандга юришни режалаштириб, Тошкентга тоғаси ҳузурига Самарқандга юриш қилиш таклифи билан ёрдам сўраб хабарчини жўнатади. Султон Маҳмудхон ўғли Султон Муҳаммад Хоника ва Аҳмадбекни тўрт-беш минг черик билан белгилайди ва ўзи ҳам отланиб Ўратепага келади. Отаси олдига келган Султон Муҳаммад Хоника у ердан отланиб, Самарқанд томон юради ва Ёрйлоққа етиб боради.

Заҳириддин Бобур ҳам юриш бошлаб, Санзорга бориб тўхтади. “Мен Бурка яйлоқи била Санзорғаким, Ёрйлоқнинг доруғанишини ул қўрғондур, келдим”[10]. Султон Муҳаммад Хоника Шайбонийхоннинг келиб Самарқанд атрофи қўрғонларига чопқин ясаётганини эшитиб, қайтиб кетади. Бобур ҳам Хўжандга

қайтишга мажбур бўлади. Бобурнинг 903 йил ёзнинг биринчи ярми (1498. V-VI ) Самарқандни олиш учун қилган сафари натижасиз якун топади.

Шундан сўнг Заҳириддин Бобур Андижонни қайтариб олишни ният қилиб, ёрдам сўраб Тошкентга тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига боради. “Тошкандга хон қошига бордим. Шоҳ бегимни ва уруф-қаёшни етти-саккиз йил бор эрдимким, кўрмайдур эрдим, бу баҳона била аларни ҳам кўрулди”[11]. Ушбу ёзилганлардан маълум бўладики, Бобур бундан олдин ҳам Тошкентда бўлган ва саккиз йил дегани ҳамда Тошкентга 1498 йили келгани эътиборга олинса, у ҳолда бундан олдинги келиши 1490 йилга тўғри келади ва ўша пайтда у етти ёшда бўлган (1483 й. туғилган). Султон Маҳмудхон қўл остидаги черикдан саккиз юзга яқин кишини Бобур ихтиёрига беради. Заҳириддин Бобур мазкур черикни олиб, суръат билан Андижон томон юради. Фарғона водийсида Хўжанд билан Кандибодомга кирмасдан Насух қўрғонига етиб келади ва тунда тўсатдан ҳужум қилиб уни эгаллайди. Мазкур юриш шу билан тугайди.

906 / 1500 йил кузида Заҳириддин Бобур Самарқандга яна юриш бошлайди ва омади келиб, қўл остидаги бор-йўғи икки юз қирқ киши билан тунда тўсатдан ҳужум қилиб, шаҳарни Шайбонихон одамларидан тортиб олади.

“Тенгрига таваккул қилиб, ўшул хаёл била Васмандтин намози пешиндин сўнг Самарқанд устига илғадук. Ярим кеча Хиёвон (Хиёбон)нинг Пули Мағокига етиб, етмиш-саксон ўбдон йигитларни илгари айирдукким, Ғори Ошиқон тўғрисидин шоту қўюб чиқиб келиб, Феруза дарвозасидағиларнинг устига юруб, дарвозани иликлаб бизга киши йиборғайлар”[12].

Ушбу топшириқ асосида юборилган йигитлар, режа асосида иш тутиб, ғалаба қозонадилар ва Заҳириддин Бобур тонг пайти Феруза дарвозасидан шаҳарга киради. Олдиндан тахмин қилинганидай

шаҳар аҳолиси бу воқеага хайрихоҳлик билдириб, Бобурга ёрдам берадилар ва Шайбонийхон қолдирган навкарларга ёпирилиб ҳужум қилиб, тўрт юздан ортиғини калтаклаб ва тошбўрон қилиб ўлдирадилар. Бобур ўша пайтда ўн тўққиз ёшда эди. Лекин Шайбонихон билан кейинги тўқнашувда мағлубиятга учраб, Самарқандни тарк этади ва Ўратепанинг Даҳқатига келиб ўрнашади.

Заҳириддин Бобур Даҳқатга бориб, уч-тўрт кун ўтгач, уғруқни ўша ерда қолдириб, ўзи 907 / 1501 йил кузида хон тоғаси Султон Маҳмудхон ва у ердаги бошқа қариндошларини кўриш учун Тошкентга боради. Бу унинг Андижонда тахтга ўтиргандан кейин Тошкентга иккинчи марта келиши эди. Хожа Аҳрор Валийнинг тўнғич ўғиллари Хожаги Хожа Самарқанд Шайбонихон қўлига ўтгандан сўнг, Тошкент вилоятининг тоғли қисмида жойлашган Фаркат (Паркент) аҳоли масканига кўчиб келади ва Бобур бу ҳақда эшитиб, у кишининг ҳузурига зиёратга боради. “Ҳазрати Хожаги Хожа Самарқандтин чиқиб келиб, Фаркатга ўлтуруб эдилар. Фаркатқа бориб Хожани кўрдум”[13].

Бобурнинг Тошкентга келишидан мақсад, хон тоғаси ўзига тегишли мулкдан бирор жойни унга берар, деган умидда эди, лекин бундай бўлмади. Хон унга Ўратепани бермоқчи ҳам бўлди, бироқ Муҳаммад Ҳусайн мирзо розилик бермади. Бобур хафа бўлиб қайтиб кетади. Ўратепадан Тошкентга энг яқин йўл Шоҳрухия орқали бўлгани учун, Бобур ҳам ушбу сафарида мазкур йўналишдан юрган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бобур Ўратепада тоғу тошларда мақсадсиз тентираб юришни ўзига эп кўрмай, яна хон тоғаси қошига Тошкентга йўл олади ва қурбон ҳайит намозини Шоҳрухияда ўқийди (907 йил 10 зулҳижжа / 1502.16. VI). У ердан тўғри Тошкентга етиб боради. Бу унинг Тошкентга учинчи сафари эди. Бобур Тошкентга келганидан сўнг, уч-тўрт кун ўтгач, Танбал Ўратепага ҳужум қилгани маълум бўлади. Танбал бундан олдин ҳам Фарғона

водийсидан ғарбий Худудларга, аниқроғи Султон Маҳмудхонга қарашлимулкларга икки марта бостириб келган: биринчисида Тошкент яқинигача, икинчисида Оҳангарон водийсигача. Хон лашкар билан йўлгаотланади ва Пискент орқали юриб,Оҳангарон водийсидаги Сомсийраккаетиб боради, бу сафарда табиийки, Бобур ҳам қатнашган. У ердан йўл юриб Хўжанд дрёси бўйига етиб келдилар. У ердан хон ортга қайтади. Бобур бу юрушдан норози бўлиб: “Хоннинг бу юруши бефойдароқ юруш эди, қўрғон олмоқ ва ёғий босмоқ йўқ: бордилар,келдилар”[14], - деб ёзган эди.

Бобур маълум вақт Тошкентда хон тоғаси ёнида бўлганида ўзини ўта ғариб ва ночор ҳис қилганини ёзади. Бир хаёлидаШарқий Мўғулистонга кичик тоғаси Султон Аҳмадхон (Алачахон) ҳузурига бормоқчи ҳам бўлади. Лекин ўша пайтда кичик тоғаси Тошкентга келаётгани хабари келади. Сайрамгача пешвоз чиқиб уни кутиб оладилар.“Тошканд била Сайрамнинг орасида Яғмо деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур, бу кентларгача борилди”,-деб ёзади Бобур мазкур сафар ҳақида. Султон Аҳмадхонбилан унинг тахминан ўн уч – ўн тўрт ёшлардаги Султон Саидхон ва Бобохон Султон исмли ўғиллари, икки мингга яқин черикбирга келгандилар. Маълум бўладигани, кичик хон акасига ёрдамга келган.

Тошкентга етиб келган заҳотичерик билан Андижонга Танбалнинг устига юрдилар. Оҳангарон жулгасига етгач, Кандирлик довонидан ошибЗирқон ва Карнон атрофларига етганда ихтиёрларидаги лашкарни чамаладилар , ўттиз мингга яқин эди. Танбал Ахсига етиб келганди. Хонлар машварат қилиб, Бобурни Ўзганд орқали Андижонга боришга тайинлаб, ўзлари асосий куч билан Ахсигаюришга қарор қилдилар.

Бобур ўзига ажратилган черик биланКарнонданйўлга отланиб,Сакон атрофларида Хўжанд сувидан сол

воситасида ўтиб, Хўқонўрчини, Қубо ва Олайлуқ ўрчиниданкейинтонг саҳарда Ўш қўрғонига етиб бордилар. Улар бу кутилмаган ҳужумга тайёр эмасдилар ва мажбур шаҳарни топширдилар. Умуман олганда вилоятва Ўзганд эллари Бобурга хайрихоҳ эдилар, жангсиз тобелик изҳор этдилар.

Тоғаси унгаХўжанд сувидан чапдагиАндижон томон ерларни кичик хон Султон Аҳмадхонга бермоқчи эканлигини маълум қиладива Ахси томондаги ерларни Бобурга беради. Шунингдек,Самарқанд олингач, Бобур у ерда салтанат тахтида қолиши,Фарғона водийси эса, кичик хон Султон Аҳмадхонга тўла тегишли бўлажagini ҳамтаъкидлаб ўтади.Бобур ноилож рози бўлади ва бу ҳолат унинг Мовароуннаҳрни тарк этиши учун туртки бўлган сабаблардан бири бўлиши ҳам мумкин[15].

“Бобурнома” маълумотлари асосида келтирилган таҳлилдан Заҳириддин Бобурнинг Мовароуннаҳрда Темурийлар салтанатини эгаллаш учун ҳаракатларида Тошкент шаҳрининг муҳим ўрни бўлганлиги кўринади. Унинг Тошкентга сафарларининг ўзини алоҳида ўрганиб бўлмайдигани, воқеликни кенг кўламдаги ривож билан биргаликда олиб қараш талаб этилади.Тарихий кечинмаларТошкент шаҳри ва унга ёндош Худудлар Заҳириддин Бобурнинг тоғаси Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон томонидан бошқариб турилгани билан боғлиқ эди. Унинг Тошкентга сафарларидан мақсади тоғасидан ҳарбий кўмак олиш бўлган,тоғасиэса, Бобурни Самарқанд тахтига ўтқазиб, Фарғона водийсини Мўғулистон таркибига киритишни кўзлаганди ва бу “Бобурнома”да аниқ таъкидлаб ўтилган. Бу воқеаларЎзбекистон тарихининг XV аср охириги ўн йиллигидаги муҳим саҳифасини ташкил этади. Аманулла Буриев, ведущий научный сотрудник Института востоковеденияАН РУз, доктор исторических наук

Страницы истории Узбекистана: Путевые записи поездок Захириддина Бабур в Ташкент как исторический источник (по материалам “Бабур-наме”)

### ХУЛОСА

Данная статья посвящена исследованию материалов “Бабур-наме”, касающихся поездок Захириддина Бабур в Ташкент, на фоне его деятельности по завоеванию тимуридского престола в Мавераннахре.

Amanulla Buriev, Leading Researcher at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

Pages of the history of Uzbekistan: Travel records of Zakhiriddin Babur's trips to Tashkent as a historical source (based on materials from "Babur-name")

This article is devoted to the study of the materials of "Babur-name" concerning the trips of Zakhiriddin Babur to Tashkent, against the background of his efforts to win the Timurid throne in Maverannahr.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзоев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. Тошкент “Шарқ”, 2002. Б.51.
2. Бобурнома, Б.45. Мирза Ҳайдар Марғинондан қайтди, деб ёзади (Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л. М. Епифановой. Примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Т., «Фан», 1996. С. 146).
3. Тарихи Рашиди.С. 146

4. Жаҳонгир мирзо (1485, Андижон – 1508, Ғазна) – Умаршайх Мирзонинг иккинчи ўғли, Бобурнинг ўғай укаси.
5. Бобурнома, Б 43; 51
6. Тарихи Рашиди,С. 146
7. Бобурнома, Б.52
8. Бобурнома, Б.50
9. Бобурнома. Б. 64.
10. Бобурнома.Б. 65.
11. Бобурнома.Б. 65.
12. “Бобурнома”.Б. 80.
13. “Бобурнома”.Б. 86..
14. “Бобурнома”. Б.89 .
15. Захириддин Бобур 1511 йили Мовароуннаҳрни тўла эгаллагач,Тошкент вилояти бошқарувини амир Аҳмад Қосим куҳбарга топширгани маълум. Лекин у Мовароуннаҳрни тарк этиши билан Тошкент вилоятининг бошқаруви яна Шайбонийларга ўтади (Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. примечания и указатели Р. П. Джалиловой, Л. М. Епифановой. Т., «Фан», 1996. С.347).

## ЁЗУВ – БУ ИНСОННИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРГАН АЛЛОҲНИНГ БУЮК МЎЪЖИЗАСИДИР

ЗИЁВУДДИН МУҲИТДИНОВИЧ ЖЎРАЕВ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “МАНБАШУНОСЛИК ВА  
АРХИВШУНОСЛИК” В.Б. ДОЦЕНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ёзув пайдо бўлибдики, уни ота-она ўз фарзанди учун унинг тараққиёти учун машаққатлар чекиб таълим бериб келади. Ёзув воситасида Одам фарзандлари замон ва макон илмларини ўзлаштириб, ўз даври ўзгаришларига лаббай, дея жавоб бериб кетмасдан балки, келажак авлодлар учун тағзамин, асос яратиб кетадилар. Бундай чархпалак усулига ҳаёт тарзи сифатида асрлар давомида шаклланган тамаддунлараро ўрнатилган тарих ҳукми, дея қаралади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Услугиятлар, ёзиш ускуналари, ёзувли китоблар, электрон китоблар, техник таржимонлар, аудио пластинкалар.

### КИРИШ

Фан дея аталмиш соҳалардаги ўргатиш ва ўрганиш услубиятлари берган илмий натижалар ҳам худди шу ёзув асосида ўтмиш, кечмиш ва келажакка дахлдордир. Мана биз бугун ёзув асбобларимиз, техникаларимиз турли туманлиги билан қадимги даврлардан тубдан фарқиламиз. Илк бора ёзувлар сопол ғиштлар, тошлар, терилар, ёғочлар, матолар, қоғозларга ёзилган бўлса. Ҳозирда узатувчи ва қабул қилувчи ёзув воситалари сифатида, магнит ленталари, телеграмм, телефон, техник қурилмалар. Ўзида ахбаротларни сақловчи, жўнатувчи электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ёзув асбоблари, нано

технологиялари. Бирламчи, тезкор ёзув ускуналари, техник таржимонлар, электрон китоблар, овозли, ёзувли китоблар, овоз ёзиш ускуналари, овозни ёзувга айлантириб берувчи асбоблар. Тасвирий тушунчани ўзида акс эттирувчи расм, фото, фоно ва аудио пластинкалар, видео олиш, узатиш, кўрсатиш ва эшиттириш, кутубхоналар ҳамда ёдда сақлов матоҳларига ёзишга, хотирасида сақлашга, улар воситасида тезкор ишлашга ўрганиб улгурдик. Келажакда бундан-да яхшироғи кашф этилишига ҳали умид бор. Лекин, ҳеч қачон, ҳеч нарса Аллоҳнинг лавҳу-л-маҳфузидек бўлолмас, ҳаргиз шуни ёддан чиқармаслик



шарт. Унда қайд этганларимиз кашфиётлар, технологиялар, интеллектуал салоҳиятнинг биз хоҳлаймизми йўқми барининг қачон кашф этилиши, келиш ва ишланиш ҳамда такомил босқич даврлари битиб қўйилган. Бу эса майёқ каби тушунчадир.

Илгари ҳатто яқин замонларда олимлар, китоблар, кутубхоналар ва архивларни ҳукмдорлар махсус туялар, отлар, ҳўкизлар, филлар воситасида араваларга ортиб, кўчириб, кўтариб юрган бўлсалар. Шунча воситалардан юз баробарини тирноқдек ҳажм ва оғирлигича келадиган хотира ускунаси воситасида дунёнинг ёзувлари, китобларни бир ёш бола ҳам кўтариб, олиб юриши ҳатто бир маконда туриб иккинчи маконга узатиши, кўчириши, сақлаб қўйиши, қайта ишлов бериши мумкин-а. Мана илм-фан кашфиётлари нималарга қодир-а. Демак, ҳеч қачон олимга ва кашфиётчига зарар етказмаслик балки қўллаб-қувватлаб туриш бурчимиздир.

Замони келиб, келгусида бундан-да, бошқачароқ ёзув машиналари, сақлаш, асраш, узатиш, кўчириш, таҳрирлаш техникаси янгиланмайди, бугунги кун воситаларининг ўрни алмашмайди деб, ким ҳам кафолат бера олади. Кези келганда айтиш керакки, қайси замон ва маконда илм дея аталмиш буюк кашфиёт калити ўз гўзаллиги билан рўй берар, бўй кўрсатар экан, уни ўқимаслик ва уқмаслик, илм ўргатувчи олиму алломаларга эргашмаслик, таълимотларини ўзлаштирмаслик айни гуноҳ саналар экан.

Кашфиётчилар ким бўлиши, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бу алломалар таълимоти асосида яратилган натижалар аслида Аллоҳнинг буюк қудрати инъикоси, намунаси, вақти соати келиб инсон қўли ила яратилишга маҳкум этилган асбоб-ускуналардир. Ёзув ҳам шу каби инсон ожизлигининг ёрқин бир ҳужжати, тимсолидир.

Аллоҳ дунёни яратганидан буён то шу кунгача жаҳон халқлари тарихи ва тараққиётида энг муҳим аҳамиятга эга нарсалардан бири бу ёзувлар деб ҳақли

равишда қараб келинади, бу албатта ҳаққоний гап ва шундайлигича қолади. Шу билан бирга ёзув тарихи билан қизиққанлар ҳаққоний таълимотни қалблари таскин топгунларига қадар ёзувлар асосида изланишда бардавом бўлишлари таъйиндир.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётдан маълумки, қайси халқ ўз урф-одатлари, кўникмалари, тажрибалари, яратилган тили, ёзуви, ўқуви, китоби, архивлари, тарихий ёзма манбалари, ҳуқуқи, сиёсий қарашлари ва таълимотлари, ҳокимиятига эга бўлган бўлса, ўша давлатлар бугун ҳам ўз буюклигининг бор бўйи билан ҳаётда намоён бўлмоқда. Аждодлар ва момолардан қолган “Оққан дарё оқаверади”, “Қадимги халқлардан қолган осори атиқалар”, “Тарихда ҳеч нарса исиз кетмайди, у одамлар қонида, онгу шуурида акс садо бераверади. У шунинг учун ҳам қудратлидир” деган нақл бежизга айтилмаган ахир.

Қисқагина мақолада шуни қайд этиш жоизки, нозил бўлган илоҳий китоблар ҳам ёзувлар асосида аждодлардан авлодларга улашилмоқда. Бугунги фанга маълум ва машҳур бўлган ёзув шакллари 350 дан ортиб кетган. Жумладан, Одам алайҳиссалом (илк бор кашф этилган Иброний тили ва ёзувида) ва авлодларига нозил қилинган саҳифалар, Забур (Финикий, оромий ёхуд наботий, забод тили ва ёзувида), Таврот (Қибтий тили ва ёзувида), Инжил (Иброний тили ва ёзувида), Қуръон (Араб тили ва ёзувида) овозли ёзуви ва сўзлашув тиллари, овесто ёзуви, оромий ёзуви, арман ёзуви, белорус: полуустав, скоропись (тезёзар), устав, барбарт, овоз-ҳарфли, библосс, вокал-музыкали, консонантли, бурят, бустрофедон, венеция, византия: уставли, ветнам, гога, гот, грек: уставли, архаик, классик, курсив (тезёзар-қўлёзма), лапидарли (капитал), қўлёзма, қаторли (минускуль), устав (уничиал), грузин, демотик, дравид (ваттеллит), қадимги еврей, рус, еврей (квадратли), сабелл, испан, мисрий, иератик, иероглифик,

идеографик (киданли, ло-ло, мяо, тангут, чжурженли, яо), ҳинд (браҳманли, деванагари, кхароштни), форс-оромий, кари, кипр, кирилица, хитой, тошбитик, аккад, оссур-бобил миҳхати-тошбитиги, угарту, урарту, хетт, ҳуррий, шуммер, элам, қадимги миср иероглифи, қибтий, корей, крито-микен, лотин, лепонт, ливия, лидия, ликия, лихьян, манжурия, мероит, мессан, мизия, миной, мўғул/монгол, монументал, наботий, новилар, новопуний, нубий, огамий, ўрхун-енисей руник, оский, палмир, пиктографик, писидий, мая, антиқа, оловли, поляк, протоглагол, протокрилл, протосинай, протоханнан, протозлам, пуник, рет, руник, рус: вяз, антиква (граждан алифбоси, бамум, вмпум, кипу, ням-нянь, чукотка теневия, аляска эскимоси), ярим меъёр, тезёзар, устав; сабаней, самаритян, самуд, санскрит, сафаит, силлабема, сурия, славян, слоговой (ваи, кри, менде, чироки), сўғдий, турдетан, угарит, узелк (қадимги хитой, монгол/мўғул, славян), уйғур, украин, умбр, фалиский, финикий, фест диски, фонемография, фригия, хетт, хоразмий, худесмо, эстрангело (сурия), этрусия, эфиопия, жанубий семмит, япон: кан, катакана, хирагана; ва ҳоказо.

Алифбе: кирилл ва ҳоказо тиллар: араб, форс, ҳинд, турк, иврит, идиш, ладино-худесмо.

Ҳарфли, овозли ёзувлар: проклинопис, клинопис, диакритик, иврит (қадимий ёзув), идеограмма, пиктограмма, силлабема, идеография, иероглиф-чизғичли, монументалли, логография, морфемография, пиктография, семасиография, силлабография, символографикий, сигнализация, символика, сидет, сикуль, фонемография, фонография, фразография, Иероглиф, петроглиф ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мазкур ёзувлар шажарасини қуйидаги уч туркумга тақсимлаш жоиз: Грек архаик ёзув асослари ва келиб чиқиши бўйича энг муҳим шаклдош туркуми тараққиёти схемаси. Бу

ҳам ўз навбатида географик жиҳатдан икки тур: ғарбий ва шарқий грекга бўлинади.

Ғарбий грек ёзувларига: этрус, венет, лепонт, рет, новилар, мессап, сикуль, қадимги сабелла, оскс, умбр, фалис; лотин; руник; замонавий лотинча: французча, немсча, флеменкча, инглизча, италянча, испанча; кичикосиё алфавитлари: фригия, ликия, лидия, карий, сидети, писиди, мизийи ва бошқалар ғарбий европа ёзув тизимига оиддирлар; .

Шарқий грек ёзувларига: классик грек: қиптий(қибтий); нубий(наботий); византия греклари: готлар; арман ва грузин; славян феълли; славян кирилл: сербия; болгария; русия: асосан МДХ давлатлари: Россия ва автономия халқлари, эстон, латиш, литиш, молдаван, арман, грузин, озарбайжон, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ ва ҳоказолар ёзув тизими шулар жумласидандир.

Финикий ёзув асослари ва келиб чиқиши бўйича энг муҳим шаклдош туркуми тараққиёти схемаси ва ёзув туркуми: пуник: янгипуник: ливия; тифинаг; иберий/иброний; турдетан; қадимги еврей: самарийлар, яҳудий тангаларидаг ёзувлр; жанубий семмитлар (жанубий араблар); сафаийлар; самудлар; лихиянлар; сабейлар, ақсумлар, гёёзлар, амхъар(эфиоп)лар; браҳманлар, оромийлар, архаик греклар шулар жумласидандир.

Оромий ёзув асослари ва келиб чиқиши бўйича энг муҳим шаклдош туркуми тараққиёти схемаси ва ёзуви туркуми: квадратли еврейча: сефардча (шарқий испанча); раввин (итальянча курсивда); марокко, ашкеназ (немис-поляк); турлича замонавий еврей курсив қўлёзмалари; палмир, эрон (форс-оромий); кхароштни; паҳлавий (сооний ва аршакийлар); оесто, суғча, ўрхун-енисей руник, уйғур, галик, монгол/мўғул: ойрат ва бурятлар; манжурий, хоразмий; ваттелутту; сурия: эстрангело: мелий(сурия-фаластин); манихей; мандей; язидий; несторианий; яъқубий; каршуний (гаршуни); наботий:

арабий:турлича замонавий арабча ёзувлар шулар жумласидандир[75].

Ёзма манбаларга таяниб айтиш мумкинки, ёзувлар ўз тарихи ва тараққиётида кўпгина ўзгаришларга асос бўлиб хизмат қилиш билан бирга ижтимоий-сиёсий, адабий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳоказо соҳаларни баён этишда муҳим восита вазифасини ўтаган. Жумладан, араб ёзуви ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, араб ёзуви – оромий ёзувидан келиб чиққан ҳарф-товушли ёзувининг энг охири тармоғи. Дарҳақиқат, у бевосита оромий ёзувидан эмас, балки мил.авв. охири асрларда пайдо бўлган наботий ёзуви орқали кириб келганди.

Наботий ёзуви ундош товушли маъно ва шаклга эга 22 та ҳарфдан иборат эди. Ҳарфлар ингичка ва юмалоқ чизиқлар ҳамда сўзларнинг боши ва охиридаги турли чизмаларга эга бўлган. Дастлаб наботий ёзуви наботийларнинг семмит қабиласига оид оромий тилига хизмат қилган. Фақатгина милодий IV асрдан бошлаб у араб тилини етказиб бера бошлади.

Араб тилида ёзилган бир нечта исломгача бўлган шакллари мавжуддир (синаий, ёки янги синай, қарматик, куфий). Улар ҳисобда наботий ёзувидан арабча классик ёзувига ўтувчи ҳисобланади.

Араб давригача бўлган араб ёзувининг энг қадимги ёдгорликлари намарр (мил. 328), забод (мил. 512), харрон (мил. 568) ёзувлари ҳисобланиб, биринчиси синаий (янги синай), иккинчи ва учинчиси эса – араб ёзувининг қарматик турлари билан амалга оширилган. Ёзувнинг Куфий шакли (номи (Фрот) Эфротдаги (ҳозирги Бағдод шаҳри) Куфа шаҳрининг номи билан берилган)) эса кейинчалик, эҳтимол, милодий VI аср охири – VII аср бошида пайдо бўлган. У ҳарфлар алоҳида ёзилган йирик, бурчакли, ҳарфларнинг нақшли ёзувга эга кенглик бўйлаб чўзилган шаклни ўзида акс эттирган.

Исломнинг дастлабки даврларида куфий ёзуви синаитик ва қарматик ёзув шакллари эгаллаб, араб ёзувининг асосий кўринишларидан бирига айланди. Ушбу ёзув билан биринчи халифаларнинг ёзишмалари

амалга оширилган, тошлар, масжид деворлари, тангаларга ёзувлар туширилган. Дастлаб куфий ёзуви билан Қуръон ҳам ёзилган. Бу ёзув, айниқса, махсус тайёрланган оҳу терисига ёзилган бўлса.

Ислом динининг қабул қилиниши (мил. VII аср.) билан арабларда ҳарфларнинг юмалоқлигини ва уларнинг кўшиб ёзилишларини ифодалайдиган яна бир мукамалроқ босма ёзув кўриниши пайдо бўлади. У насх(наسخ) номини олади. Насх хати юмшоқ материалларга, биринчи навбатда папирусга ёзиш учун ишлаб чиқилган. Одатда улар ёрдамида адабий ва илмий матнлар ёзиб борилган, у Қуръонни қайта ёзиш учун ҳам ишлатилган.

Араб ёзуви араб классик тили каби милодий VIII асрда шаклланган. Уларнинг шаклланиши Араб халифалигининг вужудга келиши ва биринчи ёзма ёдгорлиги, афсонага кўра, VII асрнинг биринчи ярмида Маккадан келиб чиққан Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ёзилган Қуръон ҳисобланган, бу эса араб адабиётининг гуллаб яшнаши билан асосланади.

Замонавий араб алифбоси 28 та ундош ва ярим унли ҳарфлардан, шунингдек, ислом динининг қабул қилинишидан сўнг қисқа вақт ичида ёки айрим ундошларни фарқлаш учун, ёки Қуръон матнини янада аниқроқ етказиб бериш мақсадида унлиларни ифодалаш учун алифбога киритилган сатр усти ёки сатр ости нуқталари, доиралар, чизиқчалар шаклидаги бир нечта диакритик белгилар(фатҳа, касра, замма, сукун, ташдид, танвин ва ҳоказо)дан ташкил топган. Одатда, сўзнинг бошида, ўртасида ёки охиридатуришига қараб, тўртта кўринишга эга турли хил ёзувларда араб алифбосининг айнан бир хил ҳарфи учрайди. Араб ёзуви ўнгдан чапга горизонтал чизиқлар бўйлаб амалга оширилади.

Ўз навбатида ёзув эволюциясига кўра, ташқи кўринишидан араб ёзуви ўсувчи нақшни эслатади. Бу эса қўлбола ясалган ғайри илоҳий маъбудаларга сиғинишдан қочиш учун ислом дини асосли тарзда жонли

мавжудотларни яъни, қадимги пиктографик ёзув шаклларида ахбаротларни ёзма тарзда ифодалашни манъ этганлиги билан қиёсланади. Шунингдек, бу расмлар ўрнига безакли қилиб амалга оширилган Қуръондаги услубга солинган ёзувлари билан безатилган масжид заллари, сарой хоналари, миноралар ва шу кабиларнинг безатилишида ҳам ўз ифодасини ислимий (исломий) нақшлар топган. Безаклар турли рангларга бўялган.

Ҳар бир тарихий давр, шунингдек, маҳаллий шароитлар араб алифбосида ўз белгиларини қолдирган. Қолаверса, каллиграфия (ёзув ёзиш маҳорати) муқаддас санъат сифатида ислом дини томонидан қўллаб-қувватланган. Охир оқибатда каллиграфик санъат дурдоналарининг барча сони 120 тагача етадиган араб ёзувининг кўп ёзувли кўринишига олиб келди. Улардан энг муҳими юқорида айтилгандек куфий ёзуви, шунингдек, араб ёзувининг айрим ёзувли кўринишлари сифатида келтириш жоизки насх, девоний, синдхий, пегоний, мағриб, таълик, настаълик ва бошқалардир.

Мусулмонлар дини Ислом ва унинг муқаддас китоби, дастуруламали ҳисобланган Каломуллоҳ (Аллоҳнинг каломи(сўзлари)) Қуръони карим, Расулulloҳ (Аллоҳнинг элчиси) Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳадиси шарифлари билан бирга араб тили ва ёзуви бутун Кичик Осиё, Олд Осиё, Марказий Осиё ва Шимолий Африка бўйлаб асосан араб, форс ва туркий тилли халқлар орасида кенг тарқалди. Бунга арабий фатҳлар ва VIII асрда Араб халифалигига асос солиниши муҳим сабаб бўлган. Араб тили секин-аста дин, давлат ва илмий-адабий тил устидан, араб ёзуви эса – Испаниядан то Ҳиндистонгача ҳукмронлик қилган халифаликнинг ёзув тизими устидан ҳукмронга айланди.

Араб ёзуви, хусусан, семмит тилига, туркий тилларга (туркча, татар, қозоқ, озарбайжон, ўзбек, туркман ва бошқалар), африка тилига (барбар, суаҳилий), шунингдек, ҳинд-европа

оиласининг айрим тилларига (форс, тожик, осетин, курд ва бошқалар) мослашган. Кейинчалик, араб тили ўз тиллари учун ноқулай бўлган кўплаб халқлар араб тилидан бошқа ёзма тизимларга ўтишди. Масалан, дастлаб лотинча алифбо билан ўзгартирилган, кейинчалик 30-йилларда янада сода бўлган рус тили(кирилл ёзуви)га таржима қилинган туркий, тожик(-эрон) ва СССРнинг айрим кавказ халқларидаги араб ёзуви бунга мисол бўла олади. Шунингдек, у нафақат бу республикаларнинг халқлари, балки СССР халқлари ўртасида ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилишини таъминлаган. Бундан ташқари, Туркия (1929-йилдан бошлаб) ва Индонезия ҳам араб ёзувидан лотин алифбоси ёзувига ўтган. Ҳозирги кунда араб ёзуви кўплаб маҳаллий шеваларга бўлинадиган араб тилини етказиб берадиган Шарқнинг араб мамлакатларида, шунингдек, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Синцзян (Уйғуристон)да қўлланилади. Араб ёзуви лотин тилидан кейинги дунёда энг кенг тарқалган ёзув ҳисобланади[76].

Ёзувлар тарихига оид талайгина ёзма манбалар бизгача етиб келган шундай асарлардан бири X–XI асрларнинг энг буюк алломаси, буюк мутафаккир Абулҳасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб ал-Мовардий ўзининг “Одоб уд-дунё ва ад-дин” (“Дин ва дунё одоби”) номли беқиёс асарининг иккинчи боби “Илм одоби”нинг “Жоҳиллар ақл эгаларига душман” фаслида қуйидагича келтирилган: биринчилар қаторида ёзув ёзган шахс: дунёда энг биринчи ёзув ёзган шахснинг ким эканлиги ҳақида олимлар орасида ихтилофлар пайдо бўлган. Каъбулахборнинг хабар беришича, илк маротаба ёзув (иброний тили, алифоси ва ёзувини кашф қилган) ёзган Одам алайҳиссаломдир.

Ҳазрат Одам алайҳиссалом ўз вафотидан уч юз йил аввал ҳар қавмнинг ёзувларини балчиқ лойидан ясаб кейин уни керамикадек қилиб, кулол каби ўчоқда пиширди. Бу ёзувлар ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом тўфонидан йўқолиб, кетмади.

Тўфондан сўнгра ҳар қавмнинг ўзига хос ва мос ёзувлари ўша керамикалар воситаси билан яна қайтадан вужудга келтирилиб, бир-бирларига ўргатилди. Фақат арабча ёзув Исмоъил алайҳиссаломнинг замонида қадар кечикди. Ҳазрат Исмоъил алайҳиссалом бу ёзувни мукаммалроқ ўрганди ва ўз қавмига ҳам ўргатди.

Ибн Қутайбага кўра, илк мартаба араб ҳарфлари билан ёзув ёзган Идрис алайҳиссаломдир. Араблар ёзувга жиддий аҳамият бериб, унинг энг фойдали нарса эканлигига эътибор этишарди. Ҳатто Икрима таъкидлашига кўра, Бадр аскарларининг фидяси тўрт минг дирҳам деб белгиланганди.

Ҳатто баъзи асирлар асоратдан қутулиш фидяси сифатида 100та толиби илмга араб ёзувини ўргатмоқ учун шартнома шартини имзолашар эди. Зеро, уларнинг ичида ёзув таълимининг буюк шарафи ва юксак даражаси бор эди, фойдаси ва таъсири очиқ ойдин равшан эди.

Улуғ зот яратувчи Аллоҳ, Қуръони каримда Расулulloҳ Муҳаммад солла аллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб, марҳамат кўрсатадики, “Иқроъ ва Роббука ал-акром аллазии ъаллама би-л-қолами” (“Ўқи! Сенинг Роббинг сўнгсиз қарам соҳибидир. Чунки У, қалам билан ёзувни ўргатди”). Қуръони карим. Алақ сураси 3-4-оятлар). Шундай қилиб, бу муқаддас ояти карималарда Улуғ Аллоҳ ўз зотини буюк қарам билан васф этгани каби, қалам билан ўргатмоқни ҳам тавсиф этганини кўриш, англаш мумкин. Қалам билан ўргатмоқни буюк неъматлардан ва оятлардан санашни, эътиборга олишни тавсия этган. Ҳатто Қуръони каримда унинг билан қасамёд этилиб, қалам ҳурмати учун марҳамат кўрсатилганки, “Нун ва ал-қолами ва маа ястуруун...” (“Нун ва қаламга, унинг билан ёзилган ёзувларга қасам бўлсин...”)[77]. Шундай қилиб, Улуғ Аллоҳ бу ояти каримада қалам билан ёзилган ёзувларга, ўзи томонидан индирилган илоҳий саҳифалар ва китоблар: Забур, Таврот, Инжил, Қуръони карим ва ҳоказо муқаддас битикларга қасам

ичганлиги каби, қалам билан ҳам қасам ичмоқда. Бу ўз навбатида қаламнинг Аллоҳ даргоҳида қиммати баланд эканидан далолатдир.

Ёзувлар тарихи ва тараққиётига оид яна бир шундай манбалардан бири Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Нодир қўлёмалар” хазинасида илк бора тошбосма усулда нашр этилган нодир асар сақланиб келинаётгани кўпчиликка сир бўлиб қолаётгани.

Исҳоқхон тўра Ибратнинг халқаро ёзув ва тиллар тарихи тараққиётига оид “Жомий-ул-хутут” асарига тўхталиб ўтсак адолатдан бўларди. Маърифатпарвар Исҳоқхон тўра Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибратнинг илмий мероси бугунги оламга машҳур бўлиб, улар ҳали аксарияти замонавий илм-фанга номаълум бўлган қимматли маълумотларни ўзида мужассам этиши билан муҳим тарихий аҳамиятга моликдир.

14. SCOPUS. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. AL-AHKOM AS-SULTONIYYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYYA IN SOURCE CLASSIFICATION OF WORLD MANUSCRIPTS STUDY OF ABULHASAN MAVARDI PRODUCT. – 438-450 bb.
15. International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD in History and Source Studies of Islam, Senior teacher of the department “The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization juraev741@mail.ru11, A.Kadiri. Tashkent, 100011, Uzbekistan. Acting associate professor of the Department "Source studies and archival studies" of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Received: 21.11.2019 Revised: 19.12.2019 Accepted: 17.01.2020. © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>. <http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>.
16. SCOPUS. Masalieva Oltinoy Masalieva Doctor of philosophy, associate professor, Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan.
17. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich Doctor of philosophy, associate professor, National university of Uzbekistan after named Mirzo Ulugbek Address: Uzbekistan, Tashkent, Yunusabad 11/52/25 Email: masaliyevaoltinoy@gmail.com. The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources.
18. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811.
19. Article Info Volume 83 Page Number: 1803 - 1811 Publication Issue: March - April 2020.
20. Article History Article Received: 24 July 2019 Revised: 12 September 2019 Accepted: 15 February 2020 Publication: 16 March 2020. Published by: The Mattingley Publishing Co., Inc.
21. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. The work “Al-Ahkom as-sultoniyya va-l-valoyat ad-diniyya” of Movardiy X-XI centuries. – LAPLAMBERT Academic Publishing. Cover image: [www.ingimage.com](http://www.ingimage.com) ISBN: 978-620-2-51928-1 2020 Copyright International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group. 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Maurits. -169 p.
22. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History.,



- Uzbekistan Oltinoy Masalieva Masalieva Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5. 525 OCLC - 1121105668editor@usajournalshub.comwww.usajournalshub.com/index.php/tajsseiSJIF 2020: 5.525ISSN: 2689-100XCrossref
23. The USA Journals Volume 02 Issue 12-2020 43
24. Масалиева Олтиной Масалиевна. Бухорохонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари. Некоторые аспекты источниковедения история Бухарского ханства. Masalieva Oltinoy Masalieva. Uzbek state world languages university Associate professor, doctor of philosophy (PhD)ю SOME ASPECTS OF SOURCE STUDY THE HISTORY OF BUKHARA KHANTIAN.// Ўтмишга назар/Взгляд в прошлое / Looktothepast
25. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-61> 1/2019- 38-43 стр.
26. International Journal of Research ISSN: 2348-6848 Vol-6, Special Issue-5 3 rdEduINDEX International Multidisciplinary Conferenceheld on6-7th April 2019 at Edupedia Publications Pvt Ltd, New Delhi Available at <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> Page | 21
- o MUHAMMAD SHARIF SADRI ZIYA AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE Masalieva Oltinoy Masalieva Doctor of philosophy Associate professor Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan.
27. <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive-210-213> в.
28. LES LIEUX DE PÈLERINAGE DE L’OUBÉKISTAN. Auteurs: Chef du projet docteur en Science de l’Université Nationale de l’Ouzbékistan Raima Shirinova Docteur en histoire de l’Université des langues du monde de Tachkent Oltinoy Masaleva. ISBN: 978-9943-5785-4-8 ©"INFO CAPITAL GROUP" LLC. – 89 b.
29. Masalieva Oltinoy Masalieva. History Research Journal. Research Journal ISSN: 0976-5425 Vol-5-Issue-5-September-October-2019 Page | 20 Copyright © 2019 Authors The role of Sh.H.Vohidov, the scientist in the historiography, in the emirate of Bukhara./ Candidate of Historical Sciences, Associate Professor Uzbek State World Languages University Department of Uzbekistan History. Copyright © 2019 Authors. – 20-25 b.
30. МасалиеваОлтинойМасалиевна. БУХОРОХОНЛИГИТАРИХИНИЁРИТИШДАСОВЕТМАФКУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-7> тарихфанлариномзоди, доцентЎзбекистондавлатжаҳонт иллариуниверситети. / THE INFLUENCE OF THE SOVIET IDEOLOGY IN COVERING THE

- HISTORY OF THE BUKHARAN KHANATE  
MasalievaOltinoyMasalievna  
Associate Professor, PhD, Uzbek State University of World Languages. – 66-74 b.
31. Dr.Masalieva Oltinoy Masalievna. Local historiography of Bukhara Emirate. HIMALAYAN AND CENTRAL ASIAN STUDIES. (JOURNAL OF HIMALAYAN RESEARCH AND CULTURAL FOUNDATION) NGO in Special Consultative Status with ECOSOC, United Nations. Vol. 21 No. 4 October-December 2017.ISSN 0971-9318. Himalayan and Central Asian Studies Vol. 21, No. 4, Oct.-Dec. 2017 -39-52 b.
32. Батафсилқаранг: Masalieva O.The role of Sh.H.Vohidov, the scientist in the historiography, in the emirate of Bukhara //History Research Journal. Vol-5-Issue-5-September-October-2019. 20-25 pp;Masalieva O., Juraev Z. The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources // Test.Engineering and management. March - April 2020. 1803 – 1811pp;Oltinoy Masalieva. The role ofRussian scientists in the source studyof the Bukhara khanate.// International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 5, (2020), pp. 1540-1546; Масалиева О. Бухоро хонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари // Ўтмишга назар. 2019 №1. 38-43 б.
33. Хади-Заде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. –Сталинабад, 1956 ва Ҳ.к.
34. Мухтарам.“Тазкират уш шуаро” ЎзРФА ШИ да №2252/II; Афзал тазкираси. №2303,849,7279,63,1467,5332,273 2 литографияси ҳам бор; Возех . “Тухфат ул-ахбоб”. Литография.
35. Хади-Заде Р. Источники к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. –Сталинабад, 1956. –С.32.
36. Masaliyeva O.Unknown historian — sons of emir Muzaffar // EUROPAISCHE FACHHOCHSCHULE.2014.№11. pp.14-15
37. Masalieva O. Muhammad Sharif Sadri Ziya and his scientific heritage //International Journal of Research. ISSN: 2348-6848 Vol-6, Special Issue-5. 2019. 210-213 pp;Masalievna, M. O. (2017). LOCAL HISTORIOGRAPHY OF BUKHARA EMIRATE AT THE END OF NINETEENTH AND EARLY TWENTIETH CENTURIES. Himalayan and Central Asian Studies, 21(4), 39; Z. M. Juraev., O. M. Masalieva. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory// The American Journal of Social Science and Education Innovations. Volume 02 Issue 12-2020. December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: [https://doi.org/10.37547/tajssei/Vol ume02 Issue12-09](https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09).
38. Ҳамроев У. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида // Научные труды и сообщения. Кн.6. 1963. б.387.
39. Рўзномаи Садр Зиё. Вақое нигори тахавулоти сийоси ижтимоий Бухорои шариф. Таҳқиқ ва пажухеш Муҳаммадҷон Шақури Бухорои. Техрон.1382. Б.35. (форс тилида).
40. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF

- UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
41. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
42. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
43. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
44. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
45. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
46. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## МУҒ ТОҒИ СУҒД ХУЖЖАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

УКТАМЖОН МАНСУРОВ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТДПУ Т.Ф.Н., ДОЦЕНТ

### АННОТАЦИЯ

Муғ тоғи суғд хужжатларининг ўзбек халқи тарихини ёритишдаги ўрни бениҳоя муҳимдир. Бу соҳада қадимги Суғд ерлари асосан бугунги Ўзбекистоннинг марказий вилоятларига тўғри келиши, Буюк ипак йўли бўйлаб қадимги турклар ва суғдлар ўртасида ўта зич ва яқин маданий иқтисодий - ижтимоий муносабатлар бўлгани ҳисобга олиниши лозим. Муғ тоғи суғд хужжатларининг топилиш жараёни 1932 йилдан 1933 йилнинг кеч кузигача бўлган оралиқни ташкил этади. Биринчи хужжатнинг топилиши чўпон Жўраали Маҳмудали номи билан боғлиқ. Захматобод (Айний) райони раҳбари А.Пўлодий топилма ҳақида хабар топиб, уни сақлаб қолди. Ноёб хужжат Душанбега етказилган. Унинг фотонусхаси Санкт-Петербургга жўнатилиб, мутахассислар қўлига теккан эди[1]. 1933 йил давомида А. Пулодий томонидан қалаи Муғда уюштирилган қазишма ва изланишлар натижасида қўлга киритилган Муғ тоғи хужжатлари “В” ҳарфи билан белгиланди. А.И. Васильев қазишмалари вақтида топилган бир туркум хужжатларга “А” ҳарфи берилди. 1933 йил ноябрь ойида А.А. Фрейман экспедицияси (ўша даврда “СССР ФА Тожикистон базасининг юқори Зарафшон экспедицияси” деб аталган эди) томонидан топилган хужжатлар “Б” ҳарфини олди.

### КИРИШ

Чўпон Жўраали Маҳмудали топган биринчи хужжат эса I.1. деб белгиланди[2]. Шундай қилиб, “В” туркумда 19 хужжат, “А” туркумда 21 хужжат, “Б” туркумда 29 хужжат ҳамда I.1. рақамли Жўраали Маҳмудали топган хужжат – жами 70 хужжат 1934 йилда А.А. Фрейман томонидан тавсиф қилинди[3]. Муғ тоғи суғд хужжатлари таркибига 1934 йил ёзида А.Пўлодий юборган 8 дона чармга ёзилган матнлар келиб қўшилди. Бу туркум фанда

“Nov” деб номланган шартли сўз билан маълум. Шунингдек Муғ тоғи суғд хужжатлари мажмуида иккита араб тилли кўфа ёзувида битилганлари бор. Учта хитой ёзуви билан битилган хужжатнинг мазмун жиҳатдан архивга алоқаси йўқ. Уларнинг орқа томонига суғд матнини ёзиш учун фойдаланилган. В-13 рақамли чарм парчаси юзасидаги бир дона хужжат эса қадимги туркий ёзувда битилган. Ушбу хужжат ҳақида 1934 йили “Суғд тўплами”ни

тайёрлаш пайтида етарли илмий тасаввур йўқ эди. Шунинг учун А.А. Фрейман ўз тавсифида бундай ёзади. “Хирароқ кулранг юпқа чарм юзасиданги ҳужжат. Ҳажми 14x10см. Ҳужжатнинг тили аниқланмади. Ёзуви-ўнгдан чапга йўналган. Ҳарфлари ўзаро уланмай ёзилган. Ҳужжатнинг бир нечта жойи ўйилиб бузилган. Матн қисмининг 8 жойида тешикчалар ҳосил бўлган. қаторлар сони 5 яримта. Ҳар бир қатор чарм юзасининг 4 см. узунлигини эгаллаган. Ҳужжатнинг остки қисмида бир неча ноаниқ белги ҳам бор”[4]. Кейинчалик бу ҳужжат устида А.Н. Бернштам иш олиб бориб, унинг турк-руний (қадимги туркий) ёзуви билан туркий тилда битилган ҳужжат эканлигини аниқлади ва илмий нашрини эълон қилди [5]. Шундай қилиб, Муғ тоғи ҳужжатларининг ўрганилиши тарихининг илк босқичи учун биринчи галда ҳужжатларнинг изчил ва батафсил тавсифи, палеографик таҳлили муҳим эди. Чунки, ҳужжатларнинг топилиши фавқулодда шов-шувга сабаб бўлган ҳодиса бўлди. Чунки Муғ тоғи суғд архиви бевосита Суғднинг ўз ҳудудларидан чиққан биринчи суғдий ёзма ёдгорликлар эди. Шу сабабли Европа ва Россияда шаклланиб улгурган суғдшунослик йўналишидаги илмий марказлар учун бу ёдгорликлар катта қизиқиш уйғотиши табиий эди. Шундай қилиб, 1934 йилда Муғ тоғи суғд архивининг дастлабки илмий тавсифи яратилди ва нашр этилди[6].

А.А. Фреймандан тарихчилар учун мерос бўлиб қолган дастлабки тадқиқот кейинчалик яънада такомиллаштирилди. Бунга Муғҳужжатларининг бир қанча алоҳида матнларини нашр этиш ҳамда йиғма-китоблар туркуми шаклида чоп этиш вақтларида М.Н.Боголюбов, В.А. Лившиц, О.И. Смирновалар катта ҳисса қўшганлар. Муғ тоғи ҳужжатлари орасида ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар тарихига оид ноёб маълумотларни ўзида мужассам этгани билан Nov.3, Nov-4 рақамли матнлар алоҳида диққатга сазовор. Бу икки ҳужжат бир ҳужжатнинг икки қисми ҳисобланади. Унда турк аслзодаси Ўттекин билан Суғдаёли

Дуғдғунча ўртасидаги никоҳ битими акс этган. Ушбу ҳужжатҳақида дастлабки хабар А.А. Фрейман тузган “тавсиф”га киритилган[7]. Шундан кейин ҳужжатнинг таҳлили устида ишлар бошланиб, ниҳоят В.А. Лившиц биринчи бўлиб уларни ўқиб чиқди ва ҳужжатларнинг таркибий хусусиятини таҳлил этди ва СДГМ туркумининг II китобида илмий изоҳлар билан нашр этди[8] Nov-3, Nov-4 ҳужжатлари О.И.Смирнова томонидан ҳам таҳлил қилинган. Аммо О.И.Смирнова матнни транслитерация қилишда ҳамда илмий изоҳларида эркин ёндашув қилиб, бир қанча ўринларда 1962 йилдаёқ эришилган аниқликлардан воз кечиб мавҳум фикрларни баён этган[9]. Муғҳужжатларининг катта бир туркуми хатлар деб аталади. Лекин, бу ўринда хат сўзи ушбу туркумнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ва аниқ ифода қила олмайди. М асалан, А-14, А-9, Nov-2, В-10, 1.1 каби ҳужжатлар чин маънода мактублардир. Улардан бири А-14 Панч ҳокими Деваштич (708-722) номида Чоч (Тошкент) шаҳрига юборилган Суғд элчиси Фатуфарн томонидан ёзилган. Ушбу мактуб биринчи бор В.А.Лившиц томонидан нашр этилган[10]. Ушбу нашрда аввало А-14 ҳужжатининг ёзилиш тарихий шароити, унинг мазмуни билан боғлиқ фавқулодда қизиқ масалалар таҳлил қилинган. Бу мактуб муаллифи Фатуфарн араб истилоси йилларида Суғдни ҳимоя қилиш учун курашнинг ташкилотчиларидан бири, Панж ҳокими Деваштич томонидан Чочга, ундан Турк хоқони, сўнгра Фарғона подшоси хузурига жўнатилган. Фатуфарн вазият тақозоси билан Чочдан кейинги манзилларга ета олмаган. Панчга қайтишнинг ҳам иложи қолмаган[11]. Шу шароитда у ўз хўжаси Деваштичга мазкур мактубни йўллаб, ўзига юкланган вазифани қандай адо этгани ҳақида хабар берган. Турк хоқонлигининг араб истилочилик ҳаракатига қарши ҳаракатлари яна давом этгани ҳақида “Тарихи Табарий”да кўплаб маълумотлар келтирилган[12]. Суғд ҳокими Деваштичнинг Чочга элчи юбориш ҳаракати мавжуд

адабиётларда Суғд, Чоч, Фарғона ва Турклар иттифоқи деб баҳоланган[13].

VI-VIII асрларда Суғд тарихи тарихшунослигида туркийлар ва суғдлар муносабати масаласи диққатга сазовор[14]. Турк ҳоқонлиги учун Суғд, Чоч, Фарғона ҳудудларининг ҳимояси маъсулиятли вазифа деб ҳисобланган, лекин айрим ҳарбий-сиёсий вазиятларда Турк ҳоқонлиги билан араблар ўртасида вақтинчалик келишувлар амал қилиб, ҳоқонлик кўшинлари ҳарбий саҳнадан четроқда турган вазиятлар ҳам бўлгандек кўринади. Айни шу оралиқда араблар учун “нафасни ростлаш” имкони туғилиб, улар бундан фойдаланишга шошилганлар. Жумладан, 719-722 йилларда Панч вилоятини қўлга киритишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар диққатга сазовор. Илмий адабиётда бу воқеаларнинг талқини турлича хил. Энг кўп тарқалган талқин шу йилларда Гўрак ва Деваштичлар бир томондан, Корзанж Уструшанада (Ўратепа районлари), иккинчи томондан арабларга қарши ҳаракат бошлашган. Шу муносабат билан Муғ тоғи архивининг А-14 рақамли суғдча ҳужжатида акс этган воқеаларга янгича баҳо бериш мумкин. Бу ҳужжат муаллифи Деваштичнинг хуфия элчиси Фатуфарн бўлиб, у Турк ҳоқонлигининг кўшинлари Панчни ҳимоя қилишда бевосита иштирок этмай тургани сабабли Чочга юборилган. Фатуфарн Чочга келгач, маълум бўладиги, ҳоқон бу ердан олисда, “у кўринмайди” А-14 ҳужжатида таъкидланишича, турклар шу вақтда араблар билан вақтинчалик битимга асосан кучларини четда тутиб турганлар. Муғ тоғи суғд ҳужжатларининг бир қанчаси уларни ўрганишнинг дастлабки кунларидаёқ араб истилоси воқеалари билан бевосита ва билвосита алоқадор эканлиги маълум бўлган эди. Булар араб, форс, хитой ва бошқа тилларда етиб келган манбалардан фарқли равишда мазмун эътибори билан воқеаларнинг айнан ичида туриб ёзилган аниқ маълумотлар сифатида қимматлидир. Лекин, вазият тақозоси билан ушбу суғд ҳужжатларида турли маълумотлар очиқбаён

этилмаган. Араб истилоси туфайли баъзи масалалар ишоратлар орқали ифодаланган ҳоллар ҳам учрайди. Муҳими шуки, Муғ тоғи ҳужжатлари мажмуи араб истилосининг Марказий Осиёда авж палласига кирган босқичини акс эттиради. Хронологик жиҳатдан улар VII аср охири VIII аср биринчи чораги оралиғини қамраб олган. Ҳужжатларда акс этган географик муҳит эса Суғднинг Бухоро, Самарқанд, Нахшаб, Кеш вилоятларини Уструшана, Чоч, Фарғона водийси ҳамда қисман Жанубий Қозоғистон ва Еттисув ўлкаларидан иборат. Муғ тоғи ҳужжатларининг таркиби масаласига қайтиб, араб истилоси воқеаларига билвосита алоқадор бўлган яна бир қатор ҳужжатлар ҳақида тўхтаб ўтамиз. Масалан, А-9 рақамли ҳужжат Деваштичга унинг Уструшана ва Хўжанд томонлардан хабар етказувчи айғоқчи хуфия томонидан йўлланган деб ҳисобланади. В.А.Лившиц мазкур айғоқчи Ўратепа, Масчо, Паргар, Хўжанд, Буттам ҳудудларида иш кўрган ва ўша ерларда араблар истило қилгандан кейинги вазият ҳақида батафсил маълумотлар берган, лекин, хуфия ўз номини ва хатни кутиб олувчи кишининг номини атайлаб яширган. Унинг бошловчи мурожаатномаси ҳам йўқ. Афтидан, А-9 ҳужжати мушкул ҳарбий вазият туфайли шу тарзда битилган. Унинг мазмунидан аён бўладиги, хуфия Деваштичга бир қатор Панчга қарашли ерларни душманга бермай сақлаб туриш мумкинлигини уқтиради. Муғ тоғи мактуботи орасида 4 дона ҳужжат муншаот услубида Хоҳсар қишлоғи ҳокими номига йўлланган ҳужжатлардир. Улардан иккитаси Деваштич номидан йўлланган. В-18 ҳужжат Афарунга ҳурмат-иззат ифодаловчи оҳангда бошланиб юмшоқ услубда ҳарбий сиёсий вазиятда бирликни йўқотмаслик, маслаҳатлашиб иш кўришга даъват маъносига эга. Лекин, В-18 рақамли ҳужжатда Деваштичнинг Афарунга кескин норозилиги ифодаланади. Бу ўринда гап Афаруннинг арабларга қарши курашда номаъқул ҳатти-ҳаракатлари, қўрқоқлиги, ўзбошимчалиги, Деваштич билан зарур

алоқаларни вақтида ўрнатиб турмаганлиги қораланади.

Афарун номига йўлланган яна икки мактуб Ривак исмли шахсдан бўлиб, суғд мактубот жанрининг ўзига хос услубий намунаси деб баҳоланиши мумкин. Унда қатор мақтов жумлалари ва лутф ибораларидан сўнг беш той ипак мато юборилгани ҳақида хабар берилган. Ревакнинг В-14 рақами билан белгиланган мактубидан бошланғич қисмининг икки қаторигина етиб келган. Хоҳсар ҳокими Афарунга битилган мактублар услубий жиҳатдан олий ҳукмдор Деваштичга ёзилган мактублардан деярли фарққилмайди. Бу ҳол Суғд маҳкамачилик анъаналарининг муншаот услуби узоқ анъанага эга бўлганидан далолат беради. Муғ тоғи ҳужжатларининг алоҳида гуруҳини тадқиқодчилар молиявий мазмун билан боғлаганлар. Бу туркумга А-5, А-11, Nov-6 ҳужжатлари киради. Жумладан булар сарой сарф-ҳаражатлари ва хазинага пул тушумлари ҳақидаги рўйхатлардир. Уларда кирим ва чиқимлар драҳма пул бирлигида белгиланган. Олди-берди муносабатларнинг драҳма пул ифодаси кумуш танга бирликларига асосланган бўлиб, илк ўрта аср суғд молиявий хўжалигининг расмий кўриниши бўлган. Муғ тоғи ҳужжатларининг юқорида келтирилган гуруҳларидан ташқари катта қисми М.Н.Боголюбов, О.И.Смирновалар томонидан хўжалик ҳужжатлари деб ажратилган. Уларнинг илк нашрлари қатор журнал мақолаларидан ташқари бир китобга бирлаштириб махсус нашр этилган[15].

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда - Муғ тоғи суғд ҳужжатлари араб истилоси арафасида Суғднинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётини бевосита акс эттирувчи ноёб ёзма манбалар мажмуидир.

- Таркибий жиҳатдан Муғ тоғи суғд ҳужжатлари илк ўрта асрларда Суғдда давлат маҳкамачилиги, бошқарув тизимида

қатъи ҳужжатчилик анъанасининг юксак даражасини кўрсатади.

- Оила-никоҳ битими, ижара шартномаси, ер олди-сотдиси билан боғлиқ ҳужжатлар Суғд жамиятида ҳуқуқий муносабатлар узоқтарихий илдишларга эга эканидан далолатдир.

- Муғ тоғи ҳужжатларининг таркибидаги фармойишлар, ҳисоботлар, тилхат-васиқалар жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олган. Улар давлатнинг бошқарув тизимлари нақадар аниқ ва поғоналашган тузилмага асосланганини, қонун ва ижро муносабатларини намойиш этади.

### ҲИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пўлодий А. Тарихи бозъёфтҳои Қалаи муғ// Садои Шарқ. –1964.-№4.- Б.153-157.
2. Согдийский сборник. Сборник статей... -С. 33-51.
3. СДГМ I. Фрейман А.А. Описание, публикации и исследование документов с горы Муг.- М.,1963.- С. 13-26.
4. СДГМ I. Фрейман А.А. Описание...- С. 16.
5. Бернштам А.Н. Древнетюркский документ из Согда (Предварительное сообщение)//Эпиграфика Востока.– М., 1951.- Вып. V. –С. 65-75.
6. Согдийский сборник... –С. 7-17.
7. Согдийский сборник.-Москва-Петербург,1934.-С.3-27. Яна қаранг: СДГМ,вып.1.-Москва,1962.
8. СДГМ II: Юридическое документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. – М.-1962.-222 с.
9. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда.- М., 1970. - С. 29.
10. СДГМ II. – С. 77-91.
11. СДГМ II... -С.79.

12. Табари. История ат-Табари. –Т., - 1987 (719-722 йил воқеалари).
13. Гафуров Б.Г. Таджики..., II том.- Душанбе, 1989. –С. 18-24.
14. Асқаров А., Исҳоқов М. ва б. Ўзбек халқи этногенези масалалари Ўзбекистон ФТДК гранти. 1995-1996; Маликов А.М. Тюрки в Среднеазиатском междуречье в VI-VIII вв. (по письменным источникам и археологическим материалам): АҚД.–Самарканд. - 1999.–С. 24.
15. Согдийские документы с горы Муг. Вып.III. Хозяйственные документы./ Чтение, перевод и комментарии М.Н. Боголюбова, О.И. Смирновой. – Москва, 1963.-132 с.



## “ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ” МАҲАЛЛИЙ БОЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

Ё.Р.ТАЙРОНОВ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ Т.Ф.Н.

### АННОТАЦИЯ

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон тарихининг ёритишда даврий матбуот материаллари алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, даврий матбуот янги тарихий даврда пайдо бўлган манбалардан бири сифатида ўша замондаги барча жараёнларни ўзида акс эттирган муҳим маълумотлар, турлича қарашларнимужассамлаштирган журналлар, газеталар, илмий жамиятларнинг нашрлари бўлиб, улар орасида газеталар муҳим ўрин тутган[1]. Чунки, уларда кундалик жараёнлар, содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги маълумотлар тезкорлик билан кичикроқҳажмдаги хабарлар сифатида берилган бўлса, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳадаги ўзгаришлар ва янгиликлар кенг, таҳлилий ва танқидий тарзда мунтазам ёритиб борилган. Шундай нашрлардан бири “Туркистон вилоятинингш газети” ҳисобланади. Ушбу газета 1871 йилнинг июлидан 1917 йил февралгача чиққан бўлиб, 1871-1883 йилларда Шоҳимардон Иброҳимов, бир оз муддат Муҳаммадҳасан Чонишев, 1883 йил охиридан 1917 йилнинг февралгача Н.П. Остроумов муҳаррирлиги остида нашр этилган[2]. Газета дастлаб Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий нашри ҳисобланган “Туркестанские ведомости” га илова тариқасида чиқарилган бўлса, 1871 йилдан ойига тўрт марта: икки марта ўзбек ва икки марта қирғиз талларида чиқа бошлаган ва 1883 йил 30 январда Туркистон генерал-губернатори М. Черниевнинг буйруғи билан “Туркистон вилоятининг газети”га айлантирилган. 1885 йил январда Туркистон генерал-губернатори Г. Розенбах (1884-1889) буйруғи билан ўзбек ва рус тилларида чиқа бошлаган[3].

### КИРИШ

Ушбу газета саҳифаларида Туркистон генерал-губернаторининг расмий хабарлари, Европа мамлакатларининг фан-техникада эришган ютуқлари, маданияти, минтақа тарихи, этнографияси ва археологияси оид мақолалар, Туркистон ўлкасининг

қишлоқхўжалиги хусусан, пахтачилик, пиллачилик соҳаларидаги ютуқлар, хотин-қизлар масаласи, ислом дини фалсафаси, таълим тизимидаги ўзгаришлар ва шу каби қизиқарли жараёнлар ёритиб борилган. Шулар билан бирга унда маҳаллий бойлар фаолияти, хусусан, уларнинг маданият

соҳаси тараққиётига қўшган ҳиссалари, катта маблағлар эвазига барпо этган заводлари, хайрия ва ҳомийлик ишлари, Россия шаҳарлари ва Европанинг бошқа мамлакатларига қилган саёҳатлари, халқаро савдо ярмаркалардаги иштироклари, савдогарларнинг мол-мулкларини босқинчилар томонидан талон-тарож қилиниши ҳоллари ҳам газета саҳифаларида баён қилиб борилган.

Уларда Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли, Мирзо Абдуллабой, Мулла Юсуфбек, Абдужаббор қори, Нурали хожи, Абдуллоҳ Маҳдум, Каримбой Шамсиддинов, Мирзо Раҳимбой Муҳаммад Иброҳим ўғли, Мирзо Али Мирхонбой ўғли, Муҳаммад Зокирбой, Қамбар Қосимбой ўғли, Муҳаммадрасул Муҳаммадзокир ўғли ва бошқа шу каби ўзбек савдогарларининг фаолиятлари ўз аксини топган.

Масалан, газетанинг 1887 йил 14 август 31-сонида самарқандлик савдогар Мирзо Бухорий Мулло Абдуллоҳ ўғлининг Самарқанд шаҳридан топиб олган буюмлари; эски суратлар, сопол идишлар, қадимги тангаларни Тошкент шаҳридаги музейга топширгани учун газета таҳририяти унга миннатдорчилик билдирган[4]. Бу билан маҳаллий ўзбек тадбиркорлари ўша даврда ҳам юрт маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Н.А. Абдуазизованинг “Туркистонда матбуот тарихи” китобида “Туркистон вилоятининг газетида”нинг 1887 йил 14 август сонида тошкентлик Мирза Абдуллабой Исамуҳаммад ўғлининг мақоласи эълон қилингани, унда бой қай тариқа саводини чиқаргани, форс ва рус тилларини эгаллаганлиги, унинг Тошкент шаҳри Шойхонтоҳур даҳаси Тарновбоши маҳалласидаги уйи савдогарлар, олим ва шоирлар тўпланадиган марказ бўлганлиги таъкидланган[5]. Лекин келтирилган манбада кўрсатилган мақола берилмаган. Бизнингча, муаллиф техник хато туфайли газетанинг йили ёки кунда адашиб кетган бўлса керак.

Газета саҳифаларининг эълонлар рукнида маҳаллий тадбиркорларга тегишли сотилаётган мол-мулклар, улар томонидан янги очган фабрика ва заводлар ҳақида ҳам хабарлар бериб борилган. Масалан, нашрнинг 1907 йил 24 январ сонида Тошкент шаҳри Бешёғоч даҳасининг Қоратош маҳалласида тадбиркор Муҳаммадамин Зафархожи ўғли ўз ҳовлисида каштачилик фирмаси очгани хусусида маълумот берилган[6]. Ишбилармон бу ҳақда куйидагиларни таъкидлайди: “Маълум айлайманким, мазкур маҳаллада ўз ҳовлимизда янгилик қилмоқ учун бир инсон ақлига келмайдурғон Америка, Германия ва Фарангистондин мошиналар олдириб ҳар хил тикув ишларни қиладургон корхона очдим”[7]. Бу корхонанинг очилиши учун сармоядор Москва ва Истанбулдан мутахассисларни чақиртирган ва “Туркистон вилоятининг газети” муштарийларини қилинган ишларнинг ўз кўзлари билан кўришлари учун корхонага таклиф қилиб қолган.

Нашрнинг 1912 йил 27-май сонида Термиз шаҳрида ишбилармон, бир неча пахта тозалаш заводлари эгаси Каримбой Шамсиддинов инжинер Афонов ёрдамида янги ёғ заводи қургани маълум қилинган[8]. “Мазкур заводни юрдуриб кўриб таъжубга тушубдурларким, чорак соатда ёғни тоза ва тиниққилиб чиқарадур экон” – деб хабар якунланган. Бундан кўринадики, маҳаллий сармоядорларнинг янги барпо этган корхоналари газета саҳифаларида мунтазам ёритилиб, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган.

“Туркистон вилоятининг газети”да маҳаллий тадбиркорларнинг иқтисодий инқирозга учраш сабаблари маҳаллий муаллифларнинг мақолалари орқали ёритиб борилган. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг номи берилмаган бир мақоласида маҳаллий сармоядорларнинг синиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг биринчи сабаби сифатида банклардан қарз олиб, уни вақтида қайтара олмаслиқда, иккинчиси эса тижорат молини олиш ва сотиш жойини

билмаслик ҳамда маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги аҳволдан беҳабарликда деб кўрсатиб ўтган[9].

XX аср бошларида маҳаллий тадбиркорларнинг шахсий мол-мулкларига кўплаб босқинчилик ҳаракатлари амалга оширилганки, бу ҳолатларни газета таҳририяти мунтазам ўқувчиларга етказиб турган.

Мазкур вақтда босқинчиликнинг ўзларига касб қилиб олган айрим уюшган жиноятчилар қишлоқлардаги йирик бойларнинг мол-мулкларини талаб зарарлар етказган. Масалан, 1911 йил 19-дан 20 апрелга ўтар кечаси Хўқанд уезди Ганжиравон волостига қарашли Қияли Қўрғонча қишлоқлик Хўжа Мирзо Раҳимбой Муҳаммад Иброҳим ўғлининг ҳовлисига тун яримида бир неча нотаниш кишилар келишиб, хонадон эгасини кўрқитган ва ҳатто, бир-икки ерига пичоқ билан жароҳат етказиб, пул ва аёлларининг қимматбаҳо тақинчоқларини олиб, бойга мазкур воқеа ҳақида бирор кишига хабар бергудек бўлса, ўлдириш билан таҳдид қилган ҳамда тўппонча ва милтиқлардан атрофга бир неча ўқлар отишиб, чиқиб кетишган[10].

Худди шу куни Хўқанд уезди Найман волостига қарашли Фарнак қишлоқ фуқароси ипак савдоси билан шуғулланувчи савдогар Тўпчибойнинг ҳам ҳовлисига ярим тунда ўғрилар бостириб кириб, уй эгасини ўлдирмоқчи бўлган[11]. Бу ҳақида “Туркистон вилоятининг газетида” шундай дейилган; “ Ўтгон 19 апрелда кеч фурсатда Хўқанд уезди Найман бўлостиға қарашли Фарнак қишлоқ фуқароси Тўпчибой номли ипакфуруш савдогар бойни ҳовлисиға бир неча босмачи ўғрилар бостириб киришиб ҳовли эгаси бойни хўб қийнаб, хўб кўрқитишуб, ўлдирмакчи бўлишиб, бор дасмоя оқчаси илан уй ичиндаги тамоми қимматбаҳо либосларини олиб кетибдурлар”[12]. Бундан ташқари, 1911-йил 20 -дан 21 апрелга ўтар кечаси Хўқанд шаҳрининг Марғилон даҳасига қарашли Мирза Ёдгор маҳалласидаги поябзал савдоси билан шуғулланувчи Хўжа Мирзо

Али Мирхонбой ўғлининг ҳовлисига ҳам босқинчилар бостириб кирган ва уй эгасини кўрқитиб, пулларини ва қимматбаҳо нарсаларни олиб чиқиб кетган[13].

Бу каби уюшган жиноятчилик мазкур вақтда жуда кучайиб, босқинчилар ҳамма вақт мулкдорларга таҳдид солиб, уларнинг маблағларини ўғирлашга уринишган. 1911 йил 17-дан 18 августга ўтар кечаси яна ўша Хўқанд уезди Аравон волостига қарашли Минглар жамоасига тобеъ Катта Ғозёғли маҳалласида яшовчи бой Муҳаммад Зокирбойнинг дала ҳовлисида бир неча номаълум кишилар келиб, уни кўрқитган ва барча маблағларини беришни талаб қилган[14].

Баъзи ҳолларда бойларни кўчаларда ҳам тунаш ҳолатлари кузатилган ва буни маҳаллаларда назоратнинг сустлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, Хўқанд шаҳрида жойлашган Юсуф Давидовнинг пиво заводининг ёнида 1911 йил 11 сентябр куни кеч пайт соат 20 ларда номаълум икки киши Қамбар Қосимбой ўғлининг тунаб, ҳамёнидаги бор пулларини олиб қочишган. Аммо мазкур содир этилган жиноят тезда фош этилиб, ўғрилар ушланган ва керакли жазога тортилган[15].

Шу билан бирга Тошкент уездининг Қорахитой маҳалласида яшовчи савдогар Имом Хўжа ўғлининг уйига бир неча нотаниш кишилар тун яримда бостириб киришиб, жамғарган пулларини ва қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб кетган[16]. Шунингдек, Хўқанд шаҳарнинг Муҳаммадкарим Қоровулбеги маҳалласида яшовчи бойлардан бири Деҳқонбой Абдуллабой ўғлининг хонадонига ҳам кечаси босмачи ўғрилар кириб, уй эгасини кўрқитиб, ўлдирмоқчи бўлган ва бир қанча қимматбаҳо буюмларини олиб чиқиб кетган. Бу хусусида “Туркистон вилоятининг газетида” шундай дейилган; “ Хўқанд шаҳри мусулмония турадурғон даҳадаги Муҳаммадкарим Қоровулбеги маҳаллалик Деҳқонбой Абдуллабой ўғлининг ҳовлисиға тун яримда бир неча нафар нотайин босмачилар бостириб киришуб, уй эгасини

ўлдирмакчи бўлиб, уни бир неча қимматбаҳо нарсаларини олиб чиқиб кетибдур”[17].

### ХУЛОСА

Бундан ташқари, 1912 йил 5 февралда Хўқанд уезди Рошидон волостида қарашли Калобод қишлоқлилик тадбиркор бой Аҳмадбой Қирғизбой ўғлининг, шу йил 11 феврал куни эса Рошидонлик Муҳаммадрасул Муҳаммадзокир ўғлининг хонадонларига ҳам нотаниш кишилар тунда киришиб доимгидек пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетганлиги ҳақида Қози Юсуфжон “Туркистон вилоятининг газетида” маълумот бериб ўтган[18].

Тошкентлик савдогарлар Абдуназар қори, Нурали хожи ва Абдуллоҳ Маҳдумлар савдо қилиш мақсадида чоршанба куни тунги соат 24 даги поездга билет олиб Чиноздаги пайшанба бозорига борганларида бир гуруҳ уюшган жиноятчилар қўлига тушиб молларидан айрилган[19]. Лекин бу жиноят тезда фош этилиб, савдогарларга маҳсулотлари қайтарилган.

Хулоса қилиб айтганда “Туркистон вилоятининг газети” бошқа соҳалар сингари маҳаллий бойларнинг ҳам турли фаолиятларини мунтазам ёритиб, XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек тадбиркорларининг қиёфасини очиб беришда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.Шодмонова. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. Т., Янги Нашр, 2011, 6-б. Ушбу газета Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг Нодир нашрлар бўлимида F-69 рақамида сақланмоқда.
2. Н. Абдуазимова. Туркистон матбуот тарихи. Т., Академия, 2000, 35-б.: Яна қаранг; С. Шадманова «Туркистон вилоятининг газети» и ее авторы.

3. Н. Абдуазимова Кўрсатилган асар 35-бет.
4. Бу ҳақида қаранг: Туркистон вилоятининг газети. – 1887.– №31.
5. Н. Абдуазимова. Туркистон матбуот тарихи. Т., Академия, 2000, Б.-56.
6. Эълон. Туркистон вилоятининг газети, 1907, №6.
7. Ўша жойда.
8. Термизда ёғ заводи. Туркистон вилоятининг газети, 1912, №40.
9. Маҳмудхўжа Беҳбудий(мақола номи йўқ) // Туркистон вилоятининг газети, 1914, №21.; Яна қаранг: С.Шодмонова Туркистон тарихи матбуот кўзгусида. Т., Янги Нашр, 2011, 112-б.
10. Юсуфжон Мирзо. Маҳаллий хабарлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1911., №34.
11. Кўрсатилган манба.
12. Кўрсатилган манба.
13. Ўша манба 3-бет
14. Маҳаллий хабарлар. Хўқанддан // Туркистон вилоятининг газети, 1911, №71.
15. Маҳаллий хабарлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1911, №72.
16. Маҳаллий хабарлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1911, №83.
17. Маҳаллий хабарлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1911, №94.
18. Қози Юсуфжон. Маҳаллий янгиликлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1912, №36.
19. Маҳаллий хабарлар.// Туркистон вилоятининг газети, 1914, №9.

## МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ТОШКЕНТ ТОПОНИМИЯСИГА ОИД ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (АРХИВ МАНБАЛАРИ ТАВСИФИ)

Х.А.БҮРИЕВА

ЎЗМУ МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ, Т.Ф.Н.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон давлати мустақил тараққиёт даврининг дастлабки йилларида барча соҳаларни ислоҳқилиш замирида, уларни миллий- анъанавий ва халқ манфаатларига мос келадиган йўллари излаш борсида изчил ҳаракатларни амалга оширилиши ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Тараққиёт, топонимик объектлар, туманлар, даҳалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар.

### КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустақил тараққиёт даврининг дастлабки йилларида барча соҳаларни ислоҳқилиш замирида, уларни миллий- анъанавий ва халқ манфаатларига мос келадиган йўллари излаш борсида изчил ҳаракатларни амалга оширди. Шу жумладан, республиканинг барча ҳудудлари ва объектларининг номланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, мос равишда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, қадриятларни ҳаётга қайтариш, собиқ совет тузуми даврида асоссиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини тиклаш борсида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида топонимик объектларнинг номларини

тартибга солиш борсида мунтазам тадбирлар олиб борилди. Тошкент шаҳрида даставвал шаҳардаги маъмурий бирликлар – туманлар ва даҳалар, кейинги навбатда аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари – маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар номларига тегишли ўзгартиришлар киритила бошланди.

Мустақиллик йилларида жой номларини тартибга солиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда муайян бир муассаса фаолияти заруради пайдл бўлиб, 1992 йилда Тошкент шаҳар ҳокими ижроия маҳкамаси ҳузурида шаҳар Атамалар комиссияси ўз фаолиятини бошлади. Кейинги йилларда ушбу комиссия номи бирмунча ўзгарди, яъни 1995 йилдан у шаҳар Топонимия комиссияси деб аталди.

Топонимия комиссияси томонидан шаҳардаги жой номларини ўзгартириш ёки янги кўча ва объектларга номлар бериш таклифлари Тошкент шаҳар ҳокимиятига тақдим этилган. Мазкур таклифлар ва уларнинг асослари ҳокимиятда кўриб чиқилиб, шаҳар ҳокимининг Қарорига кўра тасдиқланган ва шундан сўнг ҳуқуқий асосга эга бўлган[1]. Айтиш керакки, Тошкент шаҳар ҳудудида янги топонимларни шаклланиши ва уларнинг тасдиқланиши билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда шаҳар ҳокими ҳукумат ва мутасадди ташкилотлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Республика топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, шаҳар Топонимия комиссиялари қарорларида белгиланган таклиф ва кўрсатмаларга таянган[2].

Ушбу қарорларнинг ижроси тегишли шаҳар туманлари Ҳокимлиги, Бошқармалар томонидан бир ой муддат ичида амалга оширилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланган (аҳолини шу кўча бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш, янги кўрсаткичларни ўрнатиш, ички ишлар, тез ёрдам, ижтимоий таъминот, почта, алоқа идораларини хабардор этиш ва ҳ.к.[3]). Қарорлар матни мазмуни “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида мунтазам тарзда эълон қилиб борилган.

Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви манбаларида айрим шундай қарорлар шаҳар Топонимия комиссиясига юборилган ва у ердан шаҳар ҳокимига тасдиқланиши учун топширилгани қайд этилади. Мисол тариқасида Топонимик объектларни тартибга солиш Республика комиссияси томонидан 1997 йил 8 апрелда ўтказилган навбатдаги йиғилишда қабул қилинган мажлис қарори мазмунини баён қилиш мақсадга мувофиқ. Унга кўра, “Тошкент шаҳри бўйича номлари абадийлаштирилиши маъқул, деб топилган кишилар”га атаб баъзи кўча ва объектларга янгича номлар берилган: Мирзо Улуғбек туманидаги Магниторская кўчасига Тошпўлат Расулов

кўчаси, Юнусобод туманидаги Неверов кўчасига Суннат Иброҳимов кўчаси, Барнаул кўчасига Зафар Диёр кўчаси, Собир Раҳимов туманидаги Серноводская кўчасига Эшон Низомов кўчаси, Ҳамза туманидаги Топографический проездига Олим Боқиев кўчаси, Акмал Икромов туманидаги Шифокор кўчасига Неъмат Тошпўлат кўчаси, деб аталиши тўғрисида қарор қабул қилинган[4].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Тошкент шаҳар Топонимия комиссияси томонидан пойтахтнинг маъмурий бирликлари саналмиш шаҳар туманлари номларига биринчи навбатда эътибор қаратилди ва буларга мазкур ҳудуднинг тарихий номланиши, шунингдек, ўзбек халқи тарихи ҳамда миллий жиҳатларини ҳисобга олган янги номлар бериш мақсад қилиб белгиланди[5]. 1992 йил 7 май куни Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳрининг айрим ноҳиялари, марказий кўчалари, майдонлари ва истироҳат боғлари, ҳиёбон, меҳмонхоналари номини ўзгартириш ҳақида” ги 44-сонли қуйидаги мазмунда қарори қабул қилинди:

“ Айрим ноҳиялари, марказий кўчалари, майдонлари, истироҳат боғлари, ҳиёбон, меҳмонхоналарни номини ўзгартириш тўғрисидаги меҳнат жамоалар, жамоатчилик вакилларининг расмий илтимосномалари асосида ва шаҳар Атамалар комиссиясининг таклифини кўриб чиқиб, қарор қиламан:

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига асосан Тошкент шаҳрининг айрим ноҳияларини қайта номлаш учун:

- а) Ленин районини Миробод ноҳияси деб;
- б) Киров районини Юнусобод ноҳияси деб;
- с) Қуйбишев районини Мирзо Улуғбек ноҳияси деб;
- д) Фрунзе районини Яққасарой ноҳияси деб;
- е) Октябрь районини Шайхонтаҳур ноҳияси деб ўзгартириш таклифлари Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига ҳавола этилсин”[6].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврининг дастлабки йилларида нафақат топонимик объектларга тегишли, балки бошқа кўплаб соҳаларга оид европача тилдаги сўзлар, атамаларнинг ўзбек тилидаги мос шаклини топиш ва шулар билан ўзгартириш ишлари изчил олиб борилган ва баъзида ушбу тадбирлар шошилиш тарзда амалга оширилган. Масалан, “жумҳурият”, “вилоят”, “ноҳия”, “туман”, “тайёрагоҳ”, “олийгоҳ”, “дорилфунун” ва ҳ.к. Кейинги йилларда эса ушбу атамаларнинг баъзилари муомалада қолди, баъзилари эса, турли сабабларга кўра, шу жумладан, ўзбек тилига хос сўз бўлмагани аниқланганлиги туфайли ҳам, ўз шаклини яна ўзгартирган. Хусусан, “шаҳар районлари” дастлаб “шаҳар ноҳиялари” дейилган бўлиб, кейинроқ улар “шаҳар туманлари” шаклида қабул қилинган ва ҳозирги вақтда мазкур кўринишида муомалада юритилади.

Юқорида келтирилган Қарор матнидан 1992 йилнинг ўзида шаҳардаги мавжуд ўн битта туманнинг бештаси янгича номланишига ҳуқуқий асослардан бири яратилгани намоён бўлади.

Тошкент шаҳрида жойлашган яна бир туманнинг номи ўзгаришига оид қарор кейинги йиллар ҳужжатида учрайди ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 39-1-сонли қарори ижросини таъминлаш билан боғлиқ. Хусусан, 2005 йил 18 майда Тошкент шаҳар ҳокимининг “Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисида”ги 239-сонли қарори юқоридаги қарор ижросини таъминлашга қаратилган ва унга кўра, Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов тумани номи ўрнига Учтепа тумани номи берилган. Тадқиқ этилаётган даврда давлат бошқарув органлари ҳамда шаҳар маъмурияти томонидан Тошкент кўчалари ва маҳаллалари номларини тартибга солиш бўйича мунтазам равишда сайъ-ҳаркатлар амалга оширилган. Янги жой номларини беришда Республика ҳамда Тошкент шаҳар Топонимия комиссиялари таклифлари ва

шаҳар аҳолисининг фикрларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб шаҳардаги кўплаб кўча ва маҳаллалари номларини ўзгартириш ва янги ташкил қилинаётгаларига номлар беришга оид Тошкент шаҳар ҳокими қарорлари баён этилган талайгина ҳужжатлар шаҳар архивининг Шаҳар ҳокимиятига тегишли бўлган 582-фондида жамланган. Уларни тадқиқ этиш натижасида мазкур гуруҳ микротопонимлари сони, мазмуни, этимологияси билан боғлиқ маълумотларни қўлга киритиш мумкин [7].

Қарорлар матнида бундай маълумотлар аксарият ҳолларда жадвал шаклида берилган бўлиб, унда кўча ёки маҳалланинг ўша даврдаги номланиши, янги қабул қилинадиган номи ва ушбу номнинг қўйилишининг сабабларини ёритувчи изоҳ ва қўшимчалар келтирилган. Ушбу жадваллар қарорларга илова қилиб ёзилган. Кўча ва маҳаллала номлари билан боғлиқ топонимлар аксарият ҳолларда шаҳар туманлари бўйича таснифланган ҳолда берилган.

Кўчалар ва маҳаллалар билан боғлиқ топонимлар мазмунидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлганини қайд қилиш мумкин:

- 1) жойнинг тарихий номи ёки кўчанинг эски номини тиклаш;
- 2) маънавий юксалиш, эзгулик мақсадларида қўйилган номлар;
- 3) машҳур тарихий шахс ёки халқ манфаатлари учун фидокорона меҳнат қилган, маълум соҳада алоҳида хизмат кўрсатган инсоннинг хотирасини абадийлаштириш;
- 4) муайян этник гуруҳга атаб қўйиш;
- 5) бирор бир давлат, шаҳар номи билан аташ, яъни байналминалчилик руҳида;
- 6) кўча ёки маҳалланинг маълум бир бошқа катта кўчага бориб туташishi ёки унинг бир қисми эканини ҳисобга олиш, шунингдек, ушбу ном шаҳардаги шу гуруҳ микротопонимларда такрор бўлгани боис;

7) мазкур кўча, маҳаллада жойлашган маълум аҳамиятга эга бўлган иншоот, объект бўлгани боис;

8) кўча, маҳалланинг муайян бир жиҳати борлиги туфайли, шунингдек, табиий-шарт-шароити билан боғлиқлигини ифодалаш учун.

**Жадвал**

**Тошкент шаҳар ҳокимининг айрим кўча ва маҳаллаларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги Қарорига илова[8]**

Қуйидаги жадвалда ушбу таснифий омилларга мисоллар тариқасида Тошкентдаги айрим кўча ва маҳаллаларга янги ном бериш тўғрисидаги шаҳар ҳокими Қарорлари иловаларидан бир қанча маълумотлар келтириб ўтиш жоиз (жадвал).

<i>Гур уҳ</i>	<i>Ҳозирги номи*</i>	<i>Янги номи</i>	<i>Изоҳ ва қўшимчалар</i>
1- гуруҳ	Ефимов кўчаси	Қўйлиқ кўчаси	Жойнинг тарихий номи.
	Озерний кўчаси	Тахтапул кўчаси	Жойнинг тарихий номи.
	Гулистон маҳалласи	Қудукбоши маҳалласи	Жойнинг тарихий номи. Чилонзор, Ҳамза, Серели туманларида ҳам шу номдаги маҳаллалар борлиги учун.
	А.Тожиев маҳалласи	Нишабарик маҳалласи	Жойнинг тарихий номи.
2- гуруҳ	Янги ташкил этилган номсиз кўча	Элпарвар кўчаси	Элни яхшилик сари етаклайдиган кишилар яшайди маъносида.
	Днепр кўчаси	Давлатобод кўчаси	Миллий кадриятларимизни тиклаш мақсадида
3- гуруҳ	Дубинин кўчаси	Аҳмад ал-Фарғоний кўчаси	Алломанинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан.
	Фазо кўчаси	Боис Эргашев кўчаси	(1921–2000 йиллар) Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист ва ёшлар мураббийси”. Шу кўчада яшаган.
4- гуруҳ	Гордаев кўчаси	Минглар кўчаси	Ўзбек уруғи номи.
	Одесса кўчаси	Сарой кўчаси	Ўзбек уруғи номларидан бири.
5- гуруҳ	Дальневосточна я кўчаси	Анқара кўчаси	Туркиянинг пойтахти, Туркия билан дўстлик



			алоқаларининг рамзи сифатида.
	Лохутий кўчаси	Шаҳрисабз кўчаси	--
6-гуруҳ	Дружба кўчаси	Ўрикзор 2-тор кўча	Жойнинг тарихий номи; ушбу кўча Ўрикзор кўчасига туташган.
	Охунбобоев берк кўчаси	Тўйтепа берк кўчаси	Тўйтепа кўчасига туташ кўча.
	Обод маҳалласи (такрор)	Нурафшон маҳалласи	Жойдан ўтадиган асосий кўча билан уйғунлаштириш мақсадида. Юнусобод, Сергели, С.Раҳимов ва Бектемир туманларида шу номдаги маҳаллалар борлиги учун.
7-гуруҳ	Ленинград кўчаси	Матбуотчилар кўчаси	Ушбу кўчада матбуот уйи жойлашган.
	Заречная кўчаси	Дарё бўйи кўчаси	Бу кўча Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган. Жойнинг тарихий номи.
	Туркистон маҳалласи	Катта Яланғочота маҳалласи	Маҳалла ҳудудидаги Яланғочота қабристони билан уйғунлаштириш мақсадида. Юнусобод ва Яккасарой туманларида ҳам шу номли маҳалла бор.
8-гуруҳ	Совхозная кўчаси	Хуштепа кўчаси	Жой тепаликда, хушхаво жойда жойлашганлиги учун.
	Карл Маркс кўчаси	Сайилгоҳ кўчаси	Бу кўча асосан пиёдалар ҳиёбонидан иборат бўлиб, бу жойда халқ сайллари ўтказилади.
	Аброр Ҳидоятлов маҳалласи	Дегрез маҳалласи	Жойда асосан шу номдаги маҳалладан кўчиб келганлар истоиқомат қилаётганлиги учун. А.Ҳидоятлов номида театр ва С.Раҳимов туманида кўча борлиги учун.

	Наврўз маҳалласи (такрор)	Яккатут маҳалласи	Жойнинг тарихий номи (табиат билан боғлиқ). Миробод, Ҳамза, Сергели ва Мирзо Улуғбек туманларида шу номдаги маҳаллалар борлиги учун.
--	---------------------------------	----------------------	---

\* Қарор қабул қилинган йил назарда тутилган. Қарорларнинг иловалари матнида шундай шаклда ёзилган.

Янги номларни беришда жойнинг тарихий номини тиклаш ва жой номини миллийлаштириш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу йилларда мавжуд туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида, йўлдош кўчалар номларини асосий кўча номларига уйғунлаштириш, такрор учрайдиган маҳалла номларини катта кўчалар ёки маҳалладаги йирик обида, ёдгорликлар билан боғлаб қайта номлаш тажрибаси кенг қўлланилган. Айни вақтда республика халқ хўжалиги, фани, санъати тараққиётига катта хизмат қўшган шахслар номларини абадийлаштириш мақсадида, уларнинг исмларини кўча ёки маҳаллага бериш маҳалла аҳли ва туман ҳоқимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан сўралган ҳолатларни инобатга олиш натижасида шахс исмига атаб қўйилган микротопонимлар ҳам вужудга келган.

Мазкур архив манбаларини ўрганиш натижасида давлатимиз раҳбарияти томонидан шаҳардаги янги номлар беришда объектнинг тури, тарихий шаклиниши, мавқеи, бажарадиган вазифаси ва давлат, жамият учун аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилгани намоён бўлади. Бунга доир архив манбаларида акс этган ахборотнинг таҳлили шаҳар микротопонимлари тарихини ёритишда ва, айни вақтда, ҳукумат томонидан кўча ва маҳалла номларини акс эттирувчи топонимларни қадрият сифатида сақлашда олиб борган тадбирлари моҳиятини англашда алоҳида аҳамият эга.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Фақат шаҳар туманлари номларининг тасдиқланиши бундан мустасно. Зеро, уларни ўзгартириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирган.
2. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви, 582-жамғарма, 1-рўйхат, 379-йиғмажилд, 43-варақ.
3. Барча янги номлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 майдаги 104-сонли қарори ҳамда шаҳар ҳоқимлигининг 1996 йил 17 майдаги 149-сонли қарорига асосан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида расмийлаштирилиб ёзилган.
4. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви. 582-жамғарма, 1-рўйхат, 304-йиғмажилд, 151-153-варақлар.
5. Буриева Х. Тошкент жой номларида тарихийликнинг ифодаланиши //Жамият ва бошқарув. № 4. Т., 2014. Б.82-87.
6. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви. 582-жамғарма, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 14-15-варақлар.
7. Тошкент шаҳар Марказий давлат архиви. 582-жамғарма, 1-рўйхат, йиғмажилдлар: 2, 3, 69, 72, 75, 79, 152,

- 215, 302, 304, 333, 379, 509, 543, 599,  
610, 662, 697, 748, 759, 769, 959, 1069.
8. Жадвалга мисоллар Тошкент  
шаҳарҳокимининг кўчаларга ном  
бериш бўйича берилган қарорларига  
тузилган иловалардан олинган.

Тошкент шаҳар Марказий давлат  
архиви. 582-жамғарма, 1-рўйхат, 69-  
72-, 302-, 333-, 379, 769-  
йиғмажилдлар.

## СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПЕЧАТИ В АНДИЖАНЕ

ДИЛДОРА ВАЛИШЕРОВНА АЛИНАЗАРОВА  
ПРЕПОДАВАТЕЛЬ КАФЕДРЫ «ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА, НАЦИОНАЛЬНОГО  
УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА

### АННОТАЦИЯ

Андижанская область - самая маленькая по площади, но самая густонаселенная в Узбекистане. Андижанская область - самая восточная область Узбекистана, занимающая восточную часть Ферганской долины. Административный центр - город Андижан.

Во многих отношениях область уникальна и выделяется среди других регионов страны. Область образована 6 марта 1941 года Указом Президиума Верховного совета СССР в составе Узбекской ССР. До создания Андижанской области в 1926-1930 годах существовал Андижанский округ Узбекской ССР. В XVIII-XIX веках Андижан был в составе Кокандского ханства [1].

### ВВЕДЕНИЕ

Эта область является колыбелью традиционного узбекского искусства и народных промыслов. Именно здесь были созданы и развиты всемирно известные гончары, мастера прикладного искусства, вышивка золотом, производство натуральных тканей и многие другие ремесла. И, конечно же, это родина народного танца и в особенности знаменитой андижанской польки[2]. Но, сегодня мы будем говорить не о первом в Узбекистане заводе по производству автомобилей GMUzbekistan в Андижане, пользующихся спросом во всем мире, и не о андижанской польки. Сегодня мы рассмотрим возникновение и становление периодической печати в Андижане. Сто лет прошло с момента появления периодической печати на территории

Республики Узбекистан, в том числе в Андижане. В течение этого периода периодическая печать прошла своеобразный путь развития: публицистические жанры по своему содержанию и направлению изменились и с технической стороны обогатились. «Андижанская правда» - русскоязычная общественно-политическая газета Андижанского областного хокимията, издаётся с 1 июля 1916 года, первоначально носила название «Туркестанский голос». «Туркестанский голос» - выпускалась на собственные денежные средства А. А. Чайкина, известного своими демократическими взглядами. Газета регулярно освещала жизнь Ферганской долины, знакомила население с новостями таких городов, как Ташкент, Ош, Петроград,

Москва и др. Впоследствии газета сменила несколько названий с 1917 года «Туркестанское слово», с 1917 по года «Известия», с 1941 г. - «Сталинское знамя», с 1954 - «Андижанская правда». 31 мая 2000 года редакция «Андижанской правды» слилась с редакцией газеты «Андижоннома»[3].

Ещё до 1917 года, когда до Андижана стали докатываться волны массовых выступлений рабочих против царского самодержавия, издаваемая здесь большая краевая газета «Туркестанский голос» твердо стояла на позиции социал-демократической ячейки, действовавшей в городе. Публиковавшиеся на её страницах материалы революционного содержания навлекли репрессии со стороны буржуазно-чиновничьего аппарата властей.

С образованием в Андижане Совета рабочих, крестьянских, солдатских и мусульманских депутатов на полиграфической базе «Туркестанского голоса» и «Туркестанского слова» с 1917 года стала издаваться газета под названием «Известия»[4]. Трудной была её история. В годы гражданской войны она выходила в виде плаката. Издавал его Ферганский пототдел РОСТА (российское телеграфное агентство). Из-за острой нехватки бумаги тираж «Известий» был очень мал – всего 300 экземпляров, и его хватало только на то, чтобы вывешивать в людных местах и распространять среди рабочих крупный предприятий.

Ещё сложнее приходилось с выпуском газеты на узбекском языке. Такого шрифта ещё не было. Восемь переводчиков - переписчиков переводили каждый новый номер «Известий» на узбекский язык и переписывали его арабским алфавитом. Успевали она «выпускать» таким образом, не более 30 экземпляров, а специально подобранные уездно - городским комитетом партии читчики в чайханах, на базарах и в других многолюдных местах проводили громкие их читки[5].

Поскольку Андижан тогда входил в состав Ферганской области, то и газета была городской[6]. С образованием же Андижанской области в 1941 году стала выходить областная газета «Коммунист», затем «Сталинское знамя» на русском языке[7], «Коммунист» на узбекском языке[8] размером в половину формата «Правды».

Редакция «Коммунист» всегда представляла собой цельный творческий коллектив. В разные годы им руководили видные журналисты нашей республики, опытные редакторы. За плодотворную работу редакция была награждена орденом «Знак Почета». Орден коллективу, а также 30 Почётных грамот Верховного Совета Узбекистана сотрудникам редакции, полиграфистам и рабселькорам, вручил Первый секретарь ЦК Компартии Узбекской ССР Шараф Рашидов. 6 сотрудников газеты получили звание «Заслуженный работник культуры Уз ССР». Многие журналисты редакции стали лауреатами областных и республиканских конкурсов на лучшие газетные материалы [9]. Журналист Нажмиддин Эргашев в своей статье «Ижодий силсила: «Андижоннома»дан таралаётган зиё 99 йилдирки юртдошларимиз қалб-шуурини ёритиб келмоқда» рассказывает об истории областной газеты на узбекском языке «Андижоннома»[10].

Автор сделал исторический анализ создания областной газеты именно на узбекском языке. Мы с вами попытались раскрыть и узнать об истории газеты на русском языке. Мы указали, что с образованием в Андижане Совета рабочих, крестьянских, солдатских и мусульманских депутатов на полиграфической базе «Туркестанского голоса» с 1917 года стала издаваться газета под названием «Известия». Ещё сложнее приходилось с выпуском газеты на узбекском языке. Такого шрифта ещё не было. Восемь переводчиков - переписчиков переводили каждый новый номер

«Известий» на узбекский язык и переписывали его арабским алфавитом.

Журналист Нажмиддин Эргашев в своей статье «Ижодий силсила: «Андижоннома»дан таралаётган зиё 99 йилдирки юртдошларимиз қалб-шуурини ёритиб келмоқда» рассказывает что «Андижоннома» начала издаваться с 30 мая 1921 года. Он пишет: «История свидетельствует, что 30 мая 1921 года в регионе была создана первая газета на узбекском языке «Қизил кўшчи ва дехқон». Позже издавалось под названием «Пахта fronti» («Хлопковый фронт»), «Коммунист», с ноября 1991 года стало издаваться под названием «Андижоннома».

Вали Максудов, один из первых андижанских журналистов, который начал генеалогическое древо редакторов, затем список этот продолжили Ўлмас Алиев, Обоқул Эгамов, Муталлиб Усмонов, Муҳиддин Ҳошимовы и другие[11].

Автор статьи, журналист Нажмиддин Эргашев пишет, что в 60-х годах прошлого века Собиржон Шокаримов был назначен редактором. Благодаря его усилиям была восстановлена подлинная история «Андижанномы» («Қизил кўшчи ва дехқон» («Красная Армия и Крестьянин»), «Пахта fronti» («Хлопковый фронт»), «Коммунист»). Однако информация о создании газеты до этого указывалась "1931 год". Собиржон ака провел исследование и нашел возможность преодолеть разрыв между газетами «Қизил кўшчи ва дехқон» и «Пахта fronti». И, наконец, с осени 1970 года на первой полосе газеты появились слова «30 мая 1921 года».

Если областная газета Андижана на русском языке «Андижанская правда» первоначально носила название «Туркестанский голос» (с 1 июля 1916 года), то, как результат наших исследований, мы можем с уверенностью сказать, что областная газета Андижана на узбекском языке «Андижоннома» начала издаваться с 1917 года, а не 1921 года, как автор указывает. Соответственно, в настоящее

время на первой полосе газеты пишется слова «издаётся с 30 мая 1921 года». Исходя из наших исследований, нам бы хотелось приумножить возраст газеты и восстановить историческую правду.

## ХУЛОСА

Как подчеркнул, глава нашего государства Ш.М.Мирзиёев: «Как гласит народная мудрость, «река жизни не стоит на месте». Сегодня, опираясь на бесценное наследие нашего народа, мы можем с полным основанием сказать, что имеем все возможности для создания фундамента нового Ренессанса в Узбекистане. Все зависит от того, насколько разумно мы будем использовать этот уникальный потенциал»[12].

Мы, молодые исследователи, учитывая обращение главы государства, должны сделать все возможное, чтобы внести свой вклад в развитие науки и образования своими новыми исследованиями.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Андижанская область](https://ru.wikipedia.org/wiki/Андижанская_область). Дата обращения: 12.07.2020.
2. Электронный ресурс: <https://uz.sputniknews.ru/analytics/20160818/3550036.html>. Дата обращения: 12.07.2020.
3. Андижанская правда. Национальная энциклопедия Узбекистана. - Ташкент, 2000—2005
4. В Национальной библиотеке Республики Узбекистан имени Алишера Навоий хранятся 2 выпусков газеты «Известия» 1917 года издания под инвентарным номером F-48
5. Ровестница октября // Андижанская правда. 1987. январь.
6. НАУз. Ф-Р 1619, О – 11, Д- 619, Л – 2

- 
7. НАУз. Ф-Р 1619, О – 11, Д- 883, Л – 4-5
8. НАУз. Ф-Р 1619, О – 11, Д- 883, Л – 4-5, 17
9. Электронный ресурс.  
[https://ru.wikipedia.org/wiki/Андижанская\\_правда/](https://ru.wikipedia.org/wiki/Андижанская_правда/) дата обращения: 08.07.2020.
10. Зргашев Н. «Ижодий силсила: «Андижоннома»дан таралаётган зиё 99 йилдирки юртдошларимиз қалб-шуурини ёритиб келмоқда»/ электронный ресурс: <http://auz.uz/news/izhodiy-silsila-andizhonnomadan-taralayotgan-ziyo-99-yildirki-yurtdoshlarimiz-kalb-shuurini-yoritib-kelmokda/> дата обращения: 08.07.2020.
11. Зргашев Н. «Ижодий силсила: «Андижоннома»дан таралаётган зиё 99 йилдирки юртдошларимиз қалб-шуурини ёритиб келмоқда»/ электронный ресурс: <http://auz.uz/news/izhodiy-silsila-andizhonnomadan-taralayotgan-ziyo-99-yildirki-yurtdoshlarimiz-kalb-shuurini-yoritib-kelmokda/> дата обращения: 08.07.2020.
12. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном Дню учителей и наставников // <https://uza.uz/ru/posts/vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziye-30-09-2020>

## ЗНАЧЕНИЕ НАСТЕННЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ АФРОСИЯБА В ИЗУЧЕНИИ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКИСТАНА

Э.Я.МИРЗАНАЗАРОВА

ПРЕПОДАВАТЕЛИ КАФЕДРЫ МУЗЕЕВЕДЕНИЕ НИХД

Ж.З.АХМЕДОВ

ПРЕПОДАВАТЕЛИ КАФЕДРЫ МУЗЕЕВЕДЕНИЕ НИХД

### АННОТАЦИЯ

Существовавший с древности на территории Средней Азии и дошедший до нас очаг цивилизации является ярким доказательством того, что формирование узбекского костюма и искусство в целом своими корнями уходит в глубокую древность. Особенно не маловажную роль играет натенная живопись, где вцелом можно изучить культуру и быт народа. С помощью найденных монументальных произведений живописи в Афросияба были рассмотрены своеобразные специфические качества костюма каждого региона.

### КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

настенные росписи; традиционная одежда; орнамент; туникообразный; археологический объект; конструктивное решение; шойи; историческая рукопись; материальная и духовная ценность.

### ВВЕДЕНИЕ

Во второй половине XX века среди руин древнего Афросияба, 150-200 метрах к западу от музея “Афросияб” был найден дворец с настенными росписями относящийся к VII веку. Стены в некоторых комнатах дворца полностью украшены живописными картинами. Несмотря на то что прошло тринадцать веков, чистота цветов и красок картин удивительны (фрески в данный момент выставлены в залах музея Афрасияб). Центральный зал этого дворца 11х11м очень хорошо сохранился. Как и стены других комнат, стены зала были сделаны из соломы, тонко оштукатурены соломенной глиной, затем оштукатурены штукатуркой и покрашены.

Высота сохранившейся стены составляет 2-2,5 метра. Верхние части стен были разрушены и не сохранились. Отреставрированные фрески с 1985 года демонстрируются широкой публике.

Картины на западной, северной и южных стенах комнаты отражают независимое содержание и ландшафт. Слева от стены на западной части, напротив входа, изображен мужчина в белом и на подоле его одежды сохранилась 16-строчная согдская надпись. Надписи касаются приёма послов королем Вархуманом, потомком Унаша. Изображенная в середине стены церемониальная процессия послов,



несущих подарки, соответствует надписям. На правой и левой сторонах стены, согласно ранним повествованиям, изображены копия, установленные на столбах (одиннадцать справа и девять слева), боевые щиты украшены легендарными масками. На изображениях слева и справа в среднем плане, вероятно, что длинноволосые герои, сидящие за зрителем, являются тюрками, которые сформировали королевскую армию.

Исследования последних лет привели к предположению, что этими героями может быть не тюркская армия, а представители небольшого княжества, которые собрались, чтобы политически объединиться под одним государством. Если бы они были солдатами королевской армии, основное внимание было бы уделено стороне, где сидел король, и послам разных государств. Но они изображены как сидящие свободно, взаимодействующие друг с другом. Копья, изображенные на верхнем плане (они должны быть в руках охранников в качестве требования безопасности), могут быть флагами этих княжеств. Потому что, если внимательно посмотреть, можно увидеть одиннадцать флагштоков с правой стороны, перевязанных лентой, а слева девять на которых нет такой соединительной ленты. Причина в том, что они все ещё ведут переговоры об объединении под одним флагом. Точнее, эта композиция отражает великое событие в истории Согда – торжественную коронацию Согда ихиди, Самарканда Афшина Вархума.

Информация об этих событиях содержится в летописях династии Тан Китая. В начале VII века Восточно-тюркские ханства находились в кризисе, а в 657 году Западно-тюркские. После этого небольшие княжества в Согдийской области перешли под власть Вархумана. На настенных росписях изображены поздравления и подарки от послов Китая, Кореи, Чаганияна и Чоча на официальном возведении на престол Вархумана в 658 году.

Рассматривая настенную живопись Афросияба можно изучить богатое культурное наследие разных государств и предметы прикладного искусства, в том числе и одежду той эпохи. Так как в произведениях изображены сюжеты дворцового уклада жизни, в них присутствуют изображения дворцовой знати, представителей высшего сословия, полководцев, торговцев, танцоров музыкантов и др.

Рассмотрим одежду отдельно по видам, начав с верхней распашной одежды, с запахами в передней части. Анализ одежды начнём с покроя, привлекая этнографические данные, которые помогут нам изучить древнюю конструкцию одежды. В настенных росписях VII-VIII века, можно увидеть верхнюю мужскую одежду туникообразной формы, существовавшие с древности на территории Узбекистана. Одежда купцов изображается пышной и богатой. Большое количество материи в одежде свидетельствует об обогатстве и социальном статусе представителей высшего слоя общества. В изображении в одежде у торговцев рукава длинные и широкие, на месте плечевого шва складки по кругу и сужаются на запястье, они собираются широкими складками вдоль всей руки до уровня манжеты.

На вырезе горловины, передней части ина подоле пришита полоса ткани другого цвета-каёмка (или тесьма), шириной 5-6 см. Распашная часть скрывает только тесьму. Так как халат не застёгивался в верхней части, внутренняя одежда была видна снаружи. Снизу одежды был виден круглый вырез горловины который повторял линию шеи и прикрывал собой часть груди. В некоторых произведениях передняя часть верхней одежды изображена в едином крое. Это говорит о том, что верхняя одежда была двух видов.

Одежда по линии талии была узкая и расширялась к низу. На линии талии располагался изготовленный из кожи пояс, украшенный серебряной пряжкой. Чтобы

предположить, какой была серебрянная пряжка, обратимся к одному изобразцов пряжки с раскопок на Халчаяне. Данная пряжка относится к 1 в.н. э., изготовлена из золота, диаметр окружности 4,7см, гравировки 0,95см, вес 75гр 40 мгр. Предполагается, что она использовалась в разных целях. Возможно пристёгивалась к поясу, к самой одежде, или служила украшением рукоятки длинного ножа и кинжала. В середине, в круглой форме расположено изображение зверя с двумя ушами, по краям оно окружено двадцатью ячейками в форме сердца (несомненно, в этих ячейках находились драгоценные камни) и оно в свою очередь также было окружено круглыми крючками (9.стр. 127).

Варахша (VII-VIII век н.э.) находилась на территории бухарского Согда. Дошедшие до нас росписи немногочисленны, из сохранившихся изображений костюма отчётливо просматривается лишь три, с помощью которых мы исследуем женскую одежду этой области. В восточной части настенной живописи Варахшы, в сцене курильницы на южной стене восточного зала изображена верхняя распашная мужская одежда типа халата, сшитая из расписной ткани с напоясным оружием в виде выгравированного кинжала и меча. Нижняя часть и широкие манжеты украшены узорчатой тесьмой. Одежда не застегивается сверху и одевалась на открытую грудь.

С левой стороны стены комнаты дворца афросияба изображены три бородатых героя, вооруженные мечами и кинжалами в королевских одеждах. Ткани из которых сшиты костюмы украшены изображением различных животных. Герои были одеты в соответствии с традицией согдийской культуры, которая в то время распространялась от сасанидов Ирана до Китая. Гонцы с разных стран один из них несет ювелирное изделия и украшения, а другой рулон шелковой ткани. Согласно надписи, центральный герой в одеянии

красного цвета был назначен руководителем канцелярии короля Чоча по должности. Рядом с ним стоят герои одетые в штатском. В середине стены выходят две группы, симметричные друг другу, чтобы праздновать. Справа - послы Китая в черных шляпах с фруктами и шелковыми тканями. Справа от этих героев – турки с длинными волосами, и в этом случае они изображены как иностранные послы.

Справа также изображены три героя, одетые камзолы накладными воротниками, а на ногах длинные чулки-сапоги. Видимо, эти люди были послами горного региона. Двое мужчин позади них с головным убором с думя перьями. Это послы из Кореи. Стена наверху сломана, и неизвестно, что там изображено (3, стр 111-114).

Композиции северной стены, которые начинаются с правой стороны зала, призывают к совершенно другому миру. Слева две лодки с изображением женщин, и одна из них хорошо сохранилась. Задняя часть лодки изображает музыкантов, играющих на различных музыкальных инструментах. Женщина, изображенная крупнее других, - это китайская королева. В воде изображены различные мифические существа, а также дракон с змеиным хвостом и головой козы. Длинноволосый герой справа держит хвост лошади, плавающей в воде. С другой стороны, изображение волнистой линии делит жизнь на воду и на землю. Здесь китайцы, одетые в соответствии с эпохой Тан, охотятся на тигров. На этой стене изображены дипломатические и посольские отношения согдийского государства с Китаем.

Краска на южной стене зала хорошо сохранилась. Церемония движется не к центральной сцене, а к противоположному востоку. Конечный пункт шествия – отдельное здание, а не город, в котором стоят несколько человек. Из китайских летописей известно, что каждый новый год согдийские правители Зороастрии посещали могилы своих предков и

приносили жертвы. Эти церемонии отражены в центральной части двух мужчин со связанными ртами. Представитель зороастрийской религии несет жертвенных животных. Одним из животных является серый конь, который оседлань, но без наездника. Другой представитель несет четырех белых птиц, а два всадника с золотыми палками идут перед жертвами. В конце этой церемониальной процессии изображен король Вархуман на желтом коне с украшениями на шею и шкурой тигра на плечах в красной рубашке. Высокопоставленная женщина сидит на троне на белом слоне, рядом с местом, где лежат потомки королей. Это должна быть королева Согда. За ней три молодые женщины на лошадях. У одной из женщин на запястье сохранилось надпись “должностная леди-хозяйка”. В верхнем ряду видны ноги лошадей. Наверное на них сидят телохранители короля.

Изображение рыб, плавающих в воде, купающихся детей и быков в середине восточной стены, сохранилось не очень хорошо. Возможно, это рай – образ реки, разделяющей мертвых и живых.

Настенные живописи отражают три аспекта политики Ихшида Вархумана: приём послов, изображенный на западной стене, признание независимости согдийского государства с другими государствами; изображение на северной стене означают визит китайских послов в Согд; религиозная церемония, изображенная на южной стене, означает, что король Вархуман укрепил свою династию в Согде, придерживаясь местных обычаев. Композиционно-стилистическая гармония сюжета росписей свидетельствует о том, что художественное оформление дворца правителя Афросияба выполняли художники величественной школы живописи раннесредневекового Согда.

Анализ настенной живописи Афросияба даёт возможность изучить боготое культурное наследия Узбекистана. Это сформировавшийся с древности школу

живописи, традиционные одежды, музыкальные инструменты, золотое украшения, ткачество и много других видов декоративно прикладного искусство Узбекистана, преемственность которой прослеживается через века. Б.Бернштейн, Г.Грачев, С.Аязбекова отмечают, что “национальная призма” складывается не в период формирования и развития нации – высшей стадии эволюции этноса, а значительно раньше. Ее важнейшие основы формируются еще в глубокой древности, хотя в дальнейшем постоянно вносятся коррективы, которые воздействуют на оформление “картины мира” того или иного этноса. Эти корректировки весьма актуальны для среднеазиатского типа культуры, постоянно апеллирующего к своему наследию, сохраняющего вековую преемственность со своими корнями, особенность которых прослеживается задолго до формирования наций (11, стр. 22). И именно боготое наследия народа привлекало своим разнообразием правителей и исследователей, ценителей искусство зарубежных стран. Оригинальность настенной живописи в том что она сохранилось своим первоначальном виде.

## **ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

Изучение настенной живописи Афросияба и раннего средневековья даёт возможность увидеть в современной живописи и одежде, и других видах декоративно прикладного искусство Узбекистана черты, коренящиеся в глубокой исторической традиции.

## **ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА**

1. Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР (1945-1948 гг.) – ТХАЭЭ, 1952.
2. Мустафоқулов С., Ахмедов Ж. Афросиёб музейининг деворий суратлари ҳақида // “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий

3. Қадриятлар” Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2015. 104-106 б.
3. Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI в.//труды САГУ.
4. Мукминова Р.Г. Костюм народов Средней Азии по письменным источникам XVIвека. // Костюм народов Средней Азии. М., 1979, с71.
5. А.А.Хакимов. Искусство Узбекистана: история и современность. Т.: San’at, 2010., стр 134.
6. Лобачёва Н.П. Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи // Костюм народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. - М.:Наука, 1979.
7. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. - М.: Искусство, 1982. с 111-148.
8. Чағаниён тарихи. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002. с. 127.
9. Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР (1945-1948 гг.) – ТХАЭЭ, 1952.
10. Ахмедова Н.Р. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. - Ташкент, 2004. с. 22

## “МАҲОСИН АЛ-ШАРИА” АСАРИДА ФИҚҲИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ

НИГОРА АЛИШЕРОВНА ХАКИМОВА  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
3-БОСҚИЧ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Манбаларда фикҳий қоидалар фикҳ илмининг руҳи, дейилган[1]. Қаффол Шошийнинг “Маҳосин ал-шариа”[2] асарини тадқиққилиш жараёнида, фикҳий қоидаларнинг манбада тарқоққолда мавжуд эканлигини гувоҳи бўлдик. Қуйида мазкур фикҳий қоидаларнинг баъзиларини кўриб чиқишга ва уларни лавзий жиҳатдан икки манба, яъни маҳосин асарининг Оксфорд қўлёзмаси [3] ва асарнинг Али Самак тамонидан 2007 йилда таҳқиқ кўринишида нашри[4] асосида қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Тадқиқотимиз давомида Оксфорд қўлёзмаси асосий манба сифатида танлаб олинди.

### КИРИШ

#### 1. **أنا لله خلقنا خلقا ليعبدوه**

“Аллоҳ мавжудотларни (инсонларни) ўзига ибодат қилиш учун яратди, улар Аллоҳни танишлари учун уларга ақл берди”[5].

“Маҳосин” асарида мақсадлар ҳақида гап борар экан, уларнинг энг аввали ва асосийси яъни, мавжудотларнинг яратилишидан бирламчи мақсад Аллоҳга ибодат қилиш эканлигига урғу берилади. Мавжудотлар орасидан эса, Аллоҳни таниш (англаш) учун уларнинг баъзиларига ақл берилди, дейиш билан албатта инсон назарда тутилмоқда. Қаффол Шошийнинг “инсон бу ақл ато қилинган тирик мавжудотдир” қабилидаги қараш ибтидосини Арасту аъноларидан олганлиги шубҳасиз. Бу фалсафий қонданнинг шарҳсиз келтирилиши, муаллифнинг юнон фалсафасидан қай даражада таъсирланганидан далолат

беради. Шу билан бирга, илоҳиёт аънонасига мансуб тарзда инсон ақл ва таъблардан иборат эканлиги ҳақидаги таъриф қуйидаги жумлада ўз ифодасини топган:

وإنما يقهذ الاختلاف لا خلافا لطلبنا على الناس وتفاوتهم في العقول

яъни, “... мазкур ихтилоф инсонларнинг таъблари турли эканлиги ва уларнинг (ўзаро) ақлдаги тафовутлари туфайли содир бўлади”[6]. Фикҳий мавзуларнинг ёритилишида ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланган инсонга таъриф бериш аҳамиятлидир. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқий оқибатларни тўғри баҳолашда мазкур муносабатлардаги субъект мавзуси ҳар томонлама ўрганиш жуда муҳимдир.

#### 2. **اللهم صلّ على محمد وآل محمد**

“Аллоҳ ўз бандаларининг фойдаси ва уларнинг манфаати учун баъзи нарсаларни ҳалол ва баъзиларини ҳаром қилди”[7]; Илоҳий меъёрлар инсон манфаатини (маслаҳа) кўзлаши лозим, деган қараш Х аср шофеъий уламоларининг ҳуқуқ назарияси борасидаги фикрларининг марказида турган. Мазкур қараш шариат кўрсатмаларининг ақлга мувофиқ эканлигини, шунингдек қиёсни амалиётга татбиқ этишни тушунтириб беришга хизмат қилган. Шунга қарамадан, маслаҳа концепцияси ўзининг ибтидосида фақатгина назарий қарашлар тизими сифатида сақланиб қолиб, ҳуқуқий жиҳатдан асослашнинг амалий услуби сифатида қўлланилмаган. Мантиққа зид равишда, маслаҳанинг шофеъий уламолари орасидаги қиёс услубининг асоси - методологияси сифатидаги тизимли татбиқи мўътазилларнинг инқирози ва ашъарийя йўналишининг муваффақиятидан сўнг бошланди[8].

Қафғол Шошийнинг фикрича, ҳуқуқий қоидалар замиридаги сабабнинг (илла)ўзи асосий сабаб[9] туфайлигина мавжуддир, у ҳам бўлса, инсон манфаатидир (маслаҳа). Мазкур қарашнинг асосий изоҳи шундаки, илоҳий қонунларнинг инсон манфаати учун хизмат қилиши улар замирида яширинган ҳикматнинг бир кўринишидир. Қонуннинг мазмуни сабаблар туфайли, яъни инсон манфаатини кўзлаган ҳолда юзага келган деган қараш Х асрда мусулмон дунёсида мавжуд бўлган қуйидаги ҳолатларни кўриб чиқишни тақозо этади[10]:

1. Илоҳий қонунлар инсон манфаатини кўзлайди деган қараш ақидавий масалаларнинг муҳокамасида муҳим аҳамият касб этган, яъни бундай қараш илоҳий қонунга итоат қилиш шарт эканлигини осон тушунтириб берган.

2. Илоҳий қонуннинг манфаатни кўзловчи табиати ҳақидаги қараш ўша даврда ислом динининг ғайридин олимлар тамонидан танқид қилинишига асосли “жавоб” вазифасини бажарган. Қафғол Шошийнинг қуйидаги сўзлари фикримизни

қувватлайди: “...Ҳукмларнинг ҳикмати ва сабаби ҳақида сўрайдиган инсонларнинг саволларига жавоб тариқасида ўз фикрларимни баён этдим”[11]. “Маҳосин аш-шариа” асарининг ёзилишидан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам, илоҳий кўрсатмаларнинг ақлга мувофиқ эканлиги ҳақидаги қарашни ҳимоя қилиш орқали юқоридаги танқидларга қарши туриш, ҳамда илоҳий меъёрлар тўлалигича “мукаммал бошқарув[12]” тамойили асосида эканлигини кўрсатиб бериш эди.

3. Илоҳий кўрсатмалар замирида инсон манфаатларининг ётиши, қиёс методидан унумли фойдаланишда умумий ўлчов - меъёр вазифасини ўтаган десак муболаға бўлмайди. Маслаҳа тамойили Х аср ислом ҳуқуқшунослари томонидан қиёс ҳақиқий эканлигини аниқлашда восита вазифасини бажарган. Лекин, маслаҳа тамойили у даврда фақат назарий аҳамият касб этган бўлиб, амалда ундан фойдаланилгани ҳақида бирор маълумотга дуч келмадик. Қафғол Шоший ҳам “Маҳосин аш-шариа” асарини янги қоидаларни яратиш мақсадида эмас, балки, ислом дини ва унинг кўрсатмалари ҳақидаги танқидларга муносиб раддия бериш мақсадида ёзган. У ўз асарида “Мусулмон кишиларнинг ақллари англаши учун мазкур ҳукмларни ўша маънолар (манфаатлар) билан боғлаб тушунтириш жоиз[13]” дея, айтиб ўтади. Бу даврда маслаҳа кўпроқ ақидавий масалаларда назарий шаклда қўлланилган бўлса ҳам, лекин қиёс жараёнидаги умумий асос сифатида ҳали тўла шаклланиб улгурмаган эди. Ашъария йўналишида ақидавий баҳсларда ақл воситасидан фойдаланиш маълум маънода чекланганидан сўнг, маслаҳа тамойили ақидавий йўналишдан, ислом ҳуқуқи - фикҳ йўналишига ўтади. Бу эса, ислом ҳуқуқи асосларининг ривожида Х аср шофеъий уламоларининг, хусусан, Қафғол Шошийнинг улкан хизматлари борлигини кўрсатади.

3.

ولاشكأناوللأشياءبالتحريموالحظرماكانضاراغيرنافعواحقهما  
التحليلوالإباحةماكاننافعاغيرضار

“Шубҳасиз, ҳаром қилинган ва ман қилинган нарсалар зарарли ва фойдасиздир, ҳалол ва мубоҳлари эса, фойдали ва зарарсиздир”[14];

Юқоридаги қоида ҳам диний таъқиқ ва рухсатларнинг барчаси инсонни зарардан ҳимоя қилиш ва унинг фойдасини кўзлаган ҳолда жорий этилган, деган мазмунни ўзида жамлайди. Гап шундаки, тадқиқотимиз давомида биз Оксфорд қўлёзмаси билан Али Самак таъқиққилган, 2007 йил нашр қилинган “Маҳосин” китобини солиштириб бордик ва деярли ҳар бир жумлада фарқларга дуч келдик. Али Самакнинг таъқиқида бу қоида қуйидагича берилганини кўришимиз мумкин:

ولاشكأناوللأشياءبالتحريموالتحظيرماكانغيرنافعواحقهابالتحليلوالإباحةماكاننافعاغيرضار

4. جميعالشرائعمعلومةالمعانيبالجملةوالعموم

“Шариатнинг барчаси хусусий ва умумий (мавзулардаги) маънолар (мақсадлар) ҳақидаги билимдир”[15];

Асарда ҳикмат, маъно, ва мақсад сўзлари бир маънода, синоним тарзида қўлланилганини кўриш мумкин. Уламолар мақсад сўзига таъриф берганда, “у шаръий меъёрларни жорий қилишнинг барча ҳолатларида Аллоҳ томонидан белгиланган маънолар ва ҳикматлар”, деб таъкидлайдилар.

Қуйида асарда мавжуд бошқа фикҳий қоидаларни ҳам келтириб ўтиш билан бирга шуни ҳам таъкидламоқчимизки, мазкур мавзу соҳа мутахассиларининг фикр мулоҳазалари учун очиқ. Илмий анжуманларнинг асосий мақсадларидан бири ҳам илмий соҳа вакилларининг ўз тадқиқотлари борасида ўзаро фикр алмашишлари эканлигини унутмаслик жуда муҳим.

5. اللہتعالیٰعبرفعبادہاتہائماتعبدہمباصتصلاحہمبالشرائع  
Аллоҳ ўз бандаларига шариат кўрсатмалари орқали уларни ибодатга буюрганлиги бандаларга манфаатли бўлишини билдирди[16];

6.

إنالشرائعكُلهاأصولهاالمختلفةعقليةولووقعتلغيرماهيعليهأخذ  
رجتعالحكمةوالمصلحة

“Шариатнинг барча кўрсатмалари ўзининг турли тарздаги усули билан ақлга мувофиқ келади, агар бу ҳолатдан ташқарига чиқилганда эди, ҳикмат ва фойдадан ташқарига чиқилган бўларди”[17];

7.

وجربالأمرفوجوهووجهاتهنعلوفاقالعقولوالعاداتفبالسياساتالفا  
ضلة

“Иш ўзининг барча томонлари ва жиҳатлари билан ақлга ва “фозил сиёсат” даги урф-одатларга мувофиқ бўлди”[18];

8.

هذهمعانمعقولةوالعاداتوالمعارفمقبولةفبالعقولالسليمة

“Булар соғлом ақл қабул қиладиган урф-одат ва билимлардаги мантиқий мазмунлардир”[19];

9. فإعتقادعلالشرائعأنهامصالحبالجملة

“Шариат кўрсатмаларининг мақсади (иллати) умуман олганда манфаат (яхшиликлар) эканлигига ишонч комилдир”[20];

10. الشارعمستصلححكيموماسوبهذافهو قدحفاصلالدين

“Шориъ (Аллоҳ) инсон манфаатини кўзловчи, Ҳаким Зотдир, бу маънодан ташқаридаги барча тушунчалар дин аслининг қадрини туширишдир (ёмон отликқилишдир)”[21];

11.

ولماكانفالشرائعهذاالصلاحوالواضحاكاناوللماتعلقتبهاالشرعيةهوت  
عظيماالعبدللمالكة

“Шариат кўрсатмаларида шундай очиқ тўғрилиқ бор, шариат энг аввал жорий қилган нарса банданинг ўз Хожасига таъзим қилиши бўлди”[22];

12. لثبوتالحجةبأنالشرائععمستصلححكيم

“Шорей инсонларнинг фойдасини кўзловчи ва Ҳаким Зот эканлигига ҳужжатнинг собитлиги”[23];

13.

منتأمل هذا المعانوا اتساقها علمانمصدر هذا الأحكامم عند احكامالحك  
ماء

“Кимки мазкур маънолар (мақсадлар) ва уларнинг изчиллиги ҳақида ақл юритса, бу ҳукмларнинг асоси ҳақимларнинг энг Ҳақими хузуридан эканлигини билади”[24];

14.

تحتهذالمقادير فياتفاقهاوا اختلافهامعانوصحيحةمتعلقةبالحكمةال  
بالغة

“Ушбу миқдорларнинг мутаносиблиги ва номуаносиблиги замирида буюк ҳикмат билан боғлиқ ҳақиқий маънолар (мақсадлар) мавжуд”[25];

15. والعقوباتعناجرانمواجبةفيالعقول

“Жиноятлар (нинг олдини олиш) учун уларга жазо тайинлаш ақл орқали вожибдир”[26];

16. العقلاءكلهممحموجونبعقولهم

“Оқилларнинг барчаси далилларга ўз ақллари орқали ишонадилар”[27];

17.

مذاهبالفقهافياجملةلاينكرونتوسعافياستنباطالمعاني

“Фикҳлар (фикҳий) мазҳаблари, умуман олганда, маъноларни кенгайтирилган ҳолда истинбот қилишни инкор қилмайдилар”[28];

18. الشريعةموضوعةللناساستصلااحالهم

“Шариат инсонларнинг фойдаларини кўзлайдиган концепциядир”[29];

19.

الشرايعلمتجبلأعيانهابليووضعواضعايهااستصلااحالعباده

“Шариат кўрсатмалари ўзининг аслиятига кўра вожиб қилинмаган, балки бандаларнинг фойдаларига ишлаш учун таъсис этилган”[30];

20. العدلواأمانةوالقيامبالنصيحةخصالصقلية

“Адолат, омонатдорлик ва насиҳат қилиш бу ақлий фазилатлардир”[31];

21.

ثبتيالعقولالسليمةأنتركالسياسةالعامةوالخاصةإمراجوافسادوا  
إغراءبالمضار3

“Умумий ва хусусий сиёсатни тарк этиш бошбошдоқлик, бузғунчилик эканлиги ва зарарга етаклаши соғлом ақл билан исботланган”[32];

22.

المقارةعناالفسادخروجعناالحكمةوتركالكشرا نطالسياسةالفاضلةو  
السنةالعادلة

“Фасод устига қурилган манзил/қароргоҳ ҳикматдан ташқарига чиқиш, фозил сиёсат ва адолатли суннат шартларини тарк қилиш демакдир”[33];

23. واناستوتالمعانيالجرانماستوتالعقوبات

“Жиноятларнинг маъноси (мақсади) ўзгарса, жазолар ҳам ўзгаради”[34];

24. وإنماحرمتالأشياءامتحانانالللهلعباده

“Нарсалар Аллоҳ томонидан бандаларга имтиҳон ўлароқ ҳаром қилинган”[35];

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳ. Аминов, С. Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Мовароуннаҳр, Тошкент, 2017 Б.260.
2. Қафқол Шоший ислом илмларига оид бир қанча китоблар муаллифидир. Муаллифнинг бошқа асарлари ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Мухамедов, Н. А. (2014). ХазратИмамаБуБақрКафқалШаши–мухаддисизТашкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130.[http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04\\_05\\_14.pdf#page=130](http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130)
3. Oxford University, Bodleian Library, Ms Huntington 259 (мақоладаги иқтобосларда “Маҳосин” шаклида берилди)
4. Қафқол Шоший. Маҳосин ал-шариа. – Ливан.: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2007 (мақоладаги иқтобосларда “Али Самак” шаклида берилди)
5. Маҳосин, 76-а; Али Самак, Б.29. (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
6. Маҳосин, 76-а; Али Самак, Б.29.
7. Маҳосин, 83-а. (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
8. Ahmed El Shamsy. The Wisdom of God’s Law: Two theories //Islamic Law



- in Theories. – Leiden-Boston, 2014. P.19.
9. Маълум бил иълла ал-аъмма
10. Hakimova, Nigora (2018) "REFLECTION OF HUMAN BENEFIT IN THE LEGAL THOUGHTS OF QAFFAL SHASHI," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 9.
2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2018/iss1/9>
11. Али Самак, Б.17
12. Ал-сияса ал-фодила.
13. Иннама ҳия маъанин яжузу аън тааллақа тилка ал-аҳкам би-ҳа ҳатта тақруба мин уьқул ал-мутаъаббидин.
14. Маҳосин, 81-б; Али Самак, Б.213(лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: اغيرضار
15. Маҳосин, 6-б; Али Самак, Б.28 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
16. Али Самак, Б.34
17. Маҳосин, 6-б; Али Самак, Б.29 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: إنالشرائعكالمختلفةعقليتولوقعتلغيرماهيعليلغير جتعالحكمتوالمصلحة
18. Маҳосин, 8-б; Али Самак, Б.34 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: وجريناناأمر فوجوهو جهاتهلعلو فاقالعقولو الغاياتفنالس (ياساتالفاضلة
19. Маҳосин, 9-а; Али Самак, Б.34 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: هذهمعانمعقولةفبالعاداتومعار فمعقولهمقبولهنالعقولال (سليمة
20. Маҳосин, 9-б; Али Самак, Б.34 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: (وفناعتقادعلالشرائعأنهامصالحالجملة
21. Маҳосин, 9-б; Али Самак, Б.34 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
22. Маҳосин, 8-б; Али Самак, Б.33 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: ولماكانفنالشرائعالصالحالواضحكاناولماتعلقتبهالشريع (ةهو تعظيمالعبدلملكه
23. Маҳосин, 9-б; Али Самак, Б.34 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
24. Маҳосин, 62-б; Али Самак, Б.170 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
25. Маҳосин, 66-а; Али Самак, Б.178 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: تحتهدالمقادير فياتفاقهاواختلافهامعانصحيحةمتعلقةبال (جملةالبالغة
26. Маҳосин, 80-а; Али Самак, Б.188 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: والعقوباتعلالجرائمواجبةفبالعقول
27. Маҳосин, 76-а; Али Самак, Б.200 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
28. Маҳосин, 101-а; Маҳосин, Б.261(лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: (مذاهبالفقهافيالجملةلاينكر ونفاستنباطالمعاني
29. Маҳосин, 112-а; Али Самак, Б.284 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
30. Маҳосин, 112-а; Али Самак, Б.284 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: النشرائعلمتجبلأعيانهابللوضعالواضعايهااستصلاحاللا (عباد
31. Маҳосин, 186-а; Али Самак, Б.446-447 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)
32. Маҳосин, 227-б; Али Самак, Б.545 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: ثبتفالعقولالسليمةأنتركالسياسةالعامتو الخاصةإمزاجو (فسادوأعرابالمضار
33. Маҳосин, 240-б; Али Самак, Б.575 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: المفازةعلالفسادخروجعناالحكمتوتركالشرائعالسياسة (لفاضلتو السنةالعادلة
34. Маҳосин, 246-б; Али Самак, Б.590 (лафзий фарқлар мавжуд, Али Самакда: فاذاستوالمعانيالحر اماستوالتعقوبات
35. Маҳосин, 86-а; Али Самак, Б.225 (лафзий фарқлар мавжуд эмас)

## ЭФТАЛИТЛАР ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР: МАНБАЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛАР АСОСИДА

ЖАҲОНГИР КАМОЛОВ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Марказий Осиё Худудида турли даврларда турли халқлар яшаб ўтиб, тарихда ўзига хос из қолдириб кетганлар. Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлар даврига оид бўлган давлатчилик тарихига назар солсак бу даврда кўплаб майда ва йирик давлатларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг тарих саҳнасидан кетиши, шу билан бирга ўзига хос из қолдириб кетганлигини гувоҳи бўламиз. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг илк ўрта асрлар даврида бу ҳудудга турли халқларнинг кириб келиши давом этди.

### КИРИШ

V асрнинг биринчи чорагида Шарқдан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали кўчманчи аҳоли - кидарийлар (юечжи ёки тоҳарларнинг авлоди) кириб келади. Кидар исми ҳукмдор йўлбошчилик қилгани учун улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Кидарийлар билан сосонийлар ўртасида зиддиятлар кучайиб, улар ўртасида бир неча марта қуроли тўқнашувлар бўлади. 456-йилда бўлган навбатдаги жангда кидарийлар сосонийлардан қақшатгич зарбага учрадилар. Айти пайтда, шимолдан жанубга силжиб келаётган эфталийлар босимида учраб, шимолий Ҳиндистон томон чекинишга мажбур бўладилар ва у ерда 75 йилча ҳукмронлик қиладилар. Эфталийларнинг этник таркиби, давлат ташкил этишлари хусусида тарихий манбаларда турли хил қарашлар мавжуд. Улар эрамининг V-VI асрларида катта ҳудудни қамраб олган улкан давлатга асос соладилар. Эфталийлар давлатининг энг

юқори чўққига кўтарилган даврида давлат чегаралари шарқдан ғарбга томон - Хўтандан (Шарқий Туркистон) Эрон чегараларигача, шимолдан жанубга томон - ҳозирги Қозоғистон чўлларида шимолий ғарбий Ҳиндистонга, яъни Марказий Осиёнинг катта қисми, Афғонистон, Покистон Ҳиндистон ва Хитойгача бўлган ерларгача бўлган ҳудудларга етиб борган. Эфталийлар турли манбаларда турлича, жумладан арман манбаларида "heptal", "hettal", "tetal"; юнон манбаларида "eftalit", "abdel", "eftal", "oq xunlar", араб манбаларида "xaytal", "xetal" каби номлар билан тилга олинадилар. Ҳинд манбаларида "xuna"; араб манбаларида гарчихайтал номи билан тилга олинсаларда, ба'зи ҳолларда уларни турклар деб ҳам тилга олинган. Арман манбаларида еса улар кушхонларнинг авлоди деб та'кидланадилар. Хитой манбаларида эфталийлар "e-da", "e-diyen", "i-dan", "e-ta-i-lito" деб тилга

олинадилар. Юқорида тилга олинган номлардан ефталит номи илмий муомалага қабул қилинган.

Ушбу даврга тааллуқли манбалар хитой, суғдий, бақтрий, паҳлавий, йунон, арман, сурёний, араб, форс, ҳинд тилларидаги ёзма манбалар ва археологик (асосан, нумизматик ва епиграфик) материалларга мурожаат қилинди: Дастлабки манбалар хитой йилномалари, хитой тарихчиларининг асарлари бўлиб, Хитой йилномаларида бу давлатни тасҳил етган қабилалар хун қабилалари иттифоқига мансуб боʻлганлиги айтилади.[1] VII аср хитой муаррихи Вей- Чие ўзининг "Si-fan-chi" асарида - "Эфталийларнинг келиб чиқишини аниқлаш улар ҳақидаги маълумотларнинг узоқ мамлакатлардан келтирилгани ва бошқа тилларда уларнинг бузиб талаффуз этилиши ва қадимийлиги туфайли анча қийин ва имкони йўқлигини" таъкидлайди[2].

VII аср бошларида Ли Яншоу томонидан ёзилган хитой солномаси "Вейши"да, - "Йеда хонадони Катта Юечжиларнинг бир авлодидан келиб чиққан" деб таъкидланади. Улар ҳақидаги маълумотларни 518-йилда эфталийлар шоҳи Миҳиракул даргоҳига элчи бўлиб келган, сайёҳ Сун Йун ҳамда 629-645 йилларда Ҳиндистон будда ибодатхоналари зиёратига келган будда қоҳини Суан Цзян асарларида ҳам учратиш мумкин. Суан Цзяннинг асосий мақсади буддавийлик зиёрати бўлсада унинг Хитойга қайтгач ёзиб қолдирган "Да Тан Сиюй Сзи" (Буюк Тан даври ғарбий ўлкалари ҳақидаги ёзишмалар) номи асарида ўнлаб ўша давр давлатлари ҳақида маълумотлар келтиради. Марказий Осиё давлатлари ҳақидаги қизиқарли лекин узоқ юлуқ маълумотларни 727-йилда шимолий Ҳиндистонга саёҳат қилган Вей Сзе ҳамда Хей Чао ёзишмаларида ҳам учратиш мумкин.[3]; суғдий тилли битиктош, ҳужжат ва нумизматик материалларда эфталлар тарихининг айрим жиҳатларига доир маълумотлар сақланиб қолган бўлиб[4], айниқса, нумизматик материаллар эфтал ҳукмдорларининг танга зарби, ҳоқимият

рамзлари, айрим ҳукмдорларнинг исм ва унвонларига доир маълумотларга эга (VI-VII асрлар); бақтрий тилли ҳужжатларда (VII-VIII асрлар) хоқонлик бошқарувига доир айрим муҳим маълумотлар акс етган[5]; юнон, сурёний ва арман манбаларида (VII-VIII асрлар) Византия тарихчиси Прокопий Кесарский эфталийларни хун халқлари деб юритсада лекин ташқи кўриниш жиҳатдан катта фарқ борлигини таъкидлайди. Бошқа яна бир 6 аср Византия тарихчиси Агафий Миринский "Эфталийлар - бу хунлардир" деб таъкидлайди. Эфталийлар тўғрисидаги маълумотлар бошқа Византия муаллифлари, жумладан Приск Панийский (Vаср), Менандр Протектор (VI аср), Захарий Ритор (VI аср), Козма Инди- коплава (VI аср), Феофилат Симокатта(VII аср) асарларида учрайди[6]. Феофан Византийскийнинг маълумот беришича эфталийларнинг ҳукмдори Ваҳшунвор Эфталон бўлиб, халқ унинг номи билан юритилган[7]. Аммиан Мартселлин ўзининг "Рим тарихи" асарида эфталийларнинг ташқи кўриниши, уларнинг кўмиш маросимлари, сосонийлар билан алоқалари ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтади[8]; араб ва форс тилидаги тарихий асарларда (8–9 асрлар) эфталлар тарихининг айрим жиҳатлари, Эфталийларнинг сосонийлар билан, жумладан Пероз билан бўлган жанги ҳақида бундан тасҳқари Абу Ханифа ад-Динаворийнинг "Китаб ал-ахбар ат-тивал" номли (IX аср), Абу Жафар ат- Табарийнинг (839-923) "Тарих ар-русул вал-мулук" (Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи), Абу Райхон Берунийнинг (973-1051) "Ал-асар ал-бакия ан ал-курун ал-халия" (Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар), Абул Қосим Фирдавсийнинг (X-XI аср) - "Шоҳнома", Мирхонднинг (1433-1498) "Равзат ус-сафо" (Поклик боғи) каби асарларда ўрин олган[9]. Эфталлар тарихига оид маълумотлар ўрта аср арман тарихчилари асарларида ҳам мавжуд бўлиб, уларда Эфталийлар ва улар билан боғлиқ воқеалар кўплаб ўрта аср манбаларида ҳам учрайди, лекин уларнинг аксариятида

эфталийларни кушонлар билан бирдек ифодалайдилар. Фавстос Бузанд Ўзининг "Армения тарихи" асарида Сосонийлар шоҳи Шопурнинг шарқдаги жанглари ҳақида жуда қизиқ маълумотларни келтиради. Эгише Вардапет еса шахсан ўзи ушбу воқеаларнинг гувоҳи сифатида сосоний подшо Яздигирд II нинг шимолий-шарқий элатлар, жумладан эфталийлар билан бўлган жангини тасвирлайди. Шунга ўхшаш яна бошқа маълумотлар Лазар Парпетсийнинг "Арманистон тарихи" асарида учрайди. Эфталийлар ҳепталк шаклида Анании Ширакатсийнинг "География" ҳамда Себеоснинг "Император Иракл тарихи" асарида учрайди. Арман манбалари орқали бизгача етиб келмаган иккита асар ҳақида маълумотга эга бўламиз, улар форс муаллифининг "Растсахун" (Ишончли ҳикоя), ҳамда юнон тилида ёзилган "Эфталийлар тарихи" асаридир. Эфталийларнинг сосонийлар шоҳи Пероз билан жанги ҳақидаги маълумотларни сурия манбаларида, жумладан Ийешу Стилитнинг "Хроника" асарида учратиш мумкин. Эфталийлар тўғрисидаги маълумотлар ҳинд манбаларида ҳам учраб улар "хун" деб юритилган. Эфталийларга қарши харбий ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар Бхитар, Кур, Мандасор ва Гвалиордаги тош устунларда учрайди. Ҳинд эпослари "Махабҳорат" ва "Рамаяна" ҳамда 6 аср ҳинд астрономи Варахамхирнинг "Брхат Самхит" асарида оқ ва қора хунлар ҳақида маълумотлар учрайди. Эфталий шоҳлар ҳақидаги маълумотлар Калхан томонидан жамланган "Раджатарангин" номли Кашмир тарихий солномасида ҳамда IV-VI асрларга оид Пракритининг "Кувалаямала" ва "Пурани" асарларида келтирилган.

### ХУЛОСА

Эфталитлар тарихининг ўрганилиши бугунги кунга келиб айниқса тезлашди. XX асрнинг бошларида Тожикистон, Туркия, Германия ва Францияда илмий тадқиқот ишлари

қилинди. Худди шу даврда Ўзбекистонда ҳам яхлит бўлмасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Хозирда бу мавзуда т.ф.д. Ғ.Бобоёров олиб бораётган тадқиқотлар айниқса диққатга молик. Ушбу мақола муаллифи томонидан ҳам т.ф.д. Ғ.Бобоёров илмий раҳбарлигида Эфталитлар давлатининг бошқарув тизимида доир тадқиқот иши бошланган бўлиб, кейинги мақолаларда бу борадаги ишларни ҳам эълон қилиш мақсад қилинди.

### ҲОҶДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bey-shi (VI asr) bu ma'lumot to'raligicha tasdiqlanmagan
2. Transoxiana. История и культура. Сб.статей. Ташкент.2004.С.117.
3. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I-III. – М.-Л., 1950; Кюннер Н. В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. – М.: Вост. лит., 1961; Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху / Введение, перевод и комментарии В. С. Таскина. – М.: Наука, 1984; Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы: Дайк-пресс, 2002; ChavannesE. DocumentssurlesTou-Kiue (Turks) occidentaux. – SPbg., 1903; LiuMau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Türken (T'u-küe). I-II. – Wiesbaden 1958; Тазағил А. Gök-Türkler. Cilt I-III. – Ankara, 1999, 2003, 2004; Togan İ., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler. Eski T'ang Tarihi. – Ankara: TTK, 2006; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкнт: Маънавият, 2001.
4. Кляшторный С. Г., Лившиц В. А. Согдийская надпись из Бугута//СНВ. – Москва, 1971. – Вып. X. – С. 121-146; Согдийские документы с горы Муг.

- Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и коммент. В. А. Лившица. – М.: Вост. лит., 1962; Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Фил. фак. СПбГУ, 2008; Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. – М.: Наука, 1981; Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н. э.). – Ташкент, 2006; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992; Баратова Л. С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология, иконография, историческая интерпретация): Дис.... канд. ист. наук. – Ташкент, ИААНРУз, 1995; Шагалов В. Д., Кузнецов А. В. Каталог монет Чача III–VIII вв. – Т.: Фан, 2006.
5. Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions//Coins, Art and Chronology Essays on the pre-Islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien, 1999. – P. 245–258; Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000.
  6. Гумилев Л.Н Эфталиты и их соседы в IV веке // Вестник древней истории. 1959. № 1 С. 129; Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь: Древность и раннее средневековье. Ташкент, 1999. С. 271
  7. Тревер К.В. Эфталитское государство (V–VI вв.) // История народов Узбекистана. Ташкент, 1950. Т. 1. С. 126. Згафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972. С. 50.
  8. Пигулевская Н. В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1941; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М.: Наука. 1979; Тревер К. В. Кушаны, хионины и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. (К истории народов Средней Азии)//СА. – Москва, 1954. – № XXI. – С. 131–147; Тер-Мкртчян Л. Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. – М.: Наука, 1979.
  9. История ат-Табари. Избранные отрывки (Пер. с араб. В. И. Беляева. Допол. к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). –Т.: Фан, 1987; Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулев таржимаси. –Т.: Фан, 1966; Бируни. Памятники минувших поколений/Пер. с араб. и прим. М. А. Салье//Бируни. Избранные произведения. – Т. I. – Т.: АН УзССР, 1957.

## СУҒДГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАР: ХИТОЙ ВА АРАБ – ФОРС ТИЛЛАРИДАГИ МАНБАЛАР

ДИЛШОД АБДУХАЛИЛ ЎГЛИ МАХМУДОВ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ

### АННОТАЦИЯ

Суғд – Суғдиёна билан боғлиқ маълумотлар турли даврларга оид хитой, форс ва араб халқларининг тарихий ёдгорликларида кўплаб учрайди. Булар асосан, эпиграфик ва ёзма манбалар бўлиб, қарийиб уч минг йиллик тарихни ўз ичига қамраб олади.

Суғд тарихий географияси бўйича қарийиб 10 га яқин хитой манбасида маълумотлар учрайди. Улар орасида ўзининг нисбатан изчил ва тўлақонли маълумотлар бериши билан ажралиб турувчи “Бэй-ши” (“Шимолий сулолалар тирхи”), “Суй-шу” (“Суй сулоласи тарихи”), “Тан-шу” (“Тан сулоласи тарихи”) каби йилномалар ва Сюан Цзан (629-645), Хой Чао сингари сайёҳларининг эсдаликлари алоҳида ўрин тутди[1].

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Суғд воҳаси, Самарқанд, Маймурғ, Кабудон, Иштихон, Кушония, Сивангин, Самогян.

### КИРИШ

Суғд воҳаси илк ўрта асрларга тегишли хитой манбаларида Су-тэ, Су-ле, Кан атамалари остида тилга олиниб, воҳадаги сиёсий-маъмурий бирликлардан – Самарқанд, Маймурғ, Кабудон, Иштихон, Кушония, Кеш ва Нахшабга кўп ҳолларда айри-айри, айрим ўринларда эса умумлаштириб тўхтаб ўтилгани [2] кўзга ташланади. Фақатгина уларда Суғднинг йирик ҳукмдорликларидан бири бўлмиш Панч (Панжикент) эслатилмайди, бироқ тадқиқотчиларнинг кўпчилиги уни хитойликлар Ми-ми ёки Ми кўринишларида тилга олган Маймурғ ҳукмдорлиги билан тенглаштириб, унга тегишли маълумотларни Панч билан ҳам боғлиқ, деб биладилар [3]. Хитойликлар кўпинча ўзлари учун нотаниш

бўлган ўлка номларини ифодалашда хитойча анъаналарни қўллаб, атамаларни ўз тилларига ўгирган ёки ўз тилига мослаштирган кўринишда бериш анъанасини Суғд учун ҳам ишлатадилар. Илк ўрта асрларда Самарқанд кўпроқ Кан кўринишида, айрим ҳолларда эса Сивангин, Самогян, қолган ҳукмдорликлар эса Ми, Мими, Ми - Маймурғ, Цао – Иштихон, Ўрта Цао, Габудан / Киепутана – Кабудон, Хэ, Кушуанникиа – Кушония, Ши, Кюеше, Киеншуанна – Кеш, Нашебо, Нашеоло, Кичик Ши – Нахшаб кўринишларида [4] келтирилади.

“Бэй-ши” ва “Суй-шу” йилномаларида Кан (Самарқанд) ҳукмдори Ғарбий турк ҳукмдори Даду (Тарду) хоқоннинг қизига

уйлангани эслатилгач, бироз кейинги сатрларда Кан ҳукмдорлигининг кучли давлат деб ҳисобланиши ва унга Ғарбий ўлкалардаги ҳукмдорликларнинг катта қисми бўйсунуши айтиб ўтилиб, уларнинг номи қуйидагича келтирилади: Ми (Маймурғ), Ши (Кеш), Цао, Хэ (Кушония), Кичик Ан (Кармана), Нашебо (Нахшаб), Унагэ, Му (Амул – Чоржуй)[5]. Ушбу воқеликлар VI асрнинг сўнгги чорагига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, Самарқанд бу пайтда нафақат Суғд ўлкасида, балки унга қўшни воҳа ҳукмдорликлар устидан ҳам ўз устунлигини ўрнатган бўлиб чиқади.

630- йиллар атрофида Суғддаги бир неча ҳукмдорликларнинг бошқарув марказларида бўлиб, уларнинг хоқонликка бўйсунуши билан бирга ҳар бирида маҳаллий бошқарувчилари борлигига гувоҳ бўлган роҳиб Сюан Цзан қисқа, бироқ муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган. Ушбу хитой роҳиби 629 йилда Хитойдан йўлга чиқиб, Шарқий Туркистон, Еттисув, Амударё – Сирдарё оралиғи, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги бир неча ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликларда бўлган ва уларнинг барчаси Ғарбий Турк хоқонлигига бўйсунушидан хабардор бўлган эди. Унинг сафари Шарқий Туркистондаги Қумул (Хами) воҳасидан бошланиб, шимоли-ғарбий йўналишда давом этиб, Суғд орқали жанубга қараб кетган бўлса, унга ўхшаб Ўрта Осиёда бўлган яна бир хитой сайёҳи Хой Чао (726 й.) сафари эса Шарқий Туркистоннинг жануби-ғарбий йўналишидан бошланиб, асосан Суғдга яқин Тўхористон ҳудудлари орқали Ҳиндистонда тугаган эди. Бу давр хитой манбаларидаги маълумотлар қарийб юз эллик йилдан бери дунё тарихчилари томонидан ўрганилиб келинади. 1850- йилларда рус шарқшуноси Н.Я. Бичурин ўнлаб хитой йилномаларини рус тилига ўгириш жараёнида қисқа бўлса-да, улардаги тарихий атамаларга тушунтиришлар бериб ўтган бўлиб[6], шунга ўхшаш изланишлар 1900- йилларнинг бошида француз хитойшуноси Э. Шаванн

томонидан французча тилида амалга оширилган эди. Ушбу тадқиқотчининг изланишлари Н.Я. Бичуринникидан тубдан фарқлиб, у ўзининг “Ғарбий турклар тарихи учун ҳужжатлар” номли монографиясида Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудларда хоқонлик ҳокимияти тарихини хитой манбаларига таянган, қўплаб ўринларда араб-форс ва византия манбаларига ҳам мурожаат қилиб ёритган эди[7].

Хитой манбаларини тарихий-географик томондан чуқур тадқиққилган А.Г. Малявкин ўз изланишларида Суғдга ҳам анча эътибор қаратиб, йилномаларда учрайдиган атамаларга, шахс исмлари ва жой номларига изоҳ бериб, айрим ўринларда уларнинг хоқонликка боғлиқлиги масалалари ҳам тўхталиб ўтади[8].

Хитой йилномаларига манба сифатида қараб, улардан тарихимизнинг, айниқса, унинг исломдан олдинги давлари учун манба сифатида фойдаланиш ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг кўплаб ишларида ўз аксини топган бўлса-да, уларни ўзбек тилига ўгириш ва илмий изоҳлар бериш ишлари яқин йилларга тўғри келади. Бу борада хитойшунос тарихчи А. Хўжаевнинг илмий тадқиқотлари ўзининг кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Унинг хитой йилномаларидаги Чоч ва Фарғона боғлиқ маълумотлар бўйича ўнлаб ишлар чоп этиш билан бирга Самарқанд бўйича ҳам бир неча мақолалар нашр этганлиги диққатни тортади[9]. Шу билан бирга яна бир қатор тадқиқотчиларимиз хитой манбаларидан рус, инглиз, француз ва турк тилларига ўгирилган маълумотларни илмий изоҳлар билан нашр этгани кўзга ташланади[10].

Суғд ва унинг қарамоғидаги 10 га яқин ҳукмдорлик – мулкликлар орасидаги муносабатларни ёритиш учун фақат хитой манбаларида келтирилган маълумотлар билан чекланиш бу борада муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Бунинг учун албатта араб-форс тилларидаги тарихий ва географик асарларга мурожаат қилиш керак бўлади. Гарчи бу тиллардаги

ёзма манбалар бирмунча кеч даврга – IX–XII асрларга тўғри келса-да, хоқонлик даврининг сўнгги йиллари, яъни Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликларининг бирин-кетин араблар томонидан эгалланиши даврини акс эттириши билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, араб-форс тилли манбалар хитой йилномаларида кам ёритилган ёки хитой манбаларида берилса-да, маҳаллий шакли қандай бўлганини аниқлашқийин бўлган кўплаб атамаларни тиклаш имкониятини яратади.

Тарихий асарлар орасида Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва мамлакатлари тарихи”) (IX аср), Абу Бакр ан-Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарларида турк хоқонларининг Суғд ва унинг ён-атрофидаги бир қатор ҳукмдорликлардаги фаолиятини ўрин олган[11].

Араб-форс тилли манбалар ичида IX – XII асрлар оралиғида минтақага келиб, бу ерларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маъмурий бошқарилуви каби масалалар билан яқиндан танишган сайёҳ ва географларнинг асарлари ўзига хос ўрин тутади. Бу манбалар ҳам анча кеч даврларга тегишли бўлса ҳам ўзларидан олдинги ёзма манбалар ва ерли аҳолидан эшитган хабарлар негизда ёзилгани учун бирламчи манбалар сирасига киради. Араб-форс географлари орасида айниқса Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий, Яъқубий, Ёқут, ибн Хўрдодбеҳ каби араб-форс географларининг маълумотлари асқотади[12]. Шунингдек, муаллифи аниқланмаган “Худуд ул-олам” асарида ҳам Суғднинг бошқарув марказлари, шаҳар ва рустоқларига тегишли қимматли маълумотлар етиб келган[13].

Араб-форс тилли манбалар бошқа ёзма манбаларга қараганда анча кенг ўрганилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги XIX–XX асрлар орасида инглиз, француз, рус ва бошқа жаҳон тилларига ўгирилиб, илмий изоҳлар берилган[14]. Мамлакатимизда ҳам араб ва форс тилли манбаларни ўзбек тилига

афдариш ва тарихий манба ўлароқ фойдаланиш ишлари бир асрдан ортиқ тарихга эга. Уларни ўзбек тилига ўгириш ишлари XX асрнинг илк чорагида бошланган бўлиб, ўтган асрда ҳам бу каби ўнлаб ишлар амалга оширилган. 1960- йилларда Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асари[15], яқин йилларда эса “Худуд ул-олам”нинг ўзбек тилида нашр этилиши [16] бунинг бир мисолидир. Шунингдек, ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг араб-форс тилли асарларни рус тилига ўгириш ишларида ҳам фаоллик кўрсатгани кўзга ташланади. Улар орасида Табарий[17], Наршахий[18], Ибн ал-Асир [19] ва бошқа муаллифларнинг асарлари рус тилига илмий изоҳлар билан чоп этилгани диққатни тортади.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Суғд тарихий географияси бўйича маълумотлар юқорида айтиб ўтганимиздек хитой, суғдий ва араб-форс манбаларда ҳам учрайди. Бироқ уларнинг кўлами хитой, суғдий ва араб-форс тиллардаги манбалардаги маълумотлар каби кенг эмас. Шунга қарамай улар асосида Суғд тарихий-географияси бўйича бир қатор муаммоларга аниқлик киритишда фойдаланиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. Том II. – С. 260-267, 285-288, 310-318, 321-325; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – М.: 1952. № 1. – С. 189–191; Тугушева Л. Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзана. – М.: Наука, 1991; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'negöre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü.



- Ankara, 2003. – S. 112-114, 126-131, 135-136.
2. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... – С. 264, 271-272, 274-275, 280-281, 286-287, 310-313, 315-317; Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'negöre Türkistan ... – S. 112-114, 126-131, 135-136.
  3. Бобоёров Ф., Кубатин А. Хитой манбалари / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Т.: Фан, 2014. – Б. 24.
  4. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах. ... – С. 264, 271-272, 274-275, 280-281, 286-287, 310-313, 315-317; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'negöre Türkistan ... – S. 126-131, 135-136; Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. – Самарканд, 2009. – С. 142-144.
  5. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... – С. 271, 281.
  6. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950.
  7. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007; Chavannes E. Notes additionnelles sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. – Leide, 1904. – Serie II. Vol. II. – P. 1-109.
  8. Малявкин А. Г. Историческая география Центральной Азии (Материалы и исследования). – Новосибирск: Наука, 1981; Малявкин А. Г. История Восточного Туркестана в VII–Хвв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Очерки истории. Под ред. – С. Л. Тихвинского и др. – М.: Наука, 1988. – С. 297–351; Малявкин А. Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989.
  9. Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // О 'zbekistontarixi, №1, 2004. – Б. 52-61; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2013; Ходжаев К. Китайский историк о путях миграции и месте возрождения племени тюрк – потомков Ашины // Культурные, литературные, языковые связи народов Китая и Центральной Азии: прошлое и современность. – Т., 2004. – С. 97–103; Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Т.: Тафаккур, 2010; Ходжаев А. Сведения древнекитайских путешественников о Самарканде // Цивилизация и культура Центральной Азии в единстве и многообразии. – Самарканд, 2009. – С. 142-144; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Т.: Маънавият, 2001.
  10. Бобоёров Ф., Кубатин А. Хитой манбалари / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент: Фан, 2014. – 29-48.
  11. Chavannes E. Documents sur les... – P. 229; Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conquest//Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. Edinburg, 1971. – P. 482-483; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 201; Зиё А. Ўзбек

- давлатчилиги тарихи. – Тошкент, 2001. – Б. 81.
12. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. М., 1963. С. 132-147, 172-197; al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. *Viaeregnorum*. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967; al-Moqaddasi, Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, *Descriptio Imperii moslemici*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967; «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Вып. 1. М.: Наука, 1973.
13. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
14. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т. 1. М., 1963. С. 132-147, 172-197; al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi. *Viaeregnorum*. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 1. – Lugduni-Batavorum: E. J. Brill, 1967; al-Moqaddasi, Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin, *Descriptio Imperii moslemici*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967; «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Вып. 1. М.: Наука, 1973.
15. Наршахий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / Форс тилидан А. Расулев таржимаси. – Т.: Фан, 1966.
16. Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи О. Бўриев. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
17. История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т., 1987.
18. Абу Бакр Мухаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. История Бухары. Перевод, комментарии и примечания Ш. С. Камолиддина. Археолого-топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. – Ташкент: SMIA-SIA, 2011.
19. Ибн ал-Асир. Ал-каmil фи-т-та'рих. Полный свод истории. Перевод с арабского языка П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, перемечаниям и комментариям, введению и указатели Ш.С. Камолиддина. – Ташкент: «Ўзбекистон», 2006.

## БУХОРО АМИРЛИГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

МУНАВВАР АБДУРАШИД ҚИЗИ АТАМИРЗАЕВА  
ЎЗМУ МАГИСТРАНТИ

ҲИЛОЛА МАҲАМАДАЛИЕВНА МАДРАҲИМОВА  
35-МАКТАБ ЎҚИТУВЧИ

### АННОТАЦИЯ

Ўрта Осиё халқлари босиб ўтган тарихий тараққиёт босқичида Бухоро амирлиги ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, унутилган ёки турли мафкураларга бўйсундирилган амирлик тарихини давлатчилик масаласи жиҳатидан, унинг ўз даврида халқаро ва маданий алоқаларининг соф ҳолда тикланиши бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Зеро, демакратик жамият қуриш йўлида шу вақтгача босиб ўтилган тарихий босқичларни таҳлил этиш асосий вазифа ҳисобланади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Ҳукмронлик, Туркустон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, амирлик, турли миллат вакиллари.

### КИРИШ

Шундай тадқиқотлардан бири Бердиев А.А. га тегишли бўлиб, унинг “Бухоро амирлигининг XVIII – XIX асрларда ташқи савдоси ва дипломатик алоқалари ҳақида айрим маълумотлар” номли мақоласида бирмунча тўхталиб ўтилган. Унда асосан Бухоро-Россия ўртасидаги муносабатлар ҳамда Шарқий Туркустон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой каби давлатлар билан дипломатик ва савдо алоқалари акс этган бўлиб, хусусан, Россиянинг амирликка қизиқиш сабаблари, амирликка юборилган экспедиция ва элчилик алоқалари ҳамда мақсадлари, хориж давлатлари билан олиб борган дипломатик муносабатлари, Бухоро амирлари ҳукмронлик йилларида олиб борган ташқи дипломатияси, Россия босқини арафасида Англиянинг Ҳиндистондаги вакиллари ва Туркия

султонлиги, шунингдек Франция ва Италияга ҳарбий-сиёсий алоқаларни ўрнатишга уринишлари каби маълумотлар келтириб ўтилган. Тадқиқот ишида Е.В. Бунаков, П.П. Иванов, Д.М. Лебедев, П. И. Ричков, Ф. Ефремов, Т.С. Бурнашев каби рус сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликларидан фойдаланилган ҳолда ёзилган. Мақолада Т.С. Бурнашевнинг Бухорода бўлган вақтлари ва кўрганлари ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, “Рус сайёҳи ва офцери Т.С. Бурнашев рус ҳукуматининг топшириғига асосан 1794 йили Бухорода бўлган. Амирликда бўлган кезларида у ерга Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа юртлардан келган турли миллат вакиллари кўрган. Унинг маълумотларига кўра, Бухорода 9 та карвон-сарой борлиги ҳақида ёзиб

қолдирган. Бурнашевнинг маълумотларига кўра Бухоро Ҳиндистон ва Эрондан тилло, кумуш ва ҳинд мармари олинган. Бухоро Эронга қорақўл териси экспорт қилган”[8]. Шунингдек, Россиядан Бухорога хуфя равишда поручик Одилносир Субҳонқуловнинг юборилиши, унинг мақсади Бухоронинг ички ва ташқи аҳволи, ҳарбий қуввати тўғрисида маълумотлар йиғиш бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Кўриниб турибдики мақолада фақат рус сайёҳ ва элчиларининг эсдаликлари орқали ёритилган бўлиб, бу эса масалага бир ёқлама ёндашилганини кўрсатиб беради.

Бухоро амирлиги халқаро алоқалари тарихини соф ва ҳолисона яратишда Холиқова Р.Э. нинг хизматлари катта. Унинг амирликнинг Россия билан халқаро алоқалари тарихига оид “Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида” номли монография, “XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи” деб аталган докторлик диссертация, “Россия билан Бухоро ўртасида тузилган 1868 йилги шартнома тўғрисида айрим мулоҳазалар”, “Бухорода Россия императорлиги сиёсий агентлигининг ташкил этилиши” номлари остидаги мақолалари мавжуд бўлиб, амирликнинг Россия билан дипломатик алоқаларини очиб беради.

Холиқова Р.Э. нинг “Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида” номли монографияси Тошкентда 2005 йилда нашр этилган бўлиб, Бухоро амирлиги ва Россия истилоси ва проректаратга айланиш сабаблари очиб берилган.

Илмий тадқиқот иши фақат Бухоро амирлиги ташқи сиёсати ва дипломатиясига оид бўлмаса ҳам, амирликнинг Россияга нисбатан олиб борган ташқи сиёсати, икки давлат ўртасидаги элчилик алоқалари каби масалаларга эътибор қаратилган.

Россия-Бухоро муносабатлари тарихига оид яна бир тадқиқот Қиличев О.А. га тегишлидир. Унинг 2018 йилда “Россия императорлиги сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида ёзишмалар – Россия-

Бухоро муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси” деб аталган авторефератида Бухоро амирлигининг Россия билан ташқи дипломатиясини ёритиб берилган. Диссертациянинг “Ҳукуматлараро ёзишмаларда девонхоналарнинг ўрни” деб номланган биринчи боби Россия-Бухоро муносабатларига доир ёзишмаларни амалга оширишда муҳим бўлган вазифасини бажарган Россия императори сиёсий агентлиги ҳамда Бухоро амирлиги девонхоналарининг фаолияти масалаларига бағишланади. Илмий тадқиқот ишида сиёсий агентликдаги амирликнинг икки амалдори фаолият юритганлиги, биринчиси икки мамлакат ўртасидаги ёзишмалар ва давлатлараро муносабатларни амалга ошириш учун масъул шахс эканлиги, иккинчиси эса амирлик девонхонаси бошқарувчиси вазифасини бажарганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Аҳамиятли жиҳати шундаки, илмий тадқиқот ишидан шу давргача фанга номаълум бўлган Бухоро амирлиги қўшбеги архив фондидаги дафтарлардан унумли фойдаланилган. Ушбу дафтарлар соҳа ва йўналишларга ажратилган ҳолда девонхона ҳодимлари томонидан юритилган. Бу дафтарларда Россия – Бухоро муносабатларининг деярли барча масалаларига доир мактублар ва уларнинг қўшбеги девонхонасида рўйхатга олинishi, мактублардаги масалани ҳал этиш ёки амирлик ҳукумати вакилларининг муносабатларибилан боғлиқ маълумотлар ёзиб борилган. Бу эса тадқиқотнинг бугунги кун учун катта илмий аҳамият касб этишини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ёзишмаларнинг ички ва ташқи таҳлили” деб номланиб, унда Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида олиб борилган ёзишмаларнинг ички ва ташқи таҳлили масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, ҳукуматлараро мактубларнинг ёзилиш тартиби, хат тури ва воситаси ва хаттоки, мактубларни тайёрлашда ишлатиладиган ёзув қуроллари – қоғоз, сиёҳ, қалам ва ёзув

машинкаларидан фойдаланиш каби масалалар атрофлича тадқиққилинган.

Диссертациянинг учинчи боби эса, “Ўзаро ёзишмаларда илм-маърифат ва таълим масалалари” деб номланиб, ушбу бобда Россия илмий жамиятларининг Бухоро амирлиги ҳудудида олиб борган изланишлари ва ушбу фаолиятни амалга оширишга доир тартиблар, империя таълим тизимига асосланган ўқув муассасаларини ташкил этиш ва у билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни акс эттирувчи ёзишмалар тадқиқ этилган. Бундан ташқари ушбу бобда амирликнинг Туркустон Генерал-Губернаторлиги билим юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ва кам таъминланган ўқувчиларни қўллаб қувватлаш тадбирларига оид ёзишмалар ҳам ўрганилган.

Бухоро-Афғонистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган масалалардандир. Бу масала юзасидан Аҳмадов А.А. нинг “XIX аср манбаларида Афғонистоннинг Бухоро билан ҳамкорлик алоқалари” деб номланган мақоласида Бухоронинг Афғонистон билан дипломатик, савдо-иқтисодий алоқалари сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликлари орқали икки давлатнинг алоқалари келтириб ўтилган. Ушбу мақола ҳам 2020 йил 27 апрельда бўлиб ўтган “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” онлайн илмий-амалий конференцияда нашр этилган. Муаллифнинг келтирган маълумотларига кўра, амирликда Муҳаммад Раҳим ҳукмронлик қилган даврда Афғонистон ва Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар яхши эмас эди. Бунга сабаб Афғон саркардаси Миёнқолда кечган ғалаёнларни келтириб чиқарган ва кўшинга қарши курашда маҳаллий аҳолини четдан турибқўллаб қувватлаб турган[9]. Тадқиқот ишида икки давлат ўртасида муносабатлар кейинчалик қуда-андачилик ва дўстлик муносабатларига айланганлигини кўриш мумкин. Яъни амир Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдумалик Тўра Афғон амири Шералихон қизларидан бирига уйланганлиги ҳамда Афғон амири

Абдурахмон ҳам Амир Абдулахад сингилларидан бирига уйланганлиги бунинг далилидир. Шунингдек мақолада Афғон амири Абдурахмоннинг ака-укалари билан тахт учун кураш бўлаётган кезларда Бухоро амирлигига қочиб ўтиши, уни амирлик иззат-икром билан кутиб олишлари, Афғонистондаги ички зиддиятларни бартараф этишда Бухоро амирлиги томонидан ҳарбий кучларнинг Афғонистонга юборилиши, Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги савдо муносабатлари ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Бухоро амирлиги дипломатик муносабатлар тарихи бир мунча очиб берилган илмий тадқиқотлардан бири “Ўзбек дипломатияси тарихидан” деб номланган тарихий очерклардир. Очерклар муаллифи академик М.М. Хайруллаев ҳисобланади. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисми 10 та бобдан иборат. Илмий тадқиқот ишининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи боблари айнан амирлик халқаро алоқалари тарихига оиддир. Иккинчи қисми эса ҳозирги давр учун жуда зарур бўлган элчилик мактубларидан иборат. Бу элчилик мактублари орасида Амир Ҳайдарнинг Эрон шоҳи Фатҳалишоҳга ёзган мактуби, Амир Ҳайдарнинг Россия подшоҳи Александрга ёзган мактублари ҳақида ҳам маълумотларни учратиш мумкин. Ишнинг “Ўрта Осиё – Эрон дипломатик алоқалари тарихидан” деб аталган саккизинчи бобида Эрон – Бухоро элчилик алоқалари ва Эрон – Бухоро дипломатик алоқаларига оид Амир Ҳайдар мактублари ҳамда Лолабошининг Хоразм сафари ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Тўққизинчи боби эса “Ўрта Осиё ва Россия дипломатик алоқаларига доир” деб аталган бўлиб, унда асосан Россия – Бухоро ўртасидаги дастлабки элчилик алоқалари, поручик Субхонқулов миссияси ва Амир Ҳайдар давридаги Россия – Бухоро дипломатия алоқаларига оид маълумотларни ўз ичига олади. Илмий тадқиқот ишининг ўнинчи бобида Ўрта Осиё давлатлари саройларида элчиларни қабул

қилиш маросимлари ҳақидаги маълумотлар бор.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш керакки, Бухоро амирлиги халқаро алоқалари тарихига оид мустақиллик йилларида жуда кўплаб тадқиқотчилар томонидан илмий ишлар қилинди. Булар сирасига, Бердиев А.А., Холиқова Р.Э., Қиличев О.А., Шодиева Ш.С., Шукуруллаев Ю.А., Хайруллаев М.М., Алимова Р.Р. каби ўз касбининг фидоийлари бўлган тарихчи олимлар томонидан кўплаб илмий ишлар муомилага киритилди. Уларнинг тадқиқот ишлари амирликнинг Ҳиндистон, Эрон, Россия, Афғонистон ҳамда қўшни хонликлар, Хива ва Қўқон хонликлари билан олиб борган фаол дипломатик алоқалари тарихига бағишланган ва илм-фан соҳасида ўз ўрнига эга. Бу дегани Бухоро амирлиги ташқи дипломатияси тарихи ўрганиб фанга исбот қилинди дегани эмас. Юқоридаги тадқиқотлар амирлик халқаро алоқалари тарихига илк қадам эди ҳалос. Бухоро амирлигининг Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон, Усмонли Тур каби давлатлар билан олиб борган ташқи сиёсати ҳали ўрганишга, таҳлил қилишга ва ёш авлодга етказиб беришга муҳтождир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Холиқова Р.Э. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. Тошкент. Ўқитувчи, 2005. // XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих.фан.доктор.дисс. Тошкент.2008. // Россия билан Бухоро ўртасида тузилган 1868-йилги шартнома тўғрисида айрим мулоҳазалар.Тошкент. Жайхун, ТерДУ хабарлари, 2004. № 3. –Б 31-40.// Бухорода Россия императорлиги сиёсий агентлигининг ташкил этилиши. Тошкент. Жайхун,

- ТерДУ хабарлари, 2004. № 2. –Б 36-42.
2. Қиличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида ёзишмалар-Россия- Бухоро муносабатлар тарихини ўрганиш манбаси. Тарих.фан.номзоди.дисс.автореф.Тошкент. 2018.
  3. Қўзиқулов И. Қўқон хонлиги тарихи.
  4. Шодиева Ш.С. Бухоро амирлиги ва Усмонли Турк давлати дипломатик алоқалари хусусида. Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни илмий амалий онлайн конференция материаллари, 2020. 27.04.–Б 37-39.
  5. Шукуруллаев Ю.А. Хўжа Муҳаммад Порсо элчилиги ёхуд Русия босқини арафасида Туркия ва Англиянинг Бухоро амирлигига кўрсатган “ҳомийлиги” хусусида. // Ҳомийлик – ижтимоий тараққиётнинг муҳим мезони илмий амалий конференция материаллари. Бухоро. 2006. № 2. –Б 9-12.
  6. Хайруллаев М.М. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Ташкент. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2003.
  7. Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонлиқларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI–XX аср бошлари рус тарихшунослиги ва манбалари асосида). Тошкент. Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017.
  8. Бердиев А.А. Бухоро амирлигининг XVIII – XIX асрларда ташқи савдоси ва дипломатик алоқалари ҳақида айрим маълумотлар. Тошкент. Тадқиқот.уз. Ўтмишдан назар махсус сони. 2020. 5 июнь. –Б 6.
  9. Ahmadov A.A. XIX asr manbalarida Afg'onistonning Buxoro bilan hamkorlik aloqalari. // “Бухоронинг жаҳон маданиятидаги ўрни” онлайн илмий-амалий конференция

- материаллари. Бухоро. 2020. 27 апрель.–Б 133.
10. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  11. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  12. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  13. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  14. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  15. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  16. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## TURKISTON IQTISODIY KENGASHLARINING STATISTIK MA'LUMOTLARI MANBALAR ASOSIDA YORITILISHI

SHARIFA AYUBJON QIZI SHOKARIMOVA

O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI TARIX FAKULTETI

TARIXSHUNOSLIK, MANBASHUNOSLIK VA TARIXIY TADQIQOT USULLARI (MAMLAKATLAR BO'YICHA)» MUTAXASSISLIGI 2-  
BOSQICH MAGISTRANTI

### ANNOTATSIYA

Jamiyatimizda yuz berayotgan tub iqtisodiy, siyosiy, madaniy o'zgarishlar o'tmishga va bugungi tariximizga yangicha qarashlarni vujudga keltirish tabiiy holdir. O'zbekiston o'z istiqlol va taraqqiyot yo'lini belgilayotgan davrda tarixga, ayniqsa, 20-yillardagi tarixiy voqealikka, davr xodisalarga qiziqish qonuniy ravishda kuchaydi. Zero, hozirgi vaqtda tarixiy haqiqatni to'g'ri baholash zarurati kun tartibidagi muhim masalalardan biri bo'lib qoldi. Binobarin, tarix voqealariga real baho berish ma'naviyatimizning tiklanayotganligidan nishonadir. O'zbekiston Prezidenti Islom Karimov aytib o'tganidek: “Halqning ma'naviy ruhini mustahkamlash va rivojlantirish O'zbekistonda davlat va jamiyatning eng muhim vazifasidir. Ma'naviyat o'z xalqining tarixini, uning madaniyati va vazifalarini chuqur bilish va tushunib yetishga suyangandagina qudratli kuchga aylanadi. Tarixga murojaat qilar ekanmiz, bu xalq xotirasi ekanligini nazarda tutishimiz kerak. Xotirasiz barkamol kishi bo'lmaganidek, o'z tarixini bilmagan xalqning kelajagi ham bo'lmaydi”. [1] Buyuk tarixda xech narsa izziz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon buladi. Shuning uchun ham u qudratlidir. Tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir. Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutq. 2016 yil 18 oktyabr. [2]

### KIRISH

XX asr 20— yillari boshlariga kelganda o'lka hayoti, yerli aholining maishiy-turmush tarzi nochor ahvolda edi. 1-jahon urushining og'ir asoratlari, yangi Sovet tuzumini o'rnatishda bolshevik hukmdorlarning mahalliy aholiga nisbatan qo'llagan zo'rlik siyosatining oqibatlar har qadamda ko'zga tashlanib turardi. Sanoat izdan chiqqan, transport va aloqa vositalari ishlayotgan, ekin maydonlari payxon bo'lib ketgandi. Eng yomoni, o'lkada ochlik, qashshoqlik, ommaviy ishsizlik hukm surardi. Buning ustiga, Sovetlar hokimiyati tomonidan ishlab chiqilib

hayotga zorlik bilan joriy etilgan oziq-ovqat razvyorstkasi va u bilan uyg'unlashgan "harbiy kommunizm" siyosati o'lka hayotini yana ham mushkul ahvolga solib qo'ydi. Sovet hokimiyatini saqlab qolish maqsadida amalga oshirilgan bu favqulodda siyosat aholining borbudini tortib olib, uning erki, mustaqilligini qat'iy cheklab, savdo, bozor munosabatlariga izn bermay, oqibatda, bu yerdagi ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy vaziyatning yanada murakkablashib ketishiga sabab bo'ldi.

Turkiston iqtisodiy kengashlarining statistik ma'lumotlarida iqtisodiy siyosatini



biryoqlama rivojlanishini aks etishi tadqiqotlar natijasida ilmiy qarashlarning yuzaga kelishi va rivojlanishi yuzasidan Ahmad Zakiy Validiy 1920-1923 yillarda Turkistonda, 1930 yilda “Turkiston muammolari” nomli maqolasi chop etilgan. Unda Turkistonda chor Rossiyasi va sovet hokimiyati olib borgan mustamlakachilik siyosatining yagona maqsad mohiyatini ochib beriladi. Izlanishlari natijasida Turkistonda mustaqillik uchun kurash bilan bogʻliq voqealar muhim dalillar asosida ochib beriladi.

XX asrning birinchi yarmida ushbu mavzu tarixshunosligi 3 yoʻnalishda, yaʼni Turkistonlik muxojirlarni nashrlari, Turkistonda boʻlgan harbiy asirlar xotiralari hamda nemis va turk tarixchilari tadqiqotlari misolida rivojlanib borgan. B.Hayit 1956 yil “Turkiston XX asrda” Turkiston muammolariga alohida toʻxtalib oʻtilgan. 1917-1924 yillarda Turkistonda boʻlgan milliy-siyosiy, iqtisodiy jarayonlar harbiy toʻqnashuvlarga alohida eʼtibor qaratilgan. Nemis va Turk tarixshunosligi 2 bosqichga boʻlishimiz mumkin. 1-bosqich Turkiston tarixiga XX asr 20-30 yillarda boshlangan qiziqishning kengayishi va rivojlanib borishi bilan xarakterlanadi. Bu bosqich ilmiy qarashlarning yuzaga kelishi va rivojlanishi jarayoni boʻlib, unda Turkistonlik muxojirlar, ularning nashrlari, ular tashkil etgan davriy matbuot faoliyati katta rol oʻynadi va XX asr oʻrtalariga qadar davom etdi. 2-bosqich XX asrning 2-yarmidan boshlangan boʻlib, bu bosqichda yirik ilmiy tadqiqotlar yaratildi, ular nafaqat ilmiy xulosalari bilan, balki manbaviyasoslarining rang-barangligi, kengligi bilan ham ajralib turadi. Nemis va Turk tarixshunosligida dastlabki bosqichdayoq koʻzga tashlangan tendensiya muallifning ikki tilda ijod qilishi. Ahmad Zakiy Validiy, prof Ibrohim Kafesoʻgʻli asarlarida Turkiston xalqlari tarixi koʻproq oʻrganilgan. OʻZSSR savdo siyosati va bozor sharoitlari masalalari 1924-1925 yillar. Xususiy kapitalistik savdo-sotiqdan farqli oʻlaroq, bizning savdo-sotiqning oʻziga xos xususiyati uning umuman iqtisodiyotimizga xos boʻlgan rejalashtirilishi xisoblanadi. Milliy iqtisodiyotning birligi va

muntazamligi uning barcha tarmoqlarida siyosiy birlik va yagona moddiy bazani tashkil etish talab etilar edi.[3] Yangi iqtisodiy siyosat Turkiston uchun bir qator oʻziga xos xususiyatlarga ega edi. Birinchidan, Turkiston qoloq chekka, asosan qishloq xoʻjaligi oʻlkasi edi. Demak, bu yerda zamonaviy qishloq xoʻjaligi va sanoatni yangidan barpo etish kerak edi. Ikkinchidan, oʻlkada milliy ishchilar sinfmi shakllantirish zarur edi. Uchinchidan, Turkiston koʻp millatli oʻlka boʻlib, yangi iqtisodiy siyosatga oʻtishda yerli xalqlarning qadriyatlarini, anʼanalari, urf-odatlarini xususiyatlarini hisobga olish kerak boʻlardi. Ammo RKP (b) va Sovet hukumati Turkistonda yangi iqtisodiy siyosatni joriy etishda oʻz manfaatlaridan kelib chiqib ish yuritdi.

1921-yil aprelda Turkiston ASSR Markaziy Ijroiya Qoʻmitasi oziq-ovqat, yem-xashak va xomashyo razvyorstkasini mahsulot soligʻi bilan almashtirish toʻgʻrisida qaror qabul qildi. Unda 1921-1922-yillar uchun soliq miqdori belgilandi. Turkiston mehnatkashlaridan olinadigan soliq markaziy rayonlardan farqli oʻlaroq yil oxirida yigʻib olingan hosil miqdoriga qarab emas, balki ekilgan yerning har desyatnasi, shuningdek, qora mol va mayda mollar hisobidan olinadigan boʻldi. Bu esa Turkiston dehqonining kamsitilishini bildirardi. Bundan tashqari, Sovet hukumati oʻlkada birinchi navbatda oʻzi uchun zarur boʻlgan tarmoqlarni, chunonchi, paxta, qand lavlagi, tamaki va boshqa texnik ekinlarni rivojlantirishga alohida eʼtiborni qaratdi. Yordam koʻrsatish bahonasida 300.000 dan ortiq ishchi va dehqon oilalari Rossiya markaziy rayonlaridan Turkistonga keltirilib joylashtirildi. Yangi iqtisodiy siyosat asosida sanoatni xoʻjalik hisobiga oʻtkazish jarayoni amalga oshirib borildi. Bu esa sanoat korxonalari ishlab chiqarishining biroz boʻlsa-da, jonlanishiga olib keldi. Mayda va Oʻrta sanoat korxonalari, yirik kooperativ tashkilotlari va ularning birlashmalari tadbirkorlarga ijaraga berildi. Oʻlkada yangi sanoat korxonalari, temir yoʻllar qurildi. Xilkovo sement zavodi, Fargʻona pillachilik fabrikasi, Toshkent guruch zavodi, Qizilqiya,

Xilkovo temir yo'l shahobchalari shular jumlasidandir. O'lkada ayniqsa, paxtachilik va u bilan bevosita bog'liq bo'lgan paxta tozalash korxonalari tez sur'atda o'sdi. Bu Markaz to'qimachilik sanoatining o'zbek paxtasiga talab ehtiyoji ortib borayotganiga ko'p jihatdan bog'liq edi. Natijada, paxta ekiladigan maydonlar 1924-yilda 1921-yilga nisbatan 3 barobar ko'paydi. Ishlab turgan sanoat korxonalari soni 144 taga yetdi. Birgina paxta tozalash sanoatida yalpi mahsulot ishlab chiqarish 1923-yildagi 23,9 mln. so'mlikdan 1924-yilda 57,8 mln. so'mga yetdi. Bundan ko'rinadiki, yangi iqtisodiy siyosat asosida Turkiston sanoati tiklanib, sezilarli darajada rivojlana boshladi[4].

Turkistonda iqtisodiy soha bilan bog'liq bir necha yo'nalishlar mavjudligi bu esa sog'liqni saqlash sohasiga o'z ta'sirini o'kazganligini arxiv manbalarida o'z aksini topgan. 1919 yil 24-sentyabrda o'tkazilgan majlis bayonnomasida: birinchi sanoat bo'yicha tadqiqotlar madofaa bo'limida bo'limida juda ko'p ishlar qilindi, bolalarga yordam berish sohasida o'quvchilar madaniy va ma'rifiy bo'limga kirishdi. Sog'liqni saqlash Komissarligining faoliyati barcha iqtisodiy komissarlarning faoliyatiga bog'liq bo'lishi kerak. Ishchilarning oziq-ovqat, transport va boshqalar bilan ta'minanishi qanchalik yaxshi bo'lsa, albatta Sog'liqni saqlash komissariatiga osonroq bo'lar edi. Och odamni faqat non bilan davolashga to'g'ri kelmoqda va bu holat bo'yicha iqtisodiy organlar sog'liqni saqlash bilan chambarchas bog'liq. O'tgan yilgi ochlik epidemiyasi bilan bog'liq tanqidiy vaziyatdan kelib chiqib qahramonlik ko'rsatish kerak edi, ayniqsa, yetarli tibbiy kuchlar yo'qligi (2 ming aholi uchun 50 paramedis) va dori darmonlar mavjud emas. Agar bunday holatlarda byurokratik tizimda epidemiya mavjud bo'lsa, u hali ham davom etadi va sovet Ittifoqining kuchli shakli epidemiyaning og'ir holatidan muvaffaqiyatli chiqdi. Bugungi kunda deyarli hech qanday yuqumli kasallik yo'q, hatto katta Toshkentda ham, ayrim Farg'ona shaharlarida ham yuqumli kasalliklar mavjud. Asxobod fronti Aktyubinsk shahrida ko'plab yuqumli

bemorlar bor edi, ammo biz qabul qilingan chora-tadbirlar yuqumli kasalliklar bilan tezda kurashishga muvaffaq bo'ldik, bu sovet tashkilotining oq gvardiya tashkilotidan ustunligining namunasidir. Markaziy Rossiyada sog'liqni saqlash tashkiloti boshqa shaklda, noto'g'ri va shuning uchun joriy yilning dastlabki oylarida tifus epidemiyasi bor edi va faqat yaqinda bizning shaklimizga yaqinlashganda epidemiya asta-sekin kamayib bormoqda.

Bu yil boshida vabo epidemiyasi boshlandi, biz o'z kuchimizni mashhur mintaqaviy joylarga jo'natdik va uni 10-15 kun ichida yo'q qildik.

Og'ir sharoitlarni hisobga olgan holda, biz hozirgi kunda ijtimoiy tibbiyotni to'g'ri balandlikka qo'yish kerakligini topdik, chunki individual odamning yordami etarli emas, chunki epidemiya uni qo'lga olib, jarga olib kelishi mumkin. Biz, ayniqsa, jabhada, xavfli joylarda berilgan va shuning uchun, tibbiy nuqtai nazaridan, xavf yodda, epidemiyasi oldini olish uchun, anti-epidemiya emlashlar zardob ishlab chiqarish uchun katta miqyosda bakterologik stansiyalar faoliyat boshladi, biz barcha jabhada qurilgan vagonlar va haqida ogohlantirgan.

Markazga tibbiy kuchlarni jo'natish bo'yicha murojaatlarimiz muvaffaqiyatli bo'lmadi va bizning vazifamiz tibbiyot xodimlarining yangi kadrlarini tashkil etishdir.

Ushbu 15 avgust uchun biz bu yerda tibbiyot maktabini ochdik, bu esa ma'lum vaqt ichida ishchilarni beradi.

Mamlakatimizda jarrohlarning yetishmasligi qattiq sezilib qoldi va biz Toshkentdagi Jarrohlik bo'limida maktab tashkil etdik.

Bundan tashqari, biz tibbiy bilimlarning boshqa mutaxassisliklari bo'yicha ishchilarga muhtojmiz, ular uchun avvalgilaridamiz. 1500 nafar bemor bilan Kadet korpusi uchun taniqli mutaxassislarni qabul qilish uchun klinikani tashkil qildik va keyin ularni dalaga jo'natdik.

Bu erda biz kommunistik rahmdil opa-singillar uchun kurslarni ochdik va ularning 23 tasini tugatdik, ular frontga yuboriladi.

Ammo masalaning aчинаrli tomoni shundaki, Markaz bilan aloqa ochilishi bilan

respublikadan ilgari ko‘plab sanitariya kuchlari chiqib ketmoqda. harbiy asirlar (shifokorlar, tartibbuzarlar, kasalxona xizmatchilari).

Rossiya kasalxonalari xizmatchilari deyarli yo‘q, chunki barcha rus ishchilari ustaxonalarda, fabrikalarda va hokazolarda ishlaydilar, musulmonlar kasalxonadagi ishlarni rad etishadi. Eski shaharda, Afg‘oniston va Angliya o‘rtasida urush boshlanishi bilan, qizil yarim oy tashkil etish rejalashtirilgan edi, ammo hozir vaziyat biroz o‘zgardi va bu qanday davom etishi noma‘lum. Sog‘liqni saqlashni to‘liq, to‘g‘ri va beg‘ubor tashkil etish imkonsiz, ammo shunga qaramay biz Turkistonning ishchilarga bepul tibbiy xizmat ko‘rsatish to‘g‘risida farmonini chiqardik. Bir guruh - mehnatkash odamlar bepul to‘liq davolanish huquqiga ega, ikkinchisi - burjua o‘z mablag‘lari hisobidan. Endi Tashketnda bizda 15 ga yaqin ambulatoriya mavjud, ilgari deyarli yo‘q edi. Xuddi shu ambulatoriya-poliklinika respublikaning barcha shaharlarida paydo bo‘ldi. Xuddi shu rejaga binoan davlat bepul stomatologiya klinikalari tashkil etila boshlandi.

Bu borada fabrikalarda tibbiy yordam ko‘rsatishga e‘tibor qaratiladi, agar mahalliy tashabbus ko‘proq bo‘lsa, ko‘proq narsalarga erishiladi.

Men misol keltiraman, paxta bo‘limi, u hech qanday tashabbus ko‘rsatmadi va Komzdrav bilan uchrashuvga bormadi.

Temir yo‘llar va tog‘-ko‘kon sanoati deyarli to‘liq tibbiy yordam bilan ta‘minlangan. Ko‘plab joylarda ishchilarga dori-darmonlarni bepul tarqatish qo‘rquvi mavjud. Komzdrav tuman dorixonalariga dori-darmonlarni bepul tarqatadigan bir paytda, tuman dorixonalari ularni haq evaziga sotadi, bu bema‘nilik.

Bunga Somtrudning e‘tiborini, juda alohida sharoitda bo‘lgan sanitariya xodimlarining ahvoliga qaratish kerak. Iltimos, ularni maxsus guruhda tanlang.

Rossiyada tibbiy xodimlar bu erga qaraganda ancha yaxshi joylashtirilgan. Shuningdek,

sog‘liqni saqlashga nisbatan xudbinlik qilish mumkin emasligini hisobga olishimiz kerak.

Shuni takrorlaymanki, faqat Sovet hukumati juda muhim vaziyatlarni muvaffaqiyatli yengib o‘tishi mumkin edi [5].

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda har doim bir xil tarkib bilan safarda bo‘lish yana frontga ham safarbar qilish mumkin emas. Chunki tibbiyot sohalaridan bezish, undan uzoqlashish ko‘zga tashlanadi.

Manbalar asosida mavzu yuzasidan o‘rganilgan materiallardaiqtisodning ba‘zi sohalarga ta‘sirini o‘rgandik. Xususan sog‘liqni saqlash tizimiga transport, kadrlar masalasi, oziq-ovqat, dori hamda texnik buyumlarning ishlab chiqarilishi chambarchas bog‘liq.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. I.A.Karimov “Yuksak Ma‘naviyat – yengilmas kuch” Ma‘naviyat 2008 yil
2. Sh.Mirziyoyev, Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat‘iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko‘taramiz,T., “O‘zbekiston”, 27-30 betlar
3. Бюллетен центрального статистического управления Узбекистана (Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона), ПЯ-9119.
4. Q.Usmonov, M.Sodiqov “O‘zbekiston tarixi” 1917-1991 yu. T. “Sharq”-2010yil. 88-89 bet.
5. O‘zRMDA, 17-fond, 1-ro‘yxat, 26 a-ibet
6. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
7. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-

- VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
8. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  9. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  10. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  11. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  12. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ABDURAZZOQ SAMARQANDIY SAFARNOMASIDAGI TARIXIY MA'LUMOTLAR

L.JOMURODOV

O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETINING 2-BOSQICH MAGISTRANTI

### ANNOTATSIYA

O'zbekiston Respublikasi va Hindiston o'rtasidagi elchilik va savdo aloqalari tarixi uzoq asrlarga borib taqaladi va bu haqda ma'lumotlar turli davrlarda yozilgan manbalarda saqlangan, ularni ilmiy jihatdan o'rganish ushbu tarixni har tomonlama mukammallashtirishga xizmat qiladi. Ikkala mamlakat o'rtasida Temuriylar davridagi elchilik va savdo aloqalari tarixidan so'zlovchi muhim yozma manba Abdurazzoq Samarqandiyning “Matla as-sa'dayn va majma al- bahrayn” nomli yirik tarixiy asaridan o'rin olgan Hindiston safarnomasi sanaladi. Temuriylar davrida 1442-1444 yillarda Hindistonga borgan elchilar boshlig'i Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi birlamchi manba sifatidamuhim o'rinni egallab kelmoqda.

### KIRISH

Temuriylarning elchisi sifatida Hindistontaassurotlari natijasida yaratilgan o'shbu safarnoma, muallif yashagan zamondayoq tarixchilar diqqatini jalb etadi. XIV – XVI asrlarda janubiy Hindistonda mavjud bo'lgan qudratli davlat Vijayanagar tarixiga oid safarnomada keltirilgan ishonchli, haqiqiy faktlarga asoslangan ma'lumotlar Samarqandiyning kichik zamondoshlari Mirxond, undan keyin Xondamir tomanidan qayta-qayta yozilgan.

„Bu doston, agar do'stlar aybga buyurmasalar va uning mutolaasiga rag'bat qilsalar, to'liq tushuntirish va tafsilotlar bilan oxiriga yetkaziladi, har xil ajoyib-g'oroyiblar so'z ipiga teriladi, uch yil muddat ichida ko'rgan-kechirgan holatim va qo'rqinchli voqealarim mufassal ham qisqa holda qaytadan bayon qilinadi”[1] - deb yozgan edi Abdurazzoq Samarqandiy ushbu asari haqida.

Abdurazzoq Samarqandiyini Hindistonga elchi sifatida yuborilishidan Temuriylar davlatining oliy hukmdori Shohruxning maqsadi, „Kolikut voliysini islom diniga da'vat qilish” ekanligini eslatib o'tgan bo'lsa ham, asl maqsad Janubiy Hindiston bilan bo'lgan savdo aloqalarini kengaytirishdan iborat edi.

Safar davomida Abdurazzoq Samarqandiy o'zko'rganlaridan muhim voqealarni qamrab olgan. Ho'rmuz shahrini quyidagicha tasvirlaydi: „Bu shahar dengiz o'rtasida joylashgan bir bandardirki, butun dunyo musofir (savdogar) lari qay yerdan kelmasinlar va nimaki keltirmasinlar hamda qanday narsaga almashtirishni istamasinlar, hech bir qidirish mashaqqatini tortmay, bu shahardan topadilar; xoh naqd (pul) ga oladilar, xoh (mollariga) almashtirib oladilar. Harxil dinlarga mansub kishilar, balki kofirlar ham bu shaharda juda ko'p (bo'lsalar-da), biror kishi bilan ham hech bir adolatsizlik bilan muomala

qilmaydilar va shu sababli bu shaharni Dorul amon deb ataydilar”[2].

Kalikut shahridagi musulmonlar haqida u shunday yozadi. Bu shaharda bir guruh musulmonlar ham muqim yashaydilar va ikkita jome masjid qurib olganlar, juma kunlari xotirjamlik bilan namozlarini ado etadilar, o'zlarining bir diyonatli qozilari ham bor. Ularning ko'pchiligi Shofii mazhabidirlar. Shohrux Mirzo Kolikutning hokimiga atab ot, po'stin, tillado'zi dakala va kulohi navro'zi tayin qilgan edilar. Buning sababi shuki, Shohrux Mirzoning saltanati qudrati sharhi u yer hokimining qulog'iga yetgan edi. Shu orada Bangolaning podshohi junapurilik Sulton Ibrohimning bosqinchiligidan shikoyat qilib sultonlar panohining dargohiga yordam surab murojat qilgan edi. Shohrux Mirzo Junapurining hokimiga turli qaramlar egasi bo'lmish Shayxulislom hoji Karimuddin Jomiy orqali bir farmon yuborib Bangola mamlakatiga hujum qilmasligini aks holda boshiga nima tushsa o'zidan ko'rsin deb xabar qildilar. Junapurining podshohi Humoyun farmonning mazmuni bilan tanishgach, Bangola mulkidan bosqinchilik qo'lini tortadi. Bijonagar shahrini quydagicha tasvirlaydi: “Men g'oyat katta va obod bir shaharni ko'rdim uning podshohi saltanati va hukmdorligi nihoyat kamolga yetgan uning mamlakati Sarandib chegarasidan Gulbarga viloyatining oxirigacha va Bangolaning chegaralaridan tortib to Malibor yerigacha ming farsaxdan ortiq keladi. Uning tevaragiga teng keladiganini ham ko'z qorachig'i ko'rmagan va butun johanda ham unga o'xshashini hush qulog'i eshitmagan.

Bijanagar shahrining tuzilishi mana shunday: uning atrofi yettita hisor va shahar istehkomi bir-birining atrofidan aylana shakilda qurshab olgan. Bozorlar g'oyatda keng va uzun gulfurushlar do'konlarining oldiga baland taxtalar qurganlar va har ikki tarafga qarab gul sotadilar. Javharfurushlar, marvarid, olmos, yoqut va zumrradlarni bozorda oshkora sotaberadilar. Javharlarni taniydigan osmon u marvarid va durlardan har bir donasining rashkidan o'nto'rt kunlik oyning xirmaniga o't

tutashgan. Ularning yozish (usullari) ikki xil biri –uzunligi ikki gaz keng ikki enlik keladigan javzi-hindi, bargiga hech rang ishlatilmasdan temir qalam bilan naqshlab yozadilar. Ikkinchisi biroqjismni qoraga buyaydilar, bir yumshoq toshlar bor uni qalamga o'xshatib tarashlaydilar va shu bilan yozadilar, mana shu toshdan iborat bo'ladi. Bu mamlakatda qoida shundayki, barcha viloyatlarning tayinlangan hokimlari bir muddat zarroboxonaga zar keltiradilar, devonda kimga bo'lmasin zar olishga yozib berilsa zarroboxonaga havola qiladi. Sipohiyar har to'rt oyda maosh oladilar. Hech kimga viloyatlardan hech narsa yozib bermaydilar. Bu mamlakat shubhasiz shunday ma'mur-farovanki, uni to'la-to'kis bayon qilish gapni juda uzatirib yuborishni talab qiladi. Bu mamlakatda barcha amaldorlardan tortib avomlari va bozordagi hunarmandlarigacha quloq, bo'yin, bilak va barmoqlariga javharlar va qimmatbaho toshlar taqib yuradi. Hukmdorning taxti tilladan yasalgan g'oyat katta, nafis javharlar bilan bezatilgan, latofat va san'at nozikliklari unda o'z kamolini topgan. Bir kuni podshohning oldidan xabarchilar keldilar va elchilar podshohning huzuriga qarab jo'unadi. Elchilar besh bosh yaxshi ot, ikki to'qqiz kamxobva atlas olib bordilar. Podshoh tarjimon orqali aytdi: „Ulug' podshoh elchi yuborganligidan xotirimiz juda xushvaqt bo'ldi”,- dedi hukmdor va kundalik oziq-ovqat uchun ikki bosh qo'y, to'rt juft tovuq, besh man guruch, bir man yog', bir man shakar keltirgan edi va shu tartibda har kuni keltirib turdi.

Hindistonda arab mamlakatlarining ko'pida va Ho'rmuz mamlakatida bu bargni juda qadrlaydilar. Uni ist'emol qilishning bayoni shunday: sipori deb ataluvchi fufal yong'og'idan bir oz sindirib olib, og'izga soladilar. Shu tartibda to'rttagacha bargni og'izga solib chaynaydilar. Ba'zan unga kofur ham qo'shadilar.

Bijanagar podshohining buyrug'i bilan mamlakatning u boshidan bu boshigacha uchto'rt oylik yo'l bo'lgan barcha hududdan lashkarning boshliqlari va kattalar podshohning dargohiga yuzlanadilar. Lashkar

boshliqlari, har kishvarning kattalari, brahmanlarning donolari va Ahraman sifat fillar, yer va zamonning farmon beruvchisining dorgohiga belgilangan vaqtda yig'ilib bo'lganlaridan keyin, rajab oyining ravshan kechali kunlarida uch kun ketma-ket juda keng bir maydonga va mahshar dashtining to'dalari ko'zga tashlanib turdi. Qirq stunlik va chortoqlarning o'rtasidagi g'oyat pokiza maydonda cholg'uvchilar chaladilar, ashulalar xonish qiladilar.,,Uchinchi kun podshoh o'rnidan turgan vaqtda faqirni taxt oldiga olib bordilar. Men tilladan yasalgan g'oyat katta, nafis javharlar bilan bezatilgan, latofat va san'at nozikliklari unda o'z komalotini topgan bir taxtni ko'rdim. Butun yer yuzidagi mamlakatlardan qimmatbaho toshlar bilan bu yeradagidek bejay olmasalar kerak. Taxtning to'riga atlasdan zaytun rangli bir yostiq qo'yilgan, uning chetlariga shohonadurlarning rashkini keltiradigan tiniq marvaridlar tikilgan"[3]. Podshoh zunnordori devonga Danoyakning o'rniga Hanmba Bazir nomli bir kishini o'rinbosar qilib tayinladi. Bu nopok devon masnadini bulg'agandan keyin (elchilarga berib turilgan) kundalik moashni hech birsababsiz to'xtatib qo'ydi. Ho'rmuzliklar shu vaqtda o'z qabihliklariga fursat topib, tabiatlarida bo'lgan yovuzliklarini namoyon qildilar va ig'vokarlikda hamjins bo'lganliklari tufayli Hanmba Bazir bilan zimdan til biriktirib,,Abdurazzoq Xoqon Said hazratlarining elchisi emas, Shohrux Mirzoning hukmini qo'lga kirgizgan bir savdogardir",- deb gap tarqatdilar va bir qancha yolg'on so'zlarni kofirlar qulog'iga yetkazdilar. Danoyak vazir Gulbarganing atroflariga uyishtirilgan yurishdan qaytgach elchilarga berib turiladigan kunlik narsalar beriladi va shu yerda yashab turgan xurosanliklardan ikkita elchi, Hoja Mas'ud va Hoja Muhammadlar ham bir oz sovg'a va mato bilan Shohrux saroyiga elchi qilib yuboriladi.

Abdurazzoq Samarqandiy Hindiston safaridan ramazon oyining o'rtalarida Hirotga yetib keladi. Ertasiga oliy borgohga u fayzli Shohrux Mirzoning qabulida bo'lib, Hindiston viloyatlari hokimlarining ahvoli, dengiz va kema

sarguzashtlari va boshqa har xil hikoylarni arz qiladi. Samarqandiy bilan kelgan elchilar Shohrux Mirzo huzirida bo'lib, uch dona yoqut, uzuk va o'nta tuyaga yuk bo'lgan Hind dorivorlarini taqdim etadilar. Bular hukmdorning mizojiga juda yoqib tushdi, chunki u mamlakatlardan ikki uch yuz yillar davomida bu yerga elchilar kelganligi haqida hech qayerda yozilmagan edi. Abdurazzoq Samarqandiy elchilarni har haftada ikki marta Shohrux Mirzo dorgohiga taklif qilib turadi, ular hukmdorning majlisida o'trish imkoniyatiga ega edilar. Elchilarning o'z vatanlariga qaytish jaroyonini Samarqandiy quyidagicha yozadi:

„Elchilar zulhijja oyining oxirlarigacha Hirot saltanati poytaxtida bo'ldilar. So'ng podshoh mehribonlik qilib ularning qaytib ketishlariga ruxsat buyirdi, hamda ularning har biriga egarjabduqlik ot, dakalayi navruzi va uch mingdan kabakdinori, ularning o'nta navkariga esa qabo to'rt yuz dinordan in'om qilishga inoyat buyirdi. Ularga to Ho'rmuzga yetib borguncha yetadigan oziq-ovqat va bekat otlari tayin qilindi"[4]. Shuningdek,,Sulton Feruzshoh Dehlaviyning nabirasi Fathxon Shohrux Mirzoga bir arza yuborgan edi. Uning mazmuni shundan iborat:,,Sohibqiron hazratlarining zafar nishonli lashkari Hindiston mamlakatiga yurish qilgan vaqtda bizning sultonlarimizdan nomdor, sadoqatlilik shartini va xizmatkorlik vazifasini bajo keltiradigan birontasi ham hayot emas edi"[5].

Bunga javoban Shohrux Mirzo mavlono Nasrullo Janobodiyini Bijonagarga elchilikka tayin qiladi. Bu mavlono uchun in'omlar, bekat otlari, oziq-ovqat, Bijonagar podshohiga sovg'alar va tuhfarlar tayyorlashga buyurdilar. Elchilar farmonga muvofiq yo'lga chiqdilar.

Shohrux Mirzo davrida mamlakatda iqtisodiy yuksalish, savdoning rivojlanishi natijasida temuriylar davlatining tashqi siyosiy, iqtisodiy aloqalari ham ancha taraqqiy etdi. XV asrda Temuriylar davlatining Xitoy, Hindiston davlatlari bilan siyosiy-iqtisodiy aloqalar haqidagi ma'lumotlarning eng to'liq yozilganlari G'iyosiddin Naqqoshning Xitoy safarnomasi va Abdurazzoq Samarqandiyning

Hindiston safarnomasidir. Abdurazzoq Samarqandiyning elchi sifatida qilgan birinchi safari uzoq davom etgan Hindiston safaridir. Abdurazzoq Samarqandiy Shohrux Mirzoning buyrug'i bilan Janubiy Hindistondan kelgan elchilikka javoban 1442-1444 yillarda Hindiston janubidagi Kolikut porti va Bijonagar davlatiga borib keladi. Abdurazzoq Samarqandiyning safarnomasi Janubiy Hindiston xalqlarining chunonchi, Kolikut bandari va Vijayanagar davlati xalqlarining iqtisodiy va madaniy darajalari, tashqi savdo aloqalari, davlat tuzumlari haqida yozilgan ko'p bo'lmagan manbalardan biri ekanligi bilan ham bu mamlakat xalqlarining o'rta asrlar tarixini yoritishda g'oyat katta ahamiyatga ega. Abdurazzoq Samarqandiy o'zi boshchiligida amalga oshirilgan elchilik haqida ma'lumotlarga alohida etibor berib, ularni aniq tarixiy faktlarga asoslangan mustaqil asar sifatida yozgan. Safarnomadagi ma'lumotlarga qaraganda, uning asosiy qismlari Abdurazzoq Samarqandiyning Hindistondan qaytib kelgan vaqtlaridayoq yozib, Shohrux Mirzoga elchilik haqidagi axborot tariqasida taqdim etgan. Xulosa, Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safari haqida ma'lumotlarning tarixiy ahamiyatiga kelganda shuni aytish mumkinki, birinchidan, O'zbekiston va Hindiston o'rtasida uzoq tarixiy davrlardan boshlab mavjud bo'lgan siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalarning XV asrda ham uzluksiz davom etib kelganligidan dalolat bersa, ikkinchidan, bu aloqalarning qaysi yo'llar orqali amalga oshirilganligini o'rganish uchun ham ma'lumotlarga boy manba sifatida xizmat qiladi. Abdurazzoq Samarqandiy safarnomasida keltirilgan nodir tarixiy ma'lumotlar O'zbekiston va Hindiston o'rtasida Temuriylar davrida olib borilgan elchilik va savdo aloqalari XV asrda yuqori bosqichga ko'tarilganini anglatadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. A.O'rinboyev „ Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi” T-1960, 31-bet.
2. A.O'rinboyev „Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi” T-1960, 32-bet.
3. A.O'rinboyev „Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi” T-1960, 61-bet.
4. A.O'rinboyev „Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi” T-1960, 73-bet.
5. A.O'rinboyev „Abdurazzoq Samarqandiyning Hindiston safarnomasi” T-1960, 74-bet.
6. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
7. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
8. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
9. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
10. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
11. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.



12. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ И-5 ФОНДИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

АЗИЗБЕК ЁКУБЖОНОВИЧ НАЗАРОВ

ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Россия империясининг ҳукмрон доиралари янги босиб олинган ерлардан кўпроқ иқтисодий фойда олиш, маҳаллий аҳолининг тобелигини таъминлаш мақсадида ўлкани ва бу ердаги шарт-шароитларни тизимли ўрганишга ҳаракат қилади.

Рус ҳукматининг ўлкадаги маъмурий бошқаруви ҳам Ўрта Осиё ҳақида иложи борича тезроқ илмий маълумотларга эга бўлишга қизиқарди. Бундан кўзланган асосий мақсад унинг ер ости ва усти бойликлари жойлашган манзиллар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш эди. Шу мақсадда Россия империясининг марказий ва ўлкадаги маҳаллий амалдорлари Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топиши биланоқ бирқатор илмий изланишларни ташкил этадилар.

### КИРИШ

Илмий изланишлар нафақат жамиятлар ёрдамида олиб борилган, балки ўлкада ташкил этилган янги маъмурий ҳудудий бирликлар ёрдамида ҳам амалга оширилган. Улар сирасига Зарафшон округи ҳам кирган. Зарафшон округи 1868 йил 29 июнда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг буйруғига кўра Бухоро амирлигига қарашли бўлган Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари ҳудудида ташкил этилган. Округ 1868 йил 29 июнга Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган “Зарафшон округини бошқаришнинг муваққат қоидалари”га асосан округ бошлиғи томонидан бошқарилган.

1870-1871 йилларда округга Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган кичик бекликлар ҳам қўшилган. Зарафшон округи Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимлари, ҳамда Тоғли туманлар

бошқармасига бўлинган. 1886 йил 12 июнда расман тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом”га асосан Зарафшон округи Самарқанд вилояти сифатида қайта ташкил этилган[1]. Округ бошлиғи лавозими эса тугатилади. Аммо 1868-1886 йилларда фаолият юритган округ бошлиғи девонхонасидан тўрт мингдан зиёд сақлов бирлиги ҳажмидаги архив ҳужжатлари сақланиб қолган. Ушбу ҳужжатлар ҳозирда Ўзбекистон Миллий Архивида (Ўз МА) И-5 “Зарафшон округи бошлиғи девонхонаси” фондси (фонди)да сақланмоқда.

Ушбу фонд ўз таркибида жами 4080 та сақлов бирлигини қамраб олган[2]. Ушбу сақлов бирликлари битта рўйхат (опис) таркибидаги бешта китобга жойлаштирилган. Фонд ўз ичига хронологик жиҳатдан 1868-1886 йиллардаги воқеа ва

ҳодисаларни ёритувчи ҳужжатларни мужассам этган[3].

Фонд таркибига Зарафшон округи бошлиғи девонхонасининг маъмурий бўлими, хўжалик бўлими, суд бўлими, ҳарбий бўлими ва бошқа бўлимлар ҳужжатлари киритилган.

Фондда Зарафшон округи бўйича буйруқлар, циркулярлар, округни бошқариш бўйича муваққат қоидалар ҳамда, округ бошқарувининг штат бирлиги мавжуд. Сақлов бирликлари ичида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар, қўшни хонликлардаги сиёсий воқеалар, Бухородан Петербургга уюштирилган элчилик сафарлари Ахалтака воҳасига юборилган ҳарбий отряд ҳақидаги маълумотлар бор. Шунингдек, фонд таркибида округ бошқарувини ўлка маъмурияти билан ёзишмалари, округдаги чет элликлар, солиқ божхона, вақф, ободонлаштириш, турли жиноятлар ва суд жараёнлари ва ҳоказолар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар мавжуд[4].


Ушбу фонд таркибидаги яна бир турдаги ҳужжатлар – бу ўз ичига округда олиб борилган илмий изланишларни акс эттирган. Хусусан, фонд таркибида округда фаолият юритган хорижий табиатшуносларнинг фаолияти, Франция ва

Жанубий Россияга ўрмончиликни ўрганиш учун тадқиқотчиларни хизмат сафарига юборилиши, тажриба мақсадида экиш учун турли ўсимликларнинг уруғини олиб келиниши ҳақидаги маълумотлар бор. Ушбу ҳужжатларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ – тарихий-ўлкашунослик йўналишидаги маълумотларни ўзида акс этган ҳужжатлар.

2-гуруҳ – географик-топографик йўналишидаги ҳужжатлар.

Сақлов бирликларда Зарафшон округида олиб борилган турли илмий изланишлар ва уларни ташкиллаштириш боғлиқ масалалар батафсил ёритилган. Мисол учун, юқорида таъкидланган 54-тартиб рақами остида “А. Кун ва бошқа шахслар томонидан округда олиб борилган археологик қазишмалар ва топилмалар” номли сақлов бирлиги мавжуд[5]. Ушбу ишда округда ўзбошимчалик билан археологик тадқиқотларни олиб бормаслик ҳақида Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант К.П. Кауфманнинг Зарафшон округи бошлиғи генерал А.К. Абрамовга 1871 йилда йўллаган циркуляри мавжуд бўлиб, биз уни қуйида тўлиқ келтирамиз:



1871 йил “Жаноб Зарафшон округи бошлиғиға

Менга маълум бўлдики, менинг тасарруфимдаги ўлканинг баъзи жойларида жисмоний шахслар томонидан археологик топилмаларни қўлга киритиш мақсадида қазилмалар ўтказилаётган экан. Ушбу ишлар маҳаллий ишчиларга топширилиб, улар назоратсиз ҳолда иш олиб бориб, қазилма ўтказиладиган жойларни вайрон қилишмоқда, топилмаларни беркитишмоқда. Натижада топилган буюмлар фан учун буткул йўқолмоқда. Археологик қазилмаларни олиб боришнинг бундай усулини зарарли деб билиб, мен Сиз жаноби олийларидан қадимий буюмларни излаб топиш мақсадида уюштириладиган ҳар қандай изланишларни олиб боришни хоҳловчилар фақатгина мени рухсатим билан ишни бошлашларини таъминлашингизни сўрайман.

Генерал адъютант/фон Кауфман/  
Девонхона бошлиғи ўрнидан  
унинг ёрдамчиси Камер-юнкер/имзо”[6].

Бу ҳужжат XIX аср 70 йилларида Зарафшон округи ҳудудида археологик қазилмалар касбий малакаси тарзда олиб борилганлигидан далолат беради. Юқоридаги ҳужжат ўлка маъмуриятининг бу масалага бўлган муносабатини билдиради. Ўлкада археологик қазилмаларни паст савияда олиб борилиши, топилмаларни илмий муомилага киритилмасдан, шахсий коллекцияларга сотилиши кейинги даврларда ҳам долзарб муаммо бўлган. Бу ҳақида М.Е. Массон, Б.В. Лунин ва бошқалар ўз асарларида маълумот бериб ўтишган[7].

Шунингдек, фонддаги муҳим этнографик изланишларга оид маълумотлар ҳам учрайди. Мисол учун, 263-тартиб рақамли “Туркистон ўлкаси элатларининг турлари, этнографик альбомни тузиш” номли ишдан маълум бўлишича, Туркистон ўлкасини 3 халқаро ориенталистлар конгрессда иштироки комитет томонидан Санкт-Петербургда ўтказилиши мўлжалланган Шарқ этнографияси ва

археологияси кўргазмасида ўлкада яшовчи турли элатлар албомини тақдим қилиш режалаштирилган[8].

Сақлов бирлиги таркибидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича комитет раҳбари 1876 йили Зарафшон округи бошлиғига округда яшайдиган қуйидаги элат вакиллари (2 эркак киши ва 2 аёл киши) Самарқанд шаҳрига фотограф Козловскийнинг ҳузурига, уларни альбом учун суратга тушириш мақсадида олиб келишни илтимос қилган. Ушбу ҳужжатда Зарафшон округида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг қуйидаги рўйхати келтирилган.

“1. Тожиклар 2. Яғнобликлар 3. Ўзбеклар 4. Афғонлар 5. Лўлийлар 6. Яҳудийлар 7. Сиёвушийлар.”[9].

Ишда сақланувчи кейинги ҳужжатлардан маълум бўлишича округ бошлиғи рўйхатда келтирилган элатлар вакиллари Самарқандга келтириш ҳақида буйруқ беради. Аммо қароргоҳи Панжикент шаҳрида бўлган тоғли туманлар бошқарувчиси Самарқандга яғнобликларни олиб келишнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Буни яғнобдан Самарқандгача бўлган йўлнинг узоқлиги, ҳамда бу йўлларни қор босиб ётганини (апрель ойи бўлишига қарамай – А.Н.) таъкидлайди. Шунингдек, у буйруқда таъкидланган яғноблик икки аёлни Самарқандга олиб бориш уларнинг дунёқараши туфайли ўта мушкул иш эканлигини келтириб ўтади[10]. Бу ва фондда сақланувчи бошқа кўплаб ҳужжатлар нафақат этнографик тадқиқотлар ҳақида балки уларни олиб бориш жараёни ҳақида ҳам қизиқ маълумотларни ўзига жамлаган.

### ХУЛОСА

Туркистондаги Россия ҳукмронлиги йиллари манбаларини ўрганиш натижасида Россия империясининг асосий мақсади инсоний ва табиий ресурсларга эга чиқиш эканлигини билишимиз мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, Марказий Осиё тарихчилар ва археологлар илмий-тадқиқот мактабини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган олимлар Тошкентни археолог олимлар марказига айлантиришган. Бу мактабдан жаҳон миқёсида машҳур кўплаб тарихчи, археолог олимлар етишиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, ЎЗМА И-5 фондида Зарафшон округида 1868-1886 йилларда олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар ҳамда ҳудуд тарихини ўрганишга бағишланган кўплаб қизиқарли ҳужжатлар илмий муомилага киритилмаганлиги ушбу фондни тадқиқ этиш зарурлигини белгилайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Положение об управлении Туркестанского края. Т. 2, ч. 2. – СПбЖ: Гос. Тип. 1886. – С. 1.
2. ЎЗМА. И-5-фонд, 1-рўйхат, 4-5-китоб.
3. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А.– Т., 1948. – С. 35.
4. Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР. Сост. Агафонова З.И., Халфин Н.А.– Т., 1948. – С. 36.
5. ЎЗМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 54-йиғмажилд.
6. ЎЗМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 54-йиғмажилд, 3-варақ.
7. Бу ҳақида қаранг: Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. – Ташкент, 1956. Нов. серия. Вып. LXXXI. кн.12. – С. 5-40.; Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917 гг.). – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. – С. 20, 32.; Никитенко Г., Шагалина Н. У истоков научного познания

- прошлого Туркестана. –  
Ташкент: Baktiariapress, 2017. – С.17, 55.
8. ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 263-  
йиғмажилд, 1-варақ.
  9. ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 263-  
йиғмажилд, 1-2-варақ.
  10. ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 263-  
йиғмажилд, 6-варақ.
  11. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF  
NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN  
ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS  
IN TURKESTAN. Theoretical & Applied  
Science, (10), 587-589.
  12. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A  
CHOICE OR THE DOCTRINE OF  
ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A  
L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-  
VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical &  
Applied Science, (7), 446-453.
  13. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine  
ARTS Education: Continuity and  
Prospects for Development.  
Religación, 4, 192-194.
  14. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of  
Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical &  
Applied Science, 9(77), 256-259.
  15. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The  
Emir Of Bukhara (Second Half Of The  
19th Century)(History Of One Exhibit  
From The Collection Of The State  
Hermitage). The American Journal of  
Social Science and Education  
Innovations, 2(12), 180-183.
  16. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK  
NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL  
EDUCATIONAL INSTITUTIONS.  
Theoretical & Applied Science, (4), 112-  
114.
  17. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative  
dictionaries as a mirror of reflecting  
native speakers' word stock.  
Современные научные исследования  
и разработки, (2), 10-13.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

ШОИРА САҒДУЛЛАЕВНА ХАКИМОВА  
ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Мустақиллик йилларида муқаддас ислом динининг кенг тараққий этиши, ҳамда унинг замирида пайдо бўлган тасаввуф таълимотинингилғор ғояларини ўрганиш йўлга қўйилди. Амир Темур ва темурийлар даври тасаввуф тарихи, у давр тасаввуфий муносабатларини ўрганиш борасида тарихчи, шарқшунос, файласуф, филолог олимлар ва дин вакиллари томонидан сезиларли ишларни амалга оширдилар.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Таниқли олимлар, Б.Бобожонов, Э.Каримов, М.Хасаний, О.Бўриев, Ҳ.Ислохий, Н.Комилов, С.Олим, М.Хайруллаев, М.С.Разоқова, илмий тадқиқот.

### КИРИШ

М. Хайруллаев ва Х. Алиқуловлар масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ислом, тарих ва маънавият” (Тошкент, 2000) тўпламидаги Б.Бобожоновнинг “Ислом, тасаввуф ва ҳукмдорларга насиҳат масаласи”[1] мақоласида хожагон-нақшбандия тариқатидаги сиёсий қарашлар ривож манбалар асосида ёритилган.

Манбашунос олим Маҳмуд Хасаний илмий асарларининг аксарияти тасаввуф ва нақшбандия тариқатига оид манбаларни ўрганишга бағишланган. Маҳмуд Хасаний 1993 йили Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”[2] китобини таржима қилди. Шу билан бирга хожагон тариқати асосчиси АбдулҳолиқҒиждувоний, унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб боради. Мавзуни батавсил ёритишга ҳаракат қилар экан, шу соҳада тадқиқот олиб борган бошқа олимларнинг

илмий асарларига таяниб иш кўради. Шунинг учун олимнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Г. Музаффарова билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Хожаи жаҳон – Хожа АбдулҳолиқҒиждувоний”[3] номли рисолада хожагон-нақшбандия тариқатининг асосий ҳуқуқий устуни ҳисобланган ўн бир рашҳасига алоҳида тўхталиб, тавсиф бериб ўтилади. Ушбу рисолада АбдулҳолиқҒиждувоний ҳақида мутасаввиф олимлар фикрларини баён қилиш билан биргаликда олимларнинг илмий ишларига ҳам тавсифлар бериб ўтилади ҳамда ушбу асарлардан маънавий, ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни келтириб ўтади.

Нақшбандия тариқатининг тараққиёти ва ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган аллома Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халфаси – шогирди Хожа Алоуддин Аттор

ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси масалаларига бағишланган О.Буриевнинг “Хожа Алоуддин Аттор”[4] деб номланган илмий тадқиқот иши нақшбандия тариқатига оид муҳим илмий тадқиқотлар сирасига киради.

Хожа Алоуддин Аттор ҳақида ёзилган ушбу рисолада ёзма меросимизда мавжуд маълумотларни жамлаб, таҳлил қилиш билан бир қаторда оғзаки хабарлар асосида Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг авлодлари мавзуга доир маълумотларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Рисола тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Хожа Алоуддин Аттор ҳаёти, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан шогирдлик муносабатлари, Нақшбанд ўлимидан кейин унинг фаолияти, Хожа Алоуддин Атторнинг нақшбандия тариқатини кенг оммага ёйишдаги хизматлари ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлар асосида ёритилган.

Иккинчи қисм Хожа Алоуддин Атторнинг авлодлари ҳақида. Хожа Алоуддин Атторнинг фарзандлари Хожа Ҳасан ва у кишининг кароматлари хусусида сўз боради.

Учинчи қисм “Хожа Алоуддин Атторнинг ўғитлари” деб номланиб, Хожа Алоуддин Атторнинг ҳаётий тажрибалари, Хожа Баҳоуддин ҳақида айтган ўғитлари, уларни Хожа Муҳаммад Порсо ёзиб борган ва “Мақомати шайх Алоуддин Аттор” номи билан маълум рисола шаклига келтирилганини айтиб ўтилади. Шу билан бирга Хожа Алоуддин Аттор ўзлари айтган ўғитларидан келтирилиб, таърифлар берилади. Бу бўлимда яна “Рашоҳот айн ал-ҳаёт”да Хожа Алоуддин Атторга мансуб 27 та таълимот, ўғит келтирилганлиги ҳақида айтиб ўтилади ва қуйида Хожа Алоуддин Атторга тегишли бир қанча ўғитлар келтирилади.

Рисоланинг тўртинчи қисми Хожа Алоуддин Атторнинг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги ҳикояларига бағишланган. Унда Баҳоуддин Нақшбанднинг юриш-туришлари, ўзларини тутишлари, айтган ўғитлари ҳақида Хожа

Алоуддин Аттор айтганлари Салоҳ ибн Муборак ал - Бухорийнинг “Анис ат-толибийн” асаридан келтирилади.

О.Буриев томонидан кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида 2009 йилда нашр қилинган “Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан”[5] номли рисоласи муҳим аҳамиятга эгадир.

Рисола мазмун жиҳатдан икки қисмдан иборат. Унда дастлаб, хожагон таълимоти, XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда кечган муҳим сиёсий воқеалар, нақшбандия тариқатининг темурийлар давридаги йирик вақиллари (хожа Алоуддин Аттор, хожа Муҳаммад Порсо, мавлоно Яъқуб Чархий, Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий) ҳақида, ҳамда Хожа Аҳрор Валий ва унинг шажарасига тааллуқли айрим тарихий шахслар ва уларнинг Марказий Осиё маънавий ҳаётидаги ўрнига оид маълумотлар берилган. Кейинги қисм эса, темурийлар даврида тасаввуф, аниқроғи, хожагон-нақшбандия тариқати мавзусида ёзилган ва ТДШИ ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарққўлёзмалари маркази хазинасида сақланаётган қўлёзма асарларнинг тавсифини ўз ичига олади.

1991 йилда “Тасаввуф тарихидан: манбалар ва ижтимоий амалиёт” тўплами (Тошкент, Фан, М. М. Хайруллаев таҳрири остида) нашр этилди. Тўпланда Р. А. Тиллабаевнинг “Нақшбандия тариқати масаласига доир” ва Э. Каримовнинг “Мовароуннаҳрда XV аср нақшбандия тариқати сиёсий ва диний - фалсафий амалиётининг баъзи томонлари” мақолалари жой олган бўлиб, бу асарларда Хожа Аҳрорнинг тасаввуфий қарашларига эътибор берилган.

Таниқли тасаввуфшунос олим ва таржимон Нажмиддин Комиловнинг “Тасаввуф”[6] номли китобининг чоп этилиши ўзбек тасаввуфшунослигида жиддий воқеа бўлди. Бу асарда суфийликнинг пайдо бўлганидан бошлаб, унинг ривожланиш босқичи ва поғоналари, адабиётимиздаги ўрни батафсил ёритилган. Асарда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва тариқати ҳақида



жиддий маълумотлар борлигига қарамай, муаллиф ўз олдига нақшбандия таълимотини ўрганишни мақсад қилиб қўймаган.

Нақшбандия тариқатининг илохий мазмун моҳияти, ибора ва тушунчалари, тариқатнинг асл маънавий илдизлари масалаларини муаллиф ўз асарига ёритиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича нақшбандия тариқатининг сулуки Абдулхолик Ғиждувонийга бориб тақалади. Шу билан бирга Н.Комилов нақшбандия тариқатини таҳлил этиб унинг қоидаларини шариат қонунлари, Пайғамбар суннатларига мос келиши ва нақшбандия тариқати ривожланиши даврида тасаввуфда турли сулук ва йўллар шаклланиб, ислом шариатига унча мувофик келмайдиган жиҳатлар пайдо бўлганлигини айтиб ўтади. Ўзининг бу фикрини илмий асослаб беради. Шунингдек, асарда инсоннинг моддий олами ва руҳий олами таҳлил этилиб, тасаввуфда маънавий жиҳатлар устун туриши ҳақида фикр мулоҳазалар юритилади.

Ушбу тадқиқотда “ўзлат”, ва унинг фойда ва зарарларига атрофлича тўхталиб ўтилади, ҳамда Баҳоуддин Нақшбанднинг фаолияти орқали тариқат қоидаларига тушинтириш берилади. Н.Комиловнинг фикрича нақшбандия улўф бирлаштирувчилик қавмлар, табақалар ва тоифаларни ягона сунний йўлидаги суфиёна мафкура асосида жипслаштириш ишини амалга оширган.

Нақшбандия таълимотини ўрганишда Султонмурод Олимнинг “Нақшбанд ва Навоий” [7] асарининг нашр этилиши айни муддао бўлди. Бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг “Увайсий” эканлиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Азиз Қажумов ва Иззат Султоннинг рисоаларида Нақшбанднинг таржимаи ҳолига оид айрим маълумотлар берилиб, ушбу таълимотнинг муайян қирралари таҳлил этилган.

Ҳамиджон Ҳомидий томонидан 2009 йил нашрга тайёрланган “Тасаввуф алломалари” [8] номли тадқиқоти ҳам муҳим аҳамияга эгадир. Талай манбаларга

суянган ҳолда муаллиф кўплаб шайхларнинг таржимаи ҳоли, фаолиятини ихчам, равон ва оммабоп усулда ёритиб берган. Китобда ривоятлардан унумли фойдаланилган.

Нақшбандия тариқати мавзусида тадқиқотлар олиб борган тадқиқотчи олимларимиздан яна бири М.М.Хайруллаевдир. М.М.Хайруллаевнинг тадқиқотларида Ўрга Осиё халқларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий меросининг кам ёритилган соҳалари ва алоҳида назарий масалалари “Шарқ Ренессанси” муаммолари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. “Шарқ Ренессанси” муаммолари, унинг характерли хусусиятлари ва фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикри ривожига таъсири ҳар томонлама, чуқур тадқиққилинган.

Унинг “Буюк сиймолар, алломалар” [9] китобида нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, асарда “Нафаҳот ул-унс”, “Рашаҳот” ва Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарлардан маълумотлар ҳам келтирилган. Ушбу манбалардан фойдаланган ҳолда темурийлар даврида яшаган шайхларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар беришга интилади.

М.Хайруллаев Темурийлар даврида яшаб фаолият кўрсатган 3 халифа: Хожа Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий ва Хожа Ахрор валий ҳақида маълумотлар беради. Унда бу шайхларнинг ҳаёти, фаолияти, тариқатни ривожлантиришдаги хизмати ҳақида батавсил тўхталиб ўтади.

Шунингдек, М. Хайруллаев Хожа Муҳаммад Порсонинг асрлар давомида шуҳрат қозонган асарлари ҳақида сўз юритади ва бир қанча таъриф беради.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор валий ҳақида тўхталар экан, М.Хайруллаев уни, Марказий Осиё халқларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти ривожига муҳим ўрин тутган деб таърифлайди.

Сўнги йилларда Темурийлар даври нақшбандия таълимоти ва унинг намоёндаларига бағишланган йирик

тадқиқотлардан бири М.С.Разоқованинг “Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожда тутган ўрни” номли тадқиқотидир[10]. Тадқиқот асосан, Нақшбанднинг халифаси ҳисобланган Яъқуб Чархий, унинг илмий мероси ва илмий меросидаги маънавий ахлоқий масалаларига бағишланган. Чархий нақшбандия тариқатининг илмий назарий асосларини ўз асарларида яратар экан, шу билан бирга кенг халқ оmmasига нақшбандия тариқати тарғиботини амалга оширади.

### **ХУЛОСА**

М.Разоқова ўзининг тадқиқотида Чархий илмий меросининг ислом қонуниятчилиги, ахлоқий, маънавий қадриятлари шаклланишида тутган аҳамиятини асослаб, батафсил ёритиб беришга катта эътибор қаратади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даврида ватанимиз ҳудудида вужудга келган ва аждодларимиз томонидан ахлоқий-меъёрий тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда ислом дунёсига кенг ёйилган тасаввуфнинг ажралмас бўлаги нақшбандия тариқатини ўрганишда салмоқли ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, фаннинг бу масаласини ҳали ҳануз очилмаган жиҳатлари ва қилинадиган ишлари жуда кўп ва тўла ўрганилмаган долзарб мавзулардан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мўминов И. Танланган асар. Том I. – Т.: Ўзбекистон, 1976.
2. Хасаний М. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: “O’zbekiston”, 2019.
3. Хасаний М., Музаффарова Г. Хожаи жаҳон - Хожа АбдулхолиқҒиждувоний. – Т., 1994.

4. Бўриев А. Хожа Алоуддин Аттор. –Т., 1994.
5. Бўриев А. Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан. –Т., 2009.
6. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон. 2009.
7. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
8. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2009.
9. Хайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар. III китоб. – Т., 2002.
10. Раззоқова М.С. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожда тутган ўрни. Т., 2001.

## РОССИЯ ТУРКИСТОНИДА БОЖХОНА СИЁСАТИ ТАРИХИДАН (1917-1924 ЙИЛЛАР)

ЭЛБЕК АЛИШЕРОВИЧ БОТИРОВ

ЎЗМУ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Савдо-сотиқ эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлашда божхоналар муҳим ўрин тутган, олиб ўтилаётган товарга махсус белги қўйилган ва бу товардан бож олинганини ифода этган. Шундай божхона тизимлари тарихидан бири бу Туркистон совет республикаси божхона тарихидир. Биринчи жаҳон уруши ва 1917 йил воқеалари подшо Россиясининг божхона тизимини амалда йўққилди. Божхона назорат иш шароитлари уруш бошланиши билан янада мураккаблашди, шунда кўп сонли божхоначилар фронтга сафарбар этилиб, ҳарбий чегара қўриқчилари томонидан чегара сезиларли даражада заифлашди. Уруш пайтида импорт қилинадиган товарларнинг барча гуруҳлари учун бошлар оширилди, товарларни олиб чиқиш тақиқланди. Ўлка чегараларининг узунлиги божхона фаолиятини олиб боришда оғирлик қилар, нормал даражада ушлаб туриш учун эса алоҳида куч талаб қилинар эди.

### КИРИШ

1918 йил 1-январда РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг “Товарларни олиб кириш ва экспорт қилишга рухсат бериш тартиби тўғрисида”ги қарори кучга кирди. Ушбу Фармонга мувофиқ Иттифоқ республикалари божхона органларининг бўйсунуши тартиби ва функциялари муофиқлаштирилди[1]. 1918 йил 29 майда РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг “Марказий ва маҳаллий Совет ҳокимият органларининг бож йиғиш ҳуқуқларини чегаралаш ва маҳаллий божхона муассасалари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги фармони кўрсатмаларига биноан, божхона солиқлари марказий ҳукуматнинг эксклюзив юрисдикциясига ўтказилди[2]. Шунингдек, 1918 йил 29 майда божхона тизими хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чегара хизмати тузилди.

Божхона маъмуриятини ташкил этиш Молия Халқ Нозирлиги Божхона тўловлари бўлимига юклатилган. Божхона ўз ишларида маъмурий ва тартибга солиш фаолиятига аралашмасдан, улар устидан чекланган назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил деб эълон қилинди. Шу билан бирга, маҳаллий Советларга божхонада уларнинг иши устидан умумий назоратни амалга оширадиган нозирларни тайинлаш ҳуқуқи берилди. Аслида 1918 йил 29 майдаги фармон совет божхона институтларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Шундай қилиб, Халқ Нозирлари Кенгашининг 1918 йилдаги Фармони[3] билан ташқи савдо манополлаштирилишгава бир неча йил ўтгач ривожлана бошлаган протекционизмнинг кучайишини англатар

эди. 1918 йил 29 июндаги фармон билан божхона божлари департаменти номи ўзгартирилди. Божхона назорати бош бошқармаси, тўғридан-тўғри Савдо ва саноат Халқ Нозирлигига бўйсунди, иккинчиси 1920 йилда Ташқи савдо Халқ Нозирлигига айлантирилди. Ташқи савдо давлат монополияси ғоясини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, божхона назорати унинг ёрдамчи воситасига айлантирилди. Товарлар сотилмади, балки тарқатилди. Ташқи савдо айланмаси тартибсиз ва аҳамиятсиз бўлиб қолди[4]. Аммо лицензиялар тизимига ўтиш билан божхона ва тарифларни тартибга солишдан кенг фойдаланишни рад этиш, шунга қарамай, ёрдамчи регуляторларни, хусусан, божхона солиқларини жорий қилишни талаб қилди. Бунга иккита асосий сабаб мавжуд эди. Биринчидан, 20-йилларнинг бошларида лицензиялаш тизими ташқи савдо айланмасини тўлиққамраб олмаган - посилкалар алмашинуви ва қисман баъзи шарқий мамлакатлар билан савдо олиб ташланган бўлса, иккинчидан, товарларга нархларни ҳисоблашда, божхона тўловлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак эди. Бундан ташқари, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш пайтида кўпчилик божхона органлари вазифаларининг ўзгаришларига олиб келди. Бу ҳам ташқи савдонинг кенгайиши, ҳам қатор давлат ва хўжалик ташкилотларига жаҳон бозорига мустақил равишда кириш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ эди. Белгиланган омиллар зудлик билан божхона ва ташқи савдо қоидаларини тартибга солишни тиклашни, тегишли божхона тарифларини жорий этишни талабқилар эди[5].

Ташқи савдода божхона ва тариф усулларига қайтиш 1922 йилда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш билан боғлиқ эди. Мамлакатда товарларнинг этишмаслиги ва очлик сабабли, бож тарифлари жуда эркин бўлиб, ички бозорни имкон қадар тез импорт қилинадиган маҳсулотлар билан тўлдиришга чорлар эди. Уларнинг бу тизимда камчиликлари эса мураккаблик ва

чалкашлик бўлиб, бу ҳисобларни юритишни қийинлаштирарди. Бу даврда ҳам ички, ҳам чет элда барқарор нархлар мавжуд эмас, маҳсулотлар таннархи тўғрисидаги маълумотлар нотўғри, сифати эса анча паст бўлган. Натижада, кўплаб “муҳим” озиқ-овқат маҳсулотларини (барча донли нон, нўхат, ловия, ловия ва ясмиқ, картошка, ун, ҳар хил ёрмалар, кепак, крахмал, макарон ва бошқалар) экспорт қилиш тақиқланди. Фуқаролар уруши даврида божхона органларининг ҳуқуқий мақоми сезиларли даражада заифлашди, ҳатто “божхоналарни халқхаммомига айлантириш лойиҳаси” ҳам муҳокама қилинган эди.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб, давлат саноат фаолиятига тобора кўпроқ аралашиб, деярли барча корхоналарни аста-секин миллийлаштирди. Хусусий мулк йўққилиниши ва ташқи савдо эса монополлаштириши давлатни деярли барча фаолият соҳаларини назорат қилинишига, бошқарувнинг маъмурий тартибини жорий қилинишига, маъмурий ва бюрократик аппаратни яраталишига сабаб бўлди[6].

Ташқи савдо монополлаштириш фонида қонунчилик ҳам ўзгариб борди. Божхона қонунчилигида товарларни ташиш устидан назоратни кучайтириш ва ташқи савдо бўйича давлат монополияси тўғрисидаги қарорларни бажариш йўналишида кескин ўзгаришлар юз берди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида божхона муассасаларининг вазифалари ва функцияларига мувофиқ, божхона бошқарувининг кўп босқичли тизимини шакллантириш бошланди. РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг 1922 йил 23 февралдаги фармони билан Кенгаши ҳузуридаги Божхона ва бож тарифлари қўмитаси тасдиқланиб, мазкур қўмита божхона божлари тарифларига ўзгартиришлар киритиш масалаларини ишлаб чиқиш, импорт ва экспорт қилиш тақиқланган товарларнинг янги ва ўзгарувчан эски рўйхатларини тузиш, божхона тарифларини қўллаш

масалаларини ҳал қилиш, божхона тарифларини қўллаш бўйича шикоятларни кўриб чиқиш, барча қонун лойиҳалари, савдо шартномалари, конвенциялар ва ташқи савдони божхона-тариф тартибига солинган битимлар бўйича хулосалар тузиш каби вазифаларни бажарган[7].

1924 йил 2 мартдаги Ташқи савдо Халқ Нозирлиги буйруғи билан Бош божхона бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма тизимида махсус яратилган бож тарифлари бўлими божхона ва тариф сиёсати масалалари билан шуғулланган. Шунингдек, давлат ҳудудида контрабандага қарши курашни ташкил этиш вазифалари ҳам юклатилган. Иттифоқҳудудида мавжуд барча божхоналар тизимини бошқариш Ташқи савдо Халқ Нозирлигига юклатилган эди ва у ўз вазифаларини марказда ва маҳаллий жойларда Бош божхона бошқармаси ва Божхона ва бож тарифлари қўмитаси орқали амалга оширарди. Божхона идораларини очиш ва тугатиш, уларнинг жойлашган жойларини аниқлаш, божхоналарга даражалар берилишини Ташқи савдо Халқ Нозирлиги зиммасида бўлиб, 1922 йил март ойида РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг маҳаллий божхона муассасалари тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлади. Низомга мувофиқ Ташқи савдо Халқ Нозирлиги Молия Халқ Нозирлиги билан келишилган ҳолда божхона округлари таркибини аниқлаб, барча божхона муассасалари биринчи, иккинчи, учинчи тоифадаги божхоналарга ва божхона постларига ажратади. 1922 йилда РСФСР ҳудудида саккизта божхона округлари ташкил этилди: Петрозаводск, Ғарбий, Сибир, Туркистон, Семипалатинск, Жанубий, Украина, Кавказорти. Улар таркибига 134 та божхона ва 149 та божхона постлари киритилган. Божхона округларидан ташқари иккита божхона бўлими - Петрозаводск ва Краймск ташкил этилди.

1924 йилги СССР божхона низоми қабул қилиниб, унинг таркиби олти та бўлим, 283 та моддани ўз ичига олган[8]. Унга

Халқ Нозирлари Кенгашининг 1920 йил 12 ноябрдаги “Импорт ва экспорт қилинадиган товарларни қабул қилиш, сақлаш, бериш тартиби тўғрисида”ги фармони асос бўлди. Божхона низоми кучга кириши билан ўша пайтгача шаклланган божхона органларининг таркиби қонуний равишда мустаҳкамланди. Низомнинг 1-моддасида қуйидагича белгилаб қўйилган: “Бутун СССР бўйлаб божхоналарни бошқариш Ташқи савдо Халқ Нозирлигига тегишли бўлиб, у ўз вазифаларини ҳам марказда, ҳам маҳаллий жойларда Божхона бош бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи бошқа муассасалар ва Божхона ва бож тарифлари қўмитаси орқали амалга оширади”. Иттифоқ республикаларида божхона муассасалари фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш Низом билан Ташқи савдо Халқ Нозирлигига юкланган. Маҳаллий божхона муассасаларини бошқариш эса туман божхона инспекторлари бошчилигидаги туман божхона назорати бўлимларига юклатилган. Назоратчиларга вилоят божхона муассасалари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва уларнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш топширилган. Умуман олганда, Божхона низомида божхона органларининг тўрт босқичли таркиби кўзда тутилган:

- Ташқи савдо Халқ Нозирлиги, Бош божхона бошқармаси;
- Иттифоқ республикалари Халқ Нозирлиги Кенгаши ҳузуридаги ваколатли Ташқи савдо Халқ Нозирлиги;
- Ҳудудий божхона назорати бўлимлари;
- божхона ва божхона постлари.

### ХУЛОСА

Биринчи даражали божхона муассасалари темир йўл станциялари ва юк айланмаси катта бўлган портларда яратилган. Иккинчи тоифадаги божхона идоралари - автомобил йўлларида ва кичик дарё ва кўл портларида. Учунчи тоифадаги божхоналар - тупроқли йўлларида ташкил қилинди. Агар керак

бўлса, божхона постлари уларнинг бўлимлари сифатида божхонадан узоқ жойларда ташкил этилган. Шу билан бирга, божхона постлари йўловчиларнинг қўл юки, юклар, халқаро почта жўнатмалари билан чегарадан ўтишини амалга оширган. Агар махсус техник экспертизани талаб қилмаса, учинчи тоифадаги божхоналар мамлакатга олиб кириладиган ва ундан экспорт қилинадиган товарларни расмийлаштирар ва назорат қилардилар[9]. Биринчи ва иккинчи тоифадаги божхоналар эса божхона расмийлаштируви ва назоратининг барча турларини амалга оширардилар.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзР МА 330-фонд, 5-иш, 7-варақ
2. Беляева, Н. А. История таможенного дела и таможенной политики России - Владивосток , 2008
3. ЎзР МА 330-фонд, 5-иш, 7-варақ
4. ЎзР МА 330-фонд, 17-иш, 42-варақ
5. Кисловский, Ю. Г. Контрабанда: история и современность /Ю. Г. Кисловский ; под общ. ред. А. С. Круглова ; Рос. тамож. акад. -М. : Автор, 1996.
6. Соломеин, А. Ю. История таможенного дела и таможенной политики России : учеб. пособие / А. Ю. Соломеин. - : Интермедия, 2012.
7. ЎзР МА 330-фонд, 56-иш, 45,48,50-варақлар
8. Таможенный устав от 12 декабря 1924 г. Президиум ЦИК СССР // СЗ СССР. 1924. – № 19.
9. Шумилов, М. М. История таможенного дела и таможенной политики России- 2001.
10. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.

11. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
12. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
13. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
14. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
15. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
16. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## XVI АСР ЕР-МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР “ВАҚФНОМА” – МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

МИРЗАЕВ БЕКЗОД НУРАЛИЕВИЧ  
ЎЗР ФА ТАРИХ ИНСТИТУТИ МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганишга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Зеро, буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришни талаб этмоқда [8].

Дарҳақиқат, биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзбек давлатчилиги тарихини тадқиққилишнинг муҳимлиги ҳақида тўхталиб, «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир» [9].

### КИРИШ

Шундан келиб чиқиб, давлат бошқаруви қоидаларини ишлаб чиқиш, миллий мафқуранинг тарихий асосларини таҳлил этиш учун ўтмиш давр тарихий манбаларини чуқур ва атрофлича ўрганиш зарур бўлади.

Маълумки, Шайбонийлар сулоласи асосчиси – Муҳаммад Шайбонийхон (1488-1510 йй) келини ҳисобланган Мехр-Султонхоним [10] томонидан XVI асрнинг биринчи чорагида ёзилган вақф ҳужжатининг қўлёзмаси яъни, “Вақфномаи ҳазрати Шайбонийхон” (кейинчалик қисқача “Вақфнома” деб атаймиз) айнан ўша давр тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу ҳужжат Шайбонийхон мадрасаси ёки Қўш мадраса деб танилган ёнма-ён жойлашган Самарқанд мадрасалари фойдасига катта кўчма ва кўчмас мол-мулкни ўтказиш ҳақидаги

ҳужжатни қонун асосида расмийлаштириш мақсадида тузилган. Катта бойликга эга бўлган вақф таъсисчиси ҳужжат туфайли ўзи таъсис этаётган вақфга васийлик қилишга эга бўлган.

Дарҳақиқат, ушбу вақф ҳужжатининг йиғма матни рус тилига таржима қилиниб, нашр қилинишининг сабаби ушбу “Вақфнома” ўрта Осиё тарихида илк бора Шайбонийлар даври бўйича кўп қизиқарли материалларни ўз ичига олганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ўрта асрларнинг сўнгги йилларида шарқмуаллифлари томонидан ёзилган ва асосан ўрта Осиё сиёсий тарихига оид материалларни ўз ичига олган кўпгина тарихий асарлардан фарқли равишда “Вақфнома” ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган масалаларни – деҳқон ва шаҳар ҳунармандлари тарихини, ерга эга

бўлиш ва ер муносабатларини ёритади. Хужжатли манбалар иқтисод ва ижтимоий муносабатларни ёритиш нуқтаи назардан катта эътиборга эга бўлса-да, Ўрта Осиё тарихи бўйича нашр этилган материаллар сони кўп эмас. Шу боис ҳам ердан фойдаланиш, ерга эга бўлиш ва замонавий Ўзбекистон ҳудудида ер муносабатлари акс этган манба сифатида “Вақфномаи ҳазрати Шайбонийхон” асари кўпроқ амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

“Вақфнома” моҳияти ва ушбу вақф ҳужжатини батафсил ўрганилишининг зарурлиги адабиётларда кўп бора таъкидланган. Жумладан, Ўрта Осиё тарихи тадқиқотчиларидан бири П.П. Иванов ушбу ҳужжатни “ўта муҳим ҳужжат”[11] деб ҳисоблаган. Бошқа Ўрта Осиё тарихи тадқиқотчиси, бу ўлкани чуқур ўрганган олим В.Л. Вяткин ушбу вақф ҳужжатининг нусхасига эга бўлган. Бу ҳужжат бошқа тадқиқотчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотган[12]. Лекин, у Ўзбекистон тарихи бўйича муаммоларни ўрганиш жараёнига кам жалб қилинган.

Рус тарихий адабиётида “Вақфнома” К.Г. Зелеман томонидан биринчи маротаба тилга олинган. Вақф бўйича масалаларни кўриб чиқишда[13], бу ҳужжат А. Л. Кун томонидан ҳам фойдаланилган. Ўрта Осиё ўрта асрлар даврининг бошқа ҳужжат ва тарихий асарлари каби “Вақфнома” ҳам Оллоҳ ва Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарни мадҳ этишдан бошланади. Кейин эса ўзбек хони Муҳаммад Шайбонийхон, унинг ўғли Муҳаммад Темур Султон ва турмуш ўртоғи Мехр Султон хоним, Мехр Султон хонимнинг отаси Бурундуқ хон ва вақф таъсисчиси Мехр Султон хонимларни шарафлаш сўзи билан давом этади. Уларнинг номлари аристократ ва бой-бадавлат руҳонийлар вакиллари номлари каби баландпарвоз сўзлар билан тасвирланади.

Мазмуни жиҳатидан “Вақфнома”ни уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисми ушбу вақф ҳужжати иккита Самарқанд мадрасаси фойдасига тузилганлиги ҳақидаги воқеага

бағишланган. Иккинчи қисми савдо дўконлари, хунарманд устахоналар, тегирмонлар, қишлоқлар, мевали дарахтлар, кўплаб ер майдонлари ва вақфга мадраса томонидан бериладиган бошқа объектларни ўз ичига оладиган кўчма ва кўчма бўлмаган мулкларни рўйхатидан иборат, учинчи қисмида вақф берувчи Мехр Султон хоним томонидан ўрнатилган вақф ҳужжатидан фойдаланиш, ташкилий масалалар ҳам ёритилган.

“Вақфнома” қўлёзмасида ҳужжат тузилиши санаси кўрсатилмаган. “Вақфнома”да Муҳаммад Темур Султон – 1514 йил 17 мартада вафот этганлиги санаси кўрсатилган, вақф ҳужжати эса унинг турмуш ўртоғи томонидан вафотидан кейин тузилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, демак, ҳужжат тахминан, XVI асрнинг 20-йилларида ёзилган.

Баъзи маълумотларга қараганда, Шайбонийхон мадрасаси фойдасига вақф ҳақиқатдан ҳам хизмат қилган. Масалан, 1558 йилдаги ҳужжатда Насаф вилоятидаги Шакаржўй қишлоғининг сотилган ҳудудлар чегараларини тасвирланишида “унинг бир томони Губдин қишлоғи ерларига тутшиб кетган”лиги ҳақидайтиб ўтилган. У вақф ҳисобланган ва унга васий бўлиб марҳума Мехр Султон хоним хизмат қилган[14]. Ҳақиқатдан ҳам, “Вақфнома”да Губдин қишлоғи Шайбонийхон мадрасаси фойдасига Мехр Султон хоним томонидан вақф қилинган мулк сифатида рўйхатига киритилган[15].

Бошқа манбада мавжуд бўлган Шайбонийхон мадрасасига тегишли бўлган мол-мулк бошқарувчиси – мутавалли ҳақида айтиб ўтилиши ушбу вақф ҳужжатининг ўз даврида катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Лекин, Муҳаммад Бади Малиҳо маълумотларига кўра, у кўп вақт мобойнида сақланиб қолмаган[16].

#### **ХУЛОСА**

Шунингдек, Мехр Султон хоним 1558 йилдаги Жўйбор шайхларининг



ҳужжатларидан бирида эсга олиниб, унда “Бобурнома”даги каби Мехрибонхоним номи билан тилга олинади. Ер олди-сотдисига бағишланган ушбу ҳужжатда: “... Сотилаётган ернинг чегара қисми Ғубдин қишлоғидаги ерга туташган бўлиб, ушбу вақф Мехрибонхонимга тегишлидир”[17] Ғубдин қишлоғи мулклари “Вақфнома” рўйхатига киритилган.

Шундай қилиб, келтирилган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин, Мехрибонхоним вақф мулклари хўжалигининг таъсисчиси сифатида Мовароуннаҳрда ер-мулкчилик муносабатларини тартибга келтиришда катта ҳисса қўшган деб ҳисоблаш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Тараққиёт йўлимизнинг шиддати ошаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан. // Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 28 декабрь.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т. VII. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 139.
3. П.П.Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв., М.-Л., 1954. с. 24.
4. Абу Тахир Ходжа, Самария, Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда, Перевод В. Л. Вяткина, примечания переводчика, Справочная книжка Самаркандском области, 1898, вып. IV, Самарканд, 1899, прим. 57.
5. В. Л. Вяткин, О вакуфах Самаркандской области, стр. 95—96; *Mélanges Asiatiques*, t. X, St.-Petersbourg, 1894, стр. 276.
6. Р.Г. Мукминова. К Истории аграрных отношений в Узбекистане XVIв. По материалам «ВАҚФ-НАМЕ» (Ўзбекистонда XVI аср аграр муносабатлари тарихига доир “ВАҚФНОМА” материаллари). Тошент, Ўзбекистон ССР “Фан”, 1966.Стр. 15-16.
7. Мухаммед Бадиъ б. Мухаммед Шарифи Самарканди Малихо, Мулаккир ал-асхоб, ркп. ИВ АН УзССР, № 4770, л.298а.
8. Тараққиёт йўлимизнинг шиддати ошаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан. // Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 28 декабрь.
9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. // Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т. VII. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 139.
10. Бир қанча тарихий асрларда унинг номи яна Михри-хонум ва Михрибон-хонум, баъзан Маҳди Улия – катта хоним деб аталган
11. П.П.Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв., М.-Л., 1954. с. 24.
12. Абу Тахир Ходжа, Самария, Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда, Перевод В. Л. Вяткина, примечания переводчика, Справочная книжка Самаркандском области, 1898, вып. IV, Самарканд, 1899, прим. 57; В. Л. Вяткин, Материалы к исторической географии Самаркандского вилайета, Справочная книжка Самаркандской области, 1902 г., вып. VII, Самарканд, 1902, стр. 4; О н же, О вакуфах Самаркандской области. Справочная книжка Самаркандской области, вып. IX, Самарканд, 1907, стр. 95—107; Фитрат, Три документа по аграрному вопросу в Средней Азии, Записки Института востоковедения

- Академии наук СССР, II, 2, Л., 1933, стр. 70—73; Е. А. Давидович, П. П. Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов, К истории феодального землевладения в Средней Азии в XVI—XVII в., [Рецензия], Советская этнография, М, 1955, №3, стр.190; Она же, Некоторые черты обращения медных монет в Средней Азии конца XV—XVI вв. и роль надчеканов. Изв. АН ТаджССР Отделение общественных наук, 1953, № 3; Р. Г. Мукминова. Некоторые длинные о вакфной грамоте в пользу двух медресе Мухаммед Шейбанихана, Известия АН УзССР, серия общественных наук, 1957, № 3; О и а же, Из истории вакфного землевладения в Средней Азии в XVI в.. Исследования по истории культуры народов Востока, Сборник в честь семидесятилетия И. А. Орбели, М.—Л., 1960. стр. 215—218.
13. В. Л. Вяткин, О вакуфах Самаркандской области, стр. 95—96; *Mélanges Asiatiques*, t. X, St.-Petersbourg, 1894, стр. 276.
14. П. П. Иванов, Хозяйство джуйбарских шейхов, Док. № 379.
15. Р.Г. Мукминова. К Истории аграрных отношений в Узбекистане XVIв. По материалам «ВАКФ-НАМЕ» (Ўзбекистонда XVI аср аграр муносабатлари тарихига доир “ВАҚФНОМА” материаллари). Тошент, Ўзбекистон ССР “Фан”, 1966.Стр. 15-16.
16. Мухаммед Бадиъ б. Мухаммед Шарифи Самарканди Малихо, Мулаккир ал-асхоб, ркп. ИВ АН УзССР, № 4770, л.298а.
17. П. П. Иванов. Хозяйство джуйбарских шейхов, Док. № 379.

## РОССИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

З.О.ЭШМИРЗАЕВ

ЎЗМУ “МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ 2-КУРС МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Туркистон ўлкаси тарихини ўрганишда қонунчилик ҳужжатларининг ўрни ўзига хос бўлиб, улар ўзининг келиб чиқиши ва хусусиятларига кўра турли-тумандир. Улар орасида меъёрий ҳужжатлар, яъни, Россия империяси ҳукумати томонидан қабул қилинган, Туркистон ўлкаси бошқаруви ва ундаги маъмурий ўзгаришлар билан боғлиқ қонун ва ҳужжатлар тўпламларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

### КИРИШ

1. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг манбавийлик қиммати шундаки, уларда тадқиқ этилаётган даврга хос Туркистонни маъмурий бошқариш эволюцияси ва маҳаллий халқнинг ҳуқуқий ҳолатини кузатиш мумкин. Петербургдан туриб бошқариладиган Туркистон мустамлакачилик аппарати бундай тўпламларга доимо эҳтиёж сезган. Бунга мисол қилиб “Туркистон ўлкасининг тузилиши ва қишлоқ мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳақидаги кўрсатма”ни[9], 1892 йилда чоп этилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”ни ва унинг 1906, 1908, 1909 йиллардаги қўшимчаларини, шунингдек, 1911 йилнинг 1 июнига қадар ҳукуматнинг қабул қилган қонун ҳамда фармонларини[10] ва бошқаларни келтириш мумкин.
2. Юқорида қайд этилган биринчи ҳуқуқий ҳужжатнинг номи шундан гувоҳлик берадики, бу ҳужжатлар тўплами қонунлар тўпламига кирмаган бўлса-да, бироқ маҳаллий ҳукуматдан уларга риоя қилишини ва тезкор чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Иккинчи ҳуқуқий ҳужжат эса, йигирма йил давомида ўлкада юз берган ўзгаришлар натижасида жорий этилган. Илмий тадқиқотда қўйилган вазифаларни бажаришда бу қонунчилик ҳужжатлари жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини қайд этиш жоиз.
3. Расмий ҳужжатларнинг алоҳида бир гуруҳини мустамлакадаги ҳар бир амалдорнинг хизмат ёки формуляр рўйхатлари ташкил қилади. Унда амалдорнинг исми-шарифи, фамилияси, ёши, диний эътиқоди, ижтимоий табақаси, маълумоти, кўчмас мулкларининг ҳисоби,

- маоши, унвонлари, Туркистонга келишдан олдин ишлаган хизмат жойи, нима сабабдан ва қаерга кетганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Формуляр рўйхатлар ишончли манбалардан ҳисобланади, чунки уларга мавҳум маълумотлар киритилмаган. Маълумотлар етарли бўлмаган ҳолларда уларни тўлдириш учун маълумотнома нашрларга ҳам мурожаат этилган[11].
4. Расмий иш юритишга оид манбаларнинг ажралмас бир қисмига Туркистон маъмурияти маҳкамасининг юқори мансабдаги амалдорлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам киради[12]. Ҳисоботлар таҳлили уларнинг барчаси аниқ схема бўйича тузилганлигидан гувоҳлик беради. Уларда халқ хўжалигининг аҳволи ва аҳолининг иқтисодий фаолияти, солиқ ва мажбуриятлар, турмуш-тарзи, соғлиқни сақлаш, маъмурий, суд идоралари вабошқа маълумотлар ёритилган.
Зеро, унда келтирилган жой номлари, шахслар кўрсатгичи, тарихий атамалар бизга ўтмишда қандай тарихий воқеалар юз бергани, бугунги кунимизда биз билан тарихий йўлларни босиб ўтган буюк шахсларнинг авлоду зурриётлари кимлар эканидан дарак беради.

Бу тарихий маълумотлар йўқликка дахлдор шахслар тарихини ўрганиш ва англаш асосида замонамиз берган имкониятдан янада кенгроқ фойдаланишга, хотиржамроқ ва бефарқ бўлмасдан яшашга ундайди.

Хусусан, қўлга киритилган мустақиллигимизни ҳар бир ўзбекистонлик ширин жон эгасига кўз қорачиғидек асраб авайлаши ва келажак авлодларга озод ва обод ватанни туҳфа этишлари ҳам фарз, ҳам бурч, ҳам мажбуриятдир.

Яқин ўтмишимизда мустабид ҳукумат байроғи остида кимнинг уйидан араб алифбоси ара, форс, туркий ҳарфида битик, бир парча қоғоз ёки насабнома, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ Муҳаммад солла аллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларида битилган маълумот, ислом тарихи ва манбашунослиги,

қуръоншунослиги, ҳадисшунослиги, сиёсий фикр, калом ақида илмларига доир манба топилса, шу заҳотиёқ ўша оила аъзолари мустабид тузумнинг учлик комиссияси томонидан топилган жойида отилган ёхуд қамоққа маҳкум этилган, узоқ минтақаларга, совуқ ўлкаларга сургун қилинган, қуликка тортилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб олинган миллий анъаналаримиз ривож, ҳимояти мевалардан бири сифатида айтиш ўринликим, Пайғамбаримиз(с.а.в.) ва барча авлиёлар, азизлар маконлари обод қилинди, зиёрат туризми масканлари, зиёратгоҳга айлантирилди.

Тарихий шахслар, алломалар, буюк саркардалар, фан арбоблари ҳаёти ва фаолиятини нафақат ўрганиш балки ўрناق олиш, улардан мерос қолган маданий-маърифий ишларни давом эттириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари, улар ҳаёти ва фаолияти борасида илмий тадқиқотлар, рисолалар, кўптомлик асарлар нашр этила бошланди. Ёпилган булоқ кўзлари очилди. Илм нурлари жаҳоннинг чекка-чекка жойларидаги қоронғу гўшаларини ўз заррин зиёси билан оламни мунаввар, кашф эта бошлади. Бу муҳташамлик билан Аллоҳ бизни қайтадан мукофотлади. Бунинг қадрига етишимиз, асраб-авайлашимиз зарур.

Энди бу каби маърифатпарварлик, халқпарварлик хизматлари учун ҳар томонлама ҳур ва мустақил Ўзбекистон


Республикасида хотиржам яшаб, аждодларимиз орзу қилган, ният қилган фозил шаҳар ва давлат барпо этилган, тобора мустаҳкамланиб бораётган буюк давлатчилигимиз ва унинг ҳукумати раҳбариятига тасаннолар, тилаклар дилимиз ва тилимизга келади.

Мустақиллигимизнинг олдинги долғали замонларда қатағонга учраган аждодларимизнинг бугун мустақил Ўзбекистон ҳукумати ўзининг миллий-диний ва тарихий анъаналарини, аждодлари орзу қилган шарафли ишларида бош-қош бўлаётганини кўрсатган нафақат ватанимиз аҳолисини, балки жаҳон аҳли бу шарофатли ишларга хавас киладилар, бундай ишлар тепасида турган юртбошимиз, ҳукуватимиз раҳбариятига илоҳий мадад тилашга чорлаб қоламиз.


Биз ёшларни аждодлари сингари бундай савобли ишларда авлодларга камарбаста бўлишларига даъват этиб қоламиз.

\*\*\*


Занги бобо авлодимиз деган Жалолиддинтўра Умархўжаев Тўрахонович қўлидан 2015 йил 7 феврал якшанба куни соат 15:00 да янгитдан қурилаётган Занги бобо мақбарасида расмга олинган архив ҳужжати таржима, табдили. Мазкур тарихий жараёнлар акс этган генеологик шажарада 177 та муҳр билан тасдиқланган ҳолат мавжуд. Шажара – архив ҳужжатининг учдан бир қисмини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз...




№ 1 ...л хабар бердилар Анҳори Жўйборийни бошидин туруб ...




... айтурлар. Андин сўнг Анҳорни бошидин қуруттилар ...




...т қилдилар. Аларнинг тобеъ қилиб, Жиззахни босиб ...




...га келдилар. Олти ой тўқуш (жанг) қилдилар. Иймонга ...




... шаҳри бирла Жонкатшаҳри бирла ҳаш чолок бирла ...




...уш қилдилар. Абдурахимбобнинг Хиваки қирга...




... бордилар. Тарсолар қўймадилар, қирдилар. Сафид ...




... саҳоба силоҳхонада қиргин топдилар. Аммо Исҳоқ (боб) ...




...еб қирқ шаҳрига бордилар. Ул манзилда туруб туш...




...ойил бўлуб келдилар. Ясси эшитиб, пешбоз келдилар.




Соврон халқи баъзиси тарсон эрди. ...




... солор чобқун юбордилар Баттол Ғозий (Жаъфар ибн Хусайн) нинг зурриётинин...




...м қаблан (олдинроқ) келиб турур бу хабарни ташноқ Суюр чиён халқи эшитти....




...б черик бирла Саврон устига юруш қилдилар. Яна хабар юбордилар. Исҳоқбоб ...



... сунлар йўқ эрса хароб бўлур деб хабар келди. Амир со...




... қилдилар. Исҳоқбобга хабар келди иймонга даъват қилсунлар. ...







... ўнг Сойрам шаҳрини устига йўртабердилар. Сойрам халқига хабар борди. ...




... бирла иймонга даъват қилғоли келур эрмиш деб. Булар ...




№ 2 ... бўлмоқ керак дедилар жамиъ саҳобалар келиб шаҳар қадоғига (четига) тушдилар ...




...(То)шканд халқи келиб бир қўлда, ҳар сўзда табъийят қилдилар. ...




...илар. Аммо ҳазрат Умар замонинда ул шаҳарда Ўтамиш деган




...б Аббосни захмдор қилиб эрди. Саҳобалар ўн бир кун тўқуш ...




...лар. Андин ўтуб бўйрул бирла, бақир бирла тўқмакон (Тақламакон) бордилар ...




...ш Бўйра шаҳрига, Темур қоғқон шаҳрига элчи юбордилар, иймонга ...




... Кўроғот Темур қоғқон шаҳрига киши юборди. Лашкар келсун ...




...сманни вайрон қилур эрмиш, лашкар келсун тўқуш қилурман. Мадина...




...га тўқуш қилмағаймиз уч кун лашкар келди. Тарсолар жамъ бўлдилар....




... бир ўзим Исҳоқ манга эрта рухсат беринг тарсо бирла тўқуш ...




...либ бордилар. Тарсоларни ғорат қилдилар, қиличларин қон қилиб етти жароҳат...




...дим. Абдужалил эй Абдужаббор агар Худованд таъоло бизга бу шаҳарни ғато қилса ...




...ў олмоқ суннат. Асҳоб авлоди Пайгамбар турур. Авлиё Қорахон расм турур ...




...жат бирла тўқушқа кирдилар. Эrsa Шохимардон ўнг қўлидин ..




... бердилар. Шохимардон отин, силоҳин бериб ўзлари ғойиб бўлдилар ..




...саттор айдилар бобомиз Шохимардонни силоҳлари турур саҳобалар бағишлар...




...ни Худо берса ушбу шаҳарни хони бўлғайсиз деб дуо қилдилар. Шох Абдусаттор ...




№ 3...илар бу сабабдин авлиё Қорахон атамилар. Зоҳу зодига дуо ...




... Исҳоқбобга бизни устимиздин боринглар бизга аҳду паймон беринглар




.... етар дедилар. Исҳоқбоб айдилар ё биродарим Абдужалил ё Абдужаббор




...лар маслаҳат на турур. Жамиъ саҳобалар айдилар ажибу хўб турур Зоннуун ...




... ёрон биродарлар бу кофир бирла тўқуш қилмоқ керак тахму тухмини қурутмоқ керак ...




...ларга бисёр гулгула тушти ҳийласи ярамади. Кофирлар беҳад паришон ...




... авлиёни берсунлар табъийят қилолинг ва иймон ғарза қилолинг ..




... ваъдалар қилиб юбордилар. Эrsa саҳобалар жамиъи маслаҳати бирла ...




...б Темур тўғқон Ўшбўро Қуроғот шаҳрини мусулмон қилдилар. .




... Абдурахимбобнинг жамиъ ёронларин бориб кўрсак деб орзу қилдилар ...




№ 4... Маслаҳатда эрдилар Абдурахимбобнинг лашкаридин хабар келди Косон тарсолари қочуруб қириб турур деб. Исҳоқбоб




... бирла тор деган кўҳистондин ошиб туштиллар. Аммо Абдурахим боб Исқижбоб қотил топиб жамиъи асҳоби бирла қиргин ...




..иб эрдилар. Исқижбоб Кўҳистонга қочиб вафот топдилар. Хўжа Сафид Бурҳон саксон саҳоба бирла домина (тоғ чўққиси этаги)да вафот топдилар.




... халойиқ куно кун кўб хароб бўлуб эрдилар. Исҳоқбоб Косон устига қобсаб келиб туштиллар. Кўрсалар Абдурахим боб




...нғ лашкари қиргин топиб турур ва хароб бўлуб турур саҳоба йиғлаштиллар. Жамъ бўлуб маслаҳат қилдилар Бугро ибн Қамбарга киши юбордилар




...дан икки минг черик бирла Ўшбўйро шаҳрида қўюб эрдилар Шоҳи порсо Абдурахмон Маргинон кўҳистонида эрдилар.




Шоҳ порсо Маргинон кўҳистонида вафот топиб эрдилар Исҳоқ айдилар Ё биродарим Мочин(боб) дедилар Абдурахмон шоҳ порсо Маргинон




№5 Абдурахмон шоҳ Порсо ку Маргинон кўҳистонида эрмиш б(и)ўлгаймуким Абу Бакр ибн Умарни олиб шоҳ Абдурахмон лашкарин топингиз




... ҳолимизни айтсангизлар лашкарни бирла олиб Косон тарсолари бирла тўқуш қилсоқ армонимиз асло қолмағай дедилар.




Мочинбоб Абу Бакр ибн Умарни олиб Маргинонга бордилар. Абдурахмонбоб Маргинонга келиб иймонга даъват қилдилар. Мочин айдилар




Абдурахимбоб қиргин топиб турур Исҳоқбоб лоҳи лашкар бирла келдилар. Косон тарсоларин қобсаб туштиллар. Аммо Исқижбоб кўҳистон аро вафот тобмиш. Хўжа Сайфиддин Бурҳон саксон саҳоба бирла доминада вафот тобмиш. Бу хабарни Абдурахмонбоб эшитти.




Эрса яқосин йиртиб фарёд қилиб қўбтилар лоҳу лашкарга хабар бердилар. Маъози Жабалга айдилар Марғинон шаҳрида турғил иймонга даъват




қилгил деб. Шоҳ Мансур бирла Муози Жабал икковин қўйдилар. Ўн минг черикни Муози Жабал бирла қўйдилар. Ўзлари йигирма минг лашкар




бирла кеча-кундузда Касон устига бориб хаймаларини ти(к)лади. Ўн минг черик бирла Бузроҳон келдилар. Касонни қобсаб




туштилар. Қирқ кун тўқуш қилдилар тарсолар хароб бўлдилар, иймонга инқиёд қилдилар. Абдурахмонбоб айдилар эй биродарим



Исҳоқ Абдурахимбобнинг устухонларин омонат қўюнг Мадинага олиб боргаймиз дедилар. Яна айдилар Ё биродарим Исҳоқ




биз ўттуз уч минг саҳоба бирла Суёғи Чўқрон шаҳрига борингиз. Олтмиш пора кетти бирла Чўқронни иймонга даъват қилинг.




Ўттуз уч минг саҳоба бирла Қошғару Ёркент вилоятига боргаймиз Инша Аллоҳу таъоло арвоҳи тоййиба мадади ёрий қилсалар иймонга




даъват қилгаймиз деб байъат қилиб йиғлаштилар. Исҳоқбоб ўттуз уч минг саҳоба бирла Суёғи Чўқронга равон




келдилар. Ўттуз уч минг саҳоба бирла Абдурахмонбоб машриққа равон бўлдилар. Бориб Қошқарк Ёркентни Суёғи Чўқронга иймонга даъват




қилиб Абдурахмонбоб ўзлари қайтиб келиб Қараганийга деган қария (қишлоқ)да интиқол (вафот) топдилар. Устухонларин омонат




олиб Шомот (Шоҳимот) шаҳрига олиб бордилар. Шоҳ Мансур, Маъози Жабал, Абу Бакр ибн Умар чанд саҳоба бирла Марғилон шаҳрида қолдилар хўжаи Бурҳон




саксон саҳоба бирла Касон юртида қолдилар Исқижбоб кўҳистонида қолдилар. Суёғизга боргон  
Исқоқбоб орқа қолдилар



... қирғин тобқон саҳобаларни уч тўғ қилиб туфроқ торттилар.  
Мочинбоб, Қарғабоб Туркистонда қолдилар қолгон саҳобалар




келиб хўжандда шаҳар ва қишладилар. Ёз чиққондин лоҳи лашкар бирла Ўра тўфага қобсай  
туштилар олти ой уруш қилиб тарсоларни




№6 хароб қилиб иймонга даъват қилдилар охир замон бўлса Ўратўфани бўри хароб қилгай, деб  
дуо қилдилар.


Ўшал асрда Исқоқ – Арслонбоб





машириқта Сакистон деган ерда асқоб ул-Ғуюбидин ((Ғўбдин номида ҳозирги Самарқанд  
вилояти Булунгур тумани Ғўбдин Қишлоқ Фуқаролар Йигини мавжуд?!)) Ғоиб эран – авлиё  
кишилардан) хўжа Аҳмад Яссавийни хабарини сўрар эрдилар. Бу тарих сўнг уч юз




олтмиш йилдин сўнг хўжа Аҳмад Яссавийни топтилар. Туркистон шаҳрида омонатин  
топшируб Ўтрор деган ерда набираси




Мочинбоб Қарғабоб икковининг орасида жой топтилар. Арслонбоб анда қолдилар. Бу  
сифатлар бирла Исломошкора




№7 бўлмиш эрди. Ул тарих ошкора Исломга (бул аввалги тарих) тўққуз юз уч кам олтмиш йил  
бўлмиш (милодий ? ёки ҳижрий ? 1237 йил) дерлар, валлоҳу аълам биссаваб. (Қуйида Занги бобо  
шажараси)




№1. Дар баёни насаби Арслонбоб Дар баёни насаби Арслонбоб аларни ўғлилари Шайх Мансур  
аларни ўғлилари Абдулмалик хўжа аларни ўғиллари Тожхўжа аларнинг ўғли Ойхўжа (бу –)




№2. Қутб ул-ақтоб Шоҳи Занги бобо раҳматуллоҳи алайҳи қуддусаҳу сирраҳу ал-азиз. Аларнинг  
бир қизлари




№3. бор эрди Биби Қорасоч Ойим асли отлари Ойижон Ойим эрди. Аларнинг олти фарзандлари бор эрди: 1.Мавлоно




№4. Қутбиддин чаҳордахум. 2. Сайид Абдурахмон Оли байт (оиласи) эрдилар, 3. мавлоно Муҳаммад дарвеш дар зикри насабномаи Миролим, 4. Мавлоно Мирабдуллоҳ




№5. ва 5. Муҳаммад Мирҳакимхўжа, 6. Абдуллоҳхўжа ва аларнинг қизлари Биби Зулайхо, Биби Ёанбар. Дар зикри насабномаи мавлоно




№5 Миролим, оталарининг отлари Муҳаммад дарвеш Оналарининг отлари Биби Зайнаб. 1. Аларнинг ўғиллари Амир Хусайн




№6 содот, 2. Аларнинг ўғиллари мавлоно Миролим. 3. мавлоноларнинг ўғиллари мавлоно Мирдарвиш. 4. Аларнинг




№7. ўғиллари мавлоно Бобохўжа. 5. аларнинг ўғиллари мавлоно хўжа Муҳаммад Маълум. 6. аларнинг ўғли Абдулваҳҳоб Ваҳҳобхўжа.



№8. 7. аларнинг ўғли Абдурахимхўжа. 8. аларнинг ўғли Ҳожихўжа 9. аларнинг ўғли Сайид Мирнадирхўжа. 10. аларнинг ўғли Ҳожихўжа Нажиб.



№9. 11. Аларнинг ўғли Боқихўжа, 12. аларнинг ўғли Муҳаммадамин хўжа, 13. аларнинг ўғли Бўрихўжа, 14. аларнинг ўғли Неъматуллоҳхўжа 15. аларнинг ўғли .....хўжа, Тамом 15 та муҳр:





\*\*\*

Мазкур Занги бобо шажараси асосида минг йиллар олдинги тарихий даврларда бугунги осудалик кунларимизни орзу қилиб кетганлар ва замонамизда мавжуд тарихий шахслар имаълумотлари, жой номлари, халқ, аҳоли, миллат номлари ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Жумладан улар: Шахс номлари: Абдурахимбоб, Исҳоқ (боб), Баттол Ғозий (Жаъфар ибн Ҳусайн), ҳазрат Умар, Ясси, Ўтамиш, Аббос, Абдужалил, Абдужаббор, Мадина, Худованд таъоло, Шоҳимардон, Авлиё Қорахон, Шоҳимардон отин, Асҳоб авлоди Пайғамбар, Шоҳ Абдусаттор, Хўжа Сафид Бурҳон, Буғро ибн Қамбар, Шоҳи порсо Абдурахмон, Шоҳ порсо, Абу Бакр ибн Умар, шоҳ Абдурахмон, Маъози Жабал, Шоҳ Мансур, Буғрохон, хўжа Аҳмад Яссавий, Арслонбоб, Шайх Мансур, Абдулмалик хўжа, Тожхўжа, Ойхўжа, Қутб ул-ақтоб Шоҳи Занги бобо, Биби Қорасоч Ойим асли отлари Ойижон (Соч биби) Ойим, Мавлоно Қутбиддин чаҳордахум, Сайид Абдурахмон, Оли байт (оиласи), мавлоно Муҳаммад дарвеш, насабномаи Миролим, Мавлоно Мирабдуллоҳ, Муҳаммад Мирҳакимхўжа, Абдуллоҳхўжа, қизлари Биби Зулайхо, Биби Ёанбар, Муҳаммад дарвеш Оналари, отлари Биби Зайнаб, ўғиллари Амир Ҳусайн, мавлоно Миролим, мавлоно Мирдарвиш, мавлоно Бобохўжа, мавлоно хўжа Муҳаммад Маълум, Абдулваҳҳоб Ваҳҳобхўжа, ўғли Абдурахимхўжа, ўғли Ҳожихўжа, ўғли Боқихўжа, ўғли Муҳаммадамин хўжа, ўғли Бўрихўжа (Борийхўжа), ўғли Неъматуллоҳхўжа, Тамом 15 та муҳр; Жой номлари: Анҳори Жўйборий, Жиззах, Жонкат, Саврон, Темур қофқон, Сойрам, ... (То)шканд, Бўйра шаҳри, Темур қофқон шаҳри, Ўшбўйро, Қуроғот шаҳри, Мадина,

Кўҳистон, Марғинон кўҳистони, Марғинон шаҳри, Суёғи Чўқрон, Қарағанийя, Шомот (Шоҳимот) шаҳри, Исқижбоб кўҳистони, Мочинбоб, Қарғабоб, Ўратўфа, Туркистон, Сакистон, Туркистон шаҳри;

Халқ, аҳоли миллат номлари: Тарсо, Сафид, Хиваки, Соврон халқи, Суюр чиён халқи, Тарсолар, Қўроғот, Косон тарсолари, Кофирлар, насабномаи Миролим...

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. З.И.Мунавваров., Жўраев. З.М. Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-вилаёт ад-динийя” асари – мусулмон Шарқи давлатчилигига оид муҳим манба. // Ўзбекистон халқаро ислом академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2018. №1. – Б. 15 – 19.
2. Абулҳасан ал-Мовардий. Ал-аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 7228/1. – 107 varaқ;
3. Абулҳасан ал-Мовардий. Ал-аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси қўлёзмаси, № 63. – 186 varaқ;
4. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Сулук ал-мулук. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №10976. – 276 varaқ.
5. Al-Mawardi Abu 'l-Hasan. Al-Ahkam as-sultaniyya wa-'l-wilayat ad-diniyya. – Misr: Sharika

- maktaba wa matba'at Mustafa al-Babiy al-Halabiy, 1966.
6. الأحكام السلطانية والولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي) ت. 450. تحقيقه دكتور أحمد ميار كالبغدادي. جامعة الكويت. قسم العلوم السياسية. الناشر مكتبة دار ابن قتيبة. موفاردий. الكويت. 1989. ص. 390. Аҳком. – Кувайт, 1989. – Б. 390.
7. الأحكام السلطانية والولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي) ت. 450. هالناشر مكتبة الدار الكتاب العلمية بيروت-لبنان. م. 327 ص 1992.
8. Ebu'l-Hasan Habib el-Ma'ver'di. El-Ahka'mu's-Sultaniye/Ceviren:AliShafak. – Istanbul: Bedir Yayinevi, 1994. – S.504.
9. Abu'l-Hasan al-Mawardi. Al-ahkam as-sultaniyyah. Introduction to «The Ordinances of Government», trans., Wafaa H. Wahaba (Lebanon: Garnet Publishing, 1996), xv.
10. www.KitobSunnat.com. الأحكام السلطانية والولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي) ت. 450. (– 416
11. Ahkam-e Sultani Offentliches Rect im Islam von Mawardi//Prof. Mohammad Taghi Daeshpajouh, Persische 11.Ubersetzung von Hosseini-e Shafe'ii im 10. Jahrhundert (Hedschra) Manuskript bearbeitet und her ausgegeben von M.T.Daneshpajuh-Tschangiz Pahlavan. Blatter fur Kultur und Gesellschaft (3). Munster.– 2002. April. – 150 p. ماورديا لاحكام السلطانيماوردي (ترجمه) علي بن محمد بن حبيب/علي بن حبيب الماوردي: قوام الدين يوسف بن حنين حنين حنين شافعي. – مونستر. ألمان. 2002/1381 فروردين:
12. Жўраев З.М. Мовардийнинг Шарқ давлатчилиги таълимоти (“Ал-Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари давлатчилиги тарихига оид муҳим манба (X–XI асрлар)”. (Тошкентдаги ЎЗР ФАШИ (Р.№ 7228/1) ва ЎзМК кутубхоналари (Пв. № 63 рақамлари остидаги) алоҳида қимматга эга ва нодир қўлёзмалари асосида)). – Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси. 2015. – 310 б.
13. Juraev Z.M. “Al-Mavardi “The work “Al-Ahkam as-sultoniyya” of al-Mowardiy an important source on the history of state governing of the muslim east (XI century)”. 24.00.01 – History of Islam and study of sources. The scientific adviser – s.f.d.professor Z.M.Munavvarov. – Tashkent. 2019. 28.08. – 165 p. 210 p. Research is in print.
14. Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович. Ал-Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср). DSc.26.04.2018.ISL/TAR.57.01. Ихтисослик: 24. 00. 01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Илмий раҳбар: с.ф.д., профессор. Мунавваров З.И. II Боб. “Ал-Аҳком ас-султонийя” асарининг манбашунослик тавсифи. 2. 3. “Ал-Аҳком ас-султонийя” асари манбалари таҳлили. – Б. 78. – 165 б.
15. Абулҳасан Мовардий. “Ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя”/ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси Р. № 7228/1. – В. 1–107. 1., 2., 3., 4., 5., 6. иловага қаранг. АНн Ўз. МК қўлёзмаси Пв. № 63;ТИУК № 100.



- (Ўз Р ФА ШИ Р. № 7228/1 қўлёзмаси таркибидаги нуқсонликка учраган боб ва фасллар Абулҳасан Мовардийнинг “Ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” Анн ЎзМК Пв. № 63 қўлёзмаси бўйича таққосланди).
16. Жўраев З.М. Ал-Мовардийнинг “Ал-аҳком ас-султонийа...” асарида адлия ва давлат бошқарувига оид масалалар. Ҳуқуқ, Право, Law, – Тошкент, 2003. № 4. – Б. 61 – 63.
17. Жўраев З.М. Ўрта асрлар давлатчилигида қозилик. Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. №4. –Б. 8 – 9.
18. Жўраев З.М. Қозилик сифатлари машҳур қози талқинида. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг ахборотномаси. – Тошкент, 2005. №1. –Б.45- 47.
19. Жўраев З.М. Ал-Мовардий ва унинг илмий мероси: Адаб-уд-дунё вад-дин. ЎзМУ Ёш олимлар Кенгаши. Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами (тарих, ижтимоий-сиёсий фанлар, фалсафа). – Тошкент, 2005. –Б. 36 – 41.
20. Жўраев З.М. Дин ва дунё адаби ҳақидаги асар. Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2003. №8. – Б.52 – 60.
21. Жўраев З.М. Ўрта асрлар Шарқ давлатчилигига оид муҳим тарихий манбалардамолия ва иқтисодмасаласи: закот ва унинг ҳал этилиши. ЎзМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали. – Тошкент. 2015. № 4. – Б. 44 – 52.
22. Juraev Z.M. UNESCO Memory of the World Training Workshop in the Asia Region. Bishkek, Kyrgyzstan 17 – 20 September 2014. Nomination 8 Republic of Uzbekistan UNESCO MOW Training Workshop in the Asia Region Bishkek, Kyrgyzstan, 17th - 20th September, 2014 Nomination form International Memory of the World Register MAWARDI'S “AHKOM” MANUSCRIPT. – 195 – 210 PP.
23. Dzhuraev Z.M. Analysis of Mavardi's work “Ahkom” as doctrines of governing a state from the political, social and legal point of view. International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. International Academy of Theoretical & Applied Sciences Technology and Science. February 28, 2017. – Philadelphia, USA. ISSN 2308 – 4944; ISSN 2409 – 0085. N 02 (46) 2017. SOI: 1.1/TAS. DOI: 10.15863/TAS. E-mail: T-Science@mail.ru Editorial office: http://T-Science.org phone:+777727-60681 Impact Factor ICV = 6,630, Impact Factor ISI = 0.829. based on International Citation Report (ICR). – P.194– 201.
24. Curayev Z. M. “El-Ahkamu's-sultaniyye”nin Tashkent nushasi. Turk Dunyasi Arashtirmalari.– Turkiya, jurnal. Haziran 2001. Sayi: № 132.5.000.000. nusxa. –Б. 233 – 235.
25. Жўраев З.М. Мовардийнинг Шарқ давлат бошқаруви сиёсий – ҳуқуқий таълимоти – “Аҳком” асарининг ўрганилиши. Жамият ва бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси. – Тошкент. 2013. № 1. 113 – 121 б.
26. Жўраев З.М. Шарқ-мусулмон давлатчилиги ва ҳуқуқшунослигига оид тарихий манбаларда сайлов таълимоти (X – XI асрлар). Ижтимоий фикр. –

- Тошкент. ж.2014.№ 1. – Б. 104 – 114.
27. Жўраев З.М. Ўзбекистоннинг ўрта асрлар давлатчилиги тарихига оид муҳим манба: “Ал-Аҳком-ус-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” ва “Сулук-ул-мулук”. ЎЗМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали. – Тошкент. 2011. № 4/1. – Б.145 – 148. 28.Жўраев З.М. Ўзбекистон давлатчилиги ўрта асрлар тарихига оид муҳим манбалардан бири Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Сулук-ул-мулук” асари ва қиёсий таҳлил учун Мовардийнинг “Аҳком” асари. ЎЗМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали. – Тошкент. 2011. № 4/1. – Б.149 – 153.
28. JURAEV Z.M.Classification of world manuscripts source study of Mavardi product “Ahkom” general characteristic of thesis. // “Turkiya va O’zbekiston o’rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani.– Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating Silkroad: past, present and future of turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpek yolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul. July 2019.1ST Edition Istanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – P. 195- 199. ISBN:
29. JURAEV Z.M. The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product «al-Ahkom-as-sultoniya-va-l-valoyot ad-diniya». // “Turkiya va O’zbekiston o’rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani. – Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating silkroad: past, Present and future of Turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpekyolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul July 2019. 1ST Edition Istanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – 224-232.
30. Жўраев З.М. Абулҳасан ал-Мовардийнинг салтанат бошқарув таълимоти: “ал-Аҳком ас-Султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари. //Паёми донишкада/Махзани илм. Вестник института. Herald of ibstitute. Нашри махсусСпециальный выпуск/Special edition. 2019 N 2.– Б. 142– 147. Вазорати маориф ва илми Чумҳурии Тоҷикистон Донишкадаи омўзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. МАВОДИ: анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ бахшида ба Соли рушди деҳот, сайёҳӣ ва ҳунарҳои мардумӣ, ҳамчунин барномаи Даҳсолаи байналмилалии амал, Об барои рушди устувор, барои солҳои 2018-2028’, Масоили мубрами илмҳои педагогӣ, иҷтимоӣ-гумнитарӣ ва фанҳои дақиқ дар замони муосир’, 6-10 июли соли 2019 дар Донишкадаи омўзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент.
31. Жўраев З.М., О.Масалиева. Туркистон ва Қорачиққишлоғидан етишиб чиққан Аллоҳнинг дўстлари

- шажараси таҳлили.//CollectionofmaterialsInternationalScientificConference “Karachik – a city with an ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 69-81.
32. Жўраев З.М. Ўн бир Аҳмад зиёратгоҳи ва муҳри ҳамда ғалаба байроғи.//Collection ofmaterials International Scientific Conference “Karachik – a city with an ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 101-108.
33. Жўраев З.М., М.Хўжаев Хўжа Аҳмад Яссавийнинг авлоди “Қутб-ул-ақтоб” шоҳи Занги бобонинг насабномаси. //Collection ofmaterials International Scientific Conference “Karachik – a city with an ancient history” 19 october 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. –Б. 109-115.
34. З.И.Мунавваров., Жўраев. З.М. Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-вилаёт ад-динийя” асари – мусулмон Шарқи давлатчилигига оид муҳим манба. // Ўзбекистон халқаро ислом академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2018. №1. – Б. 15 – 19.
35. SCOPUS. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. AL-ANKOM AS-SULTONIYYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYYA IN SOURCE CLASSIFICATION OF WORLD MANUSCRIPTS STUDY OF ABULHASAN MAVARDI PRODUCT. – 438-450 bb.
36. International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, Senior teacher of the department “The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization juraev741@mail.ru11, A.Kadiri. Tashkent, 100011, Uzbekistan. Acting associate professor of the Department "Source studies and archival studies" of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Received: 21.11.2019 Revised: 19.12.2019 Accepted: 17.01.2020.© 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>.<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>.<http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>.
37. SCOPUS Masalievna Oltinoy Masalievna Doctor of philosophy, associate professor, Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan.
38. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich Doctor of philosophy, associate professor, National university of Uzbekistan after named Mirzo Ulugbek Address: Uzbekistan, Tashkent, Yunusabad 11/52/25 Email: [masaliyevaoltinoy@gmail.com](mailto:masaliyevaoltinoy@gmail.com). The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources.
39. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811.
40. Article Info Volume 83 Page Number: 1803 - 1811 Publication Issue: March - April 2020.
41. Article History Article Received: 24 July 2019 Revised: 12 September 2019 Accepted: 15 February 2020 Publication: 16 March 2020.

- Published by: The Mattingley Publishing Co., Inc.
42. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. The work “Al-Ahkom as-sultoniyya va-l-valoyat ad-diniyya” of Movardiy X-XI centuries. – LAPLAMBERT Academic Publishing. Cover image: [www.ingimage.com](http://www.ingimage.com) ISBN: 978-620-2-51928-1 2020 Copyright International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Pulishing Group. 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Maurits. -169 p.
43. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalieva Masalieva Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5. 525 OCLC-1121105668editor@usajournalshub.com [www.usajournalshub.com/index.php/tajsseiSJIF](http://www.usajournalshub.com/index.php/tajsseiSJIF) 2020: 5.525ISSN: 2689-100XCrossref The USA Journals Volume 02 Issue 12-2020 43
44. Масалиева Олтиной Масалиевна. Бухорохонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари. Некоториые аспекты источниковедения история Бухарского ханства. MasalievaOltinoyMasalieva. UzbekstateworldlanguagesuniversityAssociateprofessor, doctoroffilosofy (PhD)ю SOME ASPECTS OF SOURCE STUDY THE HISTORY OF BUKHARA KHANTIAN.// Ўтмишга назар/Взгляд в прошлое / Looktothepast<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-6> 1/2019-38-43 стр.
45. International Journal of Research ISSN: 2348-6848 Vol-6, Special Issue-5 3 rdEduINDEX International Multidisciplinary Conferenceheld on6-7th April 2019 at Edupedia Publications Pvt Ltd, New Delhi Available at <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> Page | 210 MUHAMMAD SHARIF SADRI ZIYA AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE Masalieva Oltinoy Masalieva Doctor of philosophy Associate professor Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan. <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> -210- 213 в.
46. LES LIEUX DE PÈLERINAGE DE L’OUZBÉKISTAN. Auteurs: Chef du projet docteur en Science de l’Université Nationale de l’Ouzbékistan Raima Shirinova Docteur en histoire de l’Université des langues du monde de Tachkent Oltinoy Masaleva. ISBN: 978-9943-5785-4-8 ©"INFO CAPITAL GROUP" LLC. – 89 b.
47. Masalieva Oltinoy Masalieva. History Research Journal. Research Journal ISSN: 0976-5425 Vol-5-Issue-5-September-October-2019 Page | 20 Copyright © 2019 Authors The role of Sh.H.Vohidov, the scientist in the historiography,

- in the emirate of Bukhara./ Candidate of Historical Sciences, Associate Professor Uzbek State World Languages University Department of Uzbekistan History. Copyright © 2019 Authors. – 20-25 b.
48. МасалиеваОлтинойМасалиевна. БУХОРОХОНЛИГИТАРИХИНИЁРИТИШДАСОВЕТМАФКУРАСИНИНГТАЪСИРИ.  
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-7>  
тарихфанлариномзоди,  
доцентЎзбекистондавлатжаҳонт  
иллариуниверситети. / THE  
INFLUENCE OF THE SOVIET  
IDEOLOGY IN COVERING THE  
HISTORY OF THE BUKHARAN  
KHANATE  
MasalievaOltinoyMasalievna  
Associate Professor, PhD, Uzbek  
State University of World  
Languages. – 66-74 b.
49. Dr.Masalieva Oltinoy Masalievna. Local historiography of Bukhara Emirate. HIMALAYAN AND CENTRAL ASIAN STUDIES. (JOURNAL OF HIMALAYAN RESEARCH AND CULTURAL FOUNDATION) NGO in Special Consultative Status with ECOSOC, United Nations. Vol. 21 No. 4 October-December 2017.ISSN 0971-9318. Himalayan and Central Asian Studies Vol. 21, No. 4, Oct.-Dec. 2017 -39-52 b.
50. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalievna Masalieva Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages,  
Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: [https://doi.org/10.37547/tajssei/Vol ume02Issue12-09](https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09). IMPACT FACTOR 2020: 5. 525 OCLC - 1121105668. Journal Website: [http://usajournalshub.c om/index.php/tajssei](http://usajournalshub.com/index.php/tajssei). Copyright: Original content from this work may be used under the terms of the creative commons attributes 4.0 licence.
51. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
52. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
53. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
54. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
55. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
56. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL

57. INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.  
LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word

stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ТЕРМИЗ ШАҲРИ НОМИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ БОРАСИДА

ЖАЛОЛИДДИН ЗАЙНИЕВИЧ МИРЗАЕВ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТМАРКАЗИ  
ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМИ

### АННОТАЦИЯ

Термиз-Сурхондарё вилоятининг маркази, Ўзбекистоннинг қадим замонлардан ўзининг шакл-шамоиллариини сақлаб қолган шаҳарларидан биридир. У Марказий Осиёнинг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида турли жойларга кўчиб юривчи шаҳарлари жумласига киради. Бинобарин, Термиз деганда турли қисмлари Амударё ва Сурхондарё оралиғидаги, шимолда Каттақум билан чегараланган учбурчак шаклдаги кенг ҳудудга ёйилган қурама шаҳарни тушуниш керак. Бундай қурамалик Марказий Осиё шаҳарларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар урушлар, иқтисодий инқироз туфайли ёки сув танқислиги оқибатида бир жойдан иккинчи жойга кўчишган.

### КИРИШ

Термиз қадимги Бақтриянинг қоқ марказида, тарихнинг афсонавий даврларида Ўқуз номи билан юритиладиган Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бундан бир неча минг йиллар аввал дарёнинг иккала қирғоғида Бақтрия цивилизацияси шаклланди ва у кейинчалик Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро қоришмасини вужудга келтирди. Юнон анъанасида “минг шаҳарли мамлакат” номини олган Бақтриянинг кўпчилик шаҳарлари тарих чархпалагида ўтмишда мангулик қаърига равона бўлдилар. Айрим масканлар эса тарих чиғириқларидан ўтиб, замонавий шаҳарларга айланишди. Улар орасида, тарих Термизга бошқа Бақтрия шаҳарларидан кўра кўпроқ марҳамат кўрсатди. У ўзининг аҳамиятини қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам, янги замонда ҳам сақлаб қолди. Мустақиллик йилларида эса Термиз тараққиётининг янги босқичига

ўтаётган Ўзбекистоннинг жанубий дарвозасига айланди.

Шаҳарнинг асосчилари зийраклик кўрсатиб, Ҳиндистон ва Марказий Осиёни боғлаб турувчи энг қулай йўлнинг Амударё кечувида манзилгоҳ учун жой танлашган. Кейинчалик Термиз вужудга келган жойнинг табиати бой бўлган: дарё тўла балиқ, тўқайда турли ҳайвон ва паррандаларни учратиш мумкин бўлган. Ён атрофда деҳқончилик учун яроқли унумдор ерлар ястаниб ётган. Афтидан шу омиллар тош давриданоқ бўлажак шаҳар теварагида одамлар келиб ўрнашиши учун сабаб бўлган бўлиши керак. Тош даврига оид топилмалар, мазкур даврданоқ Амударё бўйларида одамлар яшаганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Лекин ўша даврга оид маданий қатламлар сақланмаган, улар кейинги даврлардаги бунёдкорлик натижасида вайрон бўлган бўлиши мумкин[1]. Умуман, қадимий одам маскани

Тешиктош Ғори, илк санъат намунаси Зараутсой расмлари, энг қадимги пахса ва хом ғишдан қурилган қишлоқларнинг қолдиқлари топилган ҳудудда илк шаҳар маданияти шаклланиши тараққиёт жараёнининг мантиқий натижасидир. Шаҳарларнинг ривожланиши ўзаро узвий боғланган босқичлардан иборат. Дастлаб, ҳудудда шаҳар монанд маскан Сополитепа ёдгорлигининг тарихий давомчиси Жарқўтонда милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида том маънодаги илк шаҳар вужудга келади. Унда, ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли масканида алоҳида ажратилган арк ва шаҳар, мудрофаа деворлари, саждагоҳ ва қароргоҳ, ҳунармандчиликнинг турли тармоқларига ихтисослашган устахоналар мавжуд бўлган. Кейинчалик, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида ҳозирги Сурхондарё ҳудудида Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хаитободтепа сингари қадимги шаҳарлар пайдо бўлади. Нихоят, милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Термиз ва Далварзин шаҳарлари шаклланади. Ўша даврда, бундан 2500 йил аввал Шимолий Бақтрияда тоғ олди минтақасининг аҳолиси катта дарёларнинг водийларига кўча бошладилар. Натижада Амударё бўйларида аҳоли манзилгоҳлари кўпайди. Уларнинг бири ҳозирги Термизнинг қоқ марказида, Термиз Давлат университетининг янги биноси атрофида бўлган. Шундай манзилгоҳлардан яна бири, дарё соҳилида ястаниб ётган табиий қумлоқ тепалиқда, бўлажак шаҳарнинг ўрнида пайдо бўлган. Археологик топилмаларга кўра аҳоли деҳқончилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланган. Аҳоли маскани йириклашгани сари Амударёнинг икки соҳили ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб борган, кечувнинг аҳамияти ўсган сари, бу омил унинг ҳаётида белгиловчи бўлиб қолган. Шу тариқа Термиз ўз тарихининг дастлабки даврлариданоқ муҳим Амударё кечувини, ҳалқаро савдо йўлини кўриқловчи қалъа вазифасини ўтай бошлади. Шаҳарнинг

стратегик жойлашуви унинг турмуш тарзини белгилаб берди. Буюк Ипак йўлининг шаклланиши билан Термиз унинг таркибидаги муҳим занжирга айланади.

Милоддан аввалги II асрдан ҳудудда давлатчилик рамзи сифатида ой тимсоли устиворлик қилади. Термиз тарихида турли туман эътиқодларнинг, масалан, оташпарастлик, христианлик, яҳудийлик изларини кузатиш мумкин. Лекин, Буюк Кушон подшоси Канишка даврдан бошлаб Термиз мафкуравий марказ вазифасини бажариб, Марказий Осиёда биринчи навбатда буддизм таълимотининг асосий таянчи бўлиб қолади. Бу ердан Будда динининг даъватчилари, унинг таълимотини ён-атрофга ҳам, Хитой ва Тибет ўлкаларида ҳам ёйилиши учун хизмат қиладилар. “Термиз ноғаралар ва найлар садосида қурилган”, дерди қадимгилар. Ўрта аср одами учун ҳам, замондошимиз учун ҳамбу ибора ҳеч нарсани англамайди. Бироқ минтақанинг қадимги аҳолиси эътиқодида устиворлик қилганбуддавийлар учун бу энг эҳтиромли мезондир. Буддавийлик ақидалари инсонни нирванага, яъни маънавий қайта туғилиш сари етаклар экан, айтиш мумкинки, милоднинг биринчи асрлариданоқ Термизда комил инсон орзуси шаҳар ғоявий муҳитида устиворлик қила бошлаган.

Ислом таълимоти ёйилиши натижасида юзага келган аънавий янгиланиш жамият ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Аввалига бу ўзгаришлар Шарқ сиёсий харитасида, кейинчалик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Термиз тузилиш жиҳатидан ҳам, ғоявий жаҳатдан ҳам ўзгаради. Шаҳар маркази қалъадан масжидга кўчади. Унинг янги қисми работ-савдо ва ҳунармандчилик маркази пайдо бўлади. Термизда шундай ижодий ва ғоявий муҳит шаклландики, у улкан салоҳиятли алломалар етишиб чиқадиган масканга айланади. Жумладан, Имом Термизий ва Муҳаммад Ҳаким Термизий, Саййид Бурҳониддин Термизий, Саййид Али Шоҳ Термизий каби алломалар бутун мусулмон



дунёсида ном қозониб, ислом маънавиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ўзининг муҳим мафкуравий марказ аҳамиятини Термиз ўрта асрлар давомида ҳам сақлаб қолди.

Термизга берилган “Ҳазрати Термиз” таҳаллуси унинг турмуш тарзидан, мавқеъидан келиб чиқади. У ислом дунёсининг гуллаб яшнаётган ғоявий марказларидан бирига айланади. Термизлик энг машҳур шоир Адиб Собир Термизий Термизни ўша даврнинг равнақ топган шаҳарлари бўлган Боғдод ва Кархҳамда цивилизация тарихидаги энг машҳур қадимги марказлар – Бобил ва Миср билан қиёслайди. Шаҳар ҳаётининг юксак тараққиётининг намунаси сифатида Термизда XI асрда Ғазнавийлар даврида Амударё устидан қурилган кўприкни, XII асрда саййидлар нақиб ва шаҳар ҳокими Абул Қосим Саййид Мажидиддин томонидан қурилган расадхонани ва Термиз ҳокимлари саройини келтириш мумкин.

Шундай шону-шавкатли ҳаёт муғуллар истеълоси натижасида вақтинча барҳам топиб, вайрон бўлган Термиз XIII аср мобайнида янги жойда қаддини тиклаб, янги “Мадинат ар-рижол” таҳаллуси билан юритила бошланади. Мазкур таҳаллуснинг келиб чиқиши тасаввуфнинг Термиздан чиққан энг машҳур намояндаси Муҳаммад Ҳаким Термизий номи билан боғлиқ ҳокимият жамоаси билан, унинг турли мақом ва даражаларига эга бўлган авлиёларнинг маҳфий тизими рижол ал-ғойиб билан боғлиқ. Ҳар ҳолда, ўрта асрларда шаҳарнинг гуллаб-яшнашини тараннум этган шоирлар, унинг муҳитини сўфийлар фаолияти билан чамбарчас боғлайди. Тасаввуф унинг сир-асрорларига шерик бўлганларга расмий эътиқод етиша олмайдиган саодатли мангуликни, Ҳаққа етишишни ваъда беради. Расмий оммавий эътиқоддан фарқли равишда тасаввуф алоҳида илоҳий аҳамият касб этади. У эътиқодга шахсий эркинлик ғоясини, инсон табиатини ўзгартириш, уни қайта дунёга

келтириб, илоҳий даражага етказишга даъвогарлик қилади.

XIV-XV асрлар шаҳар ҳаётининг энг юксак даври бўлди. Янги Термиз эски шаҳардан майдони жиҳатидан тўрт баробар катта эди. Дунёнинг кўплаб шаҳарларни кўрган испан элчиси Рью Гонсалес де Клавихо Термизнинг улкан ҳудудини кўриб ҳайратга тушган эди. Унинг учун Самарқанд подшолиги Термиздан бошланган.

Амир Темур ва унинг авлодлари даврида Марказий Осиё, минтақа тарихи тадқиқотчилари таъкидлаганидек, тараққиётининг энг юқори босқичини бошдан кечиради. Термизийлар эса темурийлар давлатининг сиёсий-ғоявий таянчларидан бирига айланишди. Амир Темур ўз давлатчилигининг рамзий тимсолларини ноғара ва туғни ҳам Саййид Барака қўлидан Термизда олган эди. Бу давр шаҳар маданиятининг ёрқин намуналарига архитектура ёдгорликлари билан бир қаторда, Термиздан чиққан энг машҳур рассом Мир Саййид Али ижодини ҳам кўрсатиш мумкин. У ўзининг ички дунёсини акс этувчи Жудой таҳаллуси билан шеърлар ёзган, чунки умрининг катта қисмини Ватандан йироқда, Ҳиндистонда ўтказишга мажбур бўлган. Темурийлардан кейин ҳокимият тепасига келган шайбонийлар даврида Термиз Қўнғирот улусининг марказига айланди. XVIII асрнинг ўрталаригача ўзининг мавқеини сақлаб турган Термиз, ўзаро урушлардан инқирозга учраб, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг истилоси натижасида умуман таназзулга юз тутди. Шаҳар ҳаёти тўхтаб, фақатгина унинг бир қисми бўлган Саловотда одамлар яшаб қолади. Мозийдаги шон-шўхратли саҳифалар ўтмишга айланади. “Термиз аҳолиси бетинчлик оқибатида ўзининг қадрдон шаҳрини ташлаб кетмоқда. Термиз жаҳаннамга ўтиш жойига айланди”, деб ёзган эди ўша давр тарихчиси. Айтиш жоизки, ўша пайтда Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида, жумладан, Бухоро ва Самарқандда ҳам шаҳар ҳаёти таназзулга юз тутди. Лекин, уларда шаҳар ҳаёти кўп

ўтмай тикланган бўлса, Термизда бу жараён фақатгина XX асрда рўй берди.

Мустақиллик йилларида Термиз, ўтмишдаги барча синовлар ва изтиробларга қарамай, ўзининг анънавий аҳамиятини сақлаб қолиб, ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Термиз ривожланаётган саноат ва қишлоқхўжалиги ҳудудининг маданий ва таълим марказига айланмоқда.

Ҳарқандай манзилгоҳнинг номи ҳудуднинг табиий - географик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўзида акс эттириша билан ажиралиб туради. Жой номларининг шаклланиш жараёни жамиятнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ, жойларга қандай ном бериш аввало жамиятнинг муайян босқичдаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Тарихий номлар кўп қиррали ва хилма-хил ахборот манбаи бўлиши билан бирга, кишилиқ жамияти учун зарур ва муҳим бўлган ижтимоий-сиёсий вазифани, яъни адреслик функциясини бажаради. Шу сабабдан ҳар қандай топоним инсон фаолиятининг маҳсули, у объектнинг номи сифатида ер юзининг маълум бир нуқтасида пайдо бўлган. Ҳар бир давр, тузум ўз мафкураси ва маънавияти, маданияти, ишлаб чиқариш тарзи, хўжалиқ фаолияти ва бошқа сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омилларга таяниб номлар мажмуини яратади ва айнан жой номларида кишилиқ жамияти тараққиётидаги давр руҳи, халқнинг турмуши ва маданияти билан боғлиқ турли хил воқеа-ҳодисалар муҳрланиб қолган.

Энг қадимги даврлардан Термиз номининг ўзаги ўзгармай келади. Фақатгина совет даврида шаҳарга Сталин номини беришга самарасиз уриниш бўлган[2]. Тарихан эса араблар шаҳарни, уларнинг алифбосида “е” ҳарфининг йўқлиги учун Тирмиз, форслар Тармуз ёки Тармад, хитойлар Тами ёки Талими, арманлар Дрмат, ҳиндлар Венумати атамалари билан юритишган. 1877 йилда австро-венгериялик олим В.Томашек Термиз номи санскрит тилида “taromaetho” - “дарёнинг нариги бетидagi манзилгоҳ” маъносини англатиши

тўғрисидаги мулоҳазани билдирди[3]. Ислom динининг ёйилиши жараёнида Термиз Амударёнинг шимолий томонидаги биринчи ислomий шаҳарга айланади. Афтидан, “Мовароуннаҳр” - “дарёнинг нариги томонидаги ер” атамаси, араблар томонидан Амударё ва Сирдарё оралиғига берилган ном, Термиз номининг кўчирмаси бўлиши мумкин[4].

Илм-фаннинг турли йўналишларида ижод этган устоз академик А.Р.Муҳаммаджонов Термиз шаҳри номининг келиб чиқиши борасида ҳамизланишлар олиб борган. 1995 йил 19-20 декабрь кунлари Термиздашаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган “Бақтрия – Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти” мавзусидаги конференцияда академик А.Р.Муҳаммаджонов “Термиз шаҳри номининг этимологияси хақида” маъруза қилади. Академик А.Р.Муҳаммаджоновнинг фикрича шаҳар номи “Тармит” ёки “Тармиш” шаклида талаффуз этилган. Термиз атамаси суғдча икки сўз “тар” ва “мит” сўзларидан ташкил топган. Бу топонимнинг иккинчи – “мит” бирикмаси, “мис” ёки “миз” шаклида ҳам учрайди. Тармит топонимининг биринчи бўғинидаги “тар” сўзи сув, дарё, анҳор, кўл ва ҳўл маъноларини, унинг иккинчи бўғинидаги “мит”, “мис”, “миз” сўзлари эса қалъа маъносини англатган[5]. Одамлар қадимдан ҳар қандай географик номни ўзича тушунтириб тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар, натижада халқано этимология шаклланади. Жумладан, Термиз номининг келаб чиқиши борасида ҳам бир қанча ривоятлар бор. Улардан бири Александр Македонский юришлари билан боғланади. У Бакрияни забт этиб, Сўғдга томон юришни бошлаганда, Амударёдан кечиб, Термизга келган. Ўша пайт ёзнингёз мавсумининг иссиқ, жазирама кунлари бўлган. Александр Македонский дарё соҳилидаги жойнинг ҳароратига чидай олмай бу ер “термос” – деган экан. Оқибатда манзилгоҳ Термиз номини олган экан. Мазкур талқин,

академик А.Р. Муҳаммадҷонов фикрича, халқ этимология маҳсулидир.

Термиз шаҳри номининг этимологияси хусусида академик А.Р. Муҳаммадҷонов, унинг асли номи “Тармит” ёки “дарё бўйи порти” маъноларини англатади деган хулосага келади[6].

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Термез. Древний и новый город на перекрестке великих дорог. Ташкент: “Шарқ”, 2001. С.24.
2. Жалолiddин Мирзо. Термиз тарихи. Тошкент: “Шарқ”, 2001. 23 б.
3. Tomaschek W. Zentralasiatische Studien I. Sogdiana // SPAW. Wien, 1877. Bd. LXXXVII.S.27(91).
4. Мирзаев Ж.З. Термез – первый мусульманский город Мавараннахра. Uzbekistan’s contribution to the development of Islamic civilization. Abstracts of the papers and addresses to the International Conference devoted to announcement of Tashkent as a capital of Islamic Culture for 2007 by the ISESCO.-Tashkent-Samarqand: Publishing Center oh al-Imam al-Bukhari, 2007. С.173-175.
5. Муҳаммадҷонов А. Р. Термиз шаҳри номининг этимологияси ҳақида // Бақтрия – Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг нашрию Самарқанд, 1995.65 бет.
6. Муҳаммадҷонов А. Р. Термиз шаҳри номининг этимологияси ҳақида //

- Бақтрия – Тоҳаристоннинг шаҳар маданияти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институтининг нашрию Самарқанд, 1995.65 бет.
7. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  8. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  9. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  10. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  11. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  12. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  13. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers’ word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## БАХМАЛ ТУМАНИ АҲОЛИСИНING ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ЖОЙЛАШУВИ БОРАСИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Д БАБАБЕКОВ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ, “АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ”  
КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Тоғ олди текисликлари ва тоғлардан иборат Бахмал тумани 1943 йил 8 - майда ташкил этилган (1957 й. 12 октябрда Ғаллаорол тумани билан бирлаштирилган эди, 1971 йил 31 авг.да қайта тузилди). Жанубий қисмида Туркистон тизмаси ва унинг шимолий-ғарбий тармоғи - Молгузар тоғлари орасидаги Сангзор водийсида жойлашган Бахмал тумани (майdonи 1,86 минг км<sup>2</sup>) Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманлари, Самарканд вилояти ва Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Аҳоли (91,8 минг киши) асосан 100 дан ортиқ катта - кичик қишлоқларни ўз ичига қамраб олган 10 та қишлоқ фуқаролари йиғини

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Барлос, Бахмал, Боғишамол, Гулбулоқ, Муғол, Ойқор, Оқтош, Сангзор, Тонготар, Узунбулоқ.

### КИРИШ

Ҳозирги вақтда Бахмал тумани аҳолиси асосан, ўзбеклар (92,4%) ҳисобланади. Шунингдек рус, қozoқ, тожик, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км<sup>2</sup> га ўртача 10 кишидан 25 кишигача тўғри келади. Қирғиз ва тожик аҳоли вакиллари асосан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаси этакларида яшашади.

Тўпланган маълумотлар XIX аср охири - XX аср бошларида Бахмал туманида яшаган аҳолининг этник таркиби анча мураккаб бўлган турли уруғ ва элат вакиллари таркиб топганлигини кўрсатади. Бахмал тумани аҳолисининг этник таркибини ўрганишда 1917, 1920, 1924, 1926 – йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари [2:] ҳамда Зарафшон воҳасида тадқиқот олиб борган В.В.Радлов [3:58,64], А.Д.Гребенкин [4:] ва Л.Н.Соболев [5:163] каби олимлар

тўплаган статистик маълумотлар асосий манба бўлиб хизмат қилади. Сангзор водийсининг аҳолисининг этник таркиби, хўжалик фаолияти ҳамда турмуш тарзи хусусиятлари, даставвал, маҳаллий табиий географик ва экологик шароитларга боғлиқ бўлиб келган. Сангзор водийсида яшовчи яшовчи турли миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий этнографик ва хўжалик типлари мавжуд. Ҳар бир миллат ва элат ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажралиб турган ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб келган. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида воҳа аҳолисининг миллий таркибини асосан ўзбеклар ташкил этган. Туманнинг ўтроқ аҳолиси турли тарихий даврларда кўчиб келган уруғ ва қавмларнинг муштарак этник бирлигини ташкил қилсада, ўзининг келиб чиқиши, урф-

одатлари ва айрим миллий анъналарини сақлаб қолганлиги билан бир-биридан ажралиб турган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг 21-фонди, 17-рўйхатида XIX аср охирларидаги статистик маълумотлар Жиззах уезди волостларида аҳолининг жойлашуви, хўжаликларвааҳоли сони, боғ ва томорқа экинининг ер майдони, чорва сонитўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бу статистик маълумотларда 1871 йилда Жиззах уездида 157 та қишлоқ, 7 104 та оила - хўжалик, 22 725 тадан ортиқ аҳоли, шундан Жиззах шаҳрида ва жаъми уезд бўйичарусийзабон аҳоли оила-хўжалиги 70 тадан ортиқ, жаъми 91 киши истиқомат қилганлиги таъкидланади [6:35]. Бу маълумотлар тўлиқ олинмаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ўша даврларда аҳоли сони бирор маротаба ҳам рўйхатга олинмаган эди. Россиялик ҳарбийларнинг ўзлари қишлоқларда бўлиб, маълумот тўплашган.

Самарқанд вилоятининг этнографик харитасини яратиш учун 1922 йил 20 июлда Самарқанд, Катта-қўрғон ва Жиззах уездининг бир қисмига (Совнарком томонидан) 7-ҳафталик этнографик экспедиция уюштирилади [7:52]. Ушбу экспедиция таркиби 4 кишидан иборат бўлиб, улар Самарқанд вилоятининг жаъми 47 та волости аҳолисининг этник таркиби ҳақида статистик маълумот тўплашган.

Ушбу архив статистик ва этнографик маълумотлардан биз Бахмал туманида ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан хилма-хил этник гуруҳлар истиқомат қилиб, улар жойларда турлича тарқалиб жойлашганлигини кўришимиз мумкин.

Бахмал туманида сон жиҳатидан энг кўп қабилалар ичида энг йириги бу Юз қабилаласидир. Юз (Жуз) - лар 92 бовли ўзбек элатининг энг катта уруғ ва қабилаларидан бири ҳисобланиб, сўнги ўрта асрларда эътироф этилган. Юз уруғининг шажараси ҳақидаги дастлабки дала тадқиқотлари ва ёзма маълумотларни қолдирган А.Д.Гребенкин мазкур уруғни ўзбек уруғлари ичида сон жиҳатидан етакчи

мавқега эга эканлигини таъкидлаб ўтган [4:93].

XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ҳудудига Дашти Қипчоқдан кўплаб қабилалар кўчиб кела бошлаганлар. Улар орасида қипчоқ, сарой, қўнғирот, юз, найман, манғит, ктай(хитой)лар йирик қабилалар ҳисобланиб, ҳар бирининг сони 30-50 мингдан то 200 минггача бўлган [8:77]. Улар XVIII аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 1/4 қисмини ташкил этган бўлиши мумкин [8:414].

Юзлар бўлиб, улар 92 ўзбек уруғ - қабилалари орасидаги йирик ва кўп сонлилардан бири ҳисобланади [9:83,85]. Тарихий манбалар “Тухфат ат-таворихи хоний”, «Мажму ат-таворих» да ҳам юзлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган [10:2]. Юзларнинг бошқа ўзбек қабилалари билан аралаш ҳолдаяшаб келган гуруҳлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қирқ-юз (юз уруғи ва қирққабиласи бирлашмаси), мўғул-юз, найман-юз ва бошқа этник номлар билан аталган. Юзлар этногенези қадимги қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ.

Юзлар асосан, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида яшаганлар ва куйидаги 3 та йириктармоқ – Марка боласи, Қорапчи, Ражаб боласи қисмларига бўлинганлар. Юзларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши XV аср охири – XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигидаги Дашти Қипчоқ ўзбекуруғлари билан боғланади [11:172]. Бахмал тумани ҳудудига ҳам айна шу вақтда юзларнинг дастлабки гуруҳлари келиб ўрнашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

XVIII аср бошларида ўз сиёсий мавқеларидан фойдаланиб, жонийлар давлатида кўплаб қавмларнинг мустақил равишда ҳукмронлик қилишга интилиши кучайган. Айна шу даврда юзлар ҳам Мирзачўл ҳудудида ўзларининг мустақил ҳукмронлигини амалга оширганлар [8:404].

Бахмал туманида истиқомат қилувчи ўзбек уруғлари ичида сон ва мавқе жиҳатидан етакчи ўринни олган юз уруғи бир неча бўғин ва тармоқларга бўлинган. Х.Дониёров

ёзишчи, минг қабиласининг халқлари шаҳарга мослашиб ўз уруғ ва қабилаларини унутиб юборганлиги натижасида юзлар мавқеи янада ошади. Шунингдек, у Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан олинган маълумотларига биноан, жузлар учта катта бўлакка ажратади: марка боласи, қарабчи, ражаб боласи. Марка боласи ҳам иккита бўлакка бўлинади: уяс-солин, хитой юзи. Ўз навбатида уяс олтига бўлакка бўлинади: керайт, кал, норин, уяс, оқчепкон, кўса, боймоқли ёки чўпқон[9:86].

Бахмал тумани аҳолисининг этник таркиби ҳақида маълумот берган рус генерали А.И.Макшеев ишларида ҳам юз уруғи шажараси тарихига кенг ўрин берилган [12:239]. А. И. Макшеев тўпалаган этнографик маълумотларда юз уруғи 8 та бўғинга бўлинган. Булар – парчаюз, хитой юз, солин, уяс, қарабчи, найман, эрганакли, беш юз, сулоқли. Мазкур бўғинлар ўз навбатида 56 та тармоққа бўлинган. Таниқли этнограф В.В.Радлов ўзининг “Об оседлых тюркских племенах Средней Азии” номли асарида Жиззах, Зомин ва Ўратепа атрофидаги юз уруғларининг шажарасини таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Муаллиф ҳам юз уруғини 8 та катта юқорида қайд қилинган бўғиндан ташкил топишини эътироф этади. Айни пайтда А.И.Макшеевдан фарқли равишда 9 та тармоқни аниқлайди. Булар – уч тамғали, қорақалпоқ пёджегей, тўрт тамғали, хон-хўжа, хитайчи, тигирик, хўжа хитайчи, туркман, жалойир[13:41].

Таниқли мутахассис Х.Дониёровнинг ушбу масалага бағишланган китобида ҳам, юз уруғи борасидаги масалаларга янада ойдинлик киритилган[9:86].

Шундай қилиб, юзлар XVI асрдан XX аср бошларига қадар юртимизнинг жимтой сиёсий тарихида фаол иштирок этган қабилалардан бири ҳисобланган. XX аср бошларида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида яшаган юзлар сони тахминан 60 мингга яқин бўлган. Юзлар ўзбек халқи шаклланишида иштирок этиб, узоқ вақт давом этган этник ассимиляция жараёнида

XX аср 20–30 йилларида ўзбеклар таркибига қўшилиб кетганлар.

Бахмал туманида сон жиҳатидан энг кўп бўлган қабилалардан иккинчи ўриндагиси Қирққабиласидир. Тилшунос олим Х. Дониёровнинг фикрича, қирққабиласи, юз, минг қабилалари каби сиёсий уюшма деб аташ ҳақиқатга яқиндир. Қирқ 6 та катта уруғга бўлинади: қора – қуйли, қорача, монтон, мулкуш, чапарашли ва чўрткесар. Ҳар бир уруғ ҳам яна майда бўғинларга бўлинади: бойлар тўпи, кавуш тўпи, оюв (айиқ тўпи), беклар тўпи. Қирққабиласи асосан Самарқанд вилоятининг Булунғар, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Жиззах, Бахмал, Зомин, сирдарё вилоятининг Сардоба, Боёвут ва Тошкент вилоятининг Бекобод ва Тожикистон республикасининг Ўратепа туманида яшайдилар[14:47].

Архив материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, XX аср бошларида Жиззах уезди (Бахмал тумани)да истиқомат қилган қирқ уруғи асосан Ўзбек ва Саурюк волостлари ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг Олма-сувон вааришли, жизак-қирқ, Кўза-бош, Оқ-тенга, бай-тўби ва чажалак, Кўса, Қора-қўйли, калта, қора, мулла-тўби, ўдамалик, хисари, чибор, Қорача, Балхи, жағачакли, кўса, кутичакли, чўлоқ, ўта-сори, молтоб, беглар-тўби, жарғоқ, тангри-берди, чалбор, чор-кундиқаби уруғлари Қирққишлоқ, Мўғол, Сартюз, Ойқор, Боғишамол каби қишлоқларда, яна Сангзор водийсидаги Ғўбдун, Кўкбулоқ, Мирзабулоқ ва бошқа қишлоқларда, Ғаллаорол текислигидаги Ғаллакор, Гулшан, Чорвадор, Омонгелди, Қизилқум, Қораобод, Эшбулоқ сингари бир қанча қишлоқларда жойлашган.

Бахмал тумани қишлоқларида шунингдек, яна Манғит, Найман, Сарой, Туёқли, Уйшун, Буғажили эски-туркман, кўз-тамғали, қозёқли, қонжиғали, қора-телпак, кийкиш каби уруғ вакиллари ҳам истиқомат қилишади[15:55,60].

1912 йилга тегишли архив маълумотларини ўрганиш давомида Сангзор воҳасида асосан тўртта қабил вакиллари хусусан, хитой-юз,

қирқ, қанғли ва сарой қабиласига мансуб аҳоли вакилларининг уруғ ва шаҳобчаларига тегишли статистик маълумотлар кўпроқ учраганлигини қайд этиш лозим. Масалан, хитой-юз уруғи асосан Сарибозор, Чувиллоқ, Оққўрғон, Бешбола, Қўшсарой, Қизилқўрғон, Юқори ва Қуйи Науқа қишлоқларида (жами 270 хонадон ва 1200 киши) истиқомат қилиши қайд этилган. Қирққабиласи асосан Ўймоут ва Хўжабулоқ, Бахмал, Гулқишлоқ, Чилламосор, Кучум, Олмасувон, Ўрта Гулқишоқ, Суғунбой, Ювош ва Обиз каби қишлоқларида (жами 1420 хонадон, 2618 киши) жойлашган. Қанғли қабиласи Қанғли, Сасиққишлоғи, Тутувли, Кўкғумбаз, Гулқишлоққишлоқларида (жами 576 хонадон, 1024 киши), Сарой қабиласига мансуб аҳоли (жами 138 хонадон, 603 киши) Юқори ва Қуйи Сарой қишлоқларида яшашлиги эътироф этилган[15:55,57].

1926 йилги аҳоли рўйхатида юзлар (15400 киши), қирқлар (20000 киши) Моргузар тоғларининг шимоли-ғарбий этакларида истиқомат қилганликлари қайд этилган.

Ўзбек халқининг асосий ўзагини ташкил қилган этник таркибий қисмлар қадимдан бир-бири билан яқин дўстона алоқада бўлиб келинган. Ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари бугунги кунда этнотопонимларда, яъни қишлоқ ва маҳаллаларда ҳамда географик номларда сақланиб қолган. Масалан, қанғлиларни олиб кўрайлик. Улар ҳозирда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани маркази яқинидаги Катта ва Кичик қанғли қишлоқларида яшайди. Этнограф олим, К.Ш.Шониёзов мазкур ҳудуддаги қанғилилар ҳақида “... Ғаллаорол туманида яшовчи қанғлиларда сақланиб қолган аъналар, уларнинг асосий қисми бундан 150-160 йил муқаддам, яъни XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Хива хонлигида юз берган ички низолар туфайли Хоразмдан келган”[16:142] дея ёзади. Дарҳақиқат, улар дастлаб Қашқадарёнинг Яккабоғ, сўнгра Моргузар тоғларининг ён бағирларига, кейинчалик Ғаллаорол туманининг марказига яқин жойларга келиб ўрнашганликлари кекса ахборотчилар

берганмаълумотларда ўз аксини топди. Ғаллаорол туманида қанғлиларнинг сариқ, қора, оққанғли каби йирик бўлинмалари яшайдиган қишлоқлар ҳанузгача мавжуд.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Жиззах вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолиси жойлашуви ва этник гуруҳларининг ранг-баранглиги билан ҳам нисбатан фарқ қилган. Жумладан, Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол, Фориш туманларида турли ўзбек уруғ вакиллари билан бир қаторда бошқа миллат ва элатлар ҳам истиқомат қилган. XX аср 1903-1905 йиллардаги архив статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, тадқиқ этилаётган ҳудудда асосан кўпсонли миллатлар қирғиз ва тожиклар ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Қирғиз ва тожик аҳоли вакиллари асосан Молгузар ва Туркистон тоғ тизмаси этакларида яшашган.

Тожиклар асосан Жиззах уездининг Бағдон участкасига тегишли Бағдон, Синтоб волостларида (жами 10303 киши шундан 6 284 таси эркак, 5012 таси аёл), Янгиқўрғон участкасига тегишли Сангзор волостида Сарибозор ва Авлиё қишлоқларида 53 хўжалик, жами 228 киши, эронилар эса Сарибозор қишлоғида (жами 11 хонадон, 50 киши), Зомин участкасига тегишли Зомин волостида (жаъми 1 269 киши, шундан 702 та эркак, 567 та аёл) истиқомат қилган[17:280]лиги тўғрисидаги архив статистик маълумотлари диққатга сазовор.

Қирғизлар Жиззах уездининг Бағдон участкасига қарашли Отақўрғон, Чардор, Қизилқум, Фисталитау, Кўктюбин волостларида (жами 50 914 киши шундан 26 711 таси эркак, 24 203 таси аёл), Янгиқўрғон участкасига қарашли Чашмаоб волостида ( жами 202 киши шундан 149 таси эркак, 53 таси аёл), шунингдек, уезд маркази Жиззах шаҳрида (жами 11 киши шундан 7 та эркак, 4 та аёл) истиқомат қилганлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилган. Зомин участкасида эса қирғизлар қайд этилмаган[17:266, 275, 280].

2019 йилда олиб борилган дала тадқиқотлари давомида қирғизлар асосан Бахмал туманининг тоғли Обай, Шайбек, Сутлибулоқ, Дувлот, Чайиш, Сурунчак, Қорасув, Жилбулоқ, Сўпи, Жадик, қирғиз Тангатопти, Музбулоққишлоқларида, шунингдек, Зомин туманининг Қорамозор, Каримсой қишлоқларида қайд этилди, Дўстлик ва Пахтакор, Сардоба туманларида кўпчиликни ташкил этиши аниқланди[18].

### ХУЛОСА

Қирғизларнинг “Бойтейит” уруғига мансуб “Баян” тўпи: Бахмал тумани Обай, Сутлибулоқ, Дувлат, Чайиш, Сурунчак қишлоғида, Қутоли тўпи Қорасув, Жилбулоқ, Сўпи қишлоқларида, Кутике тўпи: Жадик, қирғиз Тангатопти қишлоғида, Қашқа тўпи: Зомин тумани ва Мирзачўл туманларида, Ориқ тўпи: Жадик қишлоғида, ҳамда Чопонтейит уруғига мансуб, Жимур тўпи: Музбулоқ ва Жадик қишлоқларида, Чунай тўпи: Музбулоқ, Оқмўла, Қозоқбой тўпи: Музбулоқ ва чўл туманларида, Соритейит (тейитларнинг катта фарзанди) уруғига мансуб Қурмонбекнинг 6 боласи Эшмерган ва Қутмерган тўпи Шайбек қишлоғида, Найман тейит уруғига мансуб Бойрайим тўпи: Найман қишлоғи, Кўкилбой тўпи: Кўкилбой қишлоғида, Кесактейит уруғига мансуб Бердибой ва Умрзоқ тўпи Обай қишлоғида жойлашган[18].

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Бахмал тумани аҳолисининг этник таркиби хилма-хил, катта – кичик ўзбек қабила ва уруғлари ҳамда бошқа миллат вакиллари уруғларидан ташкил топган бўлиб, бутун XX аср давомида ўзининг хусусиятини деярли йўқотмаганлигини қайд этиш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. –Т., 2003.-Б.651.
2. Материалы Всероссийской переписи 1920 г. Перепись населения

3. Туркестанский Республики. ч. 1, вып.5. –Т., 1924; Материалы Всесоюзный перепись населения 1926 г. УзССР. вып. 1, Самарканд. 1927 г.
3. Радлов В.В. Средне Зеравшанская долина // Записки РГО по отделению этнографии // т, IV. СПб, 1880. –С. 58-64.
4. Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. Сборник изданный по поводу политехнической выставки. Вып. II, -М., 1872. –С. 93.
5. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе // Записки РГО по отделению статистики –Л. Т., IV. СПб, 1874, -С. 163-454; Приложения // Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 // Вып. I. –Самарканд. 1890, -с. 45-48-53-56,127,130; Список населенных мест Зеравшанского округа. ЗРГО, т. IV. СПб. 1874.
6. ЎзР МДА, 21- фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 35-варақ.
7. ЎзР МДА, 69- фонд, 1-рўйхат, 62-ийғма жилд, 52-варақ.
8. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001. – Б. 77
9. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968. – Б. 83 – 85.
10. Список 92 Узбек–Казахских племен [http://kyrgyz.tsu.ru/gen/g\\_03.shtml](http://kyrgyz.tsu.ru/gen/g_03.shtml)
11. Народы Средней Азии и Казахстана. Москва, 1962. Т. 1. – С. 172.
12. Макшеев А.И. Географические, этнографические и статистические материалы о Туркестанском крае // Записки императорского географического общества по отделу статистики. Т. II. СПб. 1871. –С. 239.
13. Радлов В.В. Из Сибири. Страницы дневника. –М..., 1989. –С.41.



- 
14. Бобобеков А. Сангзор-Зомин минтақаси аҳолисиннинг этник таркибига доир // Ўзбекистон археологияси ва этнологиясининг долзарб муаммолари. –Т., 2012. –Б. 47.
15. ЎзР МДА,69- фонд, 1-рўйхат, 62-йиғма жилд, 55-60-варақлар.
16. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. –Т., “Фан” нашриёти. 1994. –Б.142.
17. ЎзР МДА,21- фонд, 1-рўйхат,, 616-йиғма жилд, 266, 275, 280-варақлар.
18. Дала ёзувлари. 2019 йил. Бахмал тумани, Шайбек қишлоғи.
19. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
20. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
21. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
22. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
23. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
24. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
25. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock.
- Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## НОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ХРОНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ПЕРВОНОЧАЛЬНОГО ОБЖИВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НА ПРИМЕРЕ БАССЕЙНА РЕКИ АНГРЕН

АБДУКАЮМ АБДУКАДЫРОВ

КАНДИДАТ ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК, ДОЦЕНТ КАФЕДРЫ СОЦИАЛЬНО - ГУМАНИТАРНЫХ ДИСЦИПЛИН АЛМАЛЫКСКОГО  
ФИЛИАЛА НИТУ «МИСИС»

### АННОТАЦИЯ

В археологии изучающей эпоху палеолита Узбекистана, вопрос хронологического определения периода первоначального обживания этого уникального региона евроазиатского континента является ключевым. До недавнего времени ряд исследователей считало, что продолжительность антропогена равна приблизительно 80000 лет. К нему относили периоды материковых ледниковых покровов. Однако, результаты изучения эпох палеолита в Узбекистане за последние десятилетия, показывают, как ломаются многие, казалось бы, эффективные и убедительные схемы, и построения.

### ВВЕДЕНИЕ

Палеолитический отряд Института археологии АН РУз неоднократно обследовал юго-восточные склоны Чаткальского хребта. В результате полевых работ были обнаружены стоянка Кульбулак и не-сколько кремнеобрабатывающих мастерских. Последние расположены на правом берегу реки Ангрен у палеогеновых и меловых пород в тех местах, где выходы сырья прорезаются горными ручьями - Кызылалмасай, Гыштсай, Карабагсай и др. В этих мастерских найдено большое количество каменных изделий, характеризующих дея-тельность первобытного человека, в том числе, позднепалеолитического[9].

В современной литературе существуют несколько довольно противоречивых мнений о характере процессов осадконакопления и возможной переотложенности как литологических

горизонтов, выделенных в стратиграфических разрезах Кульбулака, так и содержащихся в них каменных артефактов. По мнению М.Р. Касимова, суть стоянки Кульбулак состоит в том, что - это многослойный памятник, содержащий ашельские, мустьерские и нозднепалеолитические культурные слои, расположенные друг над другом и знаменующие собой переходный период от ашеля к мустье и от мустье к позднему палеолиту[10].

Исследования показали насколько уникальным является этот памятник. В 1994 - 95 г. совместной экспедицией Института археологии АН РУз и отдела палеолита Институт истории материальной культуры РАН здесь были проведены новые исследования. В 2001 г. в данном районе проводились рекогносцировочные исследования сотрудниками отдела

истории материальной культуры Института истории АН РУз, Института археологии АН РУз и Университета Колорадо (США). В 2001 году был открыт новый памятник эпохи палеолита, расположенный в 5 км к западу стоянки Кольбулак, получивший название «Ахангаран».

В изучении истории эпохи палеолита, в том числе, позднего палеолита во многих случаях основным источником информации о нашем далеком прошлом являются обработанные человеком каменные орудия труда. Благодаря усилиям археологов - исследователей эти артефакты информируют о жизни наших предков, отдаленных от нас интервалом времени в несколько десятков тысячелетий. Техно-типологическое исследование индустрий палеолита является одним из важнейших моментов в изучении первобытной истории. Более того, именно в их разгадке кроется культурно-материальное состояние, уровень концептуального мышления, хозяйственно-экономическая деятельность людей эпохи палеолита. Результаты такого рода исследований во многом зависят от методики исследований. В последнее время в Узбекистане успешно используется технико-типологическая методика исследования, разработанная во Франции и принятая в мировой практике[11]. Диализ палеогеографической ситуации в районе расположения местонахождения Ахангаран позволил восстановить пространственное положение разновозрастных комплексов расчлененного рельефа. Результаты были положены в основу реконструкции главнейших этапов морфологического становления долины впадины реки Ангрен и её горного обрамления, для которого характерно наличие трех разновозрастных частей.

Древняя поверхность незначительно расчленена и сильно наклонена на юг. Ниже располагается обширная прадолина реки Ангрен в пределах которой выделяются два

вреза. Рельеф всей прадолины реки Ангрен а ее отдельными врезами формирует средний Ангренский этап. Далее, современная долина реки Ангрен располагается ассиметрично по отношению к древней прадолине. Древний рельеф относится к среднему Ангренскому этапу. Поздняя долина реки Ангрен выражена двумя врезами; верхний - высокие террасы средне-тяньшаньского комплекса; нижний - низкие террасы и пойма с более широкими и полого наклонными поверхностями поздне-тяньшаньского и голоценового комплексов[12].

Памятник палеолита «Ахангаран» был открыт на поверхности рельефа, относящегося к поздне-тяньшаньскому и голоценовому комплексу. Индустрия этого местонахождения не отличается от индустрии верхних слоев Кольбулака.

Характерен комплекс орудий, в котором представлены многие приемы вторичной обработки. На основании типологического исследования комплекс орудий местонахождения Ахангаран подразделяется на две большие группы 1) скребла 2) ретушированные отщепы. Но наиболее характерными для данного комплекса являются мелкие отщепы, обработанные по периметру крутой и ретушью. Данные орудия имеют обычно размеры в пределах 3-5 см. Это новое местонахождение представляет собой, вероятнее кратковременное стойбище обитателей базового лагеря, находящегося на Кольбулаке.

Возможно, индустрию местонахождения Ахангаран, как и самого Кольбулака, следует отнести к активно обсуждаемому в последнее время микро индустриальному направлению приемов нижнепалеолитической техники обработки каменных орудий. Несмотря на то, что в комплексе орудий Кольбулака есть некоторое количество галечных орудий и скребел, которые не относятся к мелким орудиям, все же общий хабитус орудийного

комплекса определяется мелкими ретушированными отщепами[13].

В бассейне реки Ангрен изучено большое количество палеолитических памятников, получен значительной материал по древнейшей истории, интерес к которому проявляют специалисты из разных стран мира. В последние годы памятники эпох каменного века посетили историки, археологи, антропологи, геологи а также специалисты по изучению экологической обстановки в регионе из десяти стран Европы Америки Азии. В первую очередь это касается комплекса памятников Кизил олма, которые изучались еще в конце 60-х годов прошлого века. В последние годы на поверхности и естественных обнажениях группой исследователей под руководством К.Крахмаля был собран подъёмный материал, представленный многочисленными каменными изделиями, включая нуклеусы и орудия, который был определён как мустьерский. Это местонахождение расположено 1 км северо-западнее от стоянки Кольбулак у подножия известняковой скальной гряды, протянувшиеся узкой полосой с востока на запад. Собранный материал чрезвычайно интересен и даёт более полное представление о палеолите долины реки Ангрен и развития исторического процесса формирования древнейших материальных культур Евразии.

Каменные изделия встречены по всей весовой толще, а так же и в кровле краснозёмов. Каменные изделия из верхней части лёсса имели не значительную патину, но заметный люстра поверхностей, а также известковые натёки серого цвета. Кремневые изделия из верхних уровней лёссовой толщи, собранные в зоне разрушения памятника были представлены сравнительно многочисленными орудиями, нуклеусами, отщепами и пластинами. Нуклеусы представляют разные стадии раскалывания и характеризуются в первую очередь дисковидными и грубопризматическими формами, типичные

призматические ядрища редки. Пластин в коллекции немного, преобладает отщепы, включая клетонские, которые составляет до четверти всех сколов. Среди многочисленных изделий со вторичной обработкой хорошими сериями представлены разнообразные скребла, скребки, выемчатые и зубчатые орудия, проколки, пластинки с ретушью. Индустрия этого уровня, по совокупности технико-типологических показателей очень близки индустрии из позднепалеолитических слоев стоянки Кольбулак.

Каменные изделия из среднего и нижнего уровней немногочисленны. Они представлены диковидными и треугольными одноплощадочными нуклеусами с подготовленными ударными площадками, а также единичными орудиями включая орудие листовидной формы, острый верхний конец которого обломан. В коллекциях данных уровней заметно представлена техника леваллуа, в первую очередь отщепы и ядрища. Подобные индустрии во всей Евразии существовали более 250 000 лет тому назад. Видимо, неандертальцы, появившиеся 100 000 лет тому назад на территории Западной Евро-пы, продвигались постепенно по берегам Средиземноморья и потребовалось 40-50 тысяч лет пока они дошли до территории Узбекистана. Если это действительно так, то на территории Узбекистана проживали развитые неандертальцы.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Особый интерес представляет ранний комплекс, происходящий из красноцветных отложений. Изучение этого памятника представляется весьма перспективным. Данное место было удобно для стоянок палеолитического человека. Здесь имелось кремневое сырьё, хороший обзор долины реки обеспечивал контроль местности, хотя можно предполагать, что в раннем палеолите здесь был иной ландшафт:

местность представляла собой предгорную равнину, выходящую на равнинные пространства.

### ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. 1.Палеолит СССР. М.:Наука, 1984. С.383
2. Тойчиев Х.А. Сводный палеомагнитный разряд четвертичных отложений Узбекистана //Узбекский геологический журнал.1982. №3. С. 6-8
3. Касымов М.Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кольбулак //Проблемы археологии Средней Азии.Л.,1968 С. 14-15; Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана; Автореферат дис... доктора исторических наук.Новосибирск,1990
4. Сайфуллаев Б. Некоторые особенности палеолита Узбекистана // Узбекистон археологияси, 2010, №1, С. 30-31
5. Хушваков Н.О. К вопросу интерпретации культурных слоев Кульбулака// Узбекистон археологияси, 2010, №1, С. 34-36
6. Абдуллаев Ш.Х. Морфоструктура Ангреной впадины.Т.:Фан, 1985. Анистюнкин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н.О. Новое исследование палеолита в Ахангаране. СПб, 1995
7. Крахмаль К.А. Древний каменный век Ферганы. Автор. дис... кандидата исторических наук. Самарканд, 2004
8. Крахмаль К.А.Биостратиграфия эоплейстоцена и раннего антропогена на территории Узбекистана.Ташкент, 2015.
9. Касымов М.Р. Многослойная палеолитическая стоянка Кольбулак //Проблемы археологии Средней Азии.Л.,1968 С. 14-15; Касымов М.Р. Проблемы палеолита Средней Азии

- и Южного Казахстана; Автореферат дис... доктора исторических наук.Новосибирск,1990
10. Сайфуллаев Б. Некоторые особенности палеолита Узбекистана // Узбекистон археологияси, 2010, №1, С. 30-31
  11. Хушваков Н.О. К вопросу интерпретации культурных слоев Кульбулака// Узбекистон археологияси, 2010, №1, С. 34-36
  12. Абдуллаев Ш.Х. Морфоструктура Ангреной впадины.Т.:Фан, 1985. Анистюнкин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н.О. Новое исследование палеолита в Ахангаране. СПб, 1995
  13. Крахмаль К.А. Древний каменный век Ферганы. Автор. дис... кандидата исторических наук. Самарканд, 2004
  14. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  15. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  16. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  17. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  18. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  19. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL

- EDUCATIONAL INSTITUTIONS.  
Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
20. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## АЛЛОҲНАЗАРИ ТУШГАН ҚИШЛОҚ

БОБОМУРОД МАҲМУДОВ  
САМАРҚАНД ТИМ ҚИШЛОҒИ ОҚСОҚОЛИ

### АННОТАЦИЯ

Ҳақиқатан ҳам Тим қишлоғи Аллоҳ назари тушган машҳур қишлоқлардан бири. Бунга сабаб 1500-2000 йиллар олдин бу ердан Буюк ипак йўли ўтган чорраҳа жой бўлган, чунки Тим қишлоғи Самарқанд-Бухоро ҳамда Афғонистон-Хитой йўлининг қоқ ўртасида жойлашган сўлим бир гўшадир. Бу ерга келган савдогар зилол булоқлар сувидан ичиб роҳатланишган ва савдо сотиқларини бажариб ортга қайтишган ё бўлмаса йўлида давом этишган. Машҳурлиги шундан иборатки, Самонийлар даврида қурилган Араб ота мақбараси ва Оқ масжид, минг йилдан ортиқ яшаган Арча дарахти қишлоқ кўркига зеб бериб турибди. Тимда ўндан ортиқ чашма (булоқ)лар халқ фаравонлигини таъминлаб келмоқда.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

ровотлар, карвон саройлар, ошхона-ю чойхоналар, Бухоро шаҳр.

### КИРИШ

Бундан минг йиллар олдин жаҳон бозори бўлганлигини ҳисобга олсак Тим оддий қишлоқ эмас, ажиб бир шаҳар бўлганлиги аниқ. Кўплаб ровотлари, карвон саройлари, ошхона-ю чойхоналари, савдо қилиш учун кўплаб савдо расталари халққа хизмат кўрсатиб турганлиги аниқ. Ҳаттоки Тоштепа гўзарида Қуллар бозори ҳам бўлган. Бошқа юртлардан олиб келинган қуллар шу бозорда сотилган. Шу ҳисобига “Тим” – яъни “усти ёпиқ бозор” деб номланган.

Илова 1.

Нима учун Зирабулоқ тизма тоғлари ва Тим тоғлари деб икки хил атамада келтирдим. Ҳозирги замон ҳисобида Зирабулоқ тизма тоғлари дейилса, Алишер Навоий ўзининг

“Насойим ул-Муҳаббат” китобида Тим тоғидаги шайхлар ҳақида сўз юритади. Шу сабабли Алишер Навоийдек инсоннинг тилида баён қилинган Тим атамаси мақбул бўлади.

Тим қишлоғи (Зирабулоқ тоғ тизмаларидан) Тим тоғидан аниқроғи девона белидан (уркач) Пиёзли дарасидан бошланадиган улкан сой бўйлаб жойлашган бу сойнинг узунлиги 7-8 км бўлиб, кейин чўл бошланиб кетади. Бу чўл “Қарнаб” чўли деб номланади. Қарнаб чўлининг бир томони Қарши чўлига “Ўрта чўл” Тўда кўл чўлига, то Бухоро шаҳригача чўл бўйлаб карвон йўли (Ипак йўли) давом қилади.

Илова 2.

Аллоҳнинг назари тушган қишлоқ дейишимга иккинчи сабаб шулки, қадимдан маълумки қайси ерда подшолар, улуғлар қадами етган бўлса ўша ерлар ҳаминиш обод, барокатли, хосиятли, бир макон ҳисобланган. Бундай дейишимизга сабаб Тим қишлоғигакейинги 100 йил давомида зта подшо келиб қуниб ўтган.

Қишлоғимиз оқсоқолларидан бири Совут бобо Хушвақтов билан Отам раҳматли суҳбатлашганда шу нарса маълум бўлганки, 1930 йилда Ўзбекистон Президенти Йўлдош Охунбобоев Бухородан Тошкентга қайтишида чўл орқали Ипак Йўли бўйлаб Тимга келиб тўхтаб ўтган экан. 1994 йилда Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А.Каримов Тим қишлоғи пастидаги Қарнаб чўлига келиб кетади. 2019 йил ёзида Ўзбекистоннинг иккинчи Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Тимга келиб кетади. Шу сабабли Тим Аллоҳ назари тушган ва подошоҳлар пойқадами етган улуғ жой деб биламан. Кексалар айтишича, Тим чўллари Ҳизр алайҳиссалом ҳассасини судраб ўтган чўллардир.

Ота-боболаримизнинг айтишларига қараганда ҳозирги вақтда биз яшайдиган уйлар ўрнида сой бўлиб қамишзору туқайзор, чангалзордан иборат бўлган. Аҳоли баланд қирлар бағрида ёки чўлда яшашган. Чўлларга сув чиқариб экан экишган, боғ-роғлар яратиб фаравон ҳаёт кечиринган. Аҳолининг кўпчилик қисми “Кампир ҳаёт”, “Тариқпоя”, “Чамбил”, “Ҳоккор” чўлларида ва “Тим ота” тоғида яшашган. Менинг авлодларим Чамбилда яшаб ўтишган.

Ўзбеклар 92 уруғдан тарқаб борган бўлса, Тим халқининг насаби “Найман” уруғи ҳисобланади. Лекин қишлоқ аҳли майда бўлақларга бўлиниб, “Оқ тунли”, “Пўлатчи”, “Очамотли”, “Қалта” деган қабилалардан ташкил топган. Бизлар “Пўлатчи” қабиласиданмиз.

Тарих китобларида бизлар Шайбонийхон авлодига мансуб эканимиз айтиб ўтилган. Биз бу ерларга қачон кўчиб келганмиз ҳеч ким билмайди. Асли Волга дарёси бўйлари

ҳамда Сибирдан кўчиб келган, ўтроқлашган, кўчманчи ўзбек қабилаларидан эканмиз.

1500 йилларга келиб Темурийлар сулоласи ўрнига Муҳаммад Шайбонийхон сулоласи келади ва 100 йил давомида ҳукмронлик қилади [1].

Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғли Хом, Сом, Ефос бўлиб, Ефос алайҳиссаломнинг 9 нафар ўғли бўлган. Тўнғич ўғлининг исми Туркдир. Анашу Турк бободан тарқалган авлодлар Туркий халқлардан энг биринчи ўтроқлашган туркий қабила Ўзбек деб аталган.

Ўзбек – Жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат деб таъриф берилган [2].

Бундан 2000 йиллар муқаддам тим қишлоғи Бухоро амирлигига қарашли бўлган. Тимдан Бухорогача 80-100 км (қарвон йўли билан) масофада жойлашганлиги, энг чекка қишлоқлиги, марказдан узоқлиги сабабли халқи бой фаровон ҳаёт кечирганлиги сабаблими доимо ҳар хил босқинларга дуч келиб турган. Кексаларнинг айтишига кўра Туркманлар Амударёдан ўтиб келиб элни талаб, мол қўйини ҳайдаб кетишар экан. Бу ҳақида Бухоро амирига шикоят қилишса, исбот талаб қилар экан. Қани исботинг, далил-важларинг борми деб қайтарар экан. Шунда боболаримиз биз ҳам бирлашиб ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилайлик деб аҳду-паймон қилишибди. Кунлардан бир кун Туркман тўдалари келиб босиб-талончилик қилишиб турганда боболаримиз ҳамжиҳат бўлиб уларга қарши чиқишибди. Қаттиққаршиликка учраган Туркманлар қоча бошлашибди. Бундан руҳланган тимликлар то Амударёгача қувлаб борибди. Менинг боболаримдан бири Боймуҳаммад (қалласи катта паҳлавон киши бўлгани учун Боймат ялпоқбош лақабини олган экан) ҳам босқинчиларга қарши курашганлар орасида бўлган. Шу бобомнинг ўғли Шуқурбек ҳам Полвон йигит бўлгани сабабли бир туркман босқинчисини уриб йиқитиб, отга унгариб



олибди. Қулга тушган асирни олиб Бухоро амирига мана сизга гувоҳ керак бўлса деб қароқчини Бухоро амирига топширишади. Эртасига Бухоро подшоси Шукурбек бобомизни чақириб, “Сиз керакли одам экансиз, бундан буён сиз ўзингиз яшаётган музофаатга бек бўлдингиз”, деб қўлига подшоҳлик муҳри босилган ҳужжатни тақдим этади. Бу воқеага тахминан 200-250 йиллар бўлган бўлса керак.

Ўша даврдан то 1924-30 йилларгача Тим қишлоғининг беклиги Найман авлодига мансуб Пўлатчи уруғидан Боймуҳаммад, Шукурбек, Ниёзбек, Мўминбек ва мулла Аҳмад боболаримиз бошчилигида халқ фаравон ҳаёт кечиришган.

Революция бўлгандан кейин беклик ҳам тугаб бизнинг халқимиз Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги майда-майда колхозларга бўлиб юборилган.

Боболаримиз беклиги даврида Саҳоба билан Тимқишлоғи ўртасидаги узун қудуқдан бошлаб, Ҳаккор пастадаги Гулшан тепалиги, Тим билан Ағрон орасидаги Хўжаёр қудуғидан тортиб Қорача, Пиёзли тоғлари, Қизқўрғон, Ойимхол, Узумли қишлоқлари Шумхор тоғи орасидаги ерлар ва аҳолиси

Боймуҳаммад ва Шукурбекка қарашли бўлган.

Илова 3.

Бухоро Амири Саид Олимхон даврига келиб Қашқадарёнинг Косон туманидаги Жоби қишлоғидан бир янги бек пайдо бўлиб, Тим беклиги ерларига қўй-қўзиларини киритиб боқар ўртада ер устида низо келиб чиқар экан. Бу можаро Бухоро подшолигига маълум бўлгач, Бек бобомизни чақириб (иккала бекни ҳам чақириб муҳокама қилар экан) сўрар эканки “Сизнинг беклигингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз борми?” деб. Шунда бобомиз ҳужжатни кўрсатар экан. Подшо ўқибкўрса, бу ҳужжат бобоси томонидан берилган экан. Янги бекка эса ҳужжатни Саид Олимхоннинг ўзи берган бўлади. Шариат ҳукмида подшоҳлар ота-бобоси буйруқларини бекор қила олмас экан. Ҳурмат тақазосидан бўлса керак. Натижада Саид Олимхон ҳар иккала бекка қараб “Ҳар иккингининг ҳам ҳужжатларингиз асосли, тўғри экан. Ер талашмай ўзаро баҳам кўриб яшайверинглар, тинч яшанглар” деб чиқариб юборар экан.



Тим қишлоғи қадимда машҳурсавдо марказларидан бири бўлган. Халқи ўқимишли, маданияти юксак, ривожланган қишлоқ эмас шаҳар бўлса керакки, бу ерда

бундан 1150 йил илгари “Араб ота” мақбараси, 800-850 йиллар илгари эса “Оқ масжид” биноси қурилмаган бўлур эди. Ҳозирги вақтда халқ томонидан уй қуришда

пойдевори учун ер қазिश ишлари олиб борилганда сопол қувурларга ҳамдуч келишган. Бу сопол қувурлар орқали тимдан 20-25 км узоқликдаги Саҳоба қишлоғи яқинидаги Сардобага сув олиб борилганлигини ҳам кўрсатиш мумкин. Чунки Саҳоба қишлоғидаги Сардоба Бухородан Афғонистонга ўтиш йўлида элчи ва чопарларнинг тўхтаб ўтиш жойи бўлган. Саҳоба қишлоғи қоқ чўлнинг ўртасида жойлашган.

Билмадим қанча йиллар ўтди, ҳаёт тарзи ўзгарди. 1900 йил бошларидан ва 1924-30 йилларгача, ёки то 1960 йилгача ҳам Тим тарихи билан ҳеч ким қизиқмаган чунки очарчилик, вабо касалликлари бўлиб ўтган. Иккинчи жаҳон уруши ҳам халқнинг тинка мадорини қуритган. Шу сабабли чекка қишлоқ билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган.

### **АРАБ ОТА МАҚБАРАСИ**

Халқимиз оғир даврни бошидан ўтказиб, ўз тирикчилиги билан овора бўлиб, саводсиз, илмсиз, фақат колхоз берган меҳнат куни билан зўр-базўр кун ўтказиб келган. Халқнинг тирикчилиги чорвачилик ва қисман лалмикор деҳқончиликдан иборат бўлган. Қишлоқда 1930 йилларда қурилган 3 та хонаси бўлган мактаб ва колхоз идорасидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. 1957 йилга келиб колхозлар бирлаштирилиб “Қарнаб” совхозини тузилади. Шундан кейингина қишлоқда касалхона, совхоз идораси, хўжалик дўконлари қурилади бошланди. Ҳаттоки 1957 йилгача ўрта мактаб ҳам бўлмаган, шу йили етти йиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилади. Фақат халқнинг ўз кучи билан қурилган 7 дона сув тегирмони бўлган. Мана шу тегирмонлар халқни очарчиликдан сақлаб турган. Шу тегирмонлардан учтасини мен ҳам

кўрганман. Ўзим ҳам шу тегирмонларда ун торганман.

Мен 1953 йилда қишлоқдаги мактабнинг 1 синфига қабул қилиндим. 6 синф баҳоридан бир воқеа бўлди. Синфдошимиз Идиев Суюнбой деган боланинготаси қишлоқ подасини боқар эди. Мактабда ўқиб юрган пайтимизда оқ кўйлак, оқ иштон, бўйнимизга қизил галстук тақар эдик. Суюнбойга отаси “Мактабдан келишинг билан олдимга бор, молларни боқиб тур” деб буюради. Қишлоқнинг баландида “Қудуқча” деган жойда кўп тут дарахтлари бўлар эди. Шу пайт кучли жала (ёмғир) ёғиб момақалди роқ бўлиб қолди. Оқ кўйлақда юрган Суюнбой ўзини (жаладан қочиб) тут панасига олади. Шу пайт бир яшин келиб дарахтга урилади. Бу воқеа 1960 йил баҳорига тўғри келади. Шу воқеадан 3-4 кун ўтгач, тўсатдан “ленийка” чақириб қолишди. Одатда мактабда 3-соатдан кейин “ленийка” бўлар эди. Бу навбатдан ташқари “ленийка” эди. Ҳамма “ленийка”га чиқишди, қарасак, Тошкентдан 3-4 та “урус”лар, 5-6 та район раҳбарлари келишган экан.

Маълум бўлишича улар Суюнбой раҳматлини излаб келишибди. Унга атаб кўплаб китоблар, совға-саломлар олиб келишган экан. Сабаби Суюнбой пода боқиб юганида, қадимги тангалардан бир ҳовуч топиб олиб, рус тили ўқитувчиси Поповага беради. Попова эса бу тангаларни Тошкентга жўнатади. Улар бу тангаларни ўрганишгач, (жуда ҳам ноёб бўлса керак) Суюнбойни излаб келишади. Минг афсуски, бу вақтда Суюнбой вафот этганига 3-4 кун бўлган эди. Улар танга топилган жойни излашади аммо сир-сирлигича қолиб кетади.



Мақтабларимизда маҳаллий халқдан чиққан ўқитувчилар бармоқ билан санарли эди. То 1963 йилгача бирорта олий маълумотли ўқитувчи йўқ эди. Қишлоғимиздан энг биринчи олий маълумотли ўқитувчи Нурмамат ака Элбоев чиқди. СамДУнинг тарих факултетини 1953 йилда тугатган эди. 1955 йилда Алиқул ака Бобоназар, 1961 йилда Бекмат Кенжаевлар олий маълумотли бўлишади. Шу сабабли ўқитувчилар ташқаридан келишарди. Татарлар, руслар ҳам келиб дарс беришарди.

Шу даврдаги кексаларнинг ўзаро гурунгида “Тангалар топилган жой сирлигича қолди, бу иш Аллоҳга ёқмадида”, деган гаплари ҳамон қулоғим тагида эшитилиб туради. Бу воқеани ёзишдан мақсадим Араб ота мақбарасининг жаҳонга танилиши билан боғлиқ. Суюнбой дўстимизни Аллоҳ раҳматига олсин.


Келган меҳмонларни совхоз раҳбарлари шу ердаги арча, Араб ота мақбараси ва Оқ масжидга олиб бориб кўрсатишади. Тошкентдан келган Г.А.Пугаченкова,

профессор М.Е.Массонлар Араб ота мақбарасини кўриб, қизиқиб қолишади. Шу қишлоқлик мулла Ҳамро бобоникида туриб, шуларнинг аспиранти Баҳодир Турғунов қазиш ишларини олиб боради.

Натижада Г.А.Пугаченкова томонидан Араб ота мақбараси (IX-X асрлар Мовароуннаҳр меъморчилик тарихидан) деган катта мақоласини ёзиб чиқаради[3].

Маълум бўлишича, профессор М.Е.Массон Араб ота мақбараси IX-X аср яъни 367 ҳижрий йил 977/8 милодий йилда қурилган. Деган хулосага келади. М.Е.Массоннинг айтишича, Ўрта Осиё ва қўшни ўлкалардаги қадимий ёдгорликлардан энг қадимийси деб ҳаттоки Сомонийлар мақбарасидан ҳам олдин қурилганлиги маълум бўлади. Араб ота мақбарасини қурган устани олиб бориб Сомонийлар мақбарасини қурдирган деган фикрлар ҳам мавжуд. Текширишлар давомида Араб ота мақбарасининг баландлиги қанча бўлса, унинг пойдевори ҳам шунча эканлиги аниқланади. Пойдеворга арча дарахтидан ишлатилган.

Маълум бўлишича Араб ота мақбарасининг баландлиги 4 м. Пойдевори ҳам 4 м экани аниқланган.



Мана шундан кейин Самарқандлик олимлар Н.И.Леонов, Х.М. Абдуллаевлар иштирокида экспедиция уюштирилади. Ҳозирги пайтда Араб ота мақбараси ва Оқ масжид ҳам ЮНЕСКО ҳисобида туради. Араб ота мақбараси ва Оқ масжидларнинг қайта маълум бўлиши ЮНЕСКО ҳисобига киритилишида марҳум Идиев Суюнбойнинг катта ҳиссаси бор деб ҳисоблайман.

### АРЧА ДАРАХТИ ЁКИ СОВУР ЁҒОЧ

Араб ота мақбарасини ўрганиш вақтида унинг пойдевориغا арча дарахтидан кесиб синчлаб (Ум-пундамент) қўйилганини илмий институт ходими Баходир Турғунов аниқлаган ва 1961 йилда мақбаранинг шимолий-шарқий бурчагига археологический шурф қўйилганлиги қайд қилинган.

серҳосил унумдор ҳар хил гиёҳларга бой ҳисобланади.

Шу сабали кексалар Хатирчи тоғларини “Оқ тоғлар”, Тим тоғларини эса “Қора тоғлар” деб аташади. Нима бўлганда ҳам шу ягона

Хўш, арча дарахти серсув намлик кўп жойда ўсиши ҳаммага маълум. Демак, бундан 1000-2000 йиллар олдин биз яшаётган тим тоғида ҳам

шундай шароит мавжуд бўлган. Тарихдан маълумки, бундан 1000-2000 йиллар илгари ҳозирги Зарафшон дарёси ҳозирги Нуробод туманидан оқиб ўтган ва Собир сой, Афрон сой бўйлаб оқиб, Шўр дарё номи билан Амударёга бирлашиб сўнгра Орол денгизига қўйилган деган хабарлар мавжуд.



Ҳозирги Афрон қишлоғининг маъноси сув бўйида, сув ёқасидаги деган маъноларни беради. Мана шу даврларда Тим тоғларида ҳам арчалару чинорлару чангалзорлар кўп бўлган. Ҳаттоки, ҳозирги Тим сойининг у қирғоғидан бу қирғоғига ўтишнинг ҳеч имкони бўлмаган. Эски одамларнинг нақл қилишича, Тим ота тоғи билан Қўрғон ўртасида осма кўприк қурилган деган тахминлар мавжуд. Тоғда арчаларнинг кўп бўлганигининг исботи Араб ота мақбарасининг пойдевориغا арча дарахтидан кесиб фундамент қўйилганлиги ҳамда бир дона бўлса ҳам то ҳозирги кунга қадар шу арчанинг яшаб турганлиги далил исбот бўлади.

Бу кўкна дунёда ҳар хил ҳодисалар бўлиб турган, қандайдир бир сабаб билан балким кучли zilzila (ер силкиниши) оқибатида Зарафшон дарёси ўз оқимини (ҳозирги узангига) ўзгартириб юборган, натижада вақт ўтиши билан Тим тоғлари қуруқ тоғларга айланиб қолган бўлиши керак.

Ҳозиргикунда шу нарса аниқки, Хатирчи-Ғубдин тоғлари бизнинг тоғларга нисбатан Арча дарахти Тимнинг кўрки, фахри ҳисобланади ва дунёга Тимни танитиб, машҳур қилиб турибди. Бу арчанинг ёшига келсак, 1000 йилдан кўп умр кўрганлиги аниқ. Бу ҳақида 1967 йил 1 сонли “Фан ва

Турмуш” журналида чоп этилган Улуғбек ов қилган пистазор мақоласи асос бўла олади .

Ҳозирги кунга қадар ҳам шу арчани кўриб зиёрат қилишга узоқ яқиндан келиб туришади. Ушбу суратда қишлоғимиздаги арчани кўришга келган меҳмонлар. Чапдан тумандаги Москва совхозининг директори Ибодов, Қарнаб насилчилик заводи директори И.Б. Атақубонов, туман партия комитетининг биринчи секретари Нурмамат ака Элбоев, туман савдо сестимаси раиси Шодмонов. Ўртадаги икки меҳмоннинг номини била олмадим ва Қарнаб давлат



насилчилик заводи партияси ташкилоти секретори бўлиб ишлаган Эшмуҳаммад Назаровларни кўриб турибсиз.

### ОҚ МАСЖИД

Оқ масжиднинг қурилганига 800-850 йиллар бўлган деган тахминлар бор. Юқорида Тим бир шаҳар бўлган унда жаҳон бозори бўлган ҳаттоки қуллар ҳам сотилганлиги маълум. Шу билан бирга ўз вақтида илми инсонлар ҳам кўп бўлган. Шу қаторда Ислон дини ҳам яхши ривожланган. Замонасига бир кичкина қишлоқда мана шундай салобатли масжид қурилмайди. Ўз даврининг бойларими ёки шу элнинг бекларими савоб умидида ушбу

масжидни қурган бўлса керак. Масжидга бирорта мих ёки ёғоч ишлатилмаган. Тўрт бурчагига овоз кучайтиргичлар – кўзачалар қурилган. Пештоқидан ҳаво алмашиб турадиган ёмғир қор сувларини ўтказмайдиган усулда қурилган. Ичкаридаги намлик юқорига кўтарилиб чиқиб кетган.

Араб ота мақбараси билан оқ масжид ўртасида катта қурғон бўй чўзиб турибди. Унинг тагида иккита чашма чиқиб оқиб туради. Биттасининг номи “Кўтир” булоқ, иккинчисиники эса “Чилла” булоқ деб юритилади. То ҳозирги кунга қадар халқ шу булоқлардан фойдаланиб шифо топишмоқда.

Тимга Аллоҳнинг назари тушган деб бежизга атмадим. Тимда ўндан ортиқ чашмалар бўлса ҳар қайсисида бир ҳикмат бор. “Али” булоқ суви жуда ширин ёзда совуқ, қишда илиқ бўлади. Оби ҳаво қанча совуқ бўлса суви шунга қараб илиқ бўлади. Ёзда қанча иссиқ бўлса суви шунча совийди. Ана сизга мўъжиза.

“Жилли” (Илиқ) булоқ суви эса ҳамма вақт иссиқ бўлиб туради. Қишнинг ҳар қандай совуқ кунларида ҳам бемалол чўмилса бўлаверади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуқўҳор Ибрагимов. Бизким ўзбеклар.
2. “Жаҳон қомусий луғати”дан Абдуқўҳор Ибрагимов. Бизким ўзбеклар.
3. Ўзбекистон меъморларининг санъати Ўзбекистон ССР Ф.А нашриёти 1963 йилда чоп қилинган журнал.

4. Муаллифи В. Расулов. Шу мақолада акс эттирилган сурат илова қилинади.
5. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. *Theoretical & Applied Science*, (10), 587-589.
6. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". *Theoretical & Applied Science*, (7), 446-453.
7. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. *Religación*, 4, 192-194.
8. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 9(77), 256-259.
9. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 180-183.
10. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Theoretical & Applied Science*, (4), 112-114.
11. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. *Современные научные исследования и разработки*, (2), 10-13.

## СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ НИКОҲ ТҶИИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ (КЎҲИТАНГТОҒҚИШЛОҚЛАРИ МИСОЛИДА)

ИКРОМЖОН ИБРАГИМОВИЧ УМАРОВ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “ЖАҲОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИНИНГ МУСТАҚИЛ ИЛМИЙ ИЗЛАНУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Оилада фарзанд туғилганда ота-она унинг келажаги учун қайғура бошлаган. Фарзанди катта бўлиб уни уйлантириши ёки турмушга чиқаришини ҳисобга олиб олдиндан тайёргарлик кўриб борган. Шу мақсадда ота-она нимаики яхши нарсани топса ўшани сандиққа солиб қўйган. Сандиққа фарзандининг тўйига атаб янгиқошиқ, товоқ, рўмол, белқарс, офтоба ва шунга ўхшаш нарсаларни қўйиб борган. Қизлар учун чақалоқлигидан рапида (нон ёпгич), сурпа, енгча ва шу сингариларни йиғиб сандиққа солиб қўйган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Ҳеши, уруғ оқсоқоллари, бешик тўйида унаштирилди, бешиккертти.

### КИРИШ

Азалдан келин-куёв танлаш ота-онанинг вазифаси ҳисобланган. Йигит ва қизнинг кўнглига қаралмаган. Аввал бўлғуси келин танланган. Бунда ёшларнинг юлдузи тўғри келиш-келмаслиги, қизнинг насл-насаби суриштирилади. Қиз топилгач, унинг уйига совчиликка борилади. Совчилик ўзбек халқининг энг гўзал анъаналаридан биридир. Хатакилар одати бўйича совчиликка йигитнинг отаси боради. Агар ота оламдан ўтган бўлса, энг яқин кишиси, яъни “хеши” юборилади. Совчиликка аёллар бориши мумкин бўлмаган. Оила яқинларидан совчиликка муносиб одам бўлмаган ҳолда бу вазифани уруғ оқсоқоллари бажаришган. Совчилар таклифига биноан қизнинг ота-онаси ҳам бирданга аниқ жавоб айтмасдан, маслаҳатлашиб кўрайлик, деганлар. Орада

йигитнинг насл-насаби, юриш-туриши, ҳунари, соғлиги суриштирилади. Розилик берилмаса, қайта келган совчилар қайтиб кетадилар. Розилик бўлса, муайян вақт белгиланиб нон синдирилади.

Аксарият ҳолларда оилада қиз бола туғилганида чилла ўтиши билан бошқа оилалардан қизча катта бўлганида уни ўз ўғлига олиб бермоқчи бўлганлар чиқиб қолади ва улар дарҳол унаштириш ташвишига ҳам тушадилар. Бу одат “қулоқтишлар”, “бешиккертти” деб аталади. Кўхитанг тоғи марказида яшовчи хатак қавмида бундай тушунчалар йўқ. Унинг ўрнига, “бешик тўйида унаштирилди”, деб айтишган[1].

Унаштириш учун тўққиз тандир нон ва бир дона кулча, тўққиз патир ва бир дона патир кулча, тўққиз қатлама ва бир дона қатлама

кулча, тўққиз қатпатир ва бир дона қатпатир кулчаси, жами 40 та нон зарур бўлади. Шундан тўрттаси кулчадир. Ризқи бутун бўлсин деб ноннинг сони қирқта қилинган. Негаки, қадимда буғдойнинг ўзидан қирқ турдаги таом тайёрланган. Нондаги тўққиз сони ота-онаси, кулча эса, болачаси ҳисобланган. Айрим бадавлат кишилар қатпатирга сариеғ, имконияти етмаганлар оқ мой суртишган[2].

Бошқа жойларда бундай ҳолат учрамайди. Унаштириш маросимида меҳмонлар овқатланиб бўлгач, улар орасидан ёши улуғ ва обрўли киши “бисмиллоҳи раҳмони раҳийм” деб, бирин-кетин аввал иккита тандир нон, кейин иккита патир нон, сўнг иккита қатпатир, охирида иккита қатламанибитта қилиб синдиради. Иккита нонни бирданига синдириш осон эмас. Лекин шундай қилинмаса унаштириш маросими ўтган деб ҳисобланмайди. Нон синдирилганидан сўнг “ёшларни бахтини берсин”, деб дуо қилади. Шу билан йигит ва қиз унаштирилган ҳисобланади. Унаштирилган қиз ва йигит “патияхонда” дейилади. Ҳозир бўлганлар синдирилган нонни тановул қиладилар, қолганини рўмолга тугиб уйга олиб кетадилар.

Нон синдирилган пайти икки томоннинг келишуви содир бўлади. Бунини “карда” дейилиб, унда куёв томонидан нечта мол, қўй, эчки, пахталик, ун ва шу каби нарсалар, яъни “қалин” бериши аниқлаб олинади. Хатакиларда қалин унчалик катта бўлмаган. Энг юқори қалин ўнта қўй, энг ози эса, бешта эчкидан камбўлмаган. Инқилобга қадар Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида қалин миқдори анча юқори бўлган. XX аср бошларида Тошкентда куёв ўзининг бўлажак хотинига 9 та бошмоқ, 9 жуфт сирға, 9 та узук, 9 ботмон (2-11 пуд оралиғида) гуруч, 9 та қўй, 9 дона тилла (танга) ва ҳоказолар бериши лозим бўлган. Бунда ҳар бир турдаги совға тўққизтадан иборат бўлиши лозим эди[3].

Қадимий удумга кўра, қудалар қалин ҳақида сўз очмаганлар. Шу боис қалин масаласини келин ва куёвнинг амакилари ёки тоғалари

ҳал этишган. Агар қалин масаласида келишувга эришилмаса, кейинги учрашувда келин-куёвнинг бошқа амакилари ёки тоғалари иштирок этишган. Иккинчи марта ҳам келин олишмаса, эл оқсоқоллари ёки сўзи ўтадиган қариндошлари ўртага тушиб икки томонни келиштирган. Қалин масаласи ҳам ҳар икки томонни қониқтирадиган қилиб белгиланган.

Никоҳ тўйига қизнинг ота-онаси ҳам жиддий тайёргарлик кўриб сеп тайёрлаганлар. Қиз учун тайёрланган сеп “тўққиз” дейилади. Негаки, у тўққизта турли мато ва тақинчоқлардан иборат бўлган. Унга: келин кийиб юриши учун ўнта оддий, ўнта майда, бешта катта, тўртта ўрта рўмол, шунингдек, адрас, шойи, атлас, чит, сатин ва турли тақинчоқлар – ойна, исирға, билагузук, хапаванд ва бошқалар кирган. Сепга солиш учун бозордан олиб келинган мато ва тақинчоқларнинг ҳаммаси “кола” деб аталган. Кола – шевада янги сотиб олинган мато, атир-упа, тақинчоқлардир. Сеп олиш учун бозорга кетган вақтда “колага кетди” дейишган. Бозордан қайтган вақтда, у ёки бу матони олдинги, дейишмай “кола олдинги?” деб сўрашган. Умуман олганда ота-онанинг қизига берадиган совғаси “сеп”, “кола” ва “тўққиз” каби номлар билан аталган[4].

Хатакиларнинг кўҳна удумига кўра, никоҳ тўйи душанба куни ўтказилган. Эрталаб соат ўнлар атрофида куёв ўз жўралари билан келиннинг уйига келади. Тўй куни қиз томонга тўй жўнатилади. Унинг ичига қўй-эчки, мева-чева, ўнта тандир нон, ўнта патир нон, ўнта қатлама ва ўнта қатпатир жўнатилади. Ҳар бир турдаги нондан биттаси кулча бўлган. Куёвнинг олдида битта шоулоқ, қалин учун қўйларини олиб келади. Битта қўйнинг шохига рўмол боғлайди. Куёв ҳовлига кириб келгач, келин томондагилар куёв ва унинг жўраларини алоҳида тайёрлаб қўйилган хонага олиб киришади. Бу ерда “тўққиз товоқ” маросими ўтказилган. Уларга келин томондан тўққиз товоққа турли хилдаги овқатлар тайёрлаб қўйилади. Овқатлар еб бўлингандан сўнг келин



янгаларидан бири лаган устига рўмолини ёйиб қўяди. Куёвнинг ошналари товоқлар бўш кетмаслиги учун унга пул ташлашади. Келиннинг янгаси эса, «пулларинг кам», деб яна пул талаб қилиб тураверган. Пулни олгач, келин-куёвни дуо қилиб рўмолни олиб кетади.

Тўққиз таом маросимидан кейин никоҳ маросими ўтказилади. Тўй куни никоҳдан олдин келинни жўнатишда “вакил ота” сўралади. Вакил ота келиннинг тоғаси, акаси ёки амакиси бўлган. Қизнинг ота-онаси олдиндан вакилини кимга бериш кераклигини айтиб қўйишади. Удумга кўра, икки киши келиннинг олдига келиб вакилингни кимга бердинг деб сўрашган. Келиннинг дугоналари вакилингни ҳали айтма деб туришган.

Келин кўпинча тонг отгунига қадар вакилини кимга беришини айтмаган. Тонгга яқин, вакилини кимга берганини айтган. Вакилнинг исмини эшитган кишилар “исботи” дейилади. Улар муллага қизнинг вакилини кимга берганлигини айтиб гувоҳлик беришади. Вакил шу қиз билан йигитнинг орасида бел экан. Агар эр хотинига қарамаса, аёли касал бўлса ёки ажрашиб кетишса ўша вакил қизни олиб кетар экан. Ёки бўлмаса, уларни яраштириши керак эди.

Сўнг келин ва куёвни никоҳлаш учун исириқ тутатилган бошқа хонага олиб кирилади. Никоҳ келиннинг уйда ўқилган. Никоҳда ширин сув, оқ пахта қўйилади. Домла икки киши гувоҳлигида никоҳ ўқийди. Никоҳ охирида уларга ширин сув ичиради.

Никоҳ маросими тугагач, “орқа кўҳлар” маросими ўтказилади. Унда келин томон куёвнинг тўни, желаги ёки қўйлагини қатлаб оқ ип билан тўрт марта ўтказиб тикади. Бунда икковининг ораси мустаҳкам бўлиши мақсад қилиб қўйилади. Қора ип билан тикиш мумкин бўлмаган. Негаки бахти қаро бўлади деб ўйлашган. Тўнини кўҳлагани учун куёв пул берган. Сўнг келин-куёвни кузатишади. Ота ўз қизини кузатар экан, унинг бошини оқ пахта билан силайди. Куёви билан қизига оқ фотиҳа бериб юборади.

Келин-куёв чиқар экан, фарзанди кўпайсин деган мақсадда уларнинг устидан дон сочишган.

Қадимда келинлар отга миндириб жўнатишган. Отга келиннинг амакиси, тоғаси, туғишган акаси ёки укаси миндириб борган.

Келинни олиб келган кишини рози қилиш учун унга тўн ва белқарс беришган. Шундан кейин куёв келинни отдан туширади. Келиннинг кўрпа-тўшакларини тушириб олган кишига эса, бир кийимлик мато берилган. Бу маросим “таг босди” ёки “юк бости” деб аталади. Келин отдан тушгач “келин олдига чиқиш” маросими ўтказилган. Келинни энг яқин кишилари тушириб олади. Сўнг уни куёвнинг ота-онаси, опаси, ака-укаси кутиб олади. Куёвнинг онаси келиннинг ота-онасига кийит беради. Бошқа жойларда келин ўзини тушириб олганни она дейди. Хатакиларда бундай одат йўқ. Боласи ўлган, бефарзанд ёки ажрашган кишилар келинни тушириб олмайди. Ирим қилинган.

Келин отдан туширилгач, “оловдан ўтказиш маросими” ўтказилади. Бунинг учун ҳовлининг кириш жойида олов ёқилган. Ҳар қандай зиён-заҳмат, суқ ва кинналар, одамларнинг юки оловда ёниб кетсин, уйга тозаланиб кирсин деган мазмунда қайнона келинни икки гулхан ўртасидан олиб кирган. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида эса, келинни кўтариб оловнинг атрофидан уч марта олиб ўтказишган.

Оловдан ўтказиш маросими тугаганидан кейин куёв келинни чимилдиққа бошлаб киради. Уйга кириш жойи, яъни бўсағада кўрпа тўшалиб, унинг устига бир кампир кўндалангига ётиб олади. Бу “кампир ўлди” маросими дейилади. Ҳамма “момо ўлди” деб туради. Келин ва куёв эса, “моможон, туринг, сиз ўлманг, ҳали невараларингизга ҳам қарашасиз”, деб момонинг устидан ҳатлаб ўтишади. Момонинг қўлидан ушлаб турғизишади. Момонинг елкасига сарпо ёпилади. Момо келин-куёвга дуо бергач, куёв келинни чимилдиққа олиб киради.

Чимилдиқни келиннинг онаси тайёрлайди. Уни серфарзанд ва бир никоҳли аёллар

тайёрлашади. Бефарзанд ёки бир фарзандли, икки никоҳда бўлган кишилар чимилдиққа киритилмаган.

Чимилдиққа кирганидан кейин “юз очар” маросими ўтказилган. Бу туркий халқларга хос қадимий маросим бўлиб, унда келиннинг юзини ёпиб турган рўмолини кичкина ўғил бола чўп билан очган. Бунинг учун болага битта рўмол беришган.

Чимилдиқда келин ва куёв ёлғиз қўйилмаган. Эс-хушли, фарзанди бор янгалардан бири уйнинг бурчагида, келин-куёв эса, чимилдиқ ичида ётишган.

Адолат момо Қўнғиротованинг (1932 йилда туғилган) хотирлашича, 1949 йили Хатак қишлоғига келин бўлиб тушганида тўй кечқурун бўлиб ўтган. Ўшанда уйдан то тўй бўладиган жойгача хотинлар келин-куёвнинг олдида намойишкорона тўртта қаторда юриб доира чалган ҳолда боришган. Ўртада катта гулхан ёниб турган. Одамлар гулхан атрофини ярим ой шаклида ўрабўтиришган бўлса, қарама-қарши томоннидоирачи аёллар гуруҳи эгаллаган. Аввал ёш болалар кураш тушади. Буни “олиш” дейишади. Сўнгра аёллар турли усуллар билан доира чалганлар. Кейин навбат бахшиларга берилган. Бахшилар «Алпомиш» достонидан Ойбарчинни қутқариш, Алпомишнинг уйланиши, отни сувлаш, Гўрўғли, Авазхон, Чамбил ҳақидаги нағмалар орасидан фақат севги-муҳаббатни танлаб қуйлаганлар. Тонг отгунга қадар дoston ва терма тинглаганлар[5].

Куёвнинг уйида янгалар келиннинг сочига “зулфак” қўйишган. Бунинг учун аввал қошиқнинг дастасини мойлаб кейин оловга тоблаб қиздиришади. Сўнграқулоқнинг икки томонидаги сочни пружинка қилиб бурайди. Зулф кажавадек бўлиб қолади.

Никоҳ тўйининг эртасига “келин салом” маросими ўтказилган. Унда қўни-қўшилар, яқин-қариндошлар иштирок этганлар. Келин ҳар сафар салом айтилганда таъзим қилган. Келин саломда куёвнинг яқинлари келинга атаган сарполарни беришган.

Келин-куёвни тўйдан кейинги қирқ кун давомида чиллада сақлашган. Шу муддат

ичида чимилдиқ хонаси ёлғиз қолмаслиги керак бўлган. Мабодо бирон иш билан бошқа жойга бормоқчи бўлса уйга бирон кишини, асосан ёш болани қўйиб кетиши лозим эди. Кичик чилла чиқмагунча келин ва куёв кечқурунлари кўчага чиқишмаган. Боласи нобуд бўлган кишилар, икки никоҳли аёллар ва ажрашганлар ирим қилиниб чимилдиққа киритилмаган.

Тўйдан сўнг келин эрта тонгда ҳовлини супурган. Аммо унга бошқа иш буюришмаган. То янги тушган хонадонга мослашиб кетгунига қадар унга вақт беришган. Агар тўйдан кейинги учкун ичида келинни уй ишлари билан банд қилишса, бу оиладан дарз кетади, деган фикр бор эди. Уч кун ўтгач, қайнонаси келинга урчуқда оппоқ ипак берган. Келин аввал ипакни урчуқда йигиради. Шундан кейингина унга иш буюрилган. Аста-секинлик билан қайноналар ўз келинларини уй ишларига ўргатиб боришган. Чилла вақтида келинлар қора рангли кийимларни тикиши мумкин эмас эди. Негаки, бахти бузилади деб ҳисоблаганлар.

Тўйдан уч кун ўтгач, “куёв чақирди” маросими ўтказилган. Қайнота ўз куёвини меҳмондорчиликка чақирган. Куёв ўзининг энг яқин кишилари билан бирга қайнотасининг уйига борган. Куёв чақирдига дастлаб қайнота куёвнинг олдида биринчи бўлиб ошни қўяр эди, лекин куёв овқатни олмай туради. Шунда қайнота куёвни кўрманаси учун “бир бузоқ сизга” дегандан кейингина куёв овқатни ер эди. Бу совға “мол боши” дейилади. Келин ва куёв “мол боши” деб берилган сигирни мерос деб ҳеч қачон йўқотмаган, сотмаган. Бу сигирнинг боласини ҳам сотмаган. Қайнотаси берган сигирнинг наслини вақти келганда ўзининг боласига ҳам берган.

Куёв чақирдига иложи етган кишилар қўй, улоқ ёки қўзи сўйган, куёви ва у билан бирга келганларга тўн ёпган. Аёлларга кийит берганлар.

“Чимилдиқни ечиш” маросими чилла тугаганидан кейин ўтказилган. Айримлар чимилдиқни 40 кун, бошқалари эса, 3 ёки

олти ойгача сақлашган. Чимилдиқни ечиш олдидан бир товоқ ош қилиниб Бибимушкул ўтказилади. Унда куёвнинг онаси, опаси, холаси, аммаси, келиннинг онаси, холаси, опаси, аммаси бўлади. Чимилдиқни серфарзанд, бир никоҳлик момо ечади. Мазкур маросимда иложи етганлар қўй сўйиб, сарпо улашганлар. Иложи етмаганлар борини дастурхонга қўйиб меҳмон қилганлар.

Барча мусулмон халқларида бўлгани сингари хатакиларнинг оилавий муносабатларида ҳам эркак киши устивор эди. Аёл учун эркак – оила бошлиғи, қўрғони, устун ҳисобланган. Номаҳрам эркакларга аёлларнинг юзини кўрсатиш мумкин бўлмаган. Эркак оила боқиш учун кун бўйи меҳнат қилар, топганини уйига олиб келиб, бола-чақаси билан бирга баҳам кўрарди.

Оилада аёлнинг кундалик юмушига уй тозалаш, рўзғор буюмларини саранжом-саришта сақлаш, овқат пишириш, болалар парвариши кирган, бўш вақтда эса, кигиз пишитган, ўрмақда гилам тўқиган, чархда ип йигирган ва ҳоказо.

### ХУЛОСА

Келинлар бозорга ёки тегирмонга жўнатилмаган. Келин ўз эрининг уруғ-аймоғини қаттиқхурмат қилган. Келинлар бош яланг, оёқ яланг кўчага юришмаган. Келин эри, қайнонаси ва қайнотасидан берухсат бирон жойга чиқа олмаган. Таъзияга ҳам қайнонаси ва қайнотаси билан бирга борган.

Эркак ўз аёлига нисбатан хуш муомалада бўлган, аёлни асраб-авайлаган. Эр ишдан қайтган вақтида хотинига қараб “тасаддуғинг бўлай, тўнимни ечиб ол”, дер экан. Бу гапни эшитган хотин хурсанд бўлиб бир неча кунгача шодланиб юради. Далада ишлаётган эркакка хотин тушлик олиб боради. Эр тушликни еб бўлганидан сўнг хотинини ёлғиз қўйиб юбормасдан уйига қадар кузатиб қўяди[6].

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи, 2017 йил октябрь.
2. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Тангидевон қишлоғи, 2018 йил апрель.
3. Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. Издание Сырдарьинского областного статистического комитета. Том XI. Ташкент, 1904. –С. 361.
4. Дала ёзувлари. Ангор тумани маркази, 2018 йил май.
5. Дала ёзувлари. Ангор тумани маркази, 2014 йил июль.
6. Дала ёзувлари. Шеробод тумани, Хўжанқон қишлоғи. 2014 йил апрель.
7. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
8. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
9. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
10. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
11. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
12. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS.

13. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.  
LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting

native speakers' word stock.  
Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА НЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (САЗАҒОН МАДАНИЯТИ МИСОЛИДА)

КАМОЛА МУСТОФО ҚИЗИ РАҲМОНОВА  
АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ 1-БОСҚИЧ МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Тадқиқотнинг асосий мақсади мавзу буйича тўпланган жуда бой археологик материалларни тарихий кетма-кетликда объектив таҳлил этиб, воҳада ибтидоий ўруғчилик жамоалари тарихининг ривожланиш жараёнларини кузатиш ва уларни умумлаштириш. Шундан келиб чиққан ҳолда: мавзуни ёритишда археологик материалларни хронологик жihatдан умумлаштириб, уларни бирламчи манба сифатида аҳамиятини очиб бериш; жаҳон тарихида “Неолит инқилоби” деб ном олган жараённинг минтақавий ривожланишнинг акс садолари Зарафшон водийсида неолит даврининг Сазағон маданияти ёдгорликларида бой археологик артефактлар асосида ёритишдан иборат.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Сазағон, археологик материаллар, неолит, энеолит, деҳқончилик, қабр, Зарафшон.

### КИРИШ

Зарафшон водийси ўзининг табиий-географик ўрнига кўра, нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё минтақасининг марказий қисмини ташкил этади. Бу замин одамзод томонидан қадимги тош даврининг мустье босқичидан бошлаб ўзлаштирилган. Шу даврдан бошлаб кишилиқ тарихининг барча босқичларига оид археологик ёдгорликлар топилиб, ана шу моддий маданият манбалари асосида воҳа аҳолисининг ибтидоий давр тарихи тадрижий кетма-кетликда ўрганиб чиқилган.

Қадимги аجدодлар томонидан Зарафшон водийсини ўзлаштириш тош асрининг мезолит ва неолит босқичларида ҳам давом

этади. Бу даврга оид археологик ёдгорликлар Зарафшон тоғ тизмаларининг Қоратепа массиви районларида, Сазағон сой террасаларида, Нурота тоғ тизмаларининг Қоратоғ ёнбағирларида, Учтут яқинида, Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида, яъни Қизилқум чўлининг Амударё томон ёриб ўтган Моҳондарё ва у ҳосил қилган Катта тузкон, Кичик тузкон, Қоранғишер кўллари соҳилларида топибўрганилган. Улар орасида археологик материалларининг кўп даврга тегишлилиги билан Сазағон сой террасаларида таркиб топган мезолит ва неолит даври ёдгорликлари алоҳида аҳамият касб этади. Аммо Сазағон I ва

Сазафон II манзилгоҳларининг ёши масаласида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар уларни неолит даврига тегишли деб чиқдилар. Жумладан, Д.Н.Лев Сазафон I манзилгоҳини неолит даврига тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаб, уни Калтаминор маданиятига мансуб деб ҳисоблади. Сазафон сой террасаларининг геологик кесмаларига асосланиб, геолог Э.Д.Мамедов уларнинг санасини мезолит-неолит даврлари билан белгилашни таклиф қилади. Трассолог Г.Ф.Коробкова эса Сазафон манзилгоҳлари тош индустрияси устида трассологик изланишлар ўтказиб, уларни мезолит даврига тегишли деган хулосага келади. М.Ж.Журакулов ва Ю.П.Холюшкинлар Сазафон I манзилгоҳи археологик комплексининг юқори даражадаги микролит характерда эканлигини таъкидлайдилар ва Сазафон 1 ёдгорлиги келиб чиқиш тарихий илдизига кўра, Самарканд юқори палеолит ёдгорлигига бориб тақалади. Ёш жиҳатидан эса у мезолит даврига тегишлидир, деган туғри хулосага келдилар. Кейинроқ, М.Ж.Журакулов ўз фикридан кайтиб, археолог Н.У.Холматов билан бирга ёзган навбатдаги асарида Сазафон II археологик комплексининг асосида неолит даври материаллари ётишини кўрсатиб, манзилгоҳнинг қайси бир жойида «соф» неолит даврига тегишли маданий қатлам сақланганлиги ва у икки горизонтдан иборат эканини ёзади. Бирок бундай жиддий хулоса матнда ва тегишли иллюстратив материалларда ўз аксини (тасдиғини) топмаган. Проф. М.Журакулов ушбу ёдгорлик материалларини эълон қилишга бағишланган бошқа бир мақоласида Сазафон II манзилгоҳини қазиб вақтида тош конструкцияли кулба қолдиқлари учратилганлиги ва неолит даврига оид қабр ҳам очилганлиги ҳақида хабар қилади. У бошқа бир асарида эса ушбу қабрнинг неолит даврига оид эканлигига шубҳа билдирган. Афсуски, Сазафон маданияти ёдгорликларининг стратиграфияси, даврий

санаси, уларни чизмага олиш услубида методик камчиликлар учрайди. Айниқса, қадимги қабрларни очиш ва археологиянинг стратиграфик кўзатув услубига тўлиқ амал қилинмаганлиги кўзга ташланади. Кейингитаҳлилий кўзатувлар Сазафон II манзилгоҳидан топилган қабрларни неолит даврига тегишли эканлигига шубҳа туғдиради. Улар ё энеолит, ёки илк бронза даврига тегишли бўлиши мумкин.

Палеоботаника илмий изланишларга кўра, Қоратепа массиви районлари, айниқса Сазафон сой водийси ўз вақтида қалин ўрмон билан қопланган, овчилик ҳужалиги учун жуда қулай бўлган. Археологик материаллар Сазафон сой райони мезолит давридан бошлаб аждодлар томонидан ўзлаштирила бошлаганлигидан далолат беради. Сазафон сой водийси ўзига хос табиий-экологик шароитига кўра, нафақат мезолит ва неолит даврларида аждодлар макон топган манзилга айланди, балки энеолит ва бронза, илк темир ва антик, ҳатто кишилиқ тарихининг кейинги босқичларида ҳам маълум бир гуруҳ лалмикор-чорвадорлар макони бўлиб келади. Ёзнинг жазирама иссиғи, циклик кайталовчи қурғоқчиликлар туфайли турар-жой манзиллари булоқсув яқинларида қад кутаради. Аммо уларнинг биронтасида ҳам маданий қатламлар айтарли даражада сақланмаган, яъни кейинги тарихий даврлар билан боғлиқ инсон фаолияти туфайли улар бўзилиб кетган. Шунинг учун мезолит ва неолит даври тош қўроллари билан биргаликда мис пичоқлар, бронза даврининг дашт қабилаларига тегишли сопол парчалари, энеолит ёки бронза даврига тегишли қабрлар, антик ёки илк ўрта асрларга оид сопол синиқлари, турли даврга тегишли ҳайвон суяклари учрайдики, буларнинг барчаси бир томондан Сазафон қишлоғининг тарихий илдизлари нақадар қадимийлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Сазафон қишлоғи ва унинг атрофларидаги сув ресурслари ва экинбоп ер ниҳоятда танқис ва чегарали эканлигидан далолат беради. Сазафон райони археологик

комплекслари ичида 4 та ёдгорлик аниқ мезолит ва неолит даврларига тегишли бўлиб, улардан биринчиси: Сазафон I манзилгоҳидир. У Сазафон қишлоғининг жанубида, Сазафонсой чап соҳилининг иккинчи террасасида жойлашган. Манзилгоҳда 1966-1977 йилларда археологик тадқиқотлар ўтказилди. Ёдгорликда дастлаб Д.Н.Лев, сўнг М.Ж.Журакулов археологик изланишлар олиб борган. Д.Н.Лев маълумотларига кўра, ёдгорликда маданий қатламлар бўлган, аммо улар ўз жойидан кўзғатилган. Манзилгоҳ территорияси қишлоққўрилиши муносабати билан ўз қадимий қиёфасини йўқотган, археологик артефактлар экин майдони учун тайёрланган экинзорларда учрайди. Манзилгоҳхудудида бир неча шурфлар солинган ва 96 кв.м. майдонда стационар қазилмалар ўтказилган. Шурф ва стационар қазилма майдонини ўрганишда, уларнинг стратиграфик ҳарактерини аниқлашга алоҳида эътибор берилиб, қуйидаги манзара аниқланган: горизонт, кесма (разрез)да унинг юқори горизонти серунум қорамтир юмшоқ тупроқ остида илдизли шағал аралаш созтупроқ. Унинг қалинлиги 25-85см оралиғида 2-горизонт. У тиниқ созтупроқ, қалинлиги 70 см.гача боради. Бу горизонтда шағал қалинлашиб боради. Археологик материаллар ҳар иккала горизонтда ҳам учрайди. Аммо пастки горизонтда археологик материаллар анча сийрак. Қазилма майдонида бирор учоқ ёки ярим ертўла типидagi кулба қолдиғи учрамайди. Манзилгоҳда олиб борилган археологик изланишлар давомида 2300 нусхадан ортиқ тош қуроллари ва тош чиқиндилари териб олинди. Шунингдек, катта миқдорда ҳайвон суяқларининг парчалари учратилди. Меҳнатқуроллари ҳом ашёси асосан дарё ва сой тошларидан иборат бўлиб, ибтидоий қуролсозлар меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда кўпроқ қорамтир чақмоқсифат сланец, кварцит ва бошқа хил тошлардан фойдаланганлар. Тош индустрияси

таркибида баъзида холцедон ва чақмоқ тошдан ясалган қуроллар ҳам учрайди. Тош қуроллари сериясини нуклеуслар, нуклеус асослари, тош болғалар (отбойник), тош ускуна, тош парма, кесгич, қирғич, тош қисқичлар (отжимники), ретушёрлар, микропарақалар, пичоқсимон парақа асослари (заготовки ножевидных пластинок), тош парраҳачалар, ҳар хил тош чиқиндилари ҳамда иккинчи марта ишлов берилган ҳар хил тош қуроллар ташкил этади.

Сазафон I манзилгоҳининг тош индустрияси парақасимон учириндилар ҳарактерига эга. Тош қуроллар сериясининг 79,4 фоизи учириндилар, 20,6 фоизи эса парақалар асосида ишланган қуроллар ташкил қилади. Парақа асосида ишланган қуролларнинг 36,3 фоизи микропарақаларни ташкил этади, 22,2 фоиз қуроллар ростмана парақа асосида ясалган. Сазафон I комплекси мана шу жиҳати билан марказий Фарғона мезолит ва неолит ёдгорликларига яқин бўлиб, “хисор” типидagi тоғ неолити маданиятидан фарқ қилади.

Сазафон II манзилгоҳи Сазафон қишлоғидан 2 км.лар чамаси жануброқда, Сазафон сойнинг чап соҳилида, иккинчи террасада жойлашган. Манзилгоҳда 1978-1982 йилларда археолог М.Ж.Журакулов изланишлар олиб бориб, 764 кв.м. майдон очилган. Материаллар ер сатҳининг энг юқори горизонтдан то 1,5-1,7 м. чуқурликкача учрайди. Манзилгоҳда маданий қатламлар шунчалар аралашиб кетганки, неолит даври тош қуроллари орасида, ҳар хил чуқурликда бронза, илк темир даври, антик ва ўрта асрлар даври материаллари (мис бигиз, мис парақа, лавролист шаклидаги бронза пайкони, чақмоқтошдан баргсимон қилиб ишланган камон ўқ учи, бронза пичоқ, металл чиқиндилари, бронза даври сахройи даштликларга тегишли сопол парчаси, уч паррақли бронза пайкони, мис танга, темир предметининг булаг, ўрта асрлар даври сопол парчалари) учрайди. Улар 4800 нусхага яқин. Топилмалар таркибига кўра,

Сазафон II манзили ўз вақтида кўп қатламли бўлган. Айни вақтда Очил Фор маконида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сазафон II манзилгоҳи тош индустрияси типологик жиҳатдан Сазафон I комплексига жуда яқин. Шу билан бирга, Сазафон II тош қуроллар серияси таркиби ва хронологик жиҳатдан Сазафон I комплексидан бир қадар фарқилади. Топилмалар орасида камон уқ учлари-пайконлар (6та), пойтешасимон болталар (2 та), суяқдан ясалган қуроллар, амулет ва денгиз чиғаноғидан ясалган тақинчоқлар ҳамда турли даврларга оид сопол парчалари, жумладан, неолит даври керамикаси учрайди. Неолит сополлари юпқа, тухумсимон шаклда, гардиши бироз ташқарига қайрилган, буйни деярли йук. Баъзиларининг сиртига пардоз берилиб, устидан суяк предмет

ёрдамида чизғи нақш солинган. Сазафон маданияти ёдгорликлари гуруҳи таркибига Жангал 1 ва Тепакул 3 манзилгоҳларини киритиш мумкин. Уларни археолог Н.У.Холматов урганган.

Профессор М.Журакулов маълумотларга қараганда, 1980 ва 1981 йилларда Сазафон 2 манзилгоҳи ҳудудидан яна 2 та қабр очилган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам 1,2 м. чуқурликдан, маданий қатламдан топилган. Биринчиси 12-14 ёшлардаги усмирга тегишли, марҳум скелети ўнг биқини билан, оёқлари тиззадан бироз букланган ҳолда учратилган. Скелет бош чаноғининг юзи ер тишлаган, боши жанубий-шарққа қаратилган. Қабрнинг атрофи тошлар билан ўралган. Қабр яқинидан неолит даври тош қуроллари ва керамика парчалари учрайди. Иккинчи қабр биринчисидан 10 метрлар чамаси шимолроқда, 35-45 ёшлардаги эркак кишига тегишли. Қабр овал шаклида, размери 180x100 см. скелет ётган чуқурча (яма) атрофи катта-катта тошлар билан ўраб олинган. Скелет боши билан жанубий ғарбга қаратилган бўлиб, қабр шу жойда пастга томон кенгайди (160 см. гача). Қабрнинг кенгайган қисмини деворлари йирик тошлар билан ўралган. Қабр тош девори ер сатҳидан 70-100 см.

чуқурликда кўринабошлайди. Скелет бош чаноғи қисмида, 50-70 см чуқурликда тош уюми топилган. Муаллифларнинг тахмин қилишларича, бу тошлар қабр устига қўйилган тошлар булиши керак. Қабрда марҳум юзи билан тош уюмига қаратиб, оёқ-қуллари букланган ҳолда чап биқини билан ётқизилган. Қабрда икки ўровенда олов излари (кўмир ва кул) учратилган. Биринчи ўровен кул излари скелетдан юқорида, иккинчиси-скелет остидан, 105-107 см чуқурликдан топилган. Юқори горизонтда икки жойда охраизлари учратилган. Қабрда ҳар хил сатҳда 30 дан ортиқ тош қуроллари топилган. Тош ва суяқдан ясалган ашёвий далиллар, қўйган суяк парчалари қабр устидаги маданий қатламда ҳам учратилди. Таъкидлаш жоизки, бу икки қабр ҳақида баён этилган тавсифлар шунчалар мавҳумки, муаллифларнинг қадимги қабр очиш ва археологиянинг стратиграфик кузатув услубига тўлиқ амал қилишмаганлиги кўзга ташланади. Аммо қабр ашёвий далилларининг ноаниқлиги уларнинг давр санасини узил-кесил аниқлашга имкон бермайди. Қабрлар давр санасини аниқлашга қаратилган иқтибосий изланишлар ҳам ута расмий ҳарактерга эга. Археология тарихидан маълумки, уруғ-жамоавий қабристонлар, оилавий ҳилхоналар неолит давридан шакллана бошлаган. Сазафон 2 манзилгоҳи доимий, узоқ вақтлар аждодлар макони бўлиб хизмат қилганлигига шубҳа йуқ. Шундай экан, ушбу стационар манзилда ёлғиз қабрларни бўлишига ҳам ақл бовар килмайди. Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу ёдгорликлар устида олиб бориладиган илмий изланишларнинг адоғи йуқ. Улар билан боғлиқ илмий муаммолар ечимининг чеки кўринмайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Амиркулов Б. Исследование погребения неолитической эпохи в селении Сазаган. Материалы



- 
- конференции. Самарқанд-1982. [стр.10-12].
  2. Джуракулов М.Ж. Работы в Самаркандской области. АО 1981 года. Москва-1983. с.54
  3. Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда СамГУ в 1966 г.// Труды СамГУ, вып. 218. - Самарқанд, 1972. с. 15-16
  4. Журакулов М.Ж., Н.У. Холматов. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Ташкент-1991. с. 42
  5. Журакулова Д. Мустақиллик йилларида Самарқанд воҳаси тош асри тарихининг ўрганилиши саҳифасидан // «Самарқанд тарихи: кеча ва бугун» мавзусида ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари. -Самарқанд, 2008.
  6. Журакулова Д. “Зарафшон водийсинингтош ва бронзадавриқабилалари маданияти“ мавзусидаги Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд-2009. Б. 28-35
  7. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  8. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  9. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  10. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  11. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  12. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  13. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ОРОЛБЎЙИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИ

АЪЛОХОН АТАМУРАТОВНА АБДУЛЛАЕВА  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

ХІХ асрнинг охири – ХХ аср бошларида Марказий Осиё минтақасида, хусусан Орол денгизининг жанубида ва унинг атрофида яшовчи халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва ролини манбалар ва тадқиқотлар асосида ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Таниқли олим Я.Фуломов Хива хони Муҳаммад Амин иноқ (1755-1790) руҳсати билан қорақалпоқлар Амударё дельтасининг Шарқий қисмидаги Кўкўзак дарёсининг ва Орол денгизи ўртасидаги ерларга жойлаштирилганлиги ҳақида маълумотлар келтиради. Мазкур фикр Ўзбекистон тарихи китобида ҳамқайд этилган[1].

### КИРИШ

Марказий Осиё бўйича саёхат қилиб, турли маълумотлар тўплаган А.Вамбери XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг ўрталарига келганда Орол денгизининг қуяр жойларида Хива хонлиги жуда катта ҳудудни эгаллаганлиги, хонлик таркибида яшовчи ўзбеклар, қозоқлар-қирғизлар, туркманлар, форслар, шу билан бирга қорақалпоқларнинг ҳудудий жойлашуви ўзига хослиги билан ажралиб турганлиги ҳақида ёзади[2]. Унинг бошқа китобидаги маълумотларга қараганда, қорақалпоқлар Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Чилпик атрофидан бошлаб, то Амударёнинг чап қирғоғидаги Қипчоқча бўлган ерларни бутунлай ўзлаштирган. Аниқроғи, Амударёнинг ўнг томонида Гурланнинг тўғрисидаги ҳудуддан Қўнғиротгача[3], бўлган майдонни эгаллаган. Шунингдек,

Чимбойга Амударёнинг ўнг томонидаги Султан Увайс тоғининг жанубидаги ерлар[4]; Қўнғирот хўжалик туманига дарёнинг чап томонидаги ерлар - Чўманай, Қиётярган, Хўкиз каналларининг бўйларидаги ерлар ҳам кирган.

«Қарақалпақстанның жаңа тарийхы» китобининг изоҳқисмида ҳам мазкур ҳудудда қорақалпоқлар яшаган деб кўрсатилади. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатадики, А.Вамбери асарида ва «История Узбекистана» китобида мазкур ҳудудда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшаганлиги кўрсатилади. Шундай қилиб, XIX асрга келиб, қорақалпоқлар, шу билан бирга,

Ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар форсийлар, Чимбой, Шўраҳон, Манғит, Қипчоқ, Қўнғирот, Хўжайли ҳудудларида яшаган[5]. XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда қорақалпоқлар яшаётган ҳудуд янада аниқроқ кўзга ташланади ва Ҳудудий чегараси қуйидагича кўриниш олганлиги ҳақида академик С.К.Камалов қуйидагича фикр билдирган. Аввалги шаҳарлар яққол марказ шаҳарларга айланиб боради. Яъни, биринчиси – Амударёнинг ўнг томонида Чимбой тумани маркази Чимбой; иккинчиси – Амударёнинг чап томонида Қўнғирот тумани маркази Қўнғирот шаҳри бўлиб қолаверган. Чимбойга – Амударёдан Султон Увайс тоғигача бўлган ҳудуд, кейинчалик Даўкара ва Таллиқ ҳудудлари кирган. Даўкарага – Қуаниш-жарма каналнинг ўрта ва қуйи оқимларидаги Увайс, Пурхон, Кўк-узак, Наўпир, Ишим ирмоқларини ўз ичига олган Амударё дельтасининг шарқий қисми кирган. Таллиққа – Ишан йиққан, Эркиндарё, Қазахдарё, Оролнинг жанубий қисмидан Кўк ирмоғигача бўлган ҳудудларини ўз ичига олган, Амударё қуйи оқимининг Шимолий-Ғарбий қисми кирган[6].

Хива хонининг Шимолий – Шарқий қисмидаги ҳудудларда – Хўжа эли округидан Қият-ёрган канали, Оқуз ирмоғининг қуяр жойи, Қўнғирот шаҳриатрофлари, Кўк ўзак ҳудудлари, Оққалъа, Таў қара, Талли, Ешим канали, Чўртанбой, Талли ўзак, Сари майли, Сари чунгул, Қора Бойли, Қора яб, Чуқур кўл атрофларида, қорақалпоқлар шу билан бирга ўзбек, туркман ва қozoқлар ҳам жойлашганлиги ҳамда улар мазкур ҳудудларда биргалиқда яшаганлиги ҳақидаги маълумотларни П.П.Иванов, С.К.Камалов, А.К.Кощанов асарларида ҳам учрайди. Шу билан бирга, Чимбой, Хужайли, Қўнғирот, Нукус савдо-сотик марказларидан ҳисобланган[7].

Ушбу ҳудудда яшаган аҳоли Хива хонлиги фуқаролари сифатида Хива хонига солиқ тўлаган ва хоннинг барча буйруқ ва фармонларини бажарган. Аҳоли ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда яшаган. Деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик,

овчилик, ҳунармандчилик билани шуғулланган ва Хива хониқтисодиётига маълум даражада улуш қўшиб турган.

Шунингдек, М.К.Нурмухамедов, Т.А. Жданко, С.К.Камалов асарида XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда, йирик ер егалари, чорвадорлар, балиқчилик ҳавзаларига эга бўлган бойлар пайдо бўла бошлаганлиги қайд этилган. Шу билан бирга, ўтакамбағаллар ва кичкина ерга ега бўлган аҳоли вакиллари ҳам яшаганлиги, улар бой хонадон эгаларининг хизматини қилиш билан ҳам кун кўришган деган ҳам фикр билдирилган[8].

Қорақалпоқларнинг ижтимоий-сиёсий турмушида уруғ аймоқчилик кенг тус олганлиги, бу эса улар мафқурасининг асоси ҳисобланганлиги, уруғга бўлиниш доимий сақланганлиги, Хива хони уларни уруғ амалдорлари – бийлари, бойлари, руҳонийлари орқали бошқарганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар С. Камаловнинг китобида берилган. Шунингдек, мазкур маълумотларни «Хозияство каракалпаки...» китобида ҳам учратиш мумкин[9].

Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, йирик уруғларни бийлар, майда уруғларни оқсоқоллар бошқариб борган ва ушбу ҳудудда яшовчи бошқа миллат вакиллари қаторида Хива хонлигига қарам бўлган.

1873 йил Амударёнинг ўнг томонидаги ерлар Россияга ўтказилгандан кейин Амударё округи кейинчалик бўлими деб аталиб, Туркистон Генерал Губернаторлиги таркибига киритилади. Т.Г.Тухтаметовнинг ёзишича мазкур ҳудудда 95.000 нафар қорақалпоқ миллатига мансуб киши истиқомат қилган[10].

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Жанубий Орол бўйи атрофларида яшовчи қорақалпоқлар ўзига хос равишда яшаш тартибига ва турмуш тарзига эга бўлган.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Қаранг.: История Узбекистана (XVI-первая половина XIX в.). Т. Фан. 2012.– С. 503; Я.Фуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т. Фан. 959. – С.222.
1. 2.А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Часть II. Москва. 1874. – С. 253, 254, 255, 275.
2. А.Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Часть II. Москва. 1874. – С.257
3. А.Вамбери. Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию по Средней Азии. Москва. 1868. – С.125-128
4. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX ғасырдың екінші ярымынан XXI ғасырға шекем. 2003. Қарақалпақстан. – Б.22. А.Вамбери. 1874. –С.255-257; История Узбекистана (XVI- первая половина XIX в. 2012. – С. 499.)
5. С.К.Камалов. Каракалпаки в XVIII-XIX веков. Издательство. Т. Фан. 1968. – С.85-86.
6. П.П.Иванов. Архив Хивинских ханов XIX в. Исследование описание документов с историческим введением. Ленинград. 1940. – С. 208, 214, 216, 217, 229; С.К.Камалов, Ж.У. Уббиниязов, А.К.Қощанов.Из истории каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII-начале XX вв. Т. Фан. 1988. – С.55.
7. М.К.Нурмухамедов, Т.А. Жданко, С.К.Камалов. Каракалпаки. Т. Фан. 1971. – С. 28-29.
8. Қаранг.: С.Камалов Қарақалпақлардың XIX ғасырдағы Хийўа ханлықларына қарсы халық азатлық күреслері. «Қарақалпақ мәмлөкет баспасы». 1955. –Б. 38; Хозяйство каракалпакии в XIX-начале XX века. Т. Фан. 1972. – С.30.
9. Т.Г.Тухтамөтов. Амударьинский отдел (социально-экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса). Нукус. 1977. – С.79.
10. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
11. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
12. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
13. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
14. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
15. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
16. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## MARKAZIY OSIYO KO`CHMANCHI AHOLISI JISMONIY ANTROPOLOGIYASI O`RGANILISHI MUAMMO VA KAMCHILIKLARI

NIYOZ NIZOM O`G`LI RASHIDOV  
O`ZFA MILLIY ARXELOGIYA MARKAZI DOKTORANTI

### ANNOTATSIYA

Bugunga qadar O`zbekistonda ko`p fan tarmoqlarida bo`lgani kabi antropologiya sohasida ham birmuncha tadqiqotlar olib borilgan. Dastlabki antropologiya bo`yicha ilmiy ma`lumotlar, XX asrning boshlaridan chiqib boshlagan[1]. Keyingi davrlarda ham izlanishlar davom etdi. Asosan, jismoniy antropologiya fani tadqiqotlari markazida xalqlarning kelib chiqishi, etnik o`ziga xosliklari, bir biridan farqlari va o`z davri uchun xos bo`lgan irq masalalariga katta urg`u berildi. Xalqlar etnogenezi masalasini o`rganish va tadqiq qilish davr olimlarining asosiy maqsadi bo`ldi[2]. Shu sababdan ilmiy kutubxonalarimiz fondlarida saqlanyotgan antropologiya faniga oid bo`lgan adabiyotlarning aksariyati etnogenez masalalariga bag`ishlangan. Hozirda jismoniy antropologiyada ko`chmanchi aholining jismoniy xususiyatlarini o`rganish eng kam o`rganilgan mavzulardan biri bo`lib qolmoqda. Ayniqsa, ushbu mavzuni zamonaviy texnologiyalar yordamida o`rganish va paleopatologik ma`lumotlarini tahlil qilish, suyak laboratoriya namunalari asosida ko`chmanchi aholining oziq-ovqat ratsionini aniqlash hamda bu omillar ularning hayot tarziga qanchalik ta`sir qilishi, jismoniy xususiyatlarining qanchalik o`ziga xosliklarini belgilashga xizmat qilishi juda kam o`rganilgan. Roxlining “Qadimgi odamlar kasalliklari” asari annotatsiyasi G.F. Debetsning “bugunga qadar ushbu yo`nalishda rus tilida chop qilingan paleopatologiya bo`yicha yagona asardir” so`zlari bilan boshlangan[3]. Ushbu ma`lumot to`g`ri deb qabul qilinsa, 1965-yilga qadar qadimgi ko`chmanchi aholining ham o`troq aholining ham qanday kasalliklarga chalinganligi yoki suyaklardagi patologik o`zgarishlar aytarli darajada alohida olinib o`rganilmagan. To`g`ri, keyingi davrlarda O`zbekiston antropologiyasining ayrim o`rinlarida ushbu turdagi ma`lumotlarga ham qisman o`rin ajratilganini kuzatamiz[4]. Umuman, bugungi kunga qadar chop etilgan O`zbekiston jismoniy antropologiyasi haqidagi adabiyotlarning katta qismida hududda yashab o`tgan xalqlarning irqi va etnogenezi masalasi birinchi o`ringa qo`yilgan. Rivojlangan aksariyat davlatlarda esa inson irqi mavjud bo`lishi rad etiladi[5], yevropa kolonializmi qoldiqlari sifatida qaraladi, irqiy ayirmachilik va xalqlarning bo`linishlariga olib keladi deb ishoniladi.

### KIRISH

O`zbekistonda antropologiya sohasiga yangi raqamli texnologiyalarni olib kirish bugungi fanning yana bir maqsadlaridan sanaladi.

Bunday texnologiyalardan foydalaninish bir qancha ustunliklarni beradi: birinchidan, ma`lumotlarni kiritishning aniq tizimi mavjud

bo'ladi, shu bilan birga raqamlar va o'lchovlar bilan ishlash vaqti tejaladi, hozirda antropologiya sohasida o'lchov ma'lumotlarini tahrir qilish uchun bir nechta turdagi statistik dasturlarning biridan foydalanish mumkin; ikkinchidan, raqamli texnologiya va uskunalar yuqori darajada aniqliklarni ta'minlab beradi va bunda an'anaviy asbob-uskunalarda bo'lishi mumkin bo'lgan xatoliklar bir necha o'n barobarga kamayadi, aniqlik oshadi.

Aytilishi kerak bo'lgan muammolardan biri til masalasi hisoblanadi. Ilmiy ish tayyorlashda bir qator omillar, masalan, atamalarning xorijiy tilda bo'lishi tayyorlanajak ilmiy ish tilining ham shu tilda yozilishiga majbur qilgan. Umuman, o'zbek tilida antropologik tadqiqot ishini tayyorlash uchun antropologik atamalarni ham qaytadan ko'rib, maxsus lug'atlar asosida ishlashga to'g'ri keladi, toki davlat tilida ham antropologik adabiyotlar mavjud bo'lsin.

Ko'chmanchi aholining antropologiyasi o'rganilishi o'ziga xos tomonlaridan biri shuki, ularning turmush tarzi o'troq aholi yashash sharoitlaridan keskin farq qilgan. Qadim Ustrishona hududlarida olib borilgan o'zbek-amerika qo'shma ekspeditsiyasining suyaklar tahlillari ham buning to'g'ri ekanligini tasdiqlaydi [6] hamda chorvadorlar va o'troq dehqonlar qadim suyak topilmalarida buning izlari qolgan. Ovqatlanish ratsionidan tortib, jismoniy faollikkacha ikkala turmush tarzlarining ham bir biridan farqli jihatlari mavjuddir. Shu kabi masalalarni inobatga olgan holda Markaziy Osiyo ikki daryo oralig'i ko'chmanchi aholisining jismoniy xususiyatlarini zamonaviy texnologiya va yangi metodlar asosida qayta ko'rib chiqish va o'rganish joiz deb hisoblaymiz.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Алексеев В. П., Аскарлов А. А. и Ходжайов Т. К. Историческая антропология Средней Азии (палеолит - эпоха античности) [Книга]. - Ташкент : "Фан", 1990, стр 79.
2. Ярхо А. И. Очередные задачи советского расоведения (Расы и народы. Выпуск 30, 2004, стр. 374-397) [Журнал] // Антропологический журнал. - 1934 г.. - 3. - стр. 3-20.; Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов [Книга]. - Ереван : Ереванский университет, 1957. - Т. I : III, стр 37-38.; Залкинд Н. Г. Московская школа антропологов в развитии отечественной науки о человеке [Книга]. - Москва : "Наука", 1974, стр 113.
3. Рохлин Д. Г. Болезни древних людей (кости людей различных эпох- нормальные, и патологически измененные) [Книга]. - Москва : "Наука", 1965.
4. Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана [Книга]. - Ташкент : "Наука", 1980, 121-124.
5. Liberman Leonard [et al.] The Race Concept in Six Region [Журнал] // Coll. Antropol.. - 2004 г.. - 2 : Т. 28. - p. 907-921
6. Maksudov Farhad [et al.] Nomadic Urbanism at Tashbulak [Конференция] // Urban Cultures of Central Asia from Bronze Age to the Karakhanids. - Wiesbaden : Harrassowitz Verlag, 2019.

## **ТРАДИЦИОННЫЙ ЖЕНСКИЙ КОСТЮМ УЗБЕКИСТАНА**

**ШОХСАНАМ ФАРРУХ КИЗИ ШУКУРАЛИЕВА**

**МАГИСТРАНТ 2 КУРСА НИХД,**

**АБДУКАРИМОВА М.М.**

**ПРЕПОДАВАТЕЛЬ КАФЕДРЫ ДИЗАЙН КОСТЮМА НИХД**

### **АННОТАЦИЯ**

Узбекская народная одежда являлась своего рода коммуникативным знаком, информировавшим об общественном, имущественном и семейном положении его носительницы. По костюму можно было судить: когда и где проживал его обладатель, к какой этнической, сословной и половозрастной группе он принадлежал, в какой общественной среде создавался. Так, костюм девушки заметно отличался от костюма замужней женщины. Кроме того, она была своеобразным символом, сообщавшем о том или ином событии в жизни женщины, эту роль выполнял либо один из элементов одежды, как, например, пояс, ворот, головной убор, цвет и др. или орнаментальная композиция. Так, например, при рождении первого сына у узбеков Амударьи мать одевала головной убор лачак красного цвета и только после женитьбы сына меняла его на белый.

### **ВВЕДЕНИЕ**

В ходе многовековой исторической практики у каждой локальной, этнической или социальной группы сложился свой порядок цвето-пластической организации костюма, своя эстетическая концепция. Наряду с общими чертами одежда каждого региона отличалась своеобразием в использовании ткани, колорита, форме кроя, длине и ширине и т.д.

Приспособление узбекской женской национальной одежды к различным природным зонам, определило возникновение различных модификаций и локальных вариантов одежды. В оседло-земледельческих районах преобладающей стала архаичная прямолинейная форма одежды. В районах кочевого и отгонного

животноводства одежда была более прилегающей.

После размежевания Средней Азии в XVI-XVIII вв. на три самостоятельных государственных образования (Хивинское и Кокандское ханства, Бухарский эмират) стилистическая общность, сложившаяся в узбекском народном женском костюме, оказалась разделенной на три наиболее крупных локальных типа: западный, восточный и центральный, ставших показателем регионального различия. Внутри каждого локального типа происходила дополнительная более мелкая градация по территориальному признаку на подтипы. Это происходило в результате культурной ассимиляции различных

этнических групп, проживавших в одном районе.

На характер одежды влияли природно-климатические факторы. Так, прямая, свободно облегающая одежда сложилась в процессе многовекового приспособления к резко континентальному климату Средней Азии. Она создавала тот искусственный микроклимат, который был необходим для сохранения здоровья и работоспособности в условиях жаркого климата.

Трапециевидное расширение подола женской одежды, как и мужской, произошло под влиянием предметно-бытового окружения и хозяйственного уклада конкретной локальной, этнической, социальной и возрастной группы.

Национальный женский костюм, выполняя защитную функцию от негативных воздействий внешней среды, состоял из трех видов: головные уборы, наплечные одеяния (рубаша, халат, камзол, жилет), поясная одежда, штаны и обувь.

Посещавшие Бухару путешественники отметили красоту и яркость нарядов бухарцев, с восхищением сравнивали их с обилием красок восточного базара. За изысканность стиля одежды бухарцев называли «парижанами Востока». В описаниях путешественников встречено упоминание как мужского, так и женского костюма: «женщины одевают нижнюю рубашку, открытую от шеи к низу, она обшита по кромке черным, а поверх ее – широкое платье... на ноги одевают чулки и ботинки, те и другие из прекрасно расшитой ткани или кожи. Волосы заплетают в две косы, спускающиеся на спину, а шелковый платок дополняет головной убор. Желая пройти по городу пешком или верхом, они закутываются в широкое покрывало, чтобы спрятать лицо».

Цветосочетания, орнамент, форма, линии кроя, материал, символика образовывали характерный этнический стиль, духовно-эстетический идеал народа.

Женские рубашкообразные одеяния кифтак, куртаи-пешкушо, курта, куйлак

Бухары были довольно разнообразны. Их можно определить по-крупному и просторному стану, иногда выкроенному из двух точек ткани, с трапециевидной боковиной и широким прямым рукавом, длина которого в обычных повседневных платьях доходила до колен. В нижних белых платьях с красочной вышивкой нуга остин рукав обычно достигал подола.

Еще одно платье курта бухарского типа было приобретено там же в Гиждуване у Б.Асраровой участниками экспедиции Музея истории в 1987 г. Платье сшито на швейной машине из французского атласа с кремовым фоном и крупными растительными узорами. Покрой туникообразный, стан выкроен из двух одинаковых полос ткани со швом в плечах. Бока, начиная от проймы рукавов, расширены книзу. Рукава прямые, широкие, с квадратной ластовицей. На груди – вертикальный разрез, доходящий почти до низа, он также оформлен золотошвейной пешкурты. Вышивка выполнена золотым и серебряным шитьем в технике заминдузи. Узоры геометрические, с чередованием стилизованного растительного, выполненного в технике аппликации. По краю пешкурты проходит сутаж.

Головные уборы являются одним из важных и интересных составляющих всего комплекса женской одежды, так как именно в них проявляются все ее своеобразие и традиционные черты. Именно по головному убору определяли племенную принадлежность, в нем в наибольшей степени сохранялись следы влияния социального и идеологического факторов.

В XIX – нач. XX вв. появились новые виды головных уборов женщины: налобные повязки и платки. Главным образом носили кисейные платки (хоса дока), кумачевые, ситцевые, реже шелковые; позже шерстяные – шол, шелковые – латта гиджум и в большей степени белые кисейные – дока, иногда украшенные вышивкой. Наиболее распространенными были платки, которые производили русские фабрики:



шелковые с вытканными цветами того же тона – фаранг румол, с букетами цветов по углам и одной круглой розеткой в центре – чоргул румол; газовые – халил или халили румол и кашемировые с цветочным орнаментом – шолрумол. Бухарский женский головной платок румол-халили из фондов Музея истории ручной работы выполнен из шелка в клетку, образованную пересечением красных и белых полос, в каждый квадрат помещен тканый бодом желтого цвета. Края платка обрамлены параллельно идущими полосами желтого цвета. Платок украшен шелковой красно-желтой бахромой, длиной от 15 до 20 см. Размеры: 165 x 165 см. Платок изготовлен в 1900 г. Принадлежал жительнице Гиждувана Рахатой Сафаровой. Был приобретен у нее участниками этнографической экспедиции музея в 1971 г. Такие платки бытовали среди состоятельных слоев населения Бухары и прилегающих к ней районах в качестве свадебных и праздничных платков. Состоятельные женщины носили платки, затканые золотой или серебряной мишурой. Лучшей считалась мягкая константинопольская кисея (истамбул докаси), называемая мискали. Шелковые платки сурхандарьинских женщин назывались кахна, халил; хлопчатобумажные – шол румол; платки, повязываемые на лоб – кумога, дурра, назбандак, чаккабандак, пешанабанд, манглайбанд. Кисейные платки вышивали гладью (тамбуром йурма, крестом ироки). Так, женский ташкентский головной платок дока румол конца XIX в. 117 изготовлен из кустарной хлопчатобумажной ткани типа кисеи дока, серовато-белого цвета. Две стороны и угол между ними украшены вышивкой. Вышивка по сторонам – линейная: в виде параллельных полосок – сине-голубых и малиновых, малиновые – зигзагообразные. Между ними вышиты черные линии и цветочки, расположенные треугольниками, и красных кружочков. Угловая вышивка в виде небольшой веточки (20 см). Листья и стебли вышиты черными

нитками, зелеными и бордовыми – цветочки. Шов – двусторонняя гладь. Куплен в Ташкенте в 1961 г. Вышитый платок молодая женщина надевала на следующий день после свадьбы никох и носила его до рождения двух-трех детей. Затем он сменялся другим чисто белым платком дока румол. Девушки носили не вышитые, а небольшие цветные платки.

## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Историческое развитие национальной женской одежды тесно связано с природными, социально-экономическими условиями эпохи, эстетическими и моральными требованиями, общим художественным стилем, отдельными событиями. В конце XIX в. национальный женский костюм в Узбекистане оставался в основном традиционным. Костюм определял этническую принадлежность женщины, ее социальное и семейное положение, возраст. Многие особенности национального костюма были связаны с определенными верованиями и представлениями.

## ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX – начала XX в. С. 146.
2. Пугаченкова Г.А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI в. по данным миниатюр. Ташкент, 1958. Рис. 13.
3. Сухарева О.А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии. С. 306.
4. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.

5. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
6. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
7. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
8. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
9. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
10. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## TOSHKENT – FARG’ONA MILLIY LIBOSLARIDA ZAMONAVIYLIK TALQINI

MUHSINXON AKBARXO’JAYEVA

K.BEHZOD NOMIDAGI MRDI SAN’ATSHUNOSLIK FAKULTETI, MUZEY PEDAGOGIKASI YO’NALISHI 2-BOSQICH TALABASI.

E.YA.MIRZANAZAROVA

K.BEHZOD NOMIDAGI MRDI MUZEYSHUNOSLIK KAFEDRASI O’QITUVCHISI

### ANNOTATSIYA


Xalq turmushining har qanday sohasi kabi o’zbek milliy liboslarini o’rganish shu xalqning etnik tarixi va madaniyatini, uning boshqa xalqlar bilan o’zaro aloqalarini tadqiq etish bilan chambarchas bog’liqdir. Milliy liboslar moddiy va ma’naviy yodgorliklar ichida xalqlarning o’ziga xosligini aks ettiruvchi va etnik belgilarini o’zida mujassam etadi. Kiyimlarda urf–odatlar, ijtimoiy munosabatlar, mafkuraning ba’zi – bir elementlari, diniy e’tiqod, nafosat va estetik normalar o’z aksini topgan. Liboslarda inson umrining fasllari, u yashagan joy va zamon, xo’jalik ish mavsumlari, hayotdagi quvonchi yoxud qayg’ulari namoyon bo’ladi.

O’zbek xalqining milliyligini va an’analarga sodiq qolgan qiyofasini ochib beruvchi liboslarimiz bizgacha yetib kelgan kiyimlarda o’z aksini topgan. Bu kiyimlar XIX asrning oxiri va XX asr boshlariga taalluqli, ammo qadimgi davrga oid liboslar esa saqlanmagan, chunki kiyim va matolar moddiy yodgorliklar ichida doimiy iste’molda bo’lgan va uzoq muddatga saqlanish xususiyatiga ega emas. Bizga ma’lum bo’lgan liboslar davr, makon, zamon bilan birgalikda avloddan avlodga o’tib kelgan.

### KIRISH

Qadimgi davr kiyim-kechaklarining bichimlari, qaysi matodan qanday usulda tikilganligini tasavvur qilishda biz arxeolog olimlarimizning ma’lumotlariga suyanamiz. Qadimgi qasrlar va yodgorliklardan – Afrosiyob, Varaxsha, Panjkent, Bolaliktepa, Holchayon, Ayritom

kabilardan topilgan devoriy suratlar, mayda plastika - haykalchalardan, mato parchalari, kandakorlik namunalarida aks ettirilgan tasvirlardan bilishimiz mumkin (1-rasm).



Bundan tashqari tarixiy liboslarni biz miniatyura asarlariga qarab ham ko'rishimiz mumkin. Bir qaraganda bir xildek ko'rinsada, andozasi o'xshash bo'lsada bu kiyimlarning bezalishi, kiyinish uslubi va boshqa libosdagi bo'laklari (yoqa, yeng, etak qismi va boshqalar) ham xilma – xil bo'lganini ko'ramiz.

O'rta Osiyo xalqlari liboslarining uzluksiz o'zgarishi va rivojlanishi faqat bu xalqlarning ijtimoiy-siyosiy tarixi va etnik holati bilan bog'liq bo'lmay, balki u xalqlarning hayot tarzi bilan ham bog'liq. Birgina Toshkent – Farg'ona kiyim – kechaklarini o'rganadigan bo'lsak, undagi liboslar, zargarlik buyumlari, oyoq kiyimlarning juda xilma – xil, rang – barang va jozibadorligini ko'ramiz.

Mutaxassislarning oldida turgan vazifa: xalqimizning milliy o'zligini anglash, uning qadimdan to hozirgi davrgacha bo'lgan an'anaviy, betakror kiyimlarimizni ko'rsatish, bundan tashqari esa tuman, shahar va

qishloqlarda saqlanib kelayotgan tarixiy liboslarimizning hozirgi kundagi ko'rinishi, yangi talqiniva ularning davomiyiligini saqlab qolishdir.

Toshkent – Farg'onaerkaklarining kiyimlari o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. Ularning farqlanishi va xususiyatlari esa, matosining rangi va kiyilishi bilan belgilanadi. Hozirgi kunda ham biz ularning rangi va belgilaridan erkaklar libosi ekanligini bilishimiz mumkin. Erkaklar kiyimi tarkibiga ko'ra, ichki va ustki kiyimlarga bo'linadi. O'tgan asr erkaklar ichki ko'ylagi asosan bir xil tusdagi oq matodan tikilib, bu mato esa dastgohda to'qilgan. Erkaklar ko'ylagi uzun, tizzadan pastga tushadigan qilib tikilgan (2 – rasm). Farg'ona va Toshkentda bu ko'lakni “mullavachcha” deb ham atashgan. Hozirgi zamonda esa, bu ko'ylaklar turli xildagi (paxta, sun`iy tola, taqir duxoba va boshqalar) matolardan tikilmoqda (3 – rasm).



2 – rasm



3 – rasm

Fabrikada to'qilgan matolar qo'llana boshlangach, ko'ylaklarning ham shakli o'zgarib boshladi. Erkaklar shimiga (ishton) kelganda, yuqori qismi keng, pochalari torroq tikilib to'piqqacha tushib turardi, yuqori qismiga ishtonbog' o'tkazish uchun milkiga gir

aylana baxya – chok qilingan (2 – rasm). Shimlar (ishton) aksariyat hollarda ip gazlamalardan tikilgan.

Bizningdavrgakelibesa, ishtonlarshimlarga (4 – rasm) aylandi, ularharxilmatalardantikilib (5 – rasm),

Нашр санаси: 2020 йил 30 октябрь | Бетлари: 339-343

turlixildagibichimlargaegabo’laboshladi.  
Qo’shimchasifatidashimgacho’ntakqismi qo’shi

ldivaturlixildagiaksessuarlar (tugma, belbog’,  
zamok) bilan bezalaboshlandi.



4 – rasm



5 – rasm

Erkaklar ustki kiyim – kechaklari bir necha xil bo’lgan: paxtali qavima to’n yoki chopon, qaviqsiz yaktak yoki avra to’n, chakmon va hokazolar. XXasr oxiri XXIasr boshlarigakelib esa, ustki kiyimlar shaklini, vazifasini o’zgartirmagan bo’lsa-da, ularda bezaklar va matolar jihatidan farq qila boshladi. Bosh vaoyoq kiyimlar ham davr, yil, kun o’tgan sayin o’z vazifasini yo’qotmagan bo’lsada, shakli, bezaklari vaunga ishlatilgan matolar o’zgarib kelmoqda.

Ayollarmilliykiyim – kechaklaridagian’anaviylikko’proqkeksaavlodg amansubxotin – qizlarorasida, shuningdek, ayrimyoshayollarliboslaridahamsaqlanibqolgan. Marosim kiyimlari ham o’zgarishsiz qolganini ko’rishimiz mumkin.



6 – rasm

Ayollarning an’anaviy kiyim-boshlari – ko’ylak, lozim, cho’pon, mursak, to’n, peshmat, nimcha, paranji-chachvon, hamda xilma-xil ro’mollar, rang-barang do’ppilardan iborat bo’lgan. Zamonaviy ayollar liboslari

hozirgi kunda ham huddi shu yo'sinda o'z vazifasini yo'qotmagan, ammo ularning o'z shakli, rangi va bezaklarida esa keskin o'zgarish ro'y berdi. Birgina misolda paranjini olishimiz mumkin. Ko'pchilik musulmon ayollarining yopinchig'i; chachvon bilan birga ansambl hosil qilgan. U ayollar gavdasini boshidan oyoq yashirib turishga xizmat qiladi. Bichimi keng to'n shaklida bo'lib, yelkadan pastga tomon torayib boruvchi uzun bandagi (yengi) etakka yaqin joyda bir-biriga chatib birlashtiriladi. Ayol yuzini chachvon to'sib turadi.

Avraastarliqilibtikiladi. Avrasibaxmal, olachavaboshqamatolardantikilib, chetlarikashtatikib, kashtalijiyaklartutibbezatiladi, astarichit, satindantayyorlanadihamdachetlarigazangori, pushtiyokisidirg'ashoyidanqilinadi.

Paranjiningikkiyoni

(cho'ntako'ni)gatiktushgan (25 smuzunlikda) 2 tajiyyaktutashtiribchatiladi, jiyaklaruchidanpopukchalarchiqarilgan, ba'zanqo'ng'iroqchalarosilgan.Paranjining o'tmishdoshi faraji ham erkaklar, ham ayollarning yengil keng ustki kiyimi bulgan. Qadimgi Misrda paydo bo'lgan va boshqa sharq mamlakatlariga tarqalgan. O'rta Osiyoda XVI asrda ilm ahlining ustki kiyimi hisoblangan. XVI asrdan ayolni begona ko'zlardan yashiruvchi yopinchig'iga, uzun yenglari bezak

qismiga aylangan. Paranji yopinish islom shariatiga mos kelgan. XX asrdagi ijtimoiy o'zgarishlar jarayonida (ayniqsa, 30-yillardan boshlangan "Hujum" harakati va boshqalar tufayli) Paranji deyarli urfdan qolgan. Ammo hozirgi kunga kelib, paranjilar yana qayta urfga kirib kelinlarimizning "kelin salom" marosimidagi asosiy libosiga aylandi. Zamonaviy yosh dizaynerlar esa, paranjining turli xildagi ko'rinishini yaratishmoqda, masalan ulardan birini "Uvaysi couture" modalar uyining dizayneri Shavkatova E'zoza tomonidan yaratilgan liboslarda ko'rishimiz mumkin. Yosh dizaynerimizning ishlariga e'tibor beradigan bo'lsak, undagi ornamentlarda Toshkent – Farg'ona usuli saqlanib qolganini ko'rishimiz mumkin. Har bir libos qo'l mehnati asosida yaratilgan, bezaklari turli xildagi biser, piston, jiyaklar va boshqa aksessuarlar bilan bezatilgan.

Bayon etilgan ishimizning xulosasi sifatida quyidagilarni qayd etishni lozim topdik: qadriyatlarimiz orasida yo'qolib borayotgan milliylikni saqlab qolish, bu orqali kelgusi avlodni uzoq asrlarga borib taqaladigan madaniyatimiz, milliyligimiz, urf-odatlarimiz bilan tanishtirish, shuningdek zamonaviylik bilan hamohanglikda yaratiladigan yangi liboslar modellarini uyg'unlashtirishdaniboratdir.



#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Rahimova Z. I.K истории костюма народов Узбекистана. 2005.
2. Nafisa Sodiqova. O'zbek milliy kiyimlari – XIX-XX asrlar.
3. <https://uz.wikipedia.org>
4. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
5. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
6. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
7. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
8. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
9. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
10. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎН БИР АҲМАД ЗИЁРАТГОҲИ ВА МУҲРИ ҲАМДА ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

ЗИЁВУДДИН МУҲИТДИНОВИЧ ЖЎРАЕВ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ. ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ В.Б.ДОЦЕНТИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD).

### АННОТАЦИЯ

Яна бир зиёратгоҳ Наманган тумани, Юқори Ғирвон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қабристонда, Янгиариқ бўйида жойлашган Ўн бир Аҳмад зиёратгоҳидир. Ер майдони 0,59 гектардан иборат. Зиёратгоҳда 1991 йилда Ўн бир Аҳмадга бағишлаб янги мақбара биноси қурилди. Атрофи ободонлаштирилди ва зиёратчилар учун шароитлар яратилди. Бу ишларни маҳаллий аҳоли ҳашар йўли билан бунёд этди.

Ушбу қабристон жуда қадимий бўлиб, илмий асосда ўрганилмаган. Унинг ҳудудидаархеологик қазилма ишлари олиб бориш зарур. Шу ердаги кексаларнинг айтишлари ва қараганда, Ғирвон қишлоғида бир тепалик бўлиб, орқасида катта текислик, кекса чинор ва бир чашма бўлган. Ўтган-кетганлар бу чинор тагида дам олиб, булоқ сувидан ичиб чанқоқларини босар, сўнг яна ўз йўлларида давом этар эканлар.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Булоқ, Қуръон, Қироат, Қамариддин, жанг, Наманган.

### КИРИШ

Иттифоқо, уч мусофир шу ердан ўтаётиб, булоқни кўиб қоладилар. Булоқ бўйида бир қария намоз ўқиб ўтирган экан. Мусофирлар сувдан ичишибди, сўнг таҳорат олиб намозўқишга киришибдилар. Ҳалиги қария намозини ўқиб бўлгач, тиловат қила бошлабди. Унинг ширали овози, гўзал қироати ҳалиги мусофирларни сеҳрлаб қўйибди. Ҳатто, аллақерлардан қушлар ҳам учиб келиб, осмонни тутибди. Майин ёмғир шивалай бошлабди. Қироат тугагач, ёмғир тинибди.

Уч мусофир у киши олдида келиб, одоб билан салом беришибди. Нима учун бу ерда ёлғиз ўтирганини сўрашибди. Қария бир хўрсиниб, ҳикоясини бошлабди:

“Биродарларим, менинг ичим тўла гап. Мен, бахти қаро одам бўлиб, ўнта акамдан айрилдим, - деб, кўзларидан ёш оқибди. – Ўнта акам оламдан ўтиб, ёруғ дунёда яққа ўзим қолдим. Менинг ҳам куним битганга ўхшайди. Сизлар пайқамдингиз, Қуръон ўқиётганимда Азроил Алайҳиссалом ёнимда турдилар. Қуръони Карим оятлари тугагач, улар ғойиб бўлаётиб, қулоғимга: акаларим чақиришаётганини пичирлаб айтдилар”.

Мусофирлар бениҳоя ҳайрон бўлишибди. Шу пайт осмонни қора булут қоплабди, кўқда туйқус пайдо бўлган қушлар безовталаниб чарх ура бошлабдилар. Шарқираб отилиб турган булоқ суви ҳам тақа-тақ тўхтабди. Мусофирлар бу ҳолга



ҳанг-манг бўлиб, оғизлари очилиб қолибди. Боисини қариядан сўрашибди. У қария ўзининг ажали етганлигини, булар шунга ишора эканлигини айтибди. Шу билан бирга, уларнинг келажак ҳаётидан башорат қилишини маълум қилишибди. Кейин биринчи мусофирга юзланиб жуда бойиб кетишини, фақат ҳалол бўлиши лозимлигини башорат қилибди. Иккинчисига катта савдогар бўлишини, аммо эҳтиёт бўлиши кераклигини, учинчисига эса омади фарзандлари вояга етгандан кейин келишини, лекин кичкина фарзанди бебош бўлиб ўсиши, унинг жilовини қаттиқ ушлаши зарурлигини башорат қилибди.

Сўнгра калимаи шаҳодатни келтириб осонгина жон берибди. Буни қарангки, осмон ёришиб қуёш чарақлаб кетибди. Булоқдан ҳам сув кела бошлабди. Бир неча дақиқада юз берган ҳодисадан қотиб қолган мусофирлар ақл-ҳушларини йиғиб олишибди. Қарияни ювиб, кафанлаб, чинордан нарироқда дафн қилиб, йўлларида давом этишибди. Улар Аллоҳга яқин бу қарияни ўла-ўлгунча эсдан чиқаришмабди. Йиллар ўтиб башоратлари ҳақиқатга айланганда яна дуойи фотиҳасини қилишибди. Шундай қилиб, мазкур қабристон “Ўн бир Аҳмад” номини олган экан. Яна бу зиёратгоҳ хусусида кўплаб ривоятлар мавжуд бўлиб, ҳаммаси ҳам бир-бирига яқиндир. Бундан ташқари зиёратгоҳ атрофида шифобахш хусусиятгаэга бўлган қум заҳираси мавжуд бўлиб, хаста беморлар шифо топиб кетишади[35].

Ўзбекистоннинг шонли тарихи ва тараққиётида муҳим ўрин тутган буюк саркарда, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Султон ўз ҳукмронлиги даврида салтанат ҳудудида мустақилликни мустаҳкамлаш, ғаним ва душманларга зарба бериш, шаҳар-давлатлар қуриш, салтанат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини ташкил этиш ва хазинани бошқаришда Ўн бир Аҳмад таълимотларига, қатъий амал қилган. Уларнинг Аллоҳ берган, эътироф этилган руҳий илоҳий мададларига ва авлодлари кучига таянган. Чунончи, мўғул хони

Илёсхўжани қатл эттириш ҳисобиға чингизийлар ҳукмронлиғига нуқта қўйган ва Мўғулистон ҳукмдори бўлган Қамариддин(1371-72 йй.) билан бўлган ҳал қилувчи жанг Наманган ҳудудида содир бўлган эди[36].

Ғалабаға эришган Султон Амир Темур шу Ўн бир Аҳмад шарафига ғалаба байроғини Наманганинг баланд тепаликларидан бириға ўрнатган. Шунингдек, зиёратгоҳ учун муҳташам масжид ва мадраса қурдирган. Шу жойдаги иморатлар ҳозирда сақланиб қолмаган. Сабаби, XIX аср охири XX аср бошларида рус генералларидан Роузенбах бошчилиғида Ўн бир Аҳмад ёдгорлигини бузиб ташлаш орқали соҳибқирон Амир Темур салоҳиятидан дарак берувчи, рус босқинчиларига қарши курашға даъват этувчи бу муқаддас масканни буздириб ташлаш бўлган бўлса ажаб эмас. Кейинчалик мустақиллик йилларида наманганликлар унинг ўрнини ўзгартирган ҳолда яқинроқ жойда уни янгича кўринишда тиклашган.

Аллоҳнинг 99 исми мубораки Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифда қайд этилган. Бу тўғрисида Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий алоҳида шарҳи билан “Тавҳид” асарида ёзган. Худди шу каби Жаноби Расулulloҳнинг ҳам зоти мубораки шарафига 99 исми борлигини ўзига хос маъно билан қайд айтган. Булардан биринчиси: Муҳаммад – мақталуви маъноға эга бўлса, иккинчиси: Аҳмад Аллоҳға кўп ҳамд айтувчи маъносини беради. Учинчиси “Маҳмуд” кўп мақтагувчи ва маҳталгувчи маъносини берар экан. Шу сабабли “Аҳмад” отига замонасининг машҳур хаттот олими Ҳожихон номли шахсининг, доира шакли асосида ишланган нақши “Ҳикмат”и орқали бизгача етиб келган. Унинг ўртасига: “Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий” деб ёзилган бўлиб, атрофида аввал жаноби Расулulloҳнинг сўнгра 9 та Аҳмад исми тарихда машҳур авлиёларнинг исми мубораклари нақш билан безатилган. Унинг ёниға қуйидаги арабча матн битилганини кўраимиз.

Матн таржимаси қуйидагича: “Исмларнинг энг яхшисини Аллоҳ исми билан бошлайман. Осмон ва ернинг парвардигори Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Шундай Аллоҳнинг исми билан бошлайманки, унинг исми туфайли еруосмондаги бирор нарса зарар бера олмайди. У эшитувчи ва билувчи зотдир”. “Амали Ҳожихон” деб ўйма хатда ёзилган.

Наманган вилояти, Наманган тумани Миллақудинг қишлоғида яшовчи Иброҳим ота уйларида “Ўн бир Аҳмад” исми ўйиб ёзилган муҳр ҳамда Аҳмад Яссавий авлодлари шажараси ёзилган катта ҳажмдаги харсанг қайроқ тош мавжуд. Иккинчи қайроқ тош Аҳмад Яссавийни акалари Садр Хўжа авлодларининг исмлари ёзилган катта ҳажмдаги харсанг қайроқ тош. Биринчи катта ҳажмдаги харсанг қайроқ тош иккига ажралган бўлиб кейинчалик йўқолган. Аҳмад Яссавий авлодларига Амир Темур томонидан қурилган мақбаралар, масжидларга муҳр ва байроқ берилган. Иброҳим отани айтишларича, бу муҳр элик авлиёга берилган бўлиб ҳозирда шулардан учта муҳр топилган, улар мавжуд. Исми Муборак “Ҳикмат”даги 11 нафар шайх Аҳмадлар Аҳмад Яссавий аجدодлари ва авлодлари каби унда мавжуд Аҳмадларнинг авлодлари учун махсус битилган муҳрлардир. Улар ислом мамлакатларининг турли минтақа ва манзилларида яшаганлар, дину исломга кўрсатган хизматлари, айтган ҳикматли таълимотлари туфайли мусулмон оламини етук шайхлари деб тан олинганлар. Зеро улар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳақиқий издоши бўлиб ном таратганлар.

Аҳмад Яссавий номи битилган муҳрга келсак бу марҳаматли битикни чуқур изланиш ва ўрганиш асосида аниқлик киритиш лозим. Бу муҳр Аҳмад Яссавийнинг ислом ва мусулмончиликнинг кенг тарғиб қилинишга қўшган юксак хизматлари эвазига унинг мақбараси ва мусулмонлар учун қўшимча янги масжид Амир Темур томонидан қуриб битказилгандан сўнг мақбара ва масжидни обод қилиш учун вақф

ерлари ажратилади. Масжид таъминоти, Аҳмад Яссавий (мақбара)нинг зиёратчилари учун ҳамда атроф кентларда яшовчи кам таъминланган инсонларга ёрдам бериш учун муҳим ҳужжат сифатида берилган. Таъминот ишлари вазифасига махсус кишилар тайинланган.

Лекин зиёратчилар ҳамда баъзибир олимларимиз томонидан бир қанча мақола ва китобларида бу муҳрни Аҳмад Яссавий муҳри деб ёзишмоқда. Шунингдек, Султон ул-Орифин Аҳмад Яссавий тўғрисида Туркия ва араб мамлакатларида, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Шарқий Туркистон), Ўрта Осиё Республикалари кўплаб китоблар чоп этилди. Бу китобларда муҳрни Амир Темур томонидан тайёрланганлиги ҳамда Аҳмад Яссавий мақбараси ва масжидига Амир Темур томонидан Қуръони Карим оятларидан “Фатҳ” сураси ёзилган байроғ ҳам тақдим этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Амир Темур экспедицияси томонидан байроқни асл нусхаси расм шаклида топилган ва байроққа битилган Қуръони Карим ояти шунингдек 11 Аҳмад исми битилган байроқдан кўчирма мавжуд.

Хўжа Аҳмад Яссавий ва ундан олдин яшаган ўз замонасида машҳур илму-фан, маърифат фидоийлари бўлган аллома валий шайх Аҳмадлар ҳақида китобларда қимматли маълумотлар тарқоққолда учрайди. Улар қуйидагилар: Ҳасан Хўжа Нисорийнинг “Музакирул аҳбоб” ва Ҳомиджон Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари”, шунингдек, “Тазкиратул авлиё”, “Сирож ул-муслимин” (“Муслимлар чироғи”), Ҳамидхон Исломиийнинг “Султон ул-Орифин Хожа Аҳмад Яссавий”, Фахриддинхўжа Ашрафхўжаевнинг “Боқий умр зийнати”, “Яхшилиқ чироғи ўчмагай” китобларида маълумотлар берилган. Шунингдек, “Амир Темур илмий экспедицияси” ташкилоти томонидан олиб борилган махсус изланиш натижаларида қўлга киритилган манбаларда мазкур муҳрда битилган ўн бир шайх Аҳмадлар илмий-тарихий, қиёсий жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Наманган шахрининг

Гирвон маҳалласида “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳи бор.

Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг ёзган “Девони ҳикмат” асарида ўзларини ҳам турли тахаллуслар билан ёзган. Масалан: Мискин Аҳмад, Аҳмад Яссавий, Туркистоний, Хожа Аҳмад, Қул Хожа Аҳмад, Ғариб Аҳмад сингари тахаллуслари билан ижод қилганлар.

Мираҳмад Мирхолдор ўғлининг таъкидларини қўллаб қувватлаган ҳолда у кишининг қайдларини келтиришга мажбурмиз. Айтишларича, маълумки, вилоятимизнинг (Чимкент, Қозоғисон Республикаси) турли шаҳарларида, ҳатто, чет элларда ҳам Аҳмад Яссавий шажараси ва муҳри бор. Айниқса кейинги пайтларда ўша машҳур муҳр ҳақида хилма хил фикрлар баён қилинаёпти. Айрим муаллифлар: бу – Хожа Аҳмад Яссавийнинг муҳри, унда исмлари битилган 11 нафар шайх Аҳмадлар – Хожа Аҳмад Яссавийнинг турли тахаллуслари, дея далилламоқчи бўлаётирлар.

Улуғ юртдошимиз, шайх-ул-машойих Хожа Аҳмадга тааллуқли ушбу мавзуга андак аниқлик киритишни, чалкашликларга чек қўйишни лозим топдик ва қуйидагиларни сизларга ҳам илиндик, азизлар! Бизнинг аниқлашимизча, ўша машҳур муҳр Аҳмад Яссавий мақбарасига тегишли бўлиб, унда номлари зикр этилган шайх Аҳмадлар – улуғ юртдошимиздан аввал ва кейин яшаган зоти поклардир. Шундай экан, муҳрдаги ўн бир нафар шайх Аҳмадлар кимлар? Айни саволга, аввало, бундан икки аср муқаддам ёзилган “Чор китоб”нинг саҳифаларидан жавоб топамиз. “Ёздаҳ Аҳмад” ҳақида берилган маълумотларда ушбу муҳрда зикр этилган Ўн бир Аҳмаднинг номлари ёзилган ва бу азизларни ёдларида сақлаган кишиларга кўп яхшиликлар бўлади, дея хабар берилган. Ўша арабий битикдаги китобда ҳам мазкур муҳрдаги Ўн бир шайх Аҳмад номлари, деярли, айнан бирма-бир зикр этилган.

Истиқлол туфайли улуғ Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида юртдошларимиз анча

китоблар ёздилар. Бироқ бу ҳали оз. Ваҳоланки, Туркияда Султон ул-Орифин Хўжа Аҳмад Яссавий тўғрисида юзларча китоблар нашр этилган. Ўтган асрдаги қатафонлик ва динга қарши кураш касофати туфайли анчагина тарихимиз ўзгариб кетган. Тарихга юзаки қарашлар ҳамон учраб турибди. Анча вақтдан бери айрим адабиётчилар ҳамда тарихчилар Ҳазрат авлодлари қўлида сақланиб қолган кўҳна муҳрни: “Хўжа Аҳмад Яссавий муҳри” – дея ёзишмоқда ва бу янглиш фикр ҳамон давом этиб келяпти.

Қуйида мана шу муҳрда қайд этилган Ўн бир Аҳмадлар таркибий жиҳатдан кимлар ва қайси юртлардан ташкил топган, улар кимлар эканига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз. Жумладан: Арабистон, Сурия, Бағдод, Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Туркистон мулкларида яшаб истиқомат қилган ўз даврининг маъруф ва машҳур шахслари, алломалари, авлиёуллоҳлари, қутуб ал-ақтоблари бўлишганлар. Улар:

Аллоҳнинг юборган элчиси Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.) (570-632 йй.) – Арабистон ярим оролидан, Маккада туғилган. Шайх Аҳмад Ханбал(вафоти 855 йил) – ҳозирги Суриялик бўлиб суннийликка оид “Аҳли сунна вал-л-жамоа” мазҳабларидан бири Ҳанбалиянинг асосчиси. Шайх Аҳмад Хайр Нассож (127 йил умр кўрган. 946 йили вафот этган) – Бағдодлик. Шайх Аҳмад Арқам – (?). Шайх Аҳмад Хузравийя – VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи чорагидада Балхда яшаган. Шайх Аҳмад Раввийя (Рованда) (X аср бошида, 80 ёшида вафот этган) – Бағдодда яшаган, илоҳиёт олими. Шайх Аҳмад Мухтор (вафоти 899 йил). – қабри Ҳиротда. Аҳмад Жом (?)- Бу етук шахс Самарқандлик илоҳиёт олими. Шайх Аҳмад Кабир (832 йили вафот этган) – Бухорода яшаган фикҳшунос олим. Шайх Аҳмад Сағорийя – Зироат ишлари бўйича фақиҳ олим. Бухорода яшаган. Шайх Аҳмад Яссавий (1161 йили вафот этган) – Туркистон мулкининг шайх ул-Машойихи Султон-ул-Орифийн, Кутб ул-Ақтоб. “Девони ҳикмат” китоби

муаллифи кабилар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Юқоридаги тадқиқотга кўра, ўша машҳур “Ҳикмат” муҳри Аҳмад Яссавий мақбарасига тегишли бўлиб, унда номлари зикр этилган шайх Аҳмадлар – улўф юртдошимиздан аввал яшаган зоти поклардир. Улар:

1. Ўн бир Аҳмад рўйхатининг бошида Аҳмад Мурсал – Пайғамбаримиз Буюк яратувчи Аллоҳнинг Расули Муҳаммад (с.а.в.) битилган. Ҳаммамизга маълумки, Сарвари олам Муҳаммад (с.а.в.) (570-632 йй.) Маккада туғилган, отаси Абдуллоҳ, боболари – Абдумуталиб, Абдуҳошим, Абдуманноф, оналари Омина эканлигидан хабардоримиз. Ҳатто Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг юқори оталари Иброҳим Халилуллоҳга бориб тақалади. Ундан у ёғи Одам алайҳиссаломга боради.

Алломалар демишлар-ким, ҳар бир мусулмон умматиман деган одам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни ўз ота-онасини танигандай билиши лозим. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзлари араб наслининг Қурайш қабиласи, бани Ҳошим уруғидан бўлиб, исми шарифлари Муҳаммад Мустафо (с.а.в.). Улуғ китобларда таъкидланиши-ча, Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни, унинг авлодларини, саҳобалари ва алломаларини билиб қўйиш, ҳурматлаш катта савобдир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг биз – умматларига қилган меҳрибончиликлари, Аллоҳ нозил этган Қуръони Каримни етказиши, умматлари тўғрисида қайғуриб, Аллоҳ таолодан раҳмат, офиятлар сўраганлиги ва ўзининг гўзал одоби, фаолияти то қиёматгача унутилмайди, биз муслимларга дастуриламал бўлиб қолади, иншооллоҳ. Маълумки, Мурсал Аҳмад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг сийрати ва сурати тўғрисида катта-катта китоблар ёзилган-ки, шу боис, биз бу ерда битигимизни мухтасар қилдик. Аллоҳнинг расули Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак равзалари барча тилак-сўровлар амалга ошадиган маскан деб, башорат берилгани

сабабли у ерга махсус борилади, ҳаж умра маросими бажо келтирилади. Равзаи муборак олдида нима тилак истаклари бўлса Аллоҳдан сўралади ва яқинлари номидан пайғамбаримизга Урўони карим оятларидан тиловатлар, эзгу тилаклар, саломлар ва саловатлар етказилади. Бу каби Аллоҳнинг суюкли бандалари муқаддас мақбараси, қадамжой масканларида ҳам худди шундай амаллар, тилаклар холисанлиллоҳ билдирилиши шарт. Акс ҳолда қабрдаги жасад азобланади. Қабрларда ётган жасадлардан мадад сўраб Аллоҳни эсдан чиқариш эвазига, билиб билмасдан ўзини мушрикка айлантриб, маййитни ширк воситаси сифатида қараб, гуноҳга ботиб, жасадга ва ўзимизга азоб бермаслигимиз шарт.

Энди эзгулик учун, ўтмишда ўтган Аллоҳнинг даргоҳидан юксак мартабага ўз машаққатлари эвазига эришган азизу мукаррам авлиёуллоҳлар – Аллоҳнинг дўстлари ҳузурига зиёратга борилганда, ибрат олиш учун, гуноҳлардан покланиш учун, ёвузликдан қайтиш, эзгулик сари қадам ташлаш учун борган киши ҳар томонлама эзгуликка амал қилиши, шарийат рухсат берган даражада зиёрат одобларига амал қилиши шарт.

Агар инсон ва одамларнинг илтижо ва мурожатлари қабул қилинадиган пок масканлардан бири сифатида Ўн бир Аҳмадлар қўним топган жойлар ва улар эгаларининг ҳурматидан эканини билишгач, зиёрат одобларига амал қилган ҳолларида ўзларига ислом ҳуқуқи берган қонун-қоидаларни лозим тутишлари кераккиму ерда Холис Аллоҳдангина илтижо қилиб, авлиёуллоҳларни васила қилибсўраганда умидлари ҳосил бўладиган, мурод-мақсадларига эриштирадиган васила-восита – бу ерда маъноси ибрат олиш масканлари эканини эсдан чиқармасликлари керак. Чунки ҳар бир инсон зиёратга покланиб, пок либосларда ҳамда Аллоҳнинг марҳаматига эришаман, деб келади.

**2. Шайх Аҳмад Ханбал – (вафоти 855 йил).** Суннийликдаги ханбалийлик мазҳабининг

асосчиси, илоҳиёт олими. Бағдодда таҳсил олган. Аҳмад Ханбал шарият манбалари: Қуръони Карим, ҳадис, суннат ва ижмоъ, иттифоқ, рай, қиёсга асосланмаган ҳар қандай янгиликларни қоралаган. У зот Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) сўзларини сақловчи эди. Ўз даврининг пешқадам имоми, фақиҳ, олим эди. Расулулоҳ (с.а.в)дан қолган ўттиз минг ҳадисни тўплаб, “Ал-муснад” номли олти жилдлик китоб ёзган.

**3.Шайх Аҳмад Хайр Нассож-йўқолиб қолган** ҳайвонлар, инсонлар ва мол-мулкни топиш ва қайтариш учун Шайх Аҳмад Хайр Нассожга боради. Шайх Аҳмад Хайр Нассож – ўша “Ҳикмат” муҳрида исмлари битилган машҳур Аҳмадлардан бири. У киши Бағдодлик, шайхи замон, “яхшиларнинг яхшиси”, ахлоқ масалаларини нақл ва ривоятларда ёрқин талқин этган зотдир. Бу инсон тўқувчилик қилиб кун кечирган. 127 йил умр кўрган. 946 йили вафот этган.

**4.Шайх Аҳмад Арқам – Иқтисодий** мукамалликка эришиш учун Шайх Аҳмад Арқамга боришган. Шайх Аҳмад Арқам – ўткир кашф ва каромат эгаси бўлган. У киши ўш шаҳрининг бино бўлишида каромат кўрсатган, шу ерда вафот этган. Муҳрада исми битилган.Демак, Аҳмад отли бу авлиё улуғ кишилар халққа келган мушкулотларни ечишга ва уларни мукофотларга эришишга Аллоҳ марҳаматлари билан қўмаклашувчи шайхлардандурлар.

**5.Шайх Аҳмад Хузравийя – Кимда-кимга** лавозим керак бўлса ва муҳташамлик керак бўлса Шайх Аҳмад Хузравийяга зиёратга боради. Аҳмад Хузравия VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи чорагида Балхда яшаган шайхлардандир. У Абутуроб Нахшабий, Иброҳим Адҳам, Яҳё Маоз ҳамда Ҳотам Асимлар билан ҳамсуҳбат бўлган ва улардан таълим олган.Аҳмад Хузравия бир неча марта Макка ва Мадинада бўлган. Ҳаж сафарларидан бирида Нишопур ва Бистом шаҳарларида бўлиб, машҳур донишмандлар Абу Хафс Хаддод, Боязид Бистомийларнинг муборак нафасларидан файз топган. Аҳмад мурувват

ва футувват бобида мислсиз мартабага эришган. Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”сида ёзилиши-ча, шайх доим аскарый либосда юраркан. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий айтади: Аҳмад Хузравиянинг мингта муриди бор эди, “ҳар бири сув узра юрмоқ, ҳаво узра учмоқ даражасига етиб эрди, Хотам Асимнинг муриди Абутуроб Нахшабий билан кўп суҳбат қурганди”, дея ёзиб қолдирган. Шайх Абулҳафз: “Аҳмад Хузравия ҳаммадин баланд мартабалик эрди”, – деган экан.иАҳмад Хузравия Балх ҳокимининг қизи Фотимага уйланган ва у ҳам тариқатга кириб, Аллоҳ ишқида жавлон урган.

**6. Шайх Аҳмад Раввийя (Рованда) – Илм** истаб олим бўлишни хоҳлаган инсонлар Шайх Аҳмад Раввийяга боришган. Шайх Аҳмад Раввийя – Бағдодда яшаган, илоҳиёт олими. У киши илоҳиётга оид қирқдан ортиқ асарлар ёзган, муътазиллийларнинг ақидаларини рад этган. X аср бошида, 80 ёшида вафот этган.

**7.Шайх Аҳмад Мухтор – (вафоти 899 йил).** Қутб ул-машойих, тариқат ва ҳақиқат билимдони эканлар, қабри Ҳиротда. Айтишлари-ча, у зот Аллоҳ ишқида ҳосил бўлган шавқ туфайли тунларини бедор ўтказган.

**8.Аҳмад Жом – Бу етук шахс Самарқандлик** бўлсалар керак.Ислом илмлари: Қуръони карим тафсири, Ҳадиси шариф маърифатида мукамал олим, шарият аҳкомлари, фикҳ илмларида ўз даврида пешво саналган. Самарқанд вилоятига қарашли Нуробод тумани Жом қишлоғи жойлашган ўрни ва катталиги бўйича Ўзбекистон Республикасида Наманган вилоятига қарашли Чустдаги Олмос қишлоғидан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. У ердан етишиб чиққан алломалар вва авлиёлар кўп бўлган. Кейинги тадқиқотларимизда аниқлик киритамиз.

**9.ШайхАҳмад Кабир– Фарзанд истаган** кишиларШайхАҳмад Кабир зиёратига боришади.Шайх Аҳмад Кабир – соҳибкаромат авлиё, фикҳшунос, олим-у

фузало. Бухорода яшаган, шайх-уш-шуйух, валийulloҳ (832 йили вафот этган).

**10. Шайх Аҳмад Сағорийя – Зироат ишлари** ривож учун ҳамда савдо-сотик барори учун Шайх Аҳмад Сағорийяга боради. Шайх Аҳмад Кабирнинг фарзанди – Аҳмад Сағория каромати ҳақ, валийulloҳ, фақиҳи сиддиқ, обид-у олим бўлган. Бухорода катта фаолият юритган, тинчлик ўрнатган.

**11. Шайх Аҳмад Яссавий – Инсоният руҳияти,** саломатлиги ҳамда ота-оналарини эслаб уларни руҳлари шод бўлиши учун Шайх Аҳмад Яссавийга борилади. Хожа Аҳмад Яссавий – Туркистон мулкининг шайх ул-Машойихи, Султон-ул-Орифийн, Кутб ул-Ақтоб. Яссавий ҳикматларида Қуръони Карим маънолари, ислом шарияти аҳкомлари ва тариқат асослари тарғиби, илоҳий ишқ мавзуси, эзгу ахлоқ, нафс тарбияси сингари комил муслим фазилатлари талқин этилган. Улуғ юртдошимизнинг жаҳонга машҳур “Девони ҳикмат” китоби ҳаётимизда дастуриламалардан бўлиб қолажак. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур машҳур ўн бир шайх Аҳмадларнинг ҳар бири ҳақида катта китоблар ёзилган, ҳали кўплаб ёзилади. Уларнинг инсоният учун ўрнатилган энг фазилатли ҳаётларини ўрганаверамиз. Иншоолоҳ!

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, машҳур муҳрдаги ўн

бир Аҳмад айрим ўзбек, қozoқ, рус ва бошқа олимлар ёзганларидек, Аҳмад Яссавийнинг тахаллуслари ёхуд лақаблари эмас, балки ҳазратдан аввал ва кейин яшаган, ислом динига катта хизмат қилган илм-у маърифат фидойилари, забардаст, буюк зотлар экан. Мазкур муҳр Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганидан сўнг ҳазрат соҳибқирон Амир Темур буйруғига кўра тайёрланган. Мираҳмад Мирхолдор ўғли айтганларидек, янада мкамалроқ якуний хулосани олимлар ҳам, ёзувчилар ҳам, таржимонлар ҳам келгусида эътиборга оладилар, дея ўйлаймиз.

\*\*\*\*\*

Ўнбир Аҳмадларнинг исми муборақлари ёзилган муҳр: мазкур Ўнбир Аҳмад номлари зикр этилган муҳр ва шажара Наманган вилояти Наманган туманидаги Муллақудинг қишлоғида яшовчи Иброҳим ота уйларидан 1993 йили топилган. Иккинчи муҳр эса, Қozoғистон Республикаси Туркистон шаҳрида 1992 йили Амир Темур илмий экспедициясининг илмий изланишлари даврида нусха кўчириб олинган. Амир Темур томонидан 1396-98 йилларда яратилган. Амир Темур илмий экспедицияси томонидан 1992-йили Туркистон шаҳридаги муҳрда кўчирилган нусха



Қуйидаги мазкур Ўнбир Аҳмад номлари зикр этилган байроқ Қozoғистон Республикаси Туркистон ва Қарноқ шаҳарларида экспедиция изланишларида нусха кўчириб олинган ҳамда олимлар

билан 1994 йилда ўрганиб чиқилган. Амир Темур томонидан 1396-98 йилларда яратилган. Наманган вилояти ва Наманган шаҳар ҳокимлиги, “Нуроний” жамфармаси

# “ФАН ТАРИХИ РИВОЖИГА АКАДЕМИК А.Р.МУҲАММАДЖОНОВНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ”

Нашр санаси: 2020 йил 30 октябрь | Бетлари: 344-357

Наманган вилояти бўлими, Амир Темури илмий экспедицияси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Наманган вилоят Кенгаши ҳамкорликларида ушбу топилмалар манбаларини жамлаб, китоб қилишни лозим топди.

Байроқдан кўчирмалар ва матнлар муаллифлари Амир Темури илмий экспедицияси аъзолари ф.ф.д., проф. Ориф Усмон, т.ф.н. Турғун Файзиев, (PhD) тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Зиёвуддин Муҳитдинович Жўраевлар

томонидан экспедиция архиви ва материаллари асосида тайёрланган. Шунингдек, байроқ матнлари ва таржималари ҳурматли устоз филология фанлари номзоди Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти лаурияти Сайфиддин Сайфуллоҳамда тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Зиёвуддин Муҳитдинович Жўраевлар томонидан тайёрланган матнлар таржималаридан фойдаланилди.





### Фойдаланилган адабиётлар

1. Juraev Z.M. UNESCO Memory of the World Training Workshop in the Asia Region. Bishkek, Kyrgyzstan 17 – 20 September 2014. Nomination 8 Republic of Uzbekistan UNESCO MOW Training Workshop in the Asia Region Bishkek, Kyrgyzstan, 17th - 20th September, 2014 Nomination form International Memory of the World Register MAWARDI'S "AHKOM" MANUSCRIPT. – 195 – 210 PP.
2. Dzhuraev ZM (2017) ANALYSIS OF MAVARDI'S WORK «AHKOM» - AS DOCTRINES OF GOVERNING A STATE FROM THE POLITICAL, SOCIAL AND LEGAL POINT OF VIEW. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (46): 194-201. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-02-46-33> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2017.02.46.33> Dzhuraev Z.M. Ziyavuddin Mukhitdinovich Dzhuraev Senior teacher, scientific researcher Department of History National University of Uzbekistan Tashkent, Uzbekistan. International Academy of Theoretical & Applied Sciences Technology and Science. February 28, 2017. – Philadelphia, USA. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) N 02 (46) 2017. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS>: 1.1/TAS. DOI: 10.15863/TAS. Year: 2017 Issue: 02 Volume: 46 Published: 28.02.2017 <http://t-science.org> E-mail: T-Science@mail.ru Editorial office: <http://T-Science.org> phone: +777727-60681 Impact Factor ICV = 6,630,
3. Juraev, Z. M. (2019). The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product «A lahkomi as-sultoniya va-l-valoyot ad-diniya». ISJ Theoretical & Applied Science, 07 (75), 446-453. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-07-75-72> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.07.75.72> Classifiers: Geography. History. Oceanology. Meteorology.
4. National University of Uzbekistan, Senior lecturer, Tashkent, Republic of Uzbekistan. The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product “Al-ahkom as-sultoniya va-l-valoyot ad-diniya”. // International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. International Academy of Theoretical & Applied Sciences Technology and Science. – USA – Philadelphia, N 07 (75) 2019. – P. 446 – 453. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 07 Volume: 75 <http://t-science.org> <http://dx.doi.org/10.15863/TAS> SOI: 1.1/TAS. DOI: 10.15863/TAS. E-mail: T-Science@mail.ru Editorial office: <http://T-Science.org> phone: +777727-60681 Impact Factor ICV = 6,630,
5. Impact Factor ISI = 0.829. based on International Citation Report (ICR). – P.194– 201. SECTION 17. World history. History of science and technology. Impact Factor: ISRA (India) = 1.344 ISI (Dubai, UAE) = 0.829 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA) = 0.912 PИHЦ (Russia) = 0.234 ESJI (KZ) = 1.042 SJIF (Morocco) = 2.031 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.260



- Impact Factor ISI = 0.829. (8.716) based on International Citation Report (ICR). QR – Issue QR – Article
6. Impact Factor: ISRA (India) = 3.117 ISI (Dubai, UAE) = 0.829 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA) = 0.912 ПИНЦ (Russia) = 0.156 ESJI (KZ) = 8.716 SJIF (Morocco) = 5.667 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.260 OAJI (USA) = 0.350 Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-07-75-72> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.07.75-72> C
7. Curayev Z. M. “El-Ahkamu’s-sultaniyye”nin Tashkent nushasi. Turk Dunyasi Arashtirmalari.–Turkiya,jurnal. Haziran 2001. Sayi: № 132.5.000.000. нусха. –Б. 233 – 235.
8. Жўраев З.М. Мовардийнинг Шарқ давлат бошқаруви сиёсий – ҳуқуқий таълимоти – “Аҳком” асарининг ўрганилиши. Жамият ва бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси. – Тошкент. 2013. № 1. 113 – 121 б.
9. Жўраев З.М. Шарқ-муслмон давлатчилиги ва ҳуқуқшунослигига оид тарихий манбаларда сайлов таълимоти (X – XI асрлар). Ижтимоий фикр. – Тошкент. ж.2014.№ 1. – Б. 104 – 114.
10. Жўраев З.М. Ўзбекистоннинг ўрта асрлар давлатчилиги тарихига оид муҳим манба: “Ал-Аҳком-усултонийя ва-л-валоёт ад-динийя” ва “Сулук-ул-мулук”. ЎЗМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали. – Тошкент. 2011. № 4/1. – Б.145 – 148. 28.Жўраев З.М. Ўзбекистон давлатчилиги ўрта асрлар тарихига оид муҳим манбалардан бири Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Сулук-ул-мулук” асари ва қиёсий таҳлил учун Мовардийнинг “Аҳком” асари. ЎЗМУ хабарлари. Мирзо Улуғбек номидаги
- Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали. – Тошкент. 2011. № 4/1. – Б.149 – 153.
11. JURAEV Z.M.Classification of world manuscripts source study of Mavardi product “Ahkom” general characteristic of thesis. // “Turkiya va O‘zbekiston o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani.– Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating Silkroad: past, present and future of turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpek yolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul. July 2019.1ST EditionIstanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – P. 195-199. ISBN:
12. JURAEV Z.M. The intention – a choice or the doctrine of election in Mavardi product «al-Ahkom-as-sultoniyyava-l-valoyot ad-diniya». // “Turkiya va O‘zbekiston o‘rtasidagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy munosabatlarni rivojlanishi” xalqaro ilmiy anjumani. – Toshkent 25 aprel 2019 yil. – Rejuvenating silkroad: past, Present and future of Turkey-Uzbekistan Relations. ISBN: 978-605-81541-3-3. Name in Turkish: İpekyolunun yeniden canlandırılması: Türkiye-Özbekistan ilişkilerinin dünü bugünü ve geleceği. – Istanbul July 2019. 1ST Edition Istanbul Sabahattin Zaim university publications ISBN: 978-605-81541-3-3. – 224-232.
13. Жўраев З.М. Абулҳасан ал-Мовардийнинг салтанат бошқарув таълимоти: “ал-Аҳком ас-Султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асари. //Паёми донишкада/Махзани илм. Вестник института. Herald of ibstitute. Нашри махсусСпециальный выпуск/Special edition. 2019 N 2.– Б. 142– 147. Вазорати маориф ва илми

- Чумхурии Тоҷикистон Донишкадаи омӯзгори Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент. МАВОДИ: анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ бахшида ба Соли рушди деҳот, сайёҳӣ ва ҳунарҳои мардумӣ, ҳамчунин барномаи Даҳсолаи байналмилалии амал, Об барои рушди устувор, барои солҳои 2018-2028<sup>1</sup>, Масоили мубрами илмҳои педагогӣ, иҷтимоӣ-гумнатарӣ ва фанҳои дақиқ дар замони муосир<sup>2</sup>, 6-10 июли соли 2019 дар Донишкадаи омӯзгори Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент.
14. Жўраев З.М., О.Масалиева. Туркистон ва Қорачиққишлоғидан етишиб чиққан Аллоҳнинг дўстлари шажараси таҳлили.//Collection of materials International Scientific Conference “Karachik – a city with an ancient history” 19 October 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 69-81.
15. Жўраев З.М. Ўн бир Аҳмад зиёратгоҳи ва муҳри ҳамда ғалаба байроғи.//Collection of materials International Scientific Conference “Karachik – a city with an ancient history” 19 October 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 101-108.
16. Жўраев З.М., М.Хўжаев Хўжа Аҳмад Яссавийнинг авлоди “Қутб-ул-ақтоб” шоҳи Занги бобонинг насабномаси. //Collection of materials International Scientific Conference “Karachik – a city with an ancient history” 19 October 2019 – Қазоғистон. Qarashiq – 2019. ISBN 978-601-332-412-8. – Б. 109-115.
17. З.И.Мунавваров., Жўраев. З.М. Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-вилаёт ад-динийя” асари – мусулмон Шарқи давлатчилигига оид муҳим манба. // Ўзбекистон халқаро ислом академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2018. №1. – Б. 15 – 19.
18. SCOPUS. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 3, 2020. Review Article. AL-AHKOM AS-SULTONIYYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYYA IN SOURCE CLASSIFICATION OF WORLD MANUSCRIPTS STUDY OF ABULHASAN MAVARDI PRODUCT. – 438-450 bb.
19. International Islamic Academy of Uzbekistan, doctor of philosophy PhD in Histori and Source Studies of Islam, Senior teacher of the department “The Islamic Studies and studies of Islamic Civilization juraev741@mail.ru11, A.Kadiri. Tashkent, 100011, Uzbekistan. Acting associate professor of the Department "Source studies and archival studies" of the Faculty of history of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Received: 21.11.2019 Revised: 19.12.2019 Accepted: 17.01.2020. © 2019 by Advance Scientific Research. This is an open-access article under the CC BY license. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>. <http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>. <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.03.82>.
20. SCOPUS Masalievna Oltinoy Masalievna Doctor of philosophy, associate professor, Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan.
21. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich Doctor of philosophy, associate professor, National university of Uzbekistan after named Mirzo Ulugbek Address: Uzbekistan, Tashkent, Yunusabad 11/52/25 Email: [masaliyevaoltinoy@gmail.com](mailto:masaliyevaoltinoy@gmail.com). The Illumination of Bukhara Khans' Building Enterprise in the Some Historical Sources.

22. TEST Engineering & Management. March - April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1803 – 1811.
23. Article Info Volume 83 Page Number: 1803 - 1811 Publication Issue: March - April 2020.
24. Article History Article Received: 24 July 2019 Revised: 12 September 2019 Accepted: 15 February 2020 Publication: 16 March 2020. Published by: The Mattingley Publishing Co., Inc.
25. Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich. The work “Al-Ahkom as-sultoniyya va-l-valoyat ad-diniyya” of Movardiy X-XI centuries. – LAPLAMBERT Academic Publishing. Cover image: www.Imgimage.com ISBN: 978-620-2-51928-1 2020 Copyright International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group. 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Maurits. -169 p.
26. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalievna Masalievna Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5.525 OCLC - 1121105668 editor@usajournalshub.com [www.usajournalshub.com/index.php/tajssei/SJIF](http://www.usajournalshub.com/index.php/tajssei/SJIF) 2020: 5.525 ISSN: 2689-100X Crossref
27. The USA Journals Volume 02 Issue 12-2020 43
28. Масалиева Олтиной Масалиевна. Бухорохонлиги тарихи манбашунослигининг айрим жиҳатлари. Некоториые аспекты источниковедения история Бухарского ханства. Masalievna Oltinoy Masalievna. Uzbek state world languages university Associate professor, doctor of philosophy (PhD) ю SOME ASPECTS OF SOURCE STUDY THE HISTORY OF BUKHARA KHANTIAN. // Ўтмишга назар/Взгляд в прошлое / Look to the past <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-1-6> 1/2019- 38-43 стр.
29. International Journal of Research ISSN: 2348-6848 Vol-6, Special Issue-5 3 rd EduINDEX International Multidisciplinary Conference held on 6-7th April 2019 at Edupedia Publications Pvt Ltd, New Delhi Available at <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> Page | 210 MUHAMMAD SHARIF SADRI ZIYA AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE Masalievna Oltinoy Masalievna Doctor of philosophy Associate professor Uzbekistan state world languages university Department of history of Uzbekistan. <https://pen2print.org/journals/index.php/IJR/issue/archive> -210-213 b.
30. LES LIEUX DE PÈLERINAGE DE L'OUZBÉKISTAN. Auteurs: Chef du projet docteur en Science de l'Université Nationale de l'Ouzbékistan Raima Shirinova Docteur en histoire de l'Université des langues du monde de Tachkent Oltinoy Masaleva. ISBN: 978-9943-5785-4-8 ©"INFO CAPITAL GROUP" LLC. – 89 b.
31. Masalievna Oltinoy Masalievna. History Research Journal. Research Journal ISSN: 0976-5425 Vol-5-Issue-5-September-October-2019 Page | 20 Copyright © 2019 Authors The role of Sh.H.Vohidov, the scientist in the

- historiography, in the emirate of Bukhara./ Candidate of Historical Sciences, Associate Professor Uzbek State World Languages University Department of Uzbekistan History. Copyright © 2019 Authors. – 20-25 b.
32. МасалиеваОлтинойМасалиевна. БУХОРОХОНЛИГИТАРИХИНИЁРИТИ ШДАСОВЕТМАФКУРАСИНИНГТАЪСИРИ. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-7> тарихфанлариномзоди, доцентЎзбекистондавлатжаҳонтиллариуниверситети. / THE INFLUENCE OF THE SOVIET IDEOLOGY IN COVERING THE HISTORY OF THE BUKHARAN KHANATE MasalievaOltinoyMasalievna Associate Professor, PhD, Uzbek State University of World Languages. – 66-74 b.
33. Dr.Masalieva Oltinoy Masalievna. Local historiography of Bukhara Emirate. HIMALAYAN AND CENTRAL ASIAN STUDIES. (JOURNAL OF HIMALAYAN RESEARCH AND CULTURAL FOUNDATION) NGO in Special Consultative Status with ECOSOC, United Nations. Vol. 21 No. 4 October-December 2017.ISSN 09
34. Ziyovuddin Muhitdinovich Juraev Associate Professor Of "Source Studies And Archival Studies", Faculty Of History, National University Of Uzbekistan Named After Mirzo Ulugbek. Doctor Of Philosophy (Phd) In History., Uzbekistan Oltinoy Masalievna Masalieva Associate Professor of History of Uzbekistan Uzbek State University of World Languages, Uzbekistan. Eleven Ahmad Pilgrimage And Seal And Flag Of Victory. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: December 11, 2020 | Pages: 43-50 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue12-09>. IMPACT FACTOR 2020: 5. 525 OCLC - 1121105668.Journal Website: <http://usajournalshub.com/index.php/tajssei>. Copyright: Original content from this work may be used under the terms of the creative commons attributes 4.0 licence.
35. Рўзинов Б. Ражабова С. Исмоилв Ю. Косимов А. Наманган вилояти маданий мероси (Илмий-оммабоп китоб). – Наманган. Наманган. 2013. – 116 бет. – Б.92.
36. Содиқов Ҳ. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. – Тошкент. 2010. ART FLEX. – Б. 94. – 432 б.
37. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
38. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
39. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
40. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
41. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
42. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
43. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.



## ХІХ АСРДА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН МАСАЛАСИ БЎЙИЧА РОССИЯ ВА ХИТОЙ ИМПЕРИЯЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШУВЛАРИ ТАРИХИДАН

БАХРОМЖОН БАХТИЁРОВИЧ ХАЙНАЗАРОВ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
Т.Ф.Ф.Д. (PHD)

### АННОТАЦИЯ

XXI асрда замонавий ёндашувлар асосида йирик империялари томонидан олиб борилган мустамакчилик сиёсати тарихини илмий тадқиқ этиш ўз долзарблигини йўқотган эмас. Уларнинг турли ҳудудларда олиб борган сиёсати сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларга ҳамда турли турли манфаатларнинг тўқнашувига олиб келди. Хусусан, XVIII асрда Марказий Осиёда кескин сиёсий жараёнлар авж олади. Мазкур минтақада нафақат ҳарбий тўқнашувлар юз беради, балки бир неча йирик империяларнинг сиёсий манфаатлари ушбу ҳудудда тўқнаш келади. Жумладан, Россия империясининг иқтисодий салоҳияти ортиб бориши унинг Шарқий Туркистонга бўлган интилишларини оширган бўлса, иккинчи томондан Хитой тахтини Манжурлар сулоласи эгаллагандан сўнг, уларни ҳам мазкур минтақа томон дадил силжишлари сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб юборади. Цин империясини қисқа вақт оралиғида Монголия, Тибет, Лобнор ҳамда ҳозирги Шинжон-Уйғур автоном районини эгаллаб олиши оқибатида бир неча асрлар давомида мавжуд бўлган Марказий Осиё халқлари ташкил этган давлатчилик бирлашмаларига барҳам берилди. Шу жиҳатдан, Шарқий Туркистонни манжурлар томонидан босиб олиниши Россия империяси ва Хитой маъмурияти

### КИРИШ

XIX аср ўрталарида мазкур империялар ҳудуди Ўрта Осиё минтақасига яқинлашиши оқибатида Санкт-Петербург ҳукмрон доиралари Россиянинг Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё билан савдо алоқаларини хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга интилиши кучаяди. Шу билан бирга, мазкур даврда йирик империяларнинг Ўрта Осиёга қизиқишлари авж олган бир шароитда алоқаларни ҳуқуқий асосга эга бўлишини мавжуд кескин сиёсий жараён ҳам талаб этарди. Шу жиҳатдан 1850 йил 25 июлда имзоланган “Фулжа трактати” Россия ва Хитойни Ўрта

Осиёдаги савдо алоқаларини қонуний мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда дастлабки қадам бўлди[1]. 1852 йили 5 февралда император Николай I Фулжа шартномаси ҳамда ғарбий Хитой билан қуруқликдаги савдо қоидаларини имзолайди [2]. Унга кўра Россиядан Хитойга йўл олган карвон бошлиқлари Семипалатинск, Петропавловск, Троицк, Уст-Каменогорск ва Копалдаги божхонадан махсус билет (рухсатнома) олишлари шарт бўлган. Бундай ҳужжатга эга бўлмаган шахслардан маҳаллий хитой ҳукумати турли йиғимлар олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ушбу

шартнома матни матбуотда эълон қилинмаган. Шартномага кўра, Ғулжа ва Чугучак шаҳарларида рус консулликлари очишга келишиб олган бўлиб, И.И. Захаров ҳамда А.А.Татариновлар биринчи консуллар ҳисобланишган. Ҳозирда ЎЗР МДАда сақланаётган йиғма жилдлар орасида мазкур шартномага оид ҳужжат мавжуд бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар келтирилган: “...Россия ҳукуматининг 1,2,3 гилдия савдогарлари Ғулжа ва Чугучак шаҳарларида савдо қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Тошкент ва бошқа осиеликлар 1852 йилдан бошлаб савдо қилишга ҳақли бўлиб, аввало, гилдия гувоҳномаси ҳамда рус ҳукуматидан махсус билетга эга бўлиши лозим. Ҳар бир савдогар Хитойга борганда рус консуллариغا учраши шарт бўлган.” Умуман ушбу келишув Россия империясини Хитой билан бўладиган сиёсий ва иқтисодий муносабатларида Ўрта Осиёдаги ўз позициясини мустақамлашда муҳим рол ўйнаган.

1853 йилдан Россия империясининг Ўрта Осиё хонликлариغا босқинчилик юришлари бошланади. Қисқа вақт ичида улкан ҳудудлар эгаллаб олинади. Айниқса, 1860 йили Қозоғистоннинг жануби-шарқий ҳудудлари ва Қирғизистонда сиёсий вазият янада кескинлашади. Шу йилнинг октябр ойида Қўқон хонлиги қўшинларини Узунёғоч яқинида Г. А. Колпаковский бошчилигидаги рус армиясидан энгилиши оқибатида Еттисув ва Илиёрти ўлкаси империя таркибига киритилади. Бу жиҳат, Ўрта Осиё масаласида Цин давлати билан янги шартномалар тузиш учун асос бўлди. Икки давлатнинг Ўрта Осиё минтақаси бўйича чегараларни белгилаши учун “Пекин шартномаси” асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур келишув 1860 йили ноябр ойида Хитой ҳукумати ва рус ҳукумати вакили Н.П.Игнатев томонидан Айгун ҳамда Тяньсин шартномаларига қўшимча сифатида имзоланган. Томонлар олдида “...Шабин-дабоқ маёғидан Қўқон хонлиги мулкларигача ҳамда ғарбий Саян этақларидан то Помирғача” бўлган бепоён

ҳудудларда бундан кейинги мавжуд чегараларни аниқлаб олиш вазифаси турган[3]. Бундан ташқари “Пекин шартномаси”да чегара келишувларидан ташқари рус-хитой савдо алоқаларини ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилган эди. Шу аснода рус савдогарлари Ғулжа ва Чугучак шаҳарлари билан бирга Қошғарда ҳам савдо қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Умуман олганда, мазкур шартнома икки давлат ўртасидаги чегараларни умумий тамойил ва йўналишларини белгилаб берган, холос. Албатта, ҳар бир томон ўз давлатининг ғарбий-стратегик қизиқишлари билан бирга иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган чегараланишни хоҳлаган. Россиялик тарихчи Моисеев тадқиқотига кўра, чегара демаркацияси ўтказиш масаласида томонлар ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан иш кўришга ҳаракат қилишган. Жумладан, шартноманинг хитойча вариантыда оддий тўсиқлар ўрнатиш эмас, балки, Шабин-дабоқ чегарасидан ғарбда Зайсон кўлигача бўлган йўналишда доимий чегара тўсиқлари вужудга келтириш ҳақида сўз кетади. Яна бир муаммо шунда эдики, XVIII аср 50-йилларидан Шарқий Туркистон ва Жунғория ерларини Цин сулоласи эгаллаб олганидан сўнг Қозоғистон, тоғли Олтой ҳудудлари яқинида доимий ҳамда вақтинчалик қоровуллик пунктлари шакллантирилиб, улар кўчманчи аҳолини Хитой томонига ўтказмаслик бўлган. Шу жиҳатдан, ушбу масалада 1861 йил охиридан Хитой томони янги келишувни тайёрлашни таклиф этади. Бироқ, навбатдаги шартномани таёрлашга роппа-роса уч йил вақт кетди. Чунки, икки томон ҳам ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан иш кўриб, мавжуд ҳолатдан унумли фойдаланиб истагида бўлишган. Россия империяси вакиллари Хитой давлати билан Ўрта Осиё борасидаги чегараланишда ўз ҳудудларини янада кенгайтириш ҳаракатида бўлганлиги шубҳасиз. Бу ҳаракатда рус ҳукумати томонидан полковник И.Ф.Бабков, Ғулжадаги рус консули И.И.Захаров, астроном К.В.Струве

ва Чугучакдаги консул К.А. Скачковлар фаол рол ўйнаган. Шунингдек, Ғарбий Сибир генерал-губернатори А.О. Дюгамелни бу борадаги уринишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, мазкур даврда Россия томони Ўрта Осиёдаги ғарбий ҳаракатларини янада фаоллаштирган. Жумладан, 1864 йилга келиб, Перовский Фортдан Тўқмоқгача бўлган ҳудудлар эгалланиб, янги Қўқон линияси вужудга келади. Ўз навбатида, Хитой томонида вазият салбий томонга ўзгарди. Шарқий Туркистонда муслмонлар қўзғолони авж олиб, у Қошғар шаҳарлари ҳамда Или ўлкасига ёйилди. Мамлакат марказида тайпинлар қўзғолони давлатга жиддий хавф сола бошлади. Шундай кескин бир вазиятда император Мин И губернатор А. О. Дюгамелга чегара бўйича музокаралар олиб бориш ўз вакилларини жўнатишни сўрайди[4]. 1864 йили сентябр ойида Чугучак шаҳрида икки томон келишув учун музокаралар бошланади. Цин империяси Чу ўлкаси аҳолиси Россияга нисбатан Хитойга боғланиб қолганлигини баҳона қилса-да, руслар ўз позицияларида қатъий туриб олишган. Шундай қилиб, 1864 йил 25 сентябрда тарихда “Чугучак протоколи” деб ном олган шартнома имзоланади. Шубҳасиз, ушбу келишув Россия империяси дипломатиясининг катта ютуғи ҳисобланган. Халқаро муносабатлар тарихи бўйича таниқли мутахассис Б.П. Гуревичнинг фикрича, “Чугучак протоколи” Марказий Осиёдаги мавжуд ҳолатни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Унга кўра, Россияга Олтой ва Курчум ўлкасини унумдор эрлари, Зайсон кўли атрофи ҳамда Тарбағатой, Олатов, Тяньшан теварагидаги деҳқончилик учун қулай бўлган ерлар берилди[5]. Манжурларни Россияга бундай ҳолатда ён беришини ўша вақтда Хитойга Буюк Британия, Франция ва бошқа йирик империялар агрессияси авж олаётган бир шароитда Петербург ҳукмрон доиралари томонидан ҳам дипломатик ҳам ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга умид сифатида изоҳлаш мумкин. Ушбу келишув,

“Пекин шартномаси”ни мантиқий давоми бўлиб, у Марказий Осиёда Олтойдан Тяньшангача бўлган ҳудудда рус-хитой чегараларни аниқлаб беради. Бироқ, Шарқий Туркистондаги геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви икки давлат ўртасидаги чегара масалаларида янги тузатишлар заруратини келтириб чиқарди. Чегарадаги янги “тузатиш”ларни ашаддий тарафдорларидан бири Семипалатинск ғарбий губернатори В.А.Полторатский бўлган. Чунки, белгиланган чегара атрофида асосан кўчманчи аҳоли яшаган ҳолда, йилнинг турли давларида гоҳ у томонга гоҳ бу томонга кўчиб ўтишган. Бу эса чегарачиларга катта ноқулайликлар келтириб чиқарган. “Чугучак протоколи”га мувофиқ, чегара демаркацияси 1865 йилдан бошланиши лозим эди. Бироқ, шу йили Синцзянда муслмон аҳолини оммавий қўзғолони бошланиб кетиши оқибатида демаркация тадбири орқага сурилди. Иккинчи томондан мазкур даврда Россия қўшинларини Или водийсида мустаҳкам ўрнашиб олиши натижасида ғарбийлар чегара чизиқларини янада орқага суриш ташаббуси билан чиқа бошлади. Жумладан, ғарбий Сибир генерал-губернатори А.П.Хрушов шундай шахслардан бири саналган. У 1869 йили Хитойдаги рус элчиси э.Бютсовга ёзган хатида Марказий Осиё масаласида рус-хитой чегараларига ўзгартиш киритиш зарурати борлиги, унда Қора Иртиш водийсининг айрим ёки тўлиқ ҳудудларини Россияга киритиш лозимлигини қатъий уқтиради. Бироқ XIX аср бо-йиллар иккинчи ярмида кескин сиёсий ўзгаришлар юз берди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Кожирова С.Б. Русско-китайская торговля в Центральной Азии (вторая половина XIX -начало XX вв.). Астана, 2000. С.35-44.
2. Кожирова С.Б. Русско-китайская торговля в Центральной Азии



- (вторая половина XIX -началоXX вв.).  
– Астана, 2000. - С.36-37.
3. Русско-китайские отношения.1689-1916.Официальные документы. М., 1958. С. 35.
  4. Формирование границы между Россией и цинским Китаем.Кн.IV.М.,1970.С.583-584.
  5. Формирование границы между Россией и цинским Китаем.Кн. IV.М., 1970. С.589.
  6. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  7. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  8. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  9. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  10. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  11. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  12. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАНЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ, ТАРИХИВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ТЎЛҚИН ХОЛМУРОДОВИЧ ЖУМАЕВ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
С.Ф.Б.Ф.Д. (PHD)

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон мустақилликка эришган пайдан бошлаб ўзи учун дунёвий ривожланиш ва фуқаролик жамияти барпо этиш этиш йўлини аниқ белгилаб олди. Бу – инсон манфаатлари тўлиққимоя қилинган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир. Мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг тобора ривожланиб бориши алоҳиди эътиборга моликдир. Ватанимиз мустақилликка эришиши билан Ўзбекистон Республикасида жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш ривожланди. Хусусан таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби бир қатор соҳаларда муҳим ишлар амалга оширилди ва бу ҳозирда давом этиб келмоқда. Айнан шу жиҳатдан олганда, Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ва жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан олинган барча фойдали нарсаларни инкор қилмаган ҳолда республиканинг қатъий позицияси ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборатдир” – деган фикри, жумладан хорижий мамлакатларнинг ривожланиш жараёнлари, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини қайд қилади.

### КИРИШ

Шундай экан ҳозирги кунда вужудга келаётган жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимидаги шиддатли ўзгаришлар кўпгина ривожланаётган ва тараққий этаётган давлатларнинг мазкур жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, ўзлари учун тўғри йўлни танлаб олишларини тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кун тартибидаги энг асосий масалалардан бири Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатларини изчиллик билан ривожлантириш бўлди. Шундай экан, жаҳон ҳамжамиятида халқаро муносабатлар тизимида давлатлар

ўртасидаги муносабатлар турли соҳаларда ривож топаётган бир даврда Ўзбекистон ҳам ташқи сиёсатдамуносиб ўрин олиши билан бир қаторда ташқи сиёсат тамойилларига амал қилган ҳолда жаҳоннинг кўпгина давлатлари билан бирга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий соҳаларда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай жўғрофий-сиёсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташқи сиёсат юритишда халқаро нормаларга риоя қилиши жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида

юксак даражада имкониятлар эшигини очмоқда. Буни биргина мисол мамлакатимизнинг Жанубий Корея билан ўзаро ҳамкорлигида кузатишимиз мумкин. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин Жанубий Корея 1991 йил 30 декабрда Осиё — Тинч океан минтақаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 29 январь куни эса икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шу кундан буён Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ҳар бир соҳада ижобий руҳда, муваффақиятли тарзда ривожланиб бораёпти. 1992 йилнинг 19 июнида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Мазкур ташриф икки мамлакат, икки миллат ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий-техникавий алоқаларга асос солди. Айнан мана шу сафар вақтида “Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисида”ги декларация имзоланди. Савдо-иқтисодий айирбошлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар тўғрисидаги қатор шартномалар имзоланди. Мамлакатларимиз ҳамкорлик кўлами савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби кўплаб соҳаларида ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган режалари белгилаб олинди. Жанубий Кореядаги ДЭУ корпорацияси раҳбарлари билан Андижон вилоятининг Асака шаҳрида автомобиль заводи қуришга келишиб олинди. 1992-1996 йилларда “ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасини қуриш, лойиҳалаштириш ишлари олиб борилди.

1996 йилнинг 25 март куни заводнинг илк маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тўғрисида сўз кетганида, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликлар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 1992 йилдан бери Тошкентда Корейс таълим маркази фаолият кўрсатиб келаяпти. Бир нечта университет ва институтларда корейс тили ва маданияти марказлари очилган. Ўзбекистон университетлари Жанубий Кореядаги ўттиздан зиёд олий ўқув юрти ва илмий –ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил қилиниши билан давом эттирилди. Шу мақсадда 2014 йил 24 мартда президентимизнинг “Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 27 мартда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳридаги Инха университетининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабулқилинди. Бугун замонавий, халқаро талабларга мос шароитларда ўзбекистонлик ёшлар компьютер ва дастурий инжиниринг йўналиши бўйича билим олмоқда.

Мамлакатлар ўртасидаги турли соҳалардаги муносабатлар ривожига жараёнида юртимизда яшаётган турли миллатларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу жараёнда мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган корейс диаспорасининг ҳиссаси юқори баҳоланади. Юртимизда яшаётган корейс миллатининг сони 250 мингдан ортиқни ташкил этади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш. Тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг

фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Жанубий Корея Республикасининг Тошкентдаги “Корея таълим маркази” ўртасида 2012 йил 11 июнда тузилган ўзаро Англашув Меморандуми асосида умумтаълим мактаблари корейс тили ўқитувчиларини малакасини ошириш ва ўқувчилар учун турли фан ва маданий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

1995 йил 22 майдаги Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Сеул таълим департаменти ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси. Ушбу шартнома асосида Корея Республикаси томонидан Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларига техник беғараз ёрдам сифатида компьютер техникаси тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ва Корея таълим ва ахборот тадқиқотлари хизмати (КЕРИС) ўртасида ўзаро Англашув Меморандуми имзоланган. Мазкур Меморандум доирасида бошланғич ва ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникация технологиярини ривожлантириш шунингдек таълим тизимида АКТни жорий этишни жадаллаштиришда ўзаро тажриба алмашиниб келинмоқда. Ушбу ҳамкорлик орқали кадрлар салоҳиятини оширишда юқори натижаларга эришилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртлирида, жумладан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида, Самарқанд давлат чет тиллари институтида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Корея тил ва маданият марказлари фаолият юритиб келмоқда. Жанубий Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллари институтларида корейс тили ўргатилмоқда

2012 йилда Тошкентда ва 2016 йилда Самарқандда Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида ўзбек-корейс таълим марказлари ташкил этилган бўлиб ушбу марказлар орқали кўплаб ёшлар турли соҳалар бўйича касб ўрганишлари билан бир қаторда Корея республикасида тажриба алмашинув дастурлари асосида бўлиб қайтдилар

Ўзаро дўстлик ҳамжиҳатлик ришталарини маданий соҳалардаги амалий ифодаси сифатида 2014 йил 1 сентябр куни Тошкентнинг “Бобур” боғи ҳудудида Сеул боғи очилди. Бугунги кунда Корея маданият ва санъат уйини барпо этиш мақсадида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида мамлакатда “Корея маданияти ҳафталиги” ўтказилади. Ҳафталик доирасида Корея киноси кечаси, Корея анъанавий амалий санъат усталарининг маҳорат дарслари, бадиий ва фото кўргазмалар, корейс қўшиқлари ва нотиклик бадиий танлови, Корея мода намоишлари бўлиб ўтади. Корея Республикаси Ўзбекистон таэквондо ассоциациясини спорт ускуналари билан жиҳозлашда, юртимизда ҳар икки мамлакат спортчилари учун ўқув машғулотларини ташкил этишда кўмаклашади. Бунинг натижасида икки давлат ўртасида спортнинг ушбу турини ривож йўлида ўртоқлик мусобақалари ташкил этилиб бунинг натижасида спорт усталари маҳорат дарсларини дойимий равишда ташкил этиб келмоқдалар.

Корея Республикаси Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда анъанавий етакчи инвестицион ва технологик шерик

ҳисобланади. Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари ва банкларининг 7 миллиард доллардан зиёд инвестициялари жалб этилган ҳолда иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давлатлар ўртасида стратегик шериклик муносабатларида янги босқични бошлаб берди.

Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда кўп сонли корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди. Ушбу миллат вакиллари МДҲда энг йирик диаспора бўлиб (180 мингдан зиёд), нуфуси жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Жорий йилда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Ўзбекистонда яшаётганининг 80 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси алоқалари 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация ва бошқа муҳим ҳужжатлар асосида изчил ривожланмоқда. Бу сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси стратегик шериклардир. Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонган. Очиқлик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Корея Республикаси Осиё – Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг етакчи савдо-

иқтисодий ва инвестициявий шерикларидан биридир. 2016 йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмасида Ўзбекистон улуши қарийб 50 фоизни ташкил қилади.

## ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Жанубий Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига чиқди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга бўлган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларда муҳим босқич бўлади ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки беради, десак, асло янглишмаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш тараққиётомили”.Т.: Ўзбекистон, 2004. 4 б.
2. <https://president.uz/uz/lists/view/1276>

## ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИДА ФАЛЕРИСТИКА СОҲАСИ ВА МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ

ДИЁРЖОН АБДУЛЛАЕВ

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD), “ТАРИХ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” КАФЕДРАСИ  
ЎҚИТУВЧИСИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

### АННОТАЦИЯ

Маълумки, тарих фанининг предметиinson, инсоният жамияти ҳисобланади. Тарих фанининг муваффақиятлари ва ютуқлари кўп жиҳатдан ёрдамчи тарих фанларининг ривожланиши билан боғлиқ. Тарих илмининг ривожланишида ёрдамчи тарих фанлари қаторида фалеристика соҳасининг ўрни беқиёс. Бу соҳа ҳақида фикр билдирар эканмиз, жаҳон мамлакатлари тарихида, алоҳида халқлар ва мамлакатлар тарихида эндигина тадқиқ этилиб келинаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фалеристика (лотинчадан «falegae» - катта медаль ёки бирор тасвир билан нишон) – қўшимча тарихий фан бўлиб, алоҳида шахсларга ёки жамоаларга буюк хизматлари учун муайян қоидаларга мувофиқ топшириладиган тақдирлаш нишонларини, жасорат учун мукофотлар тизимини ўрганувчи соҳа ҳисобланади[1]. Ушбу атама илк бора 1937 йил Чехословакияда қўлланилган. Аммо, Чехословакияга гитлер ҳарбийларининг оккупацияси, сўнг иккинчи жаҳон уруши мазкур атаманинг илмий-тарихий луғатда мустаҳкамланишига имкон бермаган. Фалеристиканинг асосчиси мукофотлар коллекционер ва тадқиқотчиси Олдржиху Пильцу деб тан олинган. Мазкур атаманинг тарқалиши уруш якунланганидан сўнг 1950-1970 йилларга тўғри келиб, бу борада чех тадқиқотчилари Вацлав Мержичка, Збишек Свобода, Зденек Михаиллар хизматлари катта бўлган. Совет нашрларида «фалеристика» илк бора 1965 йилда таниқли коллекционер ва тадқиқотчи Р.Шейннинг «Фалеристика - нумизматиканинг издоши» мақоласида пайдо бўлди[2]. Фалеристика ўз тадқиқот объектига эга ва бизга мукофотлаш анъанаси акс этган тарихий манбалар, архив маълумотларини ўрганишга имкон беради, уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларни тақдим этади. Фалеристика нумизматика (тангалар), геральдика (герблар), сфрагистика (мухрлар) ёрдамчи тарих фанлари билан бир қаторда мукофотларни ўрганувчи фан соҳаси ҳисобланади.

### КИРИШ

Энг аввало, мукофот, даврнинг ўзига хос йилномаси сифатида, унда тарихий ҳодисалар, мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти, фан ва маданиятнинг ривожланиши акс этади. Мукофотлар инсоният пайдо бўлганидан буён мавжуддир. Қадимда, ибтидоий одамларда жангчининг жасоратлари тўғрисидаги ҳикоя қилувчи тана татуировкалари кўринишидаги

мукофотлар мавжуд бўлган[3]. Инсонлар қаҳрамонни қандайдир усулда ажратиш ва тақдирлашга ҳаракат қилганлар. Аммо тақдирлаш белгиларининг замонавий турлари анча кейин юзага келган, дастлабки вақтларда эса жамият уруғ ёки қабиладан ташкил топганида турли фаолиятлардаги хизматлари учун мукофотларнинг турлари мавжуд бўлмаган. Аммо ўша

даврлардаёқбургут патлари, йиртқич ҳайвонлар тишларидан маржонлар, денгиз тубидан олинган товланувчи чиғаноқлар нафақат безак бўлган, балки унинг соҳибининг жасорати, унинг қаҳрамонлиги ва эпчиллигининг исботи ҳисобланган[4].

Масалан, Қадимги Мисрда махсус маросимлар ўтказилиб уларда ғолиблар олқишланган. Фиравн озодлик урушлари ва Сурияни забт этиш вақтида жасорат кўрсатган аскарларга олтинлар, бебаҳо буюмлар ҳадья этган. Мазкур одат мустаҳкамланиб, кейинчалик фахрий мукофотларни хизмат ходимлари ҳам ола бошлаган. Баъзан мукофотни бир инсонга топширганлар, аммо кўпинча саройда фиравн эътиборини қозонган кўпчилик тақдирланган. Улар энг яхши кийимларини кийиб уйларида чиқиб, аравага ўтирганларида барча хизматкорлар ва қўшнилари бахтли инсонни қутлаш учун ёнида саф тортиб турган. Фиравн саройида уларни мукофотлар ва совғалар кутиб турган, алоҳида ажралганларни эса фиравн шахсан ўзи лавозими кўтарилганлигини хабар қилган ва сўнгра юқори саҳнадан олтин идиш ва маржонларни сочган. Ҳарбий қўмондонлар бу қимматбаҳо совғаларни олиб олиб ва мукофотланганнинг бўйнига баъзан учта-тўрттадан маржонларни бир вақтда осганлар[5].

Мукофотлар ёрдамида инсоният ўз вакилларининг янада сазоворлигини қайд этганлар. Олимларнинг фикрича, соҳибининг жасурлигини англатувчи алоҳида белгилар Қадимги Юнонистонда юзага келган. У ерда айлана шаклдаги нишонлар мавжуд бўлган ва улар отликнинг жиловига тақилган. Қадимги Юнонистонда Олимпиада ўйинлари ғолибларини тақдирлаш аънанаси кенг тарқалган. Мукофотлар қадимдан рағбатлантириш шакли бўлиб хизмат қилиб, индивидуал шахснинг ёки бутун жамоанинг хизматларини тан олиниши тўғрисида гувоҳлик берган. Шу тариқа, мукофотлаш аънанаси давлатлар ташкил топишидан

аввал, тарихнинг илк даврлари, инсоният шаклланиши даврига тақалади.

Қадимги Римда рим легионерининг кўкрак нишони фалра деб аталган, у жасорат учун мукофот бўлиб ҳисобланган. Унда кўпинча жангчининг жасурлиги ва жасорати тўғрисида гувоҳлик берувчи бирор-бир илоҳиётнинг боши тасвирланган. Рим империяси даврида дастлабки мукофотларнинг юқори даражаси тож ҳисобланган. Масалан, империянинг олий тожи «Триумфале тожи» бўлиб, уни фақатгина ғалаба қозонган лашкарбоши тақиб юрган. Аввал тож дафна баргли, кейинчалик эса барглар олтидан тайёрланган. Шунингдек, «Цивка тожи» эман баргларида тайёрланиб, у жангда шеригини қутқарганларга топиширилган. «Валарис тожи»и эса душман қўшинини қуршаб олганларга тақдим этилган[6].

Ўрта асрлар даврига келиб мукофотлаш тизимида рицарлик орденлари (лотинчадан «ордео» - ташкилот) яратилиши йўлга қўйилган. Бирор-бир орденга мансублик кийим-бошидаги хусусиятларни ифодалаш истагига олиб келган. Масалан, Тевтон орденинг кийими оқ рангда бўлиб, учларида кенгайиб борувчи нурлари билан қора хож бўлган. Тамплиерлар ордени вакиллари елкасида тўғри хож билан кулранг мантияни кийганлар. Иоаннитлар учлари қалдирғоч қанотидек иккиланган оқ “малтия хожи” билан қора мантия кийганлар.

Рус халқлари тарихида ўзига хос мукофотлар ўрта асрларда юзага келган ва уларни гривна деб аташган. Бу ўзига хос қимматбаҳо металлдан бўйинга осилдиган буюм бўлган. Рус князликларида у мукофотлаш вазифасини бажарган. Ўрта аср Москва шаҳрида хожи занжир билан мукофотлар узоқ даврларгача мавжуд бўлган. Кейинчалик мукофотланганга тегишли ўзига хос “олтин соҳиб” атамаси кенг муомилага киритилган. Петр I ва Екатерина II даврларида мукофотлаш тизимида янги хусусиятлар пайдо бўла бошлаган. «Шлиссельбургни забт этганлик учун», «Нарвани забт этганлик учун»,

«Леснаядаги ғалаба учун», «Полтав баталияси учун», «Андрей Первозванный», «Авлиё буюк шахид ва ғолиб Георгий Ҳарбий ордени» вабошқа номдаги орден ва медаллар билан тақдирлаш анъанаси шаклланган. Кейинги тарихий даврларда мукофотлаш тизимида янгидан янги йўналишларда йутуқларга эришилиган. Масалан, Совет республикасида 21 орден ва 60 дан зиёд медаллар бўлганлигини тадқиқотчи В.Г.Колбин таъкидлайди[7]. Кавказорти халқларида пойафзални муқаддас ҳисобланган. Қадимги халқлар нақлларида асосан “оёқ ва пойафзал” инсонга куч, эпчиллик ва чаққонликни бағишлаган. Шунинг учун оёқ ёки этик шаклида кўпинча косалар, безаклар, чироқлар учун устдонлар тайёрланган ва бу буюмларга сиғинганлар. Ёзма манбалардан, оёқ кийим юқори ҳокимиятда куч тимсоли бўлганлиги маълум ва агар кимдир подшоҳ кийганидек пойафзал кийган бўлса, уни ўлимга ҳукм этганлар[8]. Фақатгина шоҳ мукофотлар сифатида ўз подшоҳлик кийим-бошини тақдим этиши мумкин ҳисобланган ёки ўзининг яқин инсонига уни кийиб юришига рухсат берган.

### ХУЛОСА

Уйғониш даврида ёдгорлик медаллари кенг тарқалиб ва уларда у бағишланган шахснинг юз ифодаси портрети тасвирланган. Бундай тақдим этилган портрет раҳбарларнинг алоҳида илтифотлари белгисини билдирган ва унга сазовор бўлган бахтли инсонлар уларни қимматбаҳо рамкаларга жойлаштириб, бўйниларида осиб юрганлар. Юқоридаги жаҳон халқларининг мукофотлаш анъанасини қисқача таҳлилидан кўриниб турибдики, албатта, мукофотлар: орденлар ва медаллар, кўкрак нишонлар даврнинг ёрқин ҳужжатлари ҳисобланади, яъни бу тарихий ҳодисалар ва мазкур ҳодисаларда иштирок этган инсонларнинг ифодали тили ҳисобланади. Қадимдан то бугунги интеллектуал асргача мукофотлар турли-туман кўринишларда

намоён бўлиб келган ва бугунги кунда ўз аҳамиятинитобора мустаҳкамлаб келмоқда..

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Корсак А.И. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методический комплекс для студентов исторических специальностей 1-21 03 01 «История» Новополюцк, 2010. - С. 212.
2. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методическое пособие по направлению подготовки 072300.6 Барнаул: Изд-во Алт. гос. акад. Культуры и искусств, 2013. - С. 311.
3. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011. –С. 83.
4. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011.– С. 85.
5. Вспомогательные исторические дисциплины: учебно-методическое пособие по направлению подготовки 072300.6 Барнаул: Изд-во Алт. гос. акад. Культуры и искусств, 2013. – С. 152
6. Всеволодов И.В. Беседы о фалеристике. Из истории наградных систем /И.В.Всеволодов. – М.: Наука, 1990. – С.13-14, 29-30.
7. Фалеристика как вспомогательная историческая дисциплина / В.Г.Колбин, - Донецк, 2019. – С. 169-171.
8. Государственные награды Казахстана: история и идеология. Астана: Акимат города Астана, 2011. –С. 86.



## JAHON TARIXI VA XALQARO MUNOSABATLAR TARIXINING ZAMONAVIY JIHATLARI

SHAXZOD LAZIZ O'G'LI BAXODIROV

K.BEHZOD NOMIDAGI MRDI MUZEYSHUNOSLIK YO'NALISHI 1-BOSQICH TALABASI.

E.YA.MIRZANAZAROVA

K.BEHZOD NOMIDAGI MRDI MUZEYSHUNOSLIK KAFEDRASI O'QITUVCHISI

### ANNOTATSIYA

"Xalqaro munosabatlar" kontseptsiyasining ko'plab talqinlari mavjud. Ular: xalqaro munosabatlar iqtisodiy, siyosiy, mafkuraviy, huquqiy, diplomatik va boshqa aloqalar va davlat va davlat o'rtasidagi munosabatlar majmui bo'lib, asosiy sinflar, asosiy ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy kuchlar, tashkilotlar va jahon miqyosida faoliyat yuritadigan jamoat harakati, ya'ni so'zning eng keng ma'nosida xalqlar o'rtasida; inson jamiyatini shakllantiradigan integratsiya aloqalari majmui; davlatlar va nodavlat tashkilotlar, partiyalar, kompaniyalar, turli davlatlarning xususiy shaxslari o'rtasidagi munosabatlar.

### KIRISH

Xalqaro munosabatlarning zamonaviy bosqichini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyati bipolyar tizimning qulashi va davlatlar, davlatlar bloklari va shunga o'xshashlar o'rtasidagi munosabatlarning tabiatini aniqlashga yangi yondashuvlarni shakllantirish bilan tavsiflangan yangi dunyo tartibini shakllantirishdir. Sovet Ittifoqi qulashi oqibatida dunyoning siyosiy xaritasida 15 ta mustaqil davlat, jumladan, O'zbekiston paydo bo'ldi. Ushbu davlatlar xalqaro munosabatlar tizimida o'z o'rnini topishga kirishdilar. Bundan tashqari, yuqorida qayd etilgan jarayonlar natijasida Markaziy Sharqiy Evropa mamlakatlarida siyosiy rejimlarning o'zgarishi yuz berdi, natijada bu davlatlar ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy yo'nalishni tubdan o'zgartirishi kerak edi. Ikki qutubli dunyoni parchalab tashlash, umumiy tizim haqida odatiy g'oyalarni o'zgartirishga olib keldi, shu bilan uning elementlarini siyosiy, tarixiy va ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlarni qayta ko'rib chiqishga, ustuvor strategik maqsadlarni

izlashga va ularga erishish yo'llarini izlashga ilhomlantirdi.

Yevropa integratsiya mavzularining tadqiqotchilari integratsiya bugungi kunda ijobiy hodisa sifatida ko'rilyotganiga rozi bo'lishdi: "Unda ishtirok etadigan barcha tomonlarning afzalliklarini olish jarayoni" integratsiya sizga bunday moddiy, intellektual va boshqa vositalarni olish imkonini beradi. Ishtirokchilarning hech biri avtonom tarzda faoliyat yuritib, uzoq vaqt davomida XX asrning 90-yillari boshida yagona "yopiq" tizimda sotsialistik mamlakatlar ikki tomonlama munosabatlarni qayta tiklashga kirishdilar, ammo Yevropa va yevroatlantik integratsiya jarayonlari bundan mustasno. Ushbu bosqichda integratsion taraqqiyot O'zbekiston oldida mamlakat siyosiy va iqtisodiy faoliyatida rivojlanish strategiyasini tanlash va amalga oshirish uchun katta mas'uliyat bor edi. Xalqaro kamsitishlarning zamonaviy nazariyasi masalasi xalqaro munosabatlarning turli xil, hatto butunlay qarama-qarshi bo'lgan, xalqaro

munosabatlarning talqinlaridan kelib chiqadigan o'z tadqiqot ob'ektini tushunishning asosiy tamoyillari va yondashuvlarining ziddiyatidir. Bu, birinchi navbatda, sub'ektivizm va ob'ektivizm tamoyillari, davlat markazi va transmilliy va boshqalar o'rtasidagi an'anaviy farqlar haqida bo'lib, xalqaro munosabatlarning o'ziga xos xususiyatlarini integratsiyalashgan jarayonlar kontekstida o'rganishda birinchi navbatda, ilmiy bilim metodologiyasining barqaror yo'nalishi bilan bog'liq bo'lgan tizimli va tizimli funksional yondashuvlardan foydalanish tavsiya etiladi, muammolarni etarli darajada shakllantirishga va ularni hal qilishning mantiqiy izchil strategiyasiga bevosita yordam beradi.

Tizimli yondashuv xalqaro munosabatlarning yaxlit idrokiga va uning elementlarining o'zaro bog'liqligiga bog'liq. Xalqaro munosabatlarning barcha sub'ektlarining o'zaro bog'liqligini va xalqaro tizimlarning ishlashini hisobga olish kerak". Bundan tashqari, bu holda tizim spontan bir nechta hodisalar sifatida emas, balki natija munosabatlari bilan birlashtirilgan xalqaro munosabatlar sub'ektlarining o'zaro bog'liqligi sifatida tushuniladi. Xalqaro hamkorlik murakkab bir hodisa bo'lib kelmoqda. Xalqaro munosabatlarning ko'plab ishtirokchilarining manfaatlarini murakkab bir-biriga bog'lash asosida qurilgan. Hamkorlik va integratsiya ustuvor xususiyatlarga ega-siyosiy, iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy va boshqalar. geografik tamoyil bo'yicha taqsimlash global, mintaqaviy yoki subregional integratsiya belgilarini oshiradi. Xalqaro siyosiy munosabatlar boshqalardan ajralib turmaydi, lekin ular munosabatlarning barcha turlarini to'liq to'plamaydilar. Ular iqtisodiy, madaniy va boshqa turlar bilan o'zaro bog'liq bo'lib, harbiy va diplomik munosabatlarning mazmuni va xususiyatini aniqlaydi. Xalqaro tuzilmalarning o'ziga xos tuzilishi ularning ishtirokchilari o'rtasida bir qator o'ziga xos o'zaro ta'sirlarni o'z ichiga oladi, ularning har biri alohida, boshqalardan ajralib turadigan, odamlarning faoliyat sohasi bilan bog'liq. Xalqaro

munosabatlarning turlari orasida tashqi siyosiy va tashqi iqtisodiy an'anaviy tarzda ajralib turadi, yigirmanchi asrning ikkinchi yarmidan boshlab madaniyat va axborot sohasidagi munosabatlar ham mavjud. Tashqi siyosiy munosabatlar va xalqaro munosabatlarni aniqlash juda keng tarqalgan bo'lib, bu zamonaviy xalqaro munosabatlar turlarining nisbatlarini ilmiy tushunishda muhim muammo hisoblanadi. Xalqaro munosabatlarning zamonaviy nazariyasida davlatlar o'rtasidagi tashqi siyosiy munosabatlar, asosan, siyosatning umumlashtiruvchi tabiati g'oyasini inobatga olgan holda, ierarxiyaning yuqori qismiga qo'yiladi. Ushbu muammoni o'rganishning yondashuvlaridan biri xalqaro munosabatlarning har bir turining boshqa sohalardan nisbatan ajratilgan (avtonom), ya'ni ularning kontseptsiyasini umumlashtiruvchi deb hisoblash kerakligi bilan belgilanadi. Xususan, G. Morgentau tashqi siyosatning o'z haqiqatlari va qonunlari bilan boshqarilayotganini va shuning uchun xalqaro munosabatlarning boshqa turlaridan avtonomiyalarni saqlab qolishini ta'kidladi. Agar siyosat odamlarning iqtisodiyot, ijtimoiy munosabatlar, madaniyat, ta'lim, ilm-fan sohasidagi faoliyatini birlashtirsa, demak, siyosiy munosabatlar boshqa barcha turlarni birlashtiradi degan xulosaga kelish mumkin. Siyosat inson faoliyatining har qanday turini umumlashtiradi. xalqaro munosabatlardagi sub'ektlar har doim siyosiy vositalardan foydalanganligi sababli. Tashqi siyosatga kelsak, turli xil tadqiqotlarga qaramasdan, uning ta'rifi hali ham katta qiyinchiliklarga olib keladi. Ushbu yo'nalishdagi tadqiqotchilar orasida J. Frankel, tashqi siyosatni boshqa davlatlar bilan munosabatlarda qabul qilingan qarorlar va qarorlar majmuasi sifatida izohlaydi. B.Velleysa tashqi siyosatni "davlatning siyosiy xulq-atvori, Evropa Ittifoqi ichki ishlar va xalqaro muhit o'rtasidagi muayyan munosabatlar" deb ta'riflaydi. Shu bilan birga, davlatning tashqi siyosati undan kelib chiqadigan ichki muammolar va ayni paytda uni yaratadigan imkoniyatlarga bog'liq tashqi muhit tashqi siyosat milliy ijtimoiy

siyosiy tizimni xalqaro miqyosda moslashishga urinish deb hisoblasa, bu siyosat ular o'rtasida dinamik muvozanatni saqlash va saqlashga qaratilgan. Davlatning tashqi siyosatini hisobga olgan holda, xalqaro aloqalar bo'yicha tadqiqotchi J. Pietras uni "integratsiyalashgan elementlarning to'plamini aks ettiradigan, ammo tashqaridan atrof-muhit bilan muvozanatni saqlashga qodir bo'lgan butun tizim sifatida qaraladigan" ijtimoiy tizim bilan taqqoslaydi. K.Doych davlatlar o'rtasidagi nizolarni tinch yo'l bilan hal qilishni integratsiyalashuvini ko'rishiga qaramasdan, so'nggi barqaror o'zaro taxminlar mavjud bo'lganda, nizolarni hal qilishning faqat tinch vositalarini tanlash uchun avtomatik integratsion jarayonlarning yo'qligi haqida ogohlantirishlar mavjud. Xususan, E.Haas xalqaro munosabatlar nazariyasi mutaxassislaridan biri bo'lib, integratsiya va o'zaro bog'liqlik har qanday nizoni tinch yo'l bilan hal etishga yordam berishiga shubha bilan qaraydi. Va Lyuis Kozer, muallif tomonidan ko'rib chiqilgan keng qamrovli mojaro nazariyasi, odatda, nizoni muayyan sharoitlarda "ijtimoiy tanani" saqlab qolish uchun "ishlash" mumkin bo'lgan jarayon sifatida belgilaydi. Uning fikriga ko'ra, "ijtimoiy nazorat ostida to'qnashuv ishtirokchilar o'rtasidagi atmosferani pasaytiradi va ularning munosabatlarini tiklashga imkon beradi, bu esa dushmanlik his-tuyg'ulariga erkin kirish imkonini beradi va ziddiyatlar munosabatlarni saqlab qolishga xizmat qiladi " yuqorida aytib o'tilganlarga asoslanib, ziddiyat har doim tomonlar o'rtasidagi munosabatlarning kuchayishiga olib kelmaydi va charchab, ularning rivojlanishiga yangi turtki beradi. Globallashuv va xalqaro integratsiya, milliy chegaralarni ochib, davlatlarning yangi yashash sharoitlariga moslashishini talab qiladi ochiq dunyo. Integratsion taraqqiyotning bunday sharoitlarida davlatning muhim vazifasi-o'zligini saqlab qolish, o'z manfaatlarini himoya qilish, o'z hayotiy makonini himoya qilish, jahon iqtisodiyotida munosib o'rin egallashini ta'minlashdir. Rivojlanayotgan "chegara loyqaligi" yaqinda

ichki siyosiy va ichki iqtisodiy bo'lgan ko'plab muammolar xalqaro xarakterga ega bo'lishiga olib keladi va kamroq sohalar mavjud. unda ayrim mamlakatlar hukumatlari boshqa mamlakatlarning ichki siyosatiga bir xil darajada rioya qilmasdan, faqat ichki qarorlar qabul qilishlari mumkin. Globallashuv ob'ektiv jarayon sifatida ham rivojlanmoqda, davlatlar, milliy kapital va muayyan siyosiy va iqtisodiy kuchlarni amalga oshirishga intilayotgan maqsad sifatida, tarixiy jarayonning mohiyatini va ijtimoiy tizimning shakllanishida o'z manfaatlarini tushunishga asoslangan holda, o'zaro munosabatlarning kuchayishiga olib keladi. Globallashuv va xalqaro integratsiya jarayonida bizning davlatning turizm sohasida bajarilgan va rejalashtirilgan ishlari qanday? O'zbekistonda turizm sohasi eng yosh sanoat hisoblanadi, ammo uning rivojlanishida boshqa ko'plab tarmoqlardan ustun turadi. Mintaqamizda xalqaro turizmni rivojlantirish uchun ulkan imkoniyatlar mavjud. Bundan yigirma yil muqaddam O'zbekiston dunyoga istiqbolli sayyohlik yo'nalishi sifatida tanilmagan edi. O'zbekiston mustaqillikka erishgach, turizm sohasidagi davlat siyosatining tubdan yangi tamoyillari ishlab chiqildi. 1992 yil 27 iyulda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga binoan "O'zbekturizm" Milliy kompaniyasi tashkil etildi, uning zimmasiga ushbu yo'nalishda davlat siyosatini amalga oshirish, turizmni rivojlantirishning milliy modelini shakllantirish vazifalari yuklatildi. Milliy kompaniya respublikaning turistik tashkilotlari faoliyatini muvofiqlashtiradi, turizmning barcha turlarini rivojlantirishni rag'batlantiradi, kadrlar tayyorlashni ta'minlaydi, sohaning moddiy-texnik bazasi va infratuzilmasini yaratishda investitsiyalar oqimini ko'paytiradi, 1993 yildan buyon mamlakatimiz Birlashgan Millatlar Tashkilotining Jahon sayyohlik tashkilotiga (2004), "Ipak yo'lining yuragi" - Samarqandda qit'alararo magistralda turizmni rivojlantirishni muvofiqlashtiruvchi YUNVTONing vakolatxonasi faoliyat ko'rsatmoqda. Mamlakat hukumati sayyohlik sanoatini modernizatsiya qilish, transport va

mehmonxona infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, turizm sohasidagi me'yoriy-huquqiy bazani rivojlantirish va takomillashtirish borasida keng ko'lamli ishlarni amalga oshirmoqda. Mamlakatimizning turistik mahsulotini tashqi bozorga olib chiqish maqsadida, chet el sayyohlik kompaniyalari va ommaviy axborot vositalari vakillari uchun o'quv safarlarining marketing loyihasi - O'zbekistonga Mega-info-turlar amalga oshirilmogda. Bunday sayohatlar sayyohlik fasllari davrlarini uzaytirishi, mamlakatimizga sayyohlar oqimining ko'payishi vaqtini optimallashtirishi, shuningdek, O'zbekiston yilning istalgan vaqtida teng darajada jozibali va har fasl o'zgacha go'zal va qiziqarli ekanligini ko'rsatmoqda.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Yuldasheva G. I. Методологические аспекты международных отношений. Toshkent. 2008.
2. Poznyakov A. Внешнеполитическая деятельность и межгосударственные отношения. М. 1986.
3. Lukov V. Современные дипломатические переговоры: проблемы развития. М. 1989.
4. Sigankov P. A. Теория международных отношений. М.: Гардарики, 2003.
5. <http://www.jahon.mfa.uz>
6. Bogaturov A. Понятие мировой политики в теоретическом дискурсе. М. 2001.
7. Fisher R. International Conflict for Beginners.
8. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
9. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A

10. L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
11. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
12. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
13. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
14. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
15. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЖАЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРИХИДАН

АҲРОРҚУЛ ҲАСАНОВИЧ ПАРДАЕВ  
ЖДПИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ,

### АННОТАЦИЯ

Ушбумақолада Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилик хўжалиги ёзма ва археологик манбалар асосида ўрганилган. Жиззах воҳасида XVI-XIX асрларда фаолият кўрсатган ирригация тизими, ирригацияга оид атамалар, бу даврда шаклланган деҳқончилик воҳалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Археологиктадқиқотлар, ёзма манбалар, Уструшона, суғорма деҳқончилик, ирригация иншоатлари, Қалиятепа ирригация тизими, Ўрда ирригация тизими.

### КИРИШ

Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотларига кўра Уструшонада антик даврда пайдо бўлган суғорма деҳқончилик хўжалиги кейинги даврларда тараққий этиб, ўлкада сунъий суғориш тизимига асосланган деҳқончилик ривожланган. Илк ўрта асрларда рўй берган сиёсий ва демографик жараёнлар таъсирида эса Уструшона ҳудудига кўчманчи қабилаларнинг ўтrockлашув жараёни фаоллашган. Натижада, Уструшона шаҳарлари атрофида янгидан-янги қишлоқ маконлари ва суғорма деҳқончилик воҳалари ташкил топган[11]. Жиззах воҳасининг ривожланган ва сўнги ўрта асрлар суғорма деҳқончилик хўжалиги ва ирригация тизими ҳақида археологик тадқиқотлар билан бирга ёзма манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан ўрта

аср географ-сайёҳларининг ёзишича бу даврда Уструшона Мовароуннахрнинг Сўғд, Фарғона, Шош вилоятлари каби тараққий этган, кўп тармоқли деҳқончилик вилоятига айланган. Араб тарихчиси Истаҳрий бу вилоятларни «сув билан таъминланмаган шаҳар, қишлоқ, экинзор ва яйловларнинг ўзи йўқдир. Энг тоза, энг юмшоқ, энг ҳуштаъм сув улардадир» деб таърифлайди. «Худуд ал-Олам»нинг номаълум муаллифи эса Жиззахни «оқар сув яқинидаги шаҳар» деб маълумот беради[12]. Ушбу маълумотлардан ўрта асрларда Уструшонада, хусусан, унинг шимолий-ғарбий рустoқлари бўлган ҳозирги Жиззах воҳасида ирригациянинг кенг тармоқ отган тизимлари мавжуд бўлганлигини, суғорма

деҳқончилик хўжалиги юксак даражада ривожланганлигини билиш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида шимолий-ғарбий Уструшона, жумладан, Жиззах воҳасининг деҳқончилик хўжалигига алоҳида эътибор берилган. Воҳанинг ирригатсия тизими қайта тикланиб, деҳқончилик ривожланган. Қалиятапа, Ўрда шаҳарлари қайтадан тикланган, уларнинг атрофидаги ерлардан деҳқончилик, боғдорчилик ва бошқа соҳаларда фойдаланишга киришилган. Жиззах воҳаси қадимдан Самарқанд Сўғди учун муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган «шарқий дарвоза» вазифасини ўтаганлиги учун, Жиззах қисқа фурсатда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ўзининг аввалги мавқеини тиклаган[13].

XVI аср шайбонийлар ҳукмдорлиги даврида Жиззах воҳаси, хусусан, унинг бу даврдаги асосий шаҳри бўлган Ўрдадан йирик маъмурий марказ, қулай ҳарбий қароргоҳ сифатида фойдаланилган[14]. Шайбонийхон юришлари туфайли Дашти-Қипчоқдан келган ўзбек уруғларининг катта қисми Жиззах воҳасига ўтроқлашуви туфайли аҳоли демографияси кескин ўсган, натижада янги экин ерларини ўзлаштириш, сув таъминотиغا эҳтиёж ошган[15].

Натижада Бухоро хони Абдуллахон II (1557-1598) даврида Жиззах воҳаси қишлоқ хўжалигининг сув таъминоти Зарафшоннинг Равотхўжа тўғонидан бош олган умумий узунлиги 97 км. бўлган Туятортар шоҳ ариғининг бунёд этилиши билан анча яхшиланган[16]. Туятортар канали суви Сангзорга ташланган ва Жиззах шаҳри Худудидаги 2 та сув айирғичдан 12 та Жиззах даҳалари номи билан аталувчи 12 та ариқ орқали пайкалларга, маҳалларга тақсимланган. Кўтарма, Равалиқ, Тоқчилик, Қалия, Қанғли, Хайрабод, Эрони шоҳ ариқлари Сангзорнинг «Хайрабод» сув айирғичидан бош олган ва Жиззахнинг жанубий, шарқий, қисман ғарбий қисмидаги деҳқончилик ерлар сув билан таъминланган. Жиззахлик, Мўлканлик, Найман, Саройлик, Тошкентлик шоҳ ариқлари эса юқорида қайд

этилган сув айирғичдан 1,5 км. қўйида жойлашган «Бешқувур» сув айирғичидан бош олган ва Жиззахнинг марказий, шимолий ва ғарбий Худудидаги экинзорларни сув таъминоти учун сарфланган[17]. Жиззах воҳасида сув танқислиги асосий муаммо бўлганлиги сабабли сув тақсимотига азалдан эътибор берилган. Бунинг учун мироб, амин, оқсоқол, сув қоровули каби лавозимлартаъсис этилиб, сув хўжалиги маъмуриятининг ўзига хос бошқарув тизими ташкил қилинган. Қишлоқ деҳқонлари сув хўжалиги маъмурлари кўрсатмасига биноан, ҳар йили тўғонларни таъмирлаш, ариқ ковлаш ва лойқадан тозалаш учун маълум миқдорда ишчи кучи ва маблағ ажратганлар. Бу ишлар асосан қиш ойларининг илиқ кунларида ва эрта баҳорда амалга оширилган. Сув тақсимотини амалга ошириш учун қўйидаги иншоотлардан фойдаланилган:

Тўғон-Сангзордан сув боғлаб олувчи бош тўғон. Бу иншоат шох-шабба, чим, тош, сепоялар воситасида дарё ўзанига қурилган ва унинг суви тўсилган. Буни амалга ошириш учун катта миқдорда қурилиш материаллари, ишчи кучи, от-арава талаб қилинган.

Дарфот-шоҳ ариқларнинг бошида барпо этилган тўғон. Кўпчилик ҳолларда тахтадан қилинган махсус мослама. Шоҳариқнинг торроқ жойига ўрнатилган, ён атрофи чим билан бостирилган, сувни ариқларга тақсимловчи ирригатсия иншооти. Дарфот Зарафшон воҳасида «варқ деб номланади.

Банд-сувни пайкалларга тақсимлаш учун тармоқ ариқларини боғлаш. Бу ариқлар чим билан боғланса, «чим банд», тахта билан боғланса «тахта банд» деб аталган. Кунда-сув бўлинадиган катта ариқларга ўрнатилган сув айирғич иншоат. Кундани Фарғона водийсида тўсин, лабигардон, Ўратепада чўкин деб атайдилар. Сув иншоатлари мироблар бошчилигида бунёд этилган[18].

Жиззах воҳасида мироблик ниҳоятда маъсулиятли мансаб ҳисобланиб, бу мансабга эл-юртда катта обрў-еътибор қозонган, ҳалол ва адолатли кишилардан қўйилган. Мансаб авлоддан авлодга ўтиб келган. Қалия Мўлканлик маҳалласи оқсоқоли Ҳазраткул миробнинг (1900-1990) отаси Ортиқвой оқсоқол, унинг отаси Ободи махсум ҳам мироблик мансабида фаолият юритишган, Ҳазраткул оқсоқолнинг набираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Ҳасанбой Пардаевнинг (1932-2000) боболаридан эшитиб бизга берган маълумотларига қараганда, Сангзор дарёсининг суви хонликлар замонида (XVIII-XIX асрларда) 18 кунлик қилиб тақсимланган. Яъни, қабул қилинган тартиб бўйича дарёнинг биринчи уч суткадаги барча суви Юқори Сангзор аҳолисига (ҳозирги Бахмал тумани), иккинчи уч суткалик барча суви Янгиқўрғон аҳолисига (ҳозирги Фаллаорол тумани), сўнгра 12 суткалик сув оқими Жиззах беклиги аҳолисига берилган.

Жиззах воҳасига берилган 12 суткалик сувни мироблар 12 ариққа тақсимлашган. Ўз навбатида ариқларнинг суви белгиланган қатъий тартиб асосида деҳқонларга тақсимланган. Қалия-мўлканлик, Қанғли, Хайрабод, Сўлоҳли каби маҳалла-деҳқонлари сув соати сифатида «кўза»дан фойдаланганлар. Ҳозирги вақт ўлчови билан ҳисоблаганда ҳар бир кўза тахминан 15 минутга тенг бўлган. Демак, бир ариққа берилган сув бир суткада 96 кўзага, 12 кунлик сув тақсимотида 1152 кўзага тенг. Агар маълум бир ариқнинг сувидан 50 та деҳқон хўжалиги суғориладиган бўлса, бу хўжалик 18 кунмобайнида бир марта сув олган ва унинг суғориш муддати 3 соат 45 минутни ташкил қилган. Мабодо бу ариқдан 100 та деҳқон хўжалиги сув олгудек бўлса муддат тенг иккига қисқарган ва 2 соатга яқин вақтни ташкил қилган.

Жиззахнинг Чўлмўлканлик, Тошкентлик, Саройлик, Жиззахлик, Ўратепалик каби маҳаллалари аҳолиси сув тақсимотида «пой» усулидан фойдаланганлар. Яъни, сув олувчи

деҳқоннинг ери ҳажми қўш ҳисобида ўлчанган. Бир ботмон бўғдой ёки арпа экиладиган экин ерига тахминан 1 пой сув берилган. Бир пой «қўш соати», масжид ёки дарахт соясига қараб аниқланган [19].

Бу даврда Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган Жиззах беклигининг маъмурий маркази бўлган Ўрданинг умумий майдони 100 га.га яқин бўлиб, шаҳарнинг шаҳристон ва рабод қисмларида кўплаб маҳаллалар бўлган [20]. Ҳар бир маҳалла аҳолисининг Ўрда атрофида деҳқончилик ерлари, экинзор ва боғ-роғлари мавжуд бўлган. Жиззахликлар эрта баҳордан кеч кузгача деҳқончилик ерларида меҳнат қилишган. Фақат қиш ойлари Ўрдага қайтишган.

Қалиятепа ва Ўрда суғориш шаҳобчалари бу даврда қўшилиб яхлит бир ирригация тизимини ташкил қилган. Аҳоли сонининг ўсиши натижасида икки қадимги деҳқончилик мавзейида, айниқса Қалиятепа атрофида ер танқислиги сезила бошланади. Натижада, воҳанинг шимолий ҳудудлари чўл-дашт мавзейларини ўзлаштириш бошланган. Қадимдан Қалиятепа атрофида деҳқончилик билан шуғулланган Мўлканлик маҳалла аъзоларининг бир қисми Ўрданинг шимолий ерларини ўзлаштирганлар ва Чўл-Мўлканлик қишлоғига асос солганлар [21].

Юқорида келтирилган маълумотлар Жиззах воҳасида суғорма деҳқончилик маданияти антик даврда шаклланиб, кейинги даврларда тараққий этганлиги, сўнги ўрта асрларда эса ўз тараққиётининг юқори чўққисига чиққанлигидан далолат беради. Манбалар суғорма деҳқончилик воҳаларининг барчаси Сангзор дарёси ҳавзасида, Равотсой ва Сайхонсой каби катта сойлар соҳилларида жойлашганлиги ҳақида маълумот беради. Сўнги ўрта асрларда Шайбоний ҳукмдорлар томонидан Жиззах воҳасида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилади. Бунга Абдуллахон II томонидан Туятортар каналининг қурилиши натижасида Жиззахдаги сув танқислиги муаммосини ҳал қилиниши ва чўл ҳудудларининг

ўзлаштирилиши мисол бўлади. Бу даврда Жиззах воҳасининг маъмурий маркази бўлган Ўрда аҳолиси кескин кўпайиши натижасида янги ерларига эҳтиёж кучаяди. Натижада Ўрданинг шимол томонидаги ерлар ўзлаштирилиб, янги маҳаллалар ташкил топади[22].

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ, Археология Средней Азии. Вып. П/,, Т., 1957, 17-22 с
2. Муҳаммаджанов А.Р. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиши тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Т., «Фан», 1972. - 375 с.
3. Пардаев М.Ҳ, Суюнов С.С, Пардаев А.Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. ЎММТ, 30-нашр. Самарқанд-1999, 226-237 с.
4. Пардаев М.Ҳ. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари. // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. С. 1994, 68-69 с.
5. Пардаев А.Ҳ. Ўрта Осиё хонликлари даврида Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилиги тарихидан. // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон-2007. 15-18с.
6. Pardayev, A. (2020). XV-XVI АСР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА ЖИЗЗАХ. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(51). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5045](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5045)
7. Pardayev, A. (2020). Orda is the administrative and economic center of the Jizzakh oasis. Архив Научных Публикаций JSPI, 11(1). извлечено от [https://science.i-](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1170)

8. Pardayev, A. (2020). URBANIZATION PROCESSES IN THE JIZZAKH OASIS DURING THE CENTRAL ASIAN KHANATES. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/399](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/399)
9. Hasanboyev, T. (2020). ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСР ШАҲАР МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН. 134-138 бб. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(76). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3002](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3002)
10. Hasanboyev, T. (2020). Жиззах воҳаси XIV-XVI асрларда. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(78). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3001](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3001)
11. Пардаев М.Ҳ. Қадимги Фарғона ва Уструшонанинг моддий-маданий алоқалари. // Фарғона қадим ва ўрта асрларда.С. 1994, 68-69 с.
12. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля // Тр. САГУ, Археология Средней Азии. Вып. П/,, Т., 1957, 17-22 с
13. Пардаев М.Ҳ, Суюнов С.С, Пардаев А.Ҳ. Шимолий-ғарбий Уструшонада суғорма деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. ЎММТ, 30-нашр. Самарқанд-1999, 226-237 с.
14. Hasanboyev, T. (2020). ЖИЗЗАХ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСР ШАҲАР МАДАНИЯТИ ТАРИХИДАН. 134-138 бб. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(76). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3002](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3002)
15. Pardayev, A. (2020). XV-XVI АСР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА ЖИЗЗАХ. Архив



- Научных Публикаций JSPI, 1(51).  
извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5045](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5045)
16. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон воҳасининг суғорилиши тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Т., «Фан», 1972. - 375 с.
17. Пардаев А.Ҳ. Ўрта Осиё хонликлари даврида Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилиги тарихидан. // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон-2007. 15-18с.
18. Пардаев А.Ҳ. Ўрта Осиё хонликлари даврида Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилиги тарихидан. // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон-2007. 15-18с.
19. Пардаев А.Ҳ. Ўрта Осиё хонликлари даврида Жиззах воҳасининг суғорма деҳқончилиги тарихидан. // Ўзбекистон тарихида Уструшонанинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганиш муаммоси. Гулистон-2007. 15-18с.
20. Pardayev, A. (2020). Orda is the administrative and economic center of the Jizzakh oasis. Архив Научных Публикаций JSPI, 11(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/1170](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1170)
21. Hasanboyev, T. (2020). Жиззах воҳаси XIV-XVI асрларда. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(78). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3001](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3001)
22. Pardayev, A. (2020). URBANIZATION PROCESSES IN THE JIZZAKH OASIS DURING THE CENTRAL ASIAN KHANATES. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(4). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/399](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/399)
23. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
24. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
25. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
26. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
27. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
28. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
29. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКХОНЛИКЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

РАЪНО АБДУЛЛАДЖАНОВНА МУЛЛАДЖАНОВА  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТДПУ, П.Ф.Н., ДОЦЕНТ.

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунимизда фаннинг бирон соҳаси йўқки, узоқ вақтга суғориш тарихи ҳам қолган бўлса. Шужумладан сувмуаммосимасаласида ҳам. Мовароуннаҳр худудидасувмуаммоси қадим замонлардан олимлар эътиборидан четда қолмаган. Академик Я.Ф. Фуломовнинг 1957-1959 йиллардаги “Хоразмнинг суғориш тарихи” [1] номли ириқасарида ҳам эътироф этилади. Бундан ташқари В.В. Бартольднинг 1902 йилда чоп этилган “Орол экспедицияларининг илмий натижалари” [2] номли тадқиқотини ҳам келтириш мумкин.

### КИРИШ

Мазкур тадқиқотда Орол денгизининг энг қади мги даврдан бошлаб XVII асрнинг охиригача бўлган ҳолати, XIX асрнинг охиригача келган даунинг ҳавзасида содир бўлган ўзгаришларни, қадим замонларда “Буюкипакйўли” қатновининг яна дасамарали бўлиши учун Амударё сувини Каспий денгизига оқизиш режалари мавжуд бўлганлиги, сувмуаммоси ўлка миз тарихида алқимиздиқ қат – эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаганлиги гаг увоҳ бўла миз. Бўз сув қадим замонларда Чирчиқ дарёсидан чиқарилган канал бўлиб, унинг узунлиги 159 км. Чирчиқнинг ўнг соҳилидаги қадимий ўналишлар бўлиб, шимол-шарқдан жануби-ғарбга томоний ўналиб, Тошкент вилоятининг Зангиота ва Янгийўл туманлари ва Тошкент шаҳри худудидан, шунингдек Жанубий Қозоғистон ерларидан ўт

иб Чинозьяқини да Сирдарёга қуйилиши манбаларда ўз аксини топан. Ўзбек хонликлари давлатчиликти зими дасувнинг аҳамиятини ҳо ятда қатта эканлигини тарихи гана зарташлаб, мушоҳада қилсак. Бухоро амирилиги аҳолисининг сув билан таъминлиниши қийин аҳволда бўлган. Бухороликлар асосан ҳовуз сувларидан фойдаланишган. Ёз ойлари да Зарафшон дарёсининг суви Бухорога ча етиб бормаган. XI аср ўрталари да Бухорода 100 га яқин, унинг атрофидаги худудларда эса 250 га яқин ҳовузлар бўлган. Ҳовузи Девонбеги, Ҳовузи Рашид, Ҳовузи Хўжа Зайниддин, Лабиҳовуз, ва Болоҳовузлари Бухорода машҳур бўлган. Бухоро хонлиги давлатчиликти тарихи дасувнинг аҳамиятини ҳо ятда қатта эканлигини тарихи гана зарташлаб, мушоҳада қилсак. Бухоро амирилиги аҳолисининг сув билан таъминлиниши қийин аҳволда бўлган. Бухороликлар асосан ҳовуз сувларидан фойдаланишган. Ёз ойлари да Зарафшон дарёсининг суви Бухорога ча етиб бормаган. XI аср ўрталари да Бухорода 100 га яқин, унинг атрофидаги худудларда эса 250 га яқин ҳовузлар бўлган. Ҳовузи Девонбеги, Ҳовузи Рашид, Ҳовузи Хўжа Зайниддин, Лабиҳовуз, ва Болоҳовузлари Бухорода машҳур бўлган. Бухоро хонлиги давлатчиликти тарихи дасувнинг аҳамиятини ҳо ятда қатта эканлигини тарихи гана зарташлаб, мушоҳада қилсак. Бухоро амирилиги аҳолисининг сув билан таъминлиниши қийин аҳволда бўлган. Бухороликлар асосан ҳовуз сувларидан фойдаланишган. Ёз ойлари да Зарафшон дарёсининг суви Бухорога ча етиб бормаган. XI аср ўрталари да Бухорода 100 га яқин, унинг атрофидаги худудларда эса 250 га яқин ҳовузлар бўлган. Ҳовузи Девонбеги, Ҳовузи Рашид, Ҳовузи Хўжа Зайниддин, Лабиҳовуз, ва Болоҳовузлари Бухорода машҳур бўлган.

дҳовузлари устигасар добалар қурилган. Бухоро амирлигининг девонхонаси, мадраса, карвонсарой, бозорлар, чойхона, бойхонадонларни маҳсулмешкобчилар ҳовуз суви билан таъминлаб турганлар. XIX асрда Хива хонлиги 20 табеклик ва вилоятларга бўлинган эди. Бундан ташқари Бешариқ ва Кат-Қўнғирот ноибликларива хоннинг ўзига қарашли хос ҳудудлар (Хива ш.) Ҳамбор эдики, Хива хонлигидасувиншоотлари, мелиорациянинг ўзига хос тартибга солинган тизимиважуд эди. Аҳолидеҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Демакки, суввасувиншоотларига бўлган эҳтиёж катта бўлган. Ерлар Шоҳобод, Ярману, Ғазовот, Полвонёб, Қилич Ниёзбой, Довдин ва бошқаканаллар оқали суғорилган. Бутун сув тизими хон вазодагонлар қўлида тўпланган. Ерсиз деҳқонлар балиқчилик билан шуғулланганлар. Қўқон хонлигидасу в сувга бўлган эътибор яна адақадимийдир. VI-XV асрлардан то XVII асргача, яъни Шаҳрихон сой қазилмас данилгари, Ўшданоқибкеладиган Оқбўра дарёсининг бир қисми ҳозирги Шаҳрихон сой ўзани орқали Асаканио ралабоқар эди. Бутун деҳқончилик экинлари шу ўзани ва Араван сойнинг этаги га қурилган ариқларда нсуғорилган ҳам дамуттасил равиш даривожли анибборган [3]. Қўқон хонлиги хўжалигини асосан суғорма деҳқончилик ташкил қиларди. XVIII аср га келиб, ўтроқлашиш натижасида Оқбўра дарёсининг суви Андижонгача жуда оз келадиган бўлиб қолди. Бухолўлкатарихида “Андижон сой” канал ини қазиб, Қора дарёдан сув келтириш заруратини чиқаради. Шунингдек, Оқбўра оқаваси бўлган Араван сой суви ҳам юқорида жойлашган деҳқончилик ерлари учун олиниб, Асакадан нарига ўтмай қолади. Қўқон хони амир Умархон (1809-1822) умрийўлдоши Нодира бегим (1792-1842) илтимосига биноан хонлик ҳудудида сувсиз

жойларга сув чиқариб бод қилиш учун Қорада рёдан бошлаб бутун хонлик ҳудудида сувсиз ерларни бир-бири билан боғловчи 102 км. га чўзилиб кетган Ҳозирги Шаҳрихон сойнинг лойи ҳасини чиқарган. Сой қазилиши 1814 йил “Нодира бегим ариғи” номи билан бошланди. Афсуски, Умархон ўзи бошлаган бу ҳайрли ишнинг ниҳоясига етказмади, 1822 йили вафот этади. Унинг вафотидан кейин сувиншоот қурилишини ўғли Муҳаммад Алихон давом эттиради. Қора дарёдан ҳозирги Олтиариқ туманигача чўзилган ариқ қурилиш иохирига етказилиб, Умархон шарафига унинг икки қирғоғида жойлашган Шаҳрихон (Хоншаҳри) нибунёд этадилар. Қўқон хонлигида ернинг баҳоси унинг умдорлиги ва қанчалик сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Аҳоли суғориш тармоқлари катта даромад манбаи бўлганлиги сабабли маълум даражада уларни сақлашга, суғоришини шоотларини янада кенгайтиришга яхши эътибор беришган. Хонликдасу вшударожада азиз бўлган ки, деҳқонларга хонлик томонидан ҳеч қандай ҳақ тўланмаса-да, деҳқонларнинг ўзлари суғоришини шоотларини мунтазам кузатиб туриш, қўшимча янги ариқлар қазилари, эскиларини тозалаш, тузатганлар. Ўзбек хонликлари давлатчилик тизимида сувнинг аҳамияти шударожада юқори эдики, хонликларга бостириб кирган ташқи душманлар шаҳарни эгаллаш учун сувни тўсиб қўйиб ўз мақсадлари га эришишга интиланлар. Масалан: 1865 йил 27 апрелда генерал Черняев қарийб 2000 кишилик қўшин ва 12 татўп билан яна Тошкент томоний ўлгачи қиб, Чирчиқ дарёси ёнидаги Ниёзбек қалъаси ёнидаги Кайковусариғи (Бўз сув канали)нинг Чирчиқдан сув оладиган тўғонни бузириб ташлай диваша ҳарнисувсиз қолдириб, 1865 йил 7 июндан 8 июнга ўтар кечаси хиёнаткорларнинг ёрдами билан шаҳарни эгаллайди. Кўрилатган муаммога доирада биётлар таҳлилишуникўрсатдики, киши умри давомида

ўртача 75тоннасувиестеъмолқилар экан. Бумасаладазардуштийликнинг нодиркитоби – “Авесто”[4]- сув, ҳавоборердаҳаётборлигиниэтирофэтади. Хўш,сувмуаммоси масаласидаюртимизданимаишларамалгаош ирилмоқда? “МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА” Ўзбекистон РеспубликасиҚонуниқабулқилинди. Буқонун ОлийМажлиснинг2004 йил3-декабрь,711-II-сон қарорига мувофиқ амалга киритилган. Ушбу қонуннинг 17-моддасида: ...Сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳилбўйи минтақалари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналарини муҳофаза қилиш, улар қайси қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида ташкил этилган бўлса, шу қишлоқ ва сув хўжалиги органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари ички ишлар органлари томонидан қўриқланиши – ўзаксинитопган. Сув, сувгабўлганэтибораждларимизнингназариданчетдақолмаган.Қадимдаота-боболаримиз:“уммонёнидатурсангҳамсувни иисрофқилма”деббежизайтмаганлар. Сув – бутугамас заҳираэмас, сув,ўсимликваҳайвонотдунёсиҳамдабошқат абийзаҳираларумуммиллийбойликдир,уларданоқилонафойдаланишзарурлигиниўсибк елаётганёшавлоднингонггигасингдиришолд имиздатурганмуҳимвазифаларданбиридир. Шундайэкан, олдимиздаоққансувнингқадригаэтайлик.

3. Бегматов А. Асака номиқаерданолинган? Андижоннома. 1996. 13августь.
4. Бобоев Ҳ.,Ҳасанов С.“Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. Т.: “Адолат”, 2014. 137б.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Исломов Ў.И., Мирсоатова С.Т. Ўзбекистонибтидоийархеологиясин иўрганишдаакадемик Яхё Ғуломнинг роли . Т.: “Фан”.2009.Б48.
2. Хўжамов М., ва бошқалар.Тарихий ўлкашунослик ва туризм. Т.: “Мумтозсўз”. 2011.220б.

## ЎРТА ОСИЁ СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИГА ЕВРОПА ҚОНУНЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ (XIX АСР ОХИРИ)

ОДИЛ ОЛИМЖОНОВИЧ ЗАРИПОВ  
ЎЗРФА ТАРИХ ИНСТИТУТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

XIX аср иккинчи ярмида Туркистон ўлкасининг Россия империяси мустамлакасига айланиб, Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгач, бош мақсад ўлка иқтисодийтини империя иқтисодийти манфаатларига бўйсундиришга қаратилган мустамлакачилик сиёсати амалга оширила бошланди. Маълумки, XIX аср охири XX аср бошларида Россияда тўқимачилик саноатининг тез суръатлар билан ривожланиб хом-ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши, бунинг устига, айни вақтда Америкадан олинган пахта экспортининг тўхтаб қолиш хавфининг туғилиши подшо ҳукумати маъмуриятини Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш билан жиддийроқ шуғулланишга мажбур этган эди. Бир томондан пахтани кенгайтириш, иккинчи томондан рус муҳожирларини жойлаштириш зарурати Ўрта Осиёнинг йирик дарё ҳавзаларида деҳқончилик учун яроқли бўлган қуруқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиб янги пахтачилик ерларини барпо этилишини талаб қиларди[1]. Мустамлакачилик сиёсатининг илк даврлари[2]да маҳаллий хўжаликнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, рус ҳукумати янги эгалланган Туркистон ўлкасининг ички айниқса иқтисодий ҳаётига бевосита аралашмаслик йўлини тутди. Қабул қилинган бундай қарор Россия вазирлар қўмитасининг Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича чиқарган кўрсатмалари, подшоҳ томонидан тасдиқланган 1867 йил 11 июлдаги низомда[3] акс этди. Қабул қилинган ушбу низом қуйидаги тамойилларга асосланди: а) сиёсий хусусиятга эга бўлмаган барча масалаларда ички бошқарувни маҳаллий аҳоли томонидан сайланган шахсларга бериш; б) шариатнинг маҳаллий ёзма қонунларини, қирғизлар учун рус қонуни билан аниқлаштирилмаган ҳуқуқий муносабатлари учун одатни сақлаб қолиш; в) маҳаллий бошқарув тизимида, унинг қонун ва одатларида давлат манфаатларига зид бўлган ҳолатларни бартараф этиш[4].

### КАЛИТ СЎЗЛАР

генерал-губернатор, Туркистон, сиёсат, суғориш ишлари.

### КИРИШ

Ана шу асосларда мустамлакачилик сиёсатининг дастлабки йилларида Туркистон ижтимоий ҳаётининг турли

жабҳаларига хусусан ўлка иқтисодининг асоси бўлган аграр соҳа ва унинг энг муҳим тармоғи бўлган суғориш ишлари ҳамда

сувдан фойдаланиш ҳуқуқий тизими ҳукумат аралашувисиз ўтди.

Бироқ, аралашмаслик сиёсати узоқ вақт сақланиб қолмади, чунки ҳукумат эгалланган ҳудудни шунчаки бошқариш эмас, ундан ўз иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланишни мақсад қилган эди. Бу ҳудудни босиб олишдан асосий кўзланган мақсад бўлганлигини, ўша давр рус матбуотининг бу ҳақидаги “биз Тошкентни унинг халқига беғараз яхшилик қилишни кўзлаб эмас, балки бирдан-бир зарурат, рус манфаатлари учун эгалладик”[5] деган сўзлари фикримизни тасдиқлайди. Шу сабабдан рус маъмурлари ўлка иқтисодий ҳаётига аралашувисиз ундан тўлақонли фойдаланиш мумкин эмаслигини яхши тушунишарди. Қолаверса, суғориш ишларини йўлга қўйиш ва сувдан фойдаланиш соҳасининг иқтисодий аҳамиятидан, хусусан, томонларнинг тўқнашувига сабаб бўлувчи ҳуқуқий асос ва мунтазам равишда тартибга солинишни керак бўлган муҳим масала эканлиги жиҳатидан ҳукумат аралашуви ва назоратини талаб қиларди.

Сув ҳуқуқи борасида ҳукуматининг илк қадами маҳаллий аҳолининг ички хўжалик ишларига аралашмаслик сиёсатидан келиб чиқиб сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги илк қонун қоидаларнинг Тошкентнинг рус аҳолиси жойлаштирилган ҳудудда қабул қилиниши билан бошланди. 1868 йилда генерал-губернаторнинг (Кауфман О.З.) рухсати билан Тошкент шаҳрининг рус қисмида сув тақсимооти ва ариқ-зовурларни сақлаш бўйича бир йиллик тажриба синов тарзида низом жорий этилди[6]. Шаҳарнинг асосан рус ҳарбийлари ва хизматчилари жойлаштирилган қисмига тегишли бўлган ушбу низомга кўра ариқ ва тўғонларни ариқ ва тўғонларни қуриш ва сақлаш, сувдан тўғри фойдаланиш ва хусусан, барча уй-жой эгалари ўртасида сувни бир хилда тақсимлаш, жарималар тайинлаш, суғориш ишлари учун йиғимларни белгилаш ва ундириш ҳамда унинг сарф-харажатлари

ташқиллаштириш ишлари бош назорати жамоа томонидан тайинланган уч шахс ва уч номзодга юклатилди. Суғоришнинг техник жиҳатларига тегишли қисми эса шаҳар бошлиғига бевосита бўйсунган мутахассис назоратида эди[7].

Аммо Тошкентнинг маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларида ҳам халқ ҳукумат томонидан суғориш иншоотларини тиклаш, суғориш ишлари ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солишни талаб қиларди. Бунга сабаб, 1865 йилда рус қўшинларининг Ниёзбек қалъаси томонидан Тошкентга юриши пайтида, генерал М.Г.Черняев Кайкавус[8] ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушади[9]. Чирчиқ дарёсидан сув оладиган улкан ариқларини ёз фаслининг ўртасида эгаллаш орқали, Тошкентга катта зарба берилди, боғлар, далалар ва чорвалар сувсиз қолиб, шаҳарда мавжуд сув манбалари аҳоли эҳтиёжини қондира олмас эди[10]. Рус ҳарбийларининг Туркистонни эгаллашда ўлка қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган суғориш иншоотларини бузиш тадбири йўл-йўлакай эмас, балки мақсадли ўйланган иш эканлигини 1867 йилда подполковник Абрамовнинг Жиззахни эгаллашда унга оқувчи сойнинг тўғонини вайрон қилинишида[11] ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, “ҳозирги вазиятда шаҳарни куч билан қўлга олиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, лекин шу билан бирга уни бевосита бизга қарам қилиш ва шунингдек доим қўл остимизда сақлаш учун мен Тошкентнинг асосий сув манбаи бўлган Ниёзбек қалъасини эгаллашга қарор қилдим”[12] – деб ёзади Черняев ўз ҳисоботида.

Чирчиқ дарёсидан сув оладиган Захариқ шаҳарнинг шимолий ерларини суғориб, сунъий суғориш иншооти бўлган қурилган Бўзсув ариғи бутун Тошкент шаҳрини сув билан таъминлаган[13]. Ушбу суғориш иншоотларининг бузилиши қуйидагича кечган: Қирғизқулоқ яқинидаги (Ниёзбек

қалъаси қаршисида) Захариқ соҳилининг бузилиши оқибатида унинг суви бир қисми Бўзсув ва қолган қисми Чирчиқ томон оққан. Натижада, Бўзсув ариғи ушбу сув босимини кўтара олмай тошиб, ишдан чиққан. Ниёзбек тўғонлари алоҳида бузиб ташланган. Шундай қилиб, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги суғориш тизими бутунлай ишдан чиққанди[14]. Ўша давр рус тарихчиси аҳоли эҳтиёжларидан беҳабарлигидан рус маъмурларининг ушбу масалага халқнинг кераксиз инжиқлиги деб қараб: “уларга сув керак бўлса, ўзлари ўтказаверишсин”[15] қабилда қарашганлигини келтириб ўтади. Маълумки, Ўрта Осиё ҳукумдорлари доимо суғориш иншоотларининг созлигига ғамхўрлик қилишган. Бош ариқ тизимларининг барчаси ҳукумат турли вақтларда қурилган ва хирож солиғи ҳисобига сақланган, ҳатто иккинчи даражали суғориш шоҳобчалари ҳам давлат томонидан ташкил қилиниб, фақатгина уларни эҳтиёт қилиш ер эгалари жавобгарлигида бўлган[16]. Тошкентнинг асосий суғориш тизими вайрон қилинган аҳолида бундай иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишларини давлат ташаббуси ва ҳомийлигисиз амалга ошириш имкони йўқ эди. Бунинг устига, Тошкент шаҳри эгалланганлигининг илк даврида Черняев томонидан ер эгаларидан солиқ йиғиш бекор қилинган бўлсада, 1866 йилда Романовский бошқарув даврига келиб ҳосил миқдорининг 10/1 миқдоридаги сунъий суғорма ерларидан йиғиладиган хирож солиғини тўлаш қайта тикланди. Ўша йили Тошкент шаҳридан давлат хазинасига йиғилган хирож солиғининг миқдори 80.000 рублни ташкил этди[17]. Кейинчалик рус ҳукумати 1867 йилда қабул қилинган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув тўғрисидаги низом”[18] да ҳам деҳқончиликнинг асосий манбаи бўлмиш суғориш тизимисиз қолган ер эгаларидан ўлкада мавжуд солиқларни давлат ҳисобига йиғишни белгилади. Мана шу сабаблардан, 1867 йилнинг ўзида маҳаллий аҳоли ўзларининг вақтинчалик бошлиқлари

бўлмиш, ҳарбий старшина В.Р.Серовга “уларнинг ачинарли ҳолатларини тушунишни сўраб, губернаторнинг боғи жойлашган Ракатсу тўғонида ишлашга йўл қўйилмаяпти... Захариқ ва Бўзсувни улар ўз кучлари билан тўлиқ таъмирлай олмасликлари, ҳеч қаердан ёрдам олишмаётгани, шундай бўлсада улардан солиқ ўз вақтида талаб қилишаётганлиги” тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишди[19]. Ушбу илтимоснома натижасида, маъмурият қандайдир чоралар кўришга ҳаракат қилган бўлсада, суғориш ишларига алоҳида эътибор ўлкага К.П. фон Кауфманнинг келиши билан қаратилди. 1868 йилда шаҳарнинг рус аҳолиси жойлашган Худуд учун юқорида келтирилган низом қабул қилиниб, шаҳарнинг маҳаллий аҳоли истиқомат қилувчи қисмлари учун истилогача мавжуд бўлган сув ҳуқуқи қонун қоидалари сақлаб қолинди. Ирригация маъмурияти ташкил қилиниб, шаҳар ҳокими Е.А.Россицкийнинг тақдимотига кўра, Чирчиқнинг ўнг соҳили ирригацияси мудирини Н.Ф.Ульянов тайинланди. Унга кўмаклашиш учун шаҳарда 5 та ариқ-оқсоқоли (4 таси шаҳарнинг маҳаллий қисмидан, 1 таси рус қисмидан) ва махсус Захариқ оқсоқоли берилди, ҳар бир оқсоқол қўл остида 6 мироб ва 2 тўғончи бириктирилди[20]. Бундан ташқари 1868 – 1869 йиллар мобайнида Черняев томонидан бузилган суғориш иншоотлари тўлиқ таъмирланиб, Ниёзбек тўғони қайта тикланди. Нафақат бутун шаҳар сув билан таъминланиб, балки аҳолининг деҳқончилик ишларига қайтиши муносабати билан 1870 йилда Чичиқ дарёсидан Захариқ тармоғи орқали, Келес дарёси водийсига, Қоплонбек овулигача бўлган ерларга сув чиқариш мумкин бўлди[21].

1876 йил маълумотида кўра Тошкент шаҳри ва Қурама уездида сув тақсимоти ва суғориш иншоотларини назорат қилиш вазифаси юклатилган ирригация бошқармаси мудирини ва ариқ-оқсоқоллари фаолияти учун қуйидаги маблағ сарф қилинган[22]:

А) Тошкент шаҳрида, шаҳар жамғармасидан:

а) мудир маоши учун – 750 р.

б) ариқ-оқсоқоллари, мироб ва тўфончи маошлари учун – 7151 р.

Жами: 7901 р.

Б) Қурама уезди бўйича, жамоа маблағларидан:

а) мудир маоши учун – 750 р.

б) ариқ-оқсоқоллари, мироб ва тўфончи маошлари учун – 2480 р.

Жами: 3230 р.

Ҳаммаси бўлиб: 11.131 р.

Ушбу маълумотдан, суғориш маъмурияти ходимларига давлат ҳисобидан доимий маош тайинланиши орқали, ҳукумат ушбу тизимни тўлақонли мустамлака бошқарув тизимига бўйсундиришга ҳаракат қилганлигини кўришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш кераки, ирригация маъмурияти хонлик даврида ўз хизматлари учун маош олмаган, маҳаллий беклар уларга ҳар йили қуйидагича миқдорда ҳадялар бериб турган: мироббошиларга– 3 та чопон, эгар-жабдуқли от ва 200 пуд[23]миқдорда ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кичик миробларга эса 1 тадан чопон, жабдуқли от ва 100 пуд маҳсулот, бундан ташқари, барча ариқ оқсоқоллари хирож ва таноб солиқларидан озод қилинган[24].

Шундай бўлсада, суғориш тизими маъмурияти ваколат ва мажбуриятларини, ер эгаларининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва сув муносабатларини тартибга солувчи, аҳолининг барча қатлами учун бир бўлган ирригация тўғрисидаги жиддий қонун 1877 йилга келиб Тошкент эгаллангандан 12 йил ўтгач қабул қилинди[25].

1877 йилги “Туркистон ўлкасини суғориш тўғрисидаги муваққат қоидалар”[26] нинг қабул қилиниш эҳтиёжи ва омиллари ҳақида генерал-губернатор девонхонасининг маълумотида қуйидаги фикрлар қайд қилинган: “Туркистонда сувнинг биринчи даражали аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, марҳум генерал-губернатор Кауфман сувни бошқариш ва ундан фойдаланишни янада аниқроқ асосларда ўз вақтида тартиб

ўрнатишни лозим топди. Шу мақсадда генерал-губернатор девонхонасида, бу ерда анчадан буён суғориш ишларига масъул бўлган технолог Ульянов иштирокида Туркистон ўлкасини суғоришга оид вақтинчалик қоидалар ва ирригация маъмурияти учун кўрсатмалар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 1877 йилнинг 1 апрелидан генерал-губернатор томонидан тасдиқланди ва Тошкент ва Қурама узеда вақтинча, икки йиллик амалиёт учун жорий этилди”[27].

2 қисмдан иборат бўлган ушбу қонуннинг “Умумий қоидалар”[28] деб номланган 1 қисми 29 банддан ташкил топган бўлиб, унга суғориш сувларининг барчаси тўлақонли давлат мулки сифатида белгиланди ва аҳолига фақат суғориш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилди, шунингдек сув иншоотлари қуриш ва таъмирлаш ишлари, улардан фойдаланиш тартибларни ўз ичига олди. Қоидаларнинг ер эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли бандларида ер эгалари, жамоа ва артелларнинг сувдан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маъмуриятга мурожаатлар тартиби, янги ерга сув ўтказиш ва товон тўлаш тартиби, сувдан фойдаланиш қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик ва жазо турлари белгиланди[29].

Сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи ушбу бандларни генерал-губернатор девонхонаси қуйидаги тамойилларга асосланди деб изоҳлайди: “шариат бўйича ер эгаллиги ҳуқуқи сув ҳуқуқ билан узвий боғлиқдир, шунинг учун ҳам қоидаларда унинг ҳар иккала ҳуқуқига дахл қилмаган ҳолда фақат ҳар бир ер егаси учун мажбурий бўлган сувдан фойдаланиш тартиби белгиланди.[30] Бу билан рус маъмурлари ушбу қоидаларнинг ўлкада мавжуд “одат” ва шариат кўрсатмалари уйғунлигида ишлаб чиқилганлигини таъкидлайдилар.

Қоидаларнинг суғориш иншоотлари тегишли бандлари, ушбу иншоотларнинг давлат ғамхўрлиги остида тартибга солиниши ғояси нуқтаи назаридан мавжуд одатлар ва



шариат қонунларига мос келсада, бироқ ушбу қоидаларнинг ер эгалари ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли айрим кўрсатмалари[31]ўлкадаги мавжуд сувдан фойдаланиш анъаналарини бутунлай ўзгартириб юборди. Чунки ушбу қоидалар ер эгаларини сувдан фойдаланиш муносабатларида чиқадиган низолар ёки суғориш ишларидаги муаммоларини ҳал этишда турли бўғиндаги идораларга мурожаат қилиш оворагарчилиги ва маъмурий қоғозбозлик гирдобига ғарққиларди.

Маълумки, суғориш ишлари мавсумий тадбир бўлиб, деҳқончиликда экиннинг турига ва ернинг ҳолатига қараб аниқ муддат ичида суғоришни талаб этади. Қолаверса сувни ер эгалари ўртасида тенг тақсимланишида, дарё сувларининг сероб бўлиши ёки камайиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Муайян муддат ичида ерини суғориши лозим бўлган бир пайтда, ушбу масалада муаммога учраб, уни ҳал этиш учун идорама-идора турли ариза ва шикоятларни расмийлаштириб юриш эр эгаси учун албатта ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқарган.

Одатга кўра эса Туркистонда сув устидаги барча жиддий тусдаги низолар шариат қозилари, енгилроқлари эса маҳаллий сув маъмурияти (ариқ-оқсоқол, мироб ва Ҳ.к.) томонидан кўриб чиқилган. Маҳаллий ҳуқуқ тизимида сув ишлари билан боғлиқ фуқаролик, жинойий ёки маъмурий маҳкамалар мавжуд бўлмаган[32]. Одатда сув билан боғлиқ низолар жойида соҳага масъул маъмурлар томонидан ҳал этилган.

Шунингдек, қонунда сувдан фойдаланиш қоидаларни бузганлик учун белгиланган жазо сифатида кичик миқдордаги жарималар[33]нинг жорий этилиши, ўлкада сув қонунчилиги учун жавобгарликни енгиллаштирди. Агар биз бу жазолар истибдогача бўлган даврдаги жазолар билан таққослайдиган бўлсак, сувдан фойдаланиш тартибини қоидаларини бузганлик учун маҳаллий одатга кўра, 10–1000 танга миқдоридан жарима, айбдорга 2–3

ой давомида от анжомларини кийгизиш, 6 ойга ертўлага қамаш[34] каби жазолар қўлланилган. Албатта, ушбу жазоларнинг қаттиқлиги Туркистонда суғорма сувининг аҳамиятини ва шунга кўра қонун ва жазоларнинг кескинлигини кўрсатади.

Суғориш иншоотларини ишдан Суғорма деҳқончилик анъаналарини ўрганмай жорий қилинган ушбу қоидалар оқибатида, рус ҳукумати Туркистон ер эгаларини янги бир тизимга олиб кирди ва ўлка сув хўжалиги тизимида туб ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда маҳаллий деҳқон ёки ер эгаси ўзи учун нотаниш бўлган қонунчилик тизимини ўрганиши, ўз ишини унинг кўрсатмаларига асосан юритиши керак бўлган рус бошқарув механизмнинг бевосита иштирокчисига айланди. Рус маъмурларининг мақсади ҳам ўлкадаги бошқа соҳалар каби сув хўжалиги тизимини ҳам марказлаштириш орқали бошқариш эди. Қонуннинг ирригация маъмуриятига тегишли бўлган иккинчи қисмида бу яққол акс этган. Унга кўра Тошкент шаҳри ва Чирчиқ дарёсининг ҳар иккала томони бўйлаб Қурама уездида суғориш ишларини бошқариш учун “ирригатор” ва “ирригатор ёрдамчиси” лавозимлари таъсис этилди[35]. Туркистоннинг анъанавий “ариқ маъмурияти” вакиллари бўлмиш, ариқ-оқсоқоли, мироб ва тўғончилар тўлиқ рус маъмурияти томонидан тайинланадиган бўлди. Хонлик даврида фақатгина бош ариқ оқсоқол бек томонидан тайинланган, кичик ариқ оқсоқоллари (мироблар – О.З.) эса халқ томонидан танланиб, бек томонидан тасдиқланган[36].

## ХУЛОСА

Шунингдек, қонуннинг суғориш маъмуриятига тегишли бандларида ирригатор, унинг ёрдамчиси, ер ўлчовчи, ариқ оқсоқоли, мироб ва тўғончиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, уларга тўланадиган маош манбаи кўрсатилиб, қонун иловасида[37]худудлар бўйича

хизматчиларнинг штатлар сони ва уларга тайинландиган маош миқдори тайинланди. Шундай қилиб, 1877 йилги “Туркистон ўлкасини суғориш тўғрисидаги муваққат қоидалар”нинг жорий этилиши натижасида Туркистон ўлкасида асрлар давомида амалда бўлиб келган сувдан фойдаланиш муносабатларидаги одат ва анъаналар мустамлака тузумининг навбатдаги қурбонига айланди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммадҷонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Т., «Фан», 1972. Б.270.
2. 1967 йил 11 апрелда Оренбург губернаторлиги таркибидаги Туркистон вилоятдан, Таргабатай тоғ тизмаси жанубий томонидаги Семипалатинск вилоятининг бир қисми қўшилиб, Сирдарё ва Еттисув вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинади.
3. Краевое управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым. СПб.: Сенатская типография, 1910. С.9.
4. Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего / Г.Н. Черданцев. Ташкент, Типография Туркестанского т-ва печатного дела, 1911. С.21.
5. Наши среднеазиатские дела.- Санкт-Петербург. // Голос.1867. № 185. С.9.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви (кейинги ўринларда ЎзМА), И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 1-варақ.
7. ЎзМА, И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 2 варақ.
8. Қаранг. Ўринбоев А. Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳтавсифида

- (XIX аср). Тошкент: Фан., 1983. Б.44-45. Ушбу асарда Кайкавус (Кайкобус) ариғи кейинчалик одамлар томонидан Бўзсув ариғи деб аталганлиги келтирилади.
9. Зиёев Ҳ. Чоризм истилоси. // Шарқ юлдузи. 1990. № 8. Б.185.
  10. Южаков Ю. Д. Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента: (Воспоминания старого туркестанца) / Ю.Д. Южаков. - Санкт-Петербург : тип. В.В. Комарова, 1881. С.4.
  11. Павлов Н. История Туркестана. В связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. Ташкент: Типография при канцелярии Туркестанского Генерал-Губернатора, 1910, С.129.
  12. Извлечения из донесений генерала Черняева, от 2 мая 1865 г. Қаранг. Романовский Д.И. Заметки по Средне-азиатскому вопросу. (С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства). Санкт-Петербург, 1868. С.155.
  13. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при кокандском владычестве. (Как характеристика администрации среднеазиатских городов), — А. К. Гейнс, Собрание литературных трудов, т. II, СПб., 1898. С.436.
  14. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем. Исторический очерк. Ташкент, Типография Эл-паров, типо-лит. О.А.Порцев, 1912. С.137.
  15. Юқоридаги асар —С.137.
  16. Мухамедов Ш.Б. Особенности землевладения и водопользования в Средней Азии и Алжире в XIX в. // МИ. 2019. № 13. С.117-118.
  17. Население, доходы и расходы Туркестанской области.- М. // Современная Летопись.1867. № 24. С.3.

- 
- |   |  |
|---|--|
| <p>18. Пален К.К. Краевое управление... С.9.</p> <p>19. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и в настоящем....С.138.</p> <p>20. Ўша жойда — С.138.</p> <p>21. Ўша жой — С.138.</p> <p>22. ЎзМА, И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 2 варақ.</p> <p>23. 1 пуд – 16 кг.</p> <p>24. ЎзМА, И.1-фонд, 14-рўйхат, 216-иш, 23-варақ.</p> <p>25. Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана.... С.21-22.</p> <p>26. ЎзМА, И.1-фонд, 1-рўйхат, 1324. Правила об ирригации Туркестанского края.</p> <p>27. ЎзМА, И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 3 варақ.</p> <p>28. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822. Правила об ирригации Туркестанского края.</p> <p>29. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822-иш, 6,7 варақлар.</p> <p>30. ЎзР МДА, И.1-фонд, 14-рўйхат, 578-иш, 3 – варақ.</p> <p>31. Қаранг. Мазкур қонуннинг 12, 13, 18 бандлари. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822. Правила об ирригации Туркестанского края.</p> <p>32. Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего.... – С.43.</p> <p>33. Қаранг. Мазкур қонуннинг 11, 13, 15 бандлари. Унга кўра сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун “Судьялар томонидан қўлланиладиган жазолар тўғрисидаги низом” нинг 29 моддасига кўра 50 рублдан ошмаган миқдорда ва қонунга бўйсунмаганлик учун 52 моддага кўра 10 рублдан ошмаган миқдоридаги жарима белгилаб қўйилган. Қаранг.Судебные уставы 20 ноября 1864 года, с изложением разсуждений, на коих они основаны, изданные государственною</p> | <p>канцелярию. Второе дополненное издание. Часть четвертая. - Санкт-Петербург : тип. Второго отделения собственной Е.И.В. Канцелярии, 1867. С.26.</p> <p>34. Черданцев Г.Н. Водное право Туркестана в его настоящем и проектах ближайшего будущего.... – С.43.</p> <p>35. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822-иш, 6 варақ.</p> <p>36. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при кокандском владычестве....– С.447.</p> <p>37. ЎзМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 1822-иш, 8 варақ.</p> |
|---|--|

## ЯХЁ ҒУЛОМОВ - СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ТАРИХИНИНГ ЙИРИК ТАДҚИҚОТЧИСИ

ОЛИМЖОН ШЕРАЛИЕВИЧ КАНИМКУЛОВ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ “ТАРИХ” КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Мустақиллик шарофати туфайли қадим ва шонли тарихимизни объектив ўрганиш имконига эга бўлдик. Ўзбекистонда тарих фанини бу соҳага улкан ҳисса қўшган олимлар персоналийси (шахси ва илмий фаолияти) орқали ўрганиш самаралидир. Чунки фан дарғалари ҳам ўзлари яшаб ўтган даврнинг талабларига муносабатлари, фан истиқболни кўра билганлари, объектив позициялари, ўз соҳаларининг ривожига ва келажига қанчалик таъсир кўрсатганликлари билан ибратлидирлар. Яқин ўтмишимизда бой тарихимиз ва маданиятимиз ҳақида холисонафикр юритиш, ҳаққоний баҳо чиқаришнинг иложи йўқ эди. Шундай қийинчиликларга қарамасдан, ўша даврда ҳам тарихимиз ҳақида дадил фикр юритишдан ҳайиқмаган олимларимиз бўлишган. Улардан бири ҳақида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримов 1998 йил ёзида бир гуруҳ тарихчи-олимлар билан бўлган учрашувда “Яхё Ғуломов довжорак, кўрқмас, ўз мустақил фикрига эга, керак бўлса, юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди”[1], деб баҳо берган эдилар.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Ўзбекистон, тарих, тарихчи-археолог, Ўзбекистон Фанлар Академияси, академики.

### КИРИШ

Яхё Ғуломов 1908 йил 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасида мадраса ўқитувчиси оиласида туғилди. Яхё Ғуломов аъло баҳоларга ўқиб, мактабни битиргандан сўнг, 1927-1930 йилларда Ўзбек Давлат Педагогика академияси ижтимоий ва иқтисодий бўлимида ўқийди. 1930 йилда Ўзбек Давлат Педагогика академиясини тамомлагандан кейин, шу академиянинг тарих кафедрасига ишга қабул қилинди ва айна вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Ҳалқ Комиссарлари Совети қошидаги Ўзбек

илмий-тадқиқот институти аспиранти ҳам эди[2].

Яхё Ғуломов ёзган мақолалар унинг аспирантлик давридаёқ тилга тушди. Ёш тадқиқотчининг эътиборини аввало бир неча юз минг йиллардан буён сақланиб келатган қадимий ёдгорликлар (қадимги одамлар яшаган жойлар, мақбаралар, қадимий иншоатларнинг харобалари, суғориш тармоқлари ва шу кабилар) жалб қилди.

Бу даврга келиб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш Республика

қўмитаси “Узкомстарис” ташкил этилиб, унга архитектура ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда республикада археологик тадқиқотлар олиб бориш иши ҳам юклатилган эди[3].

1933 йилда Яҳё Ғуломов шу қўмитага аввал илмий ходим, сўнгра унинг илмий котиби қилиб тайинланди. Яҳё Ғуломов Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Тошкентдаги нодир архитектура обидаларини сақлаш ва ўрганиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бирга археологик экспедицияларда ҳам қатнашди[4].

Яҳё Ғуломовнинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, у Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ҳали фанга номаълум бўлган саҳифаларини ёритиш йўлида тинимсиз тадқиқотлар олиб борди. Бир қатор тарихчи олимлар Яҳё Ғуломовнинг тарих фани соҳасида олиб борган тадқиқот ишларини уч йўналишдаги муаммоларга бўлиб ўрганганини, яъни “Ўзбекистоннинг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган суғорилиш тарихи, Ўзбекистоннинг қадимги моддий маданият тарихи ва Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёнинг 1917 йилгача бўлган умумий тарихи” деб таъкидлашади[5].

Ҳақиқатдан ҳам Ватанимизнинг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган суғорилиш тарихи Яҳё Ғуломов илмий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эди. Зеро, Яҳё Ғуломовнинг шоҳ асари “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” ҳам айнан суғорма деҳқончилик тарихига бағишланган. Яҳё Ғуломов энг қадимги даврлардан Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида, умуман суғориш маданияти ва ирригация иншоатлари яратиш анъанасининг аҳамияти; илк шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёти тарихи, ўрта асрларда Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий тараққиёти муаммолари, кўшни мамлакатлар билан алоқалари тарихини ўрганишда катта ишларни амалга оширди. Айниқса, олимнинг

Ўрта Осиёхўжалик ҳаётининг асоси бўлмиш суғориш соҳасидаги фундаментал илмий натижалари таҳсинга лойиқ. Олим ўз илмий изланишларида Хоразм худудларида, хусусан Амударё этақларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиш тарихини ўрганишга катта эътибор қаратди.

Зеро, Хоразм сув иншоатлари ёрдами билан сунъий суғориш маданиятининг ўчоқларидан бири сифатида улкан Шарқ цивилизацияларининг бир қисми эканлиги бўлса, иккинчидан, Хоразм қадимий деҳқончилик маданияти изларининг энг шимолий чеккасида туриб, ўзига хостехник тараққиётга таяниб иш кўргани эди.

1937–йилнинг кузида СССР Фанлар академияси қошида С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик–этнографик экспедицияси ташкил этилди. Бу экспедицияга Ўзбекистон Фанлар Комитетидан Яҳё Ғуломов жалб этилди. Кейинчалик бу ҳақида олимнинг шогирдларидан бири “С.П.Толстов бошлиқ экспедициянинг муваффақиятлари Толстов билан бир қаторда Я.Ғ.Ғуломовнинг муваффақиятлари деб қарамоқ керак” дейди[6]. Тадқиқотлар давомида топиб ўрганилган археологик ёдгорликлар ва бой манбалар асосида даставвал Яҳё Ғуломов “Хива ва унинг ёдгорликлари”[7] мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнгра илмий изланишларни кенг қўламда давом эттириб, Амударё этақларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши тарихини ўрганишга киришди. Чунки, Ўзбекистоннинг суғориш тарихида муҳим роль ўйнаган қадимги сув иншоотлари, шубҳасиз, ота – боболаримиздан қолган моддий ва маънавий ёдгорликлар қаторида муҳим ўрин тутди. Ўзбек халқининг қадимги юксак маданияти кўп жихатдан унинг суғорма деҳқончилик ва ирригация соҳасидаги фаолити ҳамда эришган ажойиб ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Албатта, Яҳё Ғуломовнинг ўз тадқиқотлари учун Хоразмни танлаши бежиз эмас эди.

Бунингсабаби, биринчидан, Хоразм сув иншоатлари ёрдами билан сунъий суғориш маданиятининг ўчоқларидан бири сифатида улкан Шарқ цивилизацияларининг бир қисми эканлиги бўлса, иккинчидан, Хоразм қадимий дехқончилик маданияти изларининг энг шимолий чеккасида туриб, ўзига хостехник тараққиётга таяниб иш кўргани эди.

Хоразм археологик–этнографик экспедициясида Амударё дельтаси бўйлаб ўтказилган археологик изланишлар натижасида ва ёзма манбалар таҳлили асосида Хоразмнинг 4–4,5 минг йиллик ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини акс эттирган йирик илмий асар юзага келди. Бу тадқиқот Яхё Фуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” мавзусида 1950–йили ёқлаган докторлик диссертациясини асосини ташкил этди.

Яхё Фуломовнинг бу асари ўзининг ҳажми, илмий хулосаларнинг теранлиги билан ажралиб туради. Яхё Фуломовгача Ўрта Осиёда суғорилиш тарихи бўйича маҳсус шуғулланган киши, машҳур рус шарқшуноси В. В. Бартольд эди[8]. Унинг бу соҳадаги хизмати шундаки, у системали равишда бир қатор шарқтилларидаги ёзма манбалардан фойдаланиб, Туркистон ўлкаси бўйича суғориш тарихининг қисқача тафсилотини яратди. Лекин унингши минтақада археологиктадқиқотлар хали кенг йўлга қўйилмагани сабабли фақат ёзма манбалар асосида ёзилган. XX асрнинг I–ярмида археологик изланишлар замонавий даражада йўлга қўйилган пайтда суғориш тарихининг манба асослари моддий ёдгорликлар ҳисобига фавқулодда мўл-кўл маълумотлар бера бошлади. Шундай шароитда суғорма дехқончилик, сув иншоотлари тарихи масалаларини изчил ўрганиш вазифаси С.П.Толстов экспедицияси таркибидаги Яхё Фуломовнинг зиммасига юклатилди. Яхё Фуломовнинг суғориш тарихи бўйича кенг кўламли изланишлари 1957-й ва 1959–йилларда рус ва ўзбек тилларида “Хоразмнинг суғорилиш

тарихи” номли фундаментал тадқиқот сифатиданашрдан чиқди[9].

Асар муқаддима, 9 – боб, ҳулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг I–IV бобларида қадимги замонлардан то милодий VI асргача бўлган узоқ тарихий давр мобайнидаги Хоразм тарихи, иқлими, географияси ва дехқончиликдаги сунъий суғорилишнинг келиб чиқиши акс эттирилади (18–101-бетлар).

Яхё Фуломов ўз китобида жуда кўп ёзма манбалар, археологик, лингвистик, этнографик материаллар, геология ва география соҳасидаги маълумотлардан жуда ўринли фойдаланган. Ушбу асар Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва унинг ривожланишига бағишланган бўлиб, энг қадимги замонлардан бошлаб, бизнинг замонамизгача бўлган даврни ўз ичига олади. Албатта, Хоразм археологик–этнографик экспедицияси тадқиқотларининг натижалари асосий ўринни эгаллаши билан баробар бу асар минтақа суғорма суғорма дехқончилиги тарихи масалаларида барча назарий муаммоларга муштарак жавоб берувчи қомус деб баҳоланиши мумкин[10].

Ушбу асарда муаллиф ёзма ва археологик манбалардан усталик билан фойдаланган. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгач, маҳаллий тилдаги ёзма манбаларни йўққилганлар. Шунинг учун Ўрта Осиё халқларининг VIII-асргача бўлган тарихини ўрганишда ёзма манбалар билан бир қаторда археологик манбалар ҳаммуҳим ўрин тутиши асарда ўз исботини топган. Ҳар қандай археологик топилма-тош, металл, сопол синиғи ёки танга пуллар нодир археологик материал сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг ўлкамиз тарихини белгилашдаги ўрни асарда алоҳида кўрсатилади.

Муаллиф ушбу асарни ёзиш мобайнида араб, форс, турк тилларни яхши билиши ва бу тиллардаги манбалардан самарали фойдаланганлигини, шунингдек улардаги тарихий маълумотларни бир – бирига таққослаб, уларда баён қилинган

воқеаларнинг тўғри ёки чалкашлигини аниқлашга ҳаракат қилганлигини кўрамиз. Демак, Яхё Ғуломов манбалардан фойдаланишда уларнинг маълумотларига хушёр танқидий муносабатда бўлган.

V–VII–бобларида Ўрта Осиёда сунъий суғорилишнинг аҳамияти ёритилади. Бундан ташқари, VII– бобда Амударё, Каспий ва Орол денгизлари соҳилларида ўзбек, туркман ва қорақалпоққабилаларининг тарқалиши баён қилинади. Шунингдек, Хива хонлари тамонидан ўзбек, айниқса, туркман вақорақалпоққабилалари устидан юритган ҳуқумронлик сиёсати баён қилинади. (102–248 - бетлар)

Муаллиф VIII–бобда суғорилиш техникасининг тарихий ривожланишини, унинг хилма-ҳиллигини ёзади. Шунингдек, бу бобда ўзбек халқининг донишмандлиги ва кўп минг йиллик халқ тажрибаси баён қилинади. Ўзбек халқининг сувдан унумли фойдаланиши учун асрлар бўйи олиб борган қахрамонлик курашлари акс эттирилади. (249–279-бетлар). Ниҳоят, китобнинг охириги IX–боби Октябр тўнтаришидан кейинги суғорилиш тарихига бағишланган. (280– 291-бетлар)[11].

Яхё Ғуломов ўз асаридида халқ ичидида ишлатилган жуда кўп хўжалик - иқтисодий атамалардан фойдаланади ва уларнинг маъносини тушунтиради. Яхё Ғуломовнинг ушбу асарини илмий жамоатчилик ҳам жуда юқори баҳолади. Жумладан, Давлат Эрмитажнинг директори, академик Б.Б. Пиотровский “Яхё Ғуломовнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси бўлмиш суғориш соҳасидаги тадқиқотлари ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда буюқдир”, - деб ёзган эди[12].

Дарҳақиқат, тарихимизнинг туб илдизлари археологик ёдгорликларда сақланиб ётганлигини чинакам олим сифатида чуқур ҳис этган Яхё Ғуломовнинг ўша даврда ташкил қилинган Хоразм археологик – этнографик экспедицияси аъзоси сифатида Хоразмнинг суғорилиш тарихини ўрганиш

вақтида ортирган тажрибаси кейинги ўн йилликлар давомида Бухоро, Тошкент ва Фарғона, Жанубий Ўзбекистон вилоятларида қадимги моддий маданиятни, суғорма деҳқончилик маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этди.

## ХУЛОСА

Академик Я. Ғуломов фаолиятининг яна бир қирраси, унинг маҳаллий тарихчи ва археолог кадрларни тайёрлашга бўлган эътиборидир. Олим шогирд тайёрлашга катта аҳамият берар ва бу масалага ўта маъсулият билан қарар эди. Шогирд тарбияламаган олимни у мевасиз дарахтга қиёс қиларди. Ў.Исломов билан суҳбатда домла “С.П.Толстовнинг ҳам, А.Ю.Якубовскийнинг ҳам, И.А.Орбели билан В.В.Струвенинг ҳам ишларини давом эттирадиган, керак бўлса дунёга дoston қиладиган зўр шогирдлари бор. Улар бошлаган тадқиқотлар тўхтаб қолмайди”[13] деган экан. Шунинг учун ҳам у юртимиз ёшларидан иқтидорлиларини ўзи бош бўлиб, Москва ва Ленинградга олиб бориб, у ердаги кучли мутахассисларга шогирд қилиб беради. Уларнинг илмий изланишлари муваффақиятли яқунланиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беради. Бугунги кунда юртимиз тарихининг йирик билимдонлари бўлмиш академиклар А.Р. Муҳаммаджонов, А.А.Асқаров, Ў.Исломов, М.Исҳоқов, Т. Мирсоатов ва бошқалар айнан Я. Ғуломовнинг ғоялари асосида ўз илмий фаолиятларини бошлаганлар. Я. Ғуломов фаолиятини ўрганиш тарихимизнинг йирик билимдони ва довурак ҳимоячиси ҳақида маълумот берибгина қолмасдан, тарихимизнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган саҳифаларини очиб беради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.1998 – йил 28-бет

2. Лунин Б.В. Выдающийся ученый-археолог Узбекистана Яхъя Гулямович Гулямов. // Узбекистон тарихи. 2002 №3. 60-б.
3. Гулямов Я.Г. На путях к охране и изучению памятников материальной культуры в Узбекистане. Ташкент. 1934 г.; Муҳаммадҷонов А.Р. “Яҳё Фуломовни хотирлаб”. Т. 2008. 18-б.
4. Ўша жойда.
5. Ахунова И.А., Аскарлов А.А., Зияев Х.З., Чехович О.Д. К 70-летию академика АН УзССР Я.Г.Гулямова // ОНУ. 1978. №7. с 38.
6. Ў. Исломов. Ўзбекистон ибтидоий археологиясини ўрганишда Я.Ф.Фуломовнинг роли. Я.Фуломовтаваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Тошкент 2008-й;
7. Гулямов Я.Г. “Хива и её памятники”Т. 1941 г.
8. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. // “Сельское хозяйство и лесоводство”. 1913.
9. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадим замонлардан ҳозиргача. Т. : – 1959.
10. Фуломов Я.Ф. Тарихимиз фидойиси. // “Фан ва турмуш”.1977. №2. 24 – 25 бетлар.
11. Фуломов Я.Ф. “Хоразмнинг суғорилиш тарихи. қадим замонлардан ҳозиргача” Т – 1959 й324 бет
12. Муҳаммадҷонов А.Р. “Яҳё Фуломовни хотирлаб” Т. 2008 – й29 – бет.
13. Муҳаммадҷонов А.Р. “Яҳё Фуломовни хотирлаб” Тошкент 2008-й 40–41 бет;А.Асқаров “Илоҳим руҳингиз шод бўлсин”Я.Фуломовтаваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Тошкент 2008-й;С. Сабурова. Мактаб яратган олим.
14. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
15. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
16. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
17. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
18. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
19. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
20. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.



## XX АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИГИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

СИРОЖИДДИН БОЗОРОВИЧ ЭШКУРБОНОВ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Сурхон воҳаси ўзининг табиий иқлим шароити ҳамда деҳқончилик қилиш учун қулайлиги билан ажралиб турган. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги таркибида бўлган бекликлар орасида Сурхон воҳаси худудида жойлашган Шеробод, Бойсун ҳамда Денов бекликлари деҳқончилик соҳасида ўзига хос ўринга эга бўлган. Бу даврда Россия империясининг ҳукумати Ўрта Осиё тўғрисида илмий асосланган маълумотларга эга бўлиш ҳамда мақсадида ўлкага махсус билимли кишиларни юборган. Дастлабки маълумотларда бу ҳудудларга биринчи навбатда хом ашё базаси сифатида қарашлар акс этган бўлса, кейинги тадқиқотларда бирмунча чуқур илмий изланишларга асосланган фикр-мулоҳазалар билдирилади. Улар айнан мана шу маълумотларни ўзларидан юқори турувчи ташкилот ёки шахсларга ҳисобот тарзда топширган.

### КИРИШ

Шарқшунос ҳарбий муҳандис А.Г. Ананьев Сурхон воҳасининг иқлими, бўз хосилдор, лекин сувсиз жазирама чўлларини ўрганади. У Термиз атрофларида катта майдонларни эгаллаб ётган ўрмонни (саксовулзорни) Сурхондарё суви билан бемалол суғориш мумкинлигини айтиб ўтади. Агар бу ҳудудларда суғориш тизими яхши йўлга қўйилса, деҳқончиликдан жуда катта даромад олиш мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтади. 1898 йилдан бошлаб Термизга дастлабки рус ҳарбий хизматчилари оиласи билан биргаликда кўчирила бошлади ва ихтиёрий равишда кўчиш фикрини билдирган рус фуқаролари кўчиб келдилар[9]. Бунинг учун уларга шароитлар ҳам қилиб берилди. Сувли ерлардан жой берилди. Агар улар ўша

ҳудудга маблағ киритиб суғориш тизимларини ўрнатса, маълум имтиёزلарга эга бўлардилар.

А.Г. Ананьевнинг бевосита таклифи билан Термизга янги ариққозиш шарт-шароитларини ўрганиш учун аввал алоқа йўллари муҳандиси катта маслаҳатчи Гельман, сўнг ҳарбий муҳандис капитан Кастальский таклиф этилди. Капитан Кастальский томонидан тузилган суғориш лойиҳаси маъқулланиб амалга оширилди ва 1905 йилда Термиз суғориш мажмуи фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида Термиз истеҳкоми жойлашган 400 десятина ер, Паттакесар шаҳри ҳамда Паттакесар, Мангузар ва Солиҳобод қишлоқлари суғориладиган бўлди[10].

1910 йилда Термиздаги чор маъмурияти суғориладиган ва суғорилмайлган давлат ерларини ижарага беришга рухсат этди. Энг муҳими, чор ҳукумати ижарачилар билан келишган ҳолда беш йил давомида сув билан таъминлашга кафолат беради. Шундай мазмундаги архив материаллари мавжуд. Қуйида улардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш 4-6 варақлардаги ҳужжатда Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи рус амалдори Д.О. Стовба Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлигидан Термизга яқин, Сурхондарёнинг чап қирғоғида жойлашган Янгиариққишлоғидан ўзлаштирилмаган ердан 1000 десятина ер сўрайди. Ушбу архив ҳужжатида нафақат Янгиариқ, балки бутун Сурхон воҳаси деҳқончилик қилиш учун қулай эканлиги ва олинган ердан катта даромад олиш мумкинлиги айtilган.

Стовба Янгиариққишлоғидан ер берилишини сўраб, асос ҳам келтириб ўтаган эди. Жумладан, қуйидаги маълумотларни ҳам келтиради: “Янгиариқлик деҳқонлар суғориладиган 8000 десятина ер майдонидан 500 десятинасига экин экиб тахминан 4000 фунтга яқин ҳосил олишади. Экилганидан сўнг, ер уч йил давомида дам олади ва тўртинчи йили яна экин экилади. Шундай қилиб, суғориладиган ернинг атиги 1/4 қисми ва бутун ернинг 1/16 қисми экин экиш учун ишлатилади”[11]. У бу ерда замонавий сув кўтаргичлар ўрнатиб, ҳудудни сув билан таъминлашини ҳам айтиб ўтади. Ушбу ҳужжат 1911 йилда Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлигига Д.О. Стовба томонидан тақдим қилинган.

ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш 10-13 варақлардаги ҳужжат 1912 йил 23 февралда тузилган шартнома лойиҳаси ҳисобланади. Унда Бухоро амирлиги томонидан чор Россияси давлати эҳтиёжлари учун Шеробод ҳамда Бойсун бекликлари ҳудудидан 72,5 минг десятина ерни 99 йилга ижарага, берилиши кўзда тутилган[12]. Ушбу шартнома лойиҳаси 17 банддан иборатдир.

Бу Бухоро амирлиги билан тузилган биринчи йирик шартнома эди. А.Ананьев ижарага олган ерлар: Қоракамар туманидан 12 минг десятина[13], Бешқўтон туманидан 23 минг десятина, Ангор туманидан 30 минг десятина, Қирғоқбўйи ҳудудидан 1,5 минг десятина[14], Янгиариқ туманидан 6 минг десятинали ташкил этган. Ижарага олинган ерларни суғориш учун А.Ананьевга ҳар йили 1 мартдан 1 октябргача Сурхондарёдан 9 куб миқдорда, бошқа пайтларда эса 4 куб сув олиш ҳуқуқи берилган[15]. Шартномага кўра, фақат 8 йилу 6 ой ўтгандан сўнг А.Ананьев Бухоро амирлигига йиллик ижара ҳақи тўлашни бошлаши керак эди. Ижара ҳақини ҳар йили 1 декабрда тўлаш шартлиги шартномада қатъий кўрсатилган[16]. 1913 йилга келиб, А. Ананьев томонидан “Шеробод” акционерлик жамияти тузилди. Унинг тузилишидан мақсад шартноманинг бажарилишини таъминлаш ва ҳар бир туманда суғориш ишларини тезлик билан амалга оширишдан иборат эди.

Бу даврда Сурхон воҳасида деҳқончилик учун кўплаб ерлар ўзлаштирилиши билан бирга, уларни суғориш тадбирлари амалга оширилган. Натижада суғориладиган ерлар майдони нисбатан ошган Масалан, воҳанинг сунъий суғоришга асосланган ерлари I-жаҳон урушигача 9500 десятина бўлган бўлса, 1924 йилга келиб, 42000 десятинали, 1925 йилда 48000 десятинали[17], 1926 йилда 77718 десатинани ташкил этган. Шу сувли ердаги экинларнинг 60% ини донли экинлар, 16.3% ини пахта, 8.5% ини ёғли экин, 6,5% ини боғдорчилик, 4.9% ини шоли, 3.6% ини беда экинлари ташкил этган[18]. Кейинчалик пахтанинг кўп экилиши натижасида бошқа экинларнинг экилиши кескин қисқариб кетган.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу даврда Сурхон воҳасида деҳқончилик учун янги ерлар ўзлаштирилган. Сурхон воҳаси Туркистон ва Бухоро амирлигидаги бошқа ерларга нисбатан экинларни эрта экилиши,

тез пишиб етилиши, сифатини юқори бўлиши билан ажралиб турганлиги шу ерга кўчиб келганлар томонидан асослаб берилганлиги архив материаларида келтирилган. Кейинчалик пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиб бориши, пахтанинг бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан сердаромад соҳага айланиши, пахта майдонларининг кескин равишда кенгайиб, кўплаб қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди. Юқорида кўриб чиқилган иккита архив ҳужжатлари бунинг ёрқин исботидир. Будан ташқари кўплаб архив ҳужжатлар таҳлили орқали ҳамвоҳанинг суғорилиш тизимига оид маълумотларни билиб олишимиз мумкин.

12. ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 10-13 олд ва орқа варақлар
13. ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 10 варақ
14. ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 10 варақ орқа томони
15. ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 11 варақ
16. ЎзМА И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 12 варақ
17. Вся Средняя Азия. / Справочник книга на 1926 хоз. год. -Т., 1926. - С.386.
18. Ўзбекистонни районлаштириш ишидаги материаллар (араб алифбоси). Биринчи бўлак. - Самарқанд-Тошкент, 1926. - Б.9.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ананьев А. Г. Орошение Шерабадской долины водами реки Сурхана. –Ташкент, 1911. –56 с.
2. Ананьев А. Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон сувлари ёрдамида суғориш лойиҳаси. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 32 б.
3. Ананьев А. Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. –87 с.
4. Ханьков Н. В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. –279
5. Вся Средняя Азия. / Справочник книга на 1926 хоз. год. -Т., 1926.
6. ЎзМА. И-1-жамғарма – Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси.
7. ЎзМА. И-2-жамғарма – Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги дипломатик амалдор.
8. ЎзМА. И-3-жамғарма – Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги.
9. Ананьев А. Г. Шеробод воҳаси ерларини Сурхон суви ёрдамида суғориш лойиҳаси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 3-4.
10. Ананьев А.Г. Шерабадская долина. – СПб., 1914. – С. 25.
11. ЎзМА И- 3-жамғарма, 1-рўйхат, 431-иш, 4-варақ.

## ҚО‘ҚОН ХОНЛИГИДА YER EGALIGI VA IRRIGATSIYA TIZIMI

GULBAHOR USMONOVNA ORZIKULOVA

JDPI QOSHIDAGI SAYILJOY AKADEMIK LITSEYI TARIX FANI O‘QITUVCHISI

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Qo‘qon xonligining yer egaligi va irrigatsiya tizimi atroflicha yoritilgan. Xonlikning asosiy daromad manbai dehqonchilik ekanligini hisobga oladigan bo‘lsak, yer egaligi va irrigatsiya tizimi mavzuning dolzarbligini ko‘rsatadi. Maqolada Qo‘qon xonligidagi irrigatsiya tizimining o‘ziga xos jihatlari va uning taraqqiy etish shakllari tarixiy manbalar hamda ko‘plab tadqiqotchilar asarlari asosida tahlil etishga harakat qilindi.

### KALIT SO‘ZLAR

Olimxon, Umarxon, Shahrixonsoy, Oltiariq, Yangiariq, yer egaligi shakllari, irrigatsiya tizimi.

### KIRISH

Ma‘lumki, Qo‘qon xonligida O‘rta Osiyoning boshqa xonliklari qatori azaldan dehqonchilik va yer egaligi xonlik xo‘jalik hayotining asosini tashkil qilgan. Vodiya suv manbalarining yetarli ekanligi dehqonchilikda mo‘l hosil olishni ta‘minlagan. Xonlikda XVIII asrga qadar yerlarni sug‘orish uchun aсосan soylar va jilg‘alarning suvlaridagina foydalanilgan. Qo‘qon xonligida taxt uchun kurashlar va siyosiy tarqoqlik davom etishiga qaramasdan XVIII asrning ikkinchi yarmi va XIX asrda ayrim tumanlarning sug‘orish tarmoqlari tiklangan va yangilari qazilgan.

Xonlikda ip va ip gazlama ishlab chiqarish hajmining ortib borishi, bu mahsulotlarni Rossiya va u orqali Sharqiy Yevropa mamlakatlari bozorlarida ko‘plab sotila boshlashi, ularga bo‘lgan talabning yildan-yilga ortib borishi sug‘orma dehqonchilik yerlarini

kengaytirish hamda yangi yerlarni o‘zlashtirishni taqozo ettgan. Shuning uchun ham XIX asr Qo‘qon xonligi xususan, Farg‘ona vodiysining sug‘orilishi tarixida yangi davrni boshlab berdiki, aynan shu davrdan boshlab, vodiya yirik sug‘orish inshootlari, ariqlar, kanallar, to‘g‘onlar qurila boshlagan. Masalan, Sirdaryoning asosiy irmoqlaridan bo‘lgan Norin va Qoradaryolardan suv oladigan Shahrixonsoy kanali, Namangan yangi arig‘i, Chinobod arig‘i, Andijonsoy va boshqa sug‘orish tarmoqlarining qazilishi Farg‘ona vodiysida sug‘orish tarmoqlarini ko‘payishi, sug‘oriladigan maydonlarining sezilarli darajada kengayishi hamda dehqonchilik va bog‘dorchilikning rivojlanishiga olib kelgan. Qo‘qon xoni Olimxon hukmronligi yillarida Farg‘ona vodiysining janubiy hududlaridagi suv ta‘minotini yaxshilash uchun So‘x daryosidan

oltita ariq qazilgan va hozirgi Oltiariqqa asos solingan[5]. Bu davrda Namangan vohasida suv ta'minotini yaxshilash, yangi yerlarni o'zlashtirish uchun Namangan viloyati hokimi Sayidqulbek Norin daryosidan suv oluvchi Yangiariq kanalini qurish uchun ruxsat oldi[6]. Yangiariq kanalining qazilgan yili haqida ilmiy tarixiy manbalarda turlicha ma'lumotlar bor. Chunonchi, arxiv hujjatlarida kanal 1800-1803 yillari qazilgan deb yozilgan. A.F. Middendorf, S. Soatovlar uni 1803 yilda, V.P. Nalivkin esa 1819 yilda qazilgan, deb ko'rsatadi. XIX asr matbuoti sahifalarida ham Yangiariq kanali 1803-1811 yillarda bunyod etilgan, deb yozilgan. Lekin topograf N.Jilin va arxiv ma'lumotlariga tayangan holda kanalni 1800-1803 yillarda Olimxon davrida bunyod etilgan, deb ta'kidlash mumkin. Umarxon davrida, ya'ni 1811 yilda Yangiariqdan Zarkent va G'irvon qishloqlariga qarab ariq chiqarilgan. Bu ariq Farg'ona vodiysining sug'orma dehqonchiligi tarixiga Mutagan arig'i nomi bilan kirgan. Mazkur ariq Zarkent qishlog'ining quyi qismlaridagi yerlarni suv bilan ta'minlagan. 1813 yilida Namangan hokimi Qipchoq Mirza Sirdaryoning o'ng sohilida bo'sh yotgan yerlarni o'zlashtirish uchun Yangiariq kanalini uzaytirib Qirg'izqo'rg'ongacha yetkazgan. Uning uzaytirilishi Namangan shahrining janubiy qismida suv ta'minotini yaxshiladi. Yangidan sug'orilgan yerlarda makkajo'xori, bug'doy, arpa, poliz ekinlari ekilgan. 1819 yilda Qo'qon xoni Umarxon farmoni bilan Yangiariq kanali yana uzaytirilib, uning uzunligi 120 chaqirimga yetkazildi. Yangiariq kanali qazilgandan keyin Namangan vohasida 5 ta soy, 195 ta ariq mavjud bo'lib, ular orqali 131 ta qishloq va 45 ta chorvadorlarning qishloq yerlari sug'orilgan, suv ta'minoti va nazorati bilan 4 ta mirobboshi va 66 ta mirob shug'ullangan. Yangiariq kanali qurilishi bilan Namangan vohasining suvga bo'lgan ehtiyoji to'la hal etilmagan. Chunki, Namangan shahri va uning atroflaridagi qishloqlarini suvga bo'lgan ehtiyojini to'la ta'minlash uchun 337-340 tegirmon suv kerak bo'lgani holda 1821 yilgacha mavjud 129 ta qishloq va 40 ta

qishlovxonalar hamda 276 ta tegirmon suv bilan ta'minlangan.

1819-1821 yillarda Namangan shahri va uning atroflaridagi qishloqlar va ekin maydonlarining suv ta'minotini yanada yaxshilash uchun Nazaro'lmas qishlog'i yaqinida Norin daryosidan suv oladigan Xonariq kanali qazilgan. Uning suv sig'imi 83 tegirmonga teng bo'lib, u Namangan sharqining sharqiy qismi va atrofda 23 ta qo'shni qishloqlardagi suv ta'minotini yaxshilagan. Umarxon davrida qurilgan Shahrixonsoy kanali Shahrixon shahrining shakllanishi va rivojlanishi bilan bog'liq. U XVIII asrdan boshlab qishloq tarzida ma'lum bo'lgan va Asaka, Xodim, Segeza qishloqlari bilan birga Aravonsoy va Oqbo'raning Aravonga qo'shiladigan g'arbiy tarmog'idan sug'orilgan. Keyinroq, bu yerga Qo'qon va Marg'ilondan ko'plab aholining ko'chib kelishi, Sharqiy Turkistondan kelgan 20 ming muhojirlarni joylashtirilishi tufayli ekin maydonlari va sug'orish inshootlariga bo'lgan ehtiyojning keskin ortib ketishi sababli Umarxon Oqbo'ra Shahrixon shahriga 1815-yilda assos solgan.

Shahar Umarxon davrida barpo etilgan. Shuning uchun ham xon sharafiga bu shahar Shahrixon nomini olgan. Suvlarining O'shdan ortgan qismini Andijonga o'tkazmay Aravonsoyga tashlashga buyruq bergan[7]. Natijada Farg'ona vodiysining Shahrixon vohasi yerlarini sug'orish ishlari jadallashib ketgan. Bu hududdagi yerlarni o'zlashtirish uchun hatto Qo'qondan bir guruh mahbuslar ham olib kelinib, ulardan alohida qishloq tashkil qilingan va unga "Dorilomon" deb nom quyilgan.

Shahrixonsoy 1811 yilda qurilgan bo'lib, uni ayrim kitoblarda "Naxri Umarxoniy" deb tilga olingan. Shahrixonsoy suvlari bilan Farg'ona vodiysining sharqiy hududlari, jumladan Qo'rg'ontepa, Jalolquduq, Oyim kabi mavzolari sug'orilib, bu hududdagi keng maydonlar o'zlashtirilgan. O'zlashtirilgan yangi yerlarda 1450 xo'jalikdan iborat yangi qishloqlarga asos solinib, 250 ming tanob (41-42 ming)ga yaqin yerlar o'zlashtirilgan. 1820 yili Marg'ilon yerlarini sug'orish uchun

Shahrixonsoydan uzunligi sakkiz chaqirim bo'lgan Ustambog' arig'i, Guratepa va Momoxon mavzellarini sug'orish uchun Eshonbobo arig'i chiqarildi. Qo'qon xonligida sug'orish inshootlarini barpo qilishning ma'lum tartib-qoidalari mavjud bo'lgan. Sug'orish tarmoqlari va uni qurish ishlari ikki guruhga ajratilgan. Birinchi guruhga hajm jihatdan kichik sug'orish tarmoqlari kiritilib, ularni qurishda asosan shu sug'orish inshootlaridan foydalanuvchi qishloq aholisi ishtirok etgan va ularga mahalliy mutasaddi kishilar, mirobboshilar boshchilik qilgan. Ikkinchi guruh sug'orish inshootlariga hajm jihatidan katta va yirik kanallar kiritilib, ularni bunyod qilish ishlariga xonlikning turli viloyatlaridan qazuvchi – hasharchilar jalb etilgan. Bunday inshootlar qurilishiga bevosita xon yoki uning joylardagi vakili boshchilik qilgan.

XIX asrning birinchi yarmida Farg'ona vodiysida sug'orish tarmoqlarining rivojlanishida muhim rol o'ynagan omillardan yana biri bu yerga muhojir xalqlarning ko'chirib keltirilishi bo'lgan. Xususan, 1829 yilda Sharqiy Turkistondan 70 mingga yaqin uyg'urlar xitoyliklarning jazolaridan qo'rqib Muhammadalixon qo'shiniga ergashib kelgan va ular vodiyning sharqiy tumanlariga, ya'ni Oqbo'ra daryo vodiysining yuqori qismi, Qurshob vodiysi, O'zgan atroflari, Ko'gartsoy vodiysining Jalolobod va Suzoq xududlari Shahrixonsoy, Yozyovon, Andijon atroflariga joylashtirilgan. Natijada bu hududlarda yangi yerlar o'zlashtirilib, qishloqlar barpo etilgan. XIX asrning 60-70 yillarida Farg'ona vodiysidagi o'z davri uchun ulkan inshoot hisoblangan Qo'qon xonligining so'nggi davrida, ya'ni 1868-1871 yillarda qurilgan Ulug'nahr arig'i ba'zi olimlarning ta'kidlashicha, Farg'ona vodiysidagi eng katta sug'orish kanali hisoblanadi.

XIX asrning 70 yillari oxirida Qo'qon xonligida bo'lib o'tgan siyosiy voqealar tufayli kanal qurilishiga bag'ishlangan yozma manbalar juda kam saqlanib qolgan. Shuning uchun ham uni qurishdan ko'zlangan maqsad tarixchi olimlar asarlarida turlicha talqin qilinadi. V.S. Batrakovning yozishicha, kanalni qurishdan

maqsad Andijonning shimoliy qismida joylashgan yerlarni sug'orish bo'lib, kanal qurilishi Rossiya imperiyasi tomonidan Qo'qon xonligining tugatilishiga qadar davom etib, u Yozyovongacha qazilgan va 1875 yilda faqat uning yarmi qurib bitkazilgan.

Tarixchi olimlar I.Po'latov va A.Mustafoevlarning ta'kidlashlaricha, Ulug'nahr kanalining qurilishidan asosiy maqsad xonlikning poytaxti Qo'qon shahrini suv bilan ta'minlash bo'lgani uchun u Qo'qon shahrigacha qurib bitkazilgan. Bu kanalning qurilishi bilan ilk bor Markaziy Farg'onaning janubi - sharqiy hududidagi yerlarni sug'orish borasida qadam qo'yilgan. Xonlikda dehqonchilik ekinlarining aksariyati O'rta Osiyo xonliklariga xos bo'lib, g'allachilik, bog'dorchilik, sabzovot va poliz mahsulotlari yetishtirish hamda ipakchilik yaxshi rivojlangan. Donli ekinlardan makkajo'xori yetishtirish keng tarqalgan bo'lib, u shahar va qishloqlarda kambag'allarning asosiy iste'mol mahsuloti hamda mol ozuqasi hisoblangan. Shuningdek, XIX asrga kelib xonlikda paxtachilik sohasiga katta e'tibor berila boshlagan va bu o'simlik ekiladigan maydonlar hajmi to'xtovsiz kengayib borgan. Vodiy g'arbiy qismining tabiiy sharoiti bog'dorchilik va uzumchilikni rivojlantirish uchun juda qulay bo'lgan.

Janubi-g'arbiy Xo'jand, Konibodom, Isfara, So'x, Chimyon, Rishton hududlari asosan o'rik yetishtirishga to'la ixtisoslashgan. Bu davrda butun Farg'ona vodiysida tut daraxti keng tarqalib, u tog' oldi va qadimgi dehqonchilik vohalaridan hisoblangan So'x, Isfara, Namangan, Ashtda ipakchilik uchun qadimdan o'stirilib kelingan. Farg'ona vodiysining tog'li hududlari, tog' yon bag'irlari va adirlaridan ko'chmanchi va yarim ko'chmanchi aholi qishlov va yaylov uchun unumli foydalangan. Shu bilan birga bu hududlar bahorgi va kuzgi lalmi dehqonchilik uchun qulay bo'lgan. Xonlikda yerga egalikning to'rt turi mavjud bo'lgan. Ular:

1. Xiroj yerlar – yer egalarining xususiy yerlari;
2. Davlat yoki amlok yerlar – xonga qarashli yerlar, o'rmonlar, to'qaylar, yo'lu-ko'priklar;

3. Xususiy yerlar – xonning maxsus farmoyishi bilan yirik amaldorlarga berilgan yerlar (suyurg‘ol);

4. Vaqf yerlar – diniy muassasalarga, ya’ni masjid, madrasa, mozorlarga qarashli yerlardir. Bundan tashqari qishloq jamoasiga tegishli yerlar, ko‘l va adirlar ham bo‘lib, ulardan aholi umumiy asosda foydalangan. Amlok xon ixtiyorida bo‘lib, u «zamini xos», deb ham atalgan va undan keladigan barcha daromad xonning ixtiyorida bo‘lgan[8]. Bunday yerlar xon tomonidan ayrim guruh va shaxslarga berilgan. Yerni olgan kishi, uni o‘z hisobidan sug‘orib, olgan hosilidan xonga soliq to‘lagan va bu soliq miqdori xirojdan ortiq bo‘lgan. Yerga egalikda mulk, ijara, urg‘u, tanho shakllaridan ham foydalanilgan.

Mulk - boylarga qarashli bo‘lgan xususiy yerlar bo‘lib, ular dehqonlarga ijara berilgan. Ijara - muayyan shartlar asosida beriladigan barcha ko‘chmas va ko‘chadigan mulk - yer, ariq, tegirmon, tim, rasta, ulov va boshqalarni o‘z ichiga olgan mulk shakli bo‘lsa, urg‘u – musodara qilish yo‘li bilan xon mulkiga aylantirilgan yoki gunohkorni qo‘lga olishda jonbozlik qilgan shaxslarga berilgan yer va boshqa mol-mulkdir. Tanho - hukmdor tomonidan alohida xizmat ko‘rsatgan kishilarga amlok yerlardan ba’zilarini in’om etilishi tufayli paydo bo‘lgan mulk shakli bo‘lib, bunday yerlarda soliq yig‘ish huquqi tanho egalari – tanhodorlarga berilgan. U o‘ziga berilgan yer, bir nechta qishloq, hatto katta mulkning yillik yoki yarim daromadini hadya sifatida olgan. Ba’zan kishi bir umr tanhodor bo‘lgan va o‘g‘li xon marhamatiga sazovor bo‘lsa, tanhodorlik meros tarzida davom etgan. Harbiylarga tanho yoki xiroj taqdim etilsa, u tarxon, deb atalgan. Xonlikda mehnatkash aholining turmushi og‘ir bo‘lib, ularning ko‘pchiligida yer bo‘lmagani sababli katta yer egalari yerlarida ishlab kun kechirganlar. O‘z kuchini sotish evaziga tirikchilik qiluvchi bunday dehqonlar chorakorlar deb atalgan. Yer egasiga yollanib, uning ot-ulovi va ish qurollaridan foydalanib dehqonchilik qilgan chorakor xirojga, yetishtirgan hosilining 1/5 qismini xirojga

to‘lagach, qolgan hosilning 3/4 qismini yer egasiga topshirgan. Uning o‘zida hosilning 1/4 qismi qolgan. Agar chorakor paxta yoki oq makkajo‘xori ekib dehqonchilik qilgan bo‘lsa, yuqoridagi chiqimlardan so‘ng unga hosilning 1/3 qismi qolgan. Qishloq aholisi tirikchilik uchun yana boshqa yumushlarni ham bajargan. Masalan, hosil pishib yetilguncha erkaklar mardikorlik, ayollar esa yaylovlarga chiqib chorvachilik bilan shug‘ullanganlar. Sug‘orish tarmoqlarining mavsumiy ta’minoti dehqonlar zimmasiga yuklatilgan. Ular hasharlarda ishtirok etganlar, ba’zan 15 kungacha ishlab anhor va ariqlar qaziganlar.

## XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak Qo‘qon xonligi hududi dehqonchilik uchun boshqa hududlarga qaraganda ancha qulay tabiiy sharoitga ega. Bundan tashqari xonlikda irrigatsiya tizimini takomillashtirishga harakat qilingan, buni bir qator hukmdor faoliyati misolida ham ko‘rib o‘tdik. Xonlikdagi qishloq xo‘jaligi, yer egaligi munosabatlari, sug‘orish tizimi kabi ma’lumotlar bizga mahalliy tarixchilar hamda xorijlik sayyohlar asarlari orqali yetib kelgan. Bugungi kunda xonlikning yer egaligi va sug‘orish tizimiga oid bir qator ilmiy tadqiqot ishlari qilingan bo‘lishiga qaramasdan o‘rganilishkerak bo‘lgan hali tadqiq qilinmagan bir qator jihatlar mavjud. Shu nutqayi nazardan Qo‘qon xonligiga oid yer suv munosabatlari masalasi bugungi kunda ham dolzarb mavzulardan biri bo‘lib qolmoqda.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. ЗиёА. Ўзбекдавлатчилигитарихи. – Тошкент: 2000. – Б. 298.
2. ХудайкуловТ. XIX асрда Қўқонхонлигининг итимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданият ҳаёти. // Тарихфанларини мазмундор қилиш даража синиолиш учун незилгандиссертация. – Т.: 2009. – Б. 68.

- 
3. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.33.
  4. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент-2012. – Б.321
  5. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: 2000. – Б. 298.
  6. Худайқулов Т. XIX асрда қўқон хонлигининг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. // Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2009. – Б.68
  7. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.33.
  8. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент-2012. – Б.321
  9. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  10. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  11. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  12. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  13. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  14. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  15. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.



## QUYI ZARAFSHON VOHASINING SUV TA`MINOTIDAGI BA`ZI MASALALAR (XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARI)

N.A. JUMAYEVA  
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI,  
BUXORO TARIXI KAFEDRASI KATTA O`QITUVCHISI

### ANNOTATSIYA

Xalqimiz qadimdan dehqonchilikni munosib qadrlab kelgan. Zarafshon daryosining quyi qismida joylashgan Buxoro vohasining yerlari unumdor bo`lib, sun`iy sug`orishga asoslangan dehqonchilik qadimdan rivojlangan edi. Yagona sug`orish manbai Zarafshon daryosidan chiqarilgan kanallar va shoh ariqlar butun vohadagi ekin yerlari va aholi manzillarini obihayot bilan ta`minlab kelgan. XIX asrning o`rtalarigacha Buxoro amiri tasarrufida bo`lgan Zarafshonning Buxoro va Samarqand hududlarida suv taqsimoti bir davlat doirasida amalga oshirilib, Quyi Zarafshonning haqobasini ta`minlab turishdan davlat manfaatdor bo`lgan [6].

1868 yilda Zarafshon vohasining Zirabuloqgacha bo`lgan qismi chor Rossiyasi tomonidan bosib olinib, suvning boshi uning qo`l ostiga o`tdi. Bu holat buxoroliklarni tashvishlantirmay qolmas edi. Chunki, Samarqand vohasining Rossiyaga qo`shib olinishi bilan Zarafshon daryosining yuqori oqimida joylashgan va Buxoro vohasining suv ta`minoti uchun suv tashlag`ich - qulfak bo`lib xizmat qiluvchi asosiy suv uzellari, jumladan, Cho`ponota suv ayirg`ich inshooti Zarafshon okrugi ixtiyorida qolib, Rossiyaning Turkistondagi ma`muriyati xohishiga bog`lanib qolgan edi.

### KIRISH

Buxoroning suv ta`minotidagi bunday muammo bilan faqat siyosiy doiralar emas, balki, Buxoro ziyolilari va mutafakkirlari hamqiziqib, uni hal qilish yo`llarini izlaganlar. Taniqli mutafakkir Ahmad Donishning “Navodir ul - vaqoe” va “Risola yoki mang`itlar sulolasi hukmronligining qisqacha tarixi” asarlarida keltirilgan boy ma`lumotlar, Amudaryodan Buxoroga suv chiqarish g`oyasining paydo bo`lish davrinigina emas, balki, uning sabablari haqida ham aniq ma`lumotlar beradi. Jumladan, olim Samarqand vohasi Rossiya ixtiyoriga o`tgandan keyin yuzaga kelgan muammo

haqida “Agarda Rossiya Zarafshonning suvini o`z ehtiyoji uchun sarf qilsa, daryoning suvi Buxoroga etmasligi mumkin”, [7] - deb yozgan edi.

Dastavval, Ahmad Donishning Buxoroni suv bilan ta`min etishto`g`risidagi fikr va g`oyalarningning paydo bo`lishida sababchi bo`lgan bir hikoyaga to`xtalib o`tsak.” (Bir safar)... Hindistondan Buxoroga tomosha qilish uchun elchi keldi, uni podsholikning chorbog`iga olib bordilar. Imoratning hashamatliligi va ob-havoning musaffoligini ko`rib hayratda qolgan elchi – Buxoroning o`zida dengiz, chashma va oqar suv bormi? -

deb so`radi.” –Yo`q dedilar. Bo`lmasa suv qayerdan keladi?-dedi.”-Samarqanddan keladi,dedilar.Samarqand kimniki?-dedi. O`zimizniki,-dedilar. Mobodo sizlarniki bo`lmay qolsachi?-dedi. Bunday tasavvur qilib bo`lmaydi. Chunki Samarqand va Buxoroning har ikkisi ham bir shahardir,dedilar...(Bunday bo`lsa) bu ikki shaharni Amu sohiliga ko`chirish yoki Amudan suv chiqarish lozim,toki oliy vazirlikningbu imoratie`tiyot bo`lsin,-dedi...”[8]

Ahmad Donishning “Navodir ul-Vaqoe” asarida hikoya tasirida bayon etilgan bu voqea,shubhasiz, Samarqand hali podsho Rossiyasi hukmronligiga o`tmasdan bir muncha oldin sodir bo`lgan. O`sha vaqtda Buxoroga kelgan Hind elchisining Buxoroga Amudaryodan suv chiqarish kerak deb aytgan fikri qanday maqsadda aytilgani aniq bo`lmasa ham har holda u xonlik poytaxti ishonchli suv manbai yaqinida joylashgan bo`lsa kerak, degan fikrni bayon qilgan edi.

Hindiston elchisining Samarqand haqidagi fikri oradan ko`p vaqt o`tmay haqiqatga aylandi. Zarafshon vodiysining Zirabuloqqacha qismi podsho Rassiyasi tomonidan bosib olinib, suvning boshi uning qo`l ostiga o`tdi. Zarafshon daryosi suvining taqsimoti, Buxoro xonligi tasarrufidan bevosita chiqib, Samarqand ma`muryati ixtiyoriga o`tdi. Natijada, Buxoroning suv taminoti ko`p jihatdan Samarqandliklarning xohishiga bog`lanib qoldi. Buning ustiga irrigatsiya xo`jaligidagi qoloqlik va podsho ma`murlarining bu sohada tajribasizligi oqibatida Buxoroning suv ta`minoti yil sayin yomonlashib borgan, Zarafshon daryosida suv kam bo`lgan davrlarda esa mutlaqo suvsiz qola boshlagan.

XIX-asrning iste`dodli mutafakkiri Ahmad Donishning Buxoro suv taminoti to`g`risida qayg`urishi tabiiy edi. Chunki Samarqandning podsho Rassiyasi tomonidan bosib olinishi natijasida suv boshining Rossiya ixtiyoriga o`tishi, buning ustiga 1869-yilning kuzi hamda 1870-yilning qish va bahor mavsumlaridagi qurg`oqchilik oqibatida chorvaning nobud bo`lishi, ekinlarning suvsizlikdan qurib

ketganligi va nihoyat Buxoroda boshlangan og`ir iqtisodiy tanglik, shuningdek, Hind elchisining Buxoro suv manbai haqidagi fikridan xabardor bo`lgan Ahmad Donishda Amudaryodan kanal qazib Buxoroga suv chiqarish g`oyasining paydo bo`lishiga sabab bo`lgan edi.

Ahmad Donishning “Mang`itlar sulolasi hukmronligining qisqacha tarixi” asarida keltirilgan ma`lumotlarga qaraganda, Amudaryodan Buxoro vohasiga suv chiqarish g`oyasini amalga oshirish maqsadida xonlikning amirlari va Turkistonning harbiy ma`murlariga turli yo`llar bilan bir necha bor muroojat etgan. Dastavval amir Muzaffarga maktub yozib, “bu yil yomg`ir oz bo`layapti, “garmob” vaqtida mabodo suv nuqsonga yuz tutishi mumkin. Samarqand suvi umidida xotirjam o`tirib bo`lmaydi. Agar Buxoroning yetti tumanidan har tanob yerdan ikki tangadan “j`ul”(favqulodda soliq) solig`i yig`ish to`g`risida ishorati oily bo`lsa, shuncha miqdor tanga to`planadi. Shu mablag`dan ikki lak (ikki yuz ming) tanga xarj qilinsa Kerki va Kelif qarshisidan Amudan suv chiqarib, Buxoro, Qarshi va Miyonkolga keltirish mumkin”[9] degan edi.

Bunday inshoot qurish uchun davlat xazinasidanmutlaqo mablag` sarflanmasligini avvaldan bilgan Ahmad Donish kanalni xalq mablag`i va kuchi bilan chiqarish taklifini o`rtaga tashlagan bo`lsa ham, Amir Muzaffar “Buxoroning podsholari Amudan suv olmaganlar, balki u yoqdan keladigan suvning boshini bekittirganlar. Buning sababi shundaki ,mabodo dushmanning hujumi yoki daryo toshqini sodir bo`lib qolsa, Buxoroni suv bosib , u vayron bo`ladi . Amudan suv olishxilof maslahatdir ”, - deb qarshilik ko`rsatgan.

Ahmad Donish Buxoroga Amudaryodan suv chiqarish masalasida amir Muzaffardan uzil-kesil rad javobini olgan bo`lsa ham, ammo u o`z mamlakatining suv ta`minotini yaxshilash to`g`risidagi maqsadidan qaytmagan, aksincha , Amudaryodan suv chiqarish mumkinligini sharhlab amirga quyidagi javob maktubini yo`llagan- “ Bunday xavfsirash butunlay asossiz ... Suv toshqini bo`ldi ham deb faraz

qilaylik, agar kanalimizning boshi Kerki qarshisida bo'lsa, suv Qarshining g'ربي, Qorovul qiri va Momojurg'onning Janubidan dasht va qumliklar ichidan oqib o'tib, Narzam va Chorjo'y yaqinida yana daryoga kelib qo'yiladi undan hech joy zarar ko'rmaydi”, - deb yozgan edi. Ahmad Donishninganiq takliflar bilan, asosli bayon qilingan fikrlariga javoban amir Muzaffar “Agar biz amudan suv chiqarsak, Rossiya nega Amudan suv chiqazding va bizning suvimizga nega qanoat qilmading?- deb so'rasa, qanday javob beramiz”, degan bahonani ro'kaj qilgan. Bunga javoban mutafakkir “Rossiya bunday so'zni aytmaydi. Modomiki, agar u bu viloyatni o'ziga buysundurish xohishida ekan uning uchun suvsizlikdan ko'ra suvli bo'lgani yaxshiroqdir. Ayni vaqtda biz: sening suving bevaqt kelayapti, yerlarimiz “garmob” suvidan qolayapti va mamlakatning ushur hamda xiroj soliqlari qisqarib borayapti deb javob qilamiz”, - degan.

Buxoro amiri Muzaffar Ahmad Donishning so'nggi oqilona taklifini ham mutlaqo rad etib, - “menga bunday gaplarni arz qilgandan ko'ra, xushomad qilib mendan in'om talab qilinsa yaxshiroqdir”[10], - degan javobni qilgan. Shundan Ahmad Donish bu masalada amirga qayta murojaat qilmagan.

Ma'lumki, 1873-yilning kuzida Rossiyaning Xiva xonligini bosib olishi munosabati bilan Buxorodan Peterburgga Abduqodirbek dodxoh boshchiligida elchilar yuboriladi. Rossiyaga yuborilgan elchilar orasida mirzolik lavozimida Ahmad Donish ham qatnashgan edi. Buxoro elchilari Peterburgga 1874-yilning 6-yanvar kuni yetib boradi va Rossiya poytaxtiga 1,5 oy vaqt mobaynida bo'ladilar. Ma'lum bo'lishicha, Turkiston general-gubernatori K. P. Kaufman ham xuddi shu vaqtda Peterburgda bo'lgan. Bundan xabar topgan Ahmad Donish Buxoro elchisi Abdulqodirbek dodxohni gubernator bilan uchrashtirishga harakat qilgan va Buxoroning suv ta'minoti tog'risida elchini K.P.Kaufmanga murojaat qilishga da'vat etgan. Bu to'g'rida u “Risolada” quyidagilarni bayon qiladi: “Men elchiga aytdim-ki, qachon bo'lmasin

Kaufmanga duch kelsang, undan Buxoroning suvini talab qil, chunki Samarqandda (daryodan tashqari) chashma va koriz bor. Buxoroda esa 3 oy yozda (hatto) quduqlarda ham suv qurib qoladi. (bu vaqtda) 1 mesh suv yarim dirhamga ham topilmaydi”.[11] Asarda qayd qilinishicha Peterburgda Buxoro vakillari K.P.Kaufman bilan bir necha bor uchrashganlar va munozalar olib borganlar.

Buxoroning suv ta'minotini yaxchilash maqsadida Amudaryodan suv chiqarish va buning uchun Rossiyadan suv xo'jaligi ishlarini biladigan mutaxassis chaqirish to'g'risida Ahmad Donnish ko'targan masala Muzaffarxonning vorisi Abdulahadxon tomonidan ham ma'qullanmagan edi[12].

Shunday qilib, XIX asr oxiriga oid yozma ma'balardan keltirilgan yuqoridagi ma'lumotlar Amudaryodan Buxoroga suv chiqarish g'oyasi XIX asrning 70 yillarida, xonlik uchun suv boshi hisoblangan Samarqand vohasining Turkiston ma'muriyati qo'l ostiga o'tishi bilanoq vujudga kelgan. Va bu g'oya o'z davrining ilg'or mutafakkiri buxorolik Ahmad Donishga mansub deb hisoblash uchun yetarli darajada asos bo'la oladi.

Ahmad Donish suvga chanqoq bo'lgan mehnatkash Buxoro aholisining asriy orzusini bayon etib, suv tanqisligidan qutulish uchun Amudaryodan Buxoroga suv chiqarishning dastlabki rejalarini tuzib chiqdi va Amirga tavsiya etdi. Ahmad Donishning bu g'oyasi va uning ilk loyihasi o'sha vaqtda Buxoroning hukmron doiralari tomonidan ahamiyat berilmay qolib ketgan bo'lsa ham, ammo u Buxoroning sug'orilish tarixida, ayniqsa Amu - Buxoro kanali tarixida alohida o'rin tutdi.

Bu ma'lumotlar buyuk vatandoshimiz Ahmad Donishni o'tkir aql - zakovat, teran fikr egasi ekanligini, o'z davrining dunyoviy bilimlarini chuqur egallaganligi, davlatdagi oily amaldorlar bilan ham bahslashga oladigan dadil siyosatchi, olim va mutafakkir bo'lganligidan dalolat beradi. Uning faoliyatidagi qirralardan biri sug'orish masalalari bo'lib bu borada ham keng tushuncha va bilimga ega bo'lgan olim Buxoro vohasiga Amudaryodan suv chiqarish g'oyasini tariximizda birinchi bo'lib

asoslab bergan, hamda Buxoro shahri va uning atroflarini sug'orish tizimi xaritasini ishlab chiqqan edi. Olim g'oyalari va tadqiqotlarining to'g'riligi tariximizning keyingi davrlarida to'laligicha o'z isbotini topdi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Ahmad Donish. Risola yo muxtasare az tarixi salotini xonadoni mang'iti.1960. 132 – bet. (Muxammadjonov A. Quyi Zarafshon vodiysining sug'olilish tarixi. Toshkent . 1972.192 – bet ).
2. Ahmad Maxdum Buxoriy, Navodir ul – vaqoe, Beruniy nomidagi SharqshunoslikInstituti, qo'lyozma inv. N 2096, 566 a – 566 b sahifalar
3. АхмадДониш, Путешествие из Бухары в Петербург,1960 г, стр.14
4. А. Muhammdjonov, Quyi zarafshon vodiysining sug'orilish tarixi, Toshkent Fan 1972. 262 bet.
5. Дала ёзувлари, 1997 йил. Жондор тумани, Бухорча қишлоғи. Рўзи бобо87 ёш.
6. Дала ёзувлари, 1997 йил. Жондор тумани, Бухорча қишлоғи. Рўзи бобо, 87 ёш (haqoba – suvhaqqi)
7. Ahmad Donish. Risola yo mux tasare az tarixi salotini xonadoni mang'iti.1960. 132 – bet (Muxammadjonov A. Quyi Zarafshon vodiysining sug'olilish tarixi. Toshkent . 1972.192 – bet ).
8. Ahmad Maxdum Buxoriy, Navodir ul – vaqoe, Beruniy nomidagi SharqshunoslikInstituti, qo'lyozma inv. N 2096, 566 a – 566 b sahifalar.
9. Ahmad Maxdumi Donish.Risola.132 bet.
10. Ahmad Maxdumi Donish.Risola .133 bet.
11. АхмадДониш, Путешествие из Бухары в Петербург,1960 г, стр.14
12. А. Muhammdjonov. Quyi Zarafshon vodiysining sug'orilish tarixi, Toshkent. “ Fan”. 1972. 262 bet.
13. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN

TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.

14. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
15. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
16. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
17. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
18. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
19. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ: “ОДОБ АЛ-ҚОЗИ” АСАРИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ ҲАМДА ҚУРЪОНШУНОСЛИГИ

ЗИЁВУДДИН МУҲИТДИНОВИЧ ЖЎРАЕВ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “МАНБАШУНОСЛИК ВА  
АРХИВШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ В.Б. ДОЦЕНТИ., Т.Ф.Ф.Д. (PhD) ҲАМДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ИСЛОМШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ “ИСЛОМШУНОСЛИК ВА ИСЛОМ  
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ ICESCO” КАФЕДРАСИ DSc ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Шиоримиз: халқаро даражадаги кадрларни тайёрлашда асрий ананалар ва замонавий билимлар уйғунлиги. Меҳрга меҳр қайтади.

Жаҳоннинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва давлат ва ҳуқуқ назариясига оид ўрта асрларда яратилган ёзма манбаларда мусулмон Шарқи салтанат, давлат, жамият ва шахс бошқаруви ҳақидаги қимматли тажрибалар ўз аксини топган.

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарққиёти, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофеъий (973-1058 йй., кейинги ўринларда – Абулҳасан Мовардий)нинг илмий меросини ташкил этувчи: “Тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар [фи ахлоқ ал-малик ва сиёсат ал-мулук]”, “Аълам ан-нубувва”, “Адаб-ул-қози”, “Насихат ал-мулук”, “Ан-нукат ва-л-уйун: тафсир ал-Мовардий” (Қуръони карим тафсири), “Ал-икнаъ”, “Ал-визара”, “Адаб ал-визара”, “Қаванин ал-визара”, “Қаванин ал-визара ва сиёсат ал-мулук”, “Амсал ал-Қуръон”, “Ал-Ҳовий [фи фуруъ ал-фикҳ]”, “Амсал ал-ҳикам”, “Китоб фи-н-наҳви”, “Адаб ад-дунё ва ад-дин” кабиасарлари Франция, Англия, Голландия, АҚШ, Шотландия, Россия, Ливан, Миср, Ироқ, Кувайт, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Ўзбекистон каби давлатларда илмий жиҳатдан ўрганилган ва француз, инглиз, фламандча, рус, араб, форс, турк, урду, ўзбек каби тилларида таржималари нашр этилган ҳамда улар шу каби мамлакатларнинг машҳур кутубхоналарида сақланмоқда[52].

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, Шарқшунослик институти, МирзоУлуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

### КИРИШ

Абулҳасан Мовардийнинг салтанат бошқарувида оид сиёсий-ҳуқуқий таълимотларидан бири: “ал-Аҳком ас-султониййа ва-л-валоёт ад-диниййа”(“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув [қоидалари]”) асари борасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Тарих институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, МирзоУлуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факултети ва ниҳоят Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 1997-2019

йилларда олиб борилган изчил тадқиқотлар натижасида у ўз самарасини берди[53].

Ўрта асрлар мобайнида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан назарий ва амалий фаолият олиб боришда Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросига мурожаат қилмасдан қатъий фикр ва ҳукм чиқарилмаганлиги ислом ҳуқуқи, сиёсий фикр, қуръоншунослиги, ҳадисшунослиги, тарихи ва манбашунослиқдан маълум.

Мовардий илмий меросининг жиҳатларини сўзлашдан олдин, токи ўқувчига уни туркумлаш, сиёсат ва ҳуқуққақидаги назарияси, мусулмон давлат бошқарув таълимоти асослари ўқувчига маълум бўлсин.

Ёзма манбаларга асосланиб, Мовардий асарлари мундарижасини унинг ёшига биноан хронологик шаклда келтириб ўтамыз: Мовардий 27 (391/1000 йилда) ёшида ўз илмий мероси шаклланишида илк бор “Ар-рутба фи талаб-ил-ҳисба” ҳақида асар ёзишдан бошлаган [54], 31 (395/1004 йил) ёшида “Фи-н-наҳви” (“Араб тили грамматика қойидаларига оид фан”) ва “Ал-икнаъ фи фикр-иш-шофеъий” (“Шофеъий мазҳабига оид фикрқонунларининг ишончли манбаси”), 34 (398/1007 йил) ёшида “Насиҳат ал-мулк” (“Подшоҳларнинг насихатлари”), 56 (420/1029 йил) ёшида “Адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дунё ва дин илмига оид одобнома ва тартиблар”), 61 ёшида (425/1034 йил) “Сиёсат ал-мулк” (“Подшоҳларнинг иш юритишга оид сиёсати”), 427/1036 йил 63 ёшида “Одоб ал-вузаро ва сиёсат ал-мулк” (“Подшоҳларнинг иш юритиш сиёсати ва вазирликларнинг”), 68 (432/1041 йил) ёшида “Тасҳил-ун-назар ва таъжил-уз-зафар фи ахлоқ-ил-молик ва сиёсат ал-мулк” (“Давлатчилик сиёсатини бошқариш ва шоҳлар ахлоқини назорат этишда тезкор зафар қучиш усуллари”), 72(436/1045) ва 81(445/1054 йил) ёшларида, яъни иккинчи марта “ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” (“Салтанат бошқариш қонунлари ва диний бошқарув[қоида]лар”) асарини ёза бошлаган. Мовардийнинг даври

учун VII–XI асрларгача бўлган давлатчиликнинг[55] назарий таълимоти, сиёсий фикр бўйича муҳим асари “Ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” дир. Юқоридаги маълумотлар таҳлилига кўра, Мовардийнинг илмий меросини қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

I. Диний асарлари: “Тафсир ал-Қуръон ан-нукат ва-л-ъуюн” (“Қуръон тафсири”)[56], “Китоб ал-ҳовий ал-кабир” (“Буюк қомус”), “Китоб ал-икнаъ фи ал-фикр аш-шофеъий” (“Шофеъий фикр ҳақида ишончли манба”)[57], “Китоб фи ал-буюъ” (“Савдосотиққақида.”), “Китоб аълом ан-нубувва” (“Пайғамбар (с.а.в.)ликка хос давлатчилик таълимотлари китоб”)[58].

II. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асарлар: “Ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа”, “Қавонин ал-визорати ва сиёсати ал-мулк” (“Подшоҳлар сиёсати ва вазирлик қонунлари”)[59], “Ал-вазорат” (“Вазирлик”)[60], “Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар фи ахлоқ ал-малак ва сиёсат ал-мулк” (“Зафар қучиш омиллари ва нуқтаи назар соҳиллари”)[61], “Китоб насихат ал-мулк” (“Подшоҳларга насихат”)[62], “Сиёсат ал-мулк” (“Подшоҳлар сиёсати”). “Тухфат ул-мулуқийя фи-л-одоб ис-сиёсийя” (“Сиёсий одоб ҳақида подшоҳлик тухфаси”)[63], “Адаб ал-вазир” (“Вазирни одоб”)[64].

III. Адабий ва лисоний асарлари: “Китоб фи ан-наҳви” (“Араб тили грамматикаси”), “Китоб ал-амсал ва-л-ҳикам” (“Масаллар ва ҳукмлар”), “Китоб адаб ад-дунё ва-д-дин” (“Дин ва дунё одоб”)[65].

IV. Мовардийга тааллуқли асарлар[66]: “Адаб ал-қози” (“Қозилик одоб”)[67], “Китоб адаб ат-такаллум” (“Нутқ маданияти ҳақида китоб”), “Китоб маърифат ал-фазоил” (“Фозилларнинг маърифати”), “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисба” (“Ҳисба ташкилотининг талаби ҳақида рутбалар китоби”)[68] каби асарлари олимнинг илмий мероси жумласидандир.

Мовардийнинг илмий меросига оид умумий хулосашуки, унинг асарлари сони 18 та, шундан 13 та асари нашр этилган, 5 та асари

кутубхоналарда сақланмоқда, 2 та асари қўлёзмаси бизгача етиб келмаган, балки улар шахсий қўлёзма фондлардан топилиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас албатта. Мовардийнинг 13 та асари қўлёзмаси нашр этилган, улар:

I туркумга оид диний: “Тафсир ал-Қуръон”;

II туркумга оид ҳуқуқий: “Китоб тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар”, “Аҳком”, “Қавониин ал-визора ва сиёсат ал-мулук”, “Ал-Иқнаъ фи фикҳи аш-шофеъий”, “Адаб ал-қози”, “Китоб аълом ан-нубувва”, “Китоб ал-амсал ва-л-ҳикам”; “Насиҳат ал-мулук”, “Ал-вазрат”, “Тухфат ул-мулукия фи ал-одоб ис-сиёсия”, “Адаб ал-вазир”,

III туркумга оид лисоний: “Китоб адаб ад-дунё ва ад-дин” каби асарлари нашр қилинган. Мовардийнинг 5 та асари кутубхоналарда қўлёзма ҳолида сақланмоқда:

I туркумга оид диний: “Китоб ал-ҳовий ал-кабир;

II туркумга оид ҳуқуқий: “Сиёсат ал-мулук”, “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисба”;

III туркумга оид лисоний-адабий “Китоб адаб ат-такаллум”; “Китоб маърифат ал-фазоил” каби асарлари сақланмоқда.

Мовардийнинг бизгача етиб келмаган 2 та асарининг биринчиси I туркумга оид диний “Китоб фи ал-буюъ” ва иккинчиси III туркумга оид лисоний “Китоб фи-н-наҳви” асаридир. Имкон бор экан Абулҳасан Мовардийнинг барча илмий мероси топилишига умид бор, деб ўйлайман. У жаҳоннинг қайсидир кутубхонасида турибди.

Абулҳасан Мовардийнинг илмий меросига тегишли ана шундай муҳим манбалар қаторига кирувчи “Одоб ал-қози” (“Қозилик одоблари/қонунияти”)[69] асарини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ва назарияси, манбашунослик ва тарихшунослик ҳамда тарихий тадқиқот усуллари, ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. “Одоб ал-қози” асари асосида Абулҳасан Мовардий ўзи яшаган давргача ақида ва калом илми (ислом ҳуқуқи, усул ал-фикҳ)

таркибида амалда қўлланиб келинган мусулмон давлати бошқарув ҳуқуқи (фуруъ ал-фикҳ) ҳақидаги амалиётга оид тушунчаларга алоҳида эътибор қаратиб, сиёсий фикҳ/ҳуқуқ назариясига оид сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган ва ривожлантирган. Шу тариқа ўз даврида бу каби қимматли сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асосида шаклланган сиёсий фикҳ мактабига асос солинган.

Ироқдаги Бағдод шаҳри “Мактаба-ул-иршод” номли нашриёт босмахонасида 1971-1972 йиллар оралиғида тадқиқотчи Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон томонидан олиб борилган изланишлар натижасида Абулҳасан Мовардийнинг “Одоб ал-қози” асари 2 жилд шаклида дунё юзини кўрди. Замонавий кўринишга эга бўлган мазкур асар қўлёзмасининг турли минтақалар ва кутубхоналаридаги нусхалари илмий жараёнга тортилгани асосида мукаммал бир китоб шакллантирилган.

Абулҳасан Мовардийнинг «Одоб ал-қози» асари қўлёзмалари устида тадқиқот ўтказган олим Муҳий Ҳилол ас-Сарҳон жаҳондаги арабий қўлёзмалар сақланадиган барча кутубхоналар, жумладан: Истанбул, Америкадаги Нью Ҳовфман (Ёйил) университети, Мисрдаги “Дор ал-кутуб” кабилардаги ҳижрий VIII, ҳижрий 690, ҳижрий 620, 639, 924, 636, 745, 450 йилларда турли хаттотлар томонидан битилган қўлёзма нусхалар топилгани ҳақидаги бугунги мовардийшунослик, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихига қизиқувчилар учун ўта қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган илмий хулосаларни жамлай олган. Жумладан:

1) Б (бе) ҳарфий белгили биринчи қўлёзма сифатидаги нусхаси асос қилиб олинган: Истанбул шаҳри Истанбул музей кутубхонасида сақланаётган № 4319 рақам остидаги (махсус рақами: № 772 Кўғушлар) 249 варақдан иборат насх хатида битилган қўлёзмадир. У ҳижрий VIII асрда Қоҳирада ёзилган. Ва ҳоказо[70].

2) О (мадлик алиф) ҳарфий белгили иккинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Истанбул музейи кутубхонасидаги № 4289-4295 рақам остидаги (махсус рақами: №769 Султон Аҳмад III) 210 варақдан иборат, ҳижрий 690 йилда насх хатида ёзилган. Ва ҳоказо[71].

3) Ж (жим) ҳарфий белгили учинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Америкадаги Нью Ҳовфман (Ёйил) университети кутубхонасида махсус рақам № 267/29 остида сақланади, 196 варақдан иборат, ҳижрий 620 йилда насх хатида ал-Хазрабий қалами билан битилган. Ва ҳоказо[72].

4) Ё (йо) ҳарфий белгили тўртинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 501 рақам остида, фикҳи Шофеъийа бўлимида сақланади. 148 варақдан иборат, сулси жамил хатида ҳижрий 639 йилда ёзилган. Кўчирувчининг исми Абдулкарим бин Али бин Умар бин Муҳаммад ал-Ашъарий. Ва ҳоказо[73].

5) С (сод) ҳарфий белгили бешинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да биринчи жузининг бўлаги сифатида 41 варақдан иборат № 82 рақам остида, фикҳи Шофеъийа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо[74].

6) Х (хо) ҳарфий белгили олтинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 83 рақам остида, 223 варақдан иборат, фикҳи Шофеъийа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо[75].

7) Л (лом) ҳарфий белгили еттинчи қиёсий нусха сифатидаги қўлёзма нусхаси: Мисрдаги “Дор ал-кутуб”да № 190 рақам остида, 188 варақдан иборат, тақрибан 924 ҳижрий санада ёзилган, фикҳи Шофеъийа бўлимида сақланади. Ва ҳоказо[76].

Қарлуқ-Қорахонлар давлатининг давлат бошқаруви асосан икки поғонали тизимга бўлинган. Унга кўра, биринчи поғона марказий давлат бошқаруви ҳисобланиб, уни одатда «олий ҳокимият», деб аташ мумкин. Иккинчи поғонани эса «маҳаллий ҳокимият» ташкил этган. Ўз ўрнида у ҳам бир неча босқичга бўлинади. Ҳоқонлик тепасида бутун олий ҳокимиятни ўзида мужассам этган «буюк хон», қорахон турган. Ҳоқон номларида унвон сифатида «қорахон» атамаси билан бирга «буғраҳон», «арслонхон», «тонга» ва «тавғачхон» каби бошқа улуғвор унвонлар ҳам бирдай қўлланилган. Бу унвон сифатида қўлланилган атамаларнинг баъзилари қабила тотемлари билан боғлиқ бўлса, баъзилари эса мазмун

жиҳатдан юксак нуфуз ва даражани англатган.

Қуйида давлат ҳукмдори номида унвон сифатида қўлланилган мазкур атамаларнинг айримлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз, деб топдик. Чунки унвон сифатида қўлланган бу атамалар шунчаки жарангли ном бўлмасдан, балки шу даврнинг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаётини ҳам ўзида акс эттирувчи чуқур мазмунга эга бўлган.

Маълумки, туркий қабилаларда қадимдан тотемистик диний тасаввурлар мавжуд бўлган. Ҳар бир қабиланинг ўз тотеми бўлиб, бу ўша қабиланинг оддий фикрлашини англатмайди, балки улар ўз ўтмишини билишга интилганликларини билдиради.[1] Бунга кўра улар ўз ўтмишини

бирор тотемга боғлаб, у ҳақда турли диний қарашларни юзага келишига сабаб бўлган. Бу борада туркийлар кўп ҳолларда бўри, арслон, тонга, буғра каби ҳайвон номларини тилга олишади. Ушбу ҳайвон номлари нафақат тотем сифатида қадрланган, балки шу қабила сардорларининг уддабуронлиги, шижоати, абжирлиги, мардлиги ва қудрати каби сифатлари ҳам шу ҳайвонларга қиёсланган ҳолда таърифланган.

Шунинг учун туркий хонларнинг номлари ва унвонларини тилга олганда, бўри, арслон, тонга, буғра каби тотем билан боғлиқ улуғвор унвонларни учратамиз. Бу ҳодиса барча туркий давлатларда бўлгани каби Қарлуқ-Қорахонлар давлати ҳукмдорлари номларида ҳам мавжуд бўлган.

Ана шундай унвонлардан бири «арслон» унвонидир. «Арслон» (Шер) – бу ўз номидан ҳам англиб турибдики, ҳайвонот дунёсининг подшоси, ҳукмдори сифатида таърифланиб келинади. Туркий ҳалқлар ҳам қадимдан бу ҳайвонга эътиқод қўйишиб, ўзларининг қудратли ҳукмдорлари номларини шу ҳайвон номи билан атаб келишган. Манбаларда «арслон» номи чиғил қабиласининг тотеми, деб берилган. Лекин нафақат чиғил қабиласида, балки бошқа турк қабилалари ҳам ушбу ҳайвонни муқаддас тутишган. Кўпгина афсоналарда арслон номи тилга олиниб, унинг тимсолида қудрат, шижоат, эпчиллик ва ҳукмдорлик рамзи акс эттирилган.

Шундай қилиб, «арслон» тотеми ҳам унвон ўрнида қорахонларнинг ҳукмдорлари номига қўшиб айтилган. Масалан, Сатук Буғрахон ўғиллари-дан бири – Бойтош (Мусо) Арслонхон ҳам шу унвон билан улуғланган. Айнан шу Мусонинг авлоди бўлмиш «алийлар» Қорахонлар давлати икки қисмга, яъни Ғарбий ва Шарқийга бўлинганда, Ғарбий қисмига ҳукмронлик қилишган[2].

«Арслон» унвонини яна Сулаймон ибн Юсуф Қодирхон, Муҳаммад ибн Наср каби хонларнинг номларида учратамиз. Умуман олганда, ушбу «арслон» атамасини тўғридан-тўғри ҳукмдор номи ўрнида

қўлланилганини бошқа туркий сулола вакилларида ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, салжуқийларнинг забардаст ҳоқони Алп Арслон (1063-1072), ануштегиний-лардан Абулфатҳ Эл Арслон (1156-1172), ғазнавийлар сулоласининг сўнги вакилларида бўлмиш Арслоншоҳ (1116-1119) каби ҳукмдорлар шу улуғвор ном билан аталган[3].

Албатта, «арслон» тотеми ҳам унвон ўрнида келиб шу ҳукмдорнинг обрў-эътибори, шон-шуҳратини англатган. Бироқ, ушбу номдаги хонлар доимо номига яраша шукуҳли бўлавермаган. Масалан, манбаларга мурожаат қилсак, Абулғозийхон қуйидаги тарихий воқеани қайд этган: «Ул вақтда Қарлуқнинг подшоҳи Арслонхон теган эрди. Ул Қубилай нуёнга қўшилиб, ўзининг қизини бош қилиб кўп пешкашлар билан келиб, хонни кўрди. Тақи онт ичди то ўлгунча бандалиқдин бўйнимни тўлғамайин теб. Хон тақи ўз жамоатидин бир қиз берди. Иноят ва шафқат қилиб қайтарди. Тоқи Чингизхон бекларина боқиб айтди: Муни нечук Арслонхон теб бўлур. Бу кундин сўнг муни Арслон сайроқ тесунлар теб ҳукм қилди»[4]. Ҳақиқатдан ҳам шу даврда (XIII аср бошлари) Ила дарёси соҳилидаги Қарлуқ давлати ҳукмдори бўлган Арслонхон Чингизхон олдида бош эгиб борган.

Унинг бундан бошқа мақбулроқ йўли ва имконияти йўқ эди. Бу билан у ўз қавмини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолганди. Чингизхон Арслон номини ўз ўрнида мустақил қудратли ҳукмдор, деб тушунгани учун унинг бу қилмишини, яъни итоаткорлигини назарда тутиб, Арслонхон номини камситиб «Арслон сайроқ тесунлар», деб буйруқ берган. Биз бу мисолларни келтириш орқали айтмоқчимизки, «арслон» атамаси унвон ва ном сифатида хон номларига шунчаки қўйилмаган, балки бу унвон ҳукмдорнинг арслон каби ҳақиқий подшоҳлик қудратига эга бўлишини ният қилган ҳолда берилган.

Демак, Қарлуқ-Қорахонлар давлатининг ҳоқонлари номларида «арслон» тотеми улуғловчи фахрий унвон сифатида келган. Шу ўринда «тонга» атамаси хусусида ҳам

тўхталиб ўтсак. Негаки бу атама мазмун жиҳатдан «арслон» унвонига яқин бўлиб, у ҳам давлат ҳукмдорлари номида унвон сифатида кенг қўлланилган. Лекин ушбу атамани ҳозирги кунда тотем ўрнида қайси ҳайвон номини англатиши баҳсталабдир. Маҳмуд Кошғарий ўз асарига «тонга» атамасини изоҳлар экан, уни шундай қайд этган: «Тонга шер ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир»[5]. Аммо «девон»нинг бошқа бир жойида эса «тонга» сўзи ҳинд йўлбарси сифатида келтирилиб, айна пайтда, ушбу атама кишига лақаб, яъни унвон сифатида қўлланилиши ҳам кўрсатиб ўтилган[6].

Умуман олганда, мазкур асардаги «тонга» атамасига оид бўлган маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, «тонга»ни йўлбарс ҳайвони сифатида тушуниш ҳақиқатга яқинроқ, деб ўйлаймиз. Қадимги туркий халқларда йўлбарс ҳақида турли асотирлар, фикр-у қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси сифатида баҳоланган «Ирқ битиги»да ҳам йўлбарсга даҳлдор бўлган ушбу таъбирномани учратамиз: «Йўлбарс кийик овига борди. У кўп ўлжа топиб инига хурсанд бўлиб келар дер, шундай билинлар: яхшидир бу», ёки яна «яширинган йўлбарсман, қамиш орасидадир бошим, шундай кучлиман, жасурман. Шундай билинлар: яхшидир бу»...[7]

«Ирқ битиги»да бунга ўхшаш йўлбарсга оид таъбирлар кўп бўлиб, умуман бу шу даврга оид йўлбарс ҳақидаги тасаввурлардан дарак беради. Албатта, бу мисолларни келтириш орқали биз «тонга» атамаси айнан йўлбарсни англатади, деб қатъий ҳукм чиқармоқчи эмасмиз. Эҳтимол, бу ҳақда аниқроқ бўлган бошқа фикрлар ҳам бордир. Қорахон номларида тонга лақаби бир неча кишида бўлган. Масалан, Сулаймон ибн Сатук Тонга Элоқ, Аҳмад ибн Али Тонга Қорахон, Наср Али ибн Тонга Тегин, Муҳаммад ибн Ҳасан Тонга Тегин ва бошқалар. Лекин «тонга» тотеми давлат таркибидаги қайси қабиланинг ибтидоси – тотеми бўлганлиги ҳақида манбаларда

бирон-бир аниқ маълумотларни учратмадик. Бу тотем номи билан аталган хонлар эса қорахонлар даврига қадар туркий сулолаларда хон номида унвон ўрнида кўплаб учрайди. Масалан, Турк ҳоқонлигининг Тонга Али Дулухон (631-634), Тўнгшад-Ишбара Тўлишад (634-639) каби ҳукмдорлари ҳам мазкур унвон билан улуғланган.

Туркий халқлар ўзларининг афсонавий қаҳрамони бўлган Афросиёбни ҳам туркий тилда Алп Эр Тонга, деб аташгани маълумдир[8]. Демак, «тонга» унвони фақат қорахонларгагина тааллуқли эмас экан. Унинг у ёки бу шаклда қўлланишини барча туркий қавмларда кузатишимиз мумкин. Бу эса туркий халқларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларида, мафкуравий қарашларидаги ривожланишининг узвийлик асосида умумийлик ва алоқадорликда кечганлигини англатади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Қарлуқ-Қорахонлар давлати ҳоқонлари номларида улуғловчи унвон сифатида акс этган қабилла тотемлари ва ҳукмдорнинг нуфузи ҳамда даражасини оширувчи фахрий унвонларнинг ҳар бири ўз маъноси, моҳияти ва аҳамиятига эга бўлган. Бу шу унвон соҳиби бўлган ҳоқоннинг нафақат обрў-эътиборини англатган, балки бу унвонларнинг туб замани, асоси, туркий, давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ бўлиб, у шу давлатнинг ижтимоий-мафкуравий ҳаётини ҳам ўзида акс эттирган.

### ХУЛОСА

Биз қуйида таҳлил этган ҳоқон унвонлари ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, бу узоқ жараёнлар мобайнида ривожланиб келган. Дастлаб, бу уруғ, қабилла тотеми унвон сифатида шу қабиланинг ўзида қўлланган бўлса, кейинчалик қабилалар иттифоқи давлат даражасига кўтарилгач, бир қабилага тегишли тотем энди бутун қабилаларни бирлаштириб, уюштириб турган ҳоқоннинг номида акс этган. Ҳоқон номида фахрий

унвон ўрнида қўлланган тотемлар (буғра, арслон, тонга) давлат таркибидаги қабилаларнинг ҳоқон сиёсатида муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Лекин ушбу давлат ўзаро қабилалар иттифоқидан ташкил топган уюшма бўлганлиги учун, улар ўртасидаги тенглик, ҳамжиҳатлилик ва иттифоқчилик шартларидан келиб чиққан ҳолда, ҳоқон номларига «буюк хон», «улуғ хон» мазмунини берувчи умумий «қорахон» унвони қўшиб айtilган. Бу ўринда «қорахон» унвони билан бирга «тавғачхон» унвони ҳам тенгма-тенг равишда қўлланилган.

8. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1963й.3-жилд –Б. 163.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар. Б. Ўрдабекли., А. Айритомий.– Тошкент: Фан, 2007. – Б. 90-91.
2. Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999.- Б. 47.
3. Зиё А.Ўзбек давлатчилиги тарихи.– Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 313-314.
4. Абулғозий Баҳодурхон. Шажарайи турк.Тошкент: Чўлпон,1992 й.–Б. 32.
5. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1963й.3-жилд.– Б. 413.
6. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1963й.3-жилд – Б. 379.
7. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Тошкент: А.Қодирий, 1993. – Б. 135-137.

## ҚАРЛУҚ-ҚОРАХОНЛАР ДАВЛАТИДА ШАҲАРСОЗЛИК ВА ИСЛОМЛАШИШ ЖАРАЁНИ

БЕХЗОД ХАМИДОВИЧ МАХМУДОВ  
ТДТУ ОЛМАЛИҚ ФИЛИАЛИ Т.Ф.Н., ДОЦЕНТ В.Б.,

### АННОТАЦИЯ

Ўзбек давлатчилиги тарихида илк ўрта асрлар кўплаб туркий сулолаларнинг ҳукмронлиги ва бошқарув тизимини бирмунча такомиллашган даври сифатида муҳрланган. Ушбу давлатлардан бири бу – Қарлуқ-Қорахонлар давлатидир.

IX асрнинг ўрталарига келиб, минтақамизнинг Еттисув, Исфижоб ва Шош вилоятларида, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида, XI асрнинг бошларидан эса Мовароуннаҳр ҳудудларида барча туркий қабилаларнинг навбатдаги янги иттифоқи уюшмаси барпо этилган. Ушбу қабилалар иттифоқида дастлабки даврда қарлуққабиласи етакчилик мавқеига эга бўлиб, кейинчалик мазкур иттифоқ жуда кўп туркий қабилалар ҳисобига янада кенгайиб, Қарлуқ-Қорахонлар давлатини ташкил этишди. Албатта, мазкур давлатнинг сиёсий тарихи кўплаб илмий-тадқиқот нашрларида атрофлича ёритилган. Шу сабабли асосий масала, яъни давлатда шаҳарлар ривожини ва ислом дини тараққиёти хусусида фикр юритсак, бунда шаҳарсозлик ҳамда исломлашиш жараёнини бежизга узвий равишда қамраб олмадик. Чунки шаҳарлар ислом дини ва маданияти марказлари ҳисобланиб, бу ердаги масжид ҳамда мадрасаларда кўплаб уламолар, турли илм вакиллари фаолият олиб боришган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Сирдарё, Еттисув, Турк ҳоқонлиги, аҳоли пунктлари, Чу дарёси, қўрғонлар, қишлоқлар.

### КИРИШ

Манбалардан маълумки, Сирдарё бўйларида, Еттисувда, Шарқий Туркистон ҳудудларида кўплаб шаҳарлар мавжуд бўлган[1]. Шаҳарлар доимо қайси ҳудудда жойлашган бўлса шу ҳудуднинг иқтисодий-маданий жиҳатдан ривожланган нуқтаси ҳисобланган. Шаҳарларнинг кўплари Турк ҳоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) бунёд этилган эди. Аммо Қарлуқ-Қорахонлар даврида уларнинг аксариятида аҳолининг кўпайиб бориши ҳисобига янгидан-янги

иморатлар, турар-жойлар қурилиб, майдони кенгайиб борган. Айрим жойларда эса кичик қўрғонлар, қишлоқлар ўрнида ва савдо-тижорат йўлларида янги шаҳарлар юзага келди[2]. Кўплаб кўчманчи қабилаларни ўтроқлашиши натижасида қишлоқларнинг сони ҳам ниҳоятда ортиб борган. Мазкур қишлоқларнинг кўпчилиги кейинчалик йирик аҳоли пунктларига айланган. Бу даврнинг асосий шаҳарларидан бири Чу дарёси бўйида жойлашган Сўёб

шаҳри эди. Бу шаҳар қарлуққабилалар иттифоқининг маркази бўлган. Манбаларда ушбу шаҳар маданий жиҳатдан ривожланган гўзал ва озода шаҳар сифатида таърифланади[3].

Албатта, шаҳарнинг қарлуққукмдорларининг марказий шаҳри бўлганлиги ҳам унинг ривожида ижобий аҳамиятга эга бўлган. Чу водийсида яна бошқа шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлган. Уларнинг асосийлари Хут-Куел, Беклик, Далуган ва бошқалар бўлиб, мазкур шаҳарларнинг аҳолиси асосан туркашлар ва чиғиллардан иборат бўлган[4].

Қарлуқларга тегишли шаҳарлардан яна Кулон ва Марки бўлиб, ушбу шаҳарда яшовчи қарлуқлар манбаларда келтирилган маълумотларга кўра X асрда ислом динини қабул қилишган[5]. Бу вақтда Талос водийсида ҳам бир қанча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг йириклари Тароз, Чиғил, Шелжи ва бошқалар бўлиб, бу шаҳарларда ҳам асосан туркийзабон халқлар яшаган[6]. Уларнинг ичида айримлари, жумладан, Чиғил шаҳри чиғил қабиласининг номи билан аталган[7]. Чиғил шаҳрига яқин масофада Барсахон шаҳри жойлашган эди. Маҳмуд Кошғарий бу шаҳарни XI асрдаги катта савдо-сотиқ марказлари бўлган Қошғар, Арғу, Жикил каби шаҳарлар билан тенг қўяди[8].

Қарлуқ-Қорахонлар давлатининг иқтисодий таянчи бўлган шаҳарлари ҳақида сўз кетганда мазкур давлатнинг маъмурий маркази бўлган Боласоғун шаҳри ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Боласоғун илк ўрта асрларда туркийларнинг энг йирик шаҳарларидан бўлиб, кейинчалик X асрларга келиб ушбу шаҳар иқтисодий-маданий жиҳатдан янада тараққий этган. Мазкур шаҳар айни вақтда Қуз Улуш, Қуз Ўрда номлари билан ҳам машҳур бўлган[9]. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, Боласоғун халқи туркий ва суғд тилида бирдай гаплашишган[10]. Албатта, бу шаҳар савдо-тижорат йўлида жойлашганлиги тугайли, унда бошқа кўплаб халқлар ҳам яшаган бўлиши керак.

Умуман, суғд тилининг бу ҳудудларда, яъни Чу, Ила дарёсининг водийлари ва Иссиққўл атрофларида кенг тарқалгани суғдийларни жуда катта ҳудудларда олиб борган савдо-тижорат ва маданий фаолиятларининг натижаси эди. Шунинг учун Боласоғун шаҳрида суғдлар алоҳида мавқега эга бўлишган. Боласоғун манбаларда гарчи машҳур, катта ва бош шаҳар сифатида тилга олинса-да, бугунги кунда ушбу шаҳарнинг аниқ ўрни қаерда жойлашганлиги фанда баҳсли масала бўлиб келмоқда. Бу масала бирмунча мураккаб бўлиб, унинг ечими кўпроқ археологик тадқиқотлар натижасига боғлиқдир.

Шу даврнинг йирик шаҳарларидан яна бири бу – Қошғар шаҳридир. Қошғар шаҳри Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бу шаҳардан Буюк Ипак йўли ўтган эди. Шунинг учун Қошғар давлатнинг катта савдо-тижорат ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. Маҳмуд Кошғарий ушбу шаҳарнинг Орду, Ордукент номлари борлигини ҳам қайд этган[11]. Бу маълумот шаҳарни маъмурий марказ сифатидаги алоҳида ўрни бўлганлигини англатади.

Қарлуқ-Қорахонлар давлатидаги чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва шаҳарларнинг равнақи ўз навбатида савдо-тижорат соҳасини янада ривожлантириб юборди. Бу давлатнинг Шарқий Туркистондан то Хоразмгача бўлган ўлкаларни ўз ҳукми остида бирлаштирганлиги савдо-сотиқ ишларини ривожланишига имкон яратди. Бу борада давлатнинг шимоли-шарқида яшовчи аҳоли билан Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожи жуда аҳамиятли бўлган. Буюк Ипак йўли бу даврнинг ҳам асосий савдо йўли ҳисобланган. Шимолий ва жанубий йўналишларга эга бўлган ушбу савдо йўли Хитойдан бошланиб, Шарқий Туркистон, Фарғона, Тошкент, Зарафшон ҳудудлари ва Бухоро орқали шимолда Волга дарёсининг бўйлари билан Шарқий Европага қадар, жанубда эса Ўрта Шарқ орқали Ўрта

денгизгача борган. Ўз навбатида бу йўлнинг марказий қисми, яъни Шарқий Туркистондан Амударё чегараларигача бўлган ерлар Қарлуқ-Қорахонлар назоратида эди.

Бу ҳудудда энг йирик савдо-тижорат марказлари бўлган Қошғар, Хўжанд, Термиз, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар жойлашган эди. Савдо-сотиқ давлатга жуда катта даромад келтирган. Шу сабабли ҳукмдорлар бу соҳани рағбатлантириб, уни янада ривожланишига ҳомийлик қилишган. Савдо йўлларида тижоратчиларга турли қулайликлар яратиш учун янгидан-янги карвонсаройлар, рабадлар, сардобалар ва бозорлар қурилган. Эскилари эса қайта таъмирланган. Бундан ташқари доимий равишда савдо кўرғазмалари уюштирилиб, энг сара савдо маҳсулотлари намойиш этиб турилган[12].

Умуман олганда, давлатни дастлабки давридаги бундай ижобий ўзгаришлар, унинг кейинги тараққиётида юксак ўрни бўлган. Ҳар бир жамият ҳаётида дин ва эътиқод масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир. Қадимги туркий халқларда ислом динига қадар шаманизм, тотемизм, анимизм каби диний эътиқод турлари мавжуд бўлган. Уларнинг ичида шаманизм барча туркий қабилалар учун умумий дин бўлиб келган. Бу туркий қабилаларнинг ўзаро иттифоқида умумий ғояни шакллантиришда ёрдам берган. Шаманлик динини туркийлар «қам», руҳонийларини эса «тўйин», деб аташган. Чунки шаман сўзи уларда бўлмаган[13].

Ушбу диний тасаввурга кўра осмон тангриси барча қабилалар учун умумий, ягона худо ҳисобланган. Хитой манбаларида келтирилишича туркийларда ҳар бешинчи марта ой чиқишида ва ўша ойнинг ўртасида, ҳоқон ўз яқинлари билан дарё бўйига бориб, Осмон тангриси учун қурбонлик қилишган[14]. Осмон Тангриси, яъни Кўк Тангрига сиғиниш Ўрхун битикларида ҳам қайд этилган: «Аввал юқорида мовий осмон, куйида қора Ер бўлган, улар ўртасида инсон болалари пайдо бўлди», деб Кўк Тангри мадҳ этилган[15]. Кўк Тангрига сиғиниш ва

унга доир турли маросимларни бажариш айрим қабилаларда XIX аср охири - XX аср бошларига қадар турли шаклда давом этганлиги фанда маълумдир[16].

Туркий халқларда Кўк Тангридан ташқари ер ва сув, аждодлар руҳи, қуёш, ҳайвонларга ҳам сиғиниш расм бўлиб келган[17]. Туркий қабилаларнинг ўзаро уюшмасида уюшма таркиби турличалиги боис уларда диний эътиқодлар ҳам қилма-хил бўлган. Ҳар бир уруғ-қабиланинг ўз худоси бўлганки, Турк ҳоқонлигида ва ундан кейинги туркий давлатларда мазкур диний эътиқодларга исломгача бўлган даврда даҳл қилинмаган. Давлат ҳудудида уларнинг барчасига бирдай муомала ва муносабат ўрнатилган эди. Ҳар бир қабиланинг диний эътиқодида ўзига хослик мавжуд бўлса-да, бу борада биз туркий қабилаларни барчасининг маънавий-мафкуравий дунёқарашиди ва тафаккурида умумийликни, ўзаро уйғунликни кузатишимиз мумкин. Эҳтимол шунинг учун, манбаларда мазкур ҳудудларда ислом дини кенг ёйилиб, қатъий қарор топгунга қадар туркий қабилаларда ҳоқимият учун ўзаро курашларда, қабилавий низоларда, дин ва эътиқоддан ғоявий байроқ сифатида фойдаланганлиги хусусида аниқ маълумотни учратмаймиз. Демак, туркийларда дин масаласида умумий қарашлар билан бирга, бағрикенглик туйғуси ҳам кучли бўлган. X аср ўрталарида Еттисув, Исфижоб вилояти, Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида ҳамда Хоразм ва Мовароуннаҳр ўлкаларида ислом дини ва маданияти доимий қарор топди. Ҳудудларда ислом дини ва маданиятига эътибор кучайиб, масжид ва мадрасалар қуриш авж олди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ислом динининг энг йирик маданий марказларига айланди. Мазкур дин сомонийлар ҳукмронлиги даврида анча кенгайиб, Сирдарё бўйлари ва унинг шимолидаги ҳудудларда ҳам тарқала бошланди.

Ўз навбатида бу жараён асосан туркийзабон аҳоли яшайдиган минтақанинг шимолий-шарқий ҳудудларини чулғаб олди. Ушбу



Худудларда ислом динининг кенг миқёсда ёйилиши натижасида Исфижоб, Тароз, Марки ва Кулон каби шаҳарларда сомонийларнинг хайрихоҳлигида масжидлар қурилган[18]. Ислом дини тараққиётнинг табиий жараёни эканлиги ва ушбу ягона диний эътиқоднинг давлат бирлиги ҳамда ривождаги аҳамиятини Қарлуқ-Қорахонлар давлати ҳукмдорлари ҳам чуқур ҳис этишган.

Жумладан, Сатук Қорахон туркий хонларнинг ичида биринчи бўлиб ислом динини қабул қилади ва шундан кейин унинг мусулмонча номи Абулкарим (тўлиқ номи ва унвони Абулкарим Сатук Қорахон) бўлади. Сатук Қорахон даврида қарлуқ, чиғил, халач, яғмо ва бошқа қабилалар бирин-кетин ислом динини қабул қилишди[19]. Биргина 960 йилнинг ўзида 200 минг хонадон, яъни туркий аҳоли ислом динига ўтган эдилар[20].

### ХУЛОСА

Давлат таркибидаги аҳолини бу қадар кенг миқёсда ислом динига ўтиши ижобий жараён эди, албатта. Лекин туркий қабилаларда исломлашиш жараёни бир текисда осон кечмаган. Чунки юқорида тилга олиб ўтилганидек, туркийларда қадимдан ўзлари сиғиниб келган Кўк Тангри ва шомонлик дини уларнинг руҳиятига чуқур сингиб кетган эди. Шунинг учун туркий қабилалар ислом динига ўтиб, унга эътиқод қилишса-да, уларнинг онгида, ўзларининг анъанавий диний дунёқарашининг излари сақланиб қолди. Жумладан, туркий қабилалар исломгача Кўк Тангрига сиғиниб, ўз худоларига «Тангри», дея мурожаат қилишган бўлса, ислом динига ўтганларидан кейин айнан шу «Тангри» атамаси эндиликда Оллоҳга нисбатан қўллана бошланди. Демак, туркий халқларда ислом дини, уларнинг қадимий ўз диний қарашлари ва эътиқоди билан уйғунлашиб кетган эди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Извлечение из «Зайн ал-ахбар». Сочинения. Т. VIII. – М.: Наука, 1973. – С. 24-62; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов ва С.М. Муталибов иштироки ва таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1967 – Б. 397-401; Ибн Хауқал Абу-л Касим Муҳаммад. Китаб сурат ал-арз (Картина земли) // МИСЦАХ-ХІХ вв.– Ташкент, 1988.–С. 18-20; Йакут ал-Хамави. Муджам ал-булдан / Пер. с арабс. О.Б.Фроловой., Б. Вахабовой // МИСЦА Х-ХІХ вв. – Ташкент, 1988. – С. 77-88; Istakhri-Viaeregnum. Degsriptio ditonig moglemikol antore Pbu Ishak abu Farisal // Istakhri BGA. 1870. Т. I. – Р. 299-340; Волин С.Л. Сведения арабских источников IX-X вв. О долине реки Талас и смежных районов // ТИИАЭ. АН КазССР. –Алма-Ата, 1960. Т. 8. – С. 72-92
2. Кораев О. История Караханидского каганата. – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 224-230.
3. Бартольд В.В. Извлечение из «Зайн ал-ахбар». Соч. Т. VIII. – С. 61.
4. Ўша жойда. – Б. 61-62.
5. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – М.: Изд.Вост. лит., Т.ІІ. Ч.1. 1963 – С. 242.
6. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. / Тарж ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан,1960.1-жилд. – Б. 31-32.
7. Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999 – Б. 69.
8. Маҳмуд Кошғарий.Девону луғотит-турк. 1-жилд. – Б. 499.
9. Маҳмуд Кошғарий.Девону луғотит-турк. 1-жилд. –Б. 94 ва 145.
10. Ўша жойда. 1-жилд.–Б. 66.
11. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 1-жилд. –Б. 145, 329.
12. Кораев О. История Караханидского каганата. – С. 231-243.

13. Муҳаммадҷонов А.Р. Ўзбекистон тарихи.–Тошкент: Ўқитувчи, 1994.–Б. 47.
14. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.- Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т.І. – С. 230-231.
15. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар. Б. Ўрдабекли., А. Айритомий.– Тошкент: Фан, 2007. – Б. 87.
16. Ўша жойда. – Б. 87-89.
17. Ўша жойда. –Б. 84-97.
18. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II. Ч. 1. – С. 242.
19. Ўша жойда.
20. Бартольд В.В Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – М.: Наука, 1968. Соч. Т.V. –С. 69-74.

## ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА САВДО-СОТИҚ МУНОСАБАТЛАРИ

НУРУЛЛА НАРЗУЛЛАЕВИЧ ТУРСУНОВ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,  
“ЖАҲОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ” ДОЦЕНТИ

СИРОЖИДДИН БОЗОРОВИЧ ЭШКУРБОНОВ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЯНЧ ДОКТОРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

ХІХ аср охири –ХХ аср бошларида Ўрта Осиё хонликларининг ижтимоий- иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалишида ички, ташқи ва транзит савдонинг йирик марказлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши, Хива, Урганч, Қўқон, Марғилон, Андижон каби шаҳарларнинг тутган ўрни катта бўлган. Ушбу шаҳарларда маҳаллий ҳунармандлар томонидан яратилган кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган ҳар хил маҳсулотлардан тортиб, турли ҳунармандчилик соҳалари учун керак бўлган хом ашёлар, моҳир усталар томонидан ясалган бадиий ҳунармандчилик буюмлари қўшни давлатларга ва атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган моллар билан савдо (айирбош) қилинган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Ўрта Осиё, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, бозорлар.

### КИРИШ

Ўрта Осиё шаҳарларининг савдо марказларига айланишида, бозорларнинг катта ёки кичиклиги, жойлашган ўрни, қандай турдаги маҳсулотларни сотиши ва ихтисослашганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, бўз бозори, тери бозори, от эгар-жабдуқлари бозори, пичоқ бозори, гилам бозори, пахта бозори, сабзавотчилик, боғдорчилик маҳсулотлари бозорлари алоҳида бўлган. А.Вамбери ХІХ асрда Бухоро амирлигида бўлган даврда шаҳар бозорлари ҳақида: “...бозорлари ўзга юртликланинг нигоҳида ундаги халқлар, кийимлар, урф-одатларнинг турли-туманлиги билан кўзни қамаштирадиган манзара намоён бўлади”, –деб айтган эди[14]. Тадқиқотчи

А.Г.Аъзамованинг ёзишича, сўнги ўрта асрлар шаҳарларидаги бозорлар маълум турдаги маҳсулотни сотишга ихтисослашган эди[15].

Шаҳарларда ҳунармандчилик уюшмалари ташкил қилинган бўлиб, бундай ҳунармандчилик марказларини Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Қаршида борлиги ва ўнлаб гузарларни айтиш мумкин[16]. Бу каби гузарларда, асосан, алоҳида ҳунармандчилик тури билан шуғулланувчи ҳунармандлар яшаган ва уларнинг устахоналари ўзлари яшаётган ҳовлиларида жойлашган[17].

Бундан ташқари бозорда ёки савдо расталарига яқин жойда алоҳида дўкон ҳамда устахонасига эга ҳунармандлар

уюшмалари ҳам мавжуд бўлган. Демак савдо-сотиқнинг ривожланишида ҳунармандчилик уюшмаларининг ихтисослашганлиги ва шаҳарларнинг савдо расталарига яқин бўлганлигини кузатиш мумкин. Баъзан эса ҳунармандчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқиши табиий-географик ва сиёсий жараёнларга ҳам боғлиқ бўлган.

Бу ҳақида фикр юритганда, Шарқий Бухоро бекликларида тоғли ҳудудларнинг кўп бўлганлиги ва бекликларни ҳимоя қилишга бўлган талаб натижасида қурол-яроғ ишлаб чиқишга эҳтиёнинг ортиб бориши эди. Натижада қуролсозлик устахоналарида қилич, найза, қалқон, пичоқ, сувлиқ, тақол ва турли хилдаги катта-кичик қуроллар, майда буюмлар ишлаб чиқарилган. Юрчи, Бойсун, Шеробод бекликларида мавжуд темир, тошқўмир рудаларидан фойдаланилган, Бойсун беклигида 25 та руда эритиш печлари бўлиб, унда 50 киши фаолият кўрсатган[18]. Оддий босқон кучи билан тайёрланган меҳнат буюмлари оғир меҳнат эвазига яратилса-да, ташқаридан келтириладиган сифатли қуролсозлик, игнасозлик, михсозлик каби темирчилик буюмлари маҳаллий усталар томонидан тайёрланган меҳнат маҳсулотларини сиқиб чиқара бошлайди[19]. Айниқса, XIX асрнинг 80-йилларидан -XX асрнинг бошларида Туркистонда, яъни Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларида темир йўлларнинг қурилиши натижасида, рус маҳсулотлари учун маҳаллий бозорларга кенг йўл очилади. Кўплаб маҳаллий ҳунармандчилик устахоналари иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолади.

Темир йўл тармоқларининг ўтказилиши билан Россия империясидан Туркистонга, Ўрта Осиё хонликлари ҳудудига темир, чўян, тунука, жез, қалай, пўлат, симоб, аччиқ тош, елим, бўёқлардан анилин, турли-туман тайёр металл буюмлар, шиша буюмлар, тайёр чарм маҳсулотлари, рангли мовут, дори-дармонлар, шакар, қанд ва бошқа маҳсулотлар олиб келинган[20]. Шунингдек, подшо Россияси истилосидан сўнг ҳам Ўрта

Осиё хонликлари шаҳарлари орқали Ҳиндистон, Эрон, Афғонистондан юқори сифатли чинни буюмлар, тўқимачилик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари, зираворлар, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотлар[21] Россия бозорларига ушбу мамлакатлар савдогарлари билан бир қаторда, Бухоро савдогарлари томонидан ҳам етказиб берилган[22]. XIX асрнинг охирига келиб Россиядан Ўрта Осиё шаҳарларига металлнинг олиб келиниши 10 баробарга ва металл буюмлар 2, 3 ҳисса кўпайган[23].

Ҳунармандчилик буюмларини сотишни маҳаллий бозорларда ҳунармандлар, даллоллар ва савдогарлар бажарган. Шаҳар бозорларида ҳунарманд уста, косиб, заргар, темирчилар учун алоҳида махсус расталар ажратилган. Шунингдек, ҳунармандларнинг ўзлари устахона дўконларида ҳам ҳунармандчилик буюмларини сотишган. Россия ҳукуматининг Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги вакилидан ёзма равишда рухсатномаси бўлган савдогарлар маҳаллий бозорларда дўкон очишлари мумкин бўлган[24]. Агар дўкон очмоқчи ва унда молларини сотилишини режалаштираётганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Маҳсулотлар нақд пулга ёки маълум миқдорда товар айирбошлаш билан амалга оширилган.

Ўтроқ аҳоли, яъни чиғатойлар, тоғчилар ҳунармандчиликнинг темирчилик, дурадгорлик, тўқимачилик, тикувчилик, кулолчилик, тегирмончилик, жувозкашлик, каштачилик, дўппидўзлик, этикдўзлик, чармгарлик каби турли соҳалари билан шуғулланган бўлса, ярим ўтроқ аҳоли қўнғиротла, жузлар, манғитлар, саройлар асосан гилам тўқиш, ўтовлар учун керакли анжомлар тайёрлаш билан машғул бўлишган[25]. Ўтроқ аҳоли ва шаҳар атрофида яшовчи ярим ўтроқ аҳоли билан товар айирбошлаш катта миқдордаги ҳунармандчилик буюмларининг қўй, эчки, қорамол каби чорвалар билан биргаликда, тўқимачилик, кўнчилик соҳаларига зарур хом ашёлари- жун, тери ва турли-туман

гиламдўзлик маҳсулотларини ҳам айирбошлаган[26]. Шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли ўзлари етиштирган полиз, сабзавот каби турли-хил деҳқончилик маҳсулотларини ҳунармандчилик маҳсулотларига товар кўринишида айирбошлаганлар[27].

XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарларида солиқларнинг турлари 40 га яқин бўлган. Бундан ташқари ҳунармандлар ва савдогарлардан олинadиган солиқларнинг асосийси даромад солиғи ҳисобланиб, муслмон савдогарлардан ҳар бир раста учун 40 червон чет эл тангасидан бир миқдорда ундирилган бўлса, рус савдогарларидан 12 червонгача ундирилган. Шунингдек, ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан олинadиган даромаднинг 40 / 1 миқдоридаги закот солиғи солинган. Ҳунарманд ва савдогарлардан ундирилган яна бир солиқ тури ўлпон бўлиб, уни тўлаш майда ҳунарманд ва савдогарлар учун жуда оғир бўлган[28].

Бозорларда ҳунарманд ва савдогарларнинг жой пули, чой пули, бозор пули каби тўловлари ҳам бўлган[29].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири-XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик уюшмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган урф-одат ва анъаналарига эга бўлган. Бу эса ҳунарманчилик уюшмаларининг жамиятда патриархал муносабатларининг мустаҳкам сақланганлигидадир. Шунинг учун ҳам кишилар орасида ижтимоий муносабатлар узоқ асрлар давомида ўзгаришсиз келган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой XIX века. Т.1. –Ташкент: Фан, 1966.-268 с.
2. Аъзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо.–Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-53 б.

3. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.–СПб., 1865.–361 с.
4. Зияев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари).–Тошкент, 2000.–230 б.
5. Каримова М. XIX аср иккинчи ярмида Россия товарларининг Ўрта Осиё бозорларини эгаллаши // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар.–Тошкент: Академия, 1998.
6. Каримова М. XIX аср ўрталарида Туркистон ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари.–Тошкент, 2006.
7. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар.–Тошкент: Шарқ, 1998.–208 б.
8. Массон М.Е. К истории черной металлургии Узбекистана.–Т., 1947.
9. Михалиева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине XIX века. (Ремесло, торговля и пошлины).–Ташкент:Фан, 1991.–114 с.
10. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки). –Ташкент: АН УзССР, 1960.–147 с.
11. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.–Тошкент: “Yangi nashr”, 2015.–160 б.
12. ЎзМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 557-иш.
13. Эшкурбонов, С. Б. (2020). Этно-территориальное расположение населения Сурханского оазиса (на примере земледелия). Бюллетень науки и практики, 6(10), 415-421.
14. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии... –С.36.
15. Аъзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар...–Б.40.
16. Сухарева О.А. К истории городов... –С.116.

17. Қадимги Кеш...–Б.172.
18. Массон М.Е. К истории черной металлургии Узбекистана.–Т., 1947.–С.56; Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.–Б.62.
19. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.–Б.62.
20. Зияев Ҳ. Тарих-ўтмиш ва келажак кўзгуси.–Тошкент, 2000.–Б.200.
21. Каримова М. XIX аср ўрталарида Туркистон ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари // Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари.–Тошкент, 2006.–Б.17.
22. Михалиева Г.А. Узбекистан в XVIII-первой половине... –С.73.
23. Каримова М. XIX аср иккинчи ярмида Россия товарларининг Ўрта Осиё бозорларини эгаллаши // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар.–Тошкент: Академия, 1998.–Б.136.
24. ЎзМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 557-иш.
25. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.–Б.61-62.
26. Дала ёзувлари, 2020 йил. Сурхондарё вилояти Шеробод, Денов, Бойсун туманлари, Қашқадарё вилояти Қарши, Косон, Шаҳрисабз туманлари.
27. Эшкурбонов, С. Б. (2020). Этно-территориальное расположение населения Сурханского оазиса (на примере земледелия). Бюллетень науки и практики, 6(10), 415-421.
28. Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений... –С.165.
29. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар.–Тошкент: Шарқ, 1998.–Б.185.

## ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАРИХИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Тўлқин дўстбобоевич худойқулов

ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ,

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ ДОЦЕНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ўзбек давлатчилиги тарихини илмий тадқиқ этиш, унга ҳаққоний баҳо бериш ва тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун XX асрнинг охирига келиб жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон тарихини, хусусан ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишнинг нақадар муҳимлиги Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан шундай изоҳланган эди: «Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи-назардан асосланган тарихини яратишдир»[1].

### КИРИШ

Шу боис ҳам, сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалаларини ўрганишда аниқ ва ҳаққоний тарихий ёндашув масаласи муҳим бўлиб бормоқда. Зеро, ҳар қайси халқ миллий қадриятларини, ўз мақсад–муаммолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади[2]. Айниқса, ўзбек давлатчилиги, унинг тарихий тараққиёт босқичларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарихий манбалардаги маълумотларни илмий муомалага киритиш

мақсадида тадқиқотлар олиб бориш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўрта Осиё хонликлари давлат бошқаруви тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборидаги масалалардан бири сифатида тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳозирги кунгача хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта бўлиб, кейинги икки аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар, айрим вақтларда тарихий жараёнлар ва тарихий воқеликни объектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Бу эса хонликлар

тарихини тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда XIX асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келатган ўзбек хонликлари тарихининг ўрганилишини мавжуд илмий тадқиқотларнинг йўналиши, давр ва бошқа хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлиб кўриб чиқиш талаб этилади.

Ўрта Осиё хонликлари давлат бошқаруви тарихини тарихшунослик нуқтаи-назаридан даврлаштиришнинг қуйидагича анъанасини тарих тадқиқотларида асосий қилиб олинганлигини деярли барча тадқиқотларда кузатиш мумкин, унга кўра: биринчигуруҳга Россия империяси ҳукмронлиги даврида ёзилганасарлар, иккинчигуруҳга совет даврида яратилган тадқиқотлар, учинчигуруҳга мустақиллик даврида ёзилган асарлар ва тўртинчигуруҳга хориж олимлари қаламига мансуб адабиётлар жумласини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тарихшуносликнинг бу тарздаги даврлаштирилиши натижасида аксарият ҳолларда ҳар бир даврга умумий тарзда ёндашилган ва айни вақтда тарихий асарлар ва тарихий воқеаларнинг таҳлили амалга оширилган. Бироқ тарихий асарлар ва уларда воқеаларнинг ёритилишига бўлган муносабатнинг хусусиятларига қараб бу даврларнинг ҳар бирини алоҳида яна кичик даврларга ёки гуруҳларга ажратиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XIX аср – XX асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳлари томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради. Уларни мансублигига қараб икки қисмга, яъни ўзбек хонликларидаги тарихнавислик мактаби муаррихлари ва Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихчилари берган маълумотларга ажратиш мумкин.

Шу гуруҳга мансуб XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида рус тилида ёзилган Ф.Назаров, Г.Потанин, Н.Северцов, Е.Веселовский, М.Венюков, А.Семенов, А.З. Валидий (Тўфон), Ч.Валихонов,

В.Вельяминов-Зернов, А.Гейнс, В.Григорьев, М.Галкин, А.Зимин, А.Макшеев, Н.Малицкий, А.Мидендорф, В.Наливкин, Н.Павлов, Н.Петровский, Н.Пантусов, М.Терентьев ва бошқаларнинг ишларида хонликнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг халқаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар берилган[3].

Юқорида номлари кетирилган муаллифлар ичида ҳарбийлар, сайёҳ ва географлар, маҳаллий маъмурлар ҳамда олимларни кўриш мумкин. Биринчи гуруҳ адабиётларининг бу жиҳати мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихчилари томонидан яратилган илмий адабиётлардакўрсатиб ўтилди.

Совет даврида ҳам мазкур мавзуга оид қатор илмий адабиётлар яратилди, ана шулариккинчи гуруҳни ташкил қилади. Бироқ, уларнинг асосий қисмида хонлик тарихи, ундаги сиёсий – иқтисодий ва маданий жараёнлар шу даврдаги ҳукмрон марк்சча-ленинча мафкура ғоялари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Энг асосийси, Россия империясининг босқинчилик сиёсати бир ёқлама, ноҳолис таҳлил қилинган. Бунга асосий сабаб бу даврда тарихий ҳақиқатни билишга рағбат кўрсатилмаган, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланган, тарихий шахслар ҳақида фақат субъектив фикрлар айтилган ёки улар ҳақида ҳеч нарса гапирилмаганлигидир. Бу ҳолат иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумотлар ва хулосаларга ҳам танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш ва таҳлил этишни тақозо этади.

Будавр тадқиқотлари орасидан Ф.Озодаев, А.Аминов, Н.Ақромов, Е.Бунаков, С.Жалилов, Х.Иноятлов, П.Иванов, М.Кутлугов, Н.Халфин, В.Плоских, Ҳ.Зиёев, Е. Ҳожиёв, Л.Мирзаева, Р.Набиев[4]ларнинг, шу билан бирга, қозоғистонлик ва қирғизистонлик олимлар Е.Бекмаханов, Р.Бекназаров, Т.Бейсембиев, А.Ҳасановларнинг ишлари диққатга сазовордир ва уларнинг асарларида хонлик



тарихининг баъзи томонлари самарали ўрганилди[5].

Олимлардан Р.Набиев, Е.Бекмаханов, Т.Бейсембиев, Х.Иноят, П.Иванов, Ҳ.Зиёевнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Р.Набиевнинг тадқиқоти бевосита Қўқон хонлиги тарихи, унинг хўжалик ҳаётига бағишланган бўлиб, унинг аҳамияти беқиёсдир[6]. Олимнинг «Из истории Кокандского ханства. Феодалное хозяйство Худаярхана» номли асари бугунги кунгача мукамал даражада ишланган фундаментал тадқиқот сифатидан ажралиб туради. Мазкур асар архив ва маҳаллий манбалар маълумотлари асосида яратилган. Унда кўтарилган кўпгина мавзулар ва баъзи масалаларнинг таҳлили ҳозирги кунгача ўзининг долзарблигини йўқотмаган[7]. Р.Набиев ўз тадқиқотларида Санкт-Петербургдаги Салтыков-Щедрин кутубхонаси, Қозон университети, Оренбург, Уфа, Астрахан архивлари, Ўзбекистон Марказий давлат архивидаги маълумотлардан фойдаланган, уларни илмий муомалага киритган. Ушбу асарлардан тегишли хулосалар чиқариш асосида, Ўзбекистон тарихининг ҳаққонийлигини таъминлаб берадиган жиҳатларини танлаб олиб, уларни давом эттириш ҳамда ижодий имкониятларни очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи гуруҳни Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган Қўқон хонлигининг тарихига оид туркум адабиётлар ташкил этиб, хонликнинг XIX асрдаги ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий аҳволи, маданий ҳаётининг айрим жиҳатларини илмий холислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган олимлардан Ҳ.Зиёев, Ғ.Аҳмаджонов, Ҳ.Ғуломов, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев, Ш.Юсупов, Д.Зиёевларни айтиб ўтиш лозим[8].

Хонликларнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти, иқтисодий аҳволи, маданияти каби баъзи масалалар бир қатор диссертацияларда қисман ёритилган. Бундай тадқиқотлардан

В.Ишқуватов, З.Илҳомов, Л.Турдалиев, М.Жабборов, Н.Алимова, Ш.Отахонов, М.Абдурахмонов, О.Пуговкина, У.Абдуллаев, Б.Турсунов, Ў.Султонов, Ш.Маҳмудовларнинг

## ХУЛОСА

диссертацияларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, Қўқон хонлигига тегишли Жанубий Қозоғистондаги мулкларнинг ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги баъзи жиҳатлари XXI асрнинг бошларида Қозоғистонлик олимлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

Тўртинчи гуруҳ хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини М.Олдворт[9], Б.Манс[10], Ю.Брегель[11], С.Ливай[12] Л.Нейби ва бошқаларнинг асарлари ташкил қилади[13]. Мазкур олимлардан С.Ливай Буюк ипак йўли доирасида Фарғона водийсининг жаҳон тарихида тутган ўрни, унинг 1709-йилдан 1822-йилгача бўлган даврдаги тарихини ўрганган. Л. Нейби томонидан Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи, жумладан, унинг Норбутабий давридан – 1860 йилгача бўлган давлат бошқаруви масалалари таҳлил қилинган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб ва мавзу тарихшунослиги таҳлиliga асосланиб айтиш мумкинки, ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини тадқиқ этиш бугунги кунга қадар тўлиқ илмий муомалага кирмаган. Бундан кўринадики, ўзбек хонликлари тарихи ва тарихшунослиги масалаларида бир қатор масалалар борки, улар илмий тадқиқотлар нуқтаи назаридан ўз дорзарблиги йўқотмаган ва бу борада доимий илмий изланишларни амалга ошириб борилишини тақозо этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 12.

2. Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 97.
3. Веселовский Н.И. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. – Санкт-Петербург, 1884. – С. 23; Венюков.М.Н. Поступательное движение России в Средней Азии // Сборник Государственных знаний. Т. Ш – Санкт-Петербург, 1877. – С. 32; Семенов А.Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле, о промышленности с половины XVII-го столетия по 1858 г. Ч. 1-3. – Санкт-Петербург, 1859. – С. 30.
4. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. – Ташкент:Изд-во Ан УзССР, 1959. – 242 с.
5. Қаранг:Бекмаханов Р.К. К истории взаимоотношений казахов со среднеазиатскими ханствами // Большевик Казахстана. – Алма-Ата, 1947. – № 3. – С. 5-10.
6. Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр-хана.) – Ташкент: Фан, 1973. – 388 с.
7. Ўшадавр тарихчиларнинг гувоҳликбе ришларича (жумладан, Азизхон Қаяумов, Ҳ. Бобобеков, Ш. Воҳидов) тоталитар тузум даврида Р.Н. Набиевнинг мазкур асари нашрдан чиқиши биланоқ тарқатилишдан тўхтатилган. Асар асосан «қайта қуриш» даврида, аниқроғи 1987 йилда сотувга чиқарилиб, кутубхоналарга тарқатилди.
8. Жумладан: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 463. ва бошқ.
9. Holdwort M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – 350 p.
10. Central Asia in historical perspective. /Ed. By Beatrice Mans. – Oxford: West viw press, 1994. –123p.
11. Bregel Y. Khoqand Khanate. / The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world. J.L.Esposito (ed.). Vol.2. — Oxford, 1995. – P. 430-431. Шумуаллиф, Bibliography of Islamic Sentral Asia. – Indiana, 1995. – P. I. – P.1-712; – P. III. – P.1892 – 2049.
12. Scott C. Levi. The Fergana Valey at the Crossroads of Word History: The Rise of Khoqand. 1709-1822 //Journal of global History. – 2007. – Vol. 2. – № 2. – P.12-23.
13. Newby L. J. The Empire and the khanate: A political history of Qing relations with Khoqand. 1760-1860. – Leiden, 2005. –180p.

## ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

ХУДОЙБЕРДИ ДИЛМУРОДОВИЧ ХАКНАЗАРОВ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ДОЦЕНТИ, ТАРИХ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий фаровонлик, аҳолининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий суверенитет, мамлакат яхлитлигини мустаҳкамлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳарбий ислохотлар, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни янада чуқурроқ таъминлашга қаратилган барча таълим-тарбиявий тадбирлар ҳарбий соҳада мунтазам изланишлар олиб боришга туртки бўлади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияни ишлаб чиқиш, унда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган илм-фан, технологик ва инновацион тараққиёт асосларини белгилаш вазифасининг қўйилганлиги фанда янги йўналишларни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги кузатилмоқда [1].

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Тарихий тадқиқотлар, кундалик ҳаёт, кундалик турмуш тарзи.

### КИРИШ

Кундалик ҳаёт масаласи тарихий контекстда ўрганилаётганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлсада, тарихий тадқиқотларнинг муҳим объекти сифатида амалий аҳамият касб этаётганлиги учун тадқиқот доираси кенгайиб бормоқда.

Одатда «кундалик ҳаёт», «кундалик турмуш тарзи» иборалари синоним шаклида ишлатилиб, мунтазам, одатий тартибда амалга ошириладиган фаолият, инсон ҳаётининг алоҳида соҳаси эканлиги билан характерланади. Бунда истеъмол, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, урф-одатлар, хулқ атвор ва бошқалар билан

боғлиқ хусусиятларни инобатга олиш лозим. Бунда кундалик ҳаёт бир қатор феноменлар – одатий иш фаолияти, хулқ-атвор мезонлари, касбий ва оилавий муаммоларни ҳал этиш техникаси ва бошқа бир қатор омиллардан иборат бўлишини қайд этиш лозим. А.Шюц кундалик турмуш тарзининг 6 белгисини алоҳида эътироф этган бўлиб, булар – доимий меҳнат фаолияти, жамиятда ўрнатилган табиий мезонлар, ҳаётга бўлган муносабат, муайян вақт тушунчаси, шахсий дунёқараш ва тақлидий муносабатлар тизимини ташкил этади [10, 129–137].

Ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганиш ҳам тарихий тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб, бугунги кунга келиб соҳани очиқ материаллар асосида тадқиқ этиш дунё амалиётида анча ривожланган.

Тарихий тадқиқотлар мавзуси сифатида “ҳарбий кундалик ҳаёт” нима ва уни қандай ўрганиш керак? Тадқиқотнинг ушбу соҳаси кундалик ҳаётни тарихий тадқиққилишнинг умумий қонуниятларига бўйсунди, гарчи у ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, дастлаб жамиятнинг, мамлакатнинг ва одамларнинг қуролли можаролар ва айниқса кенг кўламли урушлар ҳолатида белгиланган.

Бунда оддий кунда амалга ошириладиган кундалик ишлардан тортиб, бўш вақтдан фойдаланиш маданияти, қизиқиш даражалари ва келажак режалари, кундалик ҳарбий ҳаётга доимий ижтимоийлашувда таъсир кўрсатадаган омиллар (оила, маҳалла, меҳнат жамоаси, жамоатчилик, ОАВ ва бошқалар) ни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолатларнинг хилма-хиллиги ва таъсир даражаси тегишли тарихий даврлардаги юз берганлиги билан изоҳланади. Фикримизча айнан ҳарбий кундалик ҳаёт “ҳарбий маданият”, “ҳарбий анъана”, “ҳарбий турмуш тарзи”, “ҳарбий қадриятлар”ни вужудга келтирувчи майдон ҳисобланади. Бир қарашда тизимда кундалик ҳаёт олдиндан белгиланган режа асосида амалга ошадигандай туюлсада, умумий талаблардан ташқари соҳанинг ҳар бир масаласига индивидуал ёндашувнинг мавжудлиги хилма-хилликни келтириб чиқаради. Мазкур контекстда кундалик ҳаётдаги “ҳарбий маданият” (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий, бўш вақтдан фойдаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот ва муомала, ўзаро “ишонч ва содиқлик”, ўз-ўзини англаш, технологик ва бошқалар) вужудга келиб, тизимда фаолият олиб борадиган барча бўлинма ва қисмларнинг ҳарбийлари нафақат жараёнга бевосита ҳисса қўшадилар, балки унинг хилма-хиллигини бойитишга хизмат қиладилар.

Тарихдан маълумки, ҳарбийлар кундалик ҳаётида ҳарбий анъаналар алоҳида ўрин тутиб, ҳаттоки, умумий қабул қиладиган қоидаларда ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёндашув мавжуд. Бундан ташқари айрим ҳолларда гуманистик факторлар ҳам мавжудки, мазкур ҳолат кундалик ҳаётдаги ҳарбий фаолиятнинг жамиятдаги айна кўрсаткичлари билан белгиланади. Яъни, тинчлик ёки уруш ҳолатларига кўра кундалик ҳаёт мезонлари у ёки бу даражада ўзгариши мумкин.

Ҳарбийлар кундалик ҳаётини ўрганишда қуйидаги мезонлар орқали тушуниш мақсадга мувофиқ:

- бир кун ёки бир-икки кунда амалга ошириладиган ишлар. Режа асосида амалга оширилади. Бажарилиши нуқтаи назаридан яқин кунларда амалга ошириладиган ишларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ;

- йил давомида амалга ошириладиган ишларнинг кундалик аҳамиятга эгали жиҳатидан, бунда кун тартибидаги умумий ишлардан ташқари барча соҳалар бўйича тузиладиган йиллик режаларнинг кундалик кесимидаги ижроси назарда тутилади;

- истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган ишларнинг кундалик ҳаётдаги бажарилиш даражаси, масалан оила қуришга тайёргарлик, илмий-тадқиқот ишини бажариш ва ҳимоя қилиш (бунинг учун кундалик равишда бажариладиган ишлар – мақола ёзиш ва бошқалар, талабни бажариш учун).


Ҳарбийларда анъаналар хусусиятларини ўрганишда бир томондан ҳарбийларнинг урф-одат ва анъаналарга муносабати инобатга олинса, иккинчи тарафдан эса соҳага бевосита оид бўлган ҳарбий анъаналар ташкил этади. Бу борада амалга оширилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосаларга келишга ёрдам беради.

Ҳарбий жамоалар фаолият юритиш жараёнида кўплаб хусусиятлар, айниқса ўзининг ахлоқий сифат тавсифи: ахлоқий-руҳий муҳити, жипслик, жамоавий жанговор

маҳорат, интизом даражаси, фаолиятдаги ютуқ ва натижалар ҳолати билан ўхшашлик ҳамда фарқланишларга эгадир [5, 219]. Ҳарбий тадқиқотчи Н.Бародин, “Ҳарбий анъана тушунчаси остида армияда ҳарбий хизмат жараёни жанговор вазибаларни бажариш, шахсий таркибни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши

билан боғлиқ бўлган, тарихан шаклланган, авлоддан-авлодга ўтувчи ғоя, қоида, урф-одат, хулқ-атвор меъёрларини англаш лозим”лигини таъкидлаб, унинг ҳарбий фаолиятнинг асосий уч соҳасини қамраб олишни кўрсатиб ўтади [4, 59-60].

### ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРДА ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР



Э.Расулев фикрича “Анъаналар нафақат хулқ-атвор меъёри, балки ҳарбий хизматда ижтимоий аҳамиятли ҳодисалар моҳиятини акс эттириш воситаси, ҳарбий тафаккур шакли ҳамдир” [7, 50-52].

Амир Темур даврида ҳам қўшинлар ҳарбий қудратини сақлаб туришда ҳарбий анъаналарнинг ўрнига эътибор қаратилган бўлиб, жанговор ҳаракатлар пайтида хизмат кўрсатган жангчиларга мукофотлар – мақтов, маошга қўшимча ҳақ тўлаш, ўлжани бўлишда улушини ошириш, юқори мансабга кўтариш, фахрий унвонларни бериш, баҳодир, мард, ботир ва бошқа номлар қўйиш, бутун қўшин қисмига нисбатан эса ноғора чалиб шарафлаш, байроқ, туғ бериш каби рағбатлантирувчи анъаналарни жорий этган [3, 42].

Р.Самаров, бугунги кунда ҳарий хизматчилар ҳаётидаги ҳарбий анъаналар: қасамёд қабул қилиш, янги лавозимга тайинланиш (ўзини таништириш),

навбатдаги унвонни олиш, ҳарбий қисм куни, касбий байрамлар (артиллериячилар, алоқачилар, разведкачилар куни) ҳарбий хизматчилар хизмат муносабатлари, жамоадаги ўзаро жипслик, аҳиллик, ўзаро ёрдам ахлоқий-руҳий муҳитнинг ижобийлашувига таъсир кўрсатишини таъкидлаган [8, 80].

Ҳарбий анъаналарнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, вафот этган аскарлар ва уларнинг оила аъзолари алоҳида ҳимояга олинган бўлиб ундан бир қатор мақсадлар кўзланган. Аввало вафот этган аскар оила аъзоларини кейинчалик қўллаб қувватлаш, оиланинг бевоита аъзоси ва яқинларини ўнинг ўрнига хизматга олиш зарурати бўлса, бошқа томондан у ҳақда кўпроқ ахборот олиш ва уни сақлаш орқали келгуси авлодга ўрнатилган кўрсатиш, қўшимча равишда доимий равишда эътиборда бўлишини, қаҳрамон даражасига кўтаришдан иборат эди. Масалан, Қўқон

хонлигида ҳалок бўлган аскарлар “хон китоби”га киритилганлар, уларнинг ўринлари фарзандлари ва яқин қариндошларига берилган [10]. Бу ҳақда “Тарихи Туркистон” асарида “... ҳамма улуғ кичикни хурсанд ва сарафроз қилиб, урушда вафот топганларни рўйхат қилиб, оларни мансабига хоҳ улуғ ва хоҳ кичик бўлсин фарзандларини тайин айлаб, дафтари подшоҳликка ёздурбдурлар” – деган сўзлар битилган [2].

Мамлакат аскарлари кундалик турмушига оид айрим манбаларда қайд этилишича, Қўқон шаҳридан бошқа ерларда аскарлар учун махсус умумий ётоқхона бўлмаган. Фақат ҳарбий қалъалар бундан мустасно эди холос. Уларда ҳам аскарлар ётоқхонаси бўлиб, бу ётоқхоналар оилали аскарлар учун мўлжалланмаган эди. Фақат баъзи қалъаларда оилали аскарлар учун махсус уй-жойлар барпо этилган. Чегара ҳудудларига қурилган қўрғонларда аскарлар учун ажратилган кичик ер майдонларига ишлов бериш билан ҳам шуғулланганлар. Қўшин таъминоти унча яхши йўлга қўйилмагин боис, қуйи даражадаги аскарлар хизматдан бўш вақтларида майда ҳунармандчилик ва савдо билан ҳам шуғулланишган [ 6, 14].

### **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида, кундалик ҳаётни ҳарбий аспектларда ўрганиш тарихий тадқиқотларнинг алоҳида қисмини ташкил этиши лозимлигини таъкидлаш ўринли. Чунки ҳарбийларнинг тинч ва уруш давридаги кундалик ҳаётини ўрганиш зарурияти мавжуд бўлиб, маълум тарихий ҳақиқатларни англаш билан бирга бугунги кунда соҳа ходимлари амалга оширишлари лозим бўлган хизмат вазифалари белгилашда ёрдам бериши мумкин. Бу борада тарихий тадқиқотларда “ҳарбий кундалик ҳаёт” тушунчасининг тегишли тармоқлари (этикет, кийиниш ва овқатланиш, тиббий, бўш вақтдан фойдаланиш, виртуал маданият, интизом маданияти, мулоқот ва муомала, ўзаро

“ишонч ва содиқлик”, ўз-ўзини англаш, технологик маданият) га доир илмий изланишларни янада жадаллаштириш соҳа тадқиқотчилари олдида турган энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бой тарихимизга муносиб буюк келажакимизни барпо этадиган замон келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олимлар кўчасидаги илмий тадқиқот институтларига ташрифидаги нутқи. Халқ сўзи. 2020 йил 1 февраль.
2. Андреев Г. Тарихи Туркестан. // Туркестанские ведомости. 1916. № 11.
3. Ахмедов Н.А., Тилавов А.Т. Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт. – Самарқанд. СамДУ. 1993. – Б. 42.
4. Бародин Н. Традиции и воинские ритуалы в Вооруженных Силах Российской Федерации // Ориентир. – Москва, 2005. - №6, - С. 59-60.
5. Головин Н.Н. Исследование деятельности и свойства человека как бойца. – СПб, 1997. – С. 219.
6. Зиёева Д.Ҳ. XIX аср охири – XX аср бошларид а Ўрта Осиёда ҳарбий ишлар тарихидан // Ўзбекистон тарихи.– 2002. - № 4. Б. 14.
7. Расулев Э.Х. Проблема патриотизма и патриотическая воспитания. // Проблемы духовно-нравственного и патриотического воспитания военнослужащих и пути их решения. Материалы научно-практической конференции. Ташкент. Академия. – 2001, - С. 50-52.
8. Самаров Р.С. Қуроллик кучлар феминизациялашувининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. – Тошкент. Зиё. 2005.- Б. 80.
9. Шюц А. Структура повседневного мышления. // Социологические исследования. 1988. № 2. С. 129–137.

10. ЎзР МДА. И – 1043 – йиғма жилд, 1 –  
рўйхат, 2046 – иш

## СОҲИБҚИРОННИНГ ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИ

ФАЙЗУЛЛО НАРЗИЕВИЧ ШАРИПОВ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЎҚИТУВЧИСИ

МАҲМАДОЛИЕВ АҲАДУЛЛО ИСМАТ ЎҒЛИ  
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАСИ

### АННОТАЦИЯ

Амир Темур марказлашган давлатга асос солиб, салтанатнинг иқтисодиёти ва молия тизимини мустаҳкамлади. Давлатнинг бошида бош ҳукмдор-Амир Темур турган бўлса, ундан кейин иккинчи бўлиб молия девони турар эди.

Амир Темур ўз “Тузуклар”ида ҳар қандай давлат учун иқтисодиёт устуворлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб: “...Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, (подшо) хазина ва лашкар билан тикдир”[1] деб таъкидлайди.

Амир Темур давлатнинг мустақил молия сиёсатини такомиллаштириш учун ўз давлати таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усуллари жорий этди[2].

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Хазина, харажатлар, Амир Темур, сиёсий ва иқтисодий қудрати, иқтисодий юксалиш.

### КИРИШ

Давлат ихтиёридаги хазина икки фонддан таркиб топган. Биринчиси-асосий хазина бўлиб, бунда узоқ йиллар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган дурдоналар сақланар эди. Иккинчи фонд жорий харажатлар учун мўлжалланган, бунинг учун маблағ етишмаганда биринчи фонддан “қарз” олинар эди. Йиллар давомида хазинанинг аҳволи ўзгариб турган, баъзан тақчиллик сезилиб, уни тўлдириш учун қўшимча солиқ ва йиғимлар чиқарилган.

Амир Темурнинг ўзи тузган салтанатда юритган иқтисодий сиёсати, айниқса, пул-молия тизимини ривожлантириши мамлакатнинг иқтисодий юксалишига кучли таъсир қилар эди. Шунинг учун бу давлат

ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига, ички бозор ҳамда ташқи дунё билан савдо-сотиқнинг ўсишига ҳам кучли таъсир кўрсатган энг асосий омиллардан бирига айланганди.

Амир Темур даврида зарб қилинган барча тангапуллар энг асосий тўлов воситаси сифатида давлатнинг ички ва ташқи савдо алоқаларида қўлланадиган ягона пул бирлиги (валюта) бўлганлиги учун ҳам бу пуллар Амир Темур давлатининг халқаро сиёсий ва иқтисодий қудратини оширишга ва мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Амир Темур давлатининг танга пуллари талаб ва эҳтиёж кучли бўлганлиги учун ҳам бу пуллар нафақат Мовароуннаҳрдаги марказий шаҳарларда, балки Хуросон, Эрон,



Ироқ ва Озарбойжон ҳудудларида, чунончи, Астробод, Астора (Ашпара), Баку, Басра, Бағдод, Бамиён, Дамғон, Дарбанд, Язд, Исфаҳон, Қарши, Кашон, Кермон, Қум, Мордин, Маҳмудобод, Машҳад, Сава, Самарқанд, Султония, Табриз, Хоразм, Шабанкар, Широз, Шемаха, Шайх Абу Ишоқ. Ҳирот ва бошқа 40 га яқин шаҳарларда ҳам зарбқилинган.

Ёзма манбаларда биз юқорида тилга олган ҳудудлардаги шаҳарлардан бошқа Ҳиндистон, Туркия, Миср ва Шом подшоҳлари ҳам Амир Темур номи билан тилла, кумуш тангалар зарб қилганлиги маълум. Масалан, Ибн Арабшоҳ ўзининг “Амир Темур тарихи” асарида “Турк султони Боязиднинг устидан ғалаба қилгандан сўнг унинг ўғилларидан Рум подшоҳларидан бири Исфандиёр (Амир) Темур ҳузурига келиб, Амир Темурга итоат изҳор этди. Темур уни севинч билан қарши олиб, Исфандиёрни Румдаги ўз мартабасида барқарор этди ва унга ўз теварак атрофдаги амирларга Маҳмудхонва улуғ Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишларини амр этди”[3]-деб ёзса, Шарафуддин Али Йаздий “Зафарнома”да: “Амир Темур Турк султони устидан ғалаба қилгандан сўнг ўз элчиларини шу даврдаги Миср ва Шом подшоҳи Барқуқнинг ўғли Малик Носирга жўнатди. Малик Носир Амир Соҳибқиронга муҳолифат бўлиш мумкин эмаслигини англаб, ўз тақдирининг омонлигини тилаб, Амир Темур номига хутба ўқитиб тангалар зарб қилди”-деб қайд этади[4].

Амир Темур ўзи қурган жуда катта давлатнинг пул-молия ишларини бир марказдан туриб бошқариш қийинлигини тушунганлиги учун ҳам ерли ҳокимиятларга марказий ҳокимиятни эътироф қилган ҳолда, ўз номи билан пуллар зарб қилишга ижозат берган эди.

Кимки Амир Темур номи билан эмас ўз номи билан тангалар зарб қилса, ундай шахслар қатъий жазоланган. Масалан, “Форс ва Ироқда 1392 йиллари ҳукмронлик қилган Музаффар ва Султон Аҳмадлар ўз номи

ёзилган тангалар зарб қилганидан дарғазаб бўлган Амир Темур уларни тутиб, бутун моллари ва хазинасини мусодара қилиб, 1393 йили Форсни шаҳзода Умаршайх Мирзога берди”.

Танга пулларнинг давлат белгилаб берган андоза (стандарт) бўйича, олтин, кумушнинг софлиги ва вазнига алоҳида эътибор берган ҳолда зарб қилиниши давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб турилар эди. Айни чоғда бу тангалардаги маҳаллий безакларнинг ўзига хос нафислиги сақланиб қолган бўлиб, Ҳирот Машҳад, Исфаҳон, Табриз ва Бағдодда зарб қилинган тангаларда бу хусусият яққол кўзга ташланади.

Амир Темур ўзининг биринчи танга пулларини 1372-73 йиллари Чигатой хонларининг андозаси бўйича зарб қилган бўлса ҳам, лекин 1380 йилларга келиб пул ислоҳоти олиб борилиши натижасида янги шаклдаги пулларни ўз номи билан зарб қилдирди.

Эски танга пулларни эса хазинага қайтариб олиб, уларни эритган. Янги андозадаги танга пулларни зарб қилганлиги учун ҳам унинг биринчи чиқарган пуллари турли жойларда топилган дафина (хазина)ларда жуда кам учрайди.

Амир Темур давлатида 1380 йиллари Самарқанд ва Хоразмда онда-сонда олтин тангалар зарб қилинган бўлса ҳам, бу тангалар бутун дунёдаги нумизматика коллекционерлари учун камёб нодир танга ҳисобланади.

Амир Темур кушум танга пулларининг қадр-қиммати шунча баланд бўлганки, 1403 йили Амир Темур салтанатини зиёрат қилгани келган Кастилия (Испания) элчиси Рюи Гонсалес де Клавихоннинг ёзишича: “Бу юрт (Самарқанд) дон-дун, мой, мева-чева, куш гўшти, ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бой мамлакатдир. Қўйлари катта думбали, жуда йирик қўйлар. Думбаси одам кўлида зўрға кўтарадиган даражада оғир-ярим пуд, яъни саккиз-ўн килограмм келадиган қўйлар бор. Бундай сердумба қўйлар шу қадар кўп ва арзон эдики,

шоҳлашқари Самарқандга йиғилиб келган кезларда бундай қўйлар бир жуфти бир дукат (яъни тахминан 10 танга) турарди. Бошқа моллар ҳам шу қадар арзон эдики, бир ярим қоп арпанинг баҳоси ярим реал (яъни тахминан бир мири) эди”[5].

Амир Темур ўзи бевосита Чингизхон авлодидан бўлмагани учун ўзини “Амир” деб атайди. 1372 йилдан 1388 йилга қадар қўғирчоқ хон Суюрғатмиш, ундан кейин эса унинг ўғли Маҳмудхон номидан иш юритади. Манбаларда “Суюрғатмиш вафотидан сўнг Амир Темур Соҳибқирон нўёнлар, амирлар ва давлат арконлари билан ўтказилаётган қурултойдабуборадабаҳсвамашваратқилиб, салтанаттахтига унинг лаёқати ўғлиСултонМаҳмудниўтиргиздиваунигноми вадуоси билан тангалар зарб қидирди”,- деб ёзади. Бу тангаларга эса Амир Темур Маҳмудхон номи билан бирга, ўз номини қўшиб зарб қилдирди”[6].

Тангаларасосанкумушданзарбэтилганбўлиб, оғирлик вазни 6 граммни ташкил қилган бўса, у танга деб аталган. Танганинг тўртдан бирига тўғри келадиган 1,5 граммлик кумуш пуллар эса “Амир” сўзидан “мири” деб юритилган[7].

Амир Темур вафотидан сўнг унинг набираси Мирзо Улуғбек 1428 йилда аҳолини ички чакана савдо муносабатларига кенгроқ жалб этиш мақсадида енгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чақа пулларни ман этди. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майда мис пулларига бўлган талабини қондириш учун бир вақтнинг ўзида у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳруҳия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб этириб муомалага чиқарди[8].

### ХУЛОСА

Амир Темурнинг давлат молиясини ривожлантиришга қаратилган хизматлари кўп қирралидир. Биринчидан, у давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқинчиларга қарамлигини узил-кесил тугатди, мустақил

давлат молиясини яратди. Иккинчидан, марказлаштирилган давлат таркибига кирган 27 мамлакат молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий қилди. Учинчидан, Қуръон талабларини ўзида ифода қилувчи шариат тавсиялари асосида қурилган солиқ тизимини шакллантирди. Тўртинчидан, давлат хазинаси ресурсларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини қайтадан ташкил қилиб, марказнинг маҳаллий улуслар, туманлар билан муносабатларига аниқлик киритди. Бешинчидан, Европада биринчи бюджет тузилганга қадар (XVII-XVIII асрлар) биринчилардан бўлиб шарқда бюджетнинг дастлабки куртакларининг шаклланишига амалий жиҳатдан ёрдам берди[9].

Хуллас, Амир Темур ва Темурийлар даврида давлат молияси соҳасида олиб борилган тадбирлар натижасида марказлашган давлатиқтисодий жиҳатдан анча юксалиб, жаҳонга машҳур бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Темур тузуклари. -Т.: “Ўзбекистон”, 2014. Б. 109.
2. Тўхтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати.- Т.: “Ўзбекистон”, 2006. Б.32.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.1-китоб,-Т.:”Меҳнат”, 1992. Б. 278.
4. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома.-Т.: ”Шарқ”, 1997. Б. 271.
5. Рюи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга- Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). -Т.:”Ўзбекистон”, 2010. Б. 199.
6. Низомиддин Шомий. Зафарнома.- Т.:”Ўзбекистон”,1996. Б. 150.
7. Давидович Е.А..О происхождении и значении термина мири в денежном хозяйстве Средней Азии XV-началоXX вв.В сб.:История и

- культура народов Средней Азии.-М.: 1976.Б. 125.
8. Муҳаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. –Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1994. Б.113. Б. 113.
  9. Собиров Ҳ. Ўзбекистонда давлат молияси тарихи.-Т.: 2002. Б. 32.
  10. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  11. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  12. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  13. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  14. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  15. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  16. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ХІХАСР ОХИРИ ХХАСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

ХИЛОЛА АБДУШУКУР ҚИЗИ НОРМАМАТОВА  
ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛТЕТИ МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Бухоро хонлиги бошқаруви манғитлар сулоласидан бўлган биринчи ҳукумдор Муҳаммад Раҳимхон қўлига ўтган кундан бошлаб, мамлакатда якка бошқарув тартибини жорий этди. Бухоро тарихига оид, “Гулшанул мулк” муаллифининг ёзишича қараганда, Муҳаммад Раҳимхон 92 ўзбек уруғларининг ҳаммасини ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлганки, уларнинг марказий ҳукуматга қаршилик курсатиш учун ҳеч қандай имкониятлари қолмаган. Бухоро амирлигида давлат бошқаруви олдинги даврларда бўлгани сингари икки босқичли бўлганини кўрамиз. Давлат бошқаруви амир, сарой амалдорлари, ўзбек уруғлари ва қабила бошлиқлари ҳамда эътиборлидин пешволаридан ташкил топган марказий давлат бошқаруви ва маҳаллий бошқарувдан иборат эди[1].

Худди шу даврда Сурхон воҳаси ҳудудлари ҳам Муҳаммад Раҳимхоннинг қаттиққўл сиёсатини ўз бошидан ўтказди ва Бухоро амирлиги тадбирларига риоя қилинган ҳолда бошқарилди.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Бухоро, Бойсун, Шеробод, Денов, Юрчи, бекликлар, амлақдорлик.

### КИРИШ

ХІХ асрнинг 50-йилларига қадар ярим мустақил бекликлар сифатида фаолият юритган Сурхон воҳаси ерлари, 1868 йил Россия-Бухоро шартномасидан кейин, Бухоро амирлигининг энг қайноқ сиёсий ҳудудига айланди. Бухоро амирлиги сиёсатидан норози бўлган асосий кучлар Ҳисор, хусусан Сурхон воҳаси ерларидан паноҳ топдилар. Бухоро амири Музаффархон Чор ҳукуматининг ҳарбий ёрдами билан ХІХ асрнинг 70-90 йилларида воҳа ҳудудини ўзига тобе этди.

Сурхон воҳаси бекликларининг Бухоро амирлиги таркибига қўшиб олиниши натижаси шунга олиб келдики, авваламбор

маҳаллий беклар вазифасидан озод қилиниб, ўрнига Бухоро амирига содиқ кишилар қўйила бошланди. Н.Маев шундай ёзади: «Денов эндиликда Бухоро хонлигининг чеккадаги шаҳри бўлиб, уни Бухоро амирининг энг яқин кишиларидан бўлган бек бошқарарди[3]. ХІХ асрнинг 70-йилларига келиб Ҳисор ва Сурхон воҳаси ўлкаси Бухоро амирлигига тўлиқ бўйсундирилганидан сўнг, бу ерлар амир Музаффар томонидан Бойсун, Шеробод, Денов, Юрчи, Ҳисор, Қободиён ва Қўрғонтепа каби еттита бекликка бўлиб ташланди[4].

Сурхон воҳаси бекликлари амирликка тобе этилгач, қисқа вақт ичида

бошқарув тартиби тўла амирлик ихтиёрига олинди. Маълумки, Бухоро амирлиги чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган амир томонидан бошқарилган. Ҳисор беклигида бошқарувни қулай йўлга солиш мақсадида беклик амлоқдорлар томонидан бошқариладиган 23 та амлоқдорлик-ка бўлинган эди. Амлоқдорлар бекнинг қариндошларидан тайинлан-сада, лекин ҳеч қандай мояна ҳақи олмаганлар. Улар асосан қишлоқ-лардан йиғиладиган даромадлар ҳисобига яшар ҳамда ҳудуддаги аҳолидан жарималарни қабул қилиб олар эдилар. Денов ва Қўрғонтепа бекликларида эса, амирнинг доимий ар-мияси бўлмай, балки беклар бошқарувни маҳаллий ҳарбий кучларга таяниб амалга оширганлар.

Бекликларда маҳаллий бошқарув ташкил этишда диний-ҳуқуқий масалаларни ҳал этувчи қози, раис, муфтий ва миршаб каби амал-дорлар иштирок этганлар. Бекликлар қозилари тўғридан-тўғри Бухородан тайинланган ва ўз фаолиятида бекдан мустақил бўлганлар. Улар одатда бекнинг ҳаракатлари ҳақида махфий равишда Бухорога хабар бериб турган-лар. Диний амалдорлар мамлакатдаги суд ҳокимиятини, шунингдек, таълим ва тарбия масканлари бўлган мадрасалар, бошланғич мактаб-ларни, кундалик ҳаётда катта ўрин тутган масжидлар ва бошқа шу турдаги ижтимоий муассасаларни ўз назоратлари остига олган эди-лар.

Шаҳар жамоат тартибини сақлаш миршабларга топширилган. Бухоро шаҳри миршаббошисига бир вақтнинг ўзида амирликдаги бошқа барча шаҳарлар миршаблари ҳам бўйсунган. Ҳукуматга те-гишли вазифалар мир расас, яъни миршаб кўлида бўлиб у шаҳар муҳофазасининг маъмури ҳисобланган. Давлатнинг маҳбуслари унинг ихтиёрида бўлиб, амирнинг шиғовуллари, худайчилари (удай-чилар) ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир буйруғига бўйсунганлар.

Бухоро амирлиги маҳаллий бошқаруви тизимида ўзига хос ўринни раис мансаби эгалларди. Ушбу амал ярим диний, ярим тарти-ботчи усулда бўлиб, раиснинг мажбуриятига энг аввало, аҳолининг юриш-туриши ва ҳулқини назорат қилиш кирган.

Маҳаллий ҳудудларни бошқаришни амалга ошириш мақсадида ва ҳар бир туманни ташкил этиш учун 80 тадан аҳоли яшаш жойлари бирлаштирилган. Кейинчалик эса ушбу туманларнинг аҳоли яшаш жойлари сони 120 дан 340 тага ошган.

Амирликда барча бекликлар маъмурий маркази бир хил ном би-лан аталган. Аҳоли яшаш жойлари сонининг кўплигига қараб шарқий бекликлар юқори мавқега эга бўлган. Масалан, Болжувонда 1420, Ҳисорда 1200, Қоратегинда 700, Кўлобда 635 тага яқин аҳоли яшаш жойлари мавжуд эди. Ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги бекликлар-да эса, аҳоли яшаш жойлари сони энг кам даражада, яъни Ўстида 15, Бурдалиқда 14, Келифда эса 24 тадан аҳоли яшаш жойлари бўлган[5].

Бухоро амирлигида бекликлар ва туманлар маъмурий-ҳудудий жиҳатдан турли хил шаклда бўлинган. Кўпгина бекликлар бир неча қишлоқлардан иборат бўлган амлоқлардан иборат бўлган. Бир қатор туман ва бекликлар мавзеларга бўлинган. Масалан, Дехнав, Пирмаст, Хутфар, Ўсти ва бошқа ҳудудларда. Хусусан, Хутфар туманидаги мавзеларга кирувчи бир қатор қишлоқлар мавжуд бўлган. Шу билан бирга, у ёки бу туман ва вилоятнинг ҳудуди амлоқ, мавзе, гузар ва масжид деб аталган. Ҳар бир мавзе 10 дан ортиқ масжид деб номлан-ган ҳудудий бирликлардан иборат бўлган[6].

Карки беклиги бир неча мавзедан иборат бўлган бўлса ҳам, ле-кин улар бекча деб номланган ҳудудий бирликлардан ташкил топган.

Нурато беклиги гузарларга, гузарлар эса қишлоқларга бўлин-ган. Шу билан бир қаторда, Қоратегин беклиги рабовларга, улар эса мавзе ва қишлоқлардан иборат бўлган. Шўғнон ва Рўшон беклиги ҳудудлари

оқсоқолликларга бўлинган. Ундан ташқари Болжувон бек-лигининг 60 дан ортиқ, Қоратегин беклигининг 30 дан ортиқ ва Кўлоб беклигининг 22 дан ортиқ аҳоли яшаш жойлари даҳа деб ном-ланган ҳудудий бирликлардан иборат бўлган. Яна бир инглиз олими Г.Уилер Бухоро амирлигида марказий ва маҳаллий бошқарув масалаларига оид қуйидаги маълумотларни беради: “Бухоро амирлигининг маъмурий тизими темурийлар ва аббосий халифалик қўл остида бўлган Мовароуннаҳрнинг эрон-араб маъмуриятидан мерос қолган”. Г.Уилер маъмурий бошқарув масаласида бошқарув оддий ва эркин бўлиб, кўпроқ солиқ ва ўлпонлар ундиришга асосланган эди[7], - деб маълумот беради.

Сурхон воҳаси бекликлари амирликка тобе этилгач, қисқа вақт ичида бошқарув тартиби тўла амирлик ихтиёрига олинди. Бекликларда барча маъмурий бошқарув ҳуқуқлари амир томонидан тайинланган бек қўлида эди. Бекликнинг суд ишлари қози қўлида бўлиб, у ҳам амир томонидан тайинланган. Қози нафақат суд ишларини бошқарган. Ўз навбатида маҳаллий ҳоким фаолиятини назорат қилиб турган. Шу тариқа марказий ҳокимият икки томонлама назоратни йўлга қўйган. Ҳар бир беклик аксарият ҳолларда марказий бошқармага тақлид қилишган, ҳудди амир саройидагидек мансаб ва мансабдорларни сақлашган. XIX асрнинг 70-йилларида Бухорода бўлган рус сайёҳи доктор Яворский шундай ёзади: «Бухорода ҳар бир бек, ўзини ҳудуднинг яқка эгасидек ҳисоблайди». Ҳар бир бек ўзининг бир оз кичикроқ ва камроқ бўлсада мансаб ва вазифалар мавжуд саройига эга эди»[8]. Бекликлардаги бошқарув ва хизмат пиллапоysi қуйидагича бўлган. Яъни бекка бевосита бўйсунувчилар амлақдор, амин ва оқсоқол. Амлақдорнинг вазифаси ўз амлақлигидаги аҳолидан турли-туман солиқ ва йиғимлар тўплашдан иборат бўлган. Амлақдор етиштирилган ҳосил миқдорини аниқлаш ва солиқ белгилаш вақтида ёки турли воқеалар юз бериб қолганда ўз

қароргоҳидан четга чиқа олмаган. Амлақдорлар деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишларни бажаришган. Амлақдор қўлида котиб, мироб, амин ва оқсоқоллар хизмат қилган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Холикова Р. XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих фандокторлик диссерт. Автореферати.- Т.: 2006.-Б.18.
2. Холиков З. Термез и Чаганиян в позднем средневековье Автореф.к.и.н. Самарканд.2001.-С.17.
3. Туркестанские ведомости.1876., 3 февраль.
4. \ Сурхондарё ВДА, 252-жамланма,2-рўйхат, 109-иш, 19 варақ.
5. Сурхондарё ВДА, 252-жамланма,2-рўйхат, 109-иш, 19 варақ.
6. Қаранг: Мухамеджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX– нач. XX вв.) – Ташкент: Университет, 2001. – С.5.
7. Қаранг: Wheeler G. Modern history of Soviet Central Asia. – London: Weidenfeld and Nicolson, 1964. – P.43.
8. Яворский И. Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1876-1879 гг.Т.1.-СПБ., 1882. -С.35-36.
9. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
10. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.

11. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. *Religación*, 4, 192-194.
12. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 9(77), 256-259.
13. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 180-183.
14. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Theoretical & Applied Science*, (4), 112-114.
15. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. *Современные научные исследования и разработки*, (2), 10-13.

## ARABSHOHIYLAR SULOLASI DAVRIDA XIVA-BUXORO MUNOSABATLARI TARIXI

GULMIRA BAHODIR QIZI RO'ZIBOYEVA  
O'ZMU TARIX FAKULTETI 2-KURS MAGISTRANTI

### ANNOTATSIYA

Ma'lumki, o'zbek davlatchiligi tarixi o'z tarixiy taraqqiyoti davomida uzoq tarixiy davrni bosib o'tgan. Shu tarixiy davr davomida Buxoro xonligida Shayboniylar sulolasi va Xiva xonligida Arabshohiylar sulolasi hukmronliklari o'rnatilgan. O'zbek diplomatiyasi tarixi sarhadlarimizda birinchi paydo bo'lgan davlatchilik uyushmalari tarixidan boshlanadi. Uning sarchashmalari “Avesto” sahifalarida aks etgan fikr-mulohazalardan oziqlangan. U asrlar mobaynida sayqallanib kelgan. Davlatdan davlatga, eldan-elga, asrdan-asrga o'tib, tobora tiniqlashib borgan. Uning turli qirralari “Qutadg'u bilig” va o'nlab dasturiy asarlarida o'z aksini topib kelgan. Bunday ajoyib manbalar tariximizda faoliyat ko'rsatgan hukmdorlar uchun tashqi siyosat bobida dasturulamal vazifasini o'tagan. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining IV bobi 17-moddasida O'zbekiston Respublikasining tashqi siyosiy, iqtisodiy aloqalari o'z aksini topgan.

### KIRISH

Xususan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 17-moddasida quyidagilar aks etgan: O'zbekiston Respublikasi xalqaro munosabatlarning to'la huquqli subyektidir. Uning tashqi siyosati davlatlarning suveren tengligi, kuch ishlatmaslik yoki kuch bilan tahdid qilmaslik, chegaralarning daxlsizligi, nizolarni tinch yo'l bilan hal etish, boshqa davlatlarning ichki ishlariga aralashmaslik qoidalariga va xalqaro huquqning umume'tirof etilgan boshqa qoidalari va normalariga asoslanadi. Respublika davlatning, xalqning oliy manfaatlari, farovonligi va xavfsizligini ta'minlash maqsadida ittifoqlar tuzishi, hamdo'stliklarga va boshqa davlatlararo tuzilmalarga kirishi va ulardan ajralib chiqishi mumkin[1]. O'rta Osiyodagi yirik xonliklardan hisoblangan Xiva xonligi ham 1512-yilda tashkil

topganidan boshlab boshqa davlatlar bilan tashqi iqtisodiy, madaniy, siyosiy, o'zaro diplomatik aloqalarni olib borgan. Xiva xonligiga eng yaqin qo'shni davlat Buxoro xonligi edi. Shu sababli Xiva xonligi Buxoro xonligi bilan o'zaro munosabatlarni o'rnatgan albatta. Xiva solnomalarida xonlikning tashqi siyosiy-diplomatik, iqtisodiy va madaniy aloqalariga doir ma'lumotlarni jug'rofiy jihatdan quyidagicha izohlash mumkin:

1. Turkiston qalamravidagi o'zbek xonliklari – Buxoro va Qo'qon bilan olib borilgan aloqalar ;
2. Yaqin va O'rta Sharq davlatlari – Turkiya, Eron hamda Afg'oniston bilan yuritilgan munosabatlar ;
3. Rossiya, qisman Britaniya Hindistoni bilan mavjud bo'lgan[2].



Arabshohiyalar sulolasi davrida Buxoro-Xiva munosabatlari o'zaro dushmanlik kayfiyatida bo'lgan. Aslida ikkita sulola bitta shajaraga mansub bo'lishgan. Arabshohiyalar Shayboniyxon mansub bo'lgan shajaraning boshqa bir avlodidan bo'lgan. Yanada aniqroq aytganda, Samarqand taxtini temuriylardan tortib olgan Muhammad Shayboniyxonning beshinchi avlodi Pulod (Fulod) ikki o'g'illi bo'lgan: Ibrohim va Arabxon (Arabshoh). Muhammad Shayboniyxon Ibrohimning to'rtinchi avlodi bo'lsa, Elbars Arabxonning beshinchi avlodidir. Bir so'z bilan aytganda, ular amakivachchalardir. Lekin bu ikki sulola bir-biriga o'zaro bir-biriga dushmanlik ruhida bo'lishgan. Xiva shayboniylari alohidalikka intilganlar. Birinchidan, bir sulolaga mansub bo'lishlaridan qat'iy nazar, bu ikki oila orasida ilgari qarama-qarshilik bo'lib kelgan. Masalan, Muhammad Shayboniyxon o'z vaqtida, hali Dashti Qipchoqligida 1480-yilda Elbarsning otasi Berka (Burka) sultonni o'ldirgandi. Ikkinchidan, qaysi oila yo sulolaga tegishli bo'lishiga qaramay, asrlar davomida, mahalliy kuchlar doimo markazdan uzoqlashishga intilib kelganlar. Xorazmga kelib hokimiyatni olgan shayboniylarning boshqa tarmog'i namoyondalari ham bundan mustasno bo'lmaganlar[3].

Buxoro-Xiva xonliklarining o'zaro tashqi aloqlarida va diplomatik siyosatlarida ham o'ziga xos jihatlari bo'lgan. Markaziy Osiyoda dastlab tashkil topgan ikki o'zbek davlati Buxoro va Xiva xonligi o'rtasidagi munosabatlarida o'zaro sovuq munosabatlar hukm surdi. Buning asosiy sababi - xonliklarning bosqinchilik urushlari hisobiga o'z hududlarini bir-birining hisobiga kengaytirishga urinishlari bo'lsa, ikkinchisi, Buxoro va Xiva xonligida hukmron sulolalarning bir-biriga g'anim bo'lib qolgan xonadonlarga mansubligi edi.

Buxoro xoni Ubaydullaxon 1537-yilda Urganchni egallaydi. O'sha davrda xonlik taxtida bo'lgan Arabshohiyalar sulolasi vakili Avaneshxon (1525-1538) qo'shinlari tor-mor keltirilib, xonning o'zi esa o'ldirildi. Xiva xonligi hududi to'rt qismga bo'lindi. Uning bir qismini

Ubaydullaxon o'z tasarrufiga oldi, qolgan uch qismini esa Hisor, Samarqand va Toshkent hokimlariga bo'lib berdi. O'g'li Abdulazizni Xorazmga noib etib tayinladi. Lekin Xiva xonligida Ubaydullaxon hukmronligi uzoq davom etmagan. Xiva xoni Avaneshxonning avlodlari Darun hududiga Dinmuhammadxon huzuriga borib, undan yordam so'raganlar. Dinmuhammadxon 1538-yili adoqli (chovdur) turkmanlar yordamida Urganchni egallab, shayboniylarning dorug'asini o'ldirdi. Ubaydullaxon yuborgan qo'shinlar Dinmuhammadxon tomonidan tor-mor keltirildi va Xiva xonligi mustaqilligini tiklab oldi[4]. Abdullaxon II ham 1595-1596-yillarda Xiva xonligi hududiga bostirib kirib egallagan, lekin 1598-yilda xonning vafotidan keyin Arabshohiyalar sulolasi xonlari hukmronligi qayta mustahkamlab olingan.

Xiva-Buxoro xonliklari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar Buxoro xoni Imomqulixon (1611-1642) davrida ijobiy tomonga o'zgargan. Xiva xonligida boshlangan o'zaro toj-u taxt uchun kurashlarda Abulg'ozzi Bahodirxon Imomqulixon saroyida panoh topgan. Hatto, Abulg'ozziy Bahodirxon Buxoro xoni Imomqulixon yordamiga bir nechta marta tayanib ish yuritgan. Abulg'ozzi Bahodirxonning Buxoro hayoti bilan yaqindan tanishuvi akasi Xiva xoni Asfandiyorxon (1623-1643) bilan o'zaro kelishmovchiligidan keyin, uning Kat shahriga, undan keyin Samarqandga kelishi voqealari bilan boshlangan. Abulg'ozzi Bahodirxon o'zining Buxoro xoni Imomqulixon (1611-1642) huzurida bo'lganligi haqida shunday hikoya qiladi: Imomqulixonni ko'rdum. Izzat va hurmat qildi. Yaxshi kelding, xush kelding, yigitsan yurtingga qaytib borurrsan, sipohing boshig'a mundaq ishlar tushmas bo'lmas, g'am yemagil deb, ko'ngil berdi[5].

Imomqulixon vafotidan keyin inisi Nodir Muhammadxon (1642-1645) davrida Xiva-Buxoro munosabatlari Xorazmdagi turkman qabila boshliqlari o'zlarining siyosiy mavqeyini saqlab qolish maqsadida Buxoro xoniga murajaat etganliklari sabablari yomonlashgan. Endigina Buxoro taxtiga o'tirgan Nadr

Muhammadxon avvalo, o'z davlatidagi ichki vaziyatni barqarorlashtirishi lozim edi. U bevosita Xorazmga kelib, shaxsan hokimiyatni boshqara olmas, shu bois Orol'da xon etib ko'tarilgan Abulg'ozixon kuchlariga qarshi turish maqsadida Xiva va Hazoraspga o'z noiblariga yuborgan. Bunday strategik tadbir orqali Nadr Muhammadxon o'rtadagi kelishuvning kafolatini ta'minlash va Xorazm qo'shinlarining Buxoro hududlariga uyushtirilishi mumkin bo'lgan yurishlarning oldini olishga harakat qilgan. Nadr Muhammadxon siyosatining yana bir strategik jihati shunda ko'rinadiki, Xiva bilan Hazoraspga o'z hokimlarini yuborsa-da, bevosita ularning boshqaruvini mavjud mahalliy kuchlar ixtiyorida qoldirgan edi. Buxoroda Abdulazizxon(1645-1681) hokimiyati zaiflashib, o'zaro kurashlar kuchaygan vaqtda Xivada Abulg'ozixon hokimiyati mustahkamlanib borgan. “Shajarayi turk” da Abulg'ozixon hokimiyat tepasiga kelgach, o'z davlatini mustahkamlash maqsadida 1655-yilda Buxoro xonligiga bir necha marta yurish qilib, Karmana, 1658-yilda Vardonze, Qorako'l va 1662-yilda Buxoro shahrigacha bo'lgan hududlarni qo'lga kiritganligi qayd etilgan. “Firdavs ul-iqbol” asarida esa quyidagicha ma'lumotlar qayd qilingan: Abulg'ozixon Bahodirxon mundin so'ng Buxorog'a olti marta sipoh chekti. Qorako'lni ikki qatla oldi. Karminani bir karat oldi. Buxoroni bir qatla oldi[6].

Shunday qilib, Abulg'ozixon Bahodirxon Buxoro xonligining hujumlarini qaytardi. Va nihoyat, Abulg'ozixon hukmronligining oxirgi yillarida 1662-yilda Buxoro xonligi bilan sulh tuzdi. Abulg'ozixon Bahodirxon 1663-yilda hokimiyatni o'g'li Anushaxonga topshirib, o'zi vafot etadi. Anushaxon davrida ikki davlat munosabatlari yanada keskinlashdi. Anushaxon bir necha marta Buxoro xonligiga hududlariga qarshi vayrongarchilik urushlarini olib bordi. XVII asrda yashab ijod qilgan tarixchi va tazkiranavis olim Maleho Samarqandiyning “Muzakkir al-ashob” (“Do'stlarni eslatuvchi kitob”) asarida tarixiy ma'lumotlardan Anushaxonning 1681-1686-yillarda Buxoro xonligi hududlariga bostirib kirishi, 1681-yili

Buxoro atrofidagi tumanlar va Buxoro shahristonining bosib olinishi, 1686-yili Samarqand, Qarshi va Shahrisabzning egallanishi va buning oqibatida davlat va xalqning og'ir ahvolga tushib qolganligi haqidagi ma'lumotlar keltiriladi[7]. Uning qo'shini hatto Samarqandni egalladi. Biroq 1685-yilda G'ijduvon yaqinidagi jangda Xiva xonligi qo'shinlari tor-mor etildi. Ayni paytda Buxoro xoni Subxonqulixon(1681-1702) Anushaxonga qarshi fitna uyushtirishga erishdi, oxir-oqibatda Anushaxon fitna oqibatida 1686-yilda o'ldirildi. Bundan ko'rib turibdiki, Subxonqulixon davrida Xiva-Buxoro munosabatlarida Buxoro xonligi ustunlik qilgan.

XVIII asrning boshlarida Xiva va Buxoro xonligi o'rtasidagi munosabatlar yana keskinlasha boshlagan. Bu keskin munosabatlar ayniqsa, Sherg'ozixon hukmronligi davrida (1715-1727) yaqqol namoyon bo'ldi. Ikki davlat o'rtasidagi munosabatlar yomonlashuviga birinchi navbatda, Xiva xonlarining Buxoro, Chorjoy va hatto Samarqand atroflarini talon-taroj qilishlari sabab bo'ldi. 1721-yilda ikki o'rtada urush chiqishi muqarrar bo'ldi. 1721-yil 25-may sanasida Florio Benevining Moskvaga yo'llagan maktubidan quyidagilarni bilishimiz mumkin: “Xiva xoni haqiqatdan ham, buxoroliklar bilan urushmoqchi. Shunga tayyorgarlik ko'rmoqda. Lekin, katta beklari bunga ruxsat bermay turibdi. Ular hatto Sherg'ozixonni taxtdan tushirib, 15 yildan beri Buxoro xoni huzurida kun kechirayotgan Musaxonni taxtga o'tqizishmoqchi. Bu haqida Buxoroning katta beklari Buxoro xoni bilan bordi-keldi qilib turibdilar”[8]. Ikkinchi navbatda esa, Bunga Buxoro xoni Abulfayzxonning (1711-1747) orolliklarni Xiva xoniga qarshi gijgijlashi sabab bo'ldi, Natijada, Orolbo'yi aholisi Xiva xonligidan ajralib chiqdi. Xiva xonligida boshlangan o'zaro kurash goh u, goh bu tomonning ustunligi bilan to Sherg'ozixonning vafotiga qadar davom etdi. Ikkala davlat tashqi davlatlar hujumi xavfi arafasida birlashish o'rniga aksincha, bir-birlariga qarshi kurashib, birlasha olmadilar. Oxir-oqibatda Eron shohi Nodirshoh 1736-yilda

Buxoro xonligiga hujum uyushtirdi. Bunday og'ir sharoitda Buxoro amiri Xiva xoni Elbarsxon(1728-1740) dan yordam so'rashga majbur bo'ldi. Xiva xoni Elbarsxonning yordamga kelayotganidan boxabar bo'lgan Nodirshohning o'g'li Rizoquli yetakchiligidagi qo'shinlar orqaga qaytishdi. 1740-yilda Nodirshohning o'zi boshchiligidagi qo'shinlar ikkinchi marta Buxoro xonligiga hujum qilishdi. Buxoro xonligining muntazam qo'shinga ega bo'lmaganligi va Xiva xonining o'z davlatidagi ichki ziddiyatlarni bartaraf etish bilan band bo'lganligi sababli Buxoro xonligi Eronga qaram davlatga aylandi.

Buxoro xonligidan keyingi navbat Xiva xonligiga keldi. Eron shohi Nodirshoh xonlikdagi siyosiy beqarorlikdan foydalanib, 1740-yili Xivani bosib oldi va Xivaga o'z odamini hokim etib tayinladi. Shunday qilib, ikkala davlat Xiva-Buxoro xonliklari o'rtasidagi munosabatlar goh yaxshilanib, gohida esa keskin tusda davom etaverdi. Keyinchalik Buxoro amiri Muhammad Rahimiy ham Xiva xonligi ichki ishlariga bir necha bor aralashgan Ikkala davlat o'rtasidagi o'zaro dushmanlik munosabatlari 1812-yilda to'y munosabati bilan barham topgan.

Xulosa o'rnida shuni alohida qayd etib o'tish lozimki, Xiva-Buxoro munosabatlari turli davrlarda, turli xonlar boshqaruvida o'zgarib turgan va bugungi kunda ular yo'l qo'ygan xatolar, o'zaro faol diplomatik, savdo-sotiq, harbit-strategik munosabatlar tariximiz oldida, davlatimizning boshqa davlatlar bilan tashqi iqtisodiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniyaloqalarida dasturulamal bo'lib xizmat qilmoqda.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Toshkent. 2019.
2. Ўзбек дипломатияси тарихидан Тарихий очерклар ва лавҳалар .Тошкент . 2003 й .220-221-бетлар
3. Азамат Зиё Ўзбек давлаичилиги тарихи Тошкент Шарк 2000. 285-бет

4. Акбар Замонов Бухоро хонлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар Тошкент.” TURAN-IQBOL” 2018. 53-бет.
5. Абулғозий Баҳодирхон Шажарайи турк Тошкент “Чўлпон” 1992. 111- бет
6. Мунис ва Огаҳий Фирдавс ул-икбол (Бахту саодат жаннати) Тошкент “Янги аср авлоди” 2010 . 92-б.
7. Бўрибой Ахмедов Ўзбекистон тарихи манбалари Тошкент “Ўқитувчи” 2001. 273-бет
8. Ўша манба 332-бет
9. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
10. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
11. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
12. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
13. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
14. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
15. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## SHAYBONIYLAR SULOLASI HUKMDORLARINING ILM-FAN HOMIYLIGIGA DOIR BA’ZI MULOHAZALAR

AZIZA BAXTIYOR QIZI SHARIPOVA  
O’ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI  
II BOSQICH MAGISTRANTI

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Buxoroda shayboniylar sulolasining hukmronligi, shayboniylar sulolasi vakillarining ilm-fan taraqqiyotiga qo’shgan hissasi, shayboniylar homiyligi ostida ijod qilgan olimlar, shayboniylarning ilm-fanga homiyligi haqidagi ma’lumotlar yoritib berilgan.

### KALIT SO’ZLAR

Buxoro, ilm-fan, shayboniylar, Muhammad Shayboniyxon, Ubaydullaxon, Ko’chkunchixon, adabiyot, she’riyat, shoirlar, tarix ilmi, husnixat, kitobat san’ati, kutubxona.

### KIRISH

Temuriylardan keyin qariyb yuz yil davr hukm surgan shayboniylar sulolasiga asos solgan Muhammad Shayboniy va shayboniylarning siyosiy faoliyati ozmi-ko’pmi o’rganilgan bo’lsa ham, lekin ularning adabiy-ijodiy merosi deyarli o’rganilmagan.

Shayboniylar davrida fan va madaniyatning rivojlanishida mazkur sulola namoyondalarining tutgan o’rni katta bo’lgan. Avvalo, ularning o’zlari nihoyatda o’qimishli shaxslar bo’lganlar. Chunonchi, Muhammad Shayboniyxon, Ko’chkunchixon, Ubaydullaxon, Abdulazizxon, Abdullaxon kabi shayboniylar sulolasi vakillari turkiy va forsiyda she’rlar bitganlar. Ayniqsa, shayboniylar sulolasi hukmdorlari aksariyat holda turkiy tilda ijod qilgan va uning nufuzi ma’rifat tili sifatida nufuzi oshgan edi. Shuningdek, ular adabiyotdan rashqari, diniy va dunyoviy ilmlarda yetarli salohiyatga ega bo’lganlar.

XV asrning ikkinchi yarmida milliy-madaniy markaz bo’lgan Hirot, XVI asrga kelib o’z mavqeyini yo’qotdi, avval Muhammad Shayboniy, keyinchalik esa Eron shohi Ismoil Safaviy kabi hukmdorlarning chekka shaharlaridan biriga aylanib qoldi. Bu davrga kelib madaniy va adabiy markazlik roli Samarqand va Buxoroga ko’chadi. Bu shaharlarga faqatgina O’rta Osiyo hududidangina emas, balki Eron, Afg’oniston, Hindiston shaharlaridan ham bu yoki u sohalarning ishtiyoqmandlari kelar edilar. Natijada bu o’lkada o’sha zamon madaniyati va adabiyotining turli sohalarida anchako’zga ko’ringan vakillar yashab ijod etishgan.

XVI asrda Movarounnahrda shayboniylar davrida adabiyot, tarix fani me’morchilik va tasviriy san’at rivojlanib bordi. Poeziya juda ravnaq topdi. Hasanxoja Nisoriy (1516-1597)ning “Muzakkir ul - ahbob”[1] (1566)va

Mutribiy Samarqandiyning (1556-1630) “Tazkirotush-Shuaro”[2] (1604) nomli tazkiralari buning shohididir. Bu asarlarda Samarqand, Buxoro, Toshkent va O’rta Osiyoning boshqa shaharlarida yashab ijod qilgan bir necha yuz adabiyot va fan arboblarning nomlari keltirilgan. Tazkiralarning tuzilishi bu davrdagi aholining madaniy saviyasi yuksak ekanligini ko’rsatadi. XVI asming birinchi yarmida Movarounnahrda o’zbek tilida adabiy va tarixiy asarlarning paydo bo’lishi maroqli hodisadir. “Tarixi guzidayi Nuratnoma”[3] shu sohadagi ilk asarlardandir. Muhammad Solihning “Shayboniynoma” dostoni ham o’zbek tilida yozilgan. Bu ikki asar, garchi Shayboniynonning topshirig’i va ishtiroki bilan yozilgan bo’lsa-da, har holda O’rta Osiyo xalqlarining tarixi, etnografiyasi va adabiyotiga doir faktlarga asoslangan juda qiziq materiallarni o’z ichiga olgan.

Shayboniy hukmdorlarining homiyligi va rahnamoligida ko’plab ilm sohalari qatori tarix ilmi juda yaxshi rivoj topgan. XVI asr tarixini yoritib beruvchi “Tavorixi guzidayi nusratnoma”, Kamoliddin Binoiyning “Shayboniynoma”, Muhammad Solihning “Shayboniynoma”, Abdulloh Nasrullohning “Zubdat al-asror”, Fazlulloh ibn Ro’zbexonning “Mehmonnomayi Buxoro”, Zayniddin Vosifiyning “Badoye ul-vaqoye”, Hofiz Tanish Buxoriyning “Abdullanoma” kabi mumtoz tarixiy asarlari[4] fikrimiz dalilidir. Bundan tashqari, Muhammad Shayboniynon davrida Kamoliddin Binoiyning “Ajoyib ul-Maxluqot” geografik asarini ham aytishimiz mumkin[5].

Shayboniylar davrida Rashididdin va Sharofiddin Ali Yazdiyning tarixiy asarlari o’zbek tiliga tarjima qilinadi. Ulug’bekka bag’ishlangan “Muntahabi Jome” va “Tavorixiy shohiy” degan asarlarning o’zbek tiliga tarjima qilinganligibu davrda o’zbek tilining ta’sir doirasi kengayib borganidan dalolat beradi. O’z zamonining tarixiga doir “Sharafnomayi shohiy” (Abdullanoma) degan katta asarni Hofiz Tanish Buxoriy yozgan bo’lib, siyosiy voqealarga boy bo’lsa-da, unda

XVI asrda Movarounnahrning madaniy-ma’rifiy qiyofasi ham ochib berilgan[6].

Shuningdek, bu davrda ayrim Shayboniy hukmdorlari adabiy asarlar yaratishda qatnashganlar. Shayboniynonning o’zi ham o’z zamonasining o’qimishli odami bo’lgan. Bu haqida X. Vamberi shunday yozadi: “U har holda o’zining Eroniy dushmanlari tarafidan ta’sir etilganidek, nimani xohlasa, shuni bajarib yuruvchi vahshiy bir kimsa emas edi. Masalan, u zamonning ruhoniy ulamolariga katta hurmat, hatto bolalarcha itoat qilib, barcha urush safarlarida o’zi bilan barobar kichkina go’zal kutubxonasini olib yurar, Temur kabi bu ham doimo diniy munozaralarga qatnashgan. Qur’onning ba’zi bir oyatlari haqida Hirotning nimqadam tavsifchilari bo’lgan qozi Ixtiyor va Muhammad Yusufga e’tiroz ham bildirgan edi”[7].

Shayboniynon Bobur aytganidek, ma’nosiz va lazzatsiz she’rlar yozmagan, balkim go’zal she’rlar yozgan. Shayboniynon tomonidan 1508-yilda yozilgan, chig’atoy turkiy tilidagi “Bahr ul Xudo” (Haqiqiy yo’lning dengizi) nomli diniy qasidaning yagona qo’lyozma nusxasi Angliyaning Londondagi Britaniya muzeyi kutubxonasida saqlanmoqda. Bu qasidaning bir joyida Shayboniynon shunday deydi:

Podsholig’da Shayboniy faqrdan ayrilmag’il,  
Faqr shohi ikki olam ichra bo’lur podsho.

Tetri gar berdi seta Eroniy Turon,  
Bandalik tavrini Shayboniy bermagil eldan daho[8].

Shayboniynonning she’rlar to’plami bo’lgan “Devon” 191 varaqdan iborat bo’lib, bugungi kunda Turkiyaning Istanbul shahridagi To’pqopi saroyi kutubxonasida saqlanmoqda. Sakkokiy, Gadoiy, Navoiy an’anasidagi klassik chig’atoy turkiy she’riyatini davom ettirgan Shayboniynonning she’rlarida diqqatni o’ziga jalb qilgan hassos - shoirning Turkiston yurtiga bo’lgan cheksiz muhabbatini har doim tilga olib turganidir. Turkistonning Buxoro, Samarqand, Urganch, Yassi shaharlari nomini o’z she’rlarida Shayboniynonga qadar ko’p ishlatgan boshqa shoir yo’q desak sira yanglishmaymiz[9]. Masalan:

Jannatida vo degan bog'i Samarqand elim,  
Navsari a'lo degan obi  
Samarqand elim,

Yoki Buxoro haqida yozilgan:

Bir xayolim bor ko'ngilkim pirmu vafoiy atayin.

Ul Buxoro shahrida Ka'ba tavofin aylayin.

Shayboniyxon XVI asr adabiyotiga katta hissa qo'shgan shoirlardan biridir. Shayboniyilar zamonida fan keng rivojlandi. Hatto sonlarni zarb qilish haqida izoh berilgan "Hisob usullari risolasi" XVI asrga mansub asardir. 1593-yilda Amin Ahmad Roziy "Haft iqlim" (Yetti iqlim) degan jo'g'rofiy - biologik lug'at tuzdi. Mutrabiying dunyo xaritasi kashf qilingan. "Tazkiroti shuaro" ham taxminan shu

vaqtlarda yozilgan. Bu davrda tibbiyot sohasida qilingan ilmlar va izlanishlar fan taraqqiyotidandarak berib turardi. 1541 yilda Muhammad Husayn Ibn Al-Me'roni as-Samarqandiy tibbiyot va farmakologiya ro'yxatiga oid ilmiy asar yozib, juda dorivor o'simliklardan dori tayyorlash va saqlash uchun ishlatiladigan idishlarning rangdor nafis sur'atlar ilova qilgan. XVI asr qozilarning hujjatlaridan biz Samarqandda tabiblar ko'z kasalliklarini davolash ishlari bilan shug'ullanganliklarini bilamiz. Ko'z tabibi Shoh Ali ibn Sulaymon Navro'z Ahmadxon huzurida ishlagan. Samarqandda Ko'chkunchixon zamonida Hiroflik tabib Sulton Ali ishlagan. U kasalliklar va terapiya haqida umumiy ma'lumot beradigan "Tabiblik dastur ul-amal"ni yozgan.

Shayboniyilar davrida chingiziylar va temuriylar davrida fors tilida yaratilgan ko'p asarlar o'zbek tiliga tarjima qilingan. Kitobga qiziqish zo'rligidan kutubxonalar tashkil qilingan[10].

XVI asrda shayboniyilar davrida xattotlik san'ati ham juda yuqori darajada rivojlangan. Sulton Ali Mashhadiy, Mir Ali Xiraviy, Muhammad ibn Is'hoq, ash Shixobiy va boshqalar mashhur husnixat ustalari edilar. 1586-1587-yillarda Darvesh Muhammad ibn Do'stmuhammad Buxoriy poligrafiya san'ati nazariyasiga oid asar yozgan. Bu davrda yozilgan asarlar suratlar bilan bezatilgan. Bunday asarlar jumlasiga "Fathnoma", "Tarixi Abulxayrxoniy" kiradi. Alisher Navoiy asarlarining ro'yxati 1562-

1563-yilda ko'chirilgan. Bu asarlarni bezashda ishlatilgan miniaturalar shayboniyilar davri O'rta Osiyo moddiy madaniyatini aks ettiradi. Bu davrdagi musavvirlar ijodini tadqiq qilgan G.A Pugachenkova "XVI asrda O'rta Osiyoga xos alohida miniatura rassomligi paydo bo'ldi",- deb aytgan edi.

Шу билан бирга, баъзи жой номларининг ёзилишини келтирар экан ё харита асида, яъни нусха кўчирувчи йўл қўйган бепарволик туфайли «Турк Жандий» номини икки жойда «Туркхожанди» деб келтиради [8]. Ҳолбуки, бу топоним номи «Китоби Муллозода»да аниққилиб «Жандий» нисбаси билан келтирилган, кейинги манбашунослар, тадқиқотчилар «Турк Жандий» деб ўқиб, ёзиб келмоқдалар [9]. Бундай қусур, ноқисликлар бошқа бетларда ҳам учрайди. Уларни холис, зукко ва қизиқувчан мутахассис ўзи тўғрилаб ўқиб кетаверади. Бизни шунингдек, А.Р.Муҳаммадҷоновнинг ҳар гапнинг бирида Донишни «... Тожик халқининг прогрессив мутафаккири Аҳмад Дониш» деб ёзгани ҳам таажжубга солади. Зеро Аҳмад Донишнинг ота-бобо аждодлари Бухоро шаҳри ва унинг атрофига футуҳотлари даврида, яъни VIII аср I ярмида кўчиб келиб, ўтроқлашган арабларнинг Той қабиласидан бўлган. Шу жиҳатда Аҳмад Донишни ҳозирги ўзбекларнинг шаклланишида катта ўрин тутган асл зоти араб уруғ-қабилаларидан дейилса, ҳақиқатга яқинроқ бўларди.

#### ХУЛОСА

Шуни мамнуният билан қайд қилиш ўринлики, ташаббуси – мақоласи сабаб бўлиб, А.Р.Муҳаммадҷонов изланиш, тадқиқотларида Бухоро, умуман қуйи

Зарафшон худудларидаги топографик, топонимик номларни махсус тадқиқ этиш (манбавий, археологик, топографик, топонимик) эндиликда тадқиқот йўналиши сифатида шаклланиб улгурди. Бугунги кунга келиб академик А.Р.Муҳаммаджонов бу соҳада унинг вафотидан сўнг ҳам йирик ва илмий салмоқли моно-график тадқиқотлар яратилмоқда.

8. Мухамеджанов А.Р. Историко-топографический план Бухары Ахмада Даниша, ... 34-бет.
9. Муъин-ул-Фуқаро. Книга Муллазаде ... 33-38 бб.; Сухарева О.А. Квартальная община ... 91-92 бб.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Умняков. К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары — «Ал-Искандарийа». Сб. Туркестанского восточного института в честь А.А.Шмидта. Т.: 1923. сс. 148-157.
2. Шишкин В.А. Из опыта работы Бухкомстариса по охране памятников материальной культуры (1925-1933) - «Проблемы истории докапиталистических обществ». ГАИМК. 1934. №11-12. Шу муаллиф. Архитектурные памятники Бухары. Т.: 1936.
3. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара XIX - начала XX вв. Т.: 1962; шу муаллиф: Бухара XIX - начала XX вв. М.: 1966; шу муаллиф: Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). М.: Наука. ГРВЛ. 1976. 360 б.
4. Ремпель Л.И. Из истории градостроительства на Востоке (материалы по планировке старой Бухары) - «Искусство зодчих Узбекистана». I. Т.: 1962 (Историческая топография Бухары - первоначальное название темы).
5. Қаранг: Муҳаммаджонов А.Р. Наводир муаллифнинг нодир харитаси - «Фан ва турмуш», 1964. №8.
6. Мухамеджанов А.Р. Историко-топографический план Бухары Ахмада Даниша - «Узбекис-тонда ижтимоий фанлар». 1965. №5, 31-42 бб.
7. Ахмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. - Душанбе, 1960. 222 бб.



## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДАГИ ТУРКИСТОН АССР АРХИВ ФОНДЛАРИ ИРРИГАЦИЯ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА

ЛУТФИЯ ИСКАНДАР ҚИЗИ САЛОМОВА  
ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
2 КУРС МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган “Ўлкада сув хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши ҳақида тарихий лавҳа” номли архив манбасининг шарҳи берилган. Манбадаги Туркистон ўлкасидаги ирригация ҳолати, асосий дарёлари Амударё ва Сирдарё ирмоқлари, суғориладиган ер майдонлари ҳақидаги тарихий маълумотлар таҳлил этилган.

### КИРИШ

Ўзбекистон иқтисоди жуда қадимдан қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган бўлиб, унинг ривожига сув хўжалиги муҳим ўрин тутиб келган, зеро қишлоқ хўжалигини ирригациясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун ирригацияга оид манбалар иқтисодий тарихни ўрганишда жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон АССР Халқ Ер ишлари комиссарлиги қошидаги Сув хўжалиги бош бошқармасининг Р-215 жамғармаси Туркистон АССР ирригация тарихига оид маълумотларга бой ҳисобланади. Р-29 жамғарма, 3-йиғмажилдлар рўйхати, 2448-йиғмажилди алоҳида ўрин тутди. Туркистон АССР сув хўжалиги тарихини ёритиб берувчи бу тарихий манба ҳисобланади. Йиғмажилд «Исторический очерк о состоянии и развитии ирригации в

крае» деб номланиб, у 1922 йил 15 мартда Тошкент шаҳрида ёзилган.

Туркистон Республикасининг Сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи Э.С. Кадомцев ташаббуси билан сув хўжалиги бошқармасининг турли бўлим инженерлари томонидан ёзилган. Асарнинг кириш қисмида унинг айрим камчиликлардан ҳоли эмаслигини ва кейинчалик унда учраган камчиликларни тўлдирилишига ишонч билдирилади. Ушбу тарихий лавҳада ТАССР сув хўжалиги тарихига оид турли хил тарихий, хронологик, график, диаграмма, статистик, географик, ТАССР суғориш тизими фаолияти, ислохотлари тарихига оид маълумотларни ўзида жамлаган.

Манбада Туркистон Республикасининг Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Амударё, Туркман, Еттисув, Каспийорти вилоятлари иқлими, ўлканинг тупроғи, унинг таркиби,

хусусиятлари, сув захиралари Амударё, Сирдарё, Или, Зарафшон, Қоратол, Чу (Иссиққўл томондан оқиб келувчи дарё) лар ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

Манба қайд этилишича 1921 йилга келиб ТАССРда ирригация тизими жуда ночор ҳолга тушиб қолган. 1917-1921 йиллардаги ҳарбий сиёсий кураш туфайли ирригация ишлари қаровсиз қолган, 4 йил давомида суғориш иншоотларида зарурий тозалаш, таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Бунинг устига ягона ирригация бошқарув органининг йўқлиги, сувдан нотўғри фойдаланиш аҳволни янада оғирлаштирган. Натижада I жаҳон уруши йилларида суғориладиган ерлар ҳажми 2.619.360 гектар[1] бўлиб, 1920 йилга келиб, суғориладиган ерлар 1.527.960 гектарга қисқарган[2].

1921 йилда Сув бошқармасида катта ўзгаришлар юз берди. Сув хўжалиги бошқармаси тузилиб, бошқарма таркибида кўпгина бўлим ва вилоят бўлимлари, ҳар бир вилоятда илмий тадқиқот бўлимлари ташкил этилди. Вилоятларда асосий маъсул этиб вилоят ижроия қўмитаси раиси маъсул эди. Уезд ва волостларда ҳудди шу тартибда эди[3].

Манбада бу соҳада қабул қилинган кўпгина қонун, қарор, кўрсатма, қўлланмалар, чора тадбирлар тарихига оид маълумотлар ҳам мавжуд. Қабул қилинган қонун, қарор ва бошқаларга шарҳлар ҳам бериб ўтилган.

Қонуннинг янги лойиҳасининг VI бобида натурал мажбуриятлар тўғрисидаги қонун кўрсатилган бўлиб, шундай қайд этилган: Ҳар бир сувдан фойдаланувчи гуруҳлар, жумладан давлат муассаси сифатида шаҳарлар ҳам ўзларининг шахсий ёлланма ишчи меҳнати билан зарур қурилиш материаллари ва асбоб ускуналари билан ирригация тизими иншоотлари тизимини таъмирлашда қатнашиши лозим. Ушбу бандга иккита изоҳ берилган:

1) катта маблағни талабқилувчи йирик гидротехник иншоотларни таъмирлашда давлат халққа пул билан ёрдам беради;

2) сув иншоотлари халқ томонидан эмас балки давлат томонидан таъмирланади.

Қонуннинг 40 бандида эса аҳолини белгиланган муддатда натурал мажбуриятга жалб этиш ишларини назорат қилишда тегишли маъмурият ва орган (Ижроия Қўмиталари, Ревкомлар, милиция)лар маъсул этиб белгиланган. Табиий офатлар вақтида натурал мажбуриятга зудлик билан жалб этилади дейилган[4].

1921 йилда қилинган ишлар бўйича барча вилоятлар бўйича маълумотлар бериб ўтилган. Маълумотлар батафсил берилиб сувнинг экинларга сарфланиши қилинган қоида-бузарликлар, натурал мажбуриятлар натижасида ва давлат ҳисобидан қилинган ишлар алоҳида рўйхатлар бўйича бериб ўтилган. Масалан: Сирдарё вилоятида натурал мажбуриятлар оқибатида 991.940 ишчи кучи, Фарғона вилоятида 353.927 ишчи кучи, Самарқанд областида 125.291 ишчи кучи, Туркман вилоятида 102.779 ишчи кучи, Амударё вилоятида 594.290 ишчи кучи, Еттисув вилоятида 211.639 ишчи кучи, жами Республика бўйича 2.379.866 ишчи кучидан фойдаланилган. Бажарилган ишлар натижасида эса 27446.58 км[5] узунликдаги ариқларда тозаланиш ишлари олиб борилган[6]. Бу маълумотлар тўлиқ бўлмайдиган ҳисобот йиғиб олинган бундан кейин ҳам яна кўпгина ишлар амалга оширилган.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тарихий лавҳа нафақат Туркистон АССР сув хўжалиги тарихига оид балки турли хил тарихий, хронологик, график, диаграмма, статистик, географик, ТАССР суғориш тизими фаолияти, ислоҳотлари тарихига оид маълумотларни ҳам ўзида жамлаган. Туркистонда сув хўжалиги соҳаси ҳарбий, инқлобий, сийсий кураш жараёнларида жуда қийин аҳволга тушиб қолган. Ушбу вазиятни ўнглаш мақсадида совет ҳокимияти томонидан соҳани

ривожлантириш учун кўпгина қонун, қарор,  
кўрсатмалар қабул қилинган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўша пайтда ер майдони десятина бирлигида ўлчаниб 1 десятина-1.0914 гектарга тенг бўлган
2. ЎзМА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2448 йиғмажилд, 42- варақ.
3. ЎзМА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилд, 45-варақ.
4. ЎзМА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилд, 113- варақ.
5. Йиғмажилдда 25893 верст деб берилган.Ўша пайтда узунлик ўлчови верстда хисобланиб, 1 верст-1.06 км. га тенг бўлган.
6. ЎзМА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 2448-йиғмажилд, 175-176 варақ
7. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
8. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
9. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
10. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
11. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
12. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL

- EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
13. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ АХБОРОТНОМАЛАРИДА ПЕНСИЯ ТАМИНОТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

ХАБИБУЛЛО МИРЗААҲМЕДОВ АБДУҚАХОР ЎҒЛИ  
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНВЕРСИТЕТИ  
1-КУРС МАГИСТИРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ижтимоий соҳа, пенсия сиёсати оид қонун ва фармонларни ўрганиш зарур. Ўзбекистон республикасида ижтимоий соҳа ривожини расмий манбаларда ақсатириш, ўрганиш мақсад қилиб берилган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Пенсия, ижтимоий ҳимоя, қонун, фармон.

### КИРИШ

Ўзбекистонда бутизи мими XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб шакллана бошлади. 90 йилларга келиб, бозориқтисодий таъти шасосида амалдаги слоҳотларга мос равишда янги шаклланди. Олий кенга шнинг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХИИ-сонли қарори билан қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қуйидаги давлат пенсия лари турлари белги ланади: ёшибўйича; ногиронлик бўйича; боқувчисиний ўқотганлик бўйича пенсия лар тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 август "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш нику ча йтиришга оид чора-

тадбирлар тўғрисида" ги фармонига 1994 йил 23 август кўра, вояга йетмаган фарзандлари бўлган кўп бола лар и оилалар, кам пенсия олаётган ларнинг оилалари, ногирон ларнинг оилалари, ишсизлар ва боқувчисиний ўқотган ларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва кам даромад олаётган муҳто жо оилаларга моддий ёрдам берилмоқда .1991 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда пенсия олувчиларнинг сибатан кўпроқ қисминияъни 60-70 фоизи, айрим ҳолларда ундан кўпроғини ёшибўйича ва акўпийлик хизматлари учун (ҳарбий хизматчилар учун) пенсия олувчилар, кейинги 10-18

фоизваунданкўпроққисмининогиронликбўй  
ича пенсия олувчилар, 17,1 фоиздан (1991  
йилда) 7,1 фоизгача (2017 йилда)  
қисмини доимий пасайиш тенденциясидаги бо  
қувчисиний ўқотганлик бўйича пенсия  
олувчи оилалар ташкил этади.

Кўриб чиқилган вақторалиғида ижтимоий наф  
ақо олувчилар сони 1995 йилдаги 6,9  
фоиздан 2017 йилда 8,7  
фоизгача тебраниб туради.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Прези  
дентининг 1996 йил 10 декабрдаги  
“Болали оилаларнинг давлат таъминидан қўл  
аб-

қуватланиш нияна даку ча й тириш тўғрисида”  
и фармони билан 16

ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган ои  
лалар давлатнинг алоҳида оталиғига

олинди, 2002 йил 25

январдаги фармонга биноан ижтимоий ёрдам  
кўрсатиладиган фарзандли оилалар доираси  
мумтаълим мактабларида, академик  
лицейлар дава касбхунаро коллежларида ўқиёт  
ган 18

ёшгача фарзанди бўлган оилалар ҳисобига кен  
гай тирилди.

Бундан ташқари Республикада 1995 йилдан  
бюджет ҳаражатларининг 21,8%, 2000 йилда  
29,6% ижтимоий соҳага ажратилди. 1999  
йилдан бошлаб ЙАИМ

ўсиши аҳоли ўсиши суръатидан устун бўлиши  
га аеришилди.

Бутурмуш даражаси ўсишининг ва ижтимоий  
ҳимоя ривожининг заминидир. Умрузунлиги  
70,3 ёшни (1999 йил) ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20  
07 йил 19 мартда қабул қилинган  
“Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг  
ада тасомиллаштириш ва мустақамлашга оид  
дчора-тадбирлар тўғрисида”

ги Фармони буйўналишдаги муҳим қадам бўлди  
и.

Ушуб Фармонга мувофиқ болали еҳтиёж манд  
оилаларга нафақалар,

ишламаётган оналарга икки ёшгача бўлмаган бол  
аларни парвариш лашучун нафақалар ҳам да ка  
мтаъминланган оилаларга моддий ёрдам тайи  
нлашватўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа

ри шорганлар итимоидани жтимоий адолат,  
хотислик ва ошкоралик принцип ларига,  
шунингдек бу ёрдамни оиланинг мулк ия аҳоли  
ни ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатан ҳам еҳтиёж м  
андоилаларга бериш принцип ларига оғишмай  
ри ояети шасо сида амалга оширилиши белгил  
аб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010  
йилгача бўлган даврда амалга оширилган ижтимо  
ий ҳимоя тизимининг ягона концепсияси”  
ишлаб чиқилган.

Унда Республикада мавжуд бўлган ижтимоий  
ҳимоя ва ижтимоий ёрдам, пенсия  
таъминоти, болаларга нафақат ўлаш,

ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш,  
ногиронларни протез-ортопедия буюмлари,  
ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш,  
шунингдек, тиббий,

меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш,

тиббий хизмат,

ишсизларнинг ишга жойлаштириш ва моддий ёр  
дам бериш, бир йўла (номунтазам)  
ёрдам тизимлари асосларида амалга оширили  
ши белгиланган.

## ХУЛОСА

Давлат қонунлар ва қонуности ҳужжатлар тизи  
ми орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш дар  
ажасини тартибга солади,  
енг кам яшаш минимумини аниқлайди ва ундан  
келиб чиққан ҳолда, енг кам ойликиш ҳақи,  
ижтимоий тўловлар,

суғурта мукофотлари ва ижтимоий ёрдам

(имтиёзлар) турларини белгилайди,  
ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок етувчи хиз  
мат (идора)

ларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Шу  
билан бирга,

аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини  
тартибга солиш бўйича давлатнинг енг самарал  
и роли аҳолини касбий тайёр гарликка,  
қайта тайёрлаш ва амалака даражасини ошири  
шга кўмаклашиш учун аҳолига, шу  
жумладан ногиронлиги бўлган шахсларга қўш  
имча иш ўринлари яратилиши рағбатлантириш  
дани борат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎЗМЕ. Биринчижилд. Тошкент, 2000-йил
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга шининг Ахборотномаси, 1992-й., 2-сон, 79-модда)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга шининг Ахборотномаси, 1994-й., 8-9-сон, 237-модда)
1. 4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга шининг Ахборотномаси, 1997-й., 1-сон, 7-модда: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга шининг Ахборотномаси, 2007-й., 12-сон, 105-модда; 2012-й 52-сон, 586-модда)
4. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
5. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
6. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
7. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
8. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
9. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.

10. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ СЕМАНТИКАСИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

НАБИЖОН НОРМУРОДОВИЧ НАРЗИЕВ

ЎЗМУ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ”

КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Ҳар қандай мулоқот этикетларида муносабатларни тартибга солиш қоидалари ва шаклларида сўздан ташқари бўлган баъзи жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Антропология ва этнологияда семантика ва просемика атамалари биргаликда мулоқот этикетларини яқиндан ўрганишда аҳамияти каттадир. Мулоқот маданияти семантикаси масалалари нафақат лингвистикада, шу билан бирга этнологиядаги ўзига хос ўрганиладиган муаммолардан бири ҳисобланади. Мулоқот маданиятида семантик белгилар инсонлар ижтимоий-жамоавий муносабатларида, моддий ва маънавий оламлари орқали кўпроқ кўзга ташланади. Ушбу муаммони тадқиқ этишда мулоқот маданиятининг этник хусусиятларидан келиб чиқиб, мулоқот вақтида кузатиладиган рамзий белгилар назарда тутилади. Бунда мулоқот маданияти семантикаси компонентларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- Кийимлар орқали
- Тақинчоқлар орқали
- Фойдаланиладиган улов, техника воситалари ва буюмлари орқали
- Танани бўяш ва татиловкалар орқали
- Соч ва соч турмаклари орқали

Ўрта Осиё халқлари қадимдан ўз моддий маданиятларига теран маъно-мазмунларни англатувчи рамзлар, ишоралар, чизмалар ва нақшларни сингдириб келишган. Мулоқот маданияти семантикасидаги этник хусусиятларни ўрганишда устки ва бош кийимларнинг аҳамияти каттадир.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Географик ўрни, шарт-шароити, турмуш тарзи, удум, урф-одатлари, табиати.

### КИРИШ

Кийиниш ҳар бир халқнинг қадим замонлардан буён яшаб келаётган географик ўрни, шарт-шароити, турмуш

тарзи, удум, урф-одатлари, табиати, этник хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кийимлар инсоннинг маънавий

баркамоллиги, миллий маданиятини белгилаб келган. Халқимизда «элга кирсанг эгнингга қара» деган хикмат бор. Бу хикматнинг туб мазмуни «эл ичига кирдингизми, унинг бир парчаси бўлиб кўрининг, унинг анъаналари, тарихи феъл-атвори, шаънига муносиб бўлиб кийинишга, яшашга ҳаракат қилинг» - деган маънони англатади.

Кийим инсоннинг хулқ-атвор этикетларида ички хис туйғулари ва гўзалликни намоён этади. Самимий оқ кўнгил, ўзига талабчан, умуман тарбияли - маънавиятли киши ташқи кўринишида сунъийликка йўл қўймайдиган тарзда қийинишга, ўзини шунга муносиб тутишга ҳаракат қилади. Дидли, фаросатли киши ҳамиша ана шу қиёфасини сақлаб қолади. Ташқи қиёфага эътибор бериш ички маънавий гўзалликнинг ифодасини очиб беради. Инсонларнинг кийиниш маданияти, кийимлардаги ранг ва шаклларнинг суҳбатдошга турли маъноларни англатиши ҳақида тарихий манбаларда ҳам маълумотлар келтирилади. Жумладан, кийиниш одоби ҳақида Хусайн Воиз Кошифий ўз фикрларини баён этиб қуйидагиларни айтади: “Агар оқ либос кийими куннинг рангини ифодаласа, бундай либос юрагида гина адовати булмаган кишиларга ярашади. Чунки оқ кийим кийган киши худди тонг каби кишиларга нур улашиб туради. Кўк ранг сув рангини билдириб, бу рангга кийинган кишилар сахий ва ҳаётни сезувчи бўлишлари билан фарқланадилар. Ким агар бу рангни маъкул кўрса, у худди сувдек тоза ва мусаффо, ҳар бир қалбга яқин бўлади. Қора ранг тун ва кўз қорачиғининг рангидир. Шунинг учун ҳам бундай либос кийганларнинг қалблари сиру асрорларга тўла бўлади. Яшил ранг осмон ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши осмон каби соф ва бағри кенг бўлиши, ёрдамга муҳтож кишиларга иложи борича ёрдамлашадиган фазилатга эга бўлади[1]. Демак, Ўрта Осиё халқларида қадимдан инсоннинг дид фаросати кийим-бошда, ҳаётий ҳаракатларда, ўзини тута билишида кўзга ташланади. Ташқи қиёфага

эътибор бериш, ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланиб келинган. Суҳбатдош кийимларининг кўриниши, тикилиши, безак ва нақшларига қараб унинг қайси миллатга, уруғга хослигини англашимиз мумкин. Шунинг учун инсонлар киядиган кийимларининг тикилиши, шакли, нақшлари, рангига кўра суҳбатдошга мулоқот вақтида турли сигналлар ва маънолар бериши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, уларда акс этган рамз, тасвир ва элементларда кишиларнинг маънавий, диний ва руҳий қарашлари, табиат ҳодисалари ҳақидаги кенг дунё қарашини ўрин олган[2]. Бу муомала вақтида инсонларни бефарққолдирмаган ва бу ҳолат мулоқот этикетларида албатта ўз таъсирини ксатган. Дастлаб бош кийимлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда суҳбатдошнинг миллати, этник мансублиги, жинси, ёши, ижтимоий мавқеи, оилавий аҳволи, ҳатто унинг бошига тушган мусибати хусусида ҳам суҳбатдошга маълумот беради. Бу жиҳатдан аёлларнинг бош кийимлари ранг-баранг хусусиятларга эгадир. Бош кийимлардан дўппи кийиш ёки рўмол бойлаш аёл кишининг турмушга чиқмаганлиги, келин ёки болали аёл эканлиги, бошига тушган мусибати хусусидаги маъноларни англатган. Қиз боланинг турмушга чиқмаганлиги ёки чиққанлиги унинг кийган бош кийимидан англаш мумкин бўлган. Бухоро воҳасида ўтказилган дала тадқиқотларда олинган маълумотлар шундан дарак берадики XX асрнинг 50-60-йилларида кундалик турмушда қиз болалар турли рангдаги айлана кўринишдаги дўппилар кийишган[3]. Бу билан унинг турмушга чиқмаганлиги фарқланган. Воҳа халқ педагогикаси анъаналарига кўра бобо-бувилар, оналар ўз фарзандларига ширинликлар беришда унинг бош кийимига солиб бериш одати бўлганки, бу билан кўча-куйда, тўй-ҳашамларда қиз болаларнинг дўппи кийиб юришларини қўллаб-қўвватловчи одатлар саналган[4]. XX асрнинг 60-70 йилларда турмуш ёшига етган ўсмир қизларда



оқрангдаги “Ироқи” деб номланган туртбурчак шаклдаги бодом нақши туширган каштали каллапушлар кийиш урф бўлган. Бундай бош кийимдаги қизларнинг турмушга чиқмаганлиги, ўз навбатида бегоналар билан гаплашмаслиги, куча-куйда ўз хулқига эътиборли бўлиши талаб этилган. Қариндош бўлмаган эркаклар билан гаплашиши номус саналган[5]. Архив ҳужжатларида ҳам шундай суръатлар кўзга ташланади. Уларда турмушга чиқмаган қизнинг устки ва бош кийимидан фарқлинишини кузатиш мумкин[6]. XX аср 80-90 йилларига келиб қизларга хос бош кийимларни кийиш камайиб, ўз хусусиятини йўқота бошлаган. Асосан байрамларда, тўй маросимларида кийиладиган бўлган. XXI аср бошларига келиб кийинишга хос бундай одатлар кўзга ташланмайди. Келинларда зарли каллапушлар кийиш урф бўлган. Одатда бундай кийиниш бир йилгача давом этган. XX асрнинг 90-йилларига қадар келинлар биринчи фарзанди туғилгунча бўлган даврда зар дўппи кийишган. Бу атрофдаги инсонларни мулоқот маданиятида келинга хос муносабатда бўлишга чақирган. Ҳозирги кунда аёлларнинг зар дўппи кийиб юриш одати тўйдан кейин 40 кунгача, яъни чилласи чиққунча, баъзида йил давомида яқинлариникига “Чалланди” деб номланувчи маракасига борганда кийиш одати сақланиб қолган. Айнан зар тўппи ўзаро саломлашишда ва суҳбатлашишда бу аёлнинг келин эканлигини англатиб турган[7].

Ўзбек аёлларининг бош кийимларида рўмол ва ёпинчиқларни боғлаш, тутишнинг ҳам мулоқот маданияти семантикасида ўзига хос хусиятлари ва рамзий белгилари мавжуддир. Қашқадарё Чироқчи тумани аёлларининг бош ёпинчиқларида Сҳарфисимон белгилар кўплаб учрайди ва улар либос эгасининг қайси уруғга мансублигини билдирувчи тамға ҳам ҳисобланади[8]. Бу билан мулоқот вақтида суҳбатдошнинг қайси уруғдан эканлиги маълум бўлган. XX аср ўрталарида Бухоро

воҳасида фарзандли бўлган аёллар рўмолларини учини олдинга тугун қилиб бойлаб юришган, бу ҳолат унинг фарзандли аёл эканлиги, бошида эри борлигини англатган. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожиклаарида дафн маросими кийимларида ўзига хос мулоқот этикетига тортувчи семантик белгилар кўпроқ сақланиб қолган. Бунда аёллар асосан бошларига оқ рангдаги рўмол ва энларига кўк рангдаги камзулларни кийишган. Бундай кийимларнинг мулоқот маданиятидаги ўрни шундаки, тақилган рўмолнинг ўралишига кўра вафот этган инсоннинг яқин қариндоши ёки қариндоши эмаслигини билиш мумкин бўлган. Жумладан, аёл ўраган оқ рўмолнинг бўйин бўйлаб ўтганли, унинг ўликнинг яқин қариндоши эканлигидан дарак берган. Дафн маросимига келган аёллар кўнгил сўраш учун айнан шундай аёлларга юзланиб, мулоқотга киришиб, дардига шерик эканлигини билдирганлар. Аёллар кийимида белбоғ ҳам бу ўринда маъно берувчи аҳамиятга эга бўлиб, мархумнинг яқин қариндошлари бўлган аёлларгина белларига белбоғ боғлашган. Белбоғ боғлаганда яқиннинг олд томони бир-бирига текказилмасдан бойланишига ҳам эътибор берилган. Бунинг маъноси шу бўлганки, ўлик қўша келади деб ишониш ва бундай кийинишдан қайтарилган[9]. XX асрнинг ўрталарида кўпгина қишлоқларда аёллар ўзларига мархумни яқин кўрсатиш мақсадида белларига белбоғ боғлашган. Ҳозирги кунда оилавий яқинларигина фақат белбоғ боғлашни ўзларига эп кўришмоқда. Дафн маросимларида ҳамма аёллар ҳам белбоғ боғлашмаган. Белни боғлашда ҳам маълум бир тартиб қоидаларга риоя қилинган. Унга кўра одатда белбоғ доқадан тайёрланиб ёки анъаналарга кўра ёши катта боболарига тегишли саллаларни аёллар боғлашган. Бу билан улуғ ёшларга етайлик деб ният қилиб боғланган. Шунинг учун ёши катта боболар вафот этадиган бўлса улар бошларига ўраган салла белбоғлар қизлари ва келинлари томондан олиб қўйилганки,

хонадонларида яқинлари вофот этгандагина белларига боғлашган[10].

Дала кузатувларида шу маълум бўлдики, баъзи қишлоқларда таъзия учун кийиладиган кийимларга аввалдан тайёргарлик кўрилган. Бу кўпроқ уйида қариси бор хонадон эгаларида кузатилган. Унда аёллар асосан кичик гулли кўк рангдаги матолардан бир хил кўринишдаги кенг кўйлақлар тикишган. Кўйлақнинг енги ва пастки почка қисми қайтариб тикилмаган. Дафн маросимига келганлар кўнгил сўраш учун айнан мана шундай белгилардан мархум эгалари ва яқинларини билиб олишган ва улар билан мулоқотга киришиб кўнгил сўрашган[11]. Ҳозирги кунда Бухоро вилояти аҳолиси аёлларида оқ рангли рўмол тақиб юриш одати камайиб, кўпроқ Фарғона водийси ва Тошкент воҳаларида кенг тарқалган кўк рангдаги рўмол тақиб урф бўлмоқда. Ўтказилган иштимой сўровномаларимизда “Қандай кийимлар суҳбатдошингизни яқин инсони вафот этганлигидан дарак беради” деб берилган саволга респондентларнинг 85 фоизи “Аёл кишилар бошларига оқ ёки кўк рўмол тақиб олган бўладилар” деб, эркак кишининг бошида каллапуш ёки белида бўлбоғи” бўлади деб жавоб беришган.

Анъанавий мулоқот маданиятида эркаклар кийимлари билан боғлиқ семантик белгилар ҳам ўзининг этник ва этноҳудий хусусиятларига эгадир. Одатда эркакларнинг бош кийими – дўппи ўзининг этник хусусиятига эга бўлиши билан ажралиб туради. Унинг ранги, тикилиши ва шакли инсоннинг этноҳудудий жиҳатлари ҳақида суҳбатдошга маълумотлар беради. Анъаналаримизда ўзбекларда эркак кишининг белбоғ боғлаши, салла ёки дўппи кийиб юришида унинг балоғатга етганлиги, касб-ҳунарнинг бошини тутганлиги каби семантик хусусиятларни англаш мумкин бўлган. Қадимда, зардуштийлик таълимотида ҳам кийимларнинг этикет хусусиятлари акс этган амаллари мавжуд бўлган. Зардушт ўғитларида суннатларни тўла бажарадиган, Ҳар жиҳатдан пок, юксак

ахлоқли, устоз фотиҳасини олган, зардуштийга оқ матодан чакмон, кўйлақ кийгизиб, бошига салла ўраш, белига эса юнг ипдан тикилган белбоғни боғлаш одат тусига кирган. Белбоғни боғлашда, белидан уч марта ўралган ва олди-орқа тарафидан тугин қилиб боғлаб қўйилади. Бу билан эътиқодли зардушт бутун умри давомида ушбу белбоғни боғлаб, сидрани кийиб юрган[12]. Бизнингча бундан шуни англаш мумкинки, бошига дўппи ёки салла ўраб олиш орқали эркак кишининг катталар сафига қўшилганлиги, эътиқодли инсон эканлигидан дарак берган. Ўзбек халқи урф-одатларида ҳам зардуштийликда расм бўлган “Сидрапўшлик” удумининг ўзига хос илдизлари учрайди. XX асрнинг ўрталаригача халқимиз орасида барча эркаклар ятак кийиб, белларига белбоғ боғлаш ва салла ўраш удуми кенг тарқалган эди. Одатда белбоғ боғлаш ва салла ўраш болаликдан ўсмирлик ёшига ўтган даврда бажарилган. Ҳозирги кунда бу одат никоҳ туйи маросимида уйланаётган йигитга қўлланилади. Ўзбекларда уйига келган мехмонга белбоғ боғлаш ёки никоҳ тўйида килин хонадонидан киёв белига белбоғ боғлаш удумлари борки, бу билан мулоқот семантикасидаги рамзий маъно: ўзларига яқин олиш, иззат ҳурмат кўрсатиш белгиси сифатида қаралганлигини кўришимиз мумкин. Бизнингча халқимиз орасида тўн кийдириб, белбоғ боғлаш билан боғлиқ удумлар зардуштийликдаги “сидрапўшлик” маросимининг трансформацияга учраган шакли бўлса керак[13]. Марғулон шаҳрида фарзанд туғилганда унинг ақиқа тўйида отаси дўппи совға қилиш одати бўлган ва бу доим дўппи кийиб юриш кераклигини англаган[14]. Бухоро воҳасида XX аср охирларига келиб, эркаклар кийимлари устидан белбоғнинг боғлаб олганлиги ва бошида дўпписининг борлиги, яқин кунларда у билан боғлиқ таъзия бўлганлигини англата бошлаган. Дала тадқиқотларида маълум бўлдики, XX асрнинг 80-90-йилларига қадар ўзбекларда дўппи эркаклар кундалик бош кийимлари

сифатида қаралган. Одатда кундалик ҳаётда кийиш учун ва маросим ва байрамларга киядиган дўппилар бўлганлиги аниқланди. XX асрнинг ўрталарида Бухоро воҳасида яшовчи ўзбек ва тожикларда эркаклар кундалик ҳаётда бош кийим сифатида тўппи кийиб юриш урф бўлиб, бу ҳол XX асрнинг 90-йилларига келиб, асосан бо ёшдан ошган эркаклардагина бош кийим сифатида каллапўшдан фойдаланиш кузатилади. Бу даврга келиб, одатда белга белбоғ боғлаб олиниши ва тўппи кийирилиши яқинларидан бирининг вафот этганлигини англаган ва мулоқот этикетларида суҳбатдошга ўзига хос сигнал вазифасини ўтаб, оғир босиқлик билан гаплашишга чақирган. Умуман олганда кийимлар мулоқот этикетларида ўз таъсир доирасига эга эканлигини ўтказилган этносоциологик сўровномаларда ҳам кўришимиз мумкин.

### **ХУЛОСА**

Ўтказилган сўровномалар даврида “Сиз суҳбатдошингизни мулоқот вақтида кийган кийимларига эътибор берасизми?” деган саволга респондентларнинг 65 фоизи эътибор беришини таъкидлаган. Биз худди шу саволни учинчи шахсга нисбатан “Инсонлар бир-бири билан гаплашганларида улар кийиб олган кийимларининг аҳамияти борми? деб берилган саволга 88 фоиз респондент таъсири борлигини таъкидлашган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ўзбек анъанавий мулоқот маданиятида сўз ва ҳатти-ҳаракатлардан ташқари миллий кийимларининг ранги, тикилиши, нақшларининг ўзига хослиги ҳам суҳбат жараёнида аҳамиятли эканлиги урф-одат ва анъаналаримизда акс этиб, халқ этнолингвистикасининг муҳим жиҳати саналган. Кийимлар ўз вазифасидан ташқари мулоқот маданиятининг семантикаси бой маънавий аҳамият касб этган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи мухсиний. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2011 й. 59-60 бетлар.
2. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида. Тошкент. Янги нашр. 2018й. 260 бет.
3. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Ғиждувон тумани. Қорабоғқишлоғи. 2018 йил.
4. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани. 2016 йил.
5. Тадқиқотчи қайдлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Читгарон, Дуккала, Каллон қишлоқлари. 2015-2016 йиллар
6. ЎзРКФФА материаллари № 0-45840, 1950 йил. Бухоро вилояти. Багрянский суръати
7. Дала тадқиқотлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Бойлар, Оқрабод, Қорабоғқишлоқлари. 2014-2016 йиллар.
8. Давлатова С.Т. Ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида. Тошкент. Янги нашр. 2018й. 264 бет.
9. Дала тадқиқотлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани. Дуккала қишлоғи. 2014-2016 йиллар.
10. Дала тадқиқотлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани. Қорабоғқишлоғи. 2018 йил.
11. Дала тадқиқотлари. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани Бойлар, Оқрабод қишлоғи. Облоқулова Муқаддас 63 ёшда 2014-2016 йиллар.
12. Аширов А. Авестодан меърос маросимлар. Тошкент. Мерос. 2001й. 8-бет.
13. Аширов А. Авестодан меърос маросимлар. Тошкент. Мерос. 2001й. 8-бет.
14. Дала тадқиқотлари. Марғулон шаҳри 2018 йил.

15. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
16. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
17. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
18. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
19. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
20. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
21. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ АРХЕОЛОГИК МЕРОСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

СУЛЕЙМАНОВ РУСТАМ ХАМИДОВИЧ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ,  
ПРОФЕССОР

### АННОТАЦИЯ

Археология фанининг шу кечаю кундуздаги энг муҳим муаммоларидан бири мавжуд ёдгорликларни сақлаб қолиш, ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборат. Чунки инсониятнинг тараққиётини тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Йиллар ўтган сайин одамзоднинг нуфузи кўпайиб, янги экин майдонларига бўлган талаби тўхтовсиз кенгайиб бораверади. Ҳозирги урбанизация жараёнлари натижасида бунёд этилаётган янги шаҳар ва қишлоқлар, улар томон олиб борувчи йўллар, сув иншоотлари кўплаб археологик ва архитектура ёдгорликларига жиддий путур етказмоқда.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Археология институтлари, Маданият вазирлиги, ёдгорлик, Қарши воҳаси.

### КИРИШ

Қурувчи давлат идоралари ёки жисмоний шахслар ўз қурилиш лойиҳаларини на Республика ёдгорликларни сақлаш департаментида ва на Археология институтларида камдан кам таъкидлайдилар. Қонунга биноан ҳар бир қурилиш ёки ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида, дастлаб шу майдонда археологик ёдгорликларини бор йўқлигини аниқлаш, агар ёдгорлик бўлса уларни ўрганиб, сўнг қурилиш ишларига рухсат бериш масаласи ётади. Қурилиш майдонидан ноёб ёдгорлик чиқиб қолса уни асраб қолиш яхшими, ёки қурилиш майдонини бошқа ерга суриш керакми

деган муаммолар Маданият вазирлиги тасарруфидаги Маданий мерос департаменти ва археолог олимлар билан биргаликда ҳал қилинади. Афсуски, амалда бу каби тадбирлар йўқолиб кетган. Мустақиллик йилларида, яъни 2012 йили Ўзбекистонда махсус археология ёдгорликларини сақлаш ва уларни тадқиқ этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Аммо амалда бу чора ишламади. Натижада жуда кўплаб ҳажман кичик ёдгорликлар йўқолиб бормоқда. Ҳатто йирик ва машҳур бўлган археологик ёдгорликларга ҳам путур етказилмоқда. Мен шахсан ўзим кўп йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятидаги

ёдгорликларда ишлаб келганман. Қарши шаҳрида Марказий Осиёнинг энг йирик Қалъаи Заҳоқи Морон қалъасининг майдони (225 га) тўлиқ ўзлаштирилиб иморатлар солиниб юборилган. Фақатгина марказдаги қаср бутун қолган холос. Ҳатто унинг атрофидаги уч қатор деворлари устига ҳам замонавий уйлар солиб юборилган эди. Яқинда, яъни 2018 – 2019 йиллари вилоят ёдгорликларни сақлаш инспекцияси ва прокуратурасининг ҳамжиҳатликда олиб борган ҳаракатлари туфайли ички девор майдонлари устига солинган ноқонуний уйлар бузилиб, аҳолиси кўчирилиб, ҳудуд тозаланди.

Қарши воҳасининг энг кўҳна пойтахти Ерқўрғон харобаларининг ташқи деворлари XX асрнинг 70 – 80 йилларга қадар сақланган эди. Ҳозирга келиб эса ташқи деворлари деярли текисланиб юборилди. Қадимги шаҳар майдонлари ичида эса 5 – 10 йил аввал автозаправка ва меҳмонхона қад кўтарди. Республика миқёсида эса бу каби нохуш мисоллар кўп.

Ўзбекистон Республикасининг археологик харитасини тузиш ишлари ҳали ҳам ўз ниҳоясига етказилмаган. Қаерлардадир хали фан доирасига киритилмаган ёдгорликлар мавжуд ва уларнинг ҳолидан ҳеч кимнинг хабари йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, ЮНЕСКО, жаҳон маданий меросини глобал тарзда сақлаб асраш масалаларига бағишланган бир қатор муҳим, ҳал қилувчи ҳуқуқий ҳужжат ва қарорларини қабул қилиб бўлган. Франция, Исроил ва бошқа жаҳон туризми марказларида “ақли шаҳар” концепцияси яратилиб, ЮНЕСКО бу қарорни барча қадимий меросга эга бўлган шаҳарлар учун тавсия этмоқда. Бу концепцияга биноан қадимги шаҳарларнинг маркази ва тарихий қисмлари янги меморчилик иншоотларидан, қайта планлаштириш режаларидан мутлақо даҳлсизлик шарт билан сақланмоғи лозим. Шаҳарнинг янги мавзелари ва иншоотлари қадимдан қолган марказ атрофида халқа шаклида ўсиб бориши керак. Аммо айрим маданиятдан йироқ амалдорлар ва

қўштирноқ ичидаги замонавий тадбиркорлар нураб бораётган ёдгорликларни текислаб ташлаб, ўрнига маҳобатли замонавий иморатларни соламинг, деб бонг урмоқдалар. Бунинг натижасида Ўзбекистонга туристлар оқимининг келиши кескин камаяди. Унинг ўрнига кўҳна меъморилик ва археологик ёдгорликларимизни сифатли реставрациясини бажариб, атрофида юксак маданият даражасидаги сервис хизматини аъло даражада бажарсақ, халқаро ва ички туризм ривожини юксаклади ва иқтисодий жонланади. Хорижий турист замонавий бетон осмонўпар иншоотлардан зерикиб бўлган. Шу боис ҳам улар тоза экология муҳитни, қадимий маданият дурдоналарини ва хусусан, Ўзбекистоннинг ширинликда тенги йўқ мева-чеваларининг донғини эшитиб келишади.

Қадимги ёдгорлик атрофидаги тарихий манзара йўқолиб, уларнинг ёнидан кўп қаватли иморатлар қад кўтарса, ёдгорлик ўз улуғворлиги ва эстетикасини йўқотади. Ўз вақтида бу қадим иншоотлар ўзларига мансуб шаҳарларнинг меъморий манзарасини беэбаб, даврининг қимматбаҳо дурдонаси сифатида яратилган. Бу оддий ҳақиқатни тушунмаганларга савол бериш мумкин – нима учун Миср пирамидалари атрофида араблар замонавий меҳмонхоналар, равон йўллар, ободончилик иншоотларини қурдирмайдилар – ахир бу туристга қулайку? Сабаби, пирамидалар атроф-муҳит, жумладан саҳро манзаралари эстетикасининг дурдоналари сифатида яратилган. Нима учун пирамидаларни тўкилиб турган тошларини реставрация ёки қайта тиклаб аввалгидек сайқалланган тошлар билан қайта тиклашмайди? Чунки шундай қилинса, ҳозирги пирамидалар ҳолидан уфуриб турган қадимият нафаси ва ҳақиқий мўъжизанинг оханграбоси йўқолади. Буни кўрган сайёҳ иккинчи бора уни кўргани қайтиб келмайди.

Замонавий техникавий ютуқларнинг эстетик қадри бошқа жойда. Ўзбекистонда ҳар йил

ёдгорликлар реставрациясига миллиардлаб пуллар ишлатилади. Лекин бу ишлар ҳозирги замон қурилиш материаллари асосида бажарилмоқда. Натижада сифатсиз ашё 3 – 4 йилдан сўнг тўкилиб, қайта реставрацияни талаб қилади. Натижада Ўзбекистон туристик потенциали сўниб бормоқда. Бунинг сабаби Ўзбекистон маданият вазирлигида 15 – 20 йил аввал мавжуд бўлган ихтисослашган давлат реставрация устaxonалари ёпилиб кетган ва малакали реставратор усталар тарқаб кетишган. Махсус реставрация лойиҳалари институти ҳам тарқатиб юборилган. Оқибатда бундай ниҳоятда маъсулиятли ва нозик вазифа кичик шахсий қурилиш фирмаларига топшириб юборилди. Ваҳоланки, реставрация ишлари устида муносиб назорат ҳам йўқ. Турли ташкилотлар, шахслар ва илмий жамоатчиликнинг улар устидан шикоятлари кўпайиб, собиқ маданий мерос ёдгорликларни сақлаш ва реставрация ишлари бош бошқармаси ходимларига нисбатан жиноий ишлар қўзғатилиб, уларнинг кўплари жазоланди.

Дунёдаги туризм соҳаси ривожланган, энг пешқадам мамлакатларда ҳудудий Археологик парклар тизими шаклланган бўлиб, (интернет: википедия – “Археологические парки”). Минг километрли Буюк Хитой девори, Сиань ва Лоян қадимий шаҳарларининг археологик парклари, Япониядаги Дзёмон маданияти археологик парклар, Миср пирамидалари, Миср ва Италиянинг археологик парклари, Россиянинг бир қатор археологик парклари ва х.к.ни мисол қилиб келтириш мумкин. Археологик парк маълум бир тарихий мамлакат ёки ўлканинг ҳудудларида чекланган доирасида сақланиб қолган ёдгорликларни асраш, уларнинг табиий ресурслари, экологиясини ва халқнинг этнографик хусусиятлари билан боғлаш, ҳамда бу ерни муқаддас қадамжоларининг ягона музей мажмуасига айлантириш мақсадида барпо этилади. Ҳозирги замон ютуқларини ҳам ўзида мужассам қилган

ҳолда ягона маъмурий бошқарув остида фаолият юритувчи, иқтисодий фаолият ва маданий сиёсатни амалга оширувчи орган ҳисобланади. Археологик парк ўз ҳудудида мавжуд бўлган жамики туризм учун тегишли барча объектларни сақлаш, реставрация қилиш улардан оқилона фойдаланиш орқали ўз бюджетини юргизади. У тарбиявий ва маданий-маърифий тадбирларини мустақил юритувчи иқтисодий ташкилот сифатида маданият ва туризм вазирликлари таркибида фаолият олиб боради. Республикамиз ўзининг тарихий географик тузилиши жиҳатидан айнан шу каби бир қатор тарихий воҳалардан иборат: Чоч, Фарғона, Хоразм, Суғд (Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Нахшаб (Қарши)) ва жанубда, яъни Сурхон воҳасида Қадимги Тохаристондан ташкил топган. Айнан шу ҳудудларнинг тарихий пойтахтлари, археологик ва маданий ёдгорликлари, музейлари ХХ асрдан давлат музей қўриқхоналари номи билан археологик паркларга айлантирила бошланган эди ( масалан, Хива Ичан қалъаси, Самарқанд музей шаҳар қўриқхонаси, Бухоро арки). Аммо бу жараён ҳозирда тўхтаб қолган.

Яқин йиллари давлатимиз раҳбарияти, шахсан Республика президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан бир қатор муҳим қарор ва фармонлар қабул қилиндики, улар ҳалқимиз тарихий-маданий меросимизни сақлаб, улардан оқилона фойдаланишга йўл очиб беради. Биз учун бу соҳада илғорлаб кетган мамлакатларнинг тажрибаси муҳим саналади. Айни пайтда диний туризм ҳам шу археологик парклар таркибида ривожланиб бораверади.

Ҳаммага маълумки, дунё туризми жадал ривожланиши натижасида қадимий цивилизацияларга оид меросини сақлаб қолган мамлакатлар бюджетларининг салмоқли қисмини туризм даромади ташкил этади. Масалан, ҳамкасбим ва дўстим П. Лериш берган ахборотга кўра, 2017 – 2018 йиллар давомида Франциянинг тарихий ёдгорликларига бир йилда юз миллионга яқин турист келиб кетар экан (ҳалқаро ва

ички туризм). Шунга кўра, Франциядаги меҳмонхоналарининг нархи кунига 100 – 500 доллар атрофида эканлиги маълум.

Агар Ўзбекистонда Археологик парклар ташкил этила бошланса ва кўп йиллик илмий ва ижодий дастурлар ишлаб чиқилса, бу жараёнга нафақат маданият вазирлиги, туризмни ривожлантириш қўмитаси, маҳаллий ҳокимият вакиллари, балки Ўз ФАсининг Тарих, Археология, Санъатшунослик, Шарқшунослик институтлари ҳамда тарихий ва ўлкашунослик музейлари ҳам фаол қатнашадилар. Маданий мерос ҳақидаги тарихий маълумотларнинг аксарияти Ўзбекистон Фанлар академиясида сақланади.

Мазкур фаолият йўлга қўйилгач, Археологик парклари таркибида ҳозир алоҳида объектлар устида бошланган экспериментал – синов ишлари – муҳим археологик объектларда қазишмалар олиб бориш, очилган иншоотларининг устини ёпиб, уларни археологик музей сифатида туризм йўналишларига киритиш каби сердаромад соҳани кенг кўламда йўлга қўйиш керак бўлади. Буни негизида маданий мероснинг тарғиботи ҳам амалга оширилади. Аммо бундай кўламдаги ишлар бўйича дастур яратиш фақат археологларнинг қўлидан келмайди. Қолаверса, бу уларнинг вазифаси ҳам эмас. Аввало бу жараёнга маҳаллий ҳокимият органлари, маданият ва туризм бошқармалари ҳам меҳмонхона бизнеси вакиллари қатнашишлари шарт. Сабаби, тўлақонли туризм инфратузилмаси яратилсагина – обод йўллар, шинам меҳмонхоналар, кафе ва ресторанлар барпо этилади. Ёдгорликларнинг ўзида эса тарихий ахборот берувчи баннерлар ва топилмалар кўргазмаси ташкил этиш имкони бўлади. Умуман, туризм соҳасига оид хизмат кўрсатиш механизми ишлагандан сўнг бу соҳа доимий даромад манбасига айланиши мумкин. Айни пайтда туризм соҳаси бир-бири билан узвий боғлиқ илмий, маданий ва иқтисодий ягона

муаммолар жумбоғини ечишни талаб қилиб келмоқда.

Республикада археология фанининг ва археологик меросни сақлаш соҳасида юқорида санаб ўтилган муаммолар билан боғлиқ яна бир масала - бу сақланиб қолган мавжуд мероснинг ҳудудий ҳажмидир. Бу борада ягона республика археологик харитасини яратиш масаласи кўндаланг туради.

Бир вақтлар совет раҳбарларидан бири Н.С. Хрушчёв бошқаруви даврида Қозоғистоннинг бўз ерларини ўзлаштириш сиёсати баҳонаси билан бутун Қозоғистон ҳудудининг махсус археологик харитаси тузилган эди. Бошқа республикаларда эса 60 – 70 йилларда “Маданият ёдгорликлар мажмуаси” (“Свод памятников культуры”) дастури йўналишида республикамиз археологик хариталарини вилоятлар доирасида яратиш ишлари бошланган эди. Аммо бу жараён охиригача етказилмай қолиб кетган ва ҳатто тайёр қисмлари ҳам нашр қилинмай қолди. Ҳозирги вақтда баъзи бир вилоятларнинг Ўз ФА Археология институти ва чет эл мутахассислари билан ҳамкорликдаги айрим туманлари хариталаригина нашр қилинди.

Лекин юқорида эслатилгандай, кўп ёдгорликлар қурилиш ишлари ва фермерлик хўжаликларида экин майдонларининг кенгайиши натижасида йўқолиб бормоқда. Муаммони ҳал қилиш учун имкон қадар тезликда бутун республика археологик ёдгорликлар харитасини тузиб, улар ҳақидаги ахборотларни маданият вазирлиги Маданий мерос департаментининг маҳаллий инспекциялариги етказиб бериш зарур. Чунки, маҳаллий инспекторларнинг қўлида бу каби ҳужжатнинг йўқлиги боис ёдгорликларни сақлаб қолиш имкони бўлмапти. Ёдгорликлар эса кун сайин йўқолиб бормоқда.

Маданият вазирлигининг ахборотига кўра, XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда 7 минга яқин археологик ёдгорликлар ҳисобга олинган эди. Бу рақам Самарқанд вилоятида 1500 атрофида бўлса, Қашқадарё



вилоятида 1300 атрофида эди. Бошқа вилоятларда уларнинг сони кам қолган, баъзиларида 200 – 300 атрофида эди. 2019 йилдаги маълумотга кўра, умуман республикада 4308 та ёдгорлик ҳисобга олинган. Археологик ва меъморий ёдгорликларнинг аксарият қисми совет давлати томонидан экин майдонларини кенгайтириш баҳонасида йўққилинди. Айниқса, Фарғона водийсида 30 – 50 чи йиллардан кенг кўламда пахта далаларининг кенгайиши натижасида кўплаб ёдгорликлар текисланиб кетган. Бу жараён Ўзбекистонда айниқса, ўтган асрнинг 60 – 80 йиллари авж олган эди.

Ўзбекистон археологик харитасини тузишни тезлаштириш мақсадида Ўзбекистон археологик мероси харитасини ҳамда уларнинг Рақамлашган ахборот банки (database (марказлашган архиви)) ни тузиш зарур. Бу иш марказлашган ҳолда бажарилса ва замонавий GIS технологиялар негизида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

XXI асрда ҳар бир мамлакатнинг табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда унинг миллий, тарихий ва маданий меросини ўрганишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу боис археологик ва меъморий меросни сақлаш ва тадқиқ этиш муаммоси ҳар бир мамлакатнинг давлат даражасидаги сиёсатига айланган. Чунки муайян мамлакатнинг археологик мероси унинг тарихи учун беқиёс кўламдаги моддий ва маънавий рамз ҳисобланади. Шу маънода музейларда сақланаётган ёдгорликлардан кўра, мамлакатимизнинг турли шаҳарларини беэаб турган ўрта аср меъморий мажмуалар, тоғ ва тоғолди минтақаларимиздаги ибтидоий давр – тош асри илк одамларининг масканларидаги моддий маданият қолдиқларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Жумладан, шу кунга қадар кашф этилган бронза ва темир асрига оид Зарадўшт, Искандар даврларига ва улардан кейин сақланиб қолган турли сулолаларга оид улуғвор сарой ва эҳромлар, деворларда акс эттирилган

бетакрор тасвирий санъат ҳамда ҳайкалтарошлик наъмуналари орқали ўзбек халқининг қадимий маданияти нақадар юксак бўлганлигидан хабардор бўламиз. Бу қадимги санъат намуналари ҳанузга қадар ўз мухлисларини ром этиб келмоқда. Қолаверса, улар инсониятга хос бўлган олижаноблик, эстетик ҳиссиётларни жунбушга келтиради, руҳиятга маънавий озуқа бериб, жисмоний куч қудрат бағишлайди. Энг муҳими бу мерос инсондаги миллий ғурур ва ифтихорни тарбиялайди. Шу маънода моддий маданиятимиз обидалари, қадимги санъатимиз шу кунга қадар барҳаётлигини, уни даврлар ва сулолалар сурони батамом йўқота олмаганини ва эъзозласак улар ҳеч қачон йўқолмаслигини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

17-18 аср бошларида Усманийлар давлати бозорларига мовут етказиб беришда ҳукмронликни қўлга олиш мақсадидаги Англия, Голландия ва Франция ўртасида рақобат шуни кўрсатдики, ғарб давлатлари мануфактураларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун Левант бозорларига венецияликлар ипак ва кимхоб матолар, ойна ва қоғоз, голландлар – мовут ва металл буюмлар, инглизлар кийим-бош, мис, соатлар, тери ва кўрғошин чиқариб турганлар. Усманийлар давлати да транзит савдонинг аҳамияти бошқа мамлакатларга нисбатан катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳукумат доирасида карвонсаройлар, савдогарлар ва савдо фаолиятига доир қонунлар қабул қилинган. Шундай қонунларнинг бирига кўра, агар маҳаллий ёки хорижий савдогарлар жойлашган карвонсаройда ўғрилиқ содир бўлса, шу пайтда ким карвонсаройда бўлса унинг барча нарсалари кўздан кечирилган. Одатда бундай ҳоллар тонг саҳарда юз бериб, текширув якунланмагунча, ҳеч ким ташқарига чиқарилмаган. Текширув якунига етганидан сўнг билдирилоган шикоятлар қабул қилинмаган. Бу даврда Машҳад Трапезунд ва Форс қўлтиғи орқали Осиёга келадиган транзит моллари йиғиладиган жой вазифасини бажарган.

Европага шарқ моллари чиқариладиган асосий савдо йўллари чорраҳасида

жойлашган Эрон билан инглизлар 19 асрнинг бошида икки йўл: Трапезунд, Табриз ва Кавказорти орқали савдо қилган. Бу икки йўлдан кенг фойдаланган инглизлар Эрон бозорида мустаҳкам ўрнашиб олиб, рус молларини сиқиб чиқара бошлаганлар. 1830-1844 йиллар оралиғида Эрон бозорларидаги ҳукмронлик русларда инглизлар қўлига ўтган. Бунда рус давлати инглизларни Кавказорти орқали ўтадиган йўллардан ўтмасдан, Трапезундни босиб олиш билан жавоб берган.

Ўрта Осиё аҳолисининг юқори табақа вакиллари орасида кўп тарқалган, байрам ва тантаналарида кийиладиган либослар қаторидаги бахмал матоси Европага келтирилган бахмалнинг алоҳида сифатли тури Самарқандда тайёрланган. Унга бўлган талабнинг ошиши Европада бу мато турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган устахоналар шаклланишига олиб келган. Улардан бири Франциянинг Эн департаментига қарашли Бурган-Бресс шаҳрида ҳам мавжуд бўлган. Матонинг номланишини 17 асрда яшаган руҳоний Савва Бухородан эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, айрим адабиётларда бу ном Усманийлар давлатининг ипакт мато ишлаб чиқариладиган шаҳри Бурса номи билан боғлиқлиги таъкидланади.

Бухорода Европада ишлаб чиқарилган саноат моллари, хитой чойи, Ҳинд шакари ҳамда эрон, турк, ҳинд савдогарларини учратиш мумкин бўлган. Бухоро ва Хиванинг ипак ва ип газламалари, улардан тикилган кийим-кечаклар, атлас, духоба, қоракўл териси, туркман отлари Эрон орқали Усманийлар давлатига ва Хитойга ўтказилган. Ўрта Осиё давлатларининг Усманийлар ва Эрон билан алоқалари Марв ва Машҳад ёки Каспий денгизи бўйлаб ўтадиган Хива-Машҳад йўли билан олиб борилган. Машҳад Форс кўрфази орқали ҳамда Трапезунд орқали келадиган карвонлар маркази бўлган. Машҳадга шимолий Эрондан иккита йўл Астрабод-Шаҳруд-Нишопур-Машҳад (жанубий йўл) ва

Астрабод-Бужнурд-Кўчон-Гунобод-Машҳад (шимолий йўл) олиб борган[6].

Ўрта Осиё хонликлари билан Эрон ўртасида содир бўлиб турадиган тўхтовсиз урушлар, ҳамда хонлиқлар ўртасидаги ўзаро низолар натижасида Машҳад-Марв йўлининг аҳамияти пасайиб борди. А.Вамбери маълумотига кўра, Машҳаддан Бухорога борадиган карвонлар ўн кунлик йўл бўлишига қарамай, бошқа узоқроқ (Ҳирот-Маймана-Анхой орқали) уч баробар узоқ бўлган йўлдан боришга мажбур бўлардилар. Шунингдек, бу йўлда тез-тез қароқчиларга ҳам дуч келиш мумкин эди[7].

Ўрта Осиёлик ҳожилар ҳам Маккага боришда, кўпинча, Оренбург-Астрахан-Усманийлар ҳудудлари орқали узоқ, бироқ хавфсиз йўлни афзал кўрардилар[8]. Бу йўл Ўрта Осиё ва Усманийларнинг муносабатларида муҳим рол ўйнади. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиёда Россиянинг таъсири янада сезиларли бўлди. Меҳмед Амин Афандининг «Istanbul'danOrtaAsya'yaseyahat» («Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат») номли асари ҳам Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги алоқаларини ўрганишда муҳим тарихий манбадир.

Меҳмед Амин Афанди 1878 йилда Истанбулдан саёҳат қилиш учун Ўрта Осиёга йўлга чиқади. Ўрта Меҳмед Амин Афанди асарида XIX асрнинг 70 йилларидаги Ўрта Осиёга қилган саёҳати таассуротлари ўз аксини топган бўлиб, XIX асрдаги Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, XVIII аср охири-XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё хонлиқларининг Усманийлар давлатида доимий ваколатхоналари бўлмаган учун, давлатлар ўртасидаги бу алоқаларда изчилик кўзга ташланмайди. Ўрта Осиё элчилик алоқалари анъаналарига кўра, Усманийлар давлатидан келган элчиларга ҳам элчи қўшиб жўнатилган. Элчи ёлғиз қайтиб келган тақдирда, алоқалар маълум муддат, яъни

зарурат туғилганга қадар узилиб турган. Ниҳоятда мулозамат ва муболаға билан ёзилган мактуб ва совға-саломларни топширишдан ташқари, мавжуд сиёсий вазиятдан хабардор бўлиш ва уни ўрганиш ҳам элчининг зиммасида бўлган. Айни вақтда элчилар орқали орадаги муносабатларни мураккаблашишига йўл қўймаслик мақсади ҳам назарда тутилган. Истанбулга кетаётган Ўрта Осиё элчилари олдиндан белгиланган режага кўра, Эрон шоҳи қабулида бўлиши, уни ўз ваколатидан огоҳқилиши, Ўрта Осиё давлатлари ва Усманийлар ўртасидаги муносабатларни намойиш этиши лозим бўлган. Ўрта Осиё давлатлари ҳукмдорлари юборган элчилик ёзишмаларида, одатда, элчи юборишдан кўзланган асосий мақсад атрофлича баён этилмаган. Кўпчилик ҳолларда, мактуб охирида «қолган гапларни элчининг ўзидан эшитурсиз», дейилган ибора киритилган. Бу, биринчидан, узоқ давом этган сафар давомида икки орадаги муносабатларга дахлдор масалалар тафсилотидан учинчи томоннинг, баъзан эса рақиб томоннинг огоҳ бўлиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб қўлланган услуб бўлса, иккинчидан, юборилган элчининг ваколоти юксак эканлигига ҳам ишора бўлган. Элчилик алоқалари ва дипломатик ёзишмалар ҳақидаги маълумотлардан шу нарса кўринадики, Хива хонлари ташқи сиёсатга оид ёзишмаларни давлат тили, яъни ўзбек тилида, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги форс тилида ёзишган. Ўрта Осиё ҳукмдорлари мактублари ўша даврда урф бўлган дипломатик ёзишмалар услубида, шарқона лутфу икром билан ёзилган. Ўрта Осиё ҳукмдорлари ва Усманийлар султонлари мактублари шундан далолат берадики, XVIII асрнинг охири-XIX асрнинг ўрталарида икки ўртада элчилик алоқалари, дипломатик ёзишмалари, маданий алоқалар ва савдо муносабатлари мавжуд бўлган. Улар мактубларида хоҳ савдо алоқаларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш борасида, хоҳ сиёсий борди-келдиларни ривожлантириш соҳасида бўлсин, бу алоқаларнинг давом

этиши икки ўртада саховат ва иттифоқнинг барқарорлигига хизмат қилишини таъкидлашади, элчилик алоқаларининг давлатлар дўстлиги учун хизмат қилишини эслатиб, савдо йўлларидаги қароқчиликка барҳам бериш учун амалий чоралар таклиф қилинади. Бу ёзишмалар Ўрта Осиё давлатларининг элчилик алоқалари тарихини тадқиққилишда қимматли манба ҳисобланади. Уларни архив ҳужжатлари билан қиёсий ўрганиш элчилик алоқалар тарихида мавжуд чалкашликларни бартараф этиш учун аҳамиятлидир. Ўрта Осиёнинг қўшни давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларида карвон йўллари катта аҳамият касб этган. Карвон йўллар орқали қадимги даврлардан Ҳиндистон ва Хитойдан зира, долчин, нил бўёғи, фил суяги, марварид, олмос, ипак газламалар, бронза ва чиннилар Ўрта Осиё орқали Византия ва Римга олиб борилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Борнс А. Путешествие из Индии в Кабул, Татарию и Персию.Т.И. -М., 1848. -389-397 с.
2. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир // Шарқшунослик. 1997. №8. Б.165.
3. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.-СПб., 1865. 301-307 с.
4. Валиева Д. Среднеазиатско-иранские торговые отношения в первой половине XIX в. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран востока. -Т.: АН УзССР. 1963. -56 с.
5. Қаранг: Бартольд В. Отчёт о командировке в Турции. В 9-х т. -М.: Наука. 1968. Т.2. С.462.
6. Борнс А. Путешествие из Индии в Кабул, Татарию и Персию.Т.И. -М., 1848. -389-397 с
7. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии.-СПб., 1865. 301-307 с.

8. Валиева Д. Среднеазиатско-иранские торговые отношения в первой половине XIX в. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран востока. -Т.: АН УзССР. 1963. -56 с.
9. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
10. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
11. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
12. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
13. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
14. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
15. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## БУХОРО ХОНЛИГИ СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИДА

ТЎХТАЕВ ШОХРУХ  
ЎЗМУ, ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ  
“МАНБАШУНОСЛИК ВА АРХИВШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ  
2-КУРС МАГИСТРАНТИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро хонлигининг ташкил топиши, давлат тузуми, тадрижоти, шаҳар маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид тарихий даврнинг совет даври олимлари томонидан ёритилиши масаласи келтириб ўтилган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Бухоро хонлиги, шайбонийлар, ўрта асрлар, рус босқини, шарқшунос олимлар, Шайбонийхон, Убайдуллахон, марказлашган давлат, сиёсий ҳаёт, ижтимоий аҳвол, шаҳар маданияти, тарихий маданий ёдгорликлар, архитектура ансамли.

### КИРИШ

Ўзбекистон тарихида Бухоро ҳудуди тарихини ўрганиш нафақат ҳозирги унда ўта аҳамиятли бўлиб бормоқда, балки бу ҳудуд қадим замонлардан бери барча футуҳотчиларни ўзига тортиб келган ва ўз нуфузи, салоҳияти ва бойликлари билан бошқа минтақалардан алоҳида ажралиб туриши билан ҳам нафақат қадимги давр тарихчиларини, балки ўрта асрлар, сўнгги ўрта асрлар тарихчиларини ҳам ўзига ром этиб келган.

Бухоро ҳудуди қадимий тарихий маскан сифатида ўзида жуда кўплаб тарихий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва илмий воқеаларни кечириб ўтган минтақа ҳисобланиб, унинг нафақат келиб чиқиши илм-маскани сифатида эрамыздан аввалги асрларга бориб тақалиши, балки айнан шу

ҳудуд ва шаҳрнинг барпо этилишида илм-зиёнинг ўзига хос ўрни етакчилик қилганлигини манбаларнинг ўзи исботлаб туради.

Айниқса Россия истилоси даврида Бухорони энг асосий минтақа сифатида ўзига тобеъ қилиб олиш эса Рус империясининг асосий мақсадларидан бири бўлганлиги, шу аснода эса ушбу давлатни забт этишда аввало унинг тарихи ва ўтмишини тўла ўрганиш орқали қўлга киритиш имкониятини рус истилочилари жуда яхши билишган. Россия империяси ўзининг сиёсий айқоқчиларини турли ниқоблар остида, яъни миссионер, савдогар, илм изланувчи олим, кашфиётчилар сифатида ушбу ҳудудга алоҳида топшириқлар билан жўнатганлар ва ўша давр учун максимал даражада қўлга

киритилиши мумкин бўлган маълумотларни олишга ҳаракат қилганлар.

Бухоро худуди ва унинг маданияти, тарихий ёдгорликлари, ундаги шаҳарлар жойлашуви, ўзаро боғлиқлиги, қадимий жой номлари ва уларнинг стратегик аҳамияти, ҳудудий ўзаро боғлиқлиги ҳақида совет даври олимларидан В.В.Бартольд, И.И.Умняков, А.А.Семёнов, Б.Н.Засыпкин, В.А.Шишкин, М.С.Андреев, О.Д.Чехович, О.А.Сухарева, Л.И.Ремпельлар тадқиқотлар олиб борган[1].

Темурийлар давлати Бобурдан сўнг, шайбонийлар сулоласига ўтиб, Мовароуннаҳр аввал Кўчкнчихон, ундан кейин эса ўғли Абу Саид (1530-1533) томонидан бошқарилади. Шайбонийхоннинг жияни, Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахон (1533-1540) даврида пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилиб, шу даврдан бошлаб расман Бухоро хонлиги ташкил этилганлиги эълон қилинади. Убайдуллахон давлатни мустаҳкамлаб, кучларни бирлаштиришда аввало Исмоил Сафавий ва қизилбошларни энгиб мамлакатни марказлаштиришга эришади. Мамлакат сарҳадларини қайта тиклайди ва бир қанча мамлакат ободончилиги учун ҳам қурилишлар олиб боради. Айнан шу даврларда мамлакатнинг равнақ топаётганли ва ўзини ўнглаб олаётганлиги сезила бошлайди. Аммо кейинги ҳукмдорлар даврда шайбоний шаҳходалар даврида тахт учун курашиш кучайсада, Абдуллахон II ҳукмронлигидаврида бу ички курашларга чек қўйилиб, марказий ҳокимиятни яна қайта тиклаш ва кучайтириш зарурияти юзага келади. У 1556 йилда Бухорони эгаллайди. Аввал амакиси, Балх ва Бадахшон ҳукмдори Пирмуҳаммад (1557-1561), кейин отаси Искандархон (1561-1583) хон деб эълон қилинсада, амалда мамлакат Абдуллахон II мустақил бошқарар эди. У 1574йил Балх, 1578йил Самарқанд, 1583йил Тошкент ва Фарғона, 1584йил Бадахшон, 1595 йил Хоразм ерларини қўлга киритади. У Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросоннинг

ягона ҳукмдори бўлиб, давлатни марказлаштиришга эришади.

Бухоро хонлиги даврига оид тадқиқотлар асосида XVI аср бошларидаги Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ўша давр маънавий ҳаётида карманалик яссавия тариқати вакиллари Шайх Худойдод Валийнингтаърири катта бўлганлиги, айнан Абдуллахон II даврида мамлакатни марказлаштиришда Қосим Шайх Азизон ва бошқа карманалик шайхлар фаол иштирок этганликларини тасдиқловчи маълумотларни маҳаллий олим Анвар Қандаҳаров турли манбалар ва бир неча адабиётлар асосида ўзининг “Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти” номли тадқиқотида кенг ёритиб ўтади [2].

Умуман олганда Бухоро хонлиги даври бўйича тадқиқот олиб борган совет даври тарихчи, шарқшунос олимлари минтақамизнинг ушбу ҳудуди бўйича жуда кўплаб ноёб тарихий маълумотларни нафақат қўлёзма манбалар асосида, балки архитектура меморий ёдгорликлари ва улардаги ёзувлар, бино қуришилиши ва унинг жойлашуви, даври учун аҳамияти нуқтаи-назаридан алоҳида ўрганиб, уларни асосли равишда ёрита олишга эришганлар. Рус шарқшунос олими В.В. Бартольд Ўрта Осиё тарихини жуда катта қизиқиш билан ўрганган олим ҳисобланади. Унинг асосий қизиқишлари Ўрта Осиё давлатчилиги тарихи, Ўрта Осиё халқларнинг келиб чиқиши тарихи, ҳамда Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро алоқалари, ислом тарихи масалалари билан боғлиқ бўлган. У асосан Грек-Бактрия давлати, Турк ҳоқонлиги, суғд ёзуви, туркий халқларнинг келиб чиқиши, яъни кирғиз, тожи, туркман, ўзбек, уйғурлар этногенези, ислом тарихи, Бухоро хонлиги, умуман Туркистонда ислом ва унинг келиб чиқиши тарихи масалалари билан жуда қизиққан, айниқса униг кўп йиллик тадқиқотлари танқидий жиҳатдан ўрганиб борилган. Айнан ушбу олим илмий библиотека ташкил этишида, шарққўлёзмаларини ташкил этиш, йиғиш ва



ўрганиш бўйича катта амалий ишларни қилган. У ҳатто Совет давлати таркибида 1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган Тюрк халқлари конгрессининг ташкилотчиси бўлиб, турк халқлари ёзуви масаласида жонбозлик кўрсатган. Хонликлар даври бўйича энг кўп шарқ манбаларини ўрганиб, тўплаган олимдир.

Совет даври олимларидан бўлган И.И.Умняков, В.А.Шишкин, О.А.Сухарева, Л.И.Ремпеллар Бухоро хонлиги, унинг турли даврлардаги ҳудудлари бўйича тарқалган архитектура ёдгорликларини атрофлича ўрганишда, ҳамда айнан қадимги Бухоро ва унинг шаҳри қисмини жойлашуви, географияси, архитектураси, аҳолиси, этник таркиблари ҳақида махсус тарихий тадқиқотлар яратганлар.

И.И.Умняков ва В.А.Шишкинлар асосан Сармарқанд ва Бухоро шаҳри меъморий ёдгорликлари, архитектура ансамблининг пештоқидаги ёзувлар ва уларнинг аҳамиятини ўрганиш масалалари билан шуғулланишган бўлса, таниқли олима О.А.Сухарева Бухоро минтақаси XIX аср тарихи, шаҳар маданияти хусусида фикр юритганда албатта Бухоронинг XVI аср ҳаётига оид шахслар, суфийуламолар, шаҳарлар ҳаётида Қосим Шайх Азизон, Шайх Худойдод ва бошқаларнинг улу шахсларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, шаҳар ҳаёти, шаҳар ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш соҳалари, шунингдек илмий-маданий ҳаётига оид жиҳатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган [3].

А.А.Семёнов[4], Р.Г.Мукминовалар[5] XVI аср Шайбонийлар давлати, қишлоқхўжалиги муносабатлари тарихи масалаларига бағишланган тадқиқотларида вақф ҳужжатларига асосланиб, Самарқанд шаҳри ва бу ерда жойлашган масжид, мадрасалар хусусидаги фикрларида ҳам мавзуга дахлдор айрим фактлар учрайди.

О.Д.Чехович томонидан яратилган “Бухоро вақф ҳужжатлари” монографияси XIV аср бошларига тегишли Ўрта Осиё вақф ҳужжатларини ўз ичига олиб унда асосан

ўша давр жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, хусусан аҳолининг ерга эгалик қилиш шакллари, сўфий хонақолар фаолияти, улардаги суфий авлиёларнинг ҳаёт тарзи, Бухоро минтақаси топографияси масалалари ҳақида маълумот беради. Шунингдек ушбу тадқиқотда ўрта аср давлат муассасалари ва ташкилотлари ҳақида турли маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Ушбу тадқиқотлар нафақат биз тарихчилар учун, балки шарқшунослар, филологлар, этнографлар, ахреологлар ва бошқа бир қанча соҳа вакиллари учун ҳам, айниқса вақф ҳужжатларидаги молиявий маълумотлар молиячи-иқтисодчилар учун ҳам кенг аҳамият касб этади

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро хонлиги бўйича яратилган совет даври тарихшунослиги тадқиқотларидаги маълумотлар Бухоро хонлигининг сиёсий тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ишлаб чиқариш, савдо ва ҳунармандчилик, маданий ва маънавий соҳалар бўйича етарли маълумотларга эга бўлиб, улардаги манбавий маълумотларни биз ёш тадқиқотчилар томонидан аҳамиятли, изчил ўрганиш ҳозирги кунда Бухоро тарихи масалаларини янгича ёндашувда ёрита олишимизга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. СПб., 189-1900.; Умняков И.И. К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары – «Ал-Исканда-рийа». Сб. Туркестанского восточного института в честь А.А.Шмидта. – Т., 1923.; Семенов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. – М., 1948.; Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Т., 1936.; Шишкин В.А. Надписи на портале Большой мечети в Бухаре // Бюллетень АН Уз ССР. – Т., 1947.;

- 
- Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов). – М.: Наука, ГРВЛ. 1976.
  2. А.Қандахаров. Бухоро хонлиги ва унда карманалик шайхлар фаолияти. – Тошкент, 2018. 203 бет.
  3. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара. Издательство Академии Наук Узбекской ССР. Ташкент, 1962. – 235 с.
  4. Семёнов А.А. Шайбанихан, завоевание ими империи Темуридов// Материали по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Труды Института истории и археологии АН Таджикской ССР, том 12, выпуск1, Сталинобод, 1954.
  5. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам «Вакеф-наме». Т.: «Наука» 1966. – 317 с.
  6. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
  7. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
  8. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
  9. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
  10. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
  11. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  12. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.

## ИФТИХОРИДДИН АЛ-БУХОРИЙНИНГ “ХУЛОСАТ УЛ ФАТОВО” АСАРИДА ВАҚФ МАСАЛАЛАРИ

МАМАШИКУРОВ БЕКНАЗАР БОБОМУРАДОВИЧ  
САМАРҚАНД ҲАДИС ИЛМИ МАКТАБИ,  
“ҲАДИС ИЛИМЛАРИ” КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Ўз замонасининг буюк фақиҳи “Хулосат ул-фатово” асари муаллифи Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий 482/1089 йили Бухора шаҳрида фақиҳлар оиласида таваллуд топган. Даслабки таълимни отаси Аҳмад ибн Абдур Рашиддан олган. Ундан ташқари замонасининг ютук ва машҳур уломлари Сирожиддин ал-Уший, Фаҳриддин Қозихон, тоғаси Заҳриддин Ҳасан ибн Алилардан ҳам таълим олади. Яна, Бухоро фақиҳлари сулоласи вакели Абу Исҳақ Рукнул Ислам аз-Зоҳид Иброҳим ибн Исмоли ибн Аҳмад ибн ал-Исҳоқ ас-Сафорийдирдан ҳам таълим олган. У Бухорода 26 роби ул-аввал 534 Ҳ. йилда вафот этган. Унинг “Талхис аз-Зоҳидий”, “Китаб ас-сунна вал-жамаъа” номли асарлари маълум[21]. Фаҳриддин Қозихон ҳам ундан таълим олган.

### КАЛИТ СЎЗЛАР

Ал-Бухорийнинг, “Жамиъас-сағирига”, “Ҳидоя”, “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Хусаин бунга мувофиқ бўлдилар”.

### КИРИШ

Ифтихориддин ал-Бухорийнинг отаси қавомуддин Аҳмад ибн Абдур Рашиддан (ваф. 500/1107) ҳам замонасининг фақиҳ уломларидан бўлган. Имом Абу Ҳанифанинг шогирти Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Жамиъ ас-сағирига” шарҳ ёзган[22]. “Ҳидоя” китобининг муаллифи Бурҳониддин ал-Марғинович ҳам у зотда фикҳни ўрганганлар[23]. Боболари Абдур Рашид ибн Хусаин ал-Бухорий ҳам замонасининг ютук фақиҳларидан бўлган. Сулаймон ал-Кафавий “Катаиб ал-ахёр” китобида у ҳақда шундай зикр қилади: Имом, катта фозил шайх, сиқа, ҳофиз мутқин эди. Ўз замонасида

мазҳабининг раислиги унда тухтаган эди. Усул ва фуруъ илимларида денгиз эди. Инсонлар турли шаҳарлардан унинг қўлида фақиҳ бўлиш учун унга риҳлат-сафар қилар эдилар. Унинг қўлида ўғли шайх имом Қавомиддин Аҳмад ибн Абдур Рашид фақх илмини эгаллаган.

Невараси яъни, Тоҳир ибн Аҳмад ҳам “Хулосат ал-фатово”сида бир қанча уринларда: “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Хусаин шундай дедилар”, ёки, “Бобом шайх ал-Ислом Абдур Рашид ибн Хусаин бунга мувофиқ бўлдилар”, деб келтиради[24].

Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (ваф. 542/1148) ўзида икки сулола

Бухоро ва Фарғона фикҳ мактабларини ва илмини жамлагандир. Бизнинг бундай дейишимизга асос, “Фатовои Зоҳириййа” муаллифи Заҳир ад-дин Али ибн Абдул Азиз ибн Абдур Разоқ ал-Марғиноний ҳам Ифтихор ад-диннинг она томонидан бобоси бўлган. Бобоси Али ибн Абдул Азиздан ҳам “Хулоса” асарида ривоятлар келтиради[25] Мисол учун Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррашид ал-Бухорий “Хулосат ул-фатово”нинг “Кароҳият” китобида шундай келтиради: Аллоҳ Таъолани тушда кўриш масаласида турли хил гапларни айтдилар. Баъзи машойхлар буни жоиз дедилар. Бундай деганлардан имом зоҳид рукнул Ислоом ас-Саффор ал-Ансорий. Бобом шайх ул-Ислоом Абдур Рашид ибн Хусайн ҳам унга бу фикрда мувофиқдир. Самарқанднинг аксар машойхлари Аллоҳ Таъолани тушда кўришни жоиз санамайдилар. Ҳатто шайх имом Абу Мансур ал-Мотуридий раҳима ҳуллоҳ: “Ким бундай деса у будга сиғинувчилардан ҳам ёмон” деди. Бухоро муҳаққиқ уломлари ҳам шу қавлдадилар. Онамнинг отаси бобом имом Заҳириддин ал-кабир раҳима ҳуллоҳ ҳам улардан бири”[26] деб келтиради.

Ифтихоридин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (542/1148) йили Жимад ул-ула оида Сарахсда вафиот эткан. Уша ерда унга таъзи қилинганидан сўнг жанозаси Бухорага олиб келинган[27].

Ифтихоридин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид ал-Бухорий (ваф. 542/1148) тасниф қилган асарлар учта бўлиб, уларнинг энг машҳур шоҳ асари “Хулосат ул-фатово”дир. Ифтихор ад-дин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид Бухорийнинг “Хулосат ул-фатово” асари ўзига хос жиҳати ва аҳамияти шундаки мусанниф ўзигача битилган фатво китоблар ва фикҳий асарлардаги баҳс ва ихтилофларга кўп тухталмайди. Баъзиларини зикр қилсада, уша сўзнинг эгасига ишора қилади. Мусанниф бу асарида ўзигача таълиф қилинган “фатоволар”нинг охирги хулосаларини туплаган. Хусусан бу асаридан олдин ўзи тасниф қилган “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ”[28]

асарларининг қаймоғи-хулосасини келтирган. Аллома “Хулосат ул-фатово” асарининг муқаддимасида шундай келтиради: “Баъзи биродарларим уни ёдлаш ва эсда сақлаш осон бўлган асар ёзишимни сўрадилар. Мен уларнинг сўровига жавобан, “Хизанатул вақиёт” ва “Нисаб ул-фақиҳ” асарларимдан фатволарни мухтасар қилиб олдим ва уни “Хулосат ул-фатово” деб номладим деб келтиради.

Асарнинг ҳар бир китоби аввалида шу китобдаги фасллар ва уша фаслга жинсдош бўлган масалаларни баён қилиб чиққан.

Бу асарни турли замон ва маконларда уломлар эътироф этганлар. Жумладан, Ҳожи Халифа “кашфуз зунун” китобида: “Машҳур ва муътамад унга суяниладиган, ишончли китоб” деб васф қилган. Имом Абдул Ҳай ал-Лакнавий “Фавоид ал-баҳиййа” китобида: “Уломлар наздида эътироф этилган ва фуқоҳолар наздида унга суяниладиган китоб” деб таъриф беради.

“Хулосатул фатово” асари ҳанафия мазҳабида тутган урни ва аҳамиятини яна шундан билиш мумкинки, бу асарнинг нусхалари турли замонларда кўчирилган бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида кутубхоналарда унинг ўнлаб қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Бу ҳамма замонларда ҳам унга ихтиёж катта бўлганлигини кўрсатадики.

“Хулосат ал-фатово”нинг қўлёзма нусхалари ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшуносли институти қўлёзмалар фондида йигирма тўртта нусхаси сақланади.

Вақф туғрисида тушунча

Тарих китобларида ўтмишда мактаб, мадраса, шифохона ва масжидлар учун катта-катта вақфлар ажратилгани ҳақида ёзилган. Лекин, у вақфлар кимлар томонидан ва нима мақсадларда амалга оширилганлиги ҳақида батафсил малумотлар келтирилмайди. Вақф ҳужжатларини расмийлаштириш, вақфхоналаринг олиб борган фаолиятлари, иш юритиш ҳужжатлари ҳақида малумотлар диярли йўқ. Бу ҳақдаги малумотларни

асосон вақф ҳужжатлари ва вақфнома ва дивонхонларда расмийлаштирилган ҳужжатлар ва тарихий манбалар асосида малумот олиш мумкин.

Вақф деб ҳукмдор ёки бошқа юридик шахслар томонидан Аллоҳ йўлида бағишланган кўчар ва кўчмас мулклар тушунилади. Вақф мулклари расмийлаштирилган ҳужжат вақфнома деб аталган, ҳужжат ноанъанавий тарзда ўрама (рулон) шаклида битилган ҳамда тегишли маҳаллий қозининг муҳри билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган вақфнома ҳужжатлари ҳам ўрама шаклда тузилган бўлиб, уларнинг энг кичик ўлчамлари: эни – 10 см, узунлиги – 20 см; энг катталарининг ўлчами: эни – 45 см, узунлиги – 84 метргача. Мазкур манбалар ўз даврининг мулкрий муносабатлари ҳамда ижтимоий масалаларни акс эттирувчи ноёб манба саналади.

Тарихий давр нуқтаи назаридан асл вақфномаларинг энг қадимийси XIII асрга тегишли. Барча вақф ҳужжатлар алоҳида қимматли ҳужжатлар рўйхатига киритилган. “Вақф” сўзи луғатларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларида келади[29]. Вақфнинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар билдирилган. Имом Абу Ҳанифанинг қавлига кўра[30]: Вақф – нарсани вақф қилувчининг мулкида ушлаб туриб, фойдани беғараз садақа қилмоқдир. Яъни, бир нарсани вақф қилиш орқали уша нарсадан келадиган фойдани вақфдан фойдаланувчилар учун абадийлаштиради. Мазкур нарсанинг ўзини эса эгаси ўз мулкида ушлаб туради. Эгаси хоҳлаган вақтдан ундан қайтиши мумкин. Уни сотиши, агар вафот этса меросхурларига мерос қолиши мумкин[31].

Имомайн Абу Юсуф ва Муҳаммадларнинг наздида эса[32]: “Вақф - нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир”. Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Аллоҳнинг мулкига айланади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳадя

қилинмайди, мерос қилиб қолдирилмайди[33].

Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда шарт қилган жиҳатларга (масалан, талабалар, мусофирлар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига абадий бўлади. Вақфнинг доимий ҳақдори зикр қилинмаслик ҳам мумкин.

Агар бирон шахс вафотидан сўнг молини вақф қилишни васият қилган бўлса, қолган молнинг учдан бирдангина васияти бажарилади. Агар учдан бирдан ошиб кетса, ошгани васиятга кирмайди[34].

Вақфга оид фикрий масалалар Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулосут ул-фатово” асари “Вақф китоби”да вақф оид тушунчаларни қўйдагича ёритади[35]:

Вақф Абу Ҳанифа наздида бирон нарсани вақф қилувчининг мулкида ҳибс қилиб ундан келадиган манфаатни камбағалларга ёки бирон савобли ишга орийат сифатида садақа қилишлиқдир, шу гапга кўра вақф қилувчининг вақф қилган нарсасини қайтариб олишлик ва сотишлик ҳаққи бўлади.

Вақф қилинган нарса фақат икки йўл билан вақф қилувчининг мулкидан бутунлай чиқади: биринчиси қозининг вақф лозим бўлди деб ҳукм чиқаришлиги билан; иккинчиси вақф васият махражидан чиқишлиги билан, яъни вақф қилувчи “мана шу ҳовлимдан чиқадиган фойдани вақф бўлишлигини васият қилдим”, дейди, шу гапи билан вақф қилинаётган нарса вақф қилувчининг мулкидан бутунлай чиқади.

Вақф Абу Юсуф ва имом Муҳаммад роҳимахуллоҳлар наздида бирон нарсани Аллоҳнинг мулкини ҳукмида ҳибс қилишлиқдир ва унинг манфаати бандаларга бўлади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос бўлиб қолмайди. Хозирда фатво имомайнларнинг гапларига берилган. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи айтадиларки вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан фақат қози ҳукм қилишлиги билан чиқади. Абу Юсуф наздларида вақф қилинган нарса гап билан

яъни вақф қилдим дейишлиги билан чиқади бу гапни уч мазҳаб имомлари ва аҳли илмларнинг аксари айтишган. Имом Муҳаммад роҳимахуллоҳ айтадилар: “мулкдан чиқмайди тоинки вақфга бирон волий тайинлаб, вақф қилинган нарсани таслим қилмагунча”. Худдишундай волийликни ўзига қилиб қўйса ҳам жоиздир. Хулоса

Вақф каби хайрия муассалари бизни халқимизга янгилик эмасдир. Асрлар давомида бизнинг халқимиз вақф қилишган ва вақф аҳкомларида амал қилиб келишган. Вақф ислом анъанасида давлат раҳбарлари, амалдорлари ва айрим кишилар томонидан ўзининг шахсий мулкидан диний муассасалар, масжид, мадрасалар, муҳтож оилалар ва бошқаларга аж-ратилган мол-мулкдир. Хива, Бохоро ва Қўқон хонликларида, мусулмон давлатларида булганидек, вақфдан келган даромадлар уша вақфда аталган диний муассасалар, шахслар, муҳтожлар ва уларда хизмат қиладиганларга сарфланган.

Ўзбекистонда давлатчилик тарихини ўрганишда тарихий ҳужжатлар муҳим тарихий манба эканлигини этиборга олган ҳолда ёш авлодга давлатнинг иқтисодий таянчи бўлмиш вақф каби хайрия муассалари тарихини ўргатишимиз керак. Юртимизнинг тарихидан уларга қоронғи бўлиб қолаётган қирраларини билдиришимиз, вақф ҳақида архивларда сақланаётган ҳужжатларни малум қилишимиз лозим.

Ўрта Осиёда вақф мулкчилиги анъаналари ва унинг ҳудудий хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун ҳанифий мазҳабида битилган Ҳадислар, Хулосат ул фатово, Фатавий Хонийа, Фатавий Ҳиндия, Фатавий Сиржия, Фатавий Баззозия каби асарлар ва бошқа кўплаб асл манбалар орқали вақф аҳкомларига оид малумотларни тадқиққилиш ва уларни савоб талаб мурувватли инсонларга етказиш ва уларни бу савобли ишга жалб қилишимиз керак.

## ФҲЙДАЛАНГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони Карим
2. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳул – Бухорий. Дорул кутуби илмия, Ливан, 2002
3. Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим. Саҳиҳи Муслим. Дорул кутуби илмия, Ливан, 2005
4. Фатови Ҳиндия. Дорул фикр. Либан, 2010
5. Фатови Қозихон. Дорул фикр. Либан, 2010
6. Фатови Баззозия. Дорул фикр. Либан, 2010
7. Роддул мухтор алад дурил мухтор шарҳу танвийрул абсор. Муҳаммад Амин Ашшаҳир ибни Обидин. Байрут. Ливан-2003
8. Фиқҳул Исламия ва адиллатуху. Ваҳбат Зуҳайлий. Дор Фикр. 2008.
9. Ибни Мунзир. Лисанул араб. Дор Содир. Либнан.
10. Солмонов Аҳмад. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкелотлар фаолияти тарихи (1917-1950.йй). Диссертаци. 2008.
11. Абул Бақо Ҳусайн Кафавий. Аъламул ахёр мин фуқаҳои мазҳабин Нўъмон мухтор. – Техрон: Кутубхона Мажлис шўро, 2011.
12. Шамсиддин Ас-Сарахсий. Ал-Мабсут. Дорул фикр. Лубнан, 2010.
13. Ифтихориддин Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдур Рашид Бухорийнинг “Хулосат ул-фатово”. Қўзлэзма. Ал-Азҳар кутубхонаси.
14. Алоуддин Самарқандий “Тухфатул фуқаҳо”. Дар ул-фикр. Берут.
15. Умар Ризо Каҳҳала. Муъжам ал-муаллифин. Муассат ул-рисала.
16. Ҳажи Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий.
17. Ибни Қутлу Буғо. Таж ат-Тарожим. Дар ал-қалам, 1992.
18. Абул фаво ал-Қураший ал-Ҳанафий. Жавоҳир ал-Музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа.

19. Абдул Ҳай ал-Лакнавий Фаваид ал-баҳиййа. Миср 1903.
20. Ҳамидуллоҳ Аминов, Соатмурод Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Тошкент 2017. 182 б.
21. Абдул Ҳай ал-Лакнавий Фаваид ал-баҳиййа. Миср 1903. 7 б. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. ЎзРФА. Қўлёзма № 91. 152 вароқ.
22. Исмаил Баша ал-Бағдодий. Ҳадийят ул-Арифин. Истанбул 1955. 1 ж. 81 б. Абдул Ҳай ал-Лакнавий Фаваид ал-баҳиййа. Миср 1903. 25 б. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. Қўлёзма. 192 б. Ҳажӣ Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 1ж. 563 б.
23. Тақийиддин ат-Тамимий ал-Ҳанафий. Табақот ас-саниййа фи тарожим ал-ҳанафиййа. Дар ар-Рифаъий. 1ж. 379, 380.
24. Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт. Қўлёзма. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. Қўлёзма. 180 б.
25. Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт. Қўлёзма. Сулаймон ал-Кафавий. Катаиб ал-ахёр. Қўлёзма. 178 б.
26. Ифтихор ад-дин ал-Бухорий. Хулосат ул-фатово. Китаб ул-кароҳиёт, 249 в. Қўлёзма.
27. Абул фаво ал-Қураший ал-Ҳанафий. Жавоҳир ал-Музиййа фи табақот ал-ҳанафиййа. 2ж. 276б.
28. Ибни Қутлу Буғо. Таж ат-Тарожим. Дар ал-қалам, 1992. 172 б. Ҳажӣ Халифа “Кашф аз-зунун”. Дар ихёи турос ал-арабий. 2 ж. 195 б.
29. Ибни Мунзир. Лисанул араб 15/263. Дор Содир. Бирут. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт 11/283. Ҳилол нашриёт, 2014. Ваҳбат Зуҳайлий. Фиқҳул Исламия ва адиллатуху 8/151. Дор Фикр. 2008
30. Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулоса ул-фатово”, қўлёзма: 269 А. Фатови ҳиндия. 2/346. Дорул фикр. Бирут, 2010. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010.
31. Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулоса ул-фатово”, қўлёзма: 270 В. Фатови ҳиндия. 2/346. Дорул фикр. Бирут, 2010. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010.
32. Фатови ҳиндия. 2/346. Дорул фикр. Бирут, 2010. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010.
33. Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулоса ул-фатово”, қўлёзма: 270 В. Фатови ҳиндия. 2/346. Дорул фикр. Бирут, 2010. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010. Муҳам ибн Муҳаммад Курдий. Фатови Баззозия. 3/130. Дорул фикр. Берут, 2010
34. Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулоса ул-фатово”, қўлёзма: 270 В. Фатови ҳиндия. 2/346. Дорул фикр. Бирут, 2010. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010. Фатови Баззозия. 3/130. Дорул фикр. Берут, 2010.
35. Ифтихоруддин ал-Бухорий “Хулоса ул-фатово”, қўлёзма: 269, А, 270 В. Фатови Қозихон. Фатавои Хония. 3/198. Дорул фикр. Берут, 2010.

## ИБТИДОЙ ДАВР ИЖТИМОЙ МУНОСОБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ХУСУСИДА

**БАҲОДИР АБДУГАППОРОВИЧ ЭЛМУРАТОВ**

ЎЗР ФА МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

**БОЗОРОВА ДИЛШОДА ДАВРОНОВНА**

ТАТУ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ИЖТИМОЙ  
ГУМАНИТАР КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

### АННОТАЦИЯ

Адабиётларда ибтидоий давр ижтимоий муносабатлари тарихига паст назар билан ёки бир томонлама баҳо берилар эди. Нашрларда ибтидоий пода, тўда даврлари каби атамалар қўлланилиб келинган[4.С.636.]. Маълумки, пода бу ҳайвонот оламига хос бирлик бўлиб, одамлар фақатгина тўдаларга бирлашган ҳолатда яшаб қолишлари мумкин бўлган. Ибтидоий муносабатларни биз маймунлар ва изоляция ҳолатида қолиб кетган қабилаларга қиёслаб ўрганишимиз мумкин[2.С. 8.].

Л.Г. Морганнинг “Ибтидоий жамият” асарида[3. С. 34.] ибтидоий тараққиёт одам ҳайвондан, яъни маймундан келиб чиққан деган нуқтаи-назар асосида талқин қилинган[2.С. 8.]. Кейинчалик диалектик олимлар уни диалектик фалсафа асосида талқин қилишга ҳаракат қилганлар.

### КИРИШ

Оилавий муносабатларда тартибсиз ёки гуруҳлашган никоҳ, деган тушунчалар одам аждодларига бириктирилган даврларга ажратиш ҳолатлари ҳам бўлган. Бу социалистик материализмни тушунтириш учун қулай бир дастур эди.

Агар биз ҳайвонот оламини ўрганадиган бўлсак, маймунларда жинсий бирлашиш фақат жуфт ҳолатда рўй берганлигига гувоҳ бўламиз. Тўғри, бунда наслга асосан урғочи маймун маълум вақтгача жавобгар бўлган.

Ибтидоий тарихнинг бошқа даврлар тарихидан асосий фарқларидан бири шундаки, бу даврда одамлар биологик тараққий қилган. Оилавий муносабатлар одамларда аввал бошдан жуфт-жуфт характерда бўлган. Тўғри, одамлар фақат

тўдаларга бирлашган ҳолатда яшаши мумкин бўлган. Бироқ, оила никоҳ муносабатлари ҳеч қачон тартибсиз бўлмаган.

Биологик жиҳатдан тараққий қилган одамлар ҳозирги одамлардан бир неча маротаба кучли бўлган. Неандерталлар найзаларини 50-60 м ларга улоқтириб, ҳайвонларни овлаганлар, уларнинг ов қилиш масофаси 200 км радиусни ташкил қилган. Ҳозирги одам бунча масофага пиёда бир марта бориб келса, анча қийин аҳволга тушиш, эҳтимолидан холи эмас. Ҳозирда бу ҳаракатларни фақат малакали спортчиларгина амалга оширишлари мумкин. Ваҳоланки, неандерталларнинг қўллари қўлнинг айланаси бўйлаб тўлиқ айланмаслиги аниқланган. Бироқ, унча-мунча



ҳайвонни қувиб етиб оладиган даражада бақувват бўлган.

Аммо, ҳозирги маълумотларга кўра, неандерталлар қора танли бўлишганлар. Франциядаги машҳур “Шовў” ғоридан топилган неандерталларнинг қора танли бўлганлиги аниқланган[5.Р.204].

Бундан ташқари, неандерталларнинг ватани Ғарбий Европа ҳудудлари бўлиб, улар бундан тахминан 100 минг йиллар муқаддам пайдо бўлдилар ва Ўрта ер денгизи соҳиллари бўйлаб Евросиё ҳудудларига тарқалганлар. Ўзбекистон ҳудуди неандертал типли одам аждодларининг тарқалишидаги энг шарқий чегара ҳудуд ҳисобланади. Юртимиз ҳудудидаги Тешик-тош ҳамда Обирахмат ғор маконларидан шу турдаги одамларнинг қолдиқлари аниқланган. Ўзбекистондан шарқда ҳали хануз неандертал типидagi одамлар қолдиқлари топилмаган.

Тешик-тош ғоридан топилган 9-10 ёшлардаги қиз боланинг жасади ўша даврларнинг урф одатларига кўра кўмилган. Бунда биз нафақат ўша даврнинг кўмиш маросимлари, балки ёш қизалоқнинг катта ҳурмат ва эҳтиром билан ерга қўйилганлиги ҳақидаги фикрларни айтишимиз мумкин. Ваҳоланки, бу ёш қизалоқҳали жамоага бирон бир фойда келтирилган даражада эмас эди.

Ибтидоий одамлар биологик ривожланишга мажбур эдилар. Тош асри одамлари негаки, уларнинг яшаб қолиши шунга боғлиқ эди. Очлик инсонда ва барча тирик мавжудотларга берилган энг кучли инстинк бўлиб, уларни кучли машинага айлантириб юбориши мумкин бўлган. Оғир иқтисодий шароитларҳамда озуқа топишнинг машаққатлиги одамнинг биологик ривожланишининг кучайишига олиб келди. Ҳозирги вақтда одамнинг биологик ривожланиши бирмунча секинлашди. Техника жадал ривожланмоқда. Бу ҳолат ҳамиша ҳам ижобий оқибатларга олиб келмаяпти. Азон қатламининг тешилганлигининг ўзи бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Ибтидоий даврда ёшлар тарбиясига катта эътибор берилган. Бу даврда ўсмир йигитларни катта овчилар сафига қабул қилишнинг алоҳида маросимлари ёки тадбирлари уюштирилган. Бу ҳодиса фанда “инициация” маросими номи билан машҳур. Бунда ўсмир дарахтга боғлаб қўйилган ва уни қийнашган ёки баъзи ҳолларда тан жароҳатлари ҳам етказилган. Бунда маросимдан ўтувчи ушбу азобларга дош бериши талаб қилинган. Негаки, ов жараёнида бундай азоб уқубатлар тез-тез такрорланиб турган. Агар ўсмир ушбу синовларга дош бера олмаган ҳолларда уни кейинги мавсумда қайта синовлар кутган. Жамоанинг ҳар бир ёш вакилига бутун жамоа бўлиб эътибор беришганлар. Чунки, жамоанинг ҳар бир ёш вакили ҳисобда бўлиб, унинг жамоа тақдирида алоҳида ўрни мавжуд бўлган.

Ибтидоий даврларда табиатга жонли организм сифатида ҳурмат эҳтиром билан муносабат билдирилган. Ҳатто дарахтлар, тоғлар ҳам маълум ҳурмат эҳтиромга эга бўлган. Ирокезлар ов қилаётганда ёш ва бўғоз ҳайвонларни овламаганлар. Овдан аввал махсус маросимлар ўтказилган, покланган ва ҳатто хотинлари билан ҳам уч кунгача яқинлик қилмаганлар. Овдан сўнг, ўт-ўланларни тўплаб ов қилинган тўдага олиб бориб бериш русум бўлган. Жамоада ёши катталар алоҳида ҳурматга сазовор бўлган. Ёшлар ёрдамчи ёки доимий жисмоний ва малакавий машғулотлар билан машғул бўлган. Ҳар битта ёш учун бутун жамоа бўлиб қайғурганлар. Аёллар алоҳида ҳурмат иззатга сазовор бўлган. Ҳеч қанақа зўровонлик жамоа ичида мавжуд бўлмаган. Барча муносабатлар мустаҳкам тартиб ва қоидалар асосида қурилган бўлган. Ирокезлардан, “сиз аёлларсиз нима қилган бўлардингиз”, деб сўрашганларида, “биз аянчли аҳволда қолган бўлардик”, деб жавоб беришган. Бойсунтоғдаги Тешик-тош ғоридан топилган ёш боланинг қабри ҳам бунга яққол мисол бўла олиши мумкин. Маълумки, у эчки шохлари қадалган, қабр ичига буюмлар қўйилиб, ҳурмат эҳтиром

билан кўмилган, дейиш мумкин. Ваҳолангки, 9 ёшли қизалоқхали жамоага катта фойда келтирадиган даражада эмас эди.

Эркаларнинг кундалик машғулоти асосан овчилик бўлган. Ов ҳамиша ҳам бароридан келавермаган. Тасаввур қилинг, овдан оч, яраланган ҳолатда маконга кириб келган эркаларни иссиқ макон (оловни ўчирмасдан сақлаш машаққати ҳам аёллар зиммасида бўлган), ейишга яроқли ўсимликларни (салат) териб, озуқа ҳозирлаб кўйиш аёлларнинг зиммасида бўлган.

Тарих фани асосчиси Герадотнинг хабар беришича, “...скифларда ҳўкиз ўзини ўзи қайнатади”, деган иборалар қўлланилган. Буни шундай талқин қилиш мумкин: тош даври жамоаларида ҳўкиз териси арчилиб, гўшти майдалаб олинганидан сўнг, унинг ошқозони авайлаб тозаланган. Сўнгра, ушбу ошқозонган сув тўлдирилган ва пастдан олов ёқиб, қайнатилган. Кейин ушбу қайноқ сувга майдаланган гўшт солинган ва қайнатиб, пиширилган. Албатта, бундай ошқозонлар тезда ишдан чиққан ва тешилиб қолган. Бунинг чорасини топиш мақсадида скифларда ёғочдан махсус тиқинлар қилинган ва ошқозондаги сувнинг оқиб кетмаслиги учун ёғочдан махсус тиқинлар ясалган. Бундай ёғоч тиқинлар археологик ёдгорликлардан топилган. Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ макони тадқиқилинаётганда М.Р. Қосимов томонидан оловда куйган дарё галькалари сериялари аниқланган. Тадқиқотчининг талқинича, ушбу тошлар ердан чуқур қазилиб, яхшилаб сувалиб сув солинган ҳовузчалардаги сувларни қайнатиш, сўнгра ушбу қайнаган сувда ҳайвон гўшларини қайнатиб пишириб олиш мақсадида фойдаланилган[1.с 48.].

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ибтидоий давр тарихи ҳақида маълумотлар жуда кам. Шундай бўлсада, айтиш мумкинки, ибтидоий аждодларимиз оғир шароитларда истиқомат қилганлар, табиатнинг мураккаб инжиқликларига дош берганлар. Мужими, инсон зотини сақлаб қолганлар. Биз ибтидоий аждодларимиз туфайли шу

муқаддас заминда яшаб қолдик ва шундай муборак кунларгача етиб келдик. Биз тарихимизнинг барча ибтидоий даврлардан бошлаб, ҳар бир босқичини яхши билишимиз бугунги кунларимизнинг қадрига етишимизга ва бунга осонликча эришилмаганлигини билишимизга ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Косымов М.Р. О проблемах изучения палеолита на территории Средней Азии и Южного Казахстана. ОНУ. № 9. Тошкент.; 1990
2. Энгельс Ф. Происхождение семьи. 1937. М.
3. Морган Л.Г. Древнее общество или исследование линии человеческого прогресса через варварства к цивилизации. Изд-во ЦИК СССР, 1934.
4. Ефименко П.Е. Первобытное общество. ИИМК АН СССР. Л. 1958.
5. Lumley H. De Origine de l'homme. Paris. 2004.
6. Nazarov, A. Y. (2019). THE FUND OF NATIONAL ARCHIVE OF UZBEKISTAN ABOUT THE SCIENTIFIC INSTITUTIONS IN TURKESTAN. Theoretical & Applied Science, (10), 587-589.
7. Juraev, Z. M. (2019). THE INTENTION-A CHOICE OR THE DOCTRINE OF ELECTION IN MAVARDI PRODUCT" A L-AHKOM-AS-SULTONIYA VA-L-VALOYOT AD-DINIYA". Theoretical & Applied Science, (7), 446-453.
8. Sayfullaev, N. Current Issues on Fine ARTS Education: Continuity and Prospects for Development. Religación, 4, 192-194.
9. Rustamiy, S. A. (2019). Poetical art of Yusuf Balasagun. ISJ Theoretical & Applied Science, 9(77), 256-259.
10. Kurbanova, D. (2020). Tent Of The Emir Of Bukhara (Second Half Of The 19th Century)(History Of One Exhibit From The Collection Of The State Hermitage). The American Journal of

- Social Science and Education Innovations, 2(12), 180-183.
11. Davlatova, R. H. (2020). USING UZBEK NATIONAL GAMES IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS. Theoretical & Applied Science, (4), 112-114.
  12. LUTFULLAYEVA, D. (2017). Associative dictionaries as a mirror of reflecting native speakers' word stock. Современные научные исследования и разработки, (2), 10-13.